

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

## МУНДАРИЖА

### МАНГУЛИККА ДАҲҚДОР

ФОНИЙ. Ёр қошида бўлма беадаб... *Рубоийлар*.....3

### НАСР

ФРИДРИХ НИТШЕ. *Зардўшт таваллоси. Насрий дoston*.....7

ВАЛЕРИЙ ЗАЛОТУХА. *Сўнги коммунист. Қисса*.....54

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

НУРЛАН ҲАРАЛИН. *Ўзингсан бу дунёда суянганим*.....46

### ПУБЛИЦИСТИКА

ЗБИГНЕВ БЖЕЗИНСКИЙ. *Буюк шахмат тахтаси*.....111

### ХОТИРАЛАР

МАТЁҚУБ ҚҲШЖОНОВ. *Армон*.....126

### НАВОИЙҲОНЛИК

РОЛАНД ПИЙЧ. *Навоийга оид битиклар*.....149

АҲМАД АБДУЛЛАЕВ. *Навоий асарларида Жомий тимсоли*.....152

АБДУЛЛА АЪЗАМОВ. *Назмнинг еттинчи осмони*.....156

## КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Р.ШАМСУТДИНОВ, П.ИСРОИЛОВ. **Чин ўзбек иши ҳақида чин талқиқот...**164

## САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

РОБЕРТ ШЕКЛИ. **Ҳикоялар**.....169

## ЖУРНАЛХОН МИНБАРИ

ХУРШИД ДҶУСТМУҲАММАД. **Ҳаракатдан тўхтаган жараён қиссаси.** .....200  
У.ҚОСИМОВ, М.ЖҶРАЕВ. **Истиқлол туҳфаси**.....207

Бош муҳаррир:  
Озод ШАРАФИДДИНОВ

Таҳрир ҳайъати:  
Мирпўлат МИРЗО  
(Бош муҳаррир муовини)  
Файзи ШОҶИСМОИЛ  
(масъул котиб)  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
Раҳматилла ИНОҶОМОВ

Жамоатчилик кенгаши:  
Қуддус АЎЗАМОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Рисбой ЖҶРАЕВ  
Нельматулла ИБРОҶИМОВ  
Абдулла ОРИПОВ  
Ғайрат ШОУМАРОВ  
Рустам ШОҶУЛОМОВ  
Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ  
Баҳром ҚУРБОНОВ  
Саидахор ҶУЛОМОВ  
Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ

**Жаҳон адабиёти, 2. 2004.**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Р.ИНОҶОМОВ  
Рассом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ  
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА  
Мусаҳҳиҳлар Д.АЛИЕВА, М.ҚОДИРОВА  
Компьютерда саҳифаловчи Н.ҚОДИРОВА

Теринга берилди 10.12.2003 й. Босинга рухсат этилди 25.02.2004й. Бичими 70x108 1/16.  
Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1200 нусха. А-5263 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида териблиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Жаҳон адабиёти, 2004 й.**

ФОНИЙ

Ёр қошида бўлма  
беадаб

*Рубоийлар*

1

**Т**ундан қиламан тонгта қадар зорликлар,  
Ҳаддан ўтди танҳолигу беморликлар,  
Юзланди фироқ туфайли дупворликлар,  
Эй ёр, қаёқда қолди ул ёрликлар?

2

Эй дўст, ҳалокатлидир айёми фироқ,  
Ҳижрон заҳарига қоришиқ жоми фироқ,  
Туғдирса висол тонгини гар шомии фироқ,  
Кечирма сира тутсам агар номи фироқ.

3

Давр эли жабр этса, кўтарма исён,  
Кўн борига, йўқ туфайли бўлма сарсон.  
Тинглаш керак эмасми — эшитма пинҳон,  
Сўзлаш керак эмасми — гапирма бир он.

4

Сенсиз мени(нг) сабримда фақат нуқсондир,  
Кўнглимда гамингдан алами ҳижрондир,  
Жоним чекибон беҳуда ранж нолондир,  
Бас, менда на сабру на дилу на жондир.

---

Маълумки, Алишер Навоий нафақат ўзбек, балки форс-тожик тилида ҳам Фоний таҳаллуси билан ижод қилган забардаст зуллисонайн шоир ҳисобланади. Форс-тожик тилини унинг иккинчи она тили, дейиш мумкин. Чунки у улғу форс-тожик сўз санъатқорлари таъсирида форсий тилда ҳам қалам тебратди ва бир умр бу машғулотни канда қилмади. “Ҳазойин ул-маоний” девонлар туркумини тузиб бўлгач, форс-тожик тилидаги ижод намуналарини ҳам тўплаб, “Девони Фоний”га жамлайди. 12 минг мисра шеърдан ташкил топган бу девон Ҳофиз Шерозий девонига қарийб тенг келади. Агар “Ситтаи зарурия” ва “Фусули арбаа” туркумларига кирган 10 қасидаси ва адабиётшуносликка оид “Муфрадот” рисоласини ҳам қўшса, шоирнинг форсий тилдаги мероси ҳам салмоқли эканлиги маълум бўлади. Алишер Навоийнинг форсий мероси Абдураҳмон Жомий, Камолитдин Биноий, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий каби замондошлари ва бошқалар томонидан юксак баҳоланган. “Девони Фоний”нинг мўътабар қўлёзмалари Париж, Теҳрон ва Туркия кутубхоналарида сақланади. Теҳрондаги нусха 1963 йили таниқли адабиётшунос олим Рукниддин Ҳумоюнфаррух томонидан нашр этилган. Ҳозирча энг мукамал деб қаралаётган Париж нусхаси эса 1965 йили машҳур шарқшунос Ҳамид Сулаймон томонидан

## 5

Шўхсан бу сулувлардан аён, эй соқий,  
Ошuftаман ўзингга ниҳон, эй соқий,  
Май жомини тўлдириб равон, эй соқий,  
Айла мени беҳуд замон, эй соқий.

## 6

Ҳажрингда ишим изтиробдир бу кеча,  
Тарк этгали жоним-да шитобдир бу кеча,  
Жисмимда фироқдан кўп азобдир бу кеча,  
Огоҳ бўл-ей, дил иши харобдир бу кеча.

## 7

Дил йўқ — асири зулфи паришонинг эмас,  
Жон йўқ яна саргашгаи ҳижронинг эмас,  
Дегунча дилинг энди қадрдонинг эмас,  
Бу жон меники, дегил, сенинг жонинг эмас!

## 8

Сеҳр илми кўзинг туфайли топди ривож,  
Бобил ила Кашмирдан ул олгай бож,  
Айёрсифат қилиб ул гоҳи торож,  
Тандан олар бошни худди бошдан тож.

## 9

Заъфимга ўшал қил каби бел боис,  
Қатлимга ўшал ҳалқаи кокил боис,  
Умримга ўшал қомати чун гул боис,  
Жонимга ўшал шаҳду шакар тил боис.

## 10

Мен ўз вужудимдан паришонман, бас,  
Ҳар ишки қилибман, пушаймонман, бас,  
Ақл менга насиб бўлмади — нодонман, бас,  
Нодонлигимга ўзим-да ҳайронман, бас.

## 11

Кетдинг, сени деб танимда тобдир ҳануз,  
Ёдингни қилиб, кўзим пуробдир ҳануз,  
Ишқинг ўтида таним каобдир ҳануз,  
Келгил яна, дил ғамда харобдир ҳануз.

---

Алишер Навоийнинг XV жилдлик асарлари таркибида илк бор босилиб чиққан. Шоирнинг XX жилдлик Мукамал асарлар тўпламига ҳам шу нусха асос қилиб олинган. “Девони Фоний”нинг янги нашридан шоирнинг 72 та рубойиси ўрин олган. Маълумки, мумтоз адабиётда рубойий икки хил қофияланиш тартибига эга: биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралари ўзаро қофияланадиган оддий ва ҳар тўртгала мисраси қофияланадиган таронаи рубойий. Буни Навоийнинг ўзи рубоия деб атайди. Шоирнинг барча форсий рубойилари ана шундай рубоия ёки таронаи рубойилардир. “Девони Фоний” ҳозирга қадар ўзбек тилига шеърый таржима қилинмаган. Фақат Фафур Гулом ва Ҳабибий шоирнинг бир неча газали, Шоислом Шомўхамедов “Тухфат ул-афкор” (“Тафаккур тухфалари”) қасидаси, қитъа ва рубойиларидан баъзи намуналарни, Носир Муҳаммад ҳам бир неча ғазал, қитъа ва рубойиларини ўзбекчалаштирганлар. Таниқли навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметов эса мазкур қасидани насрий таржима қилган. Ҳақиқий ва мажозий ишқ тараннуми, инсоний камолот масалалари, умрни қадрлаш, нафсни мазаммат қилиш, машуқа таъриф-тавсифи, висол умидию ҳижрон азоблари Фоний рубойиларининг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

*ТАРЖИМОН.*

## 12

Соқий, менга тутгил қани бир бор қадаҳ,  
 Чўнг бўлса-да гар бир неча миқдор қадаҳ,  
 Гар бўлса-да мисли чархи даввор қадаҳ,  
 Бир-икки симирсам, қолмас зинҳор қадаҳ.

## 13

Ёр қошида бўлма сира, эй дил, беадаб,  
 Бўлган каби бу шоҳ қошида кул беадаб,  
 Ёр васлига етган бўлмагай, бил, беадаб,  
 Оқил боадаб бўлга-ю, жоҳил беадаб.

## 14

Ишқинг ўтидан кўксимни зўрлар доғ,  
 Ғам шомиди осмонга қадар ўрлар доғ,  
 Ўтди ичим-у ҳамда ташимдан ҳар доғ,  
 Бас, қайга қўярман яна келса гар доғ?

## 15

Ул чехраки, ҳусн авжи эрур жилвагоҳ,  
 Зулфи орасидан солдим унга нигоҳ,  
 Бошдан-оёғига боқиб, бўлдим огоҳ,  
 Ҳеч тенг кела олмас унга офтоб ила моҳ.

## 16

Эй шўх соқий, тут менга бир ўгли шароб,  
 Бир қатраси томса, бўлсин тош-да хароб.  
 Чўнг ғам тоши танг дилимга бермиш кўп азоб,  
 Шояд уни енгиллатса бир оз майи ноб...

## 17

“Кимман бу жаҳонда?” — деб бўлурман ҳайрон,  
 Ёхуд нимаман? Неданман? Нега бу жон?  
 Инсонманми ё тупроқ — эрмас аён,  
 Тупроқ ҳақи, билмадим, мен нечук инсон?

## 18

Ўлдирма мени ҳажринг ила, эй жонон,  
 Бу ғамли дилимни этма баттар вайрон.  
 Мендан кеча олислаганинга бир он,  
 Бошимдан ақл учди-ю, жисмимдан жон.

## 19

Бўстонга кириб келди баҳор карвони,  
 Гуллар ҳидига тўлдирибон дунёни.  
 Лаззат олиб ғунчадан, бўлиб жонони,  
 Тунмиш кўзига гард наргиси шайдони.

## 20

То тонгтача қулбанг ёритар шамъи Хўтан,  
 Кун бўлса, жаҳон қулар қуёш нури билан,  
 Шом кирса, ҳилол ёғдусини сочгуси шан,  
 Ё Раб, шу тариқа бор ҳаётинг равшан!

**21**

Залворли бир тоғ сари тушгач йўл,  
Қалбимни яширдим, ёнди қайғуда ул.  
Орзум шу: жамиятга бутун силтаб қўл,  
Дил амри-ла тоғ этагин этдим манзил.

**22**

Чўлпон каби ол юзинг жаҳонга зийнат,  
Жаннатни солар ёдга ҳидинг, не ҳайрат?  
Сочсиз бу қадар гўзал эмас бу хилқат,  
Сочинг узун-у, гуссали тунга нисбат.

**23**

Бу майкада риндларга макон, эй соқий,  
Тортиб мени элтдилар у ён, эй соқий,  
Тут менга шароби арғувон, эй соқий,  
Майдан ўлишим бўлди аён, эй соқий.

**24**

Бу фасл хазон — баргрезон, эй соқий,  
Қолим-да гўё ранги хазон, эй соқий,  
Бу майда-да шу ҳол намоён, эй соқий,  
Ундан симирай замон-замон, эй соқий.

**25**

Дарवेश элидан гар тиласанг келсин файз,  
Ўзингдан уларга аввало бўлсин файз,  
Шу хилда ғариблар бошида кулсин файз,  
Сенинг-да шу жисму жонингга тўлсин файз!

**26**

Ёмон нимани истамасанг, хушхулқ бўл,  
Қасб этма риёни, тўғри бўлсин кўнги.  
Ҳар ёққа юрар эл, сен тут ўзга манзил,  
Қўй элни, ягона маҳраминг бўлсин Ул.

**27**

Бўлмоқ тиласанг агарда сен аҳли ҳавос,  
Ўзингни авом суҳбатидан айла ҳалос  
Ҳам сидку ихлос йўлидан илгари бос,  
Ҳақ зора мақоминг этса хос аҳлига мос.

**28**

Ҳокинг сени шоҳлар кулоҳининг банди,  
Ҳусн шоҳига тенг эмас башар фарзанди,  
Ҳасдек вужудимга юзинг барқ монанди,  
Чақса узилар жаҳондан жон пайванди.

*Форс тилидан  
Эрғаш ОЧИЛОВ таржималари.*



Фридрих НИТШЕ

# Зардўшт таваллоси

*Насрий дoston*

## ИККИНЧИ ҚИСМ

— Сиз ҳаммангиз мендан тонганда, мен яна сизга қайтурман.

— Чиндан, биродарларим, мен ўшанда йўқотганларимни бошқача кўз билан излайман; бошқача муҳаббат билан севаман мен сизни ўшанда.

*Зардўшт,**Эҳсон қилувчи эзгулик зикри.*

## БОЛА БИЛАН ОЙНА

**Ш**ундан сўнг Зардўшт яна тоғларга, ўз хилват мағорасига қайтди, худди уруғ сочган деҳқон каби уруғининг униб чиқишини кутиб, одамларнинг кўзига кўринмай юрди. Лекин унинг қалби бесабрлик билан тўла, ўзи севган одамларни соғинарди: зотан уларга берадиган нарсалари ҳали кўп эди. Энг қийини ҳам шу очик узатилган қўлни муҳаббат билан қисиб кўйиш ва эҳсон қилувчи каби ҳаё-ибони сақлаш.

Ёлғизликда унинг ойлари ва йиллари шундай ўтиб борарди; лекин унинг донолиги унга азоб берарди.

Аmmo бир куни эрталаб у ҳали тонг оқармасдан уйғонди, тўшаги устида ўтириб нималарнидир эслагандай узоқ хаёлга ботди, ва ниҳоят, унинг қалби тилга кирди:

“Уйқумда мени нима кўрқитди ўзи, бирдан уйғониб кетдим? Тушимда ойна кўтарган бола йўлиқмадими менга?”

“О, Зардўшт, — деди менга бола, — ойнага қараб ўзингни кўр!”

Ойнага қараб, мен қичқириб юбордим, юрагим зириллаб кетди: зотан ойнада ўзимни эмас, иблиснинг иршайиб турган башарасини кўрдим.

Мен, чиндан, тушларнинг башоратини жуда яхши биламан, уларнинг огоҳлантиришларини яхши тушунаман: Менинг *таълимотим* хатар остида, ёввойи ўт-ўлан ўзини буюдой қилиб кўрсатмоқчи!

Менинг душманларим кучайиб, таълимотимнинг қиёфасини бузмоқчилар, шу боисдан суйганларим мен уларга эҳсон қилган ҳадялардан уялсалар керак.

Мен ёру ошноларимни йўқотиб қўйдим; йўқотганларимни яна ахтариб топадиган пайт етди!”

Зардўшт шу сўзларни айтиб ўрнидан дик этиб турди, ҳаво етмай қолганидан ва ё кўрққанидан эмас, балки башоратгўй ва бахши каби ташқарига отилди, унинг қалбига руҳ меҳмон бўлган эди. Бургўти ва илони

Давоми. Боши ўтган сонда.

унга ҳайрон бўлиб қарашди: зотан келар иқбол худди тонг яллиғи каби унинг чеҳрасини ёритди.

— Менга нима бўлди ўзи, эй махлуқларим? — деди Зардўшт. — Ахир мен қайта ўзгармадимми? Менга серғулув қуюн мисоли фароғат келмадимми?

Менинг бахтим телбавор, шунинг боис у телбавор сўзлар айтур; у ҳали жуда ҳам ёш — унга раҳм қилингиз!

Мен ўз бахтимдан яраланганман, барча азоб чекувчилар менинг табибларим бўлишлари керак!

Мен яна ўз дўстларим ва ўз душманларим қошига туша оламан! Зардўшт яна сўзлаши, яна тортиқлар қилиши ва яна ўз суюклиларига муҳаббатини улашиши мумкин.

Менинг бесабр муҳаббатим пўртаналари қирғоқлардан тошиб, юксак зирвалардан водийларга, шарку ғарб сари отилмоқда. Мангу гунг тоғлар ва азобнинг гулдурасли булутларидан менинг қалбим водийларга тушиб боради.

Узоқ вақт ҳасрат чекиб олисларга тикилдим. Узоқ вақт ёлғизлик оғушида бўлдим — сукут сақлаб ўтиришни ёдимдан чиқардим.

Мен баланд қоялардан отилиб тушаётган жилғанинг тили ва шов-шувига айландим; куйи водийларга мен ўз сўзларимни итқитмоқчиман.

Майли, менинг муҳаббатим тўлқинлари ўша пастга, йўлсиз ерларга қуюлиб борсин! Тўлқинлар охир-оқибат денгиз сари йўл топмасинми!

Рост, менинг ўзи тўлувчи дарвеш кўлим бор; лекин муҳаббатим тўлқинлари уни ўзи билан эргаштириб оқизиб кетади денгизга!

Мен янги йўллардан бораман, менга янги сўз келмоқда; барча бунёдкорлар сингари мен эски тақиллаган тиллардан чарчадим. Энди менинг руҳим сийқаси чиққан пошналарда юришни истамайди бошқа.

Мен учун ҳар қандай сўз жуда секин оқади — мен сенинг тугёнли араванга минаман, эй бўрон! Ҳатто сени ҳам ўз қаҳрим ила қамчилаб, қичаб боргум!

Мен олис денгизлар узра худди ҳайқириқ ва сурур сингари учгим келур, токи дўсту ёрларим товсилиб қолган фароғатли ороларни тошгунга қадар. —

Менинг душманларим улар орасида! Мен ҳар кимгаким сўйлай олсам, ўша ҳар кимни шунчалар севаманки! Ҳатто душманларим ҳам менинг фароғатимга тааллуқли.

Мен ўзимнинг энг асов бедовимга минмоқни истасам, ўша онда менинг найзам менга ҳаммадан яхши мадад беради: у ҳар қандай вақтда менинг оёқларимнинг ҳозир у нозир хизматкори.

Найза, мен уни ғанимларга қарши отаман! Мен ўз ғанимларимга раҳматлар айтман, чун ниҳоят найзани итқитиш палласи келди!

Булутимнинг зўриқиши шунчалар кучли эди; чақмоқларнинг қаҳқаҳалари остида мен водийларга дўл ёғдиришни истайман.

Кўксим унда ҳайбатли қад кўтарур; тоғлар узра унинг бўронлари даҳшат солур — кўксим бундан ором олур.

Ҳақиқатан, менинг тахтим ва эрким худди бўрон каби келажак! Аммо менинг душманларим бизнинг бошимиз узра *ёвуз руҳ* тугён солмоқда деб ўйлашлари керак.

Ҳатто сиз, менинг ёронларим, менинг асов донолигимдан кўрқиб кетурсиз ва эҳтимол, ундан душманларим билан биргаликда қочиб қолурсиз.

Оҳ, қани эди, чўпон сибизғаси бирла сизни яна ўз бағримга тортсам! Оҳ, қанийди, менинг шери ғаррон донолигим майин ириллай билсайди! Биз кўп нарсаларни бирга ўрганганмиз!

Менинг асов донолигим хилват тоғларда урчиди; қаттиқ харсанг тошлар устида у кўз қароқларининг энг кичиги, энг ёшини дунёга келтирди.

Мана энди у телба муқаҳҳар саҳроларда сарсари чошиб, ўз юмшоқ чимлоқини излайди — ул кўҳна асов донолигим!

Қалбингизнинг юмшоқ чимлоқларига, эй ёронларим! Сизнинг муҳаббатингизга у ўз суюкли арзандасини ётқизмоқни истар!

Зардўшт шундай зикр қилди.



## ФАРОҒАТЛИ ОРОЛЛАРДА

Анжир дарахларининг мевалари тўкилади, улар ширали, лазиз; мевалар то ерга тушгунча уларнинг қизғиш пўстлоғлари арчилиб кетади. Мен фарқ пишган мевалар учун шимол шамолиман.

Худди шундай анжир меваларидай сизнинг этагингизга тўкилади ушбу панд-насихатларим, эй ёронларим, энди унинг шарбатини ичингиз ва ширин меваларини татиб кўрингиз! Бизни кузнинг мусаффо осмони ўрайди, вақт ҳам чошгоҳдан ўтди.

Қаранг, қанчалар саховатли неъматларга тўлиқ теварак-атрофимиз! Бу саховат оралаб узоқ денгизларга қарамоқ қанчалар роҳат!

Бир замонлар узоқ денгизларга қараб айтишарди: Худо! Лекин мен энди сизга: ало одам, деб айтишни ўргатдим.

Худо бу тусмолдир, лекин мен сизнинг тусмолингиз бунёдкор иродангиздан нарига ўтмаслигини истардим.

Сиз худони бунёд қила олармидингиз? Ҳар қанақа илоҳлар ҳақида менга гапириб ўтирманг! Лекин сиз ҳеч қандай шак-шубҳасиз ало одамни бунёд қилишингиз мумкин эди.

Балки сизнинг ўзингиз эмасдир, ёронларим! Балки сиз ўзингизни ало одамнинг оталари ва аждоллари мисоли қайта яратишингиз мумкин; майлига, бу сизнинг энг яхши бунёднингиз бўлмай!

Худо — бу тусмол; лекин мен сизнинг тусмолингиз фикр етадиган ҳудуд билан чегараланган бўлишини истайман.

Сиз худони фикрлай олармидингиз? Лекин бу сиз учун ҳақиқат иродасини англатсин, токи ҳаммасини инсоний фикрлаш мумкин бўлсин, инсоний кўриш мумкин бўлсин, инсоний ҳис қилиш мумкин бўлсин! Ўзингизга тегишли ҳиссиётларни сиз охиригача ўйлаб олишингиз даркор!

Сиз дунё деб атаган нарсани аввал ўзингиз яратмоғингиз керак: Сизнинг ақлингиз, тимсолингиз, иродангиз, муҳаббатингиз аввало унга айлансин! Бу, ҳақиқатан, сизнинг фароғатингиздир, эй сиз, солиҳ билгувчилар!

Бундай умид бўлмаса, сиз бу ҳаётга қандай чидар эдингиз, эй сиз билгувчилар? Сиз билиб бўлмайдиган ва ақл етмайдиган нарсалар билан бир жинсда бўлиб қолмаслигингиз керак.

Аммо мен сизга ўз юрагимни бугунлай очмоқчиман, ёронларим: агар илоҳлар бор бўлсайди, мен ўзимни илоҳ бўлмоқдан тутиб қола билармидим! *бинобарин*, илоҳлар йўқ.

Рост, мен бу хулосани чиқардим, лекин у энди мени ўзидан чиқармоқда.

Худо бу тусмолдир; лекин бу тусмолнинг азобини бус-бугун ичмай туриб ўлиши мумкинми ахир: Наҳот бунёдкорнинг ишончидан маҳрум қилиш ва бургутлардан уларнинг бургутларга хос юксакликларда парвозини тортиб олиш керак бўлса!

Худо бу фикрдир, у барча тўғри нарсаларни қийшиқ ва барча турган нарсаларни эврилувчи қилади. Қандай? Вақт ғойиб бўлурми ва барча ўткинчи нарсалар ёлғонга чиқурми?

Бундай ўйлаш — бу инсон суяклари учун қуюн ва ликилдоқ, курсоқ учун эса кўнгил айнамоғидир; ҳақиқатан, бундай нарсани тусмоллашни мен ликиллаш касали деб биламан.

Мен бу ягона, тўлиқ, мегин, тўқ ва ўзгармас ҳақидаги таълимотни инсон учун ёвуз ва ғаддор дегим келади!

Барча ўзгармас нарсалар фақат тимсолдир! Ва шоирлар жуда кўп ёлғон сўзлайдилар.

Аммо вақт ва тикланиш ҳақида энг яхши тимсоллар сўзлашлари керак: улар барча ўткинчи нарсаларга мақтов ва улар учун оқловчи бўлмоғи даркор.

Яратиш — бу азобдан буюк қутулиш ва ҳаётнинг энгиллашидир. Лекин бунёдкор бўлиш учун азобларга дучор бўлмоқ ва кўп эврилишларга учрамоқ лозим.

Ҳа, сизнинг ҳаётингизда аччиқ ўлим кўп бўлса керак, эй бунёдкорлар. Шундай экан, барча ўткинчи нарсаларни ёқловчи ва оқловчи бўлингиз.

Бунёдкор ўзи янги туғилган гўдак бўлсин, бунинг учун у ҳомиладор бўлмоқни орзу қилсин ва туғиш азобларини бошидан кечирсин.

Ҳақиқатан, мен ўз йўлимдан юзлаб жонлар оша, юзлаб беланчаклар ва туғиш қийноқлари оша ўтганман. Шу пайтгача кўп бора видолашганман, мен кўп охирги юракни вайрон айлагувчи соатларни биламан.

Лекин менинг бунёдкор иродам, менинг қисматим шуни истайди. Ёким, янада очиқроқ қилиб айтсам, худди мана шундай қисматни истар менинг истагим.

Барча ҳис қилувчи менда азоб чекар ва зиндонбанд ётур; лекин менинг иродам менга худди халос қилувчи ва хушxabар етказувчи каби келур.

Ирода халоскор: ирода ва эрк ҳақидаги чин таълимот шундай — уни сизга Зардўшт таълим бергай.

Ортиқ истамамоқ, ортиқ баҳо бермамамоқ, ва ортиқ бунёд қилмамамоқ! Оҳ, ушбу улуг ҳорғинлик абадул абад мендан йироқ бўлгай!

Ҳатто билмоқликда ҳам мен фақат туғилиш қувончи ва иродамнинг тикланиш шодлигини туяман. Агарда менинг билмоғимда маъсумлик бўлса, бунинг сабаби унда туғилиш иродаси мавжудлигидир.

Худодан ва худолардан мени нари тортиб кетди ушбу ирода; агар худолар бор бўлсайди — нимани ҳам ярагиб бўларди унда!

Лекин менинг бунёдкорликка оташин иродам мени яна ва яна қўймай доим инсон сари тортади; чўқмор тошга шундай шиддат билан тушади.

Оҳ, одамлар, тошда мен учун тимсол мудрайди, у тимсолларимнинг тимсоли! Оҳ, у энг қаттиқ ва энг бадбашара тошда мудраб ётса керак!

Энди менинг чўқморим шаҳд-шиддат билан ўз зиндони узра тушур. Тошдан тош парчалари отилур; бунинг билан менинг нима ишим бор?

Туталламоқ истаيمان мен бу тимсолни: зеро, менга соя яқинлашди — энг индамас ва энг енгил у менга яқинлашди!

Ало одамнинг гўзаллиги менга худди соя каби яқинлашди. Оҳ, биродарларим! Энди менинг худолар билан не ишим!

Зардўшт шундай тавалло қилди.

## МУШФИҚЛАР ЗИКРИ

Ёронлар! Дўстингизнинг қулоғига шундай сўзлар чалинди: “Зардўштга қаранглар-ов! У бизнинг орамизда худди махтуклар ичида юргандай эмасми?”

Лекин агар бундоқ дейилса, яхшироқ эди: “Толиб одамлар орасида худди ҳайвонлар ичида юргандай бўлади”.

Лекин толибнинг назарида одамнинг ўзи шундай аталади: икки ёноғи қип-қизил махлуқ.

Бу исм унга қайдан келди? Тез-тез қизариб, уялиб туришига тўғри келганидан эмасми?

О, ёронларим! Толиб шундай дейди: уят, уят, уят — мана инсоннинг тарихи!

Шу боис олижаноб киши бошқаларни уялтиришдан ўзини тияди: у ҳар қандай азоб чекаётган кимса қошида ўзини уятли ҳисоблайди.

Чиндан мен бировга ачинувчи, ўз раҳм-шафқатидан фароғат тошгувчи мушфиқларни ёқтирмайман: улар ҳаддан ташқари уятдан маҳрум.

Мабодо менга мушфиқ бўлишга тўғри келса, барибир шундай деб аталишни хоҳламайман; мабодо мен мушфиқ бўлсам, жуда ҳам узоқда туриб бўламан.

Мен юзимни яширишни яхши кўраман ва мени таниб қолмасларидан бурун қочиб кетаман; сизларга ҳам шундай қилишни маслаҳат бераман, биродарларим!

Ишқилиб, менинг толейим худди сизга ўхшаб мушфиқликдан узоқ бўлганлар йўлидан боришга насиб этсин. Зеро, улар билан байрамим, касалим, умидимни бўлишмоққа ҳақлиман!

Чиндан ҳам, мен унисини ҳам, бунисини ҳам барча азоб чекаётганлар учун қилганман; лекин менга шундай туюладики, кўпроқ шод-хуррам бўлишга ҳаракат қилганимда мақбул иш қилганман.

Одамлар дунёга келгандан бери одам боласи жуда оз шод-хуррам бўлди; мана шунинг ўзи фақат, биродарларим, бизнинг азал гуноҳимиздир!

Биз яхши хурсанд бўлишни ўргансак, ўшанда биз бошқаларга қайғу-ғам келтириш, бу нарсаларни тўқиб чиқариш, ўйлаб топишдан қутуламиз.

Шунинг учун мен азоб-уқубат чекаётганга ёрдам берган қўлимни юваман, шунинг учун мен кўнглимни тозалайман.

Зеро, мен гамзадани азоб чекаётган ҳолда кўрганымда унинг уятидан уятга тушардим; унга ёрдам берганимда эса, унинг гурурини шафқатсиз суратда топтардим.

Катта-катта ёрдам ўтказиб қўйиш миннатдорчиликка эмас, қасд олишга олиб боради. Мабодо кичкина бир яхшилик унутилмас экан, у ични кемирувчи қуртга айланади.

“Бирон-бир нарсани қабул қилаётганда, ўзингизни кўрс-дағал тутинг! Мен оляшман-ку, шунинг ўзи етмайдами деб эҳсон қилувчига раҳматингизни билдиринг!” — олган совғаси эвазига қаримта қайтаролмайдиганларга мен шундай маслаҳат бераман.

Лекин мен эҳсон қилувчиларданман: мен дўстларга дўст каби совға қилмоқни яхши кўраман. Лекин бегоналар ва бечоралар менинг дарахгимдан меваларни ўзлари узиб олсинлар; уялиб ўтирмасинлар.

Лекин тиланчиларни бутунлай йўқотиб юборса арзийди! Уларга берсанг ҳам алам қилади, бермасанг ҳам, алам қилади.

Улар билан бирга гуноҳкорлар ва виждон қийноқлари ҳам қўшмозор бўлиб кетсин! Дўстларим, менга ишонинг: виждон қийноқлари қийнашга ўргатади.

Лекин энг ёмони майда гаплар. Майда гап қилгандан кўра ёвузликнинг ўзини қилиб қўя қолган афзал!

Гарчи сиз: “кичкина ёмонликнинг қувончи бизни катта ёмонлик қилишдан сақлайди”, дейсиз, лекин бунда тежамкорлик қилишнинг ҳожати йўқ.

Ёмон иш чиққонга ўхшайди: зириллайди, қичишади, йиринглайди, уни яшириб бўлмайди.

“Қара, мен — маразман”, — ёмонлик ана шундай дейди; унинг очқиқлиги шунда.

Лекин майда гап учуққа ўхшайди: у ўрмалаб, биқиниб, пусиб чиқади, то майда учуқлар бутун баданга тошиб, одамни лоҳас қилиб, бўшаштириб юбормагунча, қаерда бўлишини билмайди.

Лекин шайтон урган одамнинг қулогига мен шундай дейман: “Сен ўз шайтонингни ўстирсанг бўларди! Ҳали ҳатто сенга ҳам улуғлик йўли очиқ!”

Оҳ, ёронларим! Ҳар бир нарса ҳақида жуда кўп нарсаларни биладилар! Кўплар бизнинг кўз ўнгимизда шаффоф бўлиб қоладилар, лекин шундай бўлса ҳам биз уларни ёриб ўтолмаймиз.

Одамлар билан яшаш қийин, зеро индамай туриш ғоятда мушкул!

Бизга ёқмайдиган кимсга эмас, ҳеч қандай ишимиз бўлмаган кишига кўпроқ биз адолатсизлик, инсофсизлик қиламиз.

Лекин агар сенинг азоб чекаётган дўстинг бўлса, сен унинг азоблари тин олгувчи жой бўлгил ва шу билан бирга унга қаттиқ тўшак ва йўл — каравот бўлишни ҳам унутма: шунда сенинг унга кўпроқ фойданг тегади.

Агар дўстинг сенга бирон-бир ёмонлик қилса, унга шундай деб айт: “Мен бу қилиғингни кечираман, лекин бу қилиғингни мабодо ўзингга қилсанг, мен сени кечира олармидим!”

Ҳар қандай буюк муҳаббат шундай дейди: у ҳатто кечирим ва ачинишни ҳам енгиб ўтади.

Ўз юрагингни жиловлаб туришинг керак; уни бўш қўйиб юборсанг, ҳаш-паш дегунча бошингни йўқотиб қўясан!

Оҳ, мушфиқлар ўртасидаги телбаликлардан ҳам ортиқроқ телбалик бормикин дунёда? Мушфиқларнинг телбаликларидан кўпроқ азоб-уқубат келтирган бошқа нарса бўлганмикин дунёда?

Барча севгувчиларнинг алам-азоби курсин, уларнинг раҳм-шафқатидан ўзга чўққиси йўқ!

Бир куни менга иблис шундай деди: “Ҳатто худонинг ҳам ўз дўзахи бор — бу унинг одамларга муҳаббати”.

Яқинда унинг шундай деяётганини эшитдим: “Худо ўлди; одамларга раҳм-шафқати боис худо ўлди”.

Шундай қилиб, мен сизни раҳм-шафқатдан огоҳ этаман: у ёқдан одамлар бошита оғир булут яқинлашмоқда! Мен чиндан, момақалдиروқ аломатларини яхши биламан!

Яна шу сўзларни ҳам яхши эслаб қолинг: ҳар қандай буюк муҳаббат ўз раҳм-шафқатидан юқорироқдир: у ўзи севган нарсани яна яратишни истайди!  
 “Мен ўз-ўзимни муҳаббатимга ва худди ўзимга ўхшаган ўз яқинимга курбон қиламан” — барча бунёдкорлар шундай деб айтмоқлари даркор.  
 Лекин барча бунёдкорлар жуда қаттиқ,

Зардўшт шундай зикр қилди.

## РУҲОНИЙЛАР ЗИКРИ

Бир куни Зардўшт ўз шоғирдларига ишора қилди ва уларга шу сўзларни айтди:

“Манавилар — руҳонийлар; гарчи улар ҳам менинг душманларим бўлсалар-да, лекин сиз улар ёнидан қиличларингизни туширган ҳолда жим ўтиб борасиз!

Шунингдек, уларнинг ўрталарида ҳам қаҳрамонлар бор; уларнинг кўплари кўп азоб чекканлар; шунинг учун улар бошқаларни азоб чекишга мажбур қиладилар.

Улар — қаттол душмандирлар: уларнинг мўмин-қобиллигидан ҳам ортиқ кимса йўқ. Уларга ҳужум қилган шу заҳоти ўзини макруҳ этади.

Лекин мен улар билан қондошман<sup>1</sup>, шунинг учун мен ўз қонимни улар қонига қўшилишини истайман.

Улар руҳонийлар ёнидан ўтиб кетишгач, Зардўштни ғам босди; лекин у ўз қайғуси билан узоқ олишиб ўтирмади, кейин у шу сўзларни айтди:

Мен бу руҳонийларга ачинаман. Уларни сира ёқтирмайман. Лекин одамлар орасида яшаётганимдан бери улар менга у қадар ёвуз бўлиб кўринмайдилар.

Мен улар билан азоб чекканман, ҳамон азоб чекаман: менинг назаримда улар — асоратдаги тамға урилган одамлар. Улар назарида халоскор бўлган зот уларни кишанлаб қўйган:

Бу ёлгон қадриятлар ва телбавор сўзлар кишани! Оҳ, уларни кимдир халоскоридан халос қилсайди!

Денгиз ҳар томонга улоқтирганда, улар бир пайт оролга қўнмоқчи бўлдилар; лекин орол уйқуда ётган баҳайбат махлуқ бўлиб чиқди!

Ёлгон қадриятлар ва телба сўзлар — ўладиган одам учун энг ёмон махлуқлардир, — уларда қисмат узоқ мудраб кутади.

О, ниҳоят бир кун у кўзини очади, пойлаб боради ва унинг устида ўзига маскан қурганларни гажиб ёйди ва ютиб юборади.

Бу руҳонийлар қурган масканларга ўзингиз бир қаранг-а! Улар ўзларининг муаттар ҳидлари анқиб турган мафораларини черков деб атайдилар.

О, бу сохта зиё, бу диққинафас қилувчи бўғиқ ҳаво! Бу ерда дин ўз юксакликларига парвоз қилиб кўтарила олмайди!

Уларнинг динлари шундай буюради: “Нардбондан тиззаларингизда кўтарилингиз, эй журм қилганлар!”

Мен чиндан кўзлари ола-кула бўлиб кетган уятни ва уларнинг лутфу навозишларини кўргандан кўра шармсизни кўрмоқни афзал биламан!

Ким ўзига қурди бу мафоралар ва тавба-тазарру шотиларини? Очиқ осмондан уялганлар ва беркиниб олганлар эмасмиди улар?

Бузилган томлар оралаб яна очиқ осмон кўринганда ва бузуқ деворлар узра қирмизи лолалар очилганда, фақат ана шундагина мен ўз қалбимни яна ушбу худонинг масканларига очгайман.

Улар ўзларига қарши бўлган ва азоб еткизганни худо деб атадилар. Уларнинг бу сифинишларида кўп қаҳрамонлик ҳам бор эди!

Инсонни хочга михлабгина улар ўз худоларини сева билардилар!

Ўлиқлар каби яшашни кўзладилар улар; ўз лошларини қора либосларга ўрадилар; ҳали ҳамон ҳатто уларнинг нутқларидан хилхоналарининг уфунати анқиб туради.

Ким уларнинг ёнларида яшаса, қурбақалар ширин хаёллар оғушига берилиб, ўз чолгусини чалаётган қора ҳовузлар бўйларида яшайди.

<sup>1</sup> Нитшеннинг отаси руҳоний — пастор эди. Бу ерда шунга ишора қилинмоқда.

Мен уларнинг халоскорига ишонмоғим учун улар менга ўзларининг энг яхши кўшиқларини айтишлари керак: унинг шогирдлари халос бўлган каби кўринмоқлари даркор!

Мен уларни урэн кўрмоқ истаيمان: зеро, фақат гўзаллик тавбани тарғиб этади. Лекин бу ўраниб-чирманган ғамбодага ким инонарни!

Чиндан, уларнинг халоскорлари эркдан ва эркнинг еттинчи осмонидан келиб чиқмадилар! Чиндан, уларнинг ўзлари ҳеч қачон билик гиламларида юриб кўрмаганлар!

Бу халоскорларнинг руҳи илма-тешиқлардан иборат эди: улар ҳар бир илма-тешиқка ўз телбаликларини ва худо деб аталган ўз тиқинларини жойлаштирганлар.

Уларнинг раҳм-шафқатларида уларнинг руҳи чўқди ва улар раҳм-шафқатдан шишганларида сатҳида доимо буюк телбалик сузиб юарди.

Худди келажакка фақат битта сўқмоқ олиб борадигандай, улар дарғазаб ҳайқириқлар билан ўз подаларини ёлғизоёқ йўлдан ҳайдаб борадилар! Ҳақиқатан, ҳатто шу қўйчибонлар ўз қўйларига ҳам тегишли эдилар.

Ушбу шўбонларнинг ақли кичкина ва кўнгли кенг эди; бироқ, эй ёронларим, ҳатто энг кенг кўнгиллар ҳам шу пайтгача қанчалар кичкина ўлка эдилар!

Улар ўзлари ўтган йўлларда қонли белгиларни ёзиб қолдирган эдилар ва уларнинг телбаликлари ҳақ қон билта гувоҳликка ўтишини ўргатарди.

Лекин қон — ҳақнинг энг бадтарин гувоҳи; қон энг тоза таълимотни ҳам телбалик ва юрак аламига айлантириб заҳарлайди.

Агар кимдир ўз таълимоти учун ўтга кирмоқчи бўлса — бу нимани ҳам кўрсатарди! Лекин чиндан ўз-ўзининг ёнишингдан ўз-ўзингни таълимотинг келиб чиқса, бу энди бутунлай бошқа гап!

Ҳовурли юрак ва совуққина бош учрашган ерда довул кўзгалади, буни “халоскор” деб аташади.

Халқ халоскорлар деб атайдиганлардан кўра бир қадар улуғроқ ва насл-насаби ҳам бир қадар олийроқ одамлар бўлишган эди, чиндан ҳам! Булар ҳамма нарсаларни ўз ортидан эргаштирган довуллар эди!

Агарда сиз ёронларим, эрк сари йўл топишни истасангиз, ҳамма халоскорлардан ҳам бир қадар улуғроқ халоскордан халос бўлишингиз зарур!

Шу пайтгача ҳеч қачон ало одам бўлмаган эди! Энг катта ва энг кичик одамнинг ҳар иккисини мен урэн ҳолда кўрдим.

Улар ҳали бир-бирларига жуда ҳам ўхшайдилар. Ҳақиқатан, ҳатто уларнинг энг улуғларини ҳам мен ҳаддан ортиқ одамий ҳолда кўрдим!

Зардушт шундай зикр қилди.

## ЯХШИ ФАЗИЛАТ ЭГАЛАРИ ЗИКРИ

Мудроқ ва туш каби ҳиссиётлар билан қалдироқлар ва кўк чақмоқлари тилида сўйлашмоқ авло.

Аммо гўзаллик овози оҳиста сўзлар: у жуда инжа, сезгир қалбларгагина етиб борадир.

Бугун менинг тамғали қалқоним секин-аста қалтирар ва куларди: бу қутлуғ кулгу ва гўзаллик титроқлари.

Эй сиз, яхши фазилат эгалари, бугун менинг гўзаллигим сизнинг устингиздан келди. Менга унинг овози етиб келди! “Улар яна ўзларига ҳақ тўлашларини иташади!”

Эй, сиз, яхши фазилат эгалари, сиз яна ўзингизга ҳақ тўланишини истайсиз! Яхшилиқ учун ҳақ олишни, ер учун кўкни, сизнинг бугунги кунингиз учун мангуликни олишни истайсизми?

Энди сиз мендан норози бўласиз, зеро, мен эҳсон бергувчи йўқ деб ўргатаманми? Ҳақиқатан ҳам, яхшилиқнинг ўзи ўзи учун мукофот деб ҳатто ўргатаётганим йўқ.

Оҳ, мана менинг қайғум: нарсаларнинг замирига мукофот ва жазони маккорона тарзда жойладилар — эй, сиз, яхши фазилатли кишилар, сизнинг кўнгил замирингизга ҳам шундай қилдилар!

Лекин менинг сўзим тўнғизнинг тиши каби сизнинг кўнглингиз замирини тилкалаб борсин; мен сиз учун омоч бўлайин.

Замирингиз тубидаги барча нарсалар ташқарига чиқсин; сиз тилка-пора бўлиб синиқларингиз офтобда ётган чоғда сизнинг ёлғонларингиз ҳақиқатингиздан ажралиб чиқур.

Зеро, мана сизнинг ҳақиқатингиз: ўч, жазо, мукофот ва қасос каби сўзларнинг ифлоси учун сиз *ҳаддан ортиқ озода тансиз*.

Она жужугини севган каби сиз ўз яхшилигингизни севасиз. Лекин она ҳеч қачон ўз муҳаббати учун ҳақ талаб қилганми, сиз буни эшитганмисиз?

Сизнинг яхшилигингиз — бу сизнинг энг қимматли ўз-ўзингиз. Сизда тўғаракнинг ташналиги мавжуд; яна қайтадан ўз-ўзига етиш учун ҳар бир айлана ўргулади, эврилади, айланади.

Сизнинг эзгулик йўлидаги ҳар бир ишингиз сўниб бораётган юлдузга ўхшайди: унинг нури доим яна йўлда ва адашиб юради — қачон бу нур йўл босишдан тўхтаркин?

Сизнинг яхшилигингиз бошқа бир чет, бегона нарса, тери ва ё ёпинчик, парда эмас, балки сизнинг ўз-ўзингиз бўлсин — мана шу кўнгил ўзагидаги ҳақиқатдир, эй яхши фазилатли кишилар!

Лекин яхшиликни қамчи-калтак зарбалари остида тўлғаниш деб тасаввур қилувчилар ҳам бор; сиз улар дод-фарёдларини ҳаддан ортиқ кўп эшитгансиз!

Ўз иллатларининг танбал ҳолатларини яхшилиқ деб тушунувчилар ҳам йўқ эмас; уларнинг узвларини нафрат-аламлари ва ҳасад-кўролмасликлари тириштириб туради, уларнинг “адолати” ҳам уйғонади ва уйқулик кўзларини ишқалайверади.

Шундайлар ҳам борки, уларни доим тубанга тортиб туради: девлари уларни тортади. Бироқ қанча паст тушсалар, уларнинг кўзлари шунча равшан ёнади, ўз худосидан тамаси шунча ортади.

Эй, фазилатлилар, сизнинг қулоғингизга яна шундай ҳайқирик ҳам етиб борди: “Мендан бошқа бари, мен учун худо ва яхшилиқдир!”

Шундайлар ҳам борки, улар водийга тош ташийдиган аравалар каби базўр гижирлаб йўл босадилар: улар қадр-қиммат ҳамда яхшилиқ ҳақида кўп сўзлайдилар — ўз жиловларини улар эзгулик деб атайдилар!

Ҳар куни бураб қўйиладиган соатга ўхшайдиганлар ҳам бор; улар так-тук қилиб турадилар ва так-тук эзгулик деб аталишини истайдилар.

Ҳақиқатан, улар кулгимни қистатадилар: бундай соатларга қаерда дуч келмай, уларни ўз кулгим билан бураб қўяман; улар менга яна пўписа ҳам қилиб қўядилар!

Бошқа бировлар ўзларининг бир ҳовуч адолатлари билан гурурландилар ва уни деб ҳамма нарсаларга қарши жиноят қиладилар — шундай экан, дунё уларнинг адолатсизликларига кўмилиб ётади.

Оҳ, “яхшилиқ” сўзи уларнинг оғизларида қанчалар хунук эшитилади! Улар: “Биз биргаликда ҳақмиз”, деб айтганларида бу доим: “Биз бургаликда ҳақмиз!” — дейилгандай эшитилади.

Улар ўз ганимларининг кўзларини ўз яхшилиқлари билан ўйиб олишни истайдилар; улар бошқаларни ерга уриш учун юқорига кўтарилдилар.

Бироқ яна шундайлар ҳам борки, улар ўз ботқоқларида ўтириб, қамиш орқали шундай сўзлайдилар: “Яхшилиқ бу — балчиқда жимгина ўлтиришдир.

Биз ҳеч кимни чақмаймиз ва чақадиганлардан ўзимизни олиб қочамиз; бизга нима дейилган бўлса фақат шуни қиламиз”.

Яна шундайлар борки, улар ишораларни яхши кўрадилар ва шундай ўйлайдилар: яхшилиқ — бу ишораларнинг тури.

Уларнинг тиззалари доим таъзимда, уларнинг қўллари эса яхшилиқка ҳамду сано ўқийди, лекин уларнинг кўнгли яхшилиқ нималигини билмайди.

Яна шундайлар борки, улар: “яхшилиқ зарур”, деб айтишни яхшилиқ деб билдилар; лекин дилларида фақат полиция зарур деб ишонадилар.

Кўплар одамлардаги юксакликни кўролмасдан, улардаги тубанликни яқиндан туриб кўрган чоеларида, шуни яхшилиқ деб атайдилар; шундай, улар ўз ёмон кўзларини яхшилиқ деб ҳисоблайдилар.

Бировлар ўқиш-ўрганишни ва ҳақ йўлига киришни истайдилар ва буни

эзгулик деб атайдилар; бошқа бировлар эса — ҳамма нарсадан воз кечмоқчи бўладилар ва буни яхшилик деб қарайдилар.

Шундай қилиб, деярли ҳамма яхшилик қилишимиз деб ўйлайди ва ишонади; ва ҳаммалари оз деганда “яхшилик” ва “ёмонлик” билимдонлари бўлишни хоҳлашади.

Лекин Зардўшт ушбу барча ёлғончилар ва тентакларга: “Сиз яхшиликнинг нимасини биласиз! Унинг нимасини ҳам билардингиз!” — деб айтиш учун ер юзига келмаган.

У сиз, ёронларим, ёлғончилар ва тентаклардан ўрганиб олган эски сўзлардан толиқишингиз;

“мукофот”, “қасос”, “жазо”, “қасос адолатда” деган сўзлардан чарчашингиз;

“Бундай хатти-ҳаракат яхши, зеро, у холисдир”, деганга ўхшаш сўзларни айтишдан чарчашингизни кўзлаб келгандир.

Оҳ, ёронларим! Худди она болада акс этганидек, сизнинг Ўз-ўзингиз ҳаракатингизда инъикос этсин, — сизнинг яхшилик ҳақидаги сўзингиз шундай бўлмоғи керак!

Мен ҳақиқатан, сизнинг юзлаб сўзларингизни ва яхшилигингизнинг жуда қимматли шақилдоқларини тортиб олдим; энди сиз худди болалар каби мендан жаҳлингиз чиқаяпти.

Улар денгиз бўйида ўйнаб юришарди — бирдан катта тўлқин келдию ўйинчоқларини денгиз қаърига олиб кетди; энди улар йиғлаб ўтирибдилар.

Бироқ ўша тўлқиннинг ўзи уларга янги ўйинчоқлар олиб келиши ва улар олдига янги ранго-ранг чиганоқларни тўкиб ташлаши керак!

Улар шундай юпанч олурлар; худди улар сингари, сиз ҳам, ёронларим, ўз юпанчингизни — янги ранго-ранг чиганоқ-садафларингизни олурсиз!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ҚАЛАНҒИ-ҚАСАНҒИ КИМСАЛАР ЗИКРИ

Ҳаёт қувонч булоғи; бироқ қаланғи-қасанғилар сув ичган барча ерларда булоқлар заҳарланган бўлади.

Барча тоза нарсаларни севаман; лекин тишлари иршайган башарали мурдаларнинг ташналикларини кўришга тоқатим йўқ.

Улар булоқ тубларига назар соладилар; булоққа қарасам, менга уларнинг мараз, тиржайишлари кўринади.

Муқаддас сувни улар ўз ҳирслари билан булғадилар; улар ўз ифлос тушларини хурсандчилик деб атаганларида шу етмай тургандай сўзларни ҳам булғадилар.

Улар ўз тоб ташлаган, зах босган юракларини ўтга қўйганларида ўт дод дейди; қаланғи-қасанғилар ўтга яқинлашганларида руҳнинг ўзи қайнаб, дуд чиқаради.

Мева уларнинг қўлларида чучмал ва чирик бўлиб қолади; уларнинг нигоҳи илдизни емиради ва мевали дарахтни қуруқ шох-шаббага айлантиради.

Ҳаётдан юз ўтирган кўп кишилар аслида қаланғи-қасанғилардан юз ўтирдилар: улар на булоқ, на ўт-олов, на мевани қаланғи-қасанғилар билан бирга баҳам кўришни истамадилар.

Кўшлар саҳрога бош олиб кетиб, ваҳший ҳайвонлар билан бирга ташналик азобини тортганларида, сув бўйида чиркин туя ҳайдовчилар билан бирга ўлтиришни истамадилар.

Ва буюдойзорларни яксон қилиб, уларга дўлдай ёғилганлар ўз оёқларини қаланғи-қасанғиларнинг бўғзига тираш ва бу билан унинг овозини ўчиришни истаган эдилар.

Ҳаётнинг ўзига душманлик ва ўлим, азоб-уқубатда қолганларнинг юклари гарчи керак бўлса-да, буни билишнинг ўзи етмас ва бу ҳали томоғимдан ўтмай туриб қолган энг катта луқмалардан ҳам эмас:

Лекин мен бир маҳал шундай саволни ўзимча берар ва ёмон бўғилардим: наҳотки? Наҳотки, ҳаётга қаланғи-қасанғилар зарур бўлса?

Наҳотки, заҳарланган булоқлар, аччиқ тутунга тўла ўт-олов; ифлос тушлар ва ҳаёт нонига тушган қуртлар керак?

Менинг нафратим эмас, менинг жирканишим ҳаётимни очкўзлик билан кемирарди! Оҳ, ҳатто қаланғи-қасанғиларни ҳам заковатли деб топганимда, ақлим бундан қанчалар толиқарди!

Мен ҳукмдорлардан ҳам юз ўгирдим, чунки уларнинг энди нимани ҳукмдорлик деб атаганларини кўрдим: улар қаланғи-қасанғилар билан ҳокимият боис, чайқовчилик қилар, фойда ундирардилар!

Мен халқлар аро яшардим, тилим ўзга, қулоғимни беркитиб олгандим: уларнинг фойдахўр олибсотарлик тили, ҳокимият учун чайқовчилик қилишларини ўзимга яқинлаштиришни истамасдим.

Мен барча кечалар ва бугунлар оралаб бурнимни маҳкам тўстанча, ғазабим ошиб ўтиб бораман. Ҳақиқатан барча кечалар ва бугунлар терга ботган, бўғриққан қаланғи-қасанғиларнинг уфунатига тўла!

Мен гунг, кўр, қар ногирондай бўлиб шундай узоқ яшадим; ҳукм сураётган, бўртиб-қизарган, хурсандчилик, маишат қилаётган қаланғи-қасанғилар билан бирга туришни истамадим.

Менинг руҳим нарвондан қийинчилик билан оҳиста кўтарилиб борарди; зарра-зарра қувончлар унинг роҳати эди; кўрнинг ҳаёти асога таянганча ўтиб борарди.

Менга нима бўлди ўзи? Жирканишдан мен қандай қутулдим? Менинг нигоҳимни ким яшартирди? Булоқ атрофида қаланғи-қасанғилар ўтирмайдиган юксакликларга мен қандай кўтарилдим?

Булоқ қайдалигини топган менинг қанотларим ва куч-қувватимни шу жирканишнинг ўзи ато қилмадими? Ахир, ҳақиқатан, яна қувонч булоғини топмоқлик учун мен энг кўз илғамас юксакларга учиб чиқмоғим керак эди!

О, мен уни топдим, биродарларим! Бу ерда энг олий юксакда мен учун қувонч булоғи оқмоқда! Ипринди-сиприндилар билан бирга сув ичмайдиган ҳаёт ҳам бор экан-ку, ахир!

Эй қувонч булоғи, мен учун сен жуда ҳам секин оқасан! Сен жомни лиммо-лим қиламан дейсану лекин уни тез-тез бўшатиб турасан!

Сенга камтаринроқ бўлиб яқинлашишга ўрганишим керак: ҳали-ҳамон қалбим сени қаршилаб, шиддатли дукурлаб уради:

Менинг ёзим — алангаланаётган қалбим қисқа, жазирама, маъюс ва ҳаддан зиёд ҳалимдир, — менинг ёзқалбим сенинг салқинингга қанчалар муштоқ!

Баҳоримнинг осуда соғинчи ўтди! Жавзода ётган парча-парча қорларимнинг қаҳри ўтди! Мен бугунлай ёзга айландим, айнаи ёз чошгоҳига айландим!

Бу энг юксакдаги ёз, унинг булоқлари муздек ва жимжитлиги ҳалимдай — О, ёронлар, келинг, сизни кутаман, жимжитлик янада ҳалимроқ бўлтай!

Зеро, бу бизнинг юксаклигимиз ва бизнинг ватанимиз: биз бунда барча макруҳлар ва уларнинг ташналикларидан холи жуда баланд ва жуда тик яшаймиз.

Ёронлар, ўз тиниқ назарингизни менинг қувонч булоғимга ташланг! Ахир у лойқаланармиди? У сизга жавобан ўз мусаффолиги билан табассум қилгай.

Келажакнинг дарахтида биз ўз уямизни қураимиз; бургутлар ўз ўткир тумшукларида биз ёлғизларга озуқ келтиражаклар!

Ҳақиқатан, бу макруҳлар ҳам тановул қилиши мумкин бўлган озуқа эмас! Улар олов югаётгандай бўлур эдилар ва оғизларини куйдирур эдилар!

Чиндан, биз бу ерда макруҳлар учун макон ҳозирламаймиз! Бизнинг бахтимиз уларнинг вужуд ҳамда руҳлари учун муз қошлаган мағора бўлур эди.

Ва мисоли қудратли шамоллар каби биз улардан баландда, бургутларга кўшни, қорларга кўшни, кўёшга кўшни яшашни истаймиз — қудратли шамоллар шундай яшарлар.

Ва худди шамол каби мен бир кунмас-бир кун улар орасида эсмоқни ва ўз руҳим билан улар руҳининг нафасини ўчирмоқни истайман — менинг келажаким шунини истайди.

Ҳақиқатан, Зардўшт барча пастликлар учун қудратли шамолдир ва у



Ўзининг барча душманларига ва барча тупурувчилар ва томоқ қоқувчиларга шундай панд-насихат қилур: “Шамолга қарши ўқчимоқдан эҳтиёт бўлингиз!”

Зардўшт шундай зикр қилди.

## БИЙ ЗИКРИ

Қара, мана бийнинг ердаги уяси! Сен унинг ўзини кўришни истайсанми? Ана, унинг тўри осилиб турибди — кўлингни тегизиб кўр-чи, тўр дарров ҳаракатга келади.

Ана у ўз қадами билан келяпти: салом, бий! Елкангда учбурчак қора тамганг ва белгинг кўриниб турибди; мен кўнглингда нима борлигини ҳам биламан.

Дилингда, ўч олсам, дейсан: қаерни чақсанг, ўша ерда дарров қорақўтир ҳосил бўлади; сенинг заҳаринг кўнгилни айлантириб ўч олади!

Эй, тенглик тарғиботчилари, мен сизга шундай тимсоллар билан сўзлашман, сиз ҳам юракларни айлантирасиз! Менга қолса, сиз бийлар ва хуфия ўч олувчилардирсиз!

Лекин мен сизнинг бузуқхоналарингизни фош қиламан; шунинг учун мен юзингизга тик қараб куламан, зеро, бу юксаклик кулгисидир.

Шунинг учун мен сизнинг тўрингизни йиртиб ташлайман, шунда сиз қаҳрингиз келиб, ўз ёлғон уянгизни тарк этасиз ва шунда “адолат” деган сўзингиз ортидан сизнинг ўчингиз сакраб чиқади.

Зеро, инсон интиқомдан қутулгай — мен мана шу кўприқдан олий умид сари ва узоқ момақалдиروқлардан сўнг очиқ осмонга чиққайман.

Лекин, албатта, бийлар бошқача фикрладирлар. “Дунё бизнинг ўчимиз чақмоқлари билан тўлган жойдагина, бизнингча, адолат бўлади”, — улар ўзаро шундай сўзлайдилар.

“Кимки бизга ўхшамас экан, уларнинг ҳаммасини биз интиқомимизга ва шармисорликка дучор қилтаймиз”, — бийларнинг кўксига шундай қасам ёнади.

Яна бир гап: “тенглик иродаси — яхшилиқнинг номи бундан буён шундай бўлмоғи керак ва барча ҳокимият эгаларига қарши биз фарёд кўтарамиз!”

Тенглик тарғиботчилари! Мустабиднинг ожиз телбалиги сизда “тенглик” ҳақида нола, афғон чекади. Шундай яхшилиқ ҳақидаги сўзлар ортида сизнинг истибод борасидаги энг гизли истақларингиз яшириниб ётади!

Ўртанган зулмат, яширин ҳасад, балки оталарингизнинг зулмати ва ҳасади — ўч олишнинг телбавор алангалари мана шундай сиздан отилиб чиқади.

Ота индамай келган нарсалар ўғилда тилга киради; мен кўпинча ўғилда отанинг сири ошкор бўлганини кўрдим.

Улар шавқи кўзиганларга ўхшайдилар; лекин уларни юрак эмас, ўч илҳомлантиради. Агар улар жуда нозик ва совуқ бўлиб қолсалар, бунинг боиси ақл эмас, балки ҳасад уларни нозик ва совуқ қилади.

Ҳасадлари уларни ҳатто мугафаккирлар йўлига яқинлаштиради; бу улардаги ҳасаднинг ажралиб турувчи белгиси, улар доим ҳаддан ташқари узоққа борадилар; шундай экан, охир-оқибат уларнинг ҳорғинлиги қор устида ухлаб қолади.

Уларнинг ҳар бир шикоятига ўч олиш овоз беради, ҳар бир мақтовига азоб бериш истаги ётади; қози бўлиш улар учун энг олий роҳат бўлиб туюлади.

Лекин сизга маслаҳатим шу, ёронлар: кимки жазо беришга ишқивоз бўлса, унга ҳеч қачон ишонманг!

Булар — паст ва насаби айнаган одамлар; уларнинг афт-башараларидан жаллод ва исковуч кўриниб туради.

Ўзининг адолати ҳақида кўп гап сўқадиганларнинг ҳеч бирига ишонманг! Ҳақиқатан, уларнинг қалбларига фақат болгина эмас, бошқа нарсалар ҳам етишмайди.

Агар улар ўзларини ўзлари “фозиллар ва порсолар” деб атаётган бўлсалар, унда унутмангки, уларга фарзийлар каби бўлмоқ учун фақат бир нарса — ҳокимият етишмаяпти!

Биродарларим, мени улар билан аралашпириб ёхуд уларга тенг кўришларини истамасдим.

Менинг ҳаёт ҳақидаги таълимотимни тарғиб қилувчилар бор — шу билан бирга улар тенглик ва бийчиликни тарғиб этувчилардир.

Бу заҳарли ўргимчаклар ҳаётдан юз ўгириб ўз мағораларида ўлтирсаларда, шу билан бирга ҳаётнинг фойдасини кўзлаб сўзлайдилар: бу билан улар азоб беришни истайдилар.

Бу билан улар ҳозир кимнинг ҳокимияти бўлса, ўшанга азоб-уқубат откашишни кўзлайдилар: зеро, уларда ўлим тарғиботи ҳали ортиқроқдир.

Бошқача бўлганда, бийлар ҳам бошқача ўқитар эдилар: зеро, улар бир маҳал дунёнинг энг баттарин тухматчилари ва муртадларни ўтда ёқувчилари эдилар.

Мени тенгликнинг ушбу тарғиботчилари билан аралашпириб ёхуд улар билан тенг кўришларини хоҳламайман.

Зеро, адолат менга худди шундай дейди: “Одамлар тенг эмас”.

Улар тенг бўлмасликлари ҳам керак! Агар мен бошқача сўйласам, менинг ало одамга муҳаббатим нима бўларди?

Майли, минглаб кўприклар ва сўқмоқлардан улар келажакка интилаверсинлар ва майли, улар ўртасида борган сари урушлар ҳамда тенгсизликлар кўпроқ бўлаверсин: менинг буюк муҳаббатим мени шундай дейишга мажбур этади.

Улар адолат қилаётганларида тимсоллар ҳамда шарпаларнинг мукошифи бўлмоқлари даркор ва сўнгги курашда улар ушбу тимсоллар ҳамда шарпалар билан жангга кирмоқлари керак.

Яхши ва ёмон, бой ва камбағал, олий ва паст ва қадриятларнинг барча номлари: буларнинг ҳаммаси курул ва бақироқ тимсолга айланиб, ҳаёт доимо яна янгигдан ўз-ўзини енгиб ўтиш эканлигини кўрсатмоғи зарур!

Ҳаётнинг ўзи устунлар ва пиллапооялар ёрдамида тикка юксалиб бормоқликни хоҳлар: олис уфқларни билмоқни у истар ва ҳалим гўзалликларга термилмоқни хоҳлар, — мана шунинг учун ҳаётга баланглик керакдир!

Унга баланглик керак бўлгани боис, унга пиллапооялар ҳамда улардан кўтарилаётганларнинг зиддиятлари керак! Ҳаёт кўтарилишни истади ва кўтарила туриб, ўз-ўзини енгишни истади.

Ўзингиз кўринг, дўстларим! Бийнинг мағораси бўлган бу ерда кўҳна эҳромнинг вайроналари осилиб турур, — уларга ёришпан нигоҳларингиз билан қарангиз!

Ҳақиқатан, бир маҳаллар бу ерда тошлардан ўз фикрини юксалтирган зот одамларнинг энг фозилу фузалолари қаторида ҳар қандай ҳаётнинг сирини биларди!

Яна шуни ҳам билардики, гўзалликда мубораза бор, тенгсизлик бор, уруш бор, ҳукмронлик бор, ортиқ даражада ҳокимият бор — у бизни бу ерда энг равшан тимсол орқали шунга ўқитади.

Бу ерда муборазада равоқлар ва дўғалар илоҳий тарзда синиб ўйналарлар; худди нур ва соя мисоли улар бири қаршисига бири умтилур, илоҳий шиддат кўрсатур.

Худди мана шундай биз ҳам дўстларим, дадил ва гўзал бир тарзда бир-бировимизга душман бўлурмиз! Илоҳий тарзда бир-бировимизга ташланурмиз!

Войдод! Шунда мени бий чақди, менинг қадим душманим! Илоҳий дадиллик ила қойилмақом қилиб у бармоғимни чақиб олди!

“Жазо ва адолат бўлмоғи даркор — у шундай деб ўйлар, — ахир бу ерда кин-адоват шарафига у бекорга мадҳиялар ўқимайди-ку!”

Ҳа, у ўз ўчини олди! Вовайло! Энди у менинг қалбимни ҳам қасос ўти билан айланишга мажбур этур!

Лекин мен айланмаслигим учун, дўстларим, мени маҳкамроқ қилиб бу устунга боғлаб ташланг! Ўч-қасос қюни бўлгандан кўра устун бўлиб қўя қолганим яхши!

Ҳақиқатан, Зардўшт қуюн ва гирват эмасдир; балки у раққосдир, лекин у асло тарантелла<sup>1</sup> раққоси эмас!

Зардўшт шундай зикр қилди.

### МАШҲУР ФОЗИЛЛАР ЗИКРИ

Сиз ҳаммангиз, эй шонли донишмандлар — ҳаққа эмас, халққа ва халқ орасидаги хурофий ирим-сиримларга хизмат қилдингиз! Шу боисдан эъзоз-икромга сазовор бўлдингиз.

Сизнинг ғайридинлигингизга тоқат қилиб келишди, чунки бу ғайридинлик халқ ичига четдан айланиб ўтишнинг зийраклик билан топилган йўли эди. Бинобарин, хўжаси қулларига эрк беради-да, яна уларнинг бебошликлари устидан кулиб, эрмак қилиб ўтиради.

Итлар бўрига тоқат қилолмагандай, халқ асорат душмани бўлган озод ақлга, ибодат қилмай ўрмонларда санғиб юрадиганларга тоқат қилолмайди.

Бўрини инидан қувиб чиқариш — буни халқ ҳамиша “адолат туйғуси” деб атаб келган; халқ бўрига қарши ўзининг энг қопағон итларини олқишлаб келади.

“Ҳақ бор: зеро, халқ бор! Вой, ахтарувчининг шўри курсин, шўри курсин!” — қадимдан шундай бўлиб келган.

Халқ билан яхши муносабатда бўлишни истаган аксар ҳукмдорлар ўз отларининг олдига шалпангқулоқ эшак — биронта шонли донишмандни ҳам кўшганлар.

Мана энди, эй шонли донишмандлар, устингиздан арслон терисини ниҳоят бугунлай улоқтириб ташлашингизни истаган бўлардим!

Ваҳший ҳайвоннинг олачипор терисию исковчи, қидирувчи ва босиб олувчининг ёлларини улоқтириб ташлангиз!

Мен сизнинг “ҳақгўй” лигингизга ишонишимни истасангиз, аввало ўзингизнинг сиғинишга бўлган иродангиздан воз кечишингиз керак.

Худолар йўқ саҳроларга бош олиб кетадиганлару сиғинишга тайёр қалбини вайрон этадиганларни мен ҳақгўй деб атайман.

У офтоб куйдираётган сап-сарик кумда ўтириб барча тирик махлуқлар дарахтлар соясида тин олаётган, чашмалари қайнаб турган оролларга ташналик билан ўғринча қараб-қараб қўяди.

Лекин ташналик уни мана шу мамнунларга ўхшаган бўлишга мажбур қилолмайди: Зотан, воҳалар бор жойда санамлар ҳам бор.

Қорни оч, қудратли, ёлғиз ва худосиз бўлишни истади арслон иродаси.

Худолар ва уларга сиғинишдан халос қилинган, жасур ва қўрқинчли, улуғ ва ёлғиз қулларнинг бахтидан холис бўлмоқлик — ҳақгўйнинг иродаси шундай.

Саҳрода худди унинг ҳукмдори каби азал ҳақгўй, озод ақллар истиқомат қилганлар; аммо шаҳарларда яхши боқилган, шонли донишмандлар — юк торгар ҳайвонлар истиқомат қилурлар.

Зеро, улар доим худди эшаклар сингари — халқнинг аравасини тортиб борурлар!

Бунинг учун мен улардан хафа эмасман; лекин мабодо уларнинг эгар-жабдуқлари тиллодан ишланиб, ярақлаб турган тақдирда ҳам, менинг наздимда, улар хизматкор ва эгар-жабдуқ урилган кимсалар бўлиб қолаверадилар.

Улар кўп маҳал тақдирлашга сазовор яхши хизматкор бўлар эдилар. Зеро, яхшилик шундай дейди: “Агарда сен хизматкор бўлишинг керак бўлса, сенинг хизматинг асқотадиган кимсани излаб топ!”

Сиз халқингизнинг нимага сиғинаётганлигини оқлашни истардингиз. Сиз буни, эй шонли донишмандлар, “ҳаққа бўлган ирода” деб атайсиз!

Сизнинг юрагингиз ўзига доим шундай деган: “Мен халқ ичидан чиқдим, Худонинг овози ҳам менга шулар ичидан нозил бўлди!”

Сиз худди эшакдай қайсар ва тийрак бўлиб, доим халқ учун қайғургансиз.

<sup>1</sup> Т а р а н т е л л а — италян халқ рақсининг номи. Нитше “тарантул” — бий — сўзи билан тарантелла — рақс номини сўз ўйини қилади.

“Сен хизматкори бўлганинг боис хўжангнинг руҳи ва яхшилиги ортиб бориши даркор, — худди шундай сенинг ўзинг ҳам унинг руҳи ва яхшилиги билан бирга ўсиб борасан!”

Ҳақиқатан, сиз, шонли донишмандлар, халқ хизматкоридирсиз! Ўзингиз халқнинг руҳи ва эзгулиги билан бирга ўсдингиз — халқ эса сиз орқали ўсди! Бу гапларни сизнинг шарафингиз деб айтяпман!

Лекин мен учун сиз ҳатто ўз эзгуликларингизда ҳам халқ бўлиб, узоқни кўрмайдиган халқ бўлиб қолурсиз — руҳ нималигини билмайдиган халқ!

Руҳ демак ҳаёт, ҳаёт ичига ўпириб кириб борувчи ҳаёт: у ўз азоб-уқубати билан ўз билимини оширади — сиз буни шу пайтгача билармидингиз?

Руҳнинг бахти унинг худди подшоҳ каби бошига мой суртилишида ва қурбонликнинг кўз ёшлари мисоли муқаддас бўлмоқлигидадир, — сиз илгари буни билармидингиз?

Кўрнинг кўрлиги ва унинг пайпаслаб қидириши у тикилиб қараган кўёшнинг қудратидан дарак беради — илгари ҳам буни билармидингиз?

Билиш истагидаги кимса тоғлар ёрдамида қуришни ўрганиши керак! Руҳ тоғларни ўрнидан силжитиши озлик қиладими? — сиз буни илгари билармидингиз?

Сиз руҳнинг фақат учқунларини биласиз, — лекин сиз унинг сандонлигини ва болғасининг шафқатсизлигини кўрмайсиз!

Ҳақиқатан, сиз руҳнинг мағрурлигини билмайсиз! Лекин сиз ҳаммадан ҳам руҳнинг одмилигига, агар у бирон маҳал тилга киргудек бўлса, сира тоқат қилолмас эдингиз!

Сиз яна ҳеч қачон ўз руҳингизни қор бостан ўрага ташламаган бўлурдингиз: бунинг учун сизда жўшқинлик етишмайди! Шунинг учун сиз унинг совуқлиги — эҳтиросларини билмайсиз.

Лекин, менимча, сиз руҳ билан ҳамма нарсада ҳаддан ташқари одми муомала қиласиз; сиз кўпинча доноликдан ибодат жойлари ҳамда ёмон шоирлар учун касалхоналар ясагансиз.

Сиз бургут эмассиз — шунинг учун руҳнинг кўрқинчидаги бахт нималигини ҳеч қачон бошингиздан кечирмагансиз. Ким қуш бўлмаса, тубсиз жар узра парвоз қилмасин.

Сиз менга илмилиқ бўлиб кўринасиз; лекин ҳар қандай теран билимдан совуқ нафас келади. Руҳнинг энг чуқур булоқлари худди муз каби совуқдир: бу қизиб ўт бўлиб ёнган қўлларга роҳат ва қўли тиним билмайдиганлар учун фароғат.

Мана, сиз турибсиз, обрўли, вазмин, елкалари тик ва текис, эй шонли донишмандлар! — Сизни қудратли шамол ва кучли ирода ўрнингиздан силжитолмайди.

Ҳеч қачон сиз денгизда шамол думалоқлаб шиширган, бўронда қалтираган елканни кўрганмисиз?

Руҳнинг бўронидан титраган елкан каби денгиз узра менинг донишим кезар — бу менинг ёввойи донишим!

Лекин сиз, халқ хизматкорлари, сиз, шонли донишмандлар, — сиз қандай қилиб мен билан борасиз!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ТУНГИ ҚЎШИҚ

Тун: энди барча қайнаган булоқлар баландроқ сас таратади.

Тун: энди фақат барча севишганларнинг қўшиқлари уйғонаётир. Менинг қалбим ҳам севишганнинг қўшиғидир.

Қандайдир қониқмаслик, кўнгил тўлмаслик бор менда; у сўйлашни истайди. Севги ташналиги бор менда; унинг ўзи севги тили билан сўйлайди.

Мен — нурман; оҳ, мен тун бўлсайдим! Бироқ менинг ёлғизлигим шундаки, мен нур билан чулганман.

Оҳ, қани энди мен қора ва тунворий бўлсайдим! Мен нурларнинг елинларига тамшанардим.

Осмонда шуълаланган қуртлар каби жимирлаган юлдузлар, мен ҳатто сизни ҳам қутлаган бўлардим! — ва сизнинг нурли ҳадяларингиздан бахтиёр бўла билардим.

Лекин мен ўз нурига чулганиб яшайман, мен ўзимдан чиқётган нурни сипқораман.

Мен олувчининг бахтиёрлигини билмайман; мен кўпинча ўғирлаш олишдан кўра ҳам янада фароғатлироқ эканлиги ҳақида орзуларга ботардим.

Менинг қашшоқлигим шундаки, менинг қўлим ҳеч қачон эҳсондан тин олмайди; менинг ҳавасим шундаки, мен интизорлик билан тўлган кўзларни ва соғиниш билан нурафшон кечаларни кўраман.

О, шўрангиз, эҳсон қилувчилар! О, менинг тутилган куёшим! О, алқанган истаклар! О, тўқлик аро қаттол очлик!

Улар мендан оладилар; лекин мен уларнинг қалбларини чертаманми? Эҳсон қилиш ва олиш ўртасида бутун бир жарлик ётади; лекин жуда кичкина жарлик устидан ҳам кўприк ташлаш гоёта қийин.

Очлик менинг гўзаллигимдан униб чиқади; мен ўзим чироқ тутаётган кимсага изтироб етказишни истардим, мен тортиқларим-ла файзиёб бўлганларни талон-торож қилишни истардим. — Кўнглим шундай қаҳр-ғазабга орзуманд.

Кимдир кўришмоқ учун қўл узатса ўз қўлингни тортиб олиш; худди шаршара қулаётганда секинлагандай секинлаш — кўнглим шундай қаҳру ғазабга орзуманд.

Менинг тўқислигим шундай қасду бастни ўйлаб топади; бундай маккорлик менинг ёлғизлигимдан туғилади.

Менинг эҳсон қилувчи бахтим эҳсонимда қотиб қолди; менинг эзгулигим ўзидан ва ўз тўқислигидан чарчади!

Доим эҳсон қилувчига ўз уятини йўқотиб қўйиш хавфи бор; ким доим эҳсон улашаётган бўлса, унинг қўли ва қалби доим тортиқ қилаверганидан қадоқ бўлиб кетиши мумкин.

Тиланганларнинг уят-шармисорлиги қаршисида менинг кўзларим энди намланмай қўйди, ҳовучи тўлган қўл қалтирайди, лекин менинг қўлим гоёта дағаллашиб қолди.

Кўз ёшларим қайга кетди ва юрак ҳовурим қайга йўқолди?

О, барча эҳсонгарларнинг ёлғизлиги! О барча чироқ тутувчиларнинг индамаслиги!

Бўм-бўш маконларда кўп куёшлар айланур; барча қоронғуликларга улар ўз нури ила сўйлар — фақат менгагина индамай турурлар.

О, нурнинг барча нурланиб турган нарсаларга гайирлиги худди мана шунда; нур ўз йўлидан шафқатсиз ўтиб боради.

Юрагининг тубида барча нурланаётган нарсаларга инсофсиз, бошқа куёшларга бепарво — ҳар қандай куёш шундай йўл босур.

Куёшлар ўз йўлида бўрон каби ўтиб борур, уларнинг йўли шундай, ўз қайтмас иродасига тобе, уларнинг совуқлиги шунда.

О, зулмат кечалар, сиз барча нурланган нарсалардан ҳарорат яратасиз! Фақат сиз нурнинг елинларидан суг ва лаззат эмасиз!

Оҳ, атрофим бари муз, қўлимни муз куйдиради! Оҳ, ташна бўлган ичим, у сизнинг ташналигингизга хумор!

Тун: оҳ. Нега мен нур бўлишим керак! Ва зулмат ташналиги! Ва ёлғизлик!

Тун: менинг истагим худди булоқ каби отилади, бу — сўйламак истаги.

Тун: барча қайнаган чашмалар энди баланд сас берур. Менинг қалбим ҳам қайнаган чашма.

Тун: энди севишганларнинг барча қўшиқлари уйғонади. Менинг қалбим ҳам севишганнинг қўшиғи.

Зардўшт шундай қўшиқ айтди.

## РАҚС ҚЎШИҒИ

Зардўшт бир куни кечкурун ўз шогирдлари билан ўрмондан ўтиб борарди; мана ниҳоят, у булоқ излаб кўм-кўк ўтлоққа чиқиб қолди, ўтлоқнинг атрофини жим-жит дарахтлар ва буталар ўраб туришарди — ўтлоқда қизлар ўйин тушишарди. Қизлар Зардўштни таниб қолиб, ўйинларини бас қилишди; Лекин Зардўшт уларга очиқ юз билан пешвоз юрди ва шу сўзларни айтди:

“Ўйинни тўхтатманг, эй ширин қизлар! Сизнинг қошингизда турган мижғов, жаҳлдор одам қизларга душман эмас.

Мен шайтон ҳузурида Худонинг элчисиман; у эса оғирлик руҳидир. Сизнинг оёқларингиз жайрон каби тез, мен ахир илоҳий ўйинларнинг душмани бўлишим мумкинми? Ва ё шунчалар тарҳи гўзал аёл оёқларини ёмон кўришим мумкинми?

Рост, мен қорайиб кўринган дарахтлар қорасидан янада қоронғироқ ўрмондирман — лекин ким менинг зулматимдан кўрқмаса, сарвларим соясида очилиб ётган гул буталарини тошгай.

Қизлар кўнглига яқин миттигина илоҳни ҳам у тошгай: у қудуқ бўйида кўзларини жимгина юмиб ётади.

Рост, у ялқов кун ўртасида уйқута толибди! Капалаклар ортидан кува-кува чарчадимикин?

Эй, гўзал раққосалар, мен митти илоҳнинг андак таъзирини бериб қўйсам, сиз асло ранжимангиз! Балки у бақриб, йиғлаб ҳам берар — лекин у ҳатто йиғлаётганда ҳам кулишга тайёр!

Майли, у кўзда ёш билан сиздан рақс тушишни илтимос қилсин; мен унинг рақсига монанд қўшиқ айтаман:

Бу оғирлик руҳидан кулиш ва унинг устидан ўйин тушиш қўшиғи; у менинг энг улуг, энг қудратли девимдир, уни “дунё ҳукмдори” деб атайдилар.

Севги илоҳи ва қизлар биргаликда ўйин тушаётган чоғда Зардўшт мана шу қўшиқни айтди:

О, ҳаёт! Яқинда мен сенинг кўзларингга қарадим! Мен англаб билиб бўлмас дунёга чўкаётгандай бўлдим.

Лекин сен мени олтин қармоғинг билан тутиб олдинг; сени билиб бўлмас деб айтганимда сен менинг устимдан эрмак қилиб кулдинг.

“Ҳамма балиқлар шундай дейдилар, — жавоб бердинг сен, — уларнинг ақли етмаган нарса худди шундай билиб бўлмасдир.

Лекин мен фақат буқаламун ва ёввойидирман ва ҳамма ҳолларда мен аёлдирман, бунинг устига ёмон аёлдирман:

Гарчи сиз эркаклар мени: “теранлик” ёки “садоқат”, “мангулик” ва “сир-синоат” дейсиз.

Лек, сиз эркаклар, бизни ўз яхшиликларингиз билан музайян айлайсиз — оҳ, сиз яхшилиқ қилувчилар!”

У ақл бовар қилмас, шундай куларди; лек мен ҳеч қачон у ўз-ўзини ёмонлаганда унинг ўзига ҳам, кулгусига ҳам ишонмаганман.

Мен ўзимнинг ваҳший донишмандлигим билан юзма-юз туриб сўйлашганимда, у менга газаб билан шундай деди: “Сен истайсан, сен хоҳлайсан, сен севасан, шунинг учун ҳам сен ҳаётни мақтайсан!”

Мен ўша жаҳли чиққан кимсага қаҳр билан жавоб берай, унга бор ҳақиқатни айтгай, дедим; ўз донишмандлигингга “бор ҳақиқат”ни маълум қилишдан ортиқ қаҳр бўлиши мумкинми?

Бу ерда гап учовлон ўртасида боряпти. Мен бутун жону дилим билан фақат ҳаётни севаман — уни жонимдан ёмон кўра туриб ҳам, жуда яхши кўраман!

Лекин мен агар донишмандликни севсам ва кўпинча уни ҳаддан ортиқ севаман, бу шунинг учунки, у менга ҳаётни жуда ҳам эслатиб туради!

Унинг кўзи унга ўхшаш, унинг кулгиси ўхшаш ва ҳатто олтин қармоқчаси ҳам ўхшаш — улар бир-бировларига шунчалар ўхшаш бўлсалар, мен нима қилай ахир?

Ва бир куни ҳаёт мендан сўради: донишмандлик нима дегани? — мен унга жон-дилдан жавоб қилдим: “Э-ҳа! Донишмандликми!

Унга орзуманд бўлишади-ю, лекин сира тўйишмайди, унга пардалар ортидан қарашади ва тўр ташлаб тутишади.

У чиройлими? Мен не билай? Лекин энг қари зоғарабалиқлар ҳам унинг хўрагига илинишади.

У ўзгариб туради ва қайсар; у ўз лабларини тишлагани ва тароқ билан сочларини чигал қилганини кўп кўрганман.

Эҳтимол, у қаҳрли ва айёрдир. Ва ҳар бир ҳолда у аёлдир; лекин у ўзи ҳақида ўзи бемаъни сўзларни айтганда, худди мана шунда у ҳаммадан кўпроқ ўзига тартади”.

Ва мен бу сўзларни ҳаётга айтганимда, у аччиқ табассум қилди ва кўзларини юмди. “Сен кимни гапиряпсан? — сўради у. — Меними?

Мабодо сен ҳақ бўлганимда ҳам, буни менинг юзимга солиш тўғрими? Лекин энди менга ўз донишмандлигиндан гапир!”

Оҳ, сен яна кўзларингни очдингми, маъшуқам ҳаёт! Ва назаримда мен яна билиб бўлмас, англаб бўлмаснинг ичига шўнғиб бораётгандекман. —

Зардўшт шундай куйларди. Аммо рақс тугаб, қизлар кетишгач, у маъюс бўлиб қолди.

“Қуёш ботганига анча бўлди, — деди у ниҳоят, — ўтлоққа шабнам тушди, ўрмонлардан салқин эсмоқда.

Мени номаълумлик қуршайди ва ўйчан боқади. Вой-бў! Сен ҳали тирикмисан, Зардўшт?

Нима учун? Нега? Нимага? Қайга? Қаерда? Қандай? Ахир телбалик эмасми — яна яшамок?

Оҳ, ёронларим, бу оқшом мени сўроқлайди. Менинг маҳзунлигимни маъзур кўринг!

Оқшом тушди: мени кечиринг, кеч кирди!”

Зардўшт шундай зикр қилди.

## МАҚБАР ҚЎШИҒИ

“У ерда сокин мазорлар ороли; ёшлигимнинг мазорлари ҳам у ерда. Ҳаётнинг мангу кўм-кўк гулчамбарини мен у ерга элтаман!

Юрагимда шундай қарорга келиб, мен денгиз узра борардим.

О, сиз ёшлигимнинг сиймолари ва тасаввурлари! О, муҳаббат жилвалари, илоҳий сониялар! Шунча тез қайга ғойиб бўлдингиз? Сиз мен учун ўлгансиз, энди сизни эслайман.

О, азизу мукаррам ўтганларим, сиздан менга ширин, муаттар бўй анқийди, юрагимни кўз ёшлар билан енгилатаман. Бу муаттар бўй теран таъсир қилади ва ёлғиз сузиб бораётган кимсанинг юрагига енгиллик бахш этади.

Шундай бўлса ҳам, ҳар қалай мен ҳаммадан бойман ва ҳамма менга ҳавас қилади — мен ҳаммадан кўра ёлғизроқман! Зеро, сиз менда эдингиз, мен эса ҳамон сиздаирман; айтинг, мендан бошқа кимга дарахтдан қирмизи олмалар тўкилади?

Мен ҳамон сизнинг меросингиз ва муҳаббатингиз заминидирман, сизнинг хотирангиз учун ранго-ранг, ёввойи тарзда ўсиб ётувчи эзуликлар билан гул очаман, о, сиз, менинг суюклиларим!

Оҳ, биз доимо ёнма-ён туриш учун яратилган эдик, эй, азиз, у дунё мўъжизалари; сиз менга ва истакларимга худди ҳуркак қушлар мисол яқинлашганингиз йўқ — сиз инонувчанга инонувчанлар каби яқинлашдингиз!

Ҳа, сиз худди мен каби садоқат ҳамда мангу мунисликлар учун яратилган эдингиз; энди мен сизни вафосизлик оти билан чақирим керакми, эй сиз, илоҳий жилвалар ва сониялар: ўзга отларни мен ҳали ўрганганим йўқ.

Сиз қочоқларсиз ва сиз мени ташлаб тез қочиб кетдингиз. Лекин сиз мендан қочмадингиз ва мен сиздан қочмадим: бу вафосизлик учун биз бир-биримиз олдида айбдор эмасмиз.

Сиз менинг умидларимнинг сайроқи қушларисиз, мени ўлдириш учун сизни бўғишди! Сиз менинг суюклиларимсиз, қабоҳат доим сизга қараб ўқ узади — лекин менинг юрагимни мўлжаллайди!

Қабоҳат ўқи тегди менга! Зеро, сиз доим қалбимга энг яқин эдингиз, менинг бору йўғим сиз эдингиз, — шунинг учун сиз жуда ҳам ёш ва жуда ҳам эрта ўлиб кетдингиз!

Менга тегишли энг нозик жойимга ўқ уздилар: менинг нозик жойим сизсиз, сизнинг вужудингиз майин момикқа ўхшар, ундан ҳам ортиқ — у табассумга ўхшар — у бир қарашдаёқ жон таслим айлар!

Лекин ўз нодўстларимга мен шундай дейман: ҳар қандай одам ўлдириш нима экан — сиз менга ундан минг бор бешбаттарини қилдингиз!

Ҳар қандай одам ўлдиришдан ортиқ ёмонлик қилдингиз, эй сиз нодўстлар, сиз менинг қайтиб келмас нарсаларимни тортиб олдингиз, нодўстлар!

Сиз менинг жондан азиз сиймоларимни, ёшлигимнинг энг қимматли мўъжизаларини ўлдирмадингизми! Мен билан бирга ўйнаган ўртоқларимни, табаррук руҳларимни тортиб олдингиз! Уларнинг хотираси учун мен шу гулчамбарни қўяман ва ганимларга шу лаънатларимни айтаман.

Ҳа, бу лаънатлар сизга бўлсин, эй ганимлар! Совуқ кечаларга бош уриб ёргувчи овоз каби менинг мангулигимни қисқа қилдингиз, эй ганимлар! У илоҳий кўзининг бир нигоҳи билан лип этиб — бир жилва қилиб ўтди у мен учун!

Бир маҳаллар менинг бокиралигим яхши соатда шундай деб эди: “барча ҳилқатлар мен учун илоҳий бўлмоғи керак”.

Ўшанда сиз менга ифлос шарпалар билан ҳужум қилдингиз; Оҳ, қани, қайга йўқ бўлди ўша хайрли соат!

“Барча кунлар менга табаррук бўлмоғи керак” — бир маҳаллар ёшлигимнинг донолиги шундай деб эди; ҳақиқатан, шўх доноликнинг гапи!

Эй, сиз душманларим, ўшанда сиз менинг кечаларимни ўғирладингиз ва уларни уйқусиз азобга сотдингиз; оҳ, қани, қайга кетди энди ўшал шўх донолик?

Бир пайтлар мен қушларга қараб бахтли фол очардим; ўшанда сиз менинг йўлимга беҳосият махлуқ — бойқушни учирдингиз. Оҳ, қани, қайга кетди менинг ўшал нозик интилишларим?

Бир пайтлар мен ҳар қандай нафратдан халос бўлишга аҳд қилган эдим — ўшанда сиз менинг яқинларим, хеш-ақрабларимни йиринглаган яраларга айлангирдингиз. Оҳ, ўшанда менинг энг олижаноб аҳду паймоним қайда қолди?

Бир маҳаллар мен худди кўзи кўр каби порсолик йўлларидан бордим — ўшанда сиз кўзи кўрмаснинг йўлларига ифлос нарсаларни ташлаб қўйдингиз; энди у кўрнинг ўша эски сўқмоғидан нафратланади.

Мен ўзим учун энг қийин бўлган нарсаларни адо этаётганимда ва енгиб ўтиш галабаларини байрам қилаётганимда, ўшанда сиз мени севган кишиларни бизга қаттиқ алам-оғриқ етказяпти, деб қичқиришга мажбур қилдингиз.

Чиндан, сиз доим шундай қилиб келгансиз: менинг энг тоза асалимни ва энг яхши ариларимнинг меҳнатини заҳарлаб тургансиз.

Менинг саҳоватимга сиз доим энг сурбет тилаңчиларни юбордингиз: менинг меҳр-шафқатим атрофида доим тузалмас имонсизларни пашшаҳўрда қилгансиз. Сиз менинг яхшиликларимни уларнинг ишонч-эътиқодида шундай яралагансиз.

Мен ўзим учун энг муқаддас нарсаларни қурбонликка келтирганимда, сизнинг “инсоф-мурувватингиз” дарҳол бунга ўзининг ёғлик ҳадыларини қўшиб қўйган, шу тариқа менинг энг муқаддас нарсаларим эритаётган мойингизнинг ачиқ дудлари ичида бўғилиб ётган.

Бир куни рақс тушгим келди, ҳеч қачон бундай рақс тушмаган эдим, кўк осмондан ҳам баландроқ рақс тушсам, дедим. Ўшанда сиз менинг энг суюқли қўшиқчимни кўндирдингиз.

Ўшанда у жуда ғамгин, кўнгилларни хуфтон қиладиган қўшиқ айтди; оҳ у менинг қулоғимга қайғули бурғу чалди!

Қаттол қўшиқчи, қаҳр-ғазаб қуроли, сен ҳеч айбдор эмассан! Мен ўшанда ўзимнинг энг гўзал рақсимга тайёр турардим — ўшанда сен ўз ҳазин товушларинг билан менинг ҳаяжонларимни ўлдирдинг!

Мен рақсга тушиб энг олий нарсалар хусусида рамзлар воситасида сўзлаб



биламан — энди менинг энг олий тимсолим рақс тили билан баён этилмай қолди!

Менда энг олий умид ифода этилмай ва ечим топмай қолди! Шуйтиб, ёшлигимнинг барча ораз тимсоллари ва таскинлари барҳам топди!

Мен бунга қандай чидадим? Бу яраларни қандай қотирдим ва қандай енгиб ўтдим? Қалбим бу гўристонлардан қандай тирилиб чиқди?

Ҳа, менда яралаб бўлмайдиган, кўмилиб кетмайдиган алланимадир бор, у қояларни кўпорар: унинг отини менинг иродам дейдилар. У йиллар оша гик этмай ва ўзгармай ўтиб борадир.

Менинг қадрдон иродам менинг изларимдан ўз қадамларини ташлаб боришни истайди; унинг ҳиссиёти шафқатсиз ва ўқ ўтмасдир.

Менинг эса фақат товонимгина ўқ ўтмасдир. Сен тириксан ва ўз-ўзинга содиқсан, эй собирларнинг собири! Сен ҳамон барча гўристонлар аро ёриб, кўпориб чиқиб келурсан!

Ёшлигимнинг барча ечилмаган жумбоқлари сенда яшайди; сен гўристонларнинг сарғайган вайроналарида ҳаёт ва ёшлик мисоли умид тутиб ўлтиурсан.

Ҳа, сен мен учун барча гўристонларни бузиб ташлагувчисан; салом, менинг иродам! Ва фақатгина гўристон бор жойдагина қайта тирилмоқ ҳам бордир.

Зардушт шундай куйларди.

### ЎЗ-ЎЗИНИ ЕНГИШ ЗИКРИ

Эй, доноларнинг донолари, сизни ҳаракатга ва ҳаяжонга солувчи нарсани “ҳақиқат иродаси” деб атайсизми?

Фикрлаб бўладиган жамики борлиқнинг иродаси — сизнинг иродангизни мен шундай атайман.

Бутун борлиқ нарсаларни сиз аввал фикрлаб бўладиган қилишни истайсиз, зеро, сиз оққўнгил ишончсизлик билан шубҳаланиб турасиз, борлиқни фикрлаб бўлармикин.

Лекин борлиқ сизга бўйсунуши ва тобе бўлмоғи керак! Иродангизнинг иродаси шундай. У силлик тортиб, руҳнинг ҳукмига кирсин, мисоли унинг ойнаси ва ойнадаги акси каби.

Эй, доноларнинг донолари, сизнинг бутун иродангиз мана шунда, бу мисоли давлат иродасидир, сиз ҳатто яхшилик ва ёмонлик ҳамда қадриятларни баҳолаш ҳақида сўз юритганингизда ҳам бу ўзи шундай.

Сиз яна қаршисида тиз чўкиб туришингиз мумкин бўлган дунёни яратишни истайсиз, — сизнинг охирги умидингиз ва мастоналигингиз худди мана шундай.

Лекин доно бўлмаганлар, халқ, — улар қайиқ сузиб бораётган дарёга ўхшарлар, — қайиқда эса тантанавор ва ғоятда ясан-тусан қилган қадриятларнинг баҳолари ўлтирарлар.

Сизнинг иродангиз ва сизнинг қадриятларингизни сиз тикланиш дарёсига туширдингиз; халқ яхшилик ва ёмонлик сингари ишонадиган нарсаларда эски давлат иродаси милтираб чиқаётгандай кўринади менга.

Доноларнинг донолари, сиз эмасмингиз бундай кўноқларни ўша қайиққа ўтқизган ва уларга порлоқлик ҳамда мағрур исмлар берган, — сиз ва сизнинг ҳукмрон иродангиз эмасмиди у!

Энди дарё қайиғингизни олға суриб боради: дарё уни элтиши керак. Мабодо тўлқинлар ёпирилиб кўпираётган ва қайиқ тумшугига қаршилиқ кўрсатаётган бўлса, бундан не ғам!

Эй, сиз доноларнинг донолари, сизнинг хатарингиз ва яхшилик ҳамда ёмонлигингизнинг туташига сабаб дарё эмас, — лекин бу ироданинг ўзи, давлат иродаси — ҳаётга бўлган битмас-туганмас, яратувчи иродадир.

Лекин сиз менинг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги сўзимни тушуниб олишингиз учун ҳаёт ва жамики тириклик — жонлининг хусусияти ҳақида сизга ўз сўзимни айтаман.

Мен бутун тирикликни — жонлини кузатдим, унинг хусусиятларини билиш учун мен улуғ ва кичик йўллардан ўтдим.

Ҳаётнинг оғзи жим тураркан, унинг нигоҳини мен юз қиррали ойна билан тутдим, — унинг нигоҳи менга сўйлаб турсин дедим. Шунда унинг нигоҳи менга сўз айтди.

Лекин мен қайда тириклик-жонлини кўрмай, ўша ерда итоат ҳақидаги сўзларни эшитдим. Бутун тириклик-жонли аллақандай бўйсунушдадир.

Яна иккинчи шуки, ким ўз-ўзига бўйсунолмаса, уни бўйсундирадилар. Бари тириклик-жонлининг хусусияти шундай.

Бироқ яна бир мен эшитган учинчи нарса: буюриш бўйсунушдан кўра қийинроқдир. Бунинг боиси буюрувчи барча бўйсунувчиларнинг оғирлигини кўтариб юришида ва бу оғир юк уни оппа-осон эзиб ташлаши мумкинлигидагина эмас:

Менга ҳар қандай буюриш журъат ва жасорат бўлиб кўринарди ва буюраркан, ҳар қандай тирик, ҳар қандай жонли ўз жонини хавф остига кўяди.

У ҳатто ўз-ўзига буюргани чоғида ҳам — у ҳали ўз буйругини оқлаши керак. У ўзига тегишли қонуннинг ҳам қозиси, ҳам қасоскори, ҳам қурбони бўлмоғи даркор.

Лекин бу қандай рўй беради? Мен ўзимдан шундай деб сўрардим. У нимадирки, бутун тирик, бутун жонлини бўйсунуш ва буюришга мажбур этади ва буюра туриб, яна бўйсунушга ундайди?

Эй, доноларнинг донолари, менинг сўзимни эшитинг. Жиддий далолат қилингизким, мен ҳаётнинг нақ қалбига ва нақ қалбининг энг чуқур қаърларига кириб бордимми!

Мен қаердаки тирикни, жонлини кўрсам, у ерда ҳукм суриш иродасини ҳам топдим; ва ҳаттоки, хизматкорнинг иродасида ҳам хўжа бўлишга интилиш иродасини кўрдим.

Энг кучлига ундан кўра кучсизроқнинг хизмат қилиши — унинг иродаси мана шунга ундайди, у янада ожизроқ устидан хўжа бўлишни истайди: фақат шундай қувончсиз у сира яшолмайди.

Кичик ўзини каттага уни хурсанд қилиш ва кичик устидан ҳукм ўтказиш учун бағишлагандай, — катта ҳам ўзини шундай қурбон қилади ва ҳукм суриш учун ўз ҳаётини гаровга кўяди.

Улунинг фидокорлигининг маъноси шундаки, унда ҳам жасорат, ҳам хатар ва ҳам ўлим билан баробар қимор мужассам.

Фидокорлик, бахшийдалик ва муҳаббатли нигоҳлар бўлган ерда, албатта, ҳукмдор бўлиш истаги ҳам бўлади. Энг ожиз ўғринча пусиб кўрғонга ва энг кучлининг нақ юрагига кириб олади ва унинг давлатини ўғирлаб, ўзлаштиради.

Ҳаётнинг ўзи менга мана бундай сирини баён қилди. “Қара, — деди у, — мен доим ўз-ўзимни енгиб боришим керак.

Албатта, сиз буни ижод қилишга бўлган ирода ёки энг юксак, олис, анча мураккаброқ бўлган мақсад сари интилиш деб атайсиз — лекин буларнинг бари ягона бир сирни ташкил этади.

Бундан воз кечгандан кўра ўлганим яхши; чиндан қайда ботиш ва япроқлар тўкилиши рўй бераётган бўлса, демак, у ерда ҳаёт ўзини қурбон қилмоқдадир — бу ҳам ҳукм суриш вазидандир!

Мен кураш ва тикланиш, мақсад ва мўлжалларнинг қарама-қаршилиги бўлмоғим керак: оҳ, ким менинг иродамни топса, унинг қанчалар қинғир-қийшиқ йўллардан ўтиб бориши кераклигини ҳам англайди!

Мен ниманики яратмай ва яратган нарсамни қанчалар яхши кўрмай, тезда мен унга ва ўз муҳаббатимга қарши боришимга тўғри келади: иродам шуни истайди.

Эй, билик истаган, ҳатто сен фақат менинг иродамнинг сўқмоғи ва солган изисан: чиндан менинг ҳукм суриш иродам сенинг ҳақиқатта бўлган ироданг билан изма-из боради.

“Тирикликка ирода” сўзини ҳақиқатта қараб отган одам, албатта, унга тегизолмайди: чунки бундай ироданинг ўзи йўқ!

Зеро, ўзи йўқ нарса бирон нарсани исташи мумкин эмас; бор нарса эса қандай қилиб яна бор бўлишни истасин!

Фақат ҳаёт бор ердагина ирода ҳам бор; лекин бу ҳаётга ирода эмас, бироқ — сента шундай ўргатаман — бу ҳукм суриш иродасидир!

Ҳаётнинг ўзидан кўра ундан юқорида яшаш кўпроқ қадрланади; лекин баҳонинг ўзи айтиб турибди — ҳукм суриш иродаси деб!”

Бир пайтлар ҳаёт мени шундай ўқитган эди, шундан келиб чиқиб, эй, доноларнинг донолари, сизнинг қалбингизнинг асрорини ечаман.

Чиндан, сизга айтаман: ўткинчи бўлмаган яхшилик ва ёмонликнинг ўзи йўқ! Улар ўз-ўзини ўз ичидан қайта-қайта енгиб ўтиши керак.

Сиз, эй ноёб нарсаларни қадрловчилар, ўз қадриятларингиз, ёмонлик ва яхшилик ҳақидаги сўзларингиз билан зўравонликка йўл қўясиз; сизнинг гизли муҳаббатингиз ва порлоқлигингиз, ҳаяжонларингиз ва қалбингизнинг нозик интилишлари худди мана шундадир.

Аммо сизнинг қадриятларингиздан янада каттароқ зўравонлик ва янги енгиб ўтиш ўсиб чиқади: унинг тухуми ва тухумининг пўчоғи уларга урилиб мажақланади.

Ким агар яхшилик ва ёмонликда ижодкор бўлса, чиндан, у аввало қадриятларни мажақловчи бузғунчи бўлмоғи жойиз.

Олий ёмонлик олий яхшиликка мана шу тариқа мансуб бўлади; бу яхшилик эса ижодкоронадир.

Эй, доноларнинг донолари, фақат шу ҳақда сўз юритамиз, ҳолбуки бу ҳам бемаъниликдир. Аммо ёиқ этмаслик ундан ҳам ёмон; барча овози ўчирилган ҳақиқатлар заҳар олудга айланади.

Бизнинг ҳақиқатларимизга урилиб мажақланувчи жамики нарсалар майли мажақ-мажақ бўлаверсин! Ҳали яна қанча биноларни бино қилмоқ керак!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## САРБАЛАНДЛАР ЗИКРИ

Денгизимнинг қаърлари сокин; унинг тубларида тасқара махлуқлар яшириниб ётиши кимнинг ҳам хаёлига келибди!

Қаърим менинг сарсилмас; аммо у сузиб юрган жумбоқлар ва қаққаҳалардан жимирлаб туради.

Бир сарбаландни кўрдим бу кун, у тантанавор эди, руҳи ўртанарди; қалбим унинг бемаънилигидан қаҳ-қаҳ уриб кулди!

У худди ўпкасини тўлдириб нафас олгандай кўкрагини кериб турарди — у сарбаланд ва жимгина қаққайган эди.

Ҳамма ёғига бемаъни ҳақиқатларини шақилдоқ каби осиб олган, ҳашамдор либослари хурпайган, ов ўлжалари ҳам ўзида эди; шунингдек, унга жуда кўп тиканлар осилган эди — аммо мен ҳали унда биронта гул кўрганим йўқ.

У ҳали кулги ва гўзалликни ўргангани йўқ. Бу овчи билик ўрмонидан тумтайиб, қовоқ-тумшуги осилиб қайтди.

У ваҳший ҳайвонлар билан жангдан сўнг уйга қайтди; унинг жиддийлигидан енгилмаган — ваҳший ҳайвон боқиб, мўралаб турибди!

У ҳамон худди шер каби сакрамоқчи; лекин мен бу тажанг жонларни севмайман: туклари асабдан дикрайган бу ҳайвонларни жиним суймайди.

Ва сиз менга, дўстларим, нимани ёқтириш-ёқтирмаслик ҳақида тортишиб ўтирмайдилар, дейсизми? Аммо бугун умрнинг ўзи ёқтириш-ёқтирмасликнинг жанжалдан иборат-ку!

Дид-фаросат: бу бир вақтнинг ўзида ҳам тарозу, ҳам тош, ҳам тарозибон, бутун тириклик агарда у тарозу, тош ва тарозибон борасида баҳс қилмай яшаса эди, бу қандай ачинарли бўларди!

Агарда бу сарбаланд ўз сарбаландлигидан чарчаса эди — ана унда унинг гўзаллиги бошланарди; фақат ўшанда мен унинг таъмини билган ва мазали деб тошган бўлардим.

У фақат ўз-ўзидан эврилиб айрилган чоғдагина ўзига мансуб соядан сакраб ўтиб кетади ва ҳақиқатан тўғри ўз куёшига тушади.

У сояда ҳалдан зиёд кўп ўтирди, руҳи ўртанаётганнинг икки бети бўздай оқариб кетди; у кутавериш очдан ўлишига оз қолди.

Унинг нигоҳида ҳамон нафрат, унинг комида аччиқ жирканиш акс этади. Гарчи у дам олаётган бўлса ҳам, лекин офтобда ўтириб дам олаётгани йўқ.

У худди ҳўкиз каби ишлаши керак эди; унинг бахтидан ерга нафрат эмас, балки ернинг нафаси келиб туриши керак эди.

Мен уни омоч олдида пишқариб ва гувраниб бораётган оқ ҳўкиз каби кўришни истардим, — ва унинг мўнграниши барча ерга хос нарсаларга мақтов бўлиб эшитилмоғи керак эди!

Унинг бети ҳали қоронғу; ундан қўлнинг сояси югуриб ўтади. Кўзларининг назари ҳам ҳали қоронғу.

Унинг ишининг ўзи ҳам ҳали унда шарпа каби ётади: қўли тинмай меҳнат қилаётганга қўл соя солади. У ўз ишини енгиб олгани йўқ.

Мен унда ҳўкиз мўйнини қанчалар севаман; аммо ҳозир мен фаришга нигоҳини ҳам кўришни хоҳлайман.

Шунингдек, у ўзидаги қаҳрамон иродасидан қутулиши керак: у мен учун фақат сарбаланд эмас, балки меърожга кўтарилган ҳам бўлиши даркор, — уни иродадан маҳрум ҳолда ҳаволарнинг ўзи кўтариб бормоғи лозим!

У қўрқинчли махлўқни енгди, у жумбоқларни ечди; лекин у ҳали ўз махлўқларини ҳам енгизиши ва ўз чигалларини ечиши зарур, уларни ҳали само сабийларига айлангирмоғи ҳам керакдир.

Унинг билиги ҳали табассум қилмоқ ва ҳасадсиз яшамоқни ўргатгани йўқ; ҳали унинг гўзалликка бўлган эҳтирослар оқими тинмади.

Чиндан, унинг истаги тўқлик ичра кўмилиб, овози ўчиб кетмаслиги, балки гўзалликка гарқ бўлмоғи керак. Олижаноб фикрлайдиган бағри кенглигига салобат хосдир.

Қаҳрамон қўлларини боши ортига чирмаб ҳордиқ чиқармоғи жойиз, у ҳатто ўз ҳордигини ҳам худди шу тарзда енгиб ўтса мумкин.

Лекин айнан қаҳрамон учун гўзаллик энг қийин нарсадир. Ҳар қандай кучли ирода учун гўзаллик етиб бўлмас шайдир.

Бироз кўп, бироз кам; бу ерда бу айнан кўп дейилганидир; бу ерда ҳамма нарсга кўп дейилгани.

Шалвираган мушаклар ва бўшашган ирода билан туриш — сиз учун энг қийини ҳам ўзи шу, эй сарбаландлар!

Ҳокимият мурувватли бўлиб, кўзга ташланадиган жойга тушса — мен бундай тушишни гўзаллик деб атайман.

Ва мен ҳеч кимдан гўзалликни сендан сўрагандай сўрамасман, эй қудратли; сенинг яхшилигинг ўз-ўзингни охириги маротаба енгиб ўтишинг бўлсин.

Сени ҳар қандай ёмонликка қодир деб биламан; шунинг учун ҳам, сендан яхшилик тилайман.

Чиндан, мен кўп маҳал ожизлар устидан қулганман, улар ўзларини яхши одам деб ҳисоблайдилар, чунки уларнинг панжалари бўш ва доим очиқ.

Сен эзгулик устунига интил: у қанча юқори кўтарилса, шунча чиройли ва мулоим, ичидан эса шунча берк ва чидамли бўла боради.

Ҳа, сарбаланд, сен бир кунмас бир кун гўзал бўлмоғинг ва ўз гўзаллигинг олдида ойна тутиб турмоғинг керак.

Ўшанда сенинг жонинг илоҳий ҳирсу ҳаваслардан ларзага келади — ва таъзимкорлик ҳам сенинг шуҳратпарастлигингда бўлади!

Кўнгил асрори мана шу қаҳрамон уни тарк этгандагина унга яқинлашади ва бу тушларда рўй беради, — ало қаҳрамон.

Зардўшт шундай зикр қилди.

## МАДАНИЯТ ЎЛКАСИ ЗИКРИ

Мен келажакнинг ичига жуда узоқ учиб кирдим; мени даҳшат чулғади.

Ва атрофимга ўгирилиб қарадим, вақт менинг ёлғиз замондошим эканлигини кўрдим.

Шунда мен орқага — уйга қараб чоқдим — шошилиб борган сари қадамимни жадаллатдим; шу тариқа сизнинг ҳузурингизга келиб қолдим, эй замондошларим ва бу маданият ўлкаси экан.

Биринчи маротаба мен сизга эзгу истаклар билан яхшилаб қарадим; чиндан, юрагимда ғам-қайғу билан келдим.

Лекин менга нима бўлди? Мен учун қанчалик қўрқинчли бўлмасин, — мен хандон отиб кулишим керак эди! Кўзларим ҳеч қачон бунчалар кўп олабула ялтир-юлтурни кўрмаган эди!

Мен тинмай кулардим, ҳолбуки, оёқларим ва юрагим дир-дир қалтирарди: “воҳ, ахир бу бўёқчи хумларнинг ватани экан-ку!” — дедим ўзимга.

Юзингизга элликта бўёқ парчаси сачраб ўтирардингиз мени ҳайрон қолдириб, эй сиз менинг замондошларим!

Сизнинг тегрангизда элликта ойна бор эди, улар сизнинг бўёқларингизнинг ўйинларига хушомад ила тақлид қилишарди!

Чиндан, эй замондошларим, сиз учун ўз юзингиздан кўра ҳам яхшироқ ниқоб тополмасдингиз! Сизни ким таний олади!

Унга ўтмиш белгилари туширилган, бу белгилар узра яна янги белгилар чизилган, — сиз барча талқинчилардан шундай яшириндингиз!

Агар қорин-қурсоқларни синовчи бўлганда ҳам, ким ишонарди сизда қорин-қурсоқ борлигига! Сиз бўёқлардан пиширилган ва елимланган парчалардан бўлганга ўхшайсиз.

Сизнинг пардаларингиз остидан барча асрлар ва халқлар ранг-баранг кўриниб туради; сизнинг хатти-ҳаракатларингизда барча урф-одатлар ва барча ақидалар турли-туман тилларда сўзлайдилар.

Агар биров сизнинг устингиздаги пардалар, ҳирқапўшлар, бўёқлар ва хатти-ҳаракатлардан халос этса, — барибир, охир-оқибат, унинг кўлида яна қушларни кўрқитиш учун латга-путга қолган бўлурди.

Чиндан, мен ўзим ҳуркак қушман, бир кун сизни яланғоч ва бўёқларсиз кўрганман; ва одам суяги менга муҳаббат имо-ишораларини қилаётганда, учиб кетганман.

Зеро, мен тезроқ нариги дунёда ходим бўлмоқлик ва ўтганларнинг шарпаларига хизмат қилмоқликни истардим! Нариги дунёда яшовчилар сиздан кўра семизроқ ва тўлароқдирлар!

Ичимнинг ёниб-ўртаниши шунданки, эй сиз, замондошларим, сизни на яланғоч ҳолда ва на либос кийган ҳолда ҳеч ҳазм қилолмасман!

Келажакдаги барча бўғувчи ва бир пайтлар қушларни ҳуркитиб учириб юборган жамики бор нарсалар ҳақиқатан ҳам, сизнинг “воқелик”ка қараганда самимийроқ ва ишончга кўпроқ сазовороқдир.

Зеро, сизнинг гапингиз шундай: “Биз бус-бутун воқеликмиз ва бизда эътиқод ҳамда хурофот йўқ”; Сиз шундай кўксингизни кериб гўдаясиз, ҳолбуки, оҳ! Сизда кўкракнинг ўзи йўқ!

Аmmo. Сиз бўялганлар, сиз қандай қилиб имон келтирасиз! — Сиз илгари имон келтирилган барча нарсаларнинг тимсоллари!

Сиз имон-эътиқоднинг оёқда юрган муртадларисиз, сизда ҳар қандай фикр қийма-қийма бўлиб кетади. Сохтагарлар — мен сизни шундай атайман, эй борлиқ воқелик фарзандлари!

Сизнинг ақл-идрокингизда барча замонлар бир-бирларига қарши сўзбозлик қилурлар: лекин барча замонларнинг тушлари ва қуруқ сўзбозликлари сизнинг уйғоқлигингизга қараганда ҳар қалай воқеликка яқинроқдир!

Самарангиз йўқ; шунинг учун сизга эътиқод етишмайди. Лекин ким яратиши керак бўлса, унинг доим тушлари башоратли ва аломат юлдузи балққан — ва у имонга имон келтирганди!

Сиз — гўрковлар кулиб ўтирадиган ярим очилган дарвозаларсиз. Ва ниҳоят, мана сизнинг воқелигингиз: “Ҳаммаси ўлиб кетишга арзийди”.<sup>1</sup>

Оҳ, мана олдимда турибсиз туртиб чиққан қовурғаларингиз билан! Ичингиздан кўпларингиз бунга ўзингиз ҳам тушунасиз.

Ва улар айтишади: “Чамаси, Худо мен ухлаб ётганимда бир нарсамни тортиб олганга ўхшайди? Шунинг ўзи, ростдан ҳам, урғочини яратиш учун етади!

Қовурғаларимнинг етишмаслиги ажойиб!” — ҳозирги одамларнинг кўплари шундай дейдилар.

<sup>1</sup> “Фауст”дан.

Ҳа, сиз менинг кулгимни қистатасиз, менинг замондошларим! Айниқса, сиз ўзингиздан ўзингиз ҳайрон бўлиб турган чоғингизда!

Бошимга бало ёғилсин, агар мен сизнинг ҳайрон бўлиб туришингиз устидан кулолмасам ва бунинг устига сизнинг товоқларингиздаги барча бемаза нарсаларни ютишга мажбур бўлдим!

Лекин мен сизга енгилроқ қарашим керак, зеро, менинг юким алланечук жуда оғир; агар менинг юким устига қўнғизлар ва кўршапалаклар қўниб ўтирса, бу билан нима ишим бор!

Чиндан, юким бундан янада оғирроқ бўлиб қолмайди-ку! Менга улуғ бир чарчоқ сиздан келмас, ахир, эй замондошларим!

Оҳ, мен ўз қайғум билан яна қайга кўтарилайин! Мен ҳамма тоғлардан оталар ва оналар юртларига кўз ташлайман!

Аммо ҳеч ердан ватан топмадим: барча шаҳарларда хавотирга тушаман ва барча дарвозалардан оёғимни қўла олиб қочиб бораман.

Замондошлар менга бегона ва кулгили; яқиндагина қўнғим уларга интилиб орзиқарди; ва мен оталару оналар юртларидан ҳайдалдим.

Шундай экан, мен фақат болаларимнинг юртларини севаман, улар ҳали очилмаган, узоқ денгизлар ортида жойлашгандир; менинг кемаларим майли уларни тинмай изласинлар, изласинлар.

Ўз болаларим билан мен оталар фарзанди эканлигимни оқлашим керак; ва барча келажакларга — ушбу бугундир!

Зардўшт шундай зикр қилди.

### БИКРАТ<sup>1</sup> БИЛИК ЗИКРИ

Кеча янги ой чиққанда, у қуёшни туғмоқчи эмасмикин деб ўйладим: у уфқ узра худди туғаетган аёл каби кенг ёйилиб ётарди.

Лекин ўз ҳомиладорлиги билан у мени алдади, мен янги ой кўпроқ — эркак бўлса керак, ҳар ҳолда — аёл эмас, деб ишонаман.

Албатта, бу уятчан ярим тун саргардони эркакка унчалар ҳам ўхшамайди. Чиндан, у томлар узра ифлос виждон била кезиб юради.

Зотан, ой қиёфасидаги ушбу роҳиб ҳирсу ҳаво ва рашку ҳасадга тўла ер деса, севишганларнинг лаззат-фароғатлари деса, у ўзини томдан ташлайди.

Йўқ, ушбу томларда кезувчи мушукни мен севмайман! Ярим очик деразаларга ўгринча яқинлашадиганларга сира тоқатим йўқ!

У юлдуз гиламлари узра художўйлик билан жимгина дайдиб юради; аммо мен овоз чиқармай қадам босадиган, шашпарлари жангир-жунгир қилмайдиган эркак оёқларини ёқтирмайман.

Ҳар қандай ҳақўйининг қадами одилдир. Аммо мушук ер юзида ўгринча қадам босади. Ўзинг кўр, янги ой худди мушукдек чиқиб келади, ноинсоф! — Эй, сезгир мунофиқлар, бу ўхшатишни мен сизга йўллайман, зеро, сиз, “соф билим”ни қидирувчиларсиз! Сизларни мен лаззатпарастлар, деб атайман!

Сиз ҳам барча ерга хос нарсаларни, ерининг ўзини ҳам сеvasиз — мен сизни ҳўб билиб олганман! — лекин сизнинг севингиз уят ва ноҳалол виждон, — сиз худди ойнинг ўзисиз!

Сизнинг руҳингиз ерга хос нарсаларга нафратига ишонч ҳосил қилган, лекин ичингиз бошқа нарсани дейди, — ҳолбуки, ичингиз сизнинг энг кучли томонингиз!

Ичингизга ялтоқилик қилаётгани учун руҳингиз энди уялади, у ўзига мансуб уят билан учрашмаслик учун ёлгон ва риё йўллардан пусиб боради.

“Мен учун энг олий бахт шундаки, — дейди ўзига ўзи сизнинг кўп ёлгончига чиққан руҳингиз, — ҳаётга тили осилган итдай эмас, балки ҳирсу ҳавога берилмай қарашдир; худбинликнинг галаёнлари ва очкўзликларимиз иродани ўлдирган ҳолда мушоҳада бахтини тотмоқдир, — бунда вужудинг муздай совуқ ва мисоли бўз каби, лекин кўзларинг худди ой каби мастона бўлсин!

<sup>1</sup> Б и к р а т — бокира, пок.

Мен учун энг яхши қисмат, — деб ўз-ўзини йўлдан уради йўлдан оздирувчи, — ерни бамисоли ой каби севиш ва фақат кўз билан унинг гўзаллигини силаб-сийшалаш.

Мен ҳамма нарсаларни билишни бокира деб атайман фақат шундайки, нарсалар қаршисида бамисоли юз кўзли ойна каби улардан ҳеч нарса талаб қилмай шундай ўзим ётсам”.

О, сиз, сезгир мунофиқлар, о, сиз, лаззатпарастлар! Сизнинг майлингизда бокиралик етишмайди; ва мана шу сабабдан сиз майлга бўҳтон отасиз!

Чиндан, сиз ерни яратувчилар, бино қилувчилар ва тикланишдан қувонувчилар каби севмайсиз!

Бокиралик қайда? У урчишга ирода бўлган ерда. Ва кимки ўздан кейинга яратишни истаса, унинг мен учун соф иродаси бор.

Гўзаллик қайда бор? У мен бутун ирода билан ишташим керак бўлган севиш ва жон беришга тайёр бўлган ердадир ва шундайки, тимсол фақатгина қуруқ тимсол бўлиб қолмагай.

Севиш ва жон бериш — бу мангулик билан қовушади. Севишни ишташ — бу ўлимни ҳам ишташ демакдир. Мен буни сизга айтяпман, эй юраксизлар!

Лекин буни қарангки, сизнинг дабдабаларга хос қингир кўзлингиз ўзини “мушоҳада” деб аташни иштайди! Бунда қўрқоқ бир назар билан тегиб ўтиш мумкин бўлган нарсани “гўзаллик” деб юритиш керак бўлади! О, сиз, олижаноб номларни ҳаром қилувчилар!

Бироқ эй, сиз, ўзига доғ туширмаганлар, эй, сиз, соф билишни қидириб юрганлар, сизнинг тавқи лаънатингиз шундаки, сиз мабодо уфқларни тўлдириб ётганингиз тақдирда ҳам ҳеч қачон ҳомиладор каби туолмайсиз!

Ва ҳақиқатан, сизнинг оғзингиз тўла олижаноб сўзлар; нима биз ишонишимиз керакми сизнинг юрагингиз ҳам олижаноблик билан лиммолим деб, эй, сиз ёлгончилар?

Аммо менинг сўзларим — кўримсиз — истехзоли ва одми сўзлар; ва мен сизнинг базмларингизда дастурхон тагига тушган увоқларни териб юришни яхши кўраман.

Ҳар қалай, мен уларга — мунофиқларга бор гапни айта оламан! Ҳа, менинг қилтаноқларим, чиғаноқларим ва тиканли япроқларим икки юзларнинг бурунларини қитиқласа керак!

Агрофингиздан, базмларингиздан доим сассиқ ҳид тарқалади: зеро, сизнинг ҳирсли хаёлларингиз, ёлгонларингиз ва иккиюзламачиликларингиз ҳавода шундоқ осилиб туради!

Сиз аввал ўзингизга ўзингиз — ҳа, ўзингиз ва ўз ичингизга ишонишга таваккал қилиб кўринг! Ким ўз-ўзига ишонмаса, у доим алдайди.

Сиз, эй “озодалар”, ўз-ўзингиз олдингизда Худо қиёфасидан паноҳ топдингиз: сизнинг қирқ бўғимли кўрқинчли куртингиз Худо тийнатида беркинди.

Эй, сиз “мушоҳада қилувчилар”, сиз алдайсиз! Бир пайтлар ҳатто Зардушт ҳам сизнинг илоҳий пардангиздан алданган эди; бу парда қандай илон ҳалқалари билан тўлдирилганлигини у фаҳламай қолганди.

Эй, соф билим изловчилар, бир пайтлар сизнинг ўйинларингизда Худонинг юраги ўйнашини орзу қилган эдим! Сизнинг санъатларингиздан ортиқроқ санъатни ҳеч қачон орзу қилмагандим!

Мендан олис-олислар илон маразлари ва сассиқ уфунатларни яшириб келди, бу ерда калтакесакнинг айёрлиги ҳирсга тўлиб судраларди.

Аммо мен сизга яқинлашдим: шунда менинг кундузим туғилди — энди эса у сиз учун туғилмоқда, — ойнинг саргузаштлари тутади!

Унга боқинг! Ёришиб келаётган тонг олдида у бўздай оқариб турмоқда! Зеро, олов яшиқ! тезда чиқажак — унинг меҳри ерга яқинлашмоқда! Бокиралик ва яратувчи ташналиги — ҳар қандай қуёшнинг муҳаббати — шу!

Унга боқинг, у денгиз узра сабрсизлик билан балқимоқда! Сиз унинг меҳрининг қайноқ, ташна нафасини сезмаяпсизми?

У денгизни кўллаб ютмоқчи, денгиз теранликларини ўз юксакликларига ютиб кўтармоқчи — эҳтиросли денгиз ҳам минглаб кўкраги билан унга томон юксалиб боради.

<sup>1</sup> Я ш и қ — қуёш.

Зеро, у қуёш уни ўпишини, уни ҳўплаб шимиришини истайди: денгиз ҳам ҳаво, ҳам баландлик, ҳам нур йўли ва ҳам нурнинг ўзи бўлишни хоҳлайди!

Ҳақиқатан, мен қуёш каби ҳаётни севаман ва севаман барча чуқур денгизларни.

Барча чуқур нарсалар кўтарилсин — менинг баландлигимга! — мен учун билим мана шундадир.

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ОЛИМЛАР ЗИКРИ

Мен ухлаб қолибман, бир қўй келиб бошимдаги чирмовуқдан тўқилган чамбарни еб қўйибди, яна бунинг устига еб туриб: “Зардўшт энди олим эмас”, дебди.

У шундай деб кеккайиб, тумшугини кўтарганча бир чеккага ўтиб кетибди. Менга бунинг бир бола айтиб берди.

Мен болалар ўйнаб юрадиган шу ерда, қулаб ётган девор этагида, қушқўнмас ва лолақизғалдоқлар ўсиб ётган жойда ётишни яхши кўраман.

Мен ҳали ҳам болалар учун ва шунингдек, қушқўнмас ва лолақизғалдоқлар учун олимман. Улар ҳатто аччиқланганларида ҳам маъсум, бегуноҳдирлар.

Аммо қўйлар учун мен энди олим саналмай қўйдим: пешонам шундай экан — майли, қутлуғ бўлсин!

Зеро, гап шундаки, мен олимлар уйидан кетдим ва орқамдан эшикни маҳкам ёпиб чиқдим.

Менинг қалбим уларнинг дастурхонлари устида узоқ вақт оч ўтирди; улар каби билимни ёнгоқ чаққандай бўлиб ўрганмадим.

Кенгликларни ва ер узра тоза ҳавони севаман, мен унвонлар ва ҳурматлар ичида яшагандан кўра ҳўкиз терилари устида ухлашни маъқул кўраман.

Мен ҳаддан ошиқ қизиққонман ва ўз фикрларим издиҳомида ёнаман. Кўпинча ҳаво етишмай бўғилиб кетаман. Шунда мен чанг босган хоналардан узокроққа, кенгликларга чиқиб кетаман.

Аммо улар салқин сояларда салқинлашади: улар ҳамма ҳолларда фақат томошабин бўлишни хоҳлашади ва товонларни куйдирадиган офтобда ўтиришдан қочади.

Худди кўчада туриб ўткинчиларни томоша қиладиганларга ўхшаб, улар бошқалар ўйлаб топган фикрларни кўз остига олишади.

Уларга қўл тегизиб кўрсангиз, худди ун қоллардан тўзон кўтарилгандай беихтиёр чанг чиқади; лекин чанг-тўзон ғалла — дондан ва экинзорнинг олтин тортиқларидан чиқяпти деб ким айта олади?

Уларини доно қилиб кўрсатганларида уларнинг майда ҳикматлари ва ҳақиқатларидан эгим увишади; кўпинча уларнинг доноликларидан худди ботқоқликдан чиқаётгандай уфунат тарқалади; мен ҳақиқатан, бу ботқоқда қурвақа қуриллаганлигини ўзим эшитдим!

Улар жуда чаққон, бармоқлари ғоятда уддабурон — бу уларнинг ранг-баранглигию менинг ўзига хослигимга ўхшайди! Уларнинг бармоқлари ҳар қандай ип ўтказиш, тикиш ва тўқишни жуда бошлашади: улар руҳнинг пайпоқларини шундай тўқишади!

Улар яхши созланган соат мурватлари; фақат уларни яхшилаб бураб қўйиш керак! Шунда улар вақтни тўғри кўрсатишади ва бунда енгилгина шовқин кўтариб ҳам қўйишади.

Улар тегирмонларга ўхшаб гувиллаб ишлашади: фақат унга дон ташлаб турсанг бўлди! — бошлаб майдалаб беришади ва ошпоқ қуқунга айлантиради.

Улар бир-бирларининг бармоқларини зийраклик билан кузатишади ва бир-бирларига унчалик ишонишмайди. Улар майда мўғамбирликларга жуда уста, илми оқсайдиганларни таъқиб этишади — баайни ўргимчакнинг ўзгинаси дейсиз.

Мен уларнинг доим қандай эҳтиёткорлик билан заҳар тайёрлаганларини кўрганман; улар бунинг учун бармоқларига ҳамиша шиша қўлқоп кийиб олардилар.



Улар яна ясама ошиқ ўйинини биладилар; терлаб-пишиб, кўпириб-тошиб ўйнаганларини кўрганман.

Биз бир-биримизни тушунмаймиз, менга уларнинг яхшиликлари мўғамбирликлари ва ясама ошиқ ўйинларидан кўра ҳам ёқимсизроқ туюлади.

Улар билан бирга яшаганимда, мен юқорида турардим. Улар шунинг учун мени чиқиштиришмасди.

Улар ўзларининг тепаларида аллакимнинг юришини сира жинлари суймайди; шунинг учун мен билан ўзлари орасига ёғоч, тупроқ ва бошқа ашқол-дашқолларни тўкиб қўйишди.

Менинг қадам товушларимдан шундай қутулишди; уларнинг энг билимдон олимлари шу пайтгача мени ҳаммадан ҳам ёмонроқ эшитиб келишди.

Улар мен билан ўз ораларида одамларнинг барча хатолари ва ожизликларини айқаш-уйқаш уйиб ташлашди: буни улар ўз уйларидаги “қора пол” деб атайдилар.

Барибир, мен ўз фикр-хаёлларим билан уларнинг бошлари узра юраман, мен ҳатто ўз хатолари устидан юришни истаганимда ҳам, барибир, уларнинг тепасида ва боши устида бўлардим.

Зеро, одамлар тенг эмас — адолат шундай дейди. Ва мен истаган нарсани — уларнинг ҳақлари йўқ истапга!

Зардўшт шундай зикр қилди.

### ШОИРЛАР ЗИКРИ

“Мен вужудни яхши билганимдан бери, — деди Зардўшт ўз шогирдларидан бирига, — руҳ мен учун фақат қандайдир руҳдай; “ўткинчи бўлмаган” ҳамма нарсалар эса, — фақат тимсоллардир”.

“Буни бир сафар сендан эшитганман, — жавоб берди шогирд, — ўшанда сен бунга яна шуни қўшимча қилган эдинг: “лекин шоирлар жуда кўп ёлғон сўзлайдилар”. Нега сен шоирлар кўп ёлғон гапирадилар дединг?”

“Нимага? — такрорлади Зардўшт, — сен нимага деб сўраясанми? Лекин мен “нега?” деб сўраладиганлар сирасига кирмайман.

Ахир менинг кечинмаларим куни кеча бошланмаган-ку? Мен ўз фикрларимни асосига етганимга анча вақт бўлди.

Ўз фикрларимнинг барча асосларини сақлаб юраман десам, хумдай катта хотирага эга бўлишим керак эди.

Менга шунинг ўзи ҳам кўп ортиқча ташвиш — ўз фикрининг ўзинг кўтариб юришининг осон эмас; жуда кўп қушлар учиб кетмоқдалар.

Улар орасида мен кабутархонамга кириб қолган бегона махлуқчани ҳам кўраман, мен уни билмайман, қўлимни қўйсам, у титраб-қалтирайди.

Лекин ўшал бир куни Зардўшт сenga нима деган экан? Шоирлар кўп ёлғон сўзлар эканларми? — Лекин Зардўштининг ўзи ҳам — шоир.

Бунда у рост айтганига ишонасанми? Сен нега бунга ишонасан?”

Шогирд жавоб берди: “Мен Зардўштга ишонаман”. Аммо Зардўшт бошини чайқади ва кулиб қўйди.

Ишонч мени нарсага айлантирмайди, — деди у, — айниқса, менга бўлган ишонч.

Лекин кимдир жуда жиддий қилиб шоирлар ҳаддан ташқари кўп ёлғон сўзлайдилар деб айтган ҳам дейлик; у рост айтгур эди — биз ҳаддан ташқари кўп ёлғончилик қиламиз.

Биз жуда оз нарса биламиз ва жуда ёмон ўқиймиз, шунинг учун биз ёлғон сўзлашга мажбурмиз.

Лекин биз, шоирлар ўртасида ким ўз майига сув қўшмабди? Жуда кўп захарли омухта суюқликлар бизнинг ертўлаларда тайёрланган; кўп қаламга олиб бўлмайдиган нарсалар шу ерларда амалга оширилган.

Биз оз билганимиз учун бизга руҳи қашшоқлар жон-дилдан ёқади ва айниқса, булар ёшгина хотин-қизлар бўлса.

Кекса аёллар оқшом чоғлари ўзлари тўғрисида ҳикоя қилиб берадиган нарсаларга биз ҳатто жуда ўчмиз. Буни биз ўзимиздаги мангу назокат деб атаймиз.

Бирон нимани ўрганаман деган кимсага ёпиқ бўлган билимга гўё қандайдир алоҳида, яширин етиш йўли мавжуд: худди шундай биз халқ ва унинг “доно” лигига ишонамиз.

Ҳамма шоирлар шунга ишонадиларки, агар аллаким ўтлоқда ёки хилват дарахтзорда ётиб, қулоғини динг қилса, у ҳолда осмон ва ер орасидаги баъзи бир нарсаларни билиб олади.

Шоирларга мунис туйғулар меҳмон бўлган чоғларда, улар доим бизга табиатнинг ўзи ошиқ деб ўйлайдилар.

Табиат шундай уларнинг қулоқларига яқинлашиб келар экан-да, сирли, маҳбубона, хушомадга тўлиқ сўзларни шивирлаб айтар экан — шоирлар бошқа барча оддий одамлар олдида бу билан керилишиб мақтанадилар!

Оҳ, осмон билан ер орасида шунчалар кўп нарсалар борки, улар ҳақида орзу қилишни фақат шоирлар ўзларига раво кўрадилар!

Ва айниқса, осмондан ҳам юксакда: зеро, илоҳларнинг барчаси шоирларнинг ўхшатишлари ва чигал воқеанависликларининг мевасидир!

Ҳақиқатан, бизнинг ҳаёлимизни доим юксаклар — булутлар салтанати ўзига тортади: бу салтанатларга биз турли-туман ўз суюкли сиймоларимизни кўндирамиз ва шунда уларни илоҳлар ҳамда ало одамлар деб атаймиз.

Зеро, ушбу барча илоҳлар ва ало одамлар шунчалар ҳариру шаффофдиларки, булутларнинг тахтиравонларида бемалол ўтираверадилар.

Оҳ, етиб бўлмас нарсалардан мен қанчалар чарчадим, зеро, улар албатта бир ҳодиса бўлишни истайди! Оҳ, шоирлардан мен қанчалар чарчадим!

Зардўшт шу сўзларни айтаркан, шоғирди ундан аччиқланар, лекин индамас эди. Зардўшт ҳам жим бўлди; лекин унинг назари ўз ботинига қаратилган, бамисоли у жуда олис-олис ёқларга боқарди. Ниҳоят, у хўрсиниб, нафасини ростлади.

Мен — бугундан ва аввалгиданман, — деди у ниҳоят, — лекин менда эртадан, тунов кундан ва қандайдир эрта бириси кундан алланедир бор.

Мен қадим ва янги шоирлардан чарчадим: уларнинг бари мен учун юзаки ва кўлмак билан баробардир.

Улар ўз ўйларида етарлича чуқурлашмадилар; шунинг учун ҳам уларнинг ҳиссиётлари теранликнинг тубига етиб боролмади.

Озроқ шаҳвату ҳирс, озроқ зеркиш — уларнинг энг яхши фикрлари мана шундай.

Уларнинг арфаларидан чиққан оҳангларнинг барчаси менга шарпаларнинг елиб-югуриши бўлиб кўринади; оҳангларни вужудга келтирадиган юрак ҳарорати ҳақида улар шу пайтгача нимани ҳам билардилар!

Улар менга бирмунча исқиртроқ бўлиб туюладилар. Ҳаммалари чуқурроқ кўринсин деб сувларини лойқалатишади.

Улар ўзларини сулҳпарвар қилиб кўрсатишади; лекин мен учун улар даллоллар ва чайқовчилар бўлиб қолаверишади, бунинг устига ишлари доим чалакам-чатти ва бесаранжом.

Оҳ, мен яхши балиқлар овлайман деб, уларнинг денгизларига ўз тўрларимни ташлаганман, лекин тўримга доим аллақандай кўҳна илоҳнинг боши илинган.

Денгиз орзумандга шундай тош тортиқ этади. Боз устига уларнинг ўзлари ҳам денгиздан чиқиб келган бўлишлари мумкин.

Ҳеч шак-шубҳасиз, уларнинг дурдоналари ҳам бор; бинобарин, ўзлари ҳам қаттиқ чиғаноққа ўхшайдилар. Кўпинча уларнинг қалби ўрнида мен шўр балиққа дуч келганман.

Денгиздан улар шухратпарастликни ўргандилар: денгиз товусларнинг товуси эмасмикан мабодо?

Товус десангиз, у энг хунуқдан-хунуқ кўтос олдида ҳам думини ёйишдан тоймайди, ўзининг тўрлар, ипақлар, кумушлардан тўқилган елпигичини силкигиб ўйнатишдан ҳеч қачон чарчамайди.

Бугун вужуди билан қум-тупроққа, ундан ҳам ортиқроқ айтсак, балчиқ-ботқоққа яқин бўлган кўтос бўзрайганча қараб туради, лекин у аслида ҳаммасидан ҳам ботқоқликка яқинроқ.

Чирой, денгиз, товуснинг товланиши унга нима бўпти! Бу ўхшатишни мен шоирларга айтаман.

Ҳақиқатан, улар руҳининг ўзи — товусларнинг товуси, денгиз дабдабаси!  
Шоир руҳи томошабин истайди — улар гарчи кўтос бўлса ҳам майли!  
Аммо мен бу руҳдан толиқдим; у ўзи ўзидан толиқадиган вақт келишини ҳам сезиб турибман.

Мен шоирларни ўзгарган ва нигоҳларини ўз-ўзларига қаратган ҳолда кўрдим.

Мен руҳлари тазарруда яқинлашаётганларни кўрдим: шоирлар улардан ўсиб-униб чиқдилар.

Зардўшт шундай зикр қилди.

## БУЮК ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ

Денгизда бир орол бор — Зардўштнинг фароғатли оролларида узок эмас — ўша оролда доим оғзидан ўт пуркаб турувчи тоғ бор; авом ва айниқса, халқ ичидаги қари хотинлар бу орол худди улкан қоятош каби жаҳаннам дарвозаси олдида ётади, деб ҳикоя қиладилар; вулқоннинг ичидан эса пастга қараб торгина бир сўқмоқдан тушиб борилса, нақ ўша жаҳаннам дарвозаси олдида чиқилармиш.

Зардўшт фароғатли оролларда юрган кезларда битта кема вулқон тоғ тутаб турган орол ёнида лангар ташлади; кемадаги одамлар оролга кўёнлар отгани тушиб келишди. Бироқ кун пешинга яқинлашиб, капитан ва унинг одамлари яна бир жойга йиғилганларида, улар бирдан ўзлари томонга ҳаводан рўё юриб келаётганлигини кўриб қолдилар ва аллақандай овоз: “вақт келди! Аллақачон келди!” — деганини аниқ-ганиқ эшитдилар. Рўё уларга яқинлашиб, ёнларидан тез учиб ўтди, у худди кўланка каби оловли тоғ томонга ҳаракат қиларди. Шунда улар бу Зардўшт эканлигини билиб, ҳайрону лол бўлиб қолдилар; зеро, капитандан ташқари уларнинг ҳаммалари Зардўштни кўрган ва уни худди халқнинг ўзи каби кўрқув ва муҳаббат ичида яхши кўрар эдилар.

“Қаранглр, — деди эски кемачи, — бу Зардўшт дўзахга қараб кетиб боряпти!”

Шу кемадагилар оловли оролга тушган пайтда Зардўшт ғойиб бўлди, деган овоза тарқалган эди. Унинг дўстларидан сўраб-суриштиришганда, улар Зардўшт тунда кемага ўтирди, лекин қачққа кетаётганини айтмади, дейишди.

Мана шундай лолу ҳайронлик бўлди, уч кундан сўнг бу саросимага кемадагиларнинг қиссалари ҳам кўшилди-да, энди бутун халқ бир бўлиб, Зардўштни шайтон етаклаб кетди, деб сўйларди. Бироқ Зардўштнинг шогирдлари бу мишмишлардан кулишар, ҳатто улардан бири шундай деди: “Менимча шайтон Зардўштни эмас, Зардўшт шайтонни олиб кетган бўлса керак”. Лекин кўнгилларининг тубида барчалари хавотирга тушиб қолишган, уни тезроқ кўргилари келарди; ниҳоят, бешинчи кун деганда Зардўшт яна ичларидан пайдо бўлганда, улар қувонч-шодлигининг чеки йўқ эди.

Мана, ниҳоят, Зардўштнинг оловли ит билан мусобақаси ҳақидаги ҳикоя.

Ер, — деди у, — ўз пўстлоғига эга; ушбу пўстлоқ турли касалликларга чалинган, ўша касалликларнинг биттаси, мисол учун: “инсон” деб аталади.

Бошқа бир иллатнинг оти эса: “оловли ит”: у ҳақда одамлар кўп ёлғонлар тўқиганлар ва ёлғонга йўл қўйганлар.

Мана шу сир-асрорни билиш учун мен денгиздан келдим — ва мен ҳақиқатни яланғоч ҳолда кўрдим — у ҳақиқатан қип-яланғоч — то кекирдагигача урэн эди.

Энди мен оловли ит нима эканлигини биламан; худди шунингдек, барча отилиб чиқиш ва ғалаёнга келиш шайтонларини ҳам биламан; улардан қари кампирлардан ташқари бошқалар ҳам кўрқишади.

“Эй, оловли ит, чиқ ўзининг қаъриндан! — деб қичқирдим мен. — Бу чуқурлик қанчалар чуқур эканлигини ўзинг тан ол! Сен қайдан туриб тепага пуркамоқдасан?”

Сен денгиздан тўйиб-тўйиб ичасан: бунини ваъзларининг тузидан билиб ола бўлади! Ҳақиқатан, сен тубсиз қаърининг ити, ер юзасидан ўзинга жуда кўп озуқ оласан!

Энг кўп деганда мен сени ернинг ваъзхони деб ҳисоблайман; мен ҳар сафар галаёна ва отилиб чиқиш шайтонларининг нутқларини тинглаганимда, уларни сенга ўхшашлигини пайқаганман: улар сенинг тузларинг, ёлгонларинг ва юзакичиликларингга нақадар монанд.

Сиз ириллаш ва кул сепишни биласиз. Сиз жуда катта мақтанчоқларсиз ва балчиқни қайнатиш учун уни қандай иситишни ҳўб яхши ўрганиб олгансиз.

Сиз қаерда бўлсангиз, ўша яқин ерда балчиқ ҳам бор, жуда кўп дўрдоқлик, говаклик ва қисинчоқлик бор; буларнинг бари эркинликка чиқишни истайди.

Сиз ҳаммангиз жон-дилдан “эркинлик” деб айпоҳаннос соласиз, аммо мен “буюк воқеалар”га энди ишонмай қўйдим, улар атрофида шовқин-сурон ва тутун кўп, холос.

Менга ишон, дўстим, бу жаҳаннам шовқини! Улуғвор воқеалар — бизнинг энг шовқин-суронли эмас, балки энг сокин соатларимиздир.

Дунё янги шовқин-суронларнинг ихтирочилари атрофида эмас, балки янги қадриятларнинг ихтирочилари теварагида айланади. Унинг айлангани эшитилмайди ҳам.

Фақат ўзинг тан ол! Сенинг шовқин-суронларинг ва тутунларинг тарқалганда, юзага келган нарсалар жуда оз эканлиги кўриниб қолган. Агар шаҳар мўмиёланган тасқарага айланиб, устунлар балчиқ ичида ётган бўлса, бундан не наф!

Мен устунларни қулатувчиларга яна шуларни ҳам айтаман, ҳеч қандай шубҳасиз, денгизга туз сепиш ва устунларни балчиққа ағдариш бу — ақл бовар қилмас телбалиқдир.

Сизнинг нафратингиз лойида ётар эди устун; лекин асли унинг қоидаси ўзи шундай, унга нафрат ичидан янги ҳаёт ва тирик гўзаллик ўсиб чиқади.

Энди у ўз азоб-уқубатларида яна ҳам жозибалироқ бўлиб илоҳиёт нури йўғиримида бош кўтаражак, ҳақиқатан! Эй, вайрон қилувчилар, у ҳали қулатганингиз учун сизга миннатдорлик ҳам изҳор этгай!

Мен барча шоҳлар ва черковларга ва йиллар ўтиб, яхшиликлар қилиб, ниҳоят, қариб-чуриганларга шундай маслаҳат бераман — сизни ағдариб ташлашларига имкон беринг! Шунда сиз яна ҳаётга қайтасиз, сизга ҳам эзгулик қайтади!

Мен оловли ит олдида ушбу сўзларни айтдим; лекин у гўлдираб, менинг гапимни бўлди-да, шундай деб сўради: “Черков? У нима дегани?”

“Черковми? — жавоб бердим. — Бу давлатнинг бир тури, бунинг устига энг алдамчиси. Аммо бас қил, мунофиқ ит! Сен ўз жинсингни бошқалардан кўра яхшироқ биласан!

Худди сенинг ўзинг каби, давлат ҳам мунофиқлик кўшпагидир; худди сен каби у тарақа-туруқ ва дуд ичида гапиришни яхши кўради, — чунки худди сен каби нарсаларнинг ичидан туриб сўйлашига мажбурлаб ишонтирмоқчи бўлади.

Зеро, давлат қандай қилиб бўлмасин, ер юзидаги энг муҳим ҳайвон бўлишни истайди; бунда ҳам унга ишонипади”.

Мен шу гапни айтишим билан оловли ит худди қутургандай ғазабидан ўзини ҳар томонга ура бошлади. “Қандай, — деб қичқирди у, — ер юзидаги энг муҳим ҳайвон бўлади? Бунда ҳам унга ишонипадими?” Унинг бўғзидан шунчалар тутун ва даҳшатли қичқирдиқлар чиқардики, мен у ғазаб ва ҳасаддан хишпа бўғилиб қолмасмикин, деб ўйладим.

Ниҳоят, у жим бўлди, унинг пихиллаши камайди; лекин у жим бўлиши билан мен кулиб дедим:

“Сенинг жаҳлинг чиқяпти, оловли ит, — демак сен ҳақингда менинг ўйлаганларим тўғри!

Мен ҳақ бўлиб қолишим учун бошқа оловли ит ҳақида эшит: у ҳақиқатан, ернинг юрагидан гапиряпти.

Унинг нафаси олгиндан ва олгин ёмғиридан: унинг юраги шуни истайди. Унинг кул, тутун ва қайноқ шилимшиқ билан нима иши бор!

Кулги унинг ичидан ола-була булут парчалари каби отилиб чиқади; сенинг билқиллашинг, тупуклар сочишинг, ичак-чавоқларинг ағдарилганига унинг сира тоқати йўқ!

Лекин олтин ҳамда кулгини у ернинг юрагидан олади, бинобарин, сен ниҳоят билмоғинг керак — ернинг юраги олтиндан”.

Оловли ит буни эшитгач, охиригача мени тинглашга тоқати етмади. У шармандаларча думини қисиб, қўрқа-писа “вов, вов!” — деди-да, пастга ўз гори ичига тушиб кетди.

Зардўшт шундай ҳикоя қилди. Лекин шогирдлари унинг гапларини тоқатсизланиб эшитишарди, улар Зардўштга иложи борича тезроқ кемадаги одамлар, қуёнлар ва учар одам ҳақида сўйлаб бергилари келарди.

“Мен буни нима деб ўйлайман! — деди Зардўшт. — Нима, мен ахир шарпаманми?”

Лекин балки у менинг кўланкамдир. Сиз, эҳтимол, мужовир ва унинг сояси ҳақидаги баъзи бир гапларни эшитгандирсиз?

Бир нарса шубҳасиз: мен уни маҳкам ушлашим керак экан, акс ҳолда у менинг шон-шухратимга доғ туширади”.

Яна Зардўшт бошини чайқаб ҳайрон бўлди. “Мен буни нима деб ўйлай”, такрорларди у.

Шарпа нима учун: “Вақт келди! Аллақачон келди!” — деб қичқирди экан? Нега энди — аллақачон?”

Зардўшт шундай зикр қилди.

### БАШОРАТҒҲЙ

“— ва мен одамлар ўртасида улуғ тушқунлик бошланганлигини кўрдим. Энг яхши одамлар ўз ишларидан чарчадилар.

Бир таълимот чиқди ва унинг теварагида унга ишонувчилар ўрмалаб қолишди. “Ҳаммаси бўм-бўш, ҳаммаси бекор, ҳаммаси аввал ҳам бўлиб ўтган!”

Ва барча адирлардан акс садо таралади: “Бари бўм-бўш, бари бекор, бари бўлиб ўтган!”

Рост, биз ҳосилни йиғиб олдик; лекин нега бизнинг ҳосилларимиз чириб, қорайиб кетди? Қаҳрли ойдан сўнг — тунда нималар тушди?

Ҳар қандай меҳнатимиз бекор кетди. Солган мусалласларимиз сиркага айланди, далаларимиз ва қалбларимизни ёмон кўз куйдириб юборди.

Ҳаммамиз қуриб чўп бўлиб қолдик; агар устимизга ўт тушсаиди, кул бўлиб кўкка совурилардик, — лекин биз оловни ҳам ҳолдан тойдирдик.

Барча булоқлар қуриди, ҳатто денгиз ҳам ортага қайтди. Ер ёриламан дейди, лекин ютаман демайди!

“Оҳ, чўкиб кетиш мумкин бўлган денгиз қолдими?” — Ястанган ботқоқлар узра бизнинг шундай шикоятларимиз таралади.

Ҳақиқатан, биз ҳатто ўлиш учун ҳам жуда чарчадик; биз мақбаралардагина уйғоқмиз ва яшашни давом эттиряпмиз!”

Зардўшт мана шуларни сўйлаб турган бир башоратғўйни эшитди; унинг башоратлари Зардўштнинг юрагига тўкилди ва уни ўзгартирди. У ғамгин ва ҳоргин кезинарди; ва у башоратғўй айтган одамларга ўхшаб қолди.

Ҳақиқатан, — деди у ўз шогирдларига, — яна бироз вақтдан сўнг ўша узундан-узоқ қоронғу хуфтон бошланади. Оҳ, мен ўз нуримни улардан қандай кутқараман!

Бу ғамгузорликда у ўчиб қолмасайди! У олис-олис одамлар ва энг узоқ кечалар учун ёруелик бўлмоғи керак!

Зардўшт мана шундай юраги маҳзун дардга ботиб юрди; уч кун у емади, ичмади, тинчлик билмади ва миқ этиб оғиз очмади. Ниҳоят, у жуда чуқур уйқуга чўмди. Шогирдлари узоқ тунлар ухламай унинг бошида ўтирдилар ва ташвишга ботиб, у қачон кўзини очаркин, қачон яна тилга кираркин, қачон бу ғам-қайғудан озод бўларкин? — деб кутдилар.

Зардўшт эса ниҳоят кўз очиб, мана шуларни деди; унинг овози шогирдларига жуда узоқлардан эшитилгандай бўлди:

“Дўстларим, менинг нима туш кўрганлигимга қулоқ тутинг ва унинг маъносини қақишга кўшиш қилинг!”

Менга бу туш ҳали жумбоқ бўлиб турибди; унинг маъноси ўзида яширинган ва боғланган ва ҳали унинг узра эркин қанот қоқмайди.

Тушимда мен ҳар қандай ҳаётдан воз кечибман. Мен ёлғиз тоғ узра Ўлим қалъасида тунги қабр қоровули бўлиб қолибман.

У ерда мен тобулларини қўриқлаб юрдим; барча қоронғу равоқлар ўлим қўлга киритган зафарларнинг ўлжалари билан тўла эди. Шиша тобуллар ичидан менга мағлуб ҳаёт термуларди.

Чанг-ғубор босган мангуликнинг ҳиди димоғимга уриларди; Ҳаво етмай бўғилдим ва чанг-ғубор ичида юрагим толди. У ерда ўз қалбини тоза ҳаводан баҳраманд этгувчи бирон зот топилармикин!

Теварагимни доим ярим туннинг зиёси қуршарди, ёлғизлик унинг ёнида чордона қуриб ўтирарди; яна менинг энг бадтарин дугонаим хириллаган ўлик сукунат ҳоким эди.

Мен дунёда энг занг босган калитларни ўзим билан олиб юрардим; мен улар билан дунёдаги энг ғирчиллаган эски дарвозаларни очишни билардим.

Дарвозаларнинг лўкидонлари кўтарилганда худди мудҳиш қағиллашга ўхшаган овозлар узундан-узоқ йўлаклар бўйлаб югурарди: бу куш кўрқинчли сайрар, ўзини уйғотишга сира қўймасди.

Аммо ҳаммаси оғир сукунатга чўмиб, атроф жим-жит бўлиб қолган ва мен бу мўлтони жимликда ёлғиз ўтирганда, ҳаммаси янада кўрқинчлироқ туюлар ва юрагим ортиқ даражада қаттиқ сиқиларди.

Агар вақт ҳали бўлсайди, у шунчалар имиллаб ўтарди, яна не билай! Лекин ниҳоят, мени уйғотиб юборган нарса рўй берди.

Дарвозани худди момақалдиरोқ гулдирагандай уч марта уриб тақиллатдилар, унга жавобан равоқлар уч марта гулдурос солиб акс садо бердилар; шундан сўнг мен дарвоза томон йўл олдим. Алпа!<sup>1</sup> — қичқирдим мен, — ким ўз хокини тоққа олиб чиқяпти. Алпа! Алпа! Ким ўз хокини тоққа олиб чиқяпти?

Мен дарвозага калит солиб, уни куч билан итариб очишга ҳаракат қилардим. Лекин дарвоза зигирча бўлсин очилмади.

Шунда қутурган шамол унинг тавақаларини очиб юборди: у зувиллаб, қичқириб, ҳавони ёриб ўтиб менга қора тобутни итқитди.

Шунда шовқин-сурон, чинқиритиш қулоқни қоматга келтирди, увиллашлар ичида тобут ёрилди ва ундан минглаб оҳангдаги товушлар отилиб чиқди.

Шунда болалар, фаришталар, бойқушлар, тентаклар ва гўдакдай капалаклар — ўйинқароқлик билан менинг устимдан кулар, майнавозчилик қилар, устимга ёпирилиб бостириб келишарди.

Мен қаттиқ кўрқдим ва ерга йиқилдим. Шунда мен даҳшатга тушиб қичқириб юбордим. Ҳеч қачон бундай қичқирмаган эдим.

Ўз бақирган овозимдан уйғониб кетдим ва мен ўзимга келдим.

Зардўшт ўз кўрган тушини шундай ҳикоя қилди ва сўнг жим бўлиб қолди: зеро, у ҳали ўз тушининг маъносини билмасди. Шунда Зардўштининг ҳаммадан кўра яхши кўрган шоғирди, шаҳд билан ўрнидан туриб, устозининг қўлини тутди-да, шундай деди:

“Сенинг ҳаётингнинг ўзи бизга тушингни тушунтириб беради, о Зардўшт!

Ўлим қалъаси дарвозасини чинқириб, увиллаб очаётган ўша шамол сен ўзинг эмасми?

Ҳаётнинг фаришта буқаламунликлари ва ранго-ранг қаҳру ғазаблари билан тўлган ўша тобут сен ўзинг эмасми?

Ҳақиқатан, худди минг оҳангдаги болалар кулгуси каби Зардўшт тун ва мозор қўриқчилари устидан ва шунингдек, занглаган калитларини жаранглатиб кезгувчиларнинг ҳаммаси устидан кулганча барча мақбараларга кириб борарди.

Сен ўз кулгинг билан уларни кўрқитиб, ағдариб юборасан; хушдан кетиш ва кўз очиш сенинг улар устидан ҳукмингни кўрсатади.

Узоқ қоронғу хуфтон ва ўлим билан баробар чарчоқ етганда ҳам, сен бизнинг осмонимизда ботиб кетмагайсан, сен ҳаёт ҳимоячисан!

<sup>1</sup> А л п а — шимол ривоятларида тун ва зиё илоҳи. Айрим тадқиқотчилар яҳудий ал-поҳ (нима учун) ва буддавийча калпа сўзларини ҳам муқояса қилдилар.

Сен бизга янги юлдузларни ва туннинг янги улуғворлигини кўрсатдинг; ҳақиқатан, сен кулгининг ўзини бизнинг устимиздан ранго-ранг ўтов каби ёйдинг.

Бундан сўнг болалар кулгиси тобутлардан худди булоқдек қайнаб чиққай; бундан кейин ўлимга баробар чарчоқни енгиб доимо қудратли шамол эсиб туражак: бунга далолат бизга ўзингсан ва башораттўйсан.

Ҳақиқатан, сен ўз душманларингни кўргансан тушингда — бу сенинг энг оғир тушинг эди!

Сен улардан уйғонган ва ўзингга келган экансан, худди шундай улар ҳам ўзлари ўзларидан уйғонишлари ва — сен томон келишлари керак!”

Шогирд шу сўзларни айтди; ҳаммалари Зардўштга яқинроқ келиб, уни ўраб олдилар, унинг қўлларидан тутиб, тўшак ва ғамни бир чеккага қўйиб ўз сафларига қайтишга ишонтириш, кўндиришга уринар эдилар. Зардўшт эса ўз тўшагидан гавдасини ярим кўтариб ўтирар, унинг кўзлари маъносиз боқарди. Худди узоқ йўқ бўлиб кетган одам қайтиб келгандай у ўз шогирдларига қарар, уларнинг юзларига термулар ва ҳали ҳамон уларни таниёлмасди. Аммо улар уни даст кўтариб оёққа бостирганларида, унинг нигоҳи дарҳол ўзгарди; у нима рўй берганлигини дарҳол тушунди ва соқолига сарасоф солганча, қатъий товуш билан деди:

“Ундай бўлса майли, бунинг ҳам ўз вақти-соати келади; бироқ, эй шогирдларим, сиз тўкин бир дастурхон ёзинг ва имилламай тезроқ бўлинг! Мен ёмон тушларимга шундай кафорат бермоқчиман!

Башораттўй менинг-ла ёнимда ўтириб есин ва ичсин; дарҳақиқат, мен унга ҳали у чўкиб кетиши мумкин бўлган денгизни ҳам кўрсатаман!”

Зардўшт шундай зикр қилди. Ва у тушининг таъбирини айтиб берган шогирдининг юзига узоқ термулиб тураркан, тўхтовсиз бошини чайқарди.

### ХАЛОС БЎЛИШ ЗИКРИ

Бир куни Зардўшт кўприк устидан ўтиб бораркан, уни ногиронлар ва тиланчилар ўраб олишди ва бир букри унга шу сўзларни айтди:

“Қара, Зардўшт! Ҳатто халойиқ сендан ўрганади ва сенинг таълимотингга эътиқод қўяди; лекин халойиқ батамом сенга ишонсин десанг, унда яна бир иш қилмоғинг керак — сен биз ногиронларнинг ҳам ишончимизни қозонгил. Сенинг бу ерда ажойиб имкониятинг бор, уни қўлдан бой бермасликнинг чораю тадбири кўп. Сен кўрларнинг кўзини очишинг, лангларни югурадиган қилишинг — даволашинг мумкин; елкасита жуда кўп юк ортганларнинг ҳам юкларини енгиллата оласан; — буларнинг ҳаммаси, билишимча, майиб-мажруҳларни Зардўштга эътиқод қўйишлари учун ажойиб бир восита бўлур эди!”

Аммо Зардўшт бунга шундай жавоб қилди: “Букридан унинг букирини олиб қўйишганда, айнаи чоғда унинг руҳини олиб қўйган бўлишди — халқнинг ўғити шундай. Кўрга унинг кўзини қайтариб беришганда, у ер юзида шунчалар кўп бемазагарчиликларни кўрадики, оқибатда у кўзини тузатган табибни қарғайди. Чўлоқни чопишга ярайдиган қилиб даволаган унга энг оғир зиён етказди, зеро, у иллатлар қувиб ўтиб кетолмайдиган даражада тез югуришга муяссар бўлармикин, — халқ ногиронлар ҳақида шундай ўғит айтади. Шундай экан, халқ Зардўшддан таълим олганда, нечук Зардўшт халқдан таълим олмасин?”

Бироқ мен одамлар орасида яшаётганимдан буён кўзим билан кўраётганларим ҳали ёмонлик — қабоҳатнинг энг каттаси эмас, кўриб турибман: “бировга кўз етмайди, бировга — қулоқ, учинчи бировга — оёқ; лекин шундайлар ҳам борки, улар тилдан айрилганлар, ёхуд бурун ва ё бошларини йўқотганлар”.

Мен жуда ёмон ва ўта манфур нарсаларни кўрдим, ҳамон кўриб келяпманки, уларни ҳатто тилга олиб гапиргинг ҳам келмайди, бошқа баъзи бир нарсалар ҳақида эса миқ этиб оғиз очмасам дейсан; мисол учун, тўқчиликдан бошқа ҳамма нарсалар етишмайдиган одамлар, — шу одамларни турган-битгани биттагина катта кўзнинг ўзи ёки биттагина каттакон оғиз,

ёки биттагина жуда катта қорин, ёки умуман қандайдир битта ҳайҳотдай алламбаломи дейсан, — мен буларни авра-астари ағдарилган ногиронлар деб атаман.

Мен ўз хилватимдан чиқиб биринчи марта бу кўприкдан ўтиб бораётганимда, ўз кўзларимга ишонмай, тикилиб-тикилиб қараб, ниҳоят ўз-ўзимга дедим: “Бу — қулоқ! Одам бўйи келадиган қулоқ!” Мен яна ҳам диққат қилиб қардим: ҳақиқатан ҳам, қулоқнинг орқасида яна алланима бир нарса, одамнинг раҳмини келтирадиган даражадаги кичкина, ночор ва заиф бир нарса қимирларди. Ҳақиқатан, қўрқинчли қулоқ кичкинагина, нозик пояга кўндирилган — ажабки, ушбу поя одам эди! Каттайтирувчи ойнак билан қаралса, унинг тирноқдек бахил юзи, поя устида лиқирлаб турган, салқиб керкиган жонини ҳам кўриш мумкин эди. Халойиқлар эса менга бу катта қулоқ оддий одамгина эмас, балки ҳатто буюк одам, дохий деб тушунтирарди. Аммо мен халойиқлар буюк одам ҳақида гапирганда, ҳеч қачон уларнинг гапига ишонмаганман, — ва мен ўз ишончимдан қолдим: бу ҳақиқатан ҳам, авра-астари ағдарилган ногирон ва унинг ҳамма нарсаси ўта майда ҳамда фақатгина битта алланима балоси ҳаддан ортиқ кўп”.

Шуларни букирга ва унинг оғзига мўлтайиб тикилиб турганларга айтиб, Зардўшт ўз шоғирларидан қаттиқ норози бўлиб, деди:

Ҳақиқатан ҳам, биродарларим, мен одамлар орасида худди харобалар ва одамнинг алоҳида аъзолари ичида юргандай бўламан!

Менинг кўзларим учун энг даҳшатлиси бу — худди қаттол ва қонли жанг майдонида бўлганидек, одамларни парча-парча бўлиб ҳар ерда сочилиб ётганларини кўришдир.

Агар менинг нигоҳим бугундан бошлаб барча ўтган замонларни кезиб чиқса, яна ҳар қайда ўша-ўша манзарага дуч келади: бари харобалар, узилиб-тўзиб ётган одам аъзолари, ваҳшатли тасодифлар ва битта ҳам одам йўқ!

Ер юзидаги ўтмиш ва бугун — оҳ, оғайниларим, мен учун ҳеч чидаб бўлмайдиган нарса мана шу; агар мен келадиган нарсаларни олдиндан билмаганимда эди, ҳеч қачон тирик яшай олмасдим.

Келажакнинг ўзини ва келажакнинг кўпригини истаган ҳамда яратаётган башоратгўй — ва оҳ, бамисоли кўприк устидаги майиб-мажруҳлар каби: буларнинг бари Зардўштнинг айни ўзидир.

Сиз ҳам тез-тез ўзингиздан сўрагансиз: “Зардўшт ким биз учун? Биз уни нима деб аташимиз керак?” Ва худди менда бўлгани каби жавобларингиз баайни саволарингиздир.

У ваъда берувчими? Ё адо этувчи? Истилочими? Ё ворислик қилувчи? Кузми? Ё омон? Табибми? Ёки соғаювчи?

Шоирми у? Сўзлайдими ҳақни? Халоскорми? Ё бўйсиндирувчи? Очиқ кўнгилми? Ёки жаҳлдор?

Мен одамлар орасида худди келажак харобалари ичида юргандай бўламан, — мен бу келарни кўриб тураман.

Менинг ижодим ва ингилишим шундан иборатки, нимаики шу пайтгача хароба, жумбоқ ва мудҳиш тасодиф бўлиб келган эса, уларни жамлаш ва бошини қовуштиришдир.

Агар одам шоир, жумбоқ ечувчи ва тасодиф захридан қутқарувчи бўлмаса, мен қандай қилиб инсон бўлардим?

Ўтганларни қутқариш ва ҳар қандай “бўлган эди”ни “истаганим шу” деб ўзгартириш — фақат мана шу нарсани мен халос бўлиш деб атаган бўлардим!

Ирода — озод қилувчи ва қувонч элчиси шундай аталади: сизга шундай таълим бердим, оғайнилар! Энди яна шуни ҳам ўрганинг: ироданинг ўзи ҳали асоратда.

“Истамоқ” озод қилур — лекин озод қилувчини ҳам ҳали занжирда тутувчи нарса нима деб аталади?

“Бўлган эди” — ироданинг тиш ғижирлатиши ва азал қайғуси мана шундай аталади. У қилиб бўлинган нарса олдида ўта ожиз, бутун ўтмишни қаҳру ғазабга тўлиб кузатади.

Ирода қайта хоҳлай олмайди; у вақтни енголмайди ва замон ҳаракатини тўхтатолмайди — ироданинг азал азоби шундай.



“Истамоқ” озод қилур; ироданинг ўзи қайғу-ғамидан халос бўлиш ва ўз зиндонбони устидан кулиш учун нималарни ўйлаб топмайди дейсиз?

Оҳ, ҳар бир банди телбага айланади! Банди қилинган ирода ҳам ўзини жиннилик билан қутқаради.

Вақтнинг орқага қараб чопмаслигида — унинг ғазаби зоҳир; “бўлган эди” — у юмалата олмайдиган тошнинг номи шундай.

Мана у ғазаб ва алам ичида тошларни думалатади ва худди унга ўхшаб ғазаб ва алам ҳис қилмайдиганлардан ўч олади.

Халос этгувчи ирода мана шундай қилиб, азоб берувчига айланади. У ортга қайтолмаслиги боис азобга қодир ҳамма нарса устидан аламини олади.

Шу ва фақат шу айни қасоснинг ўзидир: ироданинг вақтга ҳамда “бўлган эди”га нафрати шундай.

Ҳақиқатан, бизнинг иродамизда буюк бир тентаклик зоҳир; бу тентаклик руҳга ўрганганлиги бутун инсониятнинг лаънати бўлиб қолди.

Қасос руҳи; дўстларим, шу пайтгача бу одамларнинг энг яхши фикри эди; ва азоб бор ерда ҳамшиша у ерда жазо ҳам бўлмоғи керак.

“Жазо” — қасос ўз-ўзини айнан шундай атайди. Ёлгон сўз ёрдамида у ўзини софдил қилиб кўрсатади.

Истагувчининг ўзида азоб бўлгач, у яна қайта истай олмайди, — шундай экан, ирода ва бутун ҳаётнинг ўзи жазога айланмоғи керак!

Мана руҳ узра булут устига булут йиғилди — ниҳоят, телбалик шундай тарғиб қила бошлади: “Ҳаммаси ўтади, шунинг учун ҳамма нарса ўткинчиликка мансуб!”

Ўз болаларини еб битириш ҳақидаги вақтнинг қонуни айни адолатнинг ўзгинасидир, — телбалик шундай ваъзхонлик қилади.

Ҳаммаси ҳақ ва жазо бўйича маънан бўлингандир. Оҳ, нарсалар издиҳомидан ва “тириклик” жазосидан қандай қутулиш мумкин? Телбалик шундай ваъз ўқийди.

Агарда мангу ҳуқуқ бўлса, қутулиш мавжуд бўлиши мумкинми? Оҳ, “бўлган эди” деган тош қимир этмайди: барча жазолар ҳам мангу бўлмоғи даркор. Телбалик шундай ваъз тўқийди.

Ҳеч қандай хизмат йўқотиб юборилиши мумкин эмас: жазо орқали у ижро этилмай қолиши мумкинми? “Тириклик” билан жазолашнинг мангулиги худди мана шундаки, тириклик мангуга яна хизмат ва гуноҳ бўлмоққа маҳкум!

Токи ирода ниҳоят ўз-ўзидан қутулмагунча ва ироданинг инкорига айланмагунча — лекин сиз, биродарларим, ўзингиз биласиз-ку, ахир бу телбаликнинг зарбулмасалини!

Мен сизни бу зарбулмасалардан узоқ бўлишга чақирдим ва шундай таълим бердим: “Ирода бунёдкордир”.

Ҳар қандай “бўлган эди” бу — хароба, жумбоқ ва жуда хатарли тасодиф, бунга бунёдкор ирода яна шуни ҳам кўшиб қўйиши мумкин: “Аммо мен шуни истаган эдим!”

— Токи бунёдкор ирода кўшиб қўймагай: “Аммо мен шундай хоҳлайман! Мен шундай бўлишини истаيمان!”

Аммо ирода шундай дедими? Ва бу қачон рўй беражак? Ирода энди ўзининг телбалигидан бўшатилдими?

Ирода ўз-ўзидан халос бўлгувчи ҳамда қувонч элчисига айланиб бўлдими? У қасос руҳини ва ҳар қанақа тиш нижирлатишни энди унутдими?

Ким уни замон билан ярашишга ва ҳар қанақа ярашдан юқори бўлган нарсага ўргатди?

Ҳар қанақа ярашдан кўра юқорироқ нарсани истамаги керак ирода, бу эса ҳокимлик иродасидир, — лекин иродада бу қандай юз беради? Ким уни яна қайта истамакка ўргатур?

Лекин зикрининг шу ерига келганда Зардўшт бирдан тўхтаб қолди ва жуда кўрқиб кетганга ўхшади. У ўз шогирдларига кўрқинч тўла кўзлари билан қараб турарди. Унинг нигоҳи худди ёй ўқи каби уларнинг ўй-фикрлари ва гизли хаёлларини ёриб ўтарди. Лекин бир дам ўтмай у яна табассум қилди ва оққўнгилик билан деди:

“Одамлар билан яшаш қийин, зеро, жим туриш қийин. Айниқса, вайсақи одамга”.

Зардўшт шундай зикр қилди. Аммо букир унинг сўзларини тинглаб турар ва шунда у қўллари билан юзини беркитди; Зардўшт кулаётганини эшитиб, унга ажабсиниб қаради ва оҳиста шундай деб сўзлади:

“Нима учун Зардўшт ўз шогирдларига қараганда биз билан бошқача гаплашади?”

Зардўшт жавоб берди: “Бунинг нимасига ҳайрон қоласиз? Букирлар билан букир бўлиб гаплашиш керак!”

“Маъқул, — деди букир, — шогирдларга эса сиру асрорларни чайқатиб отказиш даркор.

Бироқ нима учун Зардўшт шогирдларига ўз-ўзига гапиргандан кўра бошқачароқ қилиб сўзлайди?”

## ИНСОН ДОНИШМАНДЛИГИ ЗИКРИ

Юксаклар эмас: қиялик энг даҳшатли нарса!

Қиялик, нигоҳ шиддат ила пастга тушади, қўл эса юқорига чўзилади. Шунда юрак ўзининг бир жуфт истагидан титроққа тушади.

Оҳ, ёронлар, сиз менинг юрагимнинг кўшалок иродасини сезяпсизми?

Қиялик шунинг учун менига хатарлики, нигоҳим юксакларга интилади, қўлим эса теранликни тутиш ва унга суянишни хоҳлаб туради!

Менинг иродам одам илинжида унга боғланади, одамга ўзимни занжирлар билан боғлайман, зеро, мени юксаклар, ало одам ўзига тортади: зотан, ўзга бир иродам унга талпинади.

Шу боис одамлар ичида мен кўзи ожиз каби яшайман; худди мен уларни билмайдигандай, менинг қўлим метиндай мустаҳкам бир нарсага ишончини йўқотиб қўймасин дейман.

Одамлар, мен сизни билмайман: бу зулмат ва ушбу овунч кўпинча теварагимни ўраб туради.

Мен одамлар ўтадиган, ҳар бир айёрга очиқ дарвоза олдида ўтириб, сўрайман: ким мени алдашни истайди?

Менинг одам сифатида биринчи донишмандлигим шундаки, ўзимни алдашларига йўл қўйиб бераман, алдоқчилардан эҳтиёт бўлиб турмайин дейман.

Оҳ, агар мен одамдан эҳтиёт бўлганимдайди, — унда одам менинг ҳаво тўлдирилган мешим учун қандай лангар бўлиши мумкин эди! У ҳолда ердан энгил кўтарилиб, юксакларга ва узоқларга йўл олардим!

Менинг тақдиримнинг каромати шундай, мен башоратсиз бўлмоғим керак.

Одамлар орасида кимда-ким ташналиқдан ўлиб кетишни истамаса, барча косалардан ичишни ўргансин; ва кимда-ким одамлар орасида тоза қолишни хоҳласа, ифлос сувда ҳам ювинишни ўргансин.

Ўзимга ўзим бот-бот шундай тасалли бераман: “Қани, қўзғал, қари юрагим! Бахтсизлик сенга муяссар бўлмади: бу худди ўз бахт-иқболнинг каби роҳат қил!”

Менинг одам сифатида иккинчи донишим шуки, кибрлилардан кўра кўпроқ шуҳратпарастларга раҳмим келади.

Таҳқирланган шуҳратпарастликда эмасмикин барча фожиаларнинг онаси? Аммо мағрурлик ҳақоратланган ерда мағрурликдан ҳам яхшироқ алланарса униб чиқади.

Ҳаётга қараш ёқимли бўлиши учун унинг ўйинлари яхши ўйналиши керак, — аммо бунинг учун яхши санъаткорлар даркор.

Барча шуҳратпарастларни мен яхши санъаткор эканликларини кўрдим: улар ўз ўйинларини ҳамма роҳат қилиб томоша қилишини хоҳлайдилар, — уларнинг бутун руҳи мана шу хоҳишда.

Улар ўзларини ижро этадилар, ўзларини тўқиб чиқарадилар; улар яқинида туриб ҳаётга қарашни яхши кўраман — бу одамни ғамдан қутқаради.

Мен шунинг учун шуҳратпарастларни аяйман, чунки улар дардимни даволайдилар ва мени одамга мисоли томошага боғлагандай боғлаб турадилар.

Ундан кейин: шуҳратпараст камтарлигининг бутун теранлигини ким ўлчаб кўрибди! Мен уни яхши кўраман ва мен унинг камтарлигидан жуда ачинаман.

У ўзига ишончни сиздан ўрганмоқчи, у сизнинг қарашларингиздан озукланади, сизнинг қўлингиздан мақтов ва хушомадлар тановул қилади.

Сиз уни мақтаб ёлгон гапирсангиз, ҳатто сизнинг ёлгон гапингизга ҳам ишонади, зеро, у юрагининг тубида шундай деб хўрсинади: “Мен ким бўлибман!”

Агар ҳақиқий эзгулик ўз-ўзини билмайдиган эзгулик бўлса, — унда шуҳратпараст ҳам ўзининг камтарлигини билмайди.

Менинг инсон сифатидаги учинчи донишим шундан иборатки, сизнинг қўрқоқлигингиз мен учун золим одамларнинг ташқи кўринишини бадрафтор қилолмайди.

Мен жазирама офтобдан туғилган мўъжизаларни кўриб ўзимни бахтиёр сезаман: йўлбарс, палмалар ва кўлбор илонлар кўрганда ҳам шундайман.

Худди шундай одамлар ўртасида ҳам жазирама офтобнинг самаралари бўлади ва золимларда ҳам гаройиб нарсалар кўп.

Орангиздаги доноларнинг донолари менга у қадар доно бўлиб кўринмаганидай, одамларнинг золимлигини уларнинг овозаларида топдим.

Ва мен тез-тез бошимни чайқаб ўзимдан сўрайман: сиз яна нимани чинқиряпсиз ўзи, чинқироқ илонлар?

Ҳақиқатан, ҳали ҳатто ёмонлик учун ҳам келажак бор! Ва ҳали энг жазирама жануб инсон учун очилмаган.

Ҳозир энг ёмон золимлик деб энига ўн икки фут<sup>1</sup> ва узунлиги уч ой бўлган кўп нарсаларни айтишади. Лекин замонлар келиб дунёда бундан ҳам кагта аждарлар пайдо бўлади.

Ало одам ўзига муносиб аждардан, ало аждардан маҳрум бўлиб қолмасин учун — жазирама офтоб нам босган, одам қадами етмаган ўрмон узра яна узоқ вақтлар машғалдек ёниб турмоғи керак.

Сизнинг ёввойи мушукларингиздан олдин йўлбарслар, заҳарли қурбақаларингиздан — тимсоҳлар ўсиб чиқмоғи шарт; зеро, яхши овчининг ови ҳам бароридан келгани яхши!

Ҳақиқатан ҳам, эй яхшилар ва тақводорлар! Сизда қулгили нарсалар кўп ва айниқса, сизнинг шу пайтгача “шайтон” деб юритиб келинган нарсадан қўрқиб туришингиз янада қулгилироқ!

Сизнинг қалбингиз улуғ нарсаларга шунчалар ётки, ало одам ўз яхшилиги билан сизга гоёгта қўрқинчли туюлиши мумкин!

Эй, донолар ва билимдонлар, ало одам хурсанд бўлиб ўз урғинини чўмилтираётган донишмандликнинг жазирама куёшидан сиз қочиб кетган бўлардингиз.

Менинг нигоҳим дуч келган, эй олий одамлар! Менинг сиздан шубҳам ва яширин кулишим шундаки, сезиб турибман, сиз менинг ало одамимни — шайтон деб атаган бўлур эдингиз!

Оҳ, мен қанчалар толдим бу олийлар ва бу яхшилардан: уларнинг “балаңдлиги”дан мени юқориларга, улардан узоқларга — ало одамга қараб тортиб кетаётир!

Бу энг яхши одамларни яланғоч ҳолда кўрганимда мени даҳшат чулғади; шунда олис келажакларга учиб кетиш учун менда қанотлар ўсиб чиқди.

Ҳали биронта ҳам ижодкор орзу қилмаган узоқ келажакка, жанубийроқ ўлкаларга кетгим келур: у ерларда илоҳлар ҳар қандай либослардан ибо қилурлар!

Бироқ мен сизларни либосларга бурканган, ясан-тусан қилган, шуҳратга ўч ва мағрур, “яхшилар ва тақводорлар” сифатида кўргим келади, эй ёронларим ва яқинларим!

Мен ҳам ўзимни ва сизни танимаслик учун орангизда либосларга бурканиб ўтиргим келади: менинг инсон сифатидаги охирги донолигим ҳам мана шунда.

Зардўшт шундай зикр қилди.

<sup>1</sup> Узунлик ўлчови, бир фут — 30, 48 см.

## ЭНГ ОСУДА СОАТ

Менга нима бўлди ўзи, дўстларим? Сиз мени маҳзун, ҳайдалган, ўз ихтиёрига қарши бўйсунган, кетишга ҳозир турган ҳолда кўриб турибсиз — оҳ, қанийди сиздан узоқроқ кетсам!

Ҳа, Зардўшт яна бир карра ўз хилватига қайтиши керак: лекин бу сафар айиқ ўз уясига хоҳлаб-хоҳламай қайтади!

Менга нима бўлди? Ким мени бунга мажбур қиляпти? — Оҳ, менинг дарғазаб ҳукмдорим шуни истар: у менга қараб айтди; сизга бирон марта унинг отини айтганманми?

Кеча оқшом менга энг осуда соатим сўйлади — менинг бадкор ҳукмдоримнинг исми ана шундай.

Бу шундай бўлди — зеро, сизнинг қалбингиз тўсиндан кетиб бораётган кимсага қарши қаҳр-ғазабга тўлмаслиги учун мен буни сизга айтишим лозим! Сиз уйқуга чўмаётганнинг қўрқувидан хабардормисиз?

У оёқларининг учигача қўрқади, чунки оёқлари ердан узилади ва уйқу бошланади.

Буни сизга қиёс учун айтман. Кеча, энг осуда соатда оёқларим ердан узилди: уйқу элитди.

Мил сурилди, ҳаётим соати тин олди, атрофимда ҳеч қачон бундай сукунат бўлмаган эди: юрагимга қўрқув тушди.

Шунда сукунат менга сас чиқармай шундай деди: “Сен буни биласанми, Зардўшт?”

Мен бу шивирлашдан қўрқиб қичқириб юбордим, юзимдан қон қочди, лекин мен миқ этолмадим.

Шунда у иккинчи бора менга сассиз айтди: “Сен буни биласан, Зардўшт, лекин бу борада гапирмайсан!”

Мен ниҳоят саркашлиқ билан жавоб бердим: “Ҳа. Мен буни биламан, лекин у ҳақда сўйлашни истамайман!”

Шунда у яна менга овоз чиқармай айтди: “Сен истамайсанми, Зардўшт? Ростми шу? Ўзингни қайсарликка солма!”

Шунда мен худди боладай йиғладим ва титраб-қақшадим ва алоҳа дедим: “Оҳ, мен хоҳлардим, аммо бу кўлимдан келарми? Мени қутқар! Бунга тоқатим етмас!”

Шунда у менга яна овоз чиқармай айтди: “Нима ишинг бор, сенга нима бўлиши билан, ё Зардўшт? Ўз сўзингни айт ва парча-парча бўлиб кет!”

Мен жавоб қилдим: “Оҳ, ахир бу менинг сўзимми? Мен ким бўлман? Мендан муносиброқни кутишман; Мен ҳатто унга урилиб парчинланишга ҳам арзймайман”.

Шунда у менга яна сассиз айтди: “Сенга нима бўлади, не ишинг бор? Сен ҳали мен учун етарли ҳалим эмассан. Ҳалимлигининг териси ҳаммадан ҳам қалин”.

Шунда мен дедим: “Ҳалимлигимнинг пўсти нималарга дош бермади! Ўз баландлигимнинг ёнбошида яшайман; менинг чўққиларим қанчалар юксак? Ҳали бирон кимса буни менга айтгани йўқ. Лекин мен ўз водийларимни яхши биламан”.

Ўшанда у яна менга сассиз айтди: “О, Зардўшт, кимда-ким тоғларни силжитолса, у водийлар ва паст-текисликларни ҳам суриб кўя олади”.

Мен жавоб бердим: “Ҳали менинг сўзим тоғларни қимирлатгани йўқ, мен айтган сўзлар, одамларга етиб бормади. Ва гарчи мен одамлар сари юрган бўлсам ҳам, лекин ҳали уларга еганим йўқ”.

Шунда у яна сассиз айтди: “Сен бу борада нимани билардинг! Шудринг ўтга тушади тун овозсиз бўлганда”.

Ва мен жавоб бердим: “Мен ўз йўлимни топиб, ундан бораётганимда, улар устимдан кулдилар; ҳақиқатан ўшанда оёқларим қалтираб кетди.

Улар менга шундай дейишди: сен йўлни йўқотдинг, энди эса ҳатто қадам босишни ҳам эсингдан чиқариб қўйяпсан!”

Шунда у менга яна овоз чиқармай деди: “Уларнинг кулиб масхаралаганлари билан нима ишинг бор? Сен бўйсунгани эсингдан чиқарган кимсасан: энди сен буюрмоғинг керак!”

Сен ахир ҳаммага ким кўпроқ кераклигини билмайсанми? Буюк нарсаларни буюрувчи одам.

Улуғ ишни адо этиш қийин; лекин ишга буюриш ундан ҳам қийинроқ.

Сенинг энг кечириб бўлмас томонинг: сенда ҳокимият бор, ваҳоланки, сен ҳукм суришни истамайсан”.

Ва мен жавобан дедим: “Буюриш учун менга арслоннинг калласи этишмаяпти”.

Шунда у худди шипшигандай деди: “Энг осуда сўзлар — бўрон кўзговчи сўзлар. Кабугар қадами-ла одимловчи фикрлар дунёни бошқаради.

О, Зардўшт, сен бамисоли келадиган нарсанинг сояси каби бормоғинг даркор: сен шундай буюрасан ва буюриб туриб олдинда борасан”.

Мен жавоб бердим: “Менга уят халал бeryпти”.

Шунда у яна менга овоз чиқармай айтди: “Уят сенга халақит бермаслиги учун сен ҳали болага айланишинг керак.

Сени ўсмирона гурур қийнайди, сен кеч яшардинг, — лекин ким болакайга айланишни истаса, у ўз ёшлигини енгиб ўтсин”.

Мен бир қарорга келиш учун анча вақт титраб-қақшаб турдим. Ниҳоят, биринчи сафардаги сингари сўзларни айтдим: “Мен хоҳламайман”.

Шунда теварагимда кулги кўтарилди. Оҳ, бу кулги бутун ичимни ўртаб, юрагимни далва-далва қилди!

Шунда у охири марта менга шундай деди: “О, Зардўшт, сенинг меваларинг етилибди, лекин сен ўзинг меваларинг учун етилмабсан!

Шу боис сен яна хилватга киришинг керак: бинобарин, сен ҳали тўлиб пишиб етилмоғинг зарур”.

Шунда яна энди мендан узоқлашиб бораётган кулги янгради, — шунда атрофимга сукунат чўкди, кўша сукунат. Мен эса ерда ётар, аъзойи баданимдан тер куйиларди.

— Мана, сизга барини айтиб бердим. Нега хилватга қайтишимни ҳам билдингиз. Сиздан ҳеч нарсани яширганим йўқ, биродарларим.

Буларнинг ҳаммасини сиз мендан эшитдингиз, мен эса доим одамлар ичида энг индамаси эдим ва шундай бўлиб қолишни истайман!

Оҳ ёронларим! Мен сизга ҳали кўп нарсаларни айтишим мумкин эди, мен сизга кўп нарсалар беришим мумкин эди! Нега бермаяпман? Ахир мен зикнаманми?

Аммо Зардўштнинг тилидан бу сўзлар чиққанда, уни улуғ бир қайғу босди, дўстлардан айрилиш тобора яқинлашарди, шунданми, у ҳўнграб йиғлаб юборди; ва ҳеч ким уни овунтиролмади! Тунда у ёлғиз жўнаб кетди, дўстлар бунда қолдилар.

*Давоми бор.*

*Иброҳим ҒАҒУРОВ  
таржимаси.*



Нурлан ЎРАЗАЛИН

## Ўзингсан бу дунёда суянганим

### ЙИЛГА ТИЛАК

**360...**

Кундуз ўтди, тун ўтди.  
Юксалтирди, гоҳи мени унутди.

360...

Тонг бўзариб уйғонди,  
Не-не юрак янги кунга юз тутди.  
Йил қуюндай тез ўтди!

Суйдик.

Куйдик.

Ғамлар чекдик. Ўртандик.

Пушмон қилдик.

Нимагадир ўртандик...

Юртимизга яхши кунлар ярашди,

Ғарчи не бир жафоларни кўртандик.

Шу юрт учун ўртандик!

Кўкимизга мовий, кўм-кўк туғ илдик.

Кўк Туркдан биз гўё қайта туғилдик.

*Мирпўлат МИРЗО  
таржималари*

Ҳозирги замон қозоқ адабиётининг таниқли намояндаси шоир ва драматург Нурлан Ўразалин 1947 йили Алмати вилоятидаги Кўкбастов қишлоғида туғилди.

У ижодий фаолиятини эрта бошлади ва тезда шеърлари ҳамда драмалари билан эл оғзига тушди. Унинг “Чироқ ёнган тун”, “Бошлиқнинг бир куни”, “Оққуш ҳақида қўшиқ” пьесалари нафақат қозоқ театри саҳналарида, балки рус, украин, қирғиз театрлари саҳналарида ҳам муваффақият билан ўйналди.

Н. Ўразалиннинг “Аср билан кўришув”, “Ойдин тун сафоси”, “Безовта кўнгил” тўпламларидаги шеърлар эса ҳар бир қозоқ шеърхони қалбида эзгу туйғулар уйғота олганлиги шак-шубҳасиздир.

Зеро, Чингиз Айтматов таъкидлаганидек, “шоир қувонса, чин юракдан қувонади, мунг чекса, теран мунг чекади. Унинг бир шеърдан иккинчи шеърга кўчувчи лирик туйғуларининг ички тебранишлари овулу аймоқ, керак бўлса, миллат ва халқ чегарасидан чиқиб, умумбашарий кечинмалар даражасига кўтарилади”.

Иқтидорли шоир Н. Ўразалин ўзининг самарали ижоди билан 2002 йилда Қозоғистон Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. У 1996 йилдан буён Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўй ҳам,  
Қир ҳам,  
Бугун борлиқ яшарди,  
Озодликнинг сурурига йўғрилдик!  
Кўкка кўм-кўк туғ илдик!

Менга бардош ҳавас эмас — аҳддир бу,  
Ўткинчимас ҳурлик — энди нақддир бу,  
Юрагимда — асрларнинг нидоси,  
Теран ўйи,  
Чўнг гурури — бахтдир бу...  
Саодатим — нақддир бу!

Даврим келди — чаман бўлди боғим, ҳа,  
Қад ростлади “Қозоқ” деган тоғим, ҳа.  
Аждодларнинг шукуҳи бор қалбимда,  
Унутмасман  
Асрларнинг доғин, ҳа...  
Келди яшнар чоғим, ҳа!

Юрагимда — яратгандан эзгу ун,  
Гарчи руҳим ғамларга эш туну кун.  
Қачон?  
Кимга?  
Теккан, ахир, оп-осон  
Озодликнинг ихтиёри бус-бутун?!  
Юрагимда эзгу ун!

Эрк йўлида ким оҳ торгмас,  
Демас “уҳ!”  
Ҳур замон бу, тугар энди ғам-андуҳ.  
Утди бир йил. Диёнат бор. Инонғум.  
Юрагимда — янги илҳом, янги руҳ.  
Муқаррардир бу шукуҳ!

Олдинда бор не-не давон,  
Дашту чўл...  
Жаннат эмас ҳали сенга ўнгу сўл.  
Халқим, бир бўл, бир-биринга узат қўл!  
Истиқлолим — сенга эса донғил йўл,  
Сен мангу бўл, мангу бўл!

## ТЕПАЛИК ЁНИДАГИ ЎЙЛАР

Далалардаги эски тепаликларни кўрган сайин эсимга Геродотнинг: “Сақлар юрт ҳудудига ёвлар бостириб кирганлиги ҳақда тепаликлар устига олов ёқиб, бир-бирига хабарлаганлар”, деган гаплари тушади.

Жировларнинг сўзларида ёдланган,  
жуда кўҳна замонлардан сақланган,  
ўқилмаган китобдир бу Тепалик,  
қолган қадим хунлар билан сақлардан.

Олис-олис мозийлардан ун солган,  
байроқ ушлаб, Олтой ошиб, йўл олган —  
бу Тепалик кўзими ё Кўк Туркнинг,  
тақимида талай тушпор — от толган?

Бедовларин қичаб уфқни чоғлаган,  
ёвларини аламларда доғлаган,  
хазарлардан қолган сўзми бу элда,  
замонларни замонларга боғлаган?

Уйсинлар ва туркешларнинг кўзими?  
Қумонлар ва қипчоқларнинг ўзими?  
Эл бирлигин кўрғай юриб, қолдирган  
аждодларнинг келажакка сўзими?

Гоҳ мен мозий қалбидаги мунгдайман,  
тарих сасин тинглаб кўзим юмгайман,  
мўр-малахдай мўғулларнинг дупури  
эшитилар қузгайдан-да, кунгайдан.

Дилда ғамим  
чўнг ҳасратлар ғардими?  
Шаҳид кетган одамларнинг мардими?  
Бу тепалик — Аспаранинг азаси,  
Нўғайлининг ташлаб кетган дардими?

Қилич сермаб тирикликнинг қасдида,  
яшринганча даштнинг пана-пастиди  
хокитуроб бўлиб бир халқ тарихи  
ётгандайин шу тепалик остиди.

Чархи дуннинг оҳи дилда лиммо-лим,  
айтолмайин уни рўйи-рост, балким,  
ётгандайин Ипак йўлин тизгинлаб  
жўмард бобом кўзимиздан четда, жим.

Эр йигитлар суриб жангта отларни,  
ўзин йўқлик уммонига отарми?  
Йўқ, ётарлар — мисли Дала соҳиби,  
туташтириб Кунчиқар Кунботарни.

Журъатидан ёвлар кўркув туйган чин,  
туғёнидан титраб турган Чин-Мочин;  
боқий элнинг шон-шавкати ётгандай,  
теран кечмиш қучоғида олиб тин.

У замондан  
айлар мени ким огоҳ;  
қайси мақсад — улуғ чўққи, қайси — чоҳ?  
Кулонаман... Хўрсинаман... Юрагим  
оташ узра ётгандайин тортиб оҳ.

У замоннинг аён на куз, баҳори,  
кўнглимнинг ҳам йўқдир қурч бир қарори.  
Тунд Тепалик узра маҳзун тураркан,  
вужудимни чирмар ўйлар шарори.

О, бобожон...  
Гуруридан тонмаган,  
ўз юртининг толеига қонмаган,  
тепаликнинг — қўл чўзгудек яқиндан  
авлодларга, афсус, ўти ёнмаган.



Манзил етиб, чўктирилган туяси —  
 қай даврнинг, қай замоннинг эгаси?  
 Кўзин ишқаб,  
 зулмат тундан ўтаркан  
 қайда унинг ёрқин тонги, эртаси —  
 бу тепалик қай давроннинг эгаси?

Қай асрга эгайин мен бошимни?  
 Қай асрга тўкайин мен ёшимни?  
 Қай асрга олқишимни айтайин?  
 Қай замонга очай — отиб лошимни,  
 қалбдаги қуёшимни?

Қай даврни куйлар билан ўрайин?  
 Қай давр-чун эзгу сўзлар терайин?  
 Қай даврнинг қаршисида тиз чўкиб,  
 қай қалб ўтин лов ёндириб берайин?

Эй дил, даврон шакарию болина —  
 ўч бўлма ҳеч! Алданма! Ва нолима!  
 Қай замонни томиримда чийратиб,  
 тармашайин қай замоннинг ёлина?

Гарчи мозий кўйларида бағрим хун,  
 лекин тингла, кўкрагимдан тошар ун?  
 Минг-минг йиллик умрим эзгу меҳроби,  
 хузурингда таъзимдаман мен бу кун.

## ОТАМ ЁДИ

Рухим сўнган..  
 Қонда сурур оқмайди.  
 (“Хоксор уйнинг эгаси бор...” Сақлайди.)  
 Отам кетган, энди менинг ғамхўрим  
 келиб, сира эшигимни қоқмайди.

Ҳазил-ҳузул қилмас энди кўнгли чоғ,  
 отланмайди шаҳар сари кўкси тоғ.  
 Келмас энди учиб-елиб, жонсарак,  
 юрибдими ўғлим, дея, омон-соғ.

“Чикмади-я бир китобинг салмоқли”,  
 деб қўймайди ва кутмас ҳам йўлим зор.  
 Уруш кўрган оқсоқолнинг пандини  
 қизарганча эшитмайди эл такрор.

Шу қайгулар  
 ич-этимни тузлайди,  
 ғамгин юрак жимирлайди, музлайди.  
 Қатагонлар жабрин чеккан қалб энди  
 лоқайд дўстнинг кайфиятин бузмайди.

Мижжасида ялтирамас энди ғам,  
 эл олдида кўкрагига урмас ҳам,  
 дўст-ёрони соғинади кўп ҳали,  
 номин тилдан қўймагай эл ҳеч бир дам.

Менга энди мартабаю мол ғамми —  
булар улуғ қилмас экан одамни.  
“Отанг шундоқ деганди...” деб кексалар  
хали-хануз эслашарлар отамни.

На чорам бор?  
Кеч англадим, куйиндим,  
файзи кетган — түри бұшдир уйимнинг;  
гарчи ёниқ кўзлар боқар сурагдан,  
машқи пастдир энди кўнгил куйимнинг.

Юрагимни мунглар ўртар пинҳон, зор,  
кунлар қани — менга берган авж виқор?  
Илҳом сўнса... Қайта ёзгай қанотин,  
чин соғинсанг, жўш ургай у қайта бор.

Илҳом қайтар... дунё бўлар чаманим,  
Оҳ, отам-чи! Армонимдир, оҳ, маним.  
Келмас энди, эшигимни қоқмайди,  
Шулар ҳақда тўлиб ёз-чи, ўланым!

Бир тўкилгин!  
Танингда ўт ёнсин, о!  
Эзуликни юрагинга айла жо!  
Нурин тўккай йўлларинга самолар,  
Отанг руҳи бўлар сендан кўп ризо!

## ОТАШИН ҚАЛБ

*(Оқин тўйидаги сўз)*

Яраттаннинг ўзи унга мададкор,  
оқин учун қайғу — уят, ҳасрат — ор,  
ер устининг азобида ўрганар,  
ҳаммасининг бирдек ўжар феълти бор.

Оқин учун қадрсиздир сийму зар,  
эзуликка хизмат қилмас бўлса гар;  
ишқ йўлида аямас ҳеч жонини,  
севгани-ла шеър тилида гаплашар.

Сал нарсдан у масрур ва бийрон тил,  
сал нарсдан гоҳи ичдан кетар зил,  
бир ота ва бир онадан яралган —  
шоир деган бу ғалат қавм шундай, бил.

Йўлин кессанг яширмайди “ёвлигин”,  
эли билар оқин кўкси тоғлигин;  
тумор янглиғ юрагидек сақлайди  
у ўз халқин саодатин, соғлигин.

Оқин аҳли чиқишмас кўп тахт ила,  
шундан менгзар эли уни бахт ила!  
Онаси — осмон, отаси — ер одамга  
сўз бўлурми ўлан ёзиш шахд ила?

Ўлан унинг бор борлиғи ажойиб,  
(ўгли шеърга тақилдими оз айб?!)  
Қувда-қувда қилган билан оқинлар  
қаторлари қолганми ҳеч озайиб?

Қўрқитолмас уни сира дову дўқ,  
ношудларга айтган сўзи мисли ўқ;  
юрт ғурури, эл сурури учун у  
жонин тиккан, бундан кўнглинг бўлсин тўқ.

Яша!  
Бор бўл!  
Оқин отли зўр юрак,  
оташин қалб — бу заминда тенги йўқ!

## ОНА ЮРТ

Онамдай азизсан сен, юртим маним,  
меҳрингга бахшидадир жону таним.  
Бир замон мурғак дилда жўшди ҳислар,  
парвозин топти сенда илк ўланим.

Умр бу — ошиб ўтиб қирдан-сойдан,  
ризқимни топмайин мен қайси жойдан, —  
бари бир сенинг ўрнинг бўлак менга,  
сен менга дастурхонсан онам ёйган.

Мен сенинг илҳоминг-ла ғарқ юраман,  
сен билан юксаламан, барқ ураман.  
Турмушнинг уммонида қолсам ожиз,  
кўйингда чағалайдек чарх ураман.

Қамишлар қўл мавжида титраган он,  
оққувлар учар тўп-тўп уфққа томон.  
Қўмсаган дамларим мен сулувликни,  
сен сари талпинаман ҳануз-ҳамон.

Армонлар,  
юрагимни қийнаманг, бас...  
Тунлар мен юлдузлардан тинглайман сас.  
Зориққан пайтларимда ҳақиқатга,  
дилда шеър туғён урар, тинчлик бермас.

Кўкларга  
қанотимни ёзиб бир кур,  
юксалсам тонгларингда туюб сурур,  
уйғонар тоғлардаги шаршарадек  
вужудим туб-тубида теран ғурур.

Қайгули дамларимда — ўзингдайман,  
орзули дамларимда — кўзингдайман.  
Мен ушбу кенг жаҳонни, ахир, нетай,  
ўзингиз кўролмаймаман, туёлмаймаман.

О, сенсан — чин толеим, эзгу шаъним,  
мадҳингни қуйлаб ўттай шеърим маним.  
Юрагим... Бор вужудим...  
Она юртим,  
Ўзингиз бу дунёда суянганим!

**МАНГУЛИК**

Таъналар отмай ўтмишга,  
зарда қилмай, ушбу кунга ҳам —  
ошиқиш керак!  
Йўл қисқа,  
умр дегани — бир тутам.

Юракнинг қурир мадори,  
гар уни асраб-аярсан;  
сезилиб ғамнинг залвори,  
бир куни ҳолдан тоярсан...

Альпинистдайин бир вақт сен  
қуларсан яланг муз узра,  
қалбинг тубидаги энг ичкин  
сўнги умид ҳам узилар;

Ой ботиб кетар сен учун,  
отмайди тонглар энди ҳеч,  
таратмас кўлда мавжлар ун,  
қораяр уфқлар эрта-кеч;

йўллар тўзони босилар,  
янграмас қирлар кулгуси,  
олдингда пардадек осилар  
номаълум кунлар тур-туси;

қораяр осмон зангори,  
туйғулар тўзар, куй сўнар,  
ортиб юраклар оҳ-зори,  
ҳар бир умрга мунг қўнар...

Тоғ ҳам, тўқай ҳам яланғоч  
қошлайди қорлар ҳар ёнин,  
сочганда кўклам нур қийғоч,  
ташлайди қирлар чакмонин.

Ўзандан мутлақ қочар сув,  
қудуқлар туби сим-сиёҳ,  
лекин яна кўклам келар-у,  
уради белга гул-гиёҳ.

Соғинган қўнғил юпанар,  
севинган кўздан ёш томар,  
чўққилар узра нур ёнар,  
янги бир давр бошланар...

Юраклар қалқиб жим, беун,  
туйғулар туяр ажиб тот,  
завқланар бизсиз дала, тун,  
куйлагай унда ёш авлод!

Болалар келиб бошқа бир,  
ер билан кўкни баҳолар,  
хабар берганча тош қабр,  
уфқларга интиқ қадалар...

Мангулик шудир — бир лаҳза,  
ўрганиб, ёниб, куйганинг,  
толе, бахт тилаб бошқага,  
уни ўзингча суйганинг.

Мангулик шудир — бир лаҳза,  
қийналиб терлар тўкканинг,  
илҳомлар тутиб юракда  
кулганинг, азоб чекканинг.

Мангулик шудир — бир лаҳза,  
андармон бўлиб вақтга —  
унутганинг ўлим борин, ҳа,  
алданиб ёлғон бахтга.

Мангулик шудир — бир лаҳза,  
эшик ва тўрнинг ораси.  
оҳинг мавжланар фалакда,  
топилмас дардинг чораси.

Мангулик шудир — бир лаҳза!  
Орзунинг қаноти синмайди!  
Завол топар-у боғ-боғча,  
Юракнинг қўшиғи тинмайди.

Шу боис, дўстим, алданма,  
гина қилиб бугун, ўтмишга,  
даврни ёндириб туғён-ла,  
курашиш керак!  
Ошиқиш керак!  
Йўл — қисқа...



Валерий ЗАЛОТУХА

## Сўнгни коммунист

*Қисса*

*Ўн саккизинчи боб*

### ШУНДАЙ КУН КЕЛДИ

#### 1

**И**лья отасининг уйидан ўша кечасиёқ кетиб қолди. Тўғри, унча узоққамас, “Октябрь” кинотеатри чордоғидан бошпана топти. У киномеханик Ноил топиб келган резина тўшакда ётар, устига онаси берган жун рўмолни ёпиниб олганди. Каттакон ярим доира шаклидаги деразадан юлдузларга тикилар, қаердадир “қур-қур” лаётган каптарларни, отаси яхши кўрадиган фильм фонограммасини тинглар ва кўринишидан бахтлига ўхшарди.

Ўша кечаси Владимир Ивановичнинг кайфияти ёмон эди. У одати бўйича охирги қаторда ўтириб, писта чақар, экрандан кўз узмасди. Кинога қараб руҳан дам олар, айни пайтда ўз фикрлари тасдиғини топгандай ҳам бўларди. Экранда ҳинд ҳакам: “Ҳалол одамнинг боласи ҳалол, ўғрининг боласи эса ўғри бўлади”, — деркан, Печенкин унинг фикрини тасдиқлаб, тўнғиллади:

— Бу аниқ.

Эри билан ўғли ўртасидаги жанжал Галина Васильевнани унчалик чўчитмади. У Печенкинни яхши биларди. У эрининг жаҳидан тушиши ва айбига иқроп бўлиши учун вақт ўтиши кераклигини ҳам яхши тушунарди. У Илюшанинг ишлашига йўл қўя олмасди, лекин унинг ўқишини ҳам тақиқлай олмасди. Чунки ўғли оддий Придонск мактабида ўқиш истагини билдирган эди. Бунинг устига Галина Васильевна бундай бесамар машғулот тезда жонига тегушини ҳам яхши тушунарди. У ўғлига шундай шарт қўйди: соқчи бўлмаган тақдирда уни мактабга ўзи кузатиб қўяди. Илья кулиб юборди ва онасининг пешонасидан ўпти.

#### 2

Илья Придонск бўйлаб катта-катта ва дадил қадам ташлаб борарди. У билан ёнма-ён одимлаётган Галина Васильевна эҳтиёткорлик билан атрофга қараб борар, қора сумкачасини кўксига босиб олганди.

— Биласанми, Илюша, бугун эрталаб отанг хузуримга келиб, сен билан мени кинога таклиф этди, — деди қувониб.

— Кинони кўргани кўзим йўқ, — деди Илья.

— Нега? — ҳайратланди Галина Васильевна.

— Чунки у ёлғон.

Галина Васильевна жилмайди:

— Вой миттвой-ей, ҳозирги вақтда ким ҳам рост гапни айтади. Умуман, гап кинода ҳам эмас... Отанг сен билан ярашмоқчи. Бунинг бошқача йўлини тополмади, шекилли. Кино бошланишидан олдин кўлингни қисиб... бирор

Охири. Боши ўтган сонда.

аҳмоқона гапни айтиши аниқ.. кейин сен яна уйга қайтиб борасан, ўз хонанга кирасан...

— Чордоқда ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман! — деди Илья.

— Нима, отанг билан ярашмоқчи эмасмисан?

Илья жавоб бермади.

— Хўп, яхши, менга айт-чи, уни нимага қўндирмоқчи бўлаяпсан? — сўради Галина Васильевна тўхтаб. Илья ҳам тўхтади.

— Мен унинг одамлардан тортиб олган нарсасини уларга қайтариб беришини истайман, — деди у бамайлихотир ва қатъий.

— Қайси одамларга? — тушунмади Галина Васильевна.

— Мана буларга, — деди Илья нигоҳи билан у ёқ- бу ёққа ўтиб турган кишиларга ишора қилиб, она ва бола шаҳар марказида, одамлар гавжум Ленин кўчасида эдилар.

— Лекин улар... сўрашаётгани йўқ, — деди Галина Васильевна саросимада.

— Ҳозирча сўрашмаяпти... лекин вақти келганда эса сўрашмайди, талаб қилишади. Унда кеч бўлади.

Илья ташвишланиб соатига қаради, Галина Васильевна ҳам беихтиёр ўз соатига кўз югуртирди.

— Сенингча, ундай кун қачон келади? — аста сўради онаси.

— Шундай кун келди, — деди Илья хотиржам, лоқайдлик билан.

Галина Васильевна яна бир бор ёнларидан ўтиб турган одамларга диққат билан назар солди.

— Мен отам билан ярашишга розиман, — қутилмаганда деди Илья. — Лекин бунинг учун сиз менинг бир илтимосимни бажаришингиз керак.

— Қанақа илтимос?

— Седой бўшатилиши керак.

— Седой? — тушунмади Галина Васильевна.

— Ҳа, Нилич.

— Нилич? Нима учун?

— Нима учунлигини ўзим яхши биламан.

— Лекин у... Оиламиз аъзосидай бўлиб қолган. У отангни ўлимдан қутқариб қолган.

— Демак, мен оилангиз аъзоси эмасман, — дея чўрт кесди Илья.

Кўчанинг қарши томонида Анжела Дэвис пайдо бўлди. Илья намоёншкорона соатига қараб кўйди. Қиз афтини гуноҳкорона буриштириб, машиналарга ҳам эътибор бермай улар томон югурди. Галина Васильевна серташвиш ва ҳайратли нигоҳини ўелидан мулат қизга, қиздан яна ўелига олди.

— Бу... сенинг қизингми? — ўзини йўқотиб сўради онаси.

— У менинг ўртоғим! — дея қатъий жавоб берди Илья.

— Партия бўйичами?

— Ҳа.

Галина Васильевна сал таскин топандай бўлди.

— У мени Сергей деб атайди, ҳайрон бўлиб юрманг, — огоҳлантирди Илья.

Онаси “тушунаман” дегандай бош ирғади.

— Салом. Юр “Мақдональдс”га, биринчи дарс ўтилмайдиган бўлди, — бидирлай кетди Анжела Дэвис...

— Булар — оймлар, — таништирди Илья.

Галина Васильевна илжайишга уринди:

— Галина Васильевна, оддийгина қилиб Галя хола деса ҳам бўлади.

— Антонина, Тоня деса ҳам бўлаверади, — ўзини таништирди мулат қиз.

— У сизга сираям ўхшамаскан. Отасига тортган, шундайми?

— Ўқиб бўлдингми? — унинг гапини бўлди Илья.

— Ўқияпман, — деди Анжела Дэвис ва онасига мурожаат қилди: — Сиз “Мақдональдс”га бориб туришни яхши кўрасизми?

Галина Васильевна яна жилмайди:

— Уни яхши кўриш мумкинми?

— Агар пул бўлса — мумкин, — тушунтирди мулат қиз. — Мен кеча бувимга айтдим: “Пул бер” деб. У бўлса: “Фоҳишахонага бор” деди. “Ўзинг

бора қол” дедим мен. Бошимга қасқон билан қарсиллатиб тушириб қолса бўладими. Кўзимдан ўт чақнаб кетди. Ғуррани қаранг, мана, ушлаб кўринг-а.

Анжела Дэвис бошини энгаштирди.

Лекин Галина Васильевна унинг бошига қўл теккизмади, фақат сўради:

— Бувингиз билан яшайсизми?

— Ҳозирча яшаймиз, — деди қиз бошидаги ғуррасини ўзи пайпаслаб. — ўзини отса, бир ўзим яшайман.

Галина Васильевна жилмайиб қўйди:

— Онангиз-чи? Ота...

— Онам — Эстонияда. У ёқда унинг эри ва боласи бор. Оппоққина. Отам бўлса Африкада. Хурмо дарахтига тирмашиб юрибди... — Анжела Дэвис ўйланиб қолди, нимадир эсига тушиб, бошига шапатилади ва оғриқдан чинқириб юборди, чунки ғуррасига тегиб кетганди, кейин қичқирди: — Вой, мен ҳали математикани кўчиришим керак-ку!

## *Ўн тўққизинчи боб*

### ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

#### 1

Дарсга қўнғироқ чалиниб, ўели синфга кириб кетгач, Галина Васильевна бўмбўш холда девор ёнидаги стулга ўтирди-да, сумкасида чала тўқилган буюмни олди, кўзойнагини бурнига қўндирди. Лекин ҳали ишни бошламай туриб, ерга тўшалган кафель устида “тақ-туқ” қилиб келаётган оёқ товушларини эшитди. Дарсга шошаётган Геля бурчақдан чиқиб келди. У синф дафтларини қўлтиғига қистириб олганди. У қимматбаҳо қизил туфли кийиб олган, хушбичим костюмда, сочини яхшилаб турмаклаган, дид билан бўянган эди. Уни аввал билганлар ҳозир танисмай қолишлари турган гап эди — “Царское село”даги ҳаёт уни бутунлай ўзгартириб юборганди. У ҳозир шунақа хушрўй эдики, гўзал бўлиб туғилган Галина Васильевна шу дамда унинг олдида ип эшолмасди.

Геля қадамини секинлатди, девор ёнида ўтирган аёлга ўйчан ва ҳайрон бўлиб қаради-да, синфхонага кириб кетди.

Бошини эгиб олиб, кўзойнаги устидан қараб турган Галина Васильевна уни ўйчан ва ҳайратомуз нигоҳи билан кузатиб қолди.

#### 2

— Хў-ўш, безорилар, дарс қолдирувчилар, дангасалар, “иккичи”лар? — дея Геля синфдагилар билан одатига кўра қувноқ саломлашди. Журнални столга қўйди ва Анжела Дэвиснинг ёнида ўтирган Ильяга кўзи тушди. Қошларини чимириб, сўради:

— Янги ўқувчи пайдо бўптими?

Илья ўрнидан туриб ўзини танишгирди:

— Сергей Нечаев.

Геля журнални қўлига олди, лекин Илья унинг беражак саволига олдиндан жавоб қайтарди:

— Биз кечагина кўчиб келдик, мен ҳужжатларимни расмийлаштиришга улгурмадим.

— Кўчиб келасолиб дарров мактабга югурибсиз-да? Қойил. Агар сир бўлмаса, қаердан? — Геля дўстона ва бир озгина киноя билан гапирарди. Ўқувчилар билан муомалада унинг одати шундай эди.

— Чеченистондан, — деди оддий қилиб Илья.

Гелянинг юзи маъюс, ҳатто фожиали тус олди.

— Ўтиринг, Серёжа, — деди Геля секингина.

Улар гаплашаётган жараёнда Анжела Дэвис қўлини кўтарди. Геля жилмайди:



— Хўш?

Анжела Дэвис ўрнидан турди ва бармоғи билан кўксидаги нишонга ишора қилди.

— Хўш, энди сизни қандай атаймиз? — киноя билан сўради ўқитувчи.

— Анжела Дэвис. — Мулат қизга ўзининг янги исми жуда ёқаётганга ўхшарди.

Геля ҳайрон бўлди:

— Анжела Дэвисни қаердан биласан?

Қиз ноз-карашма билан:

— Бир кишидан эшитдим, — деди.

Синфда қулги кўтарилди.

— Бирор нарса сўрамоқчимисан? Анжела Дэвис...

— Мен кеча Бальзакни ўқидим, — дея қиз гапира бошлаганди, ўқитувчи уни тўхтатди.

— Ростданми? Қулоқларимга ишонмаяпман. Китоб ўқий бошладингми? Вой-бўй, ўрмонда бўрилар қирилиб битгандир...

— Бўрилар соппа-соғ, — тинчлангирди Анжела Дэвис. — Буни мен тақвимнинг варағида ўқидим. Мени бувим уйга қамаб қўйганди. Телевизор бузилган, магнитофоннинг батареяси ишдан чиққан. Уйқум келмади. Шунда мен тақвимнинг варағини йиртиб олдим ва...

— Ўқидингми?

— Ўқидим.

— Бугун варақни-я?

— Йўқ, фақат биринчи жумлани.

Ўқитувчига қўшилиб бугун синф кулиб юборди.

— Хўш, ўша қанақа жумла экан?

Анжела Дэвис эсига тушириш учун ўйланиб олди-да, деди:

— “Ҳар қандай катта мол-мулкнинг негизида жиноят ётади”.

Геля жилмайди, нигоҳи билан синфни айланиб чиқди ва сўради:

— Сизлар нима деб ўйлайсизлар?

Илья дарҳол қўлини кўтарди.

— Сергей... Фамилиянгиз? Кечирасиз, эслан чиқардим.

— Нечаев.

— Сергей Нечаев. Ҳа, Серёжа...

— “Ҳар қандай катта мол-мулк негизида жиноят ётади”, — бу фикрнинг аллақачон сийқаси чиққан. Лекин унинг оддий ечими ҳам бор. Ҳар бир айрим олинган воқеада бунақа жиноят жазо билан боғланади. — Илья жуда хотиржам ва дадил гапирди.

— Вой-бўй, мана қанақа сўзларни биламиз биз! — ҳайрон бўлди қўшни партада ўтирган барзанги валакисаланг. — Сен ўзи русмисан, чеченмисан?

— Чеченман, — деди Илья.

— Унда мен мотман, — иккала қўлини кўтарди валакисаланг.

— Бўлди қилинглар! — жеркиб берди ўқитувчи. — Нима фарқи бор: ким рус, ким чечен? Албатта, жиноят жазосиз қолмайди. Буни Достоевский ўзининг “Жиноят ва жазо” романида жуда зўр исботлаган...

Ильянинг пешонаси тиришди:

— Аксинча, Достоевский ҳеч нарсани исботламаган. Раскольников ўғирлангани тортиб олмоқчи эди. Агар Достоевский уни ўзига ўхшатиб восвос ва телба қилиб эмас, балки эс-хуши жойида ва совуққон, оғир-вазмин одам қилиб тасвирлаганда эди кампирни ўлдиришга ҳожат қолмасди.

— Ва тўғри қилган бўларди, — қўллаб-қувватлади болалардан бири.

Синфда қулги кўтарилди. Геля янги келган болага қизиқсиниб қаради.

— Достоевский яна кампирнинг сингисини ҳам жувонмарг қилади. Кейин эса удабурро терговчини ўйлаб топади. Бунақаси эса бўлиши мумкин эмас. Терговчи — бу милиционер. Милиционернинг бунақа доно ва удабурро бўлганини қаерда кўргансиз? Буларнинг ҳаммаси битта мақсадга қаратилган: бечораҳол ва касал талабани жиноятчи қилиб кўрсатиш... Достоевский аввало жавобни ўйлаб тошган, кейин вазифани унга бўйсундирган.

— Менинг эса, умуман шу Достоевскийдан кўнглим айнийди, — дея қувватлади Ильяни ўқувчи қиз — кўринишидан аълочи бўлса керак.

— Аммо, тўхтанг Сергей, — деди табассум билан Геля. — Сиз ўзингизга ўзингиз қарши чиқяпсиз-ку! Бу ҳолда жиноят билан жазонинг қандай боғлиқ бўлиши ҳақида гапириш мумкин?

— Ижтимоий боғлиқлиги ҳақида.

— Масалан?

— Масалан, 1917 йил. Улуғ Октябрь инқилоби.

Геля бош ирғади:

— Тушундим. Сиз Россияда инқилоб бўлиш муқаррар эди, деб ҳисоблайсизми? Хўш...

— Инқилоб ўша минглаб катта мол-мулкларга боғлиқ бўлиб, жиноят айнан ўшалар негизда ётарди. Миқдор сифатга айланди. Минглаб алоҳида-алоҳида жиноятлар битта катта жазони вужудга келтиради.

Айни чоғда синф иккига, лекин ўқитувчининг ёнини олувчилар билан янги болани ёқловчиларга эмас, балки, баҳсни кузатувчилар билан Геляни кузатувчиларга бўлинган эди. Булар асосан қизлар эди. Улар Гелянинг қорнидан кўз узишмас ва жўшиб шивирлашарди.

Геля янги ўқувчи билан баҳсга шу қадар берилиб кетган эдики, ҳеч нарсани сезмасди ҳам.

— Яъни, сиз демоқчисизки... — Геля пешонасини тириштирди, янги боланинг фикрини илғашга уринарди.

— Мен демоқчиманки, Россияда янги инқилоб бўлиши муқаррар.

Ўқитувчи қаттиқ кулди:

— Қанақа инқилоб, Серёжа? Инқилоблар даври аллақачон ўтиб кетган. Кўчаларда бир юриб кўринг: Одамлар сайр қилиб юришибди, севишишяпти, театрларга боришяпти...

Илья илтифотли жилмайди:

— Инқилобий аскарлар ва денгизчилар қишки саройни эгаллашаётганда, операда Шаляпин кўшиқ айтаётганди.

— Жин урсин инқилобни ҳам! — хитоб қилди Геля. Асабийлашгани сезилиб турарди. — Инқилоб — бу қон тўкилиши, бу бегуноҳ қурбонлар...

— Инқилоб қурбонлари бегуноҳ бўлмайдилар... Бу айрим жиноятлар учун умумий жазодир.

— Хўш, майли, болалар-чи? — афтидан Гелянинг бардоши тугаб борарди. Хўш, болаларнинг гуноҳи нимада?

— Болалар оталари учун жавоб берадилар.

— Оналари учун ҳам! — қичқирди Анжела Дэвис, яна кулги кўтарилди. Ҳамма кулди, ўқитувчидан ташқари.

— Сизни ўша Чеченистонингизда жуда яхши ўқитишган экан-да, — ўйчан деди Геля ва эшикка йўналди.

— Бу — мустақил ўқиш, — деди Илья.

Геля эшикни очиб даҳлизга қаради. Нарса тўқиб ўтирган аёл кетиб бўлган эди. Ўқитувчи стол ёнига қайтиб келди ва янги болага диққат билан қаради. Унинг кўзларида очиқ истеҳзо бор эди.

— Сиз ҳали болалар кўзёши ҳақида ҳам гапирарсиз, — деди секин Илья.

— Гапираман! — асабий деди Геля. — Достоевский фақат буюк рус ёзувчисигина эмас. Пайғамбар ҳамдир! У Россияда юз миллион қурбонлар бўлишини айтганди. Унинг башорати тўғри чиқди!

Илья кулди ва ачиниш билан ўқитувчига қаради.

— Достоевский — буюк муғомбир эди. У ҳатто тутқаноқ касалини ўйлаб топганди — пайғамбарга ўхшаш учун-да! Маълумки, эпилепсия, яъни тутқаноқ ирсий касаллик бўлиб, наслдан-наслга ўтади. Уларнинг уруғида эса, олдин ҳам, кейин ҳам бундай касаллик билан ҳеч ким оғримаяган. Унинг юз миллиони — оддийгина тўлиқ рақам, осмондан олинган, васваса, холос. Лекин статистика мавжуд. Сўнги бир неча йил ичида мамлакатимизда умр кўриш ўн йилга қисқарди. Бу бир вақтнинг ўзида саксон миллион кишини отишга тенгдир. Бунга айни шу йиллар ичида гиёҳвандга айланган бангиларни ҳам қўшиш керак. Улар эртага “оғиб ташланади”. Эҳтимол, сизнинг пайғамбарингиз ана шу юз миллионни назарда тутгандир. Болалар кўзёшига келсак, сизга тўрт миллион боқувчисиз болаларни эсдан чиқармасликни маслаҳат бераман...

Илья жойига ўтириб, тиржайганча ўқитувчининг кўзига қараб тураверди.  
 — Мен тушунмайман, — деди ўзини йўқотиб ўқитувчи.  
 Илья кўлларини ёйди:  
 — Россияда янги инқилоб бўлиш муқаррар.  
 Синф ларзага келди. У бутунлай Илья томонида эди.  
 — Ура! Инқилоб!  
 — Қишки саройни оламиз!  
 — Қишкини эмас, Кремлни! Ур-ра!  
 — Лекин сизлар совет ҳокимияти даврида яшаб кўрмагансизлар. Мен эса яшаганман. — Геля ўқувчиларни эс-хушли бўлишга чақиринишга уринди, лекин улар кулоқ солишмади.  
 — Сиз яшадингиз, бизни яшашимизга қўйиб беринг!  
 — Жим бў-линг-лар!!! — бақирди Геля ва столга кўлини уч марта тақиллатиб урди.

Синф жим бўлиб қолди. Ўқувчилар ҳайрон бўлиб ўқитувчига қараб қолишди. Уни ҳеч бунақа ҳолатда кўришмаганди. Ва бирдан фаришта чехрали, болаларча тиниқ кўзли бир қиз ўрнидан туриб, баланд тоза овозда сўради:

— Ангелина Георгиевна, бўйингизда бўп қолдимиз?

Геля тушунмади. Ўқувчилар эса ҳаммасини тушунди.

— Ҳомиладор, ҳомиладор, ҳомиладор... — дер эди улар, ўқитувчининг қорнидан кўз узмай, кулишарди, қаҳ-қаҳ уришарди — ошқора, таҳқиромуз.

— Зоти пастлар! Тентаклар! Бадбахтлар! — жазавага тушиб бақирди Геля ва синфдан қочиш қилди.

Шу воқеадан кейин Геля мактабга бошқа келмади, ўзининг “царское село”сидан чиқмай яшади. Қизиги шундаки, ўқувчилар бундан сира афсусланишмади ва ўзларининг севимли муаллимларини қарийб эсламадилар ҳам.

## *Йигирманчи боб*

### **ДОН БЎЙИДА**

Улар учрашув жойини шаҳар ташқарисида, Дон дарёси соҳилидаги ташландиқ пионер оромгоҳида белгилашди. Дарёдан энгил шабада эсарди.

Анжела Дэвис квадрат шаклидаги тахта супача устида қорни билан чўзилиб ётганча, оёқларини ҳавода ликиллатиб “Пўлат қандай тобланди”ни ўқирди. У чўмилиш кийимида бўлиб, ўзини офтобда тоблаётган қилиб кўрсатарди.

Ким пастда, квадрат ёни бўйлаб наридан-бери юриб, ўзича нимадир деб бидирлар, кўлидаги рисола китобча билан бошига “пақ-пақ” тушириб кўярди.

Илья сал нарироқда эди. У теннис тўшини чилвир билан акация дарахти шохига боғлаб қўйганича, кошпокчага мушт туширар, у қайтиб келаётганда юзини олиб қочар, гоҳ ўнганга, гоҳ чашга энгашиб зарбага чап берар, айни пайтда кўзини юммаслик ва ҳатто киприк қоқмасликка ҳаракат қиларди.

Дон ортига чўкаётган офтоб катталаниб борарди. Бирдан дарёнинг у томонида нимадир гумбурлаб портлади. Сесканиб тушган Илья кошпокчани ўтказиб юборди ва у пешонасига келиб урилди.

— Жин урсин, — деди алам билан Илья ва кулги эшитди.

Кулаётган Ким эди. У Ильяга қараб кулар, кулгиси бегараз эди. Анжела Дэвис китобдан бошини кўтариб, елкаси оша ҳайратланиб қараб турарди.

— Кўрқдингми? — сўради Ким. — Бу браконьерлар, балиқ овлашяпти. Динамит портлатиб, балиқни гаранглатиб овлашади. Бултур мен ҳам ўғринча овчилик қилганман. Ойимга икки йил ойлик тўлашмади, ҳамма нарсамизни сотдик, қуруқ макарон еб кун кўрардик. Синглим макаронни емасди, у раққоса бўлишни орзу қиларди. Шунда мен ҳам ўғринча балиқ овлаш билан шуғулландим. Ўзимиз балиқ ейдиган, яна сотадиган ҳам бўлдик. Синглим эса шунақаям рақе тушадиган бўлдики... Балиқ жуда фойдали!

— Портлатгични қаердан олардинг? — сўради Илья қовоғини уйиб.

— Э-э, динамитними! Бизнинг бозорда атом бомбасини ҳам сотиб олиш мумкин-ку!

Ильяни атом бомбаси қизиқтирмасди.

— Ёдладингми? — сўради қатъий.

Ким бош ирғади.

— Жавоб бер, — деди Илья.

— Бу... — деди кўзини юмганича дудуқланиб корейс. — Биринчи зарба: 1944 йил январда...

— Каттиқроқ гапир! — талаб қилди Илья.

— Биринчи зарба. 1944 йил январда. Ленинград остонасида, — деди баланд овозда Ким ва яна бўшашиб, эшитилар-эшитилмас давом этди: — Иккинчи — Унг соҳил Украинанинг озод қилиниши. Учинчи зарба... Бу... ҳалиги... Нимаиди... — Ким гангиб, тутилиб қолди.

— Учинчи сталинча зарба. Қирқ тўртинчи йилнинг апрель — май ойлари. Кримнинг озод қилиниши. 4-Украина фронти. Армия генерали Толбухин, — кесиб-кесиб гапирди Илья ва Кимга тикилди: — Тўртинчи?

— Тўртинчи... — такрорлади сафдоши.

Кескин вазият вужудга келди. Худди шу пайт Анжела Дэвис кулиб юборди, аввалига секин кулди, кейин қаҳқаҳа уриб кулди. У ҳатто ағдарилиб, чалқанча ётиб олди ва оёқларини силкита бошлади, шу қадар кулгилли эди-да. Қизга боқиб Ким кафтига туфлади-да, Ильяга гуноҳкорона қараб қўйди. Илья аввалига қовоғини уйди, кейин тиржайди.

Анжела Дэвис оёқларини осилтириб ўтириб олди-да, тушунтира кетди:

— Кулгилли. Павка қандай қилиб попнинг хамирига латта-пугта қўшгани...

Ким ҳиҳилади. Илья бўлса кулоқларига ишонмади.

— Павка қандай қилиб попнинг хамирига латта-пугта қўшгани? Ахир бу... иккинчи бетда-ку... — деди жаҳли чиқиб Илья, қизнинг ёнига келди. — Сен... сен туталаяпман, дегандинг-ку...

У қизнинг қўлидан қизил китобни тортиб олди.

— Ҳа, туталлаётган эдим! Мен биринчи бетни туталлаётган эдим! — деди баланд овозда эътироз билдириб Анжела Дэвис ва хафа бўлиб, орқасига ўтирилиб олди.

— Жи-ин... Жин урсин сизларни, — деди саросимага тушиб Илья, нигоҳини қиздан олиб корейсга қараркан. — Сен ўнга сталинча зарбани ёдлай олмасанг... Сен бўлсанг... Сен “Пўлат қандай тобланди”ни ўқий олмасанг. Бунақада ҳеч қачон коммунист бўлолмайсизлар! — бақирди у.

Сафдошлар гуноҳкорона бош эгишди. Илья Николай Островскийнинг китобини боши узра баланд кўтариб, хитоб қилди:

— Бу, ахир, буюк китоб, тушунасанларми?!

Ким “тушунаман” дегандай бош ирғади.

— Тушунмайман, — самимий ва сурбетларча тан олди Анжела Дэвис. — Нимаси буюк унинг?

— Ҳаммаси! Тушунасанми, ҳаммаси! — бақирди Илья. — Ҳар бир саҳифа, ҳар бир сатр, ҳар бир сўз! Мана, сен кулаяпсан: Павка попнинг хамирига латта қўшди деб, шундайми?

— Шундай.

— Қанақа хамирга?

Анжела Дэвис елкасини қисди.

— Пасха хамирига! Хўш, пасха хамири нималигини биласанми, ўзи?

Анжела Дэвис билмасди. Ким эса биларди.

— Бу-чи, Пасха байрамига кулич<sup>1</sup> пишириш учун тайёрланадиган хамир дегани. Ойим пасха байрамига ҳаммаша кулич пиширади. Хамирни ширин қилиб тайёрлашади, — ҳаяжон билан жавоб берди Ким.

— Бундай хамир нимани англатади, биласизларми? — фахр билан давом этди Илья. — Исонинг танаси — мана нима! Бу худонинг танаси демак! Павка худога латтани қўшиб юборган! Шунинг учун ҳам поп роса ғазабланади, шу боис Павкани мактабдан ҳайдаб юборишади... Энди эса, бир ўйлаб кўринглар-а, “Пўлат қандай тобланди” нега ана шу воқеадан бошланади? Чунки, коммунист биринчи галда худони рад этиши лозим. Бу — биринчи. Энг муҳими — шу. Шундан кейин бошқалари.

<sup>1</sup> К у л и ч — думалоқ (калла) ширин нон.

— Нима бошқалари? — ўжарлик билан сўради Анжела Дэвис.  
— Масалан, севги. Инқилобни деб у севгидан ҳам воз кечади. Тоня Тумановани эсланг... Туф, жин урсин, сен бу ёғини ўқимагансан-ку! Дарвоқе, Худоба ишонасизларми ўзи?

Анжела Дэвис жунжикиб гапира бошлади:

— Бир куни бувим мента шундай деди: “Агар черковга борадиган бўлсанг, бўйнингни узаман”. Ушанда мен шартга ўрнимдан турдим-да, йўла тушдим. Қаршимдан Ирка Мухина чиқиб қолди. “Қаёққа кетаяпсан?” — “Черковга” дедим. “Борма” деди. Мен бир сафар имтиҳонлар олдиан борандим. Ёрдам берар деб ўйловдим. Лекин мени поп уйига таклиф қилди. “Видео” кўрамиз, дейди. Мен эса шартга орқамга бурилиб жўнавордим...

— Сен-чи? — сўради Илья Кимдан.

У чайналди ва ҳижолат бўлиб тан олди.

— Ойим билан синглим черковга қатнашади.

— Ўзинг-чи? — туриб олди Илья.

— Нима, мен аҳмоқманми? — хафа бўлди Ким.

— Демак, худоба ишонмайсизлар, — яқун ясади Илья ва қутилмаган хулоса чиқарди. — Бу — ёмон. Агар ишонганларингда яхши бўларди. Кейин эса... Павкага ўхшаб... у аввал Тангри таолога тоат-ибодат қилиб, сўнгра попнинг хамирига латта қўшиб коммунист бўлган эди... Хуф... “Биб... “Библия”да шундай ёзилган: “Бошингиздаги сочингиз санаб қўйилган”. Буни ўқигач, мен тўғри саргарошга бордим, сочимни бутунлай олдириб ташладим! Ҳо, у сочлари ҳам санаб қўярмиш! Хўш, миллион-миллион одамларни газ ўчоқларига ҳайдаб, куйдириб кул қилганларида у нима қилган эди? Соч санаганмиди? Ёки одамларнинг қандай жизғанақ бўлишини томоша қилганмиди? — Илья гапирар экан, ҳаяжонланар, ранги оқариб кетганди. Сафдошлар унга ҳайратланиб, бир оз қўрқиб қараб туришарди. Илья буни сезиб, кулимсиради: — Бизнинг худомиз — Инқилоб. Инқилоб жазолаш учун келади. Биз ғалаба қозонгач, биринчи декретимиз билан бу сўзни тақиқлаймиз.

— Қайси сўзни? — тушунмади Ким.

— “Худо” деган сўзни.

— Унда бу сўзни деворларга ёзишади, — деди Анжела Дэвис.

Илья қувноқ, яйраб кулди:

— Ура! Уни деворларга ёзишади! Ҳақорат сўздай! Бу бизнинг тўла ғалабамиз бўлади! Тўрт ҳарфдан иборат сўз, маъноси эса ҳеч ўзгармайди! Ҳаммаси жуда оддий — худо йўқ! Худо йў-ўқ! — Осмонга қараб бақирарди у.

— Худо йўқ! — уни қўллаб-қувватлади Анжела Дэвис.

— Худо йўқ! — рози бўлди Ким.

— Худо йўқ! Худо йўқ! Худо йўқ! — бўкирарди улар бошларини орқага ташлаганча, қўлларини кўкка ўқталиб. Анжела Дэвис бўлса ҳатто байроқ қадаладиган узун темир ходага маймунга ўхшаб тармашиб чиқишга ҳам уриниб кўрди.

— Ҳу-до йў-ўқ! — дея жўр бўларди улар.

— Йўқ-йўқ-йўқ... — дея акс-садо берарди уларнинг овози собиқ кашшофлар оромгоҳи устида, дарё узра...

Ёшларнинг бу қилиқлари уларни шу қадар қувонтирган, тўлқинлантирган эдики, зўрга ўзларини босиб олдилар. Сал ўзларига келгач, тахта супачада оёқларини осилтириб ўтириб куёшни кузата бошладилар. Оғтоб эса Дон ортига ботишдан воз кечиб, тўғри дарёнинг ўзига чўка бошлади ва сувни қизартириб юборди.

### *Йигирма биринчи боб*

## **ПРИДОНСКДА ШОВ-ШУВ БЎЛАДИ**

Ота ишпайганча қўлини чўзиб таклиф қилди:

— Хўп, тинчлик, меҳнат, май?

Ўғил сал пайсалпа солиб, ниҳоят каффини чўзди.

— Аллақачон шундай бўлиши керак эди, — дея шарҳлади ярашиш жараёнини она.

Воқеа “Октябрь” кинотеатрининг томоша залида, кино бошланиш олдиан бўлиб ўтди. Ярашиб олишпач, Печенкинлар оиласи охирги қатордан жой олди. Қониқиш ҳосил қилган Владимир Иванович ўртада, кўнгли тинчиган Галина Васильевна ўнгда, ўз ҳис-туйғусини сира ифодаламаётган Илья чап томонда ўтирарди. Залда чироқ ўчди, ҳинд мусиқаси янгради — фильм “Дайди” деб аталарди. Печенкин ҳовлиқиб қўлларини бир-бирига ишқади, тахта ўриндиқда бир қимирлаб қўйди, бошини қимирлатди.

— Сен ҳали кўрмаганмисан? — сўради ўелидан.

— Эшитганман, — деди Илья тўнғиллаб, кейин ўйлади-да, қўшиб қўйди: — юз мартача...

Печенкин кўрсаткич бармоғини кўтардида насиҳатомуз таъкидлади:

— Юз марта эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал.

— Баъзан отамиз жиддий гапларни айтади, — киноя билан изоҳлади Галина Васильевна.

Кино воқеалари қизигандан қизиб борарди. Афтидан, Илья ҳам қизиқиб қолганга ўхшарди. Владимир Иванович унга кўз қирини ташлади-да, эҳтиётлик билан ўз кафгини хотинининг тиззасига қўйди.

Галина Васильевна хўрсиниб қўйди, бир оздан сўнг эрига шундай бир оҳангда, ҳам юмшоқ, ҳам қатъиятли тарзда мурожаат қилдики, бундай мурожаат ҳар қандай бўлмайдиган ишни ҳам бўлдириши турган гап эди:

— Володя...

Печенкин бу оҳангни яхши биларди, қовоғини уйди-да, хотинини тўхтатишга шошилди.

— Янами? Мен сента айтганман — Нилични хафа қилдириб қўймайман!

Фильмнинг овози хириллади. Ноил уни сал баландлатиб қўйди. Энди бор овоз билан гапирса ҳам бўлаверарди.

— Нилич, — дея давом этди Печенкин, худди шу пайт ички эшик очилиб, зал зимистонига ташқаридан ёпирилган сариқ нур билан бирга Седой кириб келди.

— О, Нилич! — ғайритабийй қувонди Печенкин. — Бизнинг ёнимизга келақол!

Седой то кўзи зулматга ўргангунча тўхтаб турди-да, сўнг энгашиб Печенкинлар томон юрди.

— Чипта олдингми? — ҳазиллашди Владимир Иванович.

— Мен мавсумга олганман, — деди Седой ўша оҳангда ва Ильянинг ёнига ўтирди.

— Салом, Илья Владимирович, — шивирлади баланд овозда Седой. Лекин Илья алик олмади.

— Володя... — яна бояги юмшоқ оҳангда давом этди Галина Васильевна. Печенкин буни кутмаган эди, у Седой томонга бир қараб олди-да, хотинининг нигоҳини учратиб, жуда муҳим хабарни айтди:

— Мизери келаяпти!

— Ким? Нима? — тушунмади Галина Васильевна.

— Мизери бизнинг Придонскка келаятир! — такрорлади Печенкин дона-дона қилиб.

— Мизери? — ўйлаб қолди Галина Васильевна.

— Мизери! — завқ билан такрорлади Владимир Иванович. — Придонскда роса шов-шув бўлади-да! У қаерга борса шовқин кўтарилади! Ёки инқироз бўлади... Ҳа, айтмоқчи, у Индонезияни ташлаб кетди. Буни ҳамма биледи, лекин ҳеч ким гапирмайди.

— Бизларга нима учун келаяпти? — қизиқди Галина Васильевна.

— Нимага, нима учун? Балиқ шўрва ичгани! — деди қони қайнаб Печенкин.

— Ростданми? — ишонди Галина Васильевна.

Владимир Иванович ранжиганидан алам билан бир кафтини ўз тиззасига, иккинчи кафтини хотинининг тиззасига урди.

— Жозеф Мизери? — ҳайрагланди Галина Васильевна. У америкалик бу миллиардерни, молия магнати ва филантропни яхши биларди, албатта. Лекин ўз режалари ташвишида бўлиб, дарров эслай олмади.

— Жозеф Мизери? — такрорлади Печенкин хотинининг гашига тегиб. — Эсладингми, ниҳоят... Сен ҳам менинг архаровчиларимга ўхшайсан. Яхшиси, дейишад улар, тинч, заводда кутиб оламиз, бир балиқ шўрвага тўйдирамиз... Французни сал қолди ўлдиришларига, қизиталоқлар.

Галина Васильевна пешанасини тириштирди:

— Володя, сўкинма...

— Мен сўкинаётганим йўқ, — давом этди қизишиб Печенкин.

— Қаерда? — сўради тўсатдан Галина Васильевна.

— Нима — қаерда? — тушунмади Владимир Иванович.

— Уни қаерда кутиб оласизлар?

— “Париж сирлари” да.

— Нима, сен уни очганмисан?

Печенкин диққат билан хотинига қаради:

— Нима бало, Галя? Уни очганимга бир йил бўлди-ку!

Галина Васильевна гуноҳкорона жилмайди:

— Кечирасан мени, “Араб оқшомлари” билан чалкашгириб юборибман.

“Париж сирлари” билан “Араб оқшомлари” Придонскдаги энг яхши ресторанлар бўлиб, табиийки, ҳар иккаласи ҳам Печенкинга тегишли эди.

— Ҳа! — кулди Владимир Иванович, — Мизерини мен “Араб оқшомлари” да кутиб оламан. Эҳ, Галя, балосан!

Галина Васильевна чуқур хўрсинди ва яна ўша майин, эритгувчи товушда гапира бошлади.

— Володя...

— Қарагин, қарагин! — унинг сўзини бўлди Печенкин бармоғи билан экранни кўрсатиб. — Лекин сен ўз хотининг номуси ойнасини чегалай олмайсан, аҳмоқ!

— Лекин сен ўз хотининг номуси ойнасини чегалай олмайсан, аҳмоқ! — такрорлади Печенкин сўзларини ҳинд экрандан туриб.

Владимир Иванович хузур билан кулди.

Печенкиннинг бундай хитоби ва кулгиси фақат Галина Васильевнанигина эмас, Седойни ҳам тўхтатди. Ўтирган жойида ноқулай бурилиб, у Ильяга гапираётган эди:

— Авваллари, албатта, ор-номус кўпроқ бўларди. Партия билети шунга мажбур қиларди. Уни, партбилетни нақадар қадрлашганини тасаввур ҳам қилолмайсан... Бизнинг бошқармамизда биттасининг кучути партбилетини еб қўйган эди. У бўлса олдин кучугини, кейин ўзини... Ҳозир бўлса... Партия билети йўқ, номус ҳам йўқ...

Шу ерда Седой тўхташга мажбур бўлди, чунки Владимир Иванович ўз хотинининг номуси ойнасини чегалаш ҳақида гапираётган эди. Экрандаги ҳинд бўлса тўтига ўхшаб унинг гапини такрорлади. Печенкин қувноқ ва шумлик билан Седойга кўзини қисиб қўйди. Кейин аёлига бурилди-да, кафтини унинг қулоғига қўйиб, қувлик билан нимадир деди.

Седой чўзиб нафас олди, Ильяга кўз қирини ташлади ва ўз нутқини давом эттирди:

— Албатта, олдинлари доллар дегани нималигини биз билмасдик. Мен уни қўлим билан ушлаб кўрганим йўқ. Мен, албатта, ҳозир ўша пайтдагига нисбатан анча бойман... Э, бу бойлик нима деган гап! Муҳими, ишонч бор эди! Эртанги кунга ишонч — ҳар қандай пулдан аълодир.

Илья экрандан кўзини олди ва Седойга илк бора қараб, сўради:

— Хўш, ичбуруқ-чи?

— Ичбуруқ — нима ичбуруқ? Бунинг учун дори-дармон бор. — Седой самимий ва жиддий гапирарди.

Печенкин кўлини тушириб, савол назари билан хотинига қаради. Галина Васильевна ҳам унга савол назари билан разм солди. У эрининг ўз қулоғига шивирлаганидан ҳеч нарса тушунмади.

— Мизери ҳам “Уч лаққа” да ўрганган! — деди баланд овоз билан Печенкин. Гапларини Илья эшитаяптими, йўқми, парво ҳам қилмасди. Галина Васильевна ҳамон унга савол назари билан қараб турарди — бугун негадир ҳеч нарса тушунмасди.

Илья, эҳтимол, отасининг гапини эшитмасди, чунки Седойни тинглаётган эди. Седой эса ўйга толди-да, ўтган ҳаёт фойдасига яна бир мисол келтирди.

— Аввапги космонавтилар — ҳақиқий фазогирларга ўхшарди. Гагарин! Титов! Терешкова! Ҳозир эса... э, нимасини айтасан...

Кейинги бир неча дақиқа давомида тўртгаласи ҳам экрандан кўз узмай ўтиришарди. Ё фильмга берилиб кетишди, ёки бемаъни суҳбат жонларига теккан эди.

Галина Васильевна хўрсиниб, яна ўша ҳаяжонли гапини бошлади:

— Володя, сен меросни расмийлаштиришинг лозим.

— Менинг ҳали-бери ўлгим йўқ, — деди Печенкин.

— Ҳеч ким ўлмоқчи эмас.

— Ҳеч ким ўлмайди ҳам.

— Ўлим ҳақ. Ҳамма ўлади.

Печенкин жим эди. Галина Васильевна сабр билан кутарди. Лекин у жавоб бериш ўрнига чўнтагидан писта олди-да, чақа бошлади.

— Сенинг биттагина ўлинг бор, энди бошқа бўлмайди.

Бу жуда ишончли далил эди.

— Москва — учинчи Рим, нима, тўртинчиси бўлмайдими? — Бу муносиб жавоб эди. Владимир Иванович мағрурона кулди.

— Ростини айт, ўғлим, мени нега ёмон кўрасан? — Седой Ильяга тикилганча жавоб кутарди.

— Чунки сиз сотқинсиз, — деди Илья.

— Секинроқ, ўртоқлар! Кинони кўришга ҳалақит бераяпсизлар, — атайлаб уларнинг гапини бўлди Печенкин ва экранга тикилди. У бошқа ҳеч нарсани кўришни ҳам, эшитишни ҳам, билишни ҳам истамасди.

### *Йигирма иккинчи боб*

## **МЕН СТАЛИННИ ТОБУТДА КЎРГАНМАН**

Придонск шаҳар ахлатхонаси Россия жанубидаги энг йирик чиқиндилар уюмидан бири эди. У жуда машҳур, ҳатто “Время” дастурида ҳам кўрсатишган эди. Бир куни тунд тонг гира-ширасида Илья ўз тўдаси билан шу ахлатхонага етиб келди. Эски, совун кутисини эслатувчи, сарик рангли, биринчи моделдаги “Запорожец” паст-баланд йўллардан инқиллаб-синқиллаб зўрга етиб келди. Рудда Ким ўтирарди. У “Запорожец”ни бозорда Илья берган юз долларга сотиб олганди. Унинг ёнида ўтирган Илья кўримсиз теварак-атрофни диққат билан кузатиб борарди. Анжела Дэвис орқада ўтирганча, корейс сабзиси тўла челақни оёқлари орасига қистириб олганди.

— Шу ерда, — деди буйруқ оҳангида Илья, гўё умри бўйи “Запорожец”да ахлатхоналарга қатнаб юрган одамдек.

Ким бирдан тормозни босди, Анжела Дэвис олдинга қалқиб кетди, челақни зўрга ушлаб қолди, сўкинди.

— Сўкинма, — талаб қилди Илья. Шошилмай, бамайлихотир машинадан тушди ва елкаларини тўғрилади. Унинг кўриниши жиддий, эътиборли ва ҳатто аҳамиятли эди. — Ёшлар ва қашшоқларни ташвиқот қилиш лозим, — деди у машина атрофида айланаркан ўртоқларига насиҳат қилиб, — кексалар тез орада ўлиб кетишади, улар билан овора бўлишга вақтимиз йўқ. Бойларни эса тарғиб қилиш керакмас, улар сотиб олинади ёки қўрқитилади. Бойларнинг ҳаммаси хасис ва қўрқоқ. Қанча бадавлат бўлса, шунча қўрқоқ ва қизганчиқ бўлади улар. Қарилар ўлишдан қўрққандай, улар ҳам камбағаллашиб қолишдан ўлғудай қўрқинади. Болалар ўлимдан қўрқмайди, камбағаллар қашшоқлашиб қолишдан қўрқинмайди. Улар коммунистларнинг янги жамиятида бизлар билан бирга бўлишади.

Шундай деди-да, Илья “Запорожец”нинг олд қопқоғи устига, кейин машинанинг томига чиқиб олди. Ким афтини буришгирди, лекин норозилик билдира олмади. Машинанинг тунука томи фикрлаб, эгилди. Анжела Дэвис Ким билан ёнма-ён турар ва ўз доҳийсига ҳавас билан қарарди. Илья гавдасини



сал олға ташлади, мушт қилиб қисилган қўлини олдинга чўзди-да, бор овоз билан хайқирди:

— Яшасин Коммунизм!!!

Корейс билан мулат қиз жунжикиб, бир-бирига қараб олишди. Илья бўлса уларга эътибор ҳам бермасдан ахлатхона ташвиқотини давом эттирди:

— Яшасин меҳнаткашларнинг абадий барҳаёт таълимоти — марксизм-ленинизм!. Яшасин барча йўқсилар доҳийси ўртоқ Ленин!

Ҳижолат тортганидан Ким бошини елкалари орасига тортди, қисик кўзлари баттар қисилиб кетди. Анжела Дэвиснинг кўзлари эса, аксинча, янада кенгайиб кетди, оғзи очилиб қолди. У ўтирилиб корейсга қаради-да, сакраб қичқирди.

— Яшасин ўртоқ Ким Ир Сен!

— Мени айтаёсанми? — ҳайрон бўлиб сўради Ким.

— Сен, албатта, бошқа ким бўларди! — шўх жавоб берди қиз.

— Яшасин Анжела Дэвис! — жавобан қичқирди Ким.

Илья тепадан норози бўлиб қараб қўйди, лекин ташвиқотини давом эттирди:

— Яшасин инқилобий бирдамлик! Яшасин барча халқларнинг отаси — ўртоқ Сталин!

Ва бирдан учаласи орқадан хириллаган вайсақи овозни эшитишди:

— Мен ўша сизнинг Сталинни тобутда кўрганман.

Ташвиқотчилар чўчиб тушишди, бир зум қотиб туришди, кейин ўтирилишди. Улардан бир неча қадам орқароқда, одам башарали кимса турарди. Унинг юзи калтақдан шишиб кетган, кичик-кичик сурбет кўзлари билан ўкрайиб турарди.

Илья бир амаллаб ўзини босди ва хайрхоҳлик билан жилмайди.

— Мен ўша сизнинг Сталинни тобутда кўрганман, — деди ўжарлик билан такроран нотаниш кимса.

Унга ҳайратланиб қараб туришар экан, ташвиқотчилар шунга ўхшаган ўша ифлос, сассиқ ҳид анқиб турган кишилар уларни ўраб олишганини сезмай қолишди. Қаёқдан пайдо бўлишди — тушуниш қийин. Наҳотки тутаб ётган чиқиндилар уюми — ахлатлар орасидан униб чиқишган бўлса... Юракни эзувчи сукунатда машинанинг тунукаси тарақлаб қолди. “Запорожец” устида турган Илья оғирлигини бир оёқдан иккинчисига олган эди.

— Сизлар оталиқ ёрдами сифатида келдингларми ёки?.. — қизиқиб сўради девдай бомж<sup>1</sup> аёл. У энгига қорақўл ёқали қишқи пальто кийган, фил касалига чалиниб шишиб кетган оёғига салафан ўраб олганди.

— Балки булар ментлардир? — тахминини айтди бошқаси. Унинг аввал жиноятчи бўлгани шундоқ кўриниб турарди.

— Ментлар бунақа бўлишмайди, — деди унинг ёнидаги кимса Ким билан Анжела Дэвисга ишора қилиб.

— Булар “Нажот армияси”дан келган америкаликлар бўлса керак. Улар бултур ҳам келишганди, — ўқитувчига ўхшаб гапирди кўзлари чақчайган озгин аёл.

— Америкаликлар “Запорожец”да юришмайди. Уларда “Форд” бўлади, — изоҳ берди қўлтиқтаёқли чол.

— Ана овқат, челақда обкелишибди, ҳозир тарқатишади.

— У овқатмас, газак! — деди иккинчи қаторда турган қувноқ бомж ва “қаҳ-қаҳ” уриб кулди.

— Мен ўша сизнинг Сталинни тобутда кўрганман, — ўжарлик билан такрорлади биринчи бўлиб келган бомж ва Ильянинг бу ерга нима мақсадда келганини эслатди.

— Ўртоқлар! — тилга кирди Илья. — Бизлар янги коммунистлармиз. Бу ерга, сизнинг олдингизга ҳамма нарсани ўз жойига қўйиш учун келдик. Бу нима дегани? Бу дегани шуки, сизларни талаган, хонавайрон қилган одамлар сизларнинг аҳволингизга тушишлари керак. Сизлар эса уларнинг озиқ-овқат ва кийим-кечак тўла уйларига кўчиб ўтишларингиз лозим!

Бомжлар диққат билан тинглашарди.

<sup>1</sup> Б о м ж — уй-жойсиз, дуч келган ерда ётиб юрадиган одам.

— Шундай бўлади. Сизга ваъда бераман. Лекин ҳозир сизлардан бир нарсани сўрамоқчиман, — давом этди Илья. Унинг овози дадиллашиб борарди. — Мен сизлардан сўрамоқчиман: сизлар коммунизмга ишонасизларми?

— Ер ютсин ўша ком... — тўнғиллади биринчи бомж, лекин гапи чала қолди. Чунки ёнида турган фил-аёл уни тирсаги билан туртди. Сталинни ер юткизган бомж “вой” деди-да, туртки еган биқинини силай бошлади.

— Сизлар коммунизмга ишонасизларми? — жуда жиддий такрорлади Илья ўз саволини.

Янглишишдан қўрққан бомжлар жавоб беришга шонилишмасди.

— Ишонамиз, — деди ниҳоят кимдир тортиниб паст овоз билан. Қолганлар уни барабар қўллаб-қувватлашди.

— Ишонамиз, нега ишонмайлик!

— Мен, масалан, аввал ишонмасдим, энди ишонаман!

— Албатта ишонамиз!

— Биз ҳамма нарсага ишонамиз!

Афтидан, Илья бошқа нарсани қутмаган ҳам эди.

— Коммунизм — бу кимдир ўйлаб топган ёки бекорчиликдан хоҳлаган нарса эмас, — давом этди у. — Коммунизм — бу гоё, ҳали ёш, унга энди юз эллик йил бўлди. Гоялар ҳавода учиб юради, дейишади. Коммунизм гоёси шу ер устида айланиб юрибди. Ўтмиш сизга тегишли бўлганидек, келажак ҳам сизникидир. Мен сизлардан сўрамоқчиман: ўтган ҳаётингизда ким бўлган эдингизлар? — Илья бармоғи билан фил-аёлни кўрсатди: — Сиз ким эдингиз?

Аёл бугун оғирлигини бир оёғидан иккинчисига олди, қовоғини уйиб жавоб берди:

— Мен соғувчи эдим. “Маданий моллар”да магазин мудири бўлганман.

— Сиз совет савдоси ходими бўлгансиз, — дея изоҳлади Илья жавобни ва бошқа бомжни кўрсатди.

— Армияда прапорщик эдим, — деди у.

— Сиз Ватанни ҳимоя қилгансиз! Сиз ким эдингиз?

— Мактабда ишлардим.

— Сиз болаларни ўқитансиз! Сиз ким эдингиз?

— Қозонхонада...

— Сиз одамларга иссиқ бергансиз. Сизчи?

— Шахтёр.

— Сиз мамлакат учун кўмир қазигансиз! Сиз ким эдингиз?

— Космонавт, фазогир.

— Сиз фазони забт этибсиз! — ҳаяжон билан хитоб қилди Илья ва ёмонликни ҳис этиб тугилиб қолди. Иккинчи қатордан паст бўйли қоқсуяк бомж ёвузона қараб турарди. Унинг сийрак сочлари типратикан игналарини эслатарди, корейс сабзисини газак деган худди ўша эди.

Илья довдираб қолди.

— Алконавт эди у, космонавт эмас. Алкаш эди, алкашлигича қолади! — деди кимдир ва бомжлар кулиб юборишди. Улар хириллаб, бесўнақай, ёш ва касал болалардай кулишарди. Ўзини космонавт деган хафа бўлмади ҳам. Ильяга тиржайиб, заҳархандалик билан қараб турарди.

Бомжлар тўйиб-тўйиб кулишди, лекин Илья жим тураверди.

— Сен бизларга яна коммунизм тўғрисида гапир, болам, гапиравер, — эркалаб далда берди қўлтиқтаёқли бобой. Лекин Сталинни тобутда кўрган яна орага суқилди.

— Кўрдим!!! — аламзада ингранди у. — Ўшанда мен Москвада ҳарбий хизматда эдим. Уни дафн этишаётганда одамлардан тўсиб турардим. Тобути ҳамманикига ўхшаган тобут эди. Фақат устидаги қоққоғи тиниқ эди — худди самолётдаги синтари. Фонарь! Ҳа, чироқ бор эди унинг тобутида. Сталиннинг чироғи бор эди! Плексиглас<sup>1</sup> чироқ! Мен уни ўшанда кўрганман. Кўрдим! Кўрдим! Кўрдим! — Бомж ўзини бирдан орқасига ташлади ва ётиб олиб ерни муштлай бошлади. У гапларига ишонишмагандан алам қилиб, ерга мушт урар, тешинар ва калла қўярди.

<sup>1</sup> П л е к с и г л а с — органик ойна.

## Йигирма учинчи боб

## ПРИДОНСКДА ШОВ-ШУВ

Владимир Иванович уланган микрофонга тирноғи билан чертиб кўрди, ҳамма жилмайиб кўйди. Печенкин фрак кийиб, капалакнусха бўйинбоғ тақиб олган эди. Залдаги барча эркаклар, чет элликлар ҳам, шу ерликлар ҳам худди шунақа кийимда эдилар. Бизникилар ажнабийлардан деярли фарқ қилишмасди. Улар орасида фақат икки киши ажралиб турарди: Илья ва мистер Мизери — улар бошқалардан алоҳида туриб бемалол гаплашардилар. Илья Швейцариядан келгандаги кийимида эди: кўкрак чўнтагида тилла туғро бўлган қизил камзул, калта ва тор шим, масхарабозлар ботинкаси кийиб олганди.

— Ҳазил, — дея изоҳлади ўз ҳаракатини Печенкин ва бизникилар кулиб юборишди, ажнабийлар жилмайиб кўйишди.

Илья билан мистер Мизери кувноқ бош ирғашди ва жим қолишди. Океан ортидан келган бой меҳмон “Париж сирлари”нинг ҳашаматига қизиқиш билан кўз югуртирди-да, бошини эгиб, ялтироқ тилла гардишли думалоқ кўзойнаги остидан катта Печенкинга тикилди. Умуман, бу мистер Мизери жуда кулпили: паст бўйли, йўғон гавдали, думалоқ юзли ва ёноқлари қизил, узун малла сочи сийрак тортган киши эди. Эркаклар орасида фақат угина фрак киймаган, яшил пиджакда, рангининг тайини йўқ гижимланган шим ва юмшоқ мокасин да эди. Капалакнусха қизил бўйинбоғини ҳам чўнтагида олиб келиб, машинадан тушгач, тақиб олганди.

— Хонимлар ва жаноблар, — деди Печенкин кўзларида табассум билан.

Унинг сўзларини москвалик таржимон инглиз тилига ўтириб турарди. Умуман мистер Мизерига эрганиб анчагина москваликлар келишганди.

— Ҳурматли меҳмонимизга нимани кўрсатиб, нимани кўрсатмаслик ҳақида гап кетганда, мен: “Келинлар, яхшиси, ҳеч нарсани яширмайлик, қандай бўлса, шундайлигича кўрсатайлик” дедим. Шундай деб Печенкин нигоҳини рестораннинг ички кўринишига югуртирди. Муҳташам зал оқ ва тилла рангта бўялган эди.

Биринчи бўлиб ҳазилни мистер Мизери тўғри баҳолади — у русча гапирадиганлардан олдин кулиб юборди.

Владимир Иванович давом этди:

— Бизнинг Придонскда биринчи америкаликлар пайдо бўлганда, биз уларга самовий келгиндиларга қарагандек қарардик. Пул беришади деб умид қилардик. Ўшанда бизга пул ҳеч ҳам етмасди. Бунинг қарантки, улар марсликлар эмас, балки одамларга ўхшар эканлар. Албатта, бизга пул беришмади, лекин ажойиб бир фенечка<sup>2</sup> совға қилишди. Мен кейин эслатиб қўйдим уларга: мендан пул сўраб келишганида: “Одамга битта балиқ бериш мумкин, унга ҳар куни биттадан балиқ ҳам бериб туриш мумкин. У очидан ўлмайди, лекин уни балиқ овлашга ўргатиш ҳам мумкин, шунда у одамга ўхшаб яшай бошлайди”. Тўғри, америкаликлар бизни балиқ овлашга ўргатишди деб айта олмайман. Ахир, биз бу ерда Дон бўйида яшаймиз, болаликдан балиқчимиз. Балиқ овлаётимиз ва овлаймиз. — Владимир Иванович бироз тўхтаб, нафас ростлади-да, давом этди: — Лекин пул ҳалиям етмаяпти!

Ҳамма кулиб, қарсақ чалди. Мистер Мизери қийқириб кулди, ҳатто малла сочлари қимирлаб кетди. У кулар экан, микрофон олдида борди.

— Сизларга яна битта фенечка совға қилмоқчиман, — деди у. Бунинг устига охириги сўзини русча айтди. Бу эса тингловчилар қалбида ҳаяжон уйғотди. — Мендан қандай қилиб бадавлат бўлгансан? деб сўрашганда битта воқсани гапириб бераман. Мен отасиз, онам ёрдамида ўсганман. Биз жуда қашшоқ яшардик. Мен мактабга қатнай бошлаганимда, у ерда тушлик қилишим учун онам менга пул беролмасди. У менга олма берди. Биттагина олма. Лекин мен уни емадим, қўшни партада ўтирган болага беш центта<sup>3</sup> сотдим. Кейинги

<sup>1</sup> М о к а с и н — мол терисидан тикилган пойабзал, чорик.

<sup>2</sup> Ф е н е ч к а — жаргон, матал, маълум доиралар ибораси.

<sup>3</sup> Ц е н т — чақа, АҚШ долларининг 100дан бир бўлаги.

куни ҳам битга олмани сотдим. Энди менинг пулим ўн цент бўлди. Учинчи куни яна битга олма сотдим... — Мистер Мизери тўхтади, кўзойнаги тагидан атрафга аланглади. Эҳтимол, мен ҳозир ҳам олма сотаётган ва центларни санаётган бўлардим, агар кунларнинг бирида бой амаким ўлиб, менга мерос қолмаганида.

Ҳамма кулиб юборди — Печенкиннинг сўзидан кейингига нисбатан ҳам иштиёқ билан ва қаттиқ кулишди. Владимир Ивановичнинг ўзи ҳам қаҳ-қаҳ уриб кулди — унинг кулгиси бошқаларнинг овозини босиб кетди. Мистер Мизери пушгиранг бармоқчасини кўтарди ва кулги бирдан тўхтади.

— Мен умрим бўйи битга кичкинагина ҳам балиқ тугганим йўқ. Мистер Печенкин ҳақ, гап балиқда эмас. Муҳими, сизларнинг яхши ворисларингиз бўлсин. — Шу сўзларни айтиб миллиардер Ильяни бағрига босди. — Сизнинг ажойиб ўғлингиз бор экан, мистер Печенкин. Ушлаб мана шундай рус болалари юртингизга аввалги шўхратини қайтаради. Бунга қарангки, биз сизнинг ўғлингиз билан бир коллежда, машҳур “Труа сомэ”да ўқиган эканмиз. У яна шуни ишонтириб айтаяпмики, мен анча йил бурун гиштин деворга миҳ билан ўйиб ёзганимни кўрибди. Ушанда мени яхши ўзлаштирмаганим ва ёмон хулқим учун коллеждан ҳайламоқчи бўлишганди.

Илья микрофон томон сурилиб, қўшимча қилди:

— Уша сўзни ҳозир у ерда тилга доирага олиб қўйишган.

“Париж сирлари”да ҳеч қачон бутунгичалик кулишмаган эди. Мистер Мизери хурсандлигидан қийқириб куларди.

— Офарин, Илюха! — миннатдорона бақирди Печенкин ва ўғлига кўз қисди.

Ҳамма куларди, фақат Галина Васильевна ялпи шодиёнада иштирок этмас ва серташвиш кўринарди. Уни қандайдир ҳид ташвишга солаётганди. Галина Васильевна бурун катакларини керар, ҳавони ҳидлаб кўрар, бошини сарак-сарак қилар, бу сассиқ ҳид қаердан ва кимдан келаётганини аниқлашга уринарди. Унинг ёнидаги елкаси очиқ оқ кўйлак кийган Дашенька Канишева ҳам безовталанарди.

— Нимадир сасияпими? — деди унга Галина Васильевна.

— Шунқага ўхшайди, — деди бурнини жийриб Дашенька Канишева.

— My russian nephew! — хитоб қилди мистер Мизери Ильянинг елкасига қоқиб.

— Менинг рус жияним! — бу жумлани таржимон шундай завқу шавқ билан ўғирдики, гўё америкалик миллиардер уни ўз жияни деб атагандек эди.

Владимир Иванович, афтидан, эшитишни кутмаган нарсани ҳам эшитди, лекин бунга жуда босиқлик билан қабул қилди, боя мириқиб кулганидан кейин анча хотиржам бўлиб олди. Печенкин елкаларини тўғрилади ва барчани боядан бери маҳтал бўлиб кутаётган дастурхонга таклиф қилмоқчи эди, лекин Илья гапириб қолди. У рус ёки инглиз тилида эмас, балки немис тилида, тагин денг лагчада — Цюрих немисчасида гапириб қолди. “Труа сомэ” коллежида ана шу шевада гаплашишарди.

Тингловчилар жилмайиб қўйишди, лекин бир оз довдираб қолишганди, чунки ҳеч ким ҳеч нарса тушунмади. Фақат мистер Мизеригина яйраб эшитди. У бу тилни анчадан бери эшитмаганди.

Бу орада Илья шундай дея гап бошлади:

— Менинг америкалик азиз амакижоним! Сизнинг келишингизни эшитиб, қандай совға тайёрласам экан деб роса бош қотирдим. Бу унчалик осон эмас экан. Бутун-бутун мамлакатлар ва халқлар оёғи остида ётган шундай бадавлат одамга моддий нарсанинг нима қизиғи бор. Шунинг учун мен сизга кўшиқ совға қилишга қарор бердим. Кўшиқни сиз учун мен атайлаб бу ерга таклиф қилган дўстларим айтиб беришади.

Илья шундай деб, шимининг чўнтагидан кичкинагина ялтироқ калитни олди, уни боши узра баланд кўтариб, ҳаммага кўрсатди-да, девордаги сезилмай турган мўъжазгина эшик ёнига келди, калитни қулф бурнига тикди ва бураб эшикни очиб юборди. Сал ўтиб ўша жойдан, тор ва нимқоронғи маскандан Придонск ахлатхонасининг бомжлари юмалаб чиқа бошлади. Улар терга боған ва асабий эдилар. Ёруққа чиққандан кўзлари юмилиб, қашинишга тушиб кетишганди.

Ажнабийлар ҳайрон бўлишди, москваликлар шошиб қолишди, придонскиликлар эса бу ишнинг оқибати яхши бўлмаслигини ҳис қилишди. Улардан бадбўй ҳид анқирди.

Меҳмонлар орқага тисарилишди, лекин узоққа бориша олмади, чунки орқада столлар бор эди, бунинг устига соқчилар қотиб туришарди.

Биттагина мистер Мизерининг парвойи палак, у худди ҳид сезишдан маҳрумдек эди. Миллиардер — худди кўзбойлогич сеҳридан қотиб қолган боладек, бомжларга қараб, тиржайиб турарди.

Бомжлар бу орада икки қатор бўлиб саф тортдилар. Кўзлари катта-катта, ўткир ва кўмкўк, қилтириқ бир чол олдинга чиқди.

— Қўшиқнинг номи: “Бир замон бирга эдик”, — деб эълон қилди у. — Мусиқаси меники, сўзлари халқники. Оркестр жўр бўлади.

Унинг орқасида турган оркестрчилар уч киши эди: кўзлари чақчайган озгин аёл лаб гармошкасида, қўлтиқтаёқли бобой — балалайкада, қўллари шишиб кетган фил-аёл ғалати асбоб — болалар шақилдоғига ўхшаш маракада. Мусиқа асбоблари ҳеч кимни ҳайрон қолдирмади — афтидан, ахлатлар орасидан бошқа нарса топилмаган.

Бутун ана шу вақт мобайнида Галина Васильевна эрининг ёнидан жилмади. Бир қўли билан унинг энтидан ушлаб олган, иккинчи қўли билан уни сийпаб, шивирлаб тинчитишга уринарди:

— Володя... Володя... Володя...

Кўзлари чақчайган аёл лаб гармошкасини оғзига олиб борди-да, пуфлаб чала бошлади. Чалиши ёмон эмасди. Бироқ ҳозирги пайтда камёб бўлиб қолган ана шу асбоб жаранглашини мириқиб тинглашнинг ўзи бўлмасди: чунки ижро этувчи ҳар пуфлаганда унинг кўзлари янада катталашар, косасидан чиқиб кетгандай, ҳавони ичига тортганда эса яноқлари чуқурлашиб, оғзига кириб кетгандай бўларди — хуллас, тинглаш маза, кўриш даҳшат эди.

Бобой балалайкани унча яхши чалмаса ҳам, хатти-ҳаракатлари антиқа эди. Маракаса эса ҳали жўр бўлганича йўқ эди.

Кўккўз гуноҳқорона жилмайди, пешанасига тушиб турган кокилини силтаб ташлади-да, куйлаб юборди:

Биз бир замон бирга эрдик,  
Бирга ичиб, бирга ердик,  
Бирга эдик — ғам не дердик,  
Энди менга — сен бўрисан!  
Сен учун мен ҳам бўриман!  
Сен менга очмайсан эшик!  
Эшик не, очмайсан тешик,  
Шундай золимнинг бирисан!

Қўшиқчининг маҳорати етишмаса-да, овоздан худо берган эди. Унинг ўткир овози юракларни ўртаб юборарди. Бу овоз тингловчилар этини жунжиктириб юборди.

Мистер Мизерининг завқи тошди, у ҳатто қўшиқ оҳангига жўр бўлиб, калта ва йўғон оёғи билан ерни тапиллата бошлади.

Фил-аёл қўлини силтади — маракасининг ичида шарлар шарақлаб кетди, — бу ҳозир нақорат бошланишини билдирарди. Ва бомжлар бир овоздан жўр бўлиб нақоратни бошлаб юбордилар. Уларнинг жўшқинлигида собиқ совет кишиларининг ҳали ҳам йўқолмаган завқ-шавқи акс этиб турарди:

Чўнтагимда бор пулим —  
Икки пиво қоққоғи!  
Сизлар бунни, жаноблар,  
Ҳали билмайсиз чоғи!  
Сизлар бунни, жаноблар  
Ҳали билмайсиз чоғи!

Ҳеч қандай шубҳа йўқки, ушбу чиқиш учун бирор-бир машқ ўтказиб кўрилмаганди. Нақоратдан сўнг қонуний тўхтам — мусиқачилар ва хонандалар

нафасларини ростлаб олиш талаб қилинарди. Бироқ, афтидан, “Бир замон бирга эдик” қўшиғининг иккинчи бандини эшитиш “Париж сирлари” меҳмонларига насиб қилмаган экан. Владимир Иванович бир амаллаб хотинининг чангалидан сирғалиб чиқди-да, ўша яшн сокитлик оннда Ильяга қараб бақирди. Бақирганда ҳам кам ишлатиладиган даҳшатли сўзни айтиб бақирди. Айтиш мумкинки, ушбу сўзни бу ерда ҳеч ким билмасди. Аниқроғи, уни билишарди, лекин эшитишмаганди. Бу сўзни Владимир Ивановичнинг ўзи ҳам билиши ва эшитганлиги амри маҳол эди. Аммо бу сўз худди ботқоқликдан отилиб чиққан пуфақдай қалбдан портлаб чиқди ва Печенкин уни ўғлининг кулиб турган кўзига қараб туфлади:

— Ахлатхўр!

Бироқ Илья тиржайганча тураверди. Шунда Владимир Иванович бир сакраб унинг ёнига келди ва мушт қилиб тутилган қўлини бир сермаб урди. Аниқроғи, бу уриш эмас, балки тарсаки — чин қалбдан саховат билан шарақлаб туширилган шоҳона печенкинларча тарсаки эди.

Лекин, аини ўша тарсаки тушаётган пайтда Илья қаёққадир ғойиб бўлди-ю, шўрлик мистер Мизери туриб қолди ва бирдан унинг боши кучли силкинди, худди бўйнидан узилиб кетмоқчидай бўлди, лекин худога шукур, узилиб кетмади. Фақат мистер Мизерининг кўзойнаги учи кетди ва ҳавода чирпирак бўлиб, ларзага туппан меҳмонлар тепасида ёй ҳосил қилиб, бир ялтиради-да, тилла балиқ мисоли шарбат тўла каттакон биллур кўзачага шўнғиди.

— What? What? What? — минғирлади мистер Мизери кўли билан ҳавони тимискилаганча кўзини пирпиратаркан.

— Мана, мана, мана! — деди бомжлар хоридан юзи пишган киши, — Ахир неча марта айтдим: ўша сизнинг Сталинни тобутда кўрганман деб! Афтидан, у ниҳоят гапига ким ишониши мумкинлигини топди шекилли, бомж стол ёнига борди, қўлини билагигача шарбатли кўза ичига тикди-да, кўзойнакни топиб, мистер Мизерига узатди.

Худди шу пайт ҳозирги вазиятда юз бериши мумкин бўлмаган воқеа содир бўлди: захарханда кумл янгради. Ўзини космонавт деб таништирган ўша сийрак сочлари оқарган булж кулаётганди. Катта Печенкин унга ғазаб билан боқиб, зўғим билан бақирди:

— Нега ҳиринглаяпсан, Желудь?

### *Йигирма тўртинчи боб*

## **ҲАММА ЖОЙДА ЯХШИ ЯШАШ МУМКИН**

Ўша машъум куннинг ғаройиб ишлари Печенкиннинг идорасида ҳам давом этди. Манзаранинг ўзи жуда ғалати эди: Печенкиннинг иш столида — оромкурсида ҳалиги писмиқ бомж ялшайиб ўтирар, Печенкиннинг ўзи эса унинг қаршисида — хона ўртасида қўлларини орқасида чатиштириб, бошини ҳам қилганича турарди — шўрлик ҳануз асабий кайфиятда эди.

Бомж бўлса, аксинча, яйраб ўтирарди. У қўшни стол устида тахланиб ётган — рамкали ва рамкасиз фотосуратларни бирма-бир қўлига олиб, бемалол томоша қиларди. Фотосуратларда Печенкин дунёнинг турли-туман машҳур одамлари билан расмга тушган эди: Алла Пугачёва, Садам Ҳусайн, Майкл Жексонлар билан, Ельцин билан — Кремлда, “Россия бизнеси рицари” совринини топшириш пайти. Совриннинг ўзи яшил тош — малахит курсидаги икки бошли бургут Владимир Иванович столида турарди.

— Мана бу ким бўлди тагин? — Бомж савол берди ўзига ўзи ва яна ўзи лоқайдлик билан жавоб қайтарди: — А-а, папа...

У Рим папаси эди. Букчайган ва беҳол Иоан Павел II Печенкиннинг қўлини қисаяпти. Суратга қараб папа шу қўлга сиғинаяпти деган тасаввур ҳосил бўлади.

Владимир Иванович бошини кўтарди ва аламли шикоятланди:

— Мана шундай яшайман...

— “Яшаш мумкин бўлган ҳамма жойда яхши яшаш мумкин”, — Марк Аврелий, — тинчлантирувчи оҳангда деди бомж.

Эшик секин очилди ва хонага Седой суқилиб кирди.

— Текинхўрлар! — бақирди Печенкин ўтирилмасдан, лекин у келган кимлигини яхши сезиб турарди. — Бу нима деган гап? Сен, Нилич, қаёққа қарадинг?

— ФСБ биносини эҳтиётлаётувдим. Бу лаънати қазноқни ҳеч хаёлларига келтиришмади, — дея тушунтира кетди Седой бошлиқнинг оромкурсисада ўтирган бомжга қарамасликка интилиб.

— Мен анови шўрликка тушириб қолганимда-чи? Кўлимни ушлаб қолсанг бўларди-ку?!

— Ушлаб қололмасдим, Иванич. Ҳаққим йўқ эди. Агар у сенга мушт кўтарганда бошқа гап...

— Хўш, анави сассиқ такалар тешиқдан чиқиб келганда-чи, кўшиқ бошлашганда-чи? “Бир замон бирга эдик”... Туф, лаънати!

— Кўшиқчиларга қарашга вақтимиз бор эди дейсизми, Иванич. Форс-мажор бошланди, алгов-далгов бўлиб кетди. ФСБчилар америкаликларни нишонга олиб туришибди, биз ФСБчиларни. Америкаликлар бўлса уларниям, бизларниям мўлжалга олишганди. Кўшиқчиларга қарашга вақт бормиди.

Седой оғир хўрсинди ва оғирлигини бир оёғидан иккинчисига олди. У ўзини айбдор деб билмасди. Печенкин ҳам унинг қанақа айби борлигини тополмасди. Лекин бирдан эсига тушди, Седойга ўтирилиб, бақирди.

— Сен қаёққа қараяпсан ўзи? Бугун менинг “мерс”симдан<sup>1</sup> иккинчи рулчани ҳам синдириб кетишибди! Иккинчисини! — Яна бомжга шикоят қила кетди: — Тушуняпсанми, “мерс”даги рамзий рулчаларни синдириб кетишяпти. Ҳалиги, биласанми, машина пешанасига ўрнатилган бор-ку, мана бунақа, юмалоқ...

Бомж “биламан” дегандай бош ирғади.

— Бу кимга керак? — аламзада бақирди Владимир Иванович.

Седой қизариб кетди ва эшикка қараб тисланди. Бу эса уни яна бир кўнгилсизликка рўпара қилди. У хонага кириб келаётган котиба Марианага урилиб кетди. Маринанинг қўлида эса қумуш патнисча, унинг устида коньяк қуйилган биллур қадаҳ ва тилимланган лимон солинган биллур тақсимча бор эди. Патнис тарақлаб кетди, қадаҳ чил-чил бўлди, тақсимча тўнкарилиб тушди.

Бомж бўйинини чўзиб, сўлагини ютди.

Хонани арман коньягининг хушбўй ҳиди тугди.

Хаёлга чўмган Печенкин қаттиқ “ух” тортди. Марина ғойиб бўлди, унинг ўрнини Прибиловский эгаллади. Печенкин ўтирилди ва унга соғинчли умид билан тикилди.

— Самолётга ўтқаздик, жилмайганча учиб кетди, — деди котиб-референт, оромкурсисада ўтирган бомжга қарамасликка ҳаракат қилиб.

— Тўғри, бошини сал сарак-сарак қиладиган бўлиб қолибди, — қўшимча қилди Прибиловский.

Владимир Иванович яна тундлашди.

— Ҳеч нарса демадимми? — сўради у секингина.

— Деди! — қувониб жавоб қилди котиб-референт. “Dostoevsky was right”.

Печенкиннинг оромкурсисада ўтирган бомж изтехзоли кулди.

— Нима? — тушунмади Печенкин.

— “Dostoevsky was right”... эҳ, жин урсин! “Достоевский ҳақ эди”. У шундай деди: “Достоевский ҳақ эди”.

— Қайси маънода? — Барибир тушунмади Печенкин.

Прибиловский елкасини қисди.

— Рус адабиёти Россияни издан чиқариб юборди! Тўхтаб турунлар, у ҳали Американи ҳам издан чиқаради! — хитоб қилди бомж, ўтирган жойидан туриб тагин чўқди.

Печенкин билан Прибиловский бомжга қарашди, сўнг бир-бирига назар солишди.

<sup>1</sup> “М е р с” — “Мерселес” демоқчи.

— Ленин ва “Профсоюз” кўчалари муюлишида фотоателье бор, биласизми? Ўша ердаги витринада... — ишонч билан, ярим овозда гапира бошлади бошлиғига котиб-референт, лекин бомж халақит берди.

— Россия — филологик муаммо ҳисобланади! — деди баланд овозда киноя билан. — Алфавитида “ы” ҳарфи бўлган миллат яшаш ҳуқуқига эга эмас. Ҳар йили Ватанимизнинг аҳолиси бир миллион кишига камаяди. Энг оддий ҳисоб-китоб ҳам шуни кўрсатмоқдаки... Бу ҳалокатдан қутулиб қолишимиз учун ҳозирдан Россияга юз-юз эллик миллион хитойни киритишимиз лозим. Ҳа, биз ҳам кўзи қисик бўлиб қоламиз, лекин меҳнатсеварга айланамиз. Албатта, Достоевскийсиз. Ё у, ё бу бўлиш лозим. Мияга жуда қизиқ фикрлар келади-да... Адабиётлар кўп. Маркс, Ленин... Бўш вақтимда ўқиб ўтираман. Адабиётлар гиж-гиж! У ерда сен ҳақингда ҳам бор экан! Мента битта таржимон русчага ўтириб берди. Жуда қизиқ. — Бомж шундай деб чуқурдан-чуқур чўнтагига кўлини тикди. У ердан эгиланиб абжағи чиқиб кетган “Экспресс” журналини топиб чиқди. Ахлатхонадан топиб олгани шундоққина кўриниб турарди. Прибиловскийнинг ранги оқариб кетди, ўзини эшикка урди ва патнисда яна бир қадаҳ коньяк ва тақсимчада лимон кўтариб келаётган Маринага урилиб кетди. Даҳшатли манзара яна тақрорланди. Бомж ўрнидан туриб кетди. Лекин ўзининг мушкул аҳволга тушиб қолганини ифодалашга сўз тополмай қолди.

— Нега унга қадаҳда олиб келаяпсан? — аччиқланди Печенкин. — Бу қадаҳ унга нима бўлади? Сен тўла шишани олиб чиқ!

— Мен ҳозир йиғиштираман, — мингиллади Марина.

— Йиғиштиришнинг кераги йўқ, — қўл силтади Печенкин.

— Лимоннинг ҳам кераги йўқ, — бақирди бомж котибанинг орқасидан. Кейин ўрнидан туриб Печенкиннинг ёнига келди. Унинг кўзига қараб, дўстона, лекин жиддий сўради:

— Ўзинг-чи?

— Ичмайман, — деди секингина Владимир Иванович.

— Кўзданми?

— Кўздан.

— Нега?

— Ишланга халақит беради.

— Сен ишлама, — таклиф қилди бомж.

Хонанинг эшиги очила бошлади ва бомж ўша ёққа югурди, котиба кўлидагини яна тушириб юбормасин деб ўйлади-да! Лекин кириб келаётган Марина эмас, Галина Васильевна эди.

Бомж шошиб ўзини четга олди, ифлос кирза бошмоғи остида биллур тақсимча қисирлаб кетди. Галина Васильевна қисқа ва нафратона жилмайиб, уни айланиб ўтди-да, эрига қаради. Печенкин унга орқа ўтириб турарди, девордаги каттакон кўзгуга қараётган эди.

“Ва осмонда буюк рамз — чирой,  
Пайдо бўлди ёри — офтоб, олар кўз.  
Оёғи остида ялтирайди ой,  
Боши узра ўн икки юлдуз”,

— деди жиннилик қилиб бомж.

Галина Васильевна эрининг орқасида тўхтади ва паст овоз билан, лекин қатъий талаб қилди:

— Володя, сен кечирим сўрашинг керак. Печенкин индамас, ойнадаги ўз аксига диққат билан қараб қимир этмай турарди.

— “Ҳомилалор эди аёл шу асно, чинқирарди тўлғоқ оғриқларидан!” — дея сўз қотди бомж яна, бироқ уни ҳеч ким эшитмади.

— Володя, — эслатди ўзи ҳақда Галина Васильевна.

— Нима “Володя”? — сўради Печенкин.

У хотини билан худди Персей Медузага қилгани сингари кўзгуга орқали муомала қиларди.

— Сен мени ва ўғлимизни ҳақорат қилдинг. Ўғлимиз...



— Илюшка? — Бомж гап ким ҳақида бораётганини дарҳол тушунди. — Илюшка — даҳо! Биз у ҳақда ҳали кўп эшитамиз. У менга қандай фикр берганини биласанми? Шоҳ елкасидан пўстинини қандай олишни... “Сўз оҳанги фикрни енгади!” Тушунаясанми? Сўз оҳанги фикрни енгади. Йўқ, жин урсин, у даҳо!

— Володя, — деди Галина Васильевна сўнги бор.

— Москва — учинчи Рим, тўртинчиси бўлиши мумкин эмасми? — қизиқсиниб сўради Печенкин.

Галина Васильевна чидаб туrolмади ва эшикка қараб чоғди... Патнис, биллур қадаҳ ҳамда арман коньяги тўла катта нақшиндор биллур бутилка осмонга учди.

— Бу қанақа кун бўлди, эй худо?! — додлаб юборди Марина юракдан ва кафглари билан юзини беркитиб йиғлай бошлади.

Печенкин негадир кулиб юборди. Бомж ўзини ҳавода учиб кетаётган бутилкага отди ва уни илиб олди.

— Рус мақоллари — бошдан-оёқ эмпирика<sup>1</sup>, бутилка тиқинини чиқаришга уринаркан, фикрлари билан ўртоқлашди бомж. — Аҳмоқ, чиндан ҳам, худога ибодат қиламан деб пешанасини ёриб қўйибди. Бойнинг ҳовузида балиқ кўпайган экан, уни овлаш ҳуқуқига эга бўлиш учун роса тер тўкишга тўғри келибди. Битга ажнабий, сирли рус қалбини тушунинг учун бизнинг мақол ва маталларнинг икки томини ўқиб чиқибди ва ҳайрон қолибди: биринчи томда тасдиқланса, иккинчи томда инкор этилармиш. Бунда: “Ишлаган — тишлайди” дейилса, унда: “Кўп ишласа от ҳам ўлади” дейилган. Бу ҳам, дарвоқе, эмпирика: битгаси кўшни қишлоққача ўн чақирим йўл босиб борибди, уни ўша ерда овқатлантиришибди. Бошқасининг эса оти ўлиб қолибди. Тўғри, от шўрлик ишлагани учун эмас, балки ем беришмагани учун ўлибди. Лекин бунга тан олишдан уялишибди. “Бу қандай халқ ўзи?” аччиқланибди ажнабий. “Буюк халқ” деб жавоб беришибди. Ҳеч ҳам буюк эмас у, фақат абстракт фикрлашни билмайди. Бу эмпирик халқ... Оловнинг куйдиришини билиш учун унга албатта қўлини тиқиб кўриш керак...

Битга қўлида бутилка, иккинчисидо қадаҳ бўлгани учун бомж шиша тиқинини чиқаришга муваффақ бўлолмади. Шунда у гапдан тўхтаб, тиқинни тишлари билан суғуриб олди. Қадаҳга тошиб кеткудай қилиб тўлдириб қўйди-да, шошилиб ичди. Печенкин оҳиста орқага бурилди.

— Ичасанми?

— Йўқ, — деди қатъий Печенкин ва кулганича гапириб берди: — Менга бултур Москвада “Россия бизнеси рицари” совринини топширишди, Кремлда. Шунда мен уларга айтдим: Москва — учинчи Рим эмас, балки бутунлай аксинча. Мамлакатда Москва пойтахт бўлиб турар экан, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Бомж иккинчи қадаҳни бўшатиб учинчисини қуя бошлади.

— Москва оёқ учидо тепади, — дея Печенкинни қувватлади у. — Агар ушбу мақол бўлмаганида мен уни ўйлаб топардим. Мен бултур ўша ерда бўлганман. Сен ишонмаслигинг мумкин. Мен кўриб кулгидан ўлишимга сал қолди. Мана бу ерда Халоскор Исо ибодатхонаси, унинг қаршисидо — подшо Пётр Алексеевич. Қараб туриб кулгим қистайди, — ха-ха-ха. Мент пайдо бўлди: “Нега ҳиринглаясан, бомж?”. Қаранг ахир, жаноб милиционер, — дейман, — исталган пойдан сўраб кўринг: Пётр I ким деб, Антихрист<sup>2</sup> дейини турган гап. Уларни бир-бирига қарашиб қўйишибди. Бу ерда Исо ва бу ерда антихрист! Таёғи билан урса ҳам майли эди, оёғи билан тепди — икки қовурғамни синдирди, аблаҳ..

Бомж коньякни ялай бошлади, кейин кичик ва ноқулай қадаҳни улоқтирди, бутилкани икки қўли билан кўтариб, симира кетди.

Печенкин дўстига эҳтиром билан қаради.

— Тўхта, Желудь, сен ростдан бомжмисан? — деб сўради ишонгиси келмай.

<sup>1</sup> Э м п и р и к а — ҳиссий идрок, тажрибага асосланиш.

<sup>2</sup> А н т и х р и с т — дажвол, иблис.

Желудь бугилкани ҳафсала билан бўшатди, маҳкам кўксига босди ва ғалати жилмайди-да, ағдарилиб тушди.

## Йигирма бешинчи боб

### УЧ ОПА-СИНГИЛ

Эшик очиқ турган экан. Галина Васильевна Гелянинг уйига кирди. Унинг юзида кинояли табассум ўйнади. Бу сафар у жуда бошқача, роса очилиб кетган эди. Тўғри, кўзларига ғам соя ташлаб турарди, лекин Галина Васильевнага бу ҳаммага ярашарди. Кўлида бир даста гулсафсар, айвонни, даҳлизни, ошхонани кўздан кечирди ва меҳмон кутиш залининг ўртасида туриб қолди. Иккинчи қаватдан эшитилаётган аёл овозига кулоқ солди:

Денгиз бўйи ям-яшил чинор,  
Олтин занжир чинор тагида.  
Доно мушук тун-кун беқарор  
Айланади теварагида...

Овоз нафис ва ёқимли эди. Галина Васильевна майин жилмайиб тепага кўтарила бошлади. Ёғоч зина унинг қадамларидан енгил гичирларди.

— Ким у? — ҳайрон бўлиб сўради Геля.

— Қўрқманг, қўрқманг, сизга қўрқиш мумкинмас, — огоҳлантирувчи овоз берди Галина Васильевна, зинапоядан кўтарилар экан, худди ер тагидан ўсиб чиқаётгандай. — Мен — Галина Васильевнаман. Биз сиз билан танишмиз сиртдан, дегандай ҳатто бир марта мактабда кўришгандик ҳам. Сиз дарста шошаётгандингиз, мен эса йўлақда нарса тўқиб ўтирдим, эсингиздами?

Геля оромкурсида ўтириб, қўрқиб ва ҳимоясиз уни кузатарди. Ҳомиладорлик Гелянинг чиройини очмаганди, аксинча, бурни япасқиланибди, лаблари бўялиб кетган, бутун юзини сарғиш селкил қоплаганди.

— Вой, мана бу сизга! — Галина Васильевна бирдан гулларни эслаб қолди ва гулдастани уй соҳибасига узатди. — Қандай гулларни севаркансиз деб роса ўйладим ва мана буларни маъқул кўрдим. Янглишмабманми?

Геля аста ўрнидан турди. У қалин халатда бўлиб, боғични кўкраги остидан болагани учун қорни дўшпайиб турарди. Оёғида йўл-йўл жун пайпоқ.

— Янглишмабманми? — такрорлади саволини Галина Васильевна.

Геля тортиниbroқ бош ирғади.

— Демак, янглишмабман! — қувонди меҳмон.

Геля гулдастани олиб, у билан қорнини пана қилди.

Галина Васильевнанинг кўзи оромкурсида қолдирилган каттакон болалар китоби “Пушкин эртаклари”га тушди ва Геля учун майин ва ёқимли овозда давом этди:

Одам юрмас сўқмоқларида  
Кўп ғалати жонворлар изи...

Галина Васильевна қувноқ кулди:

— Пушкин — нақадар ажойиб! Мен, Илошага ҳомиладор бўлган пайтимда институтда давлат имтиҳонлари кетаётганди. Иккиқатларга ёнбосишарди гўё. лекин ўқитувчилар ҳар хил эди-да... КПСС тарихидан имтиҳонни жаҳлдор қариқиз оларди — ҳеч қандай ён босиш йўқ. Мен бўлсам, биласизми, овоз чиқариб ўқисамгина эслаб қоламан, хотирам шунақага мослашган. Шунинг учун съездларни ёдлаб олдим, роса ёдладим!

Галина Васильевна тортиниbroқ кулди.

— Топширдингизми? — сўради Геля.

— Топширдим, албатта... овоз чиқариб ўқиб, ёдлаб олдим... Илоша бўлса у ерда эшитарди... Улар у ерда ҳаммасини эшитади! Сиз Жон Смитнинг “Инсоннинг қориндаги ҳаёти” деган китобини ўқиганмисиз? Ўқимаган

бўлсангиз, албатта танишиб чиқишингизни маслаҳат бераман. Биласизми, бизнинг Придонскка, биринчи туғруқхонага шундай аппарат олиб келишди, ҳалиги... Умуман, чақалоқни телевизор орқали кўриш мумкин... шундай, ўз уйингизда туриб, бир тасаввур қилинг-а? Тараққийёт роса илгарилаб кетди! Бешинчи ойми?

— Олтинчи, — деди Геля. Ҳаяжон ўтиб кетди. У энди меҳмонга диққат билан, бемалол қарарди.

— Олтинчи, — ўйчан такрорлади Галина Васильевна.

Геля унинг кўзига тик қараб, сўради:

— Нега келдингиз?

Галина Васильевна кулди ва қўлларини ёйди:

— Нега энди, Ангелина Георгиевна! Илошанинг укаси ёки синглиси бўлади-ю, сиз бўлсангиз, нега дейсиз? Ўтирсам бўладими? — У руҳсатни кутмай қаршидаги оромкурсига чўкди. — Ахир, мен сизни аввалбошданоқ биламан. Гарчи буни менга ҳеч ким айтмаган бўлса ҳам яхши биламан. Ҳатто кунини ҳам айтиб беришим мумкин. Биласизми, мен буни қандай сезиб қолдим? Бизнинг Володя билан ишқий ишларимиз бирданга яхши юришиб кетди. Унгача қарийб бутунлай тўхтаб қолган эди-да. У менинг шубҳаланмаслигим учун зўр бериб ҳаракат қила бошлади... — Галина Васильевна кулиб, соч турмагини тўғрилаб қўйди. — Шундай экан, мен бир томондан сиздан миннатдорман ҳам. Бунинг устига мен сизни яхши тушунаман, ўзим ҳам ўйнаш бўлганман, тўғри, фақат бир марта...

Геля ҳам оромкурсига ўтирди ва кескин оҳангда:

— Мен ўзимни ҳеч кимнинг ўйнаши деб ҳисобламайман, — деди.

Галина Васильевна қўл силтади:

— Э-э, Ангелина Георгиевна, агар биз ўзимизни ким деб ўйлаётган бўлганимизда эди, аллақачон ҳаммамиз шаҳзодалар ва маликалар бўлар эдик ва коммунизмда яшаётган бўлардик... — У ётоқхонага қараб хўрсинди ва қизиқсиниб сўради: — Пардаларингиз “Этуал” фирмасиникими?

Геля лоқайдлик билан елка қисди.

— Нима бўлса бўлсин-у, Владимир Ивановични хасисликда айблаб бўлмайди, — дея ўз фикрини тутатди Галина Васильевна.

— Мен ундан ҳеч нарса сўраганим йўқ, — деди зардаси қайнаб Геля.

Галина Васильевна “тушунаман” дегандай жилмайди, ўрнидан турди ва хонада наридан-бери юраркан, гапида давом этди:

— Сиз ҳаммасини тўғри қилаяпсиз, Ангелина Георгиевна. Печенкиндан сўраб бўлмайди, сўрасангиз у бермайди. Агар ҳеч нарса сўрамасангиз — ҳаммасини муҳайё қилади. У худди болага ўхшайди: кино, писта, қўлини тиззангизга қўйиб олади... Аёл сифатида мени яхши тушунасиз. Мен Илошадан кейин барча абортларни Володядан яшириб қилдирганман. У яна бола бўлишини истарди, мен эса хоҳламадим. Кўп боланинг нималигини мен жуда яхши биламан. Биз оилада уч ота-сингил эдик, худди Чеховлагидек. Мен тўнгич қиз эдим. Аввалига ота-онам фақат мени яхши кўрарди. Кейин Валя туғилди. Уни ялаб-юлқий бошлашди. Катя туғилганда эса мен бутунлай назардан қолдим. Энди Валя ҳам мени тушуна бошлади. Иш шу даражага бориб етдики, биз Катяни ўлдирмоқчи ҳам бўлдик, лекин нега ўлдирмаганимиз эсимда йўқ... Мен Илошадан кейин кимнидир яхши кўришимни ҳеч тасаввур қилолмасдим! Шунинг учун ҳам аборт қилдирдим. Биттасини анча олиб юрдим, олдиришга ҳеч қўлим тегмади. Кейин олтинчи ой бўлганда тозалашди. Мана шунақа севардим Илошани... Уни деб ҳеч нарсдан қайтмайман.

— Чиқиб кетинг! — юзи тош қотиб талаб қилди Геля. — Эшитяпсизми, чиқиб кетинг!

Галина Васильевна эшитмади ҳам, соатига қаради, бошини чайқайди ва хитоб қилди:

— Вой-бў-ў, кеч қолибману! Мен эркакларни овқатлантиришим керак ҳали. Мени кузатиб чиқманг! Пастга тушиш, тагин яна кўтарилиш — шу аҳволингизда.

Бироқ Геля чақирилмаган меҳмонни эшиккача кузатиб қўйди, у назокатли жилмайишга ўзида куч тополмади, юзи баттар тош қотиб турарди.

Ташқи эшик очиқ эди. Галина Васильевна Геляга қаради, кейин эшикка, тагин Геляга қаради-да, жилмайиб, паст овозда хиргойи қилди:

Эшикни сиз ёпманг, асло,  
Қўйинг, очиқ турсин эшик.

Ниҳоят бир ўзи қолгач, Геля шоша-пиша эшикни беркитди-да, барча зулфинларини илиб, бўшашибгина унга орқаси билан суянди, қўллари билан қорнини чангаллади, қўрқувдан юзи буришиб кетди.

### *Йигирма олтинчи боб*

## ДОЛЗАРЬ ДЕЯ КИМ АЙТДИ?

### 1

— Тўхта! — кутилмаганда бақирди Печенкин. Ҳайдовчи шошиб тормозни босди, “Мерседес” тўхтади, орқадан гийқиллаб “Субурбан” ҳам тўхтади. Шошиб қолган соқчилар машинадан тушунларича Владимир Иванович чекка йўлакка чиқиб, оёғини кенг ёйиб, қўлларини орқасига қилгунча фотоательенинг кўрғазма ойнасини томоша қила бошлади. Ҳатто кечиккан Прибиловский ҳам қўлида ён дафтару ручка билан шай тураркан, нима гаплигини билолмай ҳайрон эди. Ҳолбуки, ушбу фотоательени Печенкинга айнан ўзи айтган эди. Лекин Прибиловский буни унутиб юборганди, Печенкин эса шу ердан ўтаётиб эслаб қолди...

Кўрғазманинг каттакон ойнаси остида фотосуратлар осиб қўйилганди — бу ҳам қилинган ишлар ҳисоботи, ҳам реклама эди. Расмлар орасида ўртадаги учта ёшнинг бирга тушган сурати диққатни тортарди. Катта қилиб олдирилган бу гуруҳ портрети ҳам ҳайратомуз, ҳам ташвишли ва кўрқинчли эди. Илья, қандайдир қисққ кўз ва занжи қиз. Елкама-елка туриб олга ва тепага интилан бу ёшларнинг кўзларида буюк илм сири акс этарди. Гарчи Владимир Иванович кўрқмаса ҳам худди шу кўзлардаги зиё даҳшат соларди.

— Мана бу иккови ким? — сўради у котиб-референтдан.

— Нилич айтди, эртага маълум бўларкан, — жавоб берди Прибиловский.

— Ниличнинг ўзи қани?

— Дўстингизни уйингизга олиб кетди.

— Ҳа, эсимда, — Печенкин бош ирғади, суратлар ойнаси олдида наридан-бери юра бошлади. У ўз-ўзича, гапирар, гоҳ елкасини қисар, гоҳ қўлларини кўтариб-туширар, чўнтагига тикар, фотопортретга қараб ҳайрон бўлар, хижолат чекарди. Владимир Иванович сира тушунмасди. Шунинг учун бўлса керак, бирдан ерга энгашди, яримга вишғни олди-да, бор кучи билан расмлар ойнасига урди.

Шиша чил-чил бўлди.

### 2

Галина Васильевна чўчиб тушди. Ташқаридан кимдир болохона деразасини тақилгагарди. Кутилмаган бу ҳолдан эсанкираб, қўлидаги тўқиётган нарсасини тушириб юборди.

Бу Илья эди! У дераза ойнасига ёпишиб турар, суюниб тиржаар эди.

Галина Васильевна югуриб бориб эшикни очиб юборди.

— Илошенька! Вой худойим-ей, бирам кўрқитиб юбордингки! Бу ёққа қанақа қилиб чиқдинг?

— Мен хув анавидан... — Илья болохона айвонига ёндош ўсган қарағайни кўрсатди.

— Йиқилиб тушишинг мумкин эди-ку, ахир! — деди Галина Васильевна ўғлини бағрига босиб.

— Йўқ, мен йиқилиб тушмасдим, — деди Илья, онасининг оғушидан чиқаркан. — Юра амаки қани?

— Кетди, — жавоб берди Галина Васильевна, ўғлининг камзули тугмасини қадар экан.

— Афсус, — хафа бўлди Илья. — У жуда мароқли суҳбатдош-да.

— Ҳа, у билан гаплашсанг маза қиласан, — деди Галина Васильевна ва қўшиб қўйди: — Лекин у кетди. Менинчга, бутунлай кетди. Сен жуда вақтида келдинг-да. Мен енгсиз нимчани тўқиб бўлдим. Сени ҳеч ким кўрмадим?

Илья бошини силкиди.

— Яхши. Отанг билан бирор муддат учрашмай турганинг маъқул.

— Мен подпольега<sup>1</sup> ўтаман, — деди Илья.

— У ер зах эмасми? — сўради Галина Васильевна ўғлига камзулни кийдираркан.

— Баданимга ботяпти, — пешонасини тириштирди Илья.

— Лекин иссиқ тутади, болам. — У ўғлини кўзу олдига олиб борди. Енгсиз оқ камзул опшоқ эди, унинг кўкрагига қизил рангда Че Геваранинг инқилобий боши туширилган эди. Илья елкаларини тўғрилади.

— Ёқдимми? Ёқдимми, Илоша? — сўради онаси.

Илья жавоб бермади, у кўзгуда ўз аксига қараш билан овора эди.

— Бу фикр кимнинг миясига келганини биласанми? Ўйлаб топ-чи? Дашенька Канишева... Расми ҳам ўзи топди. — Галина Васильевна ўғлини ўзи томон ўгирди-да, кафтини унинг ёноқларига қўйди ва кўзларига тик қараб, ёниб гапирди: — Даша сени севади, Илюшенька! Шундай севадики, бутунги кунда бунақа севишмайди! Чин қалбдан, бор вужуди билан!

— Мен коммунистман, ойи, — деди Илья онасининг қўлидан чиқиб кетиша уриниб, лекин бунга муваффақ бўлолмади — онаси унинг ёноқларини шундай қисдики, кўзлари думалоқлашиб, лаблари тўртбурчак ҳолига келди.

— Ахир коммунистлар, ахир ҳақиқий коммунистлар севишмаганмиди? Маркснинг ўз Женниси, Лениннинг Надежда Костантиновнаси ва Инесса Арманди бор эди. Коммунистлар ҳам, Илюшенька, одам, ахир! — Галина Васильевна бирдан ҳаяжондан тўлқинланиб Ильянинг юзини — кўзи, пешонаси, бурнини бўсаларга кўмиб ташлади...

### 3

Печенкин бир ўзи қоронғи кинозалда ўтирар, “Дайди”ни томоша қилар, писта чақиб, туфлаб ташларди, лекин ҳеч кайфияти қўтарилмасди. Кутилмаганда нимадир шитирлаб кетди, кино тасмаси узилди ва экран опшоқ бўлиб қолди. Залда чироқ ёнди. Владимир Иванович қимир этмай ўтирганча бошини қайириб у ёқ-бу ёққа қаради, жимликка кулоқ тутди. Киномеханик дарчасига назар ташлади, тагин оқ экранга қаради. Кейин икки бармоғидан ҳалқа ясади-да, оғзига тикди ва қароқчиларча кулоқни тешиб юборгудек хуштак чалди. Лекин экран оқлигича тураверди. Шунда Владимир Иванович оёғи билан ёғоч тўшамани тапиллатиб бўқирди:

— Ҳой этикдўзлар! Кинони қўйинглар!

Лекин тепадагилар уни эшитишмади ва Владимир Иванович ўрнидан туриб, ер тешиб, айиққа ўхшаб ўкира бошлади.

Залда чироқ ўчиб, экранда яна тасвир пайдо бўлди. Печенкин енгил нафас олиб, ёғоч курсига ўтирди, терлаган пешонасини артди, сал ўзига келгандек бўлди... Лекин экранга қаради-ю, яна ўрнидан туриб кетди. Экрандаги тасвир Ҳиндистон эмасди. У ерда кўш, хурмо дарахти ва қўшиқ эмас, балки лой, совуқ ва қон тасвирларди. Бу Россия эди. Урбанский эғнидаги кўйлагини йиртиб, кўкрагидан отишларини талаб қиларди. Бу “Дайди” эмас. — “Коммунист” эди. Печенкин гап нимадалигини дарҳол тушунди.

— Коммунист!!! — деб бақирди ва залдан отилиб чиқиб кетди.

<sup>1</sup> Подполье — яширинча ишлаш.

## 4

У киномеханик хонасига отилиб кирди. Афтидан, Ноил керакли кинолентани қидирганга ўхшайди. Кўлаб тасмалар чувалашиб ётарди. Узи эса ўлпудай ичган шекилли, гармон чалганича татарча қўшиқ айтарди:

Толлар, толлар, елда эгилиб турар,  
Толлар, толлар шохи букилиб турар.  
Сени яна бир бор кўрсайдим —  
Юрагим эзилар, хаёл чарх урар.

Владимир Иванович, ҳайрон бўлиб жилмайди ва бақирди:

— Ноил!

У чалишдан тўхтади, қўшиқни тўхтатди, танимагандай Печенкинга қаради.

— Ноил, нима бало, сен ичмасдинг-ку! — кулиб, ҳайратланиб сўради Печенкин.

Ноил, афтидан, уни энди таниди шекилли, тортинмадиям, кўркмадиям, кўкрагини кериб, гердайганча деди:

— Ким хўжайин — татар хўжайин!

Ва яна чалиб, куйлай бошлади:

Толлар, толлар, елда эгилиб турар...

Печенкин атрофга кўз югуртирди, бурчакда стол устида арман коньягидан бўшаган шишага кўзи тушди. Ёритич шақирлади, филдираклар айланди, кино тасмаси ўта бошлади.

Владимир Ивановичнинг орқасида сассиз-садосиз Седой пайдо бўлди.

— Ана холос, — деди у хуштак чалиб.

Печенкин тасмалар уюмидан ҳатлаб ўтди-да, девордаги тўртбурчак дарча ёнига келди ва экранга қаради.

— Кишиларни йўқотаяпмиз! Яхши кишиларни йўқотаяпмиз! — деди Ленин чучук тилда алам билан.

Печенкин орқага ўгирилиб, Седойга диққат билан қаради. У тортиниброқ кулди-да, кўл силтади.

— Уртоғингиз бирам ғалати экан, бирам ғалати эканки! Бу ёққа олиб келаётганимда уйғонди-ю, ҳадеб битга сўзни такрорлайверди: “Бугунги кунда худо долзарб эмас. Бугунги кунда худо долзарб эмас”. “Долзарб дея ким айтди?” дедим мен. — Седой яна кулди.

— Нима, сен уни қўйиб юбордингми? — сўради Печенкин Седойга ҳам, гармон чалаётган Ноилга ҳам қарамасдан.

— Мен уни ҳеч қаёққа қўйиб юборганим йўқ, — жаҳл қилди Седой. — Мен уни қўриқчилар хонасига беркитдим — дарров ухлаб қолди. Кейин келаётсам — рўпарамдан Галина Васильевна чиқиб қолди. “Қани у”, — деб сўради. Мен, “Менга калитни беринг, у билан гаплашиб олишим керак” деди. Калитни бердим... У калитни олди... Бор гап шу. — Седой кўзларини ёйди.

Печенкин ишшайди, Седойнинг ёнига келди, тушунаман дегандай бош иргади, панжасини унинг бўйнига қўйди, пешанасини пешанасига тиради-да, минғирлади:

— Кетган бўлса кетибди-да. Бунинг ҳеч қуядиган ери йўқ, Нилич, қўядиган ери йўқ. “Мерс”нинг рулчаси — рамзини синдириб кетишибди, мана буни гам деса бўлади. Учинчи. Учинчи рамз, Нилич...

Седой орқага тисарилди, лекин Печенкин уни қўйиб юбормади.

— Нега ахир, Иванич, мен ҳозиргина текшириб кўрдим, у жойида турибди, — шивирлади Седой қизариб. — Жойида турибди. Ҳозиргина кўрдим. — Седой яна чиқиб кетишга уринди, унинг ёноқлари кўкариб, кўзлари намланди. — Синдиришгани йўқ, Иванич, — хириллади у сўнги умидини ҳам йўқотиб.

— Синдиришмабдими — демак, синдиришади, — деди Печенкин суҳбатга секин ва шафқатсиз якун ясаркан ва қаттиқ зарб билан пешонасини Седойнинг пешонасига урди.

*Йигирма еттинчи боб***ПЕЧЕНКИНЛАР ОИЛАСИНИНГ СИРИ****1**

Улар — эр ва хотин, худди душман душманга рўпара тургандек, бир-бирига қарши туришарди.

Галина Васильевна қўлларини кўксида айқаштириб олган, оёқларини олдига чиқариб, гавдасини сал орқага ташлаган, эрига тепадан пастга қарагандек киноя билан, устунлик ҳисси ила боқарди. Ҳолбуки, Владимир Ивановичнинг бўйи ундан баландроқ эди. Лекин ҳозир паст ва кичик кўринарди. Печенкиннинг қони қайнар, ҳозир порглагудек ҳолатда эди. Энди унда икки йўл бор эди: ниҳоят ва тез орада порглаб минглаб бўлақларга бўлиниб кетади ёки ўша минглаб бўлақларга ўзининг қонуний хотинини бўлиб ташлайди. Унинг иккинчи йўлни танлагани аниқ. Галина Васильевна буни кўриб ва тушуниб турибди. У бундай яқунга рози эди. Галинанинг ўзи эри томонидан минглаб бўлақларга бўлиниб ташланишига тайёрлиги уни юксалтирар, янада муҳимроқ, каттароқ қилиб кўрсатарди.

— Юркани... сен... қўйиб юбордингми? — кутилмаганда сўради баланд димоғда Владимир Иванович.

— Мен уни қўйиб юборганим йўқ, — дарҳол жавоб берди Галина Васильевна бамайлихотир ва ишонч билан.

— Қайта сўраяпман: Юрани сен қўйиб юбордингми? — бу сафар Печенкин ўзини йўқотмай, ҳамишаги дадил овозда сўради.

— Мен ҳам қайта айтаяпман, уни мен қўйиб юборганим йўқ, — жавоб берди Галина Васильевна янада қатъий оҳангда.

— Лекин у... ўзи кетолмасди, — анча ўзини йўқотиб деди Печенкин. — Ахир у ўзини билмай ётарди-ку!

— Йўқ, у тезда ўзига келди.

— Демак, қўйиб юборгансан?!

— Мен уни қўйиб юборганим йўқ. Мен уни ҳайдаб юбордим, — деди Галина Васильевна янада хотиржам ва енгил табассум билан.

Печенкин кулоқларига ишонмади. У бир қадам ортга чекинди ва хотинига узоқ қараб қолди.

— Қанақасига? — деди у ниҳоят.

— Қанақасига? — такрорлади Галина Васильевна. — Оддий қилиб. Унга: “Оиламиздан даф бўл”, деб айтдим.

— “Оиламиздан даф бўл”? — сўради қайтариб Печенкин.

— Ҳа, оиламиздан даф бўл, — тасдиқлади Галина Васильевна.

Печенкин жунбушга келган қўлининг бармоқларини хотинининг бўйнига чўзди, лекин ўзини босиб, яна орқага тисарилди. Қўлларини орқасига яширди ва ўзини сал-пал тинчлантириб олиш учун маҳбуслар сайрга чиққанларида айланганларидек доира ясаб айлана бошлади. Бу доиранинг ўртасида эса Галина Васильевна турарди.

— Биласанми Галк, гап нимада, — оёқлари остига қараганча минғирлади Печенкин айланишда давом этиб. — Биласанми, Галк... Сен аёлсан, лекин мени тушунишинг керак. Эркакларда шундай бир тушунча бор — дўстлик, мардона дўстлик. Бу сенинг иззат-нафсинга тегмасин-у, лекин эркак учун дўст — хотиндан афзал, ҳаммадан афзал... Бу ерда ҳеч таққослаб бўлмайди, дўст — бу дўст! Мана шунақа... Менинг дўстим бор эди. Желудков Юрка. Желудь. У мен учун ўзини ўтга, сувга уришдан ҳам тоймасди. Мен ҳам унга шундай эдим. Кейин у гоийб бўлди. Мен дўстсиз қолдим. Сўнгра у пайдо бўлди. Дўст.

— Дўст эмас у сенга, у ганим, — эрининг сўзини бўлди Галина Васильевна.

— Ганим?

— Ҳа, ганим.

— Ганим?

— Ганим.

Печенкин қаҳ-қаҳ уриб кулди:

— Нима, сен мени “янги рус”, уни эса бомж деб айтмоқчимисан? Нима бало, қандай мамлакатда яшаётганимизни унутдингми? Эҳтимол, эртага мен бомж бўлиб қоларман, у бўлса “янги рус”га айланар. Ё шундай эмасми? — Владимир Иванович яна доира бўйлаб айлана бошлади.

— Йўқ, ундай эмас, — рози бўлмади Галина Васильевна. — Сенинг дўстинг йўқ, ўғлинг бор.

Шунда Печенкин тўхтаб қолди, сўради:

— Ким?

— Ўғлинг.

— Қанақа ўғил? — Владимир Ивановичнинг кулгиси қистади ва кулиб юборди.

— Илоша...

— Нима, исмини нима дединг? — Печенкин яхшироқ эшитиш учун кафтини кулоғига тутди.

— Унинг исми Илья, Илья Владимирович Печенкин, — деди аниқ ва баланд овозда Галина Васильевна ва кўшиб қўйди: сен уни ворис сифатида тезроқ расмийлаштиришинг керак.

Печенкин “ҳа” дегандек бош ирғади, яна доира бўйлаб айлана бошлади ва минғирлади:

— Телевизорда кўрсатишди... Бизнинг болаларимиздан биттаси Францияда... ота-онасини отибди, яна бешта қариндошини ўлдирибди... Фирт етим, ягона меросхўр... икки йилга кесишибди, яқинда чиқади... Пул уники... шундай бўлса майли эди-я... Бу бўлса менинг пулимни партиянинг пулига айлантиради... Ахир, у коммунист-ку!

Галина Васильевна “уф” тортиди.

— Нега тушунмайсан, ахир, Володя, бола ҳали ёш, болалигидан воз кечгиси келмаяпти! Ўзинг қароқчи казаклар ўйинини қандай яхши кўрганингни бир ўйлаб кўр, ойинг чақирганда уйга сира боргинг келмасди-ку? Илошанинг болалигини узайтириш бизнинг ота-оналик бурчимиз!

Бунга жавобан Печенкиннинг кўрсаткич бармоғи Галина Васильевна тумшуги тагида соат капкиридек ўйнай бошлади ва Владимир Иванович дона-дона қилиб гапира бошлади:

— Мен. Унга. Ҳеч нарса. Қарз эмасман.

— Сендан сўнги бор илтимос қиламан, — деди ғамгин Галина Васильевна.

— Сўнги борми? — суюнди Печенкин. — Сўнги бор бўлгани яхши. Нега мунча шошаяпсан? Хўш? Ёки чойимга маргумуш қўшяпсанми? Негадир кейинги пайтда жиғилдоним кўп қайнайдиган бўлиб қолди... Сен ўзинг меросингни расмийлаштиридингми?

У бирдан хотини томоғига панжа солди ва аста-секин қиса бошлади. Галина Васильевна унинг қўлидан чиқиб кетишга уринмади ҳам.

— Кечирим сўра, — деди аёл зўрға нафас олиб.

Владимир Иванович қўлини тортиб олди ва ўзини йўқотиб хотинига қаради.

Галина Васильевна ҳаводан ютиб, маълум қилди:

— Мен аллақачон расмийлаштирганман, Володя. Ҳаммаси Илошага қолади, сенга эса гўсхўрлигинг қолади.

— Гўсхўр? — қайта сўради Печенкин, бу сўзнинг маъносини тушуниш учун.

— Гўсхўр, Володя, гўсхўр, — тинчлантирувчи оҳангда гапирди аёл.

— Қанақа гўсхўр? — ҳалиям тушунмасди Печенкин.

— Қанақа бўларди, сен кўтариб юрган доғ-да, — жилмайди ҳамдардлик билан Галина Васильевна.

Печенкин унга телбаларча қаради, кейин худди хира папшани ҳайдагандек, қўлини боши узра силғади ва яна мўлтираб хотинига қаради.

Галина Васильевна оғзини кафти билан беркитиб секингина кулди, ёнида турган стулга ўтирди, кулгидан ёшланган кўзларини эрига тикиб, тушунтира бошлади:

— Хотин энг охирида биледи, дейишади... Эр бўлса, умуман билмас экан! То хотини ўзи айтмагунча билолмас экан... Эҳ, Володя, Володя... Сен ўз



дўстингни милиция билан, экстрасенслар билан изладинг. Ҳолбуки, мендан сўрашинг керак эди. Ахир, ўша кун сизлар озмунча ичдингларми, ҳа, озмунча эмас... Сен қабулхонадаги диванда ухлаб қолдинг. Бу пайтда ухлаш хонасида биз Юра билан бирга эдик... Ҳозирги ибора билан айтганда — муҳаббат билан машғул эдик... У мени севарди ўша пайтлар, севарди, сен эса буни сезмасдинг. Ҳа, айтгандай, у ўйнашликни жуда яхши эплади, одатда, кўп ичувчилар бундай сифатга эга бўлмайдилар. Ҳамма иш, ниҳоят, тугаб бўлгач, у жуда қўрқиб кетди ва “Энди мен нима қилай?” деб сўради. Шунда мен унга: “Оиламиздан даф бўл” дедим.

Галина Васильевна бу оғир хотиралардан шу қадар ҳаяжонланган эдики, эрининг гойиб бўлганини ҳам сезмай қолди. Умуман, энди бунинг аҳамияти йўқ эди, у гапида давом этди:

— Фақат унинг айби йўқ, Володя. Уни кўрпамизга ўзим судрагандим, гарчи бу иш менга жирканч бўлса-да. Мен сенинг келажакнинг ва Илюшанинг келажакни учун ўзимнинг аёллик номуслими қурбон қилдим. Рус аёли ўз табиатига кўра фидойидир, бу ҳақда қанча гапирилган, қанча ёзилган...

Галина Васильевна гапирарди. Айтадиган гаплари кўп эди унинг.

## 2

Тунги ахлатхона тугаб ётарди, у ер-бу ерда ёнаётган нарсалар қизариб кўринарди. Шинам ва дабдабали пуштиранг “Роллс-ройс” ана шу кўримсиз жойнинг қоқ ўртасида тўхтади. Бу — бир вақтлар Илья “Запорожец” устида туриб тарғибот нутқи ирод қилган жой эди. Печенкин “Роллс-ройс”дан отилиб чиқди ва дадил машина копотига сакради, у ердан томига кўтарилди. Тўрт томонга кўз югуртириб, мушт ўқталганча бақирди:

— Желудь! Чиқ буёққа! Чиқ, аблаҳ, афт-башарангни дабдала қиламан!

### *Йигирма саккизинчи боб*

## КОММУНИСТ — МАҲКУМ ОДАМ

Шаҳдам одим ташлаб боришарди... Зўр, мағрур, дадил... Ҳатто дискотека эшиги олдида тўдаланиб турган кенг чолворли урушқоқ рэпшерлар<sup>1</sup> ҳам уларга йўл бериб, четга чиқдилар. Улар бирдек қадам ташлашар, елкама-елка боришар, улар индашмас, фақат олға қараганча юришда давом этишарди. Бу қанақадир ҳали кўрилмаган, янги, сирли куч эди. Уларга гапиришга ҳам ботина олишмасди. Фақат изларидан қараб қолишарди.

Тун яримдан оққан бўлишига қарамай, Ленин кўчаси одамлар билан гавжум эди: кундузи уйкуга тўйган Придонск ёшлари ўйнаб-кулиш ва кўнгил очиш учун бу ерга оқиб келаяпти.

Бутун Ленин кўчасини босиб ўтган дўстлар нимқоронғи, бўмбўш Володарский кўчасига бурилишди, ундан Заводская кўчасига ўтишди. Бу кўчада ҳеч ким йўқ эди. Кўп ўтмай улар Завод майдонига чиқиб олишди.

Чап томонда улкан чироқ нури ёритаётган Ленин ҳайкали савлат тўкиб турарди. Ўнг томонда эса биллур ибодатхона ичидан ёришиб турганди. Худди шу ерда кичкинагина келишмовчилик юз берди — Ким билан Анжела Дэвис ҳайкал ёнига боришмоқчи эди, Илья бўлса, ибодатхонага йўналди.

— Нима учун у ерда эмас, бу ерда? — уялинқираб сўради Ким.

— Шундай бўлиши зарур, — деди Илья йўл-йўлакай.

Ибодатхонанинг тепасидан пастигача шубҳа билан қараб чиққан Анжела Дэвис сўради:

— Халқ уни нима деб аташганини биласизларми? Қадаҳ! Печенкин ўзига қадаҳ ясагандирди. — Қиз кулди, унга Ким ҳам кўшилди. Лекин Илья уларни жим бўлишга мажбур этди.

— Жим бўлинглар! Бу ерга кулиш учун келганларинг йўқ..

<sup>1</sup> Р э п п е р — безори унсур.

Ибодатхона ичида хилма-хил чироқлар ёнар, санамларнинг хира юзларини зўрға ёритарди. Илья шерикларига қараб секин гапирди:

— Сизларни ёдлашга мажбур қилмоқчи эдим, лекин бунинг фойдаси йўқ... Шунинг учун мен айтаман, сизлар такрорлайсизлар. Биринчи банд. Коммунист — маҳқум одам.

— Биринчи банд...

— Сизлар бандни айтишларинг шарт эмас. Коммунист — маҳқум одам.

— Коммунист — маҳқум одам, — барабар жўр бўлишди Ким ва Анжела Дэвис.

— Унинг ўз манфаатлари йўқ, на иши, на ҳиссиёти, на мулки ва на исми бўлмайди...

Анжела Дэвис бунга ҳаяжон билан такрорлади ва ҳатто шарҳлади ҳам:

— Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим...

Илья уни тўхтатди:

— Ундаги бор нарса ягона манфаатга, ягона мақсадга — инқилобга сингдирилгандир. — Ильянинг овози борган сари кучайиб борарди.

— Инқилобга сингдирилгандир! — бор овоз билан такрорлашди сафдошлари.

— Иккинчи банд.

— Ҳаммаси бўлиб нечга банд ўзи? — қизиқсинди Анжела Дэвис.

— Йигирма олтига.

Қиз бошини қапшиди. Ким торгиниброқ кулди-да, Ильяга мурожаат қилди:

— Сен йигирма олтитанинг ҳаммасини эслайсанми?

— Бўлмасам-чи, — жавоб берди Илья, — такрорланглар: ... У ўзининг бутун қалби билан...

— У ўзининг бутун қалби билан...

— Фақат сўзда эмас, балки амалди...

— Фақат сўзда эмас, балки амалда...

— У бутун зиёли одам билан, бу дунёнинг барча қонунлари, одатлари, ижтимоий шартлари, ахлоқи билан ҳар қандай алоқани узади.

— ... Ҳар қандай алоқани узади.

— Ленин айтганидек, ахлоқ эксплуататорлик жамиятини бузишга ва коммунистлар жамиятини бунёд этаётган барчанинг бирлашишига хизмат қилади. Яъни, коммунистларнинг янги жамиятини тузаётганларнинг бирлашишига хизмат қилади. Тушунарлими?

Лекин, афғидан, корейсга унча тушунарли эмасди.

— Ахлоқлилик — бу бузилиш. Энди тушунарлими?

Ким бош ирғади.

Илья бир зумга ўйланиб қолди, қасам магнини хотирасида тиклай бошлади.

Майдоннинг чеккасида милициянинг “Уазик” машинаси пайдо бўлди.

— ... Бу дунёнинг ахлоқчилиги, — дея яна такрорлади Илья милициядан кўзини узмай “Уазик” бир силкиниб қоронғуликка шўнғиди. — Коммунист унинг учун беаёв душмандир, — деди шошиб Илья, — ва агар у шу дунёда яшашда давом этаркан, фақат уни бузиш учун яшайди.

— Коммунист унинг учун — беаёв душмандир ва агар у шу дунёда яшашда давом этаркан, фақат уни бузиш учун яшайди, — шошиб такрорлашди корейс ва мулат қиз.

— Бўлди! — деди қутилмаганда Илья қасамни бўлиб ва милиция патрули кетган томонга қаради.

— Сен айтдинг-ку, йигирма олти банд деб, — айёрлик билан кўзини пирпирайтиб сўради Ким.

— Сизлар учун иккитаси ҳам етади, — деди норози оҳангда Илья.

— Иккитаси ҳам етади, — жон деб рози бўлди Анжела Дэвис. У дилдирай бошлаганди — ҳаво совуқ эди.

Илья жилмайди:

— Шу ондан эътиборан сизлар КЯЖ — Коммунистлар янги жамиятининг азбосисизлар. Табриклайман.

— Ҳеч жойга қўл қўйиш керакмасми? — жуда жиддий сўради Ким.

— Ҳозир имзолайсизлар, — дея уларни тинчлангирди Илья ва ён чўнтагидан тол шашка<sup>1</sup> чиқарди.

— Вой-бу-уй! — ҳайрон бўлди Ким. — Қаердан олдинг?

— Атом бомбасини таклиф қилишди, лекин жуда қиммат экан, — ҳазиллашди Илья. Унинг нариги қўлида зажигалка пайдо бўлди.

Илья гурур билан жилмайганча бир сафдошларига, бир билгур ибодатхонага разм солди.

— Хўш, байрам хамирига латта кўшамизми? — кувноқ ҳолда таклиф қилди Илья.

Ким ҳам, Анжела Дэвис ҳам доҳийлари нима қилмоқчи эканини дарҳол тушунишди. Лекин уларнинг юз ифодаларига қараб бундай қилинишига ишонгилари келмаётганини тушуниш қийин эмасди.

Илья зажигалка тугмасини босди, лекин шамол алангани ўша заҳоти ўчирди.

Илья кулди.

— Ахир, ўзларинг айтдиларинг: худо йўқ, деб. Ўзларинг бақирдиларинг-ку: худо йўқ, — дея. Шундай эмасми? — сўради Илья ва зажигалкани чиқиллата бошлади.

— Ҳа, йўқ, — тўнғиллади Анжела Дэвис.

— Йўқ, ҳа, — минғиллади Ким.

Илья яна кулди:

— Кўрқаяпсизларми? Павка попнинг хамирига латта кўшаётганда ҳали худо борлигига ишонарди. Лекин барибир хамирга латта кўшди. Сизлар Худо йўқ деяпсизлар-у, кўрқаяпсизлар!

— Нима, бизлар худодан кўрқамизми? — норози бўлди Анжела Дэвис.

— Бизни қамашади, — вазиятни тушунтирди Ким.

— Қамашмайди, — таскин берди Илья. — Борди-ю қамашса, янаям яхши, бизга янги жафокашлар керак.

— Лекин бу шиша қасри учун қанча пул сарфлашганини биласанми?! — борган сари қизишарди Анжела Дэвис.

— Қанча? — масхара қилиб сўради Илья.

— Қанча-қанча? Жуда кўп!

— Лекин бу пуллар кимники эканини биласанми? Бу пуллар сенинг бувингники. Бу онангнинг пуллари. Бу сизларнинг пулингиз! Печенкин бу пулларни халқдан ўғирлаб, унинг эвазига шуҳрат қозонмоқчи бўлди. Демак, бу пуллар сизларники ва шу пулларга қурилган бу бинони нима хоҳласангиз шундай қила оласиз.

Зажигалка чиқиллайверди, чиқиллайверди, аланга ёндию ўчиб қолаверди, ўчиб қолаверди.

— Мен бунга истамайман! — бақирди Анжела Дэвис. — Майли, тураверсин!

— Ленин-чи? — истеҳзоли ўшқирди Илья.

— Ленин ҳам тураверсин!

Ким қизнинг гапига кўшиламан деб бош ирғади. Илья зажигалкани чиқиллатишни бас қилиб, секин ва хотиржам гапира бошлади:

— Сизлар ҳали улар иккови бу ерда ёнма-ён тура олмаслигини тушунмаяпсизлар.

— Агар улар бугун бу ерда ибодатхона қурган эканлар, эртага ҳайкални олиб ташлашни хоҳлаб қолишади. Худо йўқ. Уни ҳеч ким ҳеч қаерда кўрмаган. Ленин эса бор. Мен кўрганман Ленинни.

Илья газаби қайнаб, атрофга кўз югуртирди ва зажигалкани ёқди, шунда худди мўъжиза юз бергандай бўлди — шамол бутунлай тинди, аланга липилламай кўйди. Илья уни портлатгичга уланган бикфорда ипининг учига теккизди. У қаттиқ пишиллади ва учқун сочиб ёна бошлади.

Анжела Дэвис югуриб бораётган оқ алангадан кўз узмай чинқириб юборди.

— Қочинлар! — бақирди Илья; у қўлидаги портлатгични дарвоза панжарасидан ошириб отди ва қочиб қолди.

— Ойижон! — шивирлади Анжела Дэвис ва бошқа томонга қараб қочди.

<sup>1</sup> Т о л ш а ш к а — тротилли портлаткич қурол.

Ким довдираб шашкага қараб турди, дарвоза панжарасини тортиб кўрди-да, у ҳам қочди.

Қандай қочишганини кўрсангиз эди! Шиддат билан узоқ югуришди, нафас олмай чопишди. Бирдан нафаслари етмай тўхтаб қолишди, чарчаб йиқилишди. Анжела Дэвис йиқиларкан қандайдир панжарага суялиб қолди, кейин ерга ётиб, бир неча сония нафас олмай атрофга кулоқ тутди. Жимжитлик. Портлаш юз бермади.

Анжела Дэвис ҳиқиллаб нафас ола бошлади, унинг ҳиқ-ҳиқ йиғиси тезлашиб ва баланглашиб борарди. Лекин шу онда панжаранинг нариги томонида яна кимдир тез-тез нафас олаётганини эшитиб қолди. Бошини кўтариб қаради ва нариги томонда унга қараб турган Кимни кўриб қолди. Энди иккаласи баравар тез-тез нафас ола бошлашди.

## 2

Тонг отган, қуёш Дон узра кўтарилиб бўлган, улар эса ҳамон рақс тушишарди. Байроқ кўтариладиган майдончани улар рақс майдонига айлангирган эдилар. Брюс Лининг журналлардан қирқиб олинган расмлари ёпиштириб ташланган эски магнитофонини Ким сим билан флапштокка илиб қўйганди. Жо Дассен кўшиқ куйларди. Йигит ва қиз қизишиб кетган бўлишса-да, бир-биридан маълум масофада рақс тушишарди. Анжела Дэвиснинг жағи тинмасди:

— Бувим ерга тегмоқчи бўлаяпти. Узларининг Коромисловларига. Хонага кириб қарасам кучоқлашиб туришибди. Кейин мен унга: “Бувижон, мен сизга презерватив совға қиламан”, — дедим. Таёқ билан бошимга тушириб қолса бўладими! Гуррани қара!

Қиз жингалак сочли бошини энгаштириб, жим кутди. Ва бирдан Ким унинг бошига лабини босди.

Анжела Дэвис ҳайрон бўлиб унга қаради.

— Хоҳлайсанми, мен сенга ўнинчи сталинча зарбани айтиб бераман? — деди Ким.

— Хоҳлайман, — жавоб берди шошиб қиз.

— Бу... 1944 йилнинг октябрида — кўшинлар ҳамда Шимолий флотнинг Заполяриядаги зарбалари. — Кимнинг ўзи ҳам шошиб қолди. Авваллари ҳеч эсига келмасди, энди бўлса...

— Биллур ибодатхонани портлатишга ким йўл қўймаганини мен биламан, — деди дадил Анжела Дэвис.

— Ким?

— Янги коммунист ўртоқлар!

Улар Ильянинг овозини эшитишди. Гарчи унинг бу ерда, ўз подпольегида пайдо бўлишини билишса-да, бараварига чўчиб тушишди. Илья пастда турар ва ўз сафдошларига истеҳзо билан қарарди.

— Ўйна! — буюрди Анжела Дэвис ва улар рақс тушишни давом эттиришди.

— Юринглар, чўмиламиз, — таклиф қилди у, лекин рақс тушувчилар уни эшитмаганга олишди.

— Мени ўп, — буюрди шивирлаб Анжела Дэвис.

Ким бу чинакамига ўпишиш эмас деб ўйлаб лабини найсимон қилиб чўзди-да, кўзларини юмиб олдинга интилди, лекин қизгача етолмади, юраги бетламади. У кўзини очиб, Анжела Дэвиснинг қаҳрли нигоҳига дуч келди.

Илья “ҳм” деб қўйди киноа билан.

— Нима бало, қўрққанларингдан гангиб қолдингларми? — сўради у кўйлагини ечиб ташларкан.

— Бўм! Жи! Кия! — норози бўлиб тўнғиллади Ким.

Анжела Дэвис рақс тушаётган шеригини ҳам эсдан чиқарди-да, Ильяга ўтирилиб бақирди:

— Биласанми, биллур ибодатхонани портлатишга ким йўл қўймади?

— Хўш, ким экан у? — сўради Илья.

— Худо! — деди Анжела Дэвис.

Илья қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим...

— Нимага кишнаяпсан? — ўдағайлади Анжела Дэвис.

Илья жиддий тус олди.

— Ундай бўлса Худо — менман. Кечаги бир муляж эди. Муляж, тушунаясизларми? Мумдан портловчи шапкага ўхшатиб ясалган муляж. Мен уни портлатиш ниятим ҳам йўқ эди. Коммунистлар — ваҳший эмас. Лекин биз огоҳлантириб қўйишимиз керак. Мен унга “КЯЖ” деб ёзиб қўйгандим. Сизлар учун эса бир синов эди. Сизлар синовдан ўтолмадинглар. Шунинг учун сизларга ҳайфсан эълон қиламан. Каттиқ ҳайфсан! Энди эса кетдик чўмилгани, — деди у ва жинси шимини еча бошлади.

— Печенкин! — қичқирди бирдан Анжела Дэвис.

Афтидан, Илья буни кутмаган эди.

— Илья Печенкин! — давом эттирди ўз ҳужумини мулат қиз. — Билмайди деб ўйлайсанми? Ҳа, мен аллақачон тушунганман буни! Сен — Печенкинсан, мана кимсан, билдингми!

Ильянинг наслий фамилияси қизнинг оғзидан ҳақоратдек эшитиларди.

— Жин урсин, Печенкин!

— Қулоқ солинглар, ўртоқлар... — Илья уни тинчлантиришга беҳуда уринарди.

— Жин урсин сени, Печенкин!

— Мен сизларни КЯЖдан ўчираман! — бақирди Илья.

— КЯЖ-паяжинг билан жин урсин сени, — деди Анжела Дэвис.

— Сизлар коммунист эмассизлар!

— Бор, ўша коммунистларинг билан қўшмозор бўл!

Анжела Дэвис Кимнинг қўлидан ушлади-да, ҳув нарироқда турган “Запорожец”га қараб судраб кетди.

Илья шимини ушлаганича, уларнинг изидан довдираб қараб қолди. “Запорожец” ҳайрон қоларли даражда тез ўт олди-ю, кўздан ғойиб бўлди.

— Олтинчи банд, — деди ўйчан Илья. — Ўзи учун қаттиққўл бўлган коммунист бошқалар учун ҳам қаттиққўл бўлиши лозим. Қариндош-уруғчилик, дўстлик, севги ва миннатдорликнинг барча нафис ва нозик ҳиссиётлари инқилобий ишнинг биргина совуқ эҳгириси остида чилпарчин бўлиши керак...

Жинси шим сирғалиб ерга тушди, оёғидан кроссовкаларини ечди ва сувга кираркан, сўзида давом этди:

— Коммунист учун фақат биттагина илинж, биттагина завқ бор — бу ҳам бўлса инқилоб зафаридир. Туну кун унда фақат битта фикр бўлиши керак — беаёв бузиш.

Илья жунжиктирувчи муздек сувга кириб бир шўнғиди-да, бақирганича суза кетди:

— Шу мақсад йўлида совуққонлик билан ва бетиним интилиб, бунга эришишга ҳалақит бераётган ҳамма нарсани ўз қўли билан йўқ қилиш ва бу йўлда ўзи ҳам ҳалок бўлишга ҳамини шай бўлиб туриш лозим!

### *Йигирма тўққизинчи боб*

## **БУ БОЙЛАРНИ ТУШУНИШ ҚИЙИН**

### **1**

Владимир Иванович Геля билан биргаликда она қорнида ривожланаётган гўдакнинг тасмага туширилган тасвирини кўраётган эди. Ҳали кўзлари очилмаган сирли илоҳий хилқат қўлчаларини қимирлатиб қўярди.

— Володька! — деди ғурур билан Печенкин ва Гелянинг тиззаларини қаттиқ қисди. Геля табассум қилди.

— Биласанми, профессор нима деди? Бунақанги соғлом болани анчадан бери кўрмаган эмиш, — деди оналик бахтидан эс-ҳушини йўқотиб Геля.

— Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, — тасдиқлади унинг гапини Печенкин.

— Энди бўлса энг муҳими бўлади, қарагин, ҳозир у бармоғини оғзига солади... Қара! Шу топ экрандаги хилқат чиндан ҳам бармоғини оғзига солди.

— Ана, кўрдингми? Кўрдингми? — дея бахтиёр оҳангда сўрарди Геля севган эркагининг, ўз боласига ота бўлган эркакнинг кўзларига қараб.

Печенкин бахтдан энтикиб кетди.

Видеотасвир тугади — у унча узоққа чўзилмади.

Владимир Иванович диванга чўзилди — бошини Гелянинг тиззасига қўйди.

Аёл уни эркалаб, сочларини силади.

— Яна қўйиб бергин, — шивирлаб сўради Печенкин.

— Сен уйга боришинг керак, — эслатди секингина Геля.

Ташқари зим-зиё эди. Соат тўрт бўлганди.

— Яна бир мартагина, — такрорлади у илтимосини.

— Уйга боришинг ке-рак, — яна эслатди Геля.

Печенкин шартта туриб ўтирди. Кафти билан сочини текислади ва қора экранга қараб хотиржам ва қатъий деди:

— Мен уйимдаман. Уйимдаман, ахир. Сен менинг хотинимсан. Володька эса менинг ўғлим.

Геля тугмани босди ва экранда она қорнида ётган хилқат намоён бўлди.

— Володька... Во-ло-одька... — бошини чангаллаганича бахтиёр куйлади Печенкин. — Биз сен биланмиз... ҳаммаси бошқача бўлади! Ҳеч кимни хафа қилмайман, ҳеч кимни алдамайман. Сен мендан ибрат оласан. Донолик оддий, Володька, жуда ҳам оддий: “Ҳалол одамнинг ўғли ҳамиша ҳалол, ўғрининг боласи эса, албатта, ўғри бўлади”. — Владимир Иванович дивандан турди, кўлларини шимининг чўнтагига тикиб, олдинга-орқага юра бошлади. — Ҳеч қанақа Швейцариянинг кераги йўқ. Шу ерда ўқийсан, Россияда! Придонскда университет очамиз... Владимир Иванович номида! Гелянинг ўзига мароқ билан қараб турганини кўриб Печенкин қаҳ-қаҳ отди! — Мен фақат ўйлаб қолдим: Придонскликлар орасида энг машҳури ким? Бундоқ қарасам ўзим эканман, — дея изоҳлади у ва яна қаҳ-қаҳ урди. Қаердадир кўл телефони чийиллади. Владимир Иванович Геляга қаради.

— Бу сенинг махфий телефонинг, — деди у.

Печенкин стул суянчигига илиб қўйилган пиджаги чўнтагини кавлади ва рақами энг яқин кишиларигагина маълум бўлган аппаратни олди.

— Менман... Ҳа... тушундим... Ҳа, тушунарли бўлди.

Геля унга ташвишли нигоҳ ташлади. Владимир Иванович жилмайди ва гуноҳқорона кўлларини ёйди. У пиджагини кийди ва кутилмаганда қаттиқ-қаттиқ гапирди:

— Бир тасаввур қил-а, Уралов отаси билан Исроилпа кетибди.

— Сен айтгандинг буни, — эслатди Геля.

— Айтгандинг? — ҳайрон бўлди Печенкин ва яна эслаб қолди: Лема ўзининг Чеченистонига кетаяпти. Мен унга: “Сени у ерда ўлдиришади” дедим. Биласанми, у менга нима деди? “Ўлдирса ҳам — ўз Ватанимда”. Мана сенга чечен.

— Сен айтгандинг, — яна эслатди Геля.

— Ҳа, айтгандим, — рози бўлди Владимир Иванович. — Шунинг учун айтаяпман-да: “Энди мен ким билан ишлайман?” деб.

Шундай дея бирдан йиқилиб тушди. Бунинг қандай юз берганини тушуниб бўлмасди. Геля кўрқишга ҳам улгурмади, чунки Печенкин аллақачон ўрнидан туриб олганди.

— Гиламга қоқилиб кетдим... — деди у.

Телеэкранда эса она қорнидаги гўдак қўлчасини оғзига тикди...

— Сен мени кузатма, — деди у эшикка йўналаркан, лекин Геля ўрнидан туриб улгурганди.

Бирдан Печенкин яна йиқилиб тушди — жуда оғир, нокулай йиқилди.

— Володя! — бақриб юборди кўрққанидан Геля.

Лекин ўрнидан туриб олди.

— Тавба, менга нима бўлди ўзи? — минғирлади Владимир Иванович ҳайрон бўлиб ва эшикка кулади.

## 2

Телеэкранга сариқ қоғоз қистириб қўйилганди, унда қизил фломастер билан чизилган: “Володя, марҳамат, телевизорни қўй” деган сўзлар ёзилганди.

Печенкин қоғозни олиб, телевизорни қўйди. Янгиликлар берилётган экан. У бир неча дастурга уланиб кўргачгина видеомагнитофонни қўйиш кераклигини тушунди — кассета қўйилган экан. Экранда Галина Васильевна пайдо бўлди. У телесухандон табассуми билан жилмайди, лекин кўзлари жуда қайғули эди. Печенкин оромкурсига чўкди. Худди шуни кутиб тургандек, Галина Васильевна тилга кирди:

— Тараққиёт нақадар илпарилаб кетди! Ҳозир дунёдан ўтиб кетган нарсани, ҳатто ҳали дунёга келмаган нарсани ҳам кўриш мумкин. Тараққиёт, тараққиёт... Агар саратон касали ривожланса, хуруж қилса бу ҳам тараққиётми? Кўрқма, Володя, мен соппа-соғман! Мен бошқа нарса ҳақида...

Бирдан Галина Васильевнанинг лаблари титради, у қарийб йиғлади, лекин ўзини қўлга олди, жилмайди ва қувноқ, кўтаринки руҳда гапирди:

— Энди қаяққа? Уйга борайми? Йўқ, мен учун уйга бориш нима, гўрга бориш нима — барибир... Гўрга бориш қайтанга яхшироқ... Дарахт тагида бир мозорча... қандай яхши! Офтоб уни иситади, ёмғир уни ивитади... Баҳорда унинг устини майса қошлайди, юмшоққина... Дарахтга қушлар келиб қўнади, сайрашади, бола очишади, гуллар очилади: сариқ, қизил, зантори...

— Ҳар қанақаси... — Галина Васильевна кулиб юборди ва такрорлади, — Ҳар қанақаси...

Печенкин асабий бир тусда бармоқлари билан ёноғини, иягини, пешанасини тирнади, бурнини ушлади. Галина Васильевна худди буни кўриб тургандай эди.

— Сабр қил, Володя, чида, мен тутатаяман. Сен ҳамини сабрсиз эдинг. Инсон учун ҳаётда муҳими нима? Муҳими — ўз олдинда, виждонинг олдида ҳалол бўлиш. Мен ўзимга таъна қилолмайман: бутун умримни оиламга, яъни сенга ва Илошага бағишладим. Ушбу ишимни сизларни деб, фақат сизларни деб қилаяман. Барча сирлар ошкор бўлади, бу ҳақиқат ва қачонлардир Илоша буни билиб олади ва баҳо беради... Энди сенга келсак, Володя, мени ҳозир тушунишинг керак: менинг бошқа чорам йўқ эди. Умуман мен сени кечираман, ҳаммаси учун кечираман! Володя... Сен биласан — мен жаннат ва жаҳаннам деган барча уйдирмаларга ишонмайман. Лекин нимадир, масалан, жонларнинг руҳга айланиши бўлиши керак... Ушанда биз сен билан янги ҳаётда учрашармиз, эҳтимол кучукча, ёки денгиз махлуқи бўлиб ва сен: “Галка, сен нақадар ҳақ эдинг!” дерсан. Сўнги илтимосим, Володя: мен Илошани кутиб олишга чиққанымдаги кийимда бўлишимга эътибор қил. Эсингда бўлсин: мовий-маржон ва бинафша ранг. Жанозамни Николай ота ўқисин. Фақат ортиқча тўлама, шундоқ ҳам у бизлардан қарздор.

Галина Васильевна экранда жилмайганча қотиб қолди. Печенкин қўйлагининг тутмасини ечиб, қўлини ичкари тикди ва экранга телбаларча тикилганча музлаган кафти билан олов бўлиб ёнаётган кўксини ишқалай кетди.

- Владимир Иванович, Илья келди, — хабар қилди орқадан маллавой.
- Қаерда? — сўради Печенкин орқасига ўгирилмай туриб.
- Соҳилда турибди.

## 3

Галина Васильевнани қарийб бир кеча-кундуз излашди, бутун шу вақт давомида ота ва ўғил соҳилда, у сирганиб сувга тушиб кетди дейишган тахта кўприкча ёнида бўлишди. Ҳаво совуди, ёмғир аралаш шамол эсди, лекин Владимир Иванович билан Илья бу ерни тарк этишмади, уларга узун пластик ёмғирпўшлар беришди. Дарё моторли қайиқларга тўлиб кетганди. Уларнинг орасида катерлар ҳам бор эди. Ана шу катерлардан говвослар сувга шўнғишар, бироз муддатдан кейин яна қайтиб чиқишарди. Уларнинг орасида Печенкиннинг “Надежда” катери ҳам бор эди. Унинг бурун қисмида оқ капитан

фуражкаси кийиб олган дарға турарди. У фуражкасига тиниқ целлофан халта кийдирган эди.

Капитан дурбиндан қарар ва бойўғлига ўхшаб бошини у ёқдан-бу ёққа бурарди.

Ота ва ўғил жим туришарди. Фақат бир марта Ильяга кўз қирини ташлаб Владимир Иванович тўсатдан сўраб қолди:

— Логинчасига “дарё” нима бўлади?

Илья жавоб бермади.

— Илья, сендан сўрашман, логинчасига дарё нима дейилади? — қаттиқроқ такрорлади Печенкин.

— Билмайман, — деди Илья қимир этмай.

— “Ёмғир”чи?

— Билмайман.

— “Қайиқ”ни ҳам билмайсанми?

— Уни ҳам билмайман... Ҳеч нарса билмайман.

— Эсингдан чиқдимми?

— Йўқ, ўзи билмасдим.

— Унда бу ерда қандай ўқиб бердинг, таржима қилдинг, эсингдами? — ўзини йўқотиб сўради ота.

— Мен бир парчани ёдлаб олгандим. Матн ва таржимасини...

Владимир Иванович аввалига тушунмади. Кейин англади:

— Ҳа-я, ўшанда сени ким ҳам текшириб кўрарди... Демак, алдабсан-да? — Печенкиннинг овозида ҳайратдан ташқари яна таҳсин ҳам бор эди.

— Демак, шундай.

Шунда ғалати ҳол юз берди — Владимир Иванович кулиб юборди. У бутун танасини силкитиб куларди. Унга Илья ҳам жўр бўлди — кулиб юборди.

Каютадан палубага ғалати кўринишдаги матрос ўрмалаб чиқди: Унинг шими йўқ, эгнида пахталик камзул, унинг тагидан хотинларнинг тунги кўйлагига ўхшаган узун ичкўйлак, бошида телпак-қулоқчин, ипини иягидан ўтказиб боғлаб олибди. У афтидан, шўнғийвериб шамоллаб қолган бўлса керак, кўнгли айналаганга ўхшарди. Бошини силкиб ва қўллари билан биқинини ушлаб, матрос йигит соҳилда турган ота ва болага қаради.

— Улар нима қиляпти, йиғлашяптими?

— Кулишяпти, — деди гижиниб капитан дурбиндан кўзини олмай.

Бу рост эди — улар кулишарди.

— Шу бойларни тушуниш қийин-да, — деди ғаш келиб касал матрос. Шу пайт дарёдагилар бақиршиб, қўллари билан силкий бошлашди. Бир нечта қайиқ дарҳол моторини юргизиб, ўша — нимадир содир бўлган жойга шопишишди. Капитан шопиб дурбинини ўша томонга тўғрилади.

— Бўлди, топишди, — деди у.

— Васками? — сўради матрос.

— Васка.

— Омади бор-да шу аблаҳнинг, — тўнғиллади матрос ва асабий эснади.

#### 4

Ғам-ташвиш одамларни бир-бирига яқинлаштиради, дейдилар. Ғам ота ва ўғилни яқинлаштирди. Ғам-ташвишли ўша кунлар мобайнида Печенкинлар ҳаммиша ва ҳамма жойда бирга бўлдилар. Четдан қараганда улар изкувар билан қўлга туширилган жиноятчини эслагарди. Битта кишанга солингандек бир-биридан ажралмасдилар; уларни ҳатто елкалари туташиб кетган сиам эгизаклари деса ҳам бўларди. Бир-бирига ўхшамасалар ҳам, бир хил бўлиб қолдилар: юзлари ҳам, кўзлари ҳам бир рангда эди. Бўйлари ҳам тенглашиб қолди — ё ўғилнинг бўйи чўзилди, ёки отаси чўкиб қолди. Кийимлари ҳам бир хил эди. Дафн маросимида ота ва бола бир хил қора пальтода эдилар, уларнинг тепасидан бир хил каттакон соябон тутиб боришарди. Мотам куни ҳам бир хил кийиниб олишганди.

Шу давр мобайнида улар икки мартагина бир-биридан ажралишди. Биринчи бор — ота ўғлидан — қабристонда. Ўшанда Владимир Иванович тиззалаб ўтириб



олди-да шу кўйи тобут ортидан эргашиб, гоҳ нимадир деб бидирлаб, гоҳ даҳшатли ўкириб — кимгадир ялинибми-ей, кимнидир лаънатлабми-ей, анча ергача борди... Кейин мотам кунда, Илья ортасини маълум муддатга қолдириб кетди. Улар улкан столнинг тепа қисмида ёнма-ён ўтиришарди. Алам шаробини ичган кўпчилик маст бўлиб қолди. Илья ўзини ёмон ҳис қила бошлади, йиқилиб тушаман деб кўрқиб кетди, шошиб ўрндан турди-да, ўз хонасига кириб кетди. Эшикни ёпиб, пиджагини ечди ва бирдан хонанинг ўртасида турган Дашенька Канишевани кўриб қолди.

— Мана! — хитоб қилди қиз ва қурбонларча пешонасини тириштириб мотам либосини еча бошлади. Бутунлай қипяланғоч бўлиб олгач, Дашенька Канишева кучоғини катта очиб болаларча баланд овозда қичқирди: — Мана! Ҳали ҳеч ким! Ҳеч ким! Ол мени, Илошенька! Балки, шунда сенга осон бўлади! Гая хола менга онамдай эди! У менга онамдан ҳам зиёда эди! Кела қол, Илошенька.

Илья орқага тисарилди, орқаси билан эшикка тақалди, Дашеньканинг диркиллаб турган қизлик танасига уялиб қарар экан, ундан кўз узишга ўзида куч тополмай, минғирлади:

— Саккизинчи банд. Коммунист учун дўст ва энг азиз одам амалда ўзини худди ўша коммунистдай кўрсата олган кишигина бўла олади...

Ва бирдан болаларча ҳиқиллаб, олға ташланди, йиғлаётган қизнинг ёнидан югуриб ўтди, балконга чиқди, у ердан панжара тўсигига оёқ қўйди-да, яқинроқ ўсаётган қарағайга сакради, у ушлаган шох синиб кетди ва Илья шох билан бирга пастга кулади. Омади бор экан, ўнғай йиқилди, ҳеч қаери лат емади ҳам. Фақат “Октябрь” кинотеатри томон чошиб кетаётганда сал оқсоқланаётгани сезилди.

### *Ўттизинчи боб*

## **КОММУНИЗМ БАРИБИР ҒАЛАБА ҚИЛАДИ**

Чордоқда қапгарлар “ғу-ғу”ларди. Илья сандиқча тагидан тиш порошоги қутгачасини олди. У ерда бувасининг ясама жағи ўрнида унинг тўшпончаси ётарди. Унга патронни жойлади-да, бўш қўли билан кўкрагидан юраги жойлашган жойни қидира бошлади. Қапгарлар уни чалғитаётганди.

— Ҳой, жим бўлинглар! — жаҳди чиқиб бақирди Илья, ҳатто куроли билан уларга пўписа қилиб ҳам кўйди. Юрагининг жойини аниқлади ва тўшпончанинг оғзини ўша ерга тиради.

Стол устида турган Лениннинг ганч ҳайкалчаси кўзини қистандай бўлди, унинг бу ишини маъқуллаяптими ёки Ильянинг устидан кулаяптими, тушуниб бўлмасди.

Илья кўзини юмиб, тўшпончанинг тепкисини боса бошлади, лекин тепки бўйсунмади. Илья кўзини очиб, диққат билан Ленинга қаради. Нимадир бошқача эди... Илья пастда турган яшиқдан пепси-кола шишасини олди, қошқоғини очди, столга ўтирди-да, шишани кўтариб сўнги томчисигача ичди. Ўзини ўлдириш режаси аста-секин пишиб кела бошлади. Илья девордан қизил шойи байроқни юлиб олди-да, ўз ўриндиғидаги адёл устидан ҳафсала билан тўшади.

— Коммунизм ғалаба қилмаслиги ҳам мумкин деб ўйлаш — ўзининг ожизлигини тан олиш демакдир, — деди ўйчан Илья ва қатъий, умидбахшлик билан кўшиб қўйди: — Коммунизм барибир ғалаба қилади!

Бу сўзлар Ильяга жуда маъқул келди, у шоппилиб стол ёнига қайтиб келди, бувасининг ёзув дастгоҳидан ручка олди, пўлат перони чўян сиёҳдонга ботирди ва қоғозга йирик ҳарфлар билан: — “Коммунизм барибир ғалаба қилади!” деб ёзди. Ильянинг ҳаракати борган сари аниқ маъно касб ётарди. Энди у ўзига ишонч ҳосил қилганди. Илья елкаларини тўғрилади, чуқур нафас олди ва байроқнинг устига чўзилди. Зарҳал ўроқ ва болға унинг чаккаси узра ялтирарди. Ильянинг кўзларида қатъият ва хотиржамлик акс ётарди. Лекин қутилмаганда улар ёнига саросималик, ҳайрат ва хижолат ҳам кўшилди: Илья тўшпончани стол устида қолдирган экан. Ўрндан туришга, ўзини ўлдириш

қуролини олишга ва қайтадан ётишга тўғри келди. Нимадир умуртқасига тиралиб қолди, ётиш жуда ноқулай эди, Илья иккинчи бор турмасликка қарор қилди. Энди у тўшпончани чаккасига тиради ва хайрлашибми-ей ё саломлашибми-ей, деди:

— Ойижон...

Кейин у кўзини юмди, лекин шу аснода кимдир унинг пешонасининг қоқ ўртасига чакиллатса бўладими... Илья сесканиб тушди, шошиб кўли билан пешонасини сидирди ва кагпар нажасининг ўткир ҳидидан афтини буришгирди.

— Вой, лаънати-лар-ей! — бақирди Илья ғазабланиб ва тўшпончани тепага, қоронғиликка қаратиб уч марта ўқ узди. Аниқроғи, у шундай деб ўйлади, ўқ отилмади — балки тепки уч марта шиқиллади, холос. Илья ҳайратдан қотиб қолди. У бир оз қимирламай ётди-да, сўнг каравотга ўтиб ўтирди ва қуролини диққат билан кўздан кечирди. Патронларга тепкидан из тушганди. Бирданига учта из! У ўқдонни айлантириб қўйди-да тўшпончани ерга қаратиб тепкини босди. Тўшпонча яна отилмади. Унинг ғазоби келди, тўшпонча оғзини пешонасига тиради-да, сўнги бор тепкини босишга уриниб кўрди. Унинг кўзларида ҳеч қанақа қатъият йўқ, истехзо бор эди, холос. “Чиқ!” — яна отилмади.

— Рус-ская рапота! — бақирди Илья эстонча талаффуз билан ва қуролни чордоқнинг узоқ қоронги бурчагига улоқтирди.

Ленин истехзо билан қараб турарди.

— Рус-ская рапота! — деди унга қараб Илья ва каравотдан столгача бориб келаркан, изоҳлади: Бизларда, “Труа сомэ” да бир боғбон — кекса эстон бор эди. Унинг кўлида бирор нарса ишламай қолса ёки бузилса, “Рус-ская рапота” дегучи эди.

Илья “уф” тортди, нима қиларини билмай яна каравотга чўзилди. Яна умуртқасига нимадир — ўткир ва қаттиқ нарса тиралди. Кўлини адёлнинг тагига тиқиб, олиб қаради. Бу Николай Островскийнинг қизил китоби — “Пўлат қандай тобланди” эди. Уни кўлида ушлаганича ўйланиб қолди.

— Ҳа! — хитоб қилди бирдан Илья, каравотдан сакраб тушиб. У шошиб китобни варақлаганича такрорлай бошлади: — Ҳа...Ҳа...Ҳа... Мана!

Излаган нарсасини топиб, Илья тўхтади ва — бор овози билан, қувноқ оҳангда, тантанавор — ўзига, Ленинга, ҳаммага қарата ўқий бошлади:

— “Бунинг ҳаммаси қоғоздаги қаҳрамонлик, укажон! Ўзини отиш ҳар қандай аҳмоқнинг кўлидан ҳам келаверади. Оғир аҳволдан чиқиб кетишнинг энг осон йўли бу. Ҳаёт оғирми — ўзингни от. Сен ана шу оғир ҳаётни енгишга уриниб кўрдингми? Сен темир ҳалқадан қутулиш учун барча ишни қилдингми? Новгород — Волинск остонасида ўн етти марта ҳужумга ўтиб, барибир ғалабани кўлга киритганимизни унутдингми? Тўшпончангни яшириб қўй ва бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очма. Ҳаёт чидаб бўлмас даражага етганда ҳам яшай бил. Уни фойдали қилабил!”

— Албатта-да! — хитоб қилди Илья ва бахтдан йиллаб юборишига сал қолди ҳамда ҳаяжонидан: — Ҳа! Ҳа! Ҳа! — деб қичқириб юборди ва китобнинг қалин муқовасига лабини босди.

### *Уттиз биринчи боб*

## **ЎЗ РОССИЯНГИЗДА ҚОЛАВЕРИНГ!**

### **1**

Дафн кунининг эртасига, кейинги йилларда бўлгани сингари, соат саккизга беш дақиқа қолганда Печенкиннинг қора “Мерседес”и унинг компаниясининг марказий идораси олдига келиб тўхтади. Владимир Иванович машинадан сакраб тушди-да, мрамар зинапоялардан югуриб юқорига — ойнаванд эшикка чиқди.

Соқчилар унинг кетидан зўрға улгурарди. Печенкин қора костюм, қора кўйлак ва қора бўйинбоғда эди. Унинг орқасидан югуриб келаётган Седойнинг ўрнини эгаллаган маллавоё ҳам шундай кийимда эди.

Ойнаванд эшик олдида идора соқчилари саф тортишди. Кўздан бери

Печенкинни саф тортиб қарши олиш одат тусига кирганди. Одатда, Печенкин улар билан “Салом, йигитлар” деб сўрашарди. Улар эса барабарига: “Салом, Владимир Иванович” деб жавоб қайтаришарди. Бироқ ҳозир Печенкин саломнинг ўрнига “Ишланглар” деб, ишга шошилди. Соқчилар ҳам шошиб қолишди, бир хили индамади, баъзилар: “Салом Владимир Иванович” дейишди. Бир хиллари эса унинг сўзини такрорлаб: “Ишланглар” дейишди.

Президент лифтида уни иккита узуноёқ қизлар қаршилашди. Улар ҳам қора костюм ва қора шимпайпоқда эдилар. Қизлар Печенкиннинг елкасига қўл уриб ҳамдардлик билдирдилар.

— Владимир Иванович... Ой, Владимир Иванович, — дея шивирлашди улар кўз ёши қилиб.

Печенкин ўзини йўқотиб жилмайди-да, қизларни елкаларидан кучиб, далда берувчи оҳангга деди:

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ — ишланглар.

Ўзининг шу ҳолатини кўзгуда кўрган Владимир Иванович ўзида юз берган ўзгаришлардан ҳайрон бўлди. У букчайган, қорайган, кексайган эди. Фақат кўзлари янада тиниқлашганди

— Ишланглар! — деди у қатъий.

## 2

Владимир Иванович иш столига ўтириши билан котиба Марина Ангелина Георгиевна Всеславинская телефон қилаётганини айтди. У шахд билан гўшакни кўтарди.

Геля жим эди. У ҳам индамай турди.

— Қандайсан? — сўради аёл ниҳоят секин ва айбдорларча.

Печенкин елкаларини қисди.

— Ишляпман.

— Нақадар даҳшат... — шивирлади Геля ва такрорлади: — нақадар даҳшат...

Лекин Печенкин индамади, Геля ҳам жим эди. Владимир Иванович соатига қаради, худди буни кўриб тургандай Геля хитоб қилди:

— Мен сени севаман, Володя! — Ва астагина, назокат билан кўшиб кўйди:

— Биз... сени севамиз...

Печенкин яна хўрсиниб кўйди — шундай қаттиқ “уф” тортдики, Геля эшитди.

— Бугун келасанми, — сўради тортиниб Геля.

— Ишлашим керак, — жавоб берди Владимир Иванович.

— Кейин-чи?

— Нима — кейин?

— Йўқ, ҳеч нима...

— Ишлашим керак...

Печенкин гўшакни кўйди-ю, Прибиловскийни чақиртирди. Бир дақиқадан сўнг котиб-референт унинг қаршисида турарди. Итоаткор, ҳозир у нозир Прибиловский бир қўлида ёндафтар, иккинчи қўлида ручка, у ўзининг худди ҳеч нарса бўлмагандек тутарди. Печенкин уни тўғри тушуниб котиб-референтига хайрихоҳона қараб кўйди.

— Ҳуқуқшуносларни чақир, — деди ўйчан Печенкин. “Печенкин” компаниясини “Печенкинлар” деб қайта номлаш учун зарур ҳужжатларни тайёрлашсин. Тегишли реклама ҳам тайёрлансин. Бу биринчидан. Иккинчидан... Васиятнома тузилсин... Мен ўлган тақдирда бугун шахсий мол-дунём, кўчмас мулким, маблағларимга меросхўр, ўғлим Печенкин Илья Владимирович бўлади.

Прибиловский ёндафтарни ёпиб, эшикка йўналди.

— Ҳа, айтмоқчи! — эслади Печенкин.

Котиб-референт орқага қайтди, ёндафтар ва ручкасини олиб шай бўлиб турди. Владимир Иванович мулоийм жилмайди, яшиқдан матн ёзилган варақ ҳам “Экспресс” журналини олиб столга кўйди. Бу ўша — эски, ифлос вағижмланган журнал эди. Прибиловский уни кўриб, ранги оқариб кетди. Журналнинг муқоваси қалин қизил чизиқ билан иккига бўлинган эди. Унинг бир томонида ҳайкалтарош Шадриннинг “Чағиртош-пролетариат куроли”

асари, иккинчи томонда — белигача яланғоч Печенкин қўлида чағиртош ушлаб турибди. Афтидан, таҳририят ана шу икки тасвирни композициялар ўхшашлиги учун ёнма-ён жойлаштирган бўлса керак. Дарҳақиқат, тош пролетариат билан жонли капиталист бир-бирига жуда ҳам ўхшаш эди.

Печенкин хижолатомуз жилмайди ва журнални котиб-референтга чўзиб илтимос қилди.

— Сен тилсиз мен аҳмоққа таржима қилиб бер, у ерда сенинг дўстинг нима деб ёзган экан. Ҳа, ўтирсанг-чи. Барибир тик туриб ҳақиқатни тополмайсан..

Прибиловский журнални олди, лекин ўтирмади.

— “Чағиртош. Рус пролетариати ўз куралини “янги рус”га топширди”, — ўқиди котиб-референт муқовадаги ёзувни.

Унинг қўлидаги журнал титрарди. Печенкин, афтидан, буни сезмасди.

— Кейин-чи, ўртада нима деб ёзибди?

Прибиловский шошилиб ёпишган журнал варақларини шитирлатди.

— Баландроқ ўқи, — илтимос қилди Печенкин тинглашга тайёрланиб.

— “Бир ярим аср муқаддам, — баланд овозда ўқиди Прибиловский, лекин негацир бу ёнига овози пасайди. Яхшироқ эшитиш учун Печенкин қулоқларини динг қилди. — Бизнинг улуг ватандошимиз Александр Дюма Россияда бўлиб, ўз саёхати ҳақида китоб ёзди. Мазкур китоб ҳанузгача бу мамлакатда маълум эмас. Бизнинг қадимги ажлодларимиз Россияга у ерда оқ айиқларни кўриш учун боришарди. Бугунги кунда бизлар у ёққа “янги руслар”ни кўриш учун бормоқдамиз. Мен яқинда Россиядан қайтиб келдим. Менинг омадим чоғди. Мен у ерда бир “янги рус”ни кўришга муваффақ бўлдим. У... — Прибиловский тўхтаб қолди.

— Аҳ-ҳа! — деди Печенкин олдинга сурилиб.

— “У... даҳшат, — давом этди котиб-референт зўрға эшиттириб. — У камзули тагидан йигирма ўқли “беретта”ни тақиб юради, балиқни қўли билан ейди”.

Печенкин хижолат билан жилмайди ва мақола муаллифи билан назокат-ла баҳсга киришишга уринди:

— Ҳаммаси тўғри... Мен балиқни пичоқ ва санчқи билан ея олмайман. Бунақада таъмини ҳам билиб бўлмайди. У бўлса еди! Хўш, нима бўлди? Тиқилиб қолди... Агар мен мана шу ифлос қўлимни унинг оғзига тиқмаганимда... Давомини ўқи-чи...

Прибиловский қўпол иржайди:

— “Шуниси қизиққи, Россиянинг маънавий уйғонишини Печенкинга ўхшаган кишилар билан боғламоқдалар. Маънавийлик тўғрисида руслар истаганча гапиришлари мумкин: (ҳали яқинлардагина улар коммунизм ҳақида ана шундай жўшқинлик билан гапирар эдилар). Маънавийлик нима эканини ҳеч ким аниқ билмайди. Бу мужмал тушунчани дин билан боғлайдилар. Улар церковлар куришмоқда, лекин унга қатнагилари йўқ. Ишни Москва бошлаб бераяпти, лекин чекка вилоятлар ҳам ортада қолмасликка интилоқда. Менинг “янги рус”ошнам церковни нобой материалдан — биллурдан қураяпти. Нобой бўлгани билан биллур роса ялтирайди-да! Византиянинг йўқ бўлиб кетганига анча бўлди. Лекин византияча манманлик яшаяпти. У Россияда давом этаяпти. Жаноб Печенкин биллур ибодатхона учун сарфлаган пулига минглаб жамоат ҳожатхоналари қурса бўларди. О, агар сиз Придонск шаҳри вокзалидаги ҳожатхонага кирмаган бўлсангиз, демак сиз Россияни билмас экансиз!”

— Намунча ҳожатхонага ёпишиб олишди! — ўзини тутолмади Владимир Иванович. — Нима бало, бу ерга фақат ҳожатхонага кириш учун келишадими? Давомини ўқи...

Прибиловский бош ирғади ва худди сувга сакраш олди билан нафас олгандек, кўкрагини ҳавога тўлдирди-да, ўқишда давом этди: — “Россия — ўзини сўнги буюк миллат деб ўйлаётган сўнги буюк миллатдир”.

Печенкин хижолат чекиб томоғини қирди ва котиб-референтни ўқишга ундади.

— Ўқи — қизиқ-ку...

— Мен... ўқий олмайман, — деди зўрға Прибиловский.

Владимир Иванович унга қаради-да, ўқий олмаслигига амин бўлди.

— Унда ўзим ўқийман. Менга, умуман таржимасини олиб келишганди, лекин ўзинг биласан-ку, ўқишга унча ҳафсалам йўқ... — У матнли варақни ўзига торди, бурни учига кўзойнагини кўндирди ва бармоғини сағрлар устидан юргизиб тўхталган жойни топди. — “Россия ўзини сўнги буюк миллат деб ўйлаётган сўнги буюк миллатдир. Ўзининг Россияга қилган сафаридан қайтиб келган Александр Дюма рус халқини чақалоқ деб атади. У ўсиб-улғайиши учун бир неча инқилобни бошидан кечириши керак. Ўшандан бери юз эллик йил ўтди. Руслар кексайиб, қариб қолишди, лекин ҳали улғайганлари йўқ. Россия — янги инқилобларга маҳкум кекса гўдақдир. Эҳтимол қачонлардир бу сўзлар синонимлар бўлиб қолар: Инқилоб ва Россия”. — Печенкин матнли вараққа гангиб қаради. — Инқилоб... Россия... — деди у кимгадир шикоят қилаётгандай. — Россия ҳақида нимани билади ўзи, жулдурвақа фаранг! — У бошини кўтариб котиб-референтга қаради, халақит бераётган кўзойнагини юлиб олди-да, такрорлади: — Россия ҳақида нимани билади ўзи?

— Ўзингиз-чи? Сиз нимани биласиз? — пишиллади Прибиловский ва кутилмаганда кўзларига ёш қалқди. — Ўзингиз, умуман, нимани биласиз? — давом этди у бақришга ўтиб. — Нима, ёлгонми? Фотоателье ойнасини қандай синдиргандингиз? Эсингиздан чиқдимми? Лекин мен эсимдан чиқарганим йўқ. Россия — хўш, нима қилибди? — Кўз ёшлари юзини қоплади котиб-референтнинг, лекин у фош қилишда давом этди. — Агар кунига юз марта Россия деб такрорламасангиз — уйқунгиз келмаслиги тайин! Уйқусизликнинг давоси ҳам сиз учун Россия! Патрик ҳали ҳаммасини айтгани йўқ! Мен эса айтаман! Сиз — ёввойисиз! Шунинг учун ҳам балиқни кўлда ейсиз! Ҳожатхона ҳам тозами, ифлосми, сизга барибир! Чунки сиз — ёввойисиз! Бу ерда ҳаммангиз ёввойисизлар! Ҳеч қачон одамга ўхшаб яшамайсизлар. Жулдурвақа... Билсангиз сиз Патрикнинг тирноғига ҳам арзимайсиз. Бизлар эса... Мен... Мен ва Патрик... Мен Патрик билан... У менга дўст тугул... У менга дўстан ҳам ортик! Мен уни яхши кўраман. Яхши кўраман! Эшитяпсизми? У ҳам мени яхши кўради. Сиз учун бу бир ваҳшийлик, чунки сиз ёввойисиз! Бизлар эса Патрик билан бирга яшаймиз! Францияда! Бизнинг болаларимиз бўлади — ўғил ва қиз... Лекин сиз буни тушунмайсиз. Ҳеч қачон тушунмайсиз. Шундай экан, ўз Россиянгизда қолаверинг! — дея ўкириб йиғлаганича котиб-референт кафтлари юзини беркитиб хонадан чиқиб кетди.

Печенкин оромкурсисада узоқ ўтириб қолди. Бўлиб ўтган воқеага тушунмас, ҳеч ақли бовар қилмасди. Кейин ўрнидан туриб яна ўйлай кетди. Ҳеч ақлига сиғиролмасди.

Владимир Иванович гангиб қолган бир ҳолатда хонасидан чиқди, котиба Маринага урилиб кетишига сал қолди. Печенкин қаерга ўтирсам экан деб кўзи билан ахтарди-да, пастак чарм диванга оҳиста кўнди.

— Марина, нима бало, Прибиловский — бесоқолми? — сўради шивирлаб.

Котиба Жокондача табассум билан жилмайди, лекин индамади.

Владимир Иванович елкаларини қисди.

— Менга барибир-ку-я... Фақат кутилмаганда...

Печенкин букчайди, бошини елкалари орасига торди, кафтларини тиззалари орасига яширди ва бирдан кичкинагина ҳамда аянчли бўлиб қолди.

Марина унга тепадан ҳамдардлик ва эркалик билан қараб хўрсинди-да, деди:

— Эҳ, Владимир Иванович, Владимир Иванович, атрофингиздаги ҳеч нарсани тушунмайсиз! — Печенкин янада қуйироқ энгашди ва ўзи ҳақидаги фикрга кўшилганини билдириб, астагина бош ирғаб кўйди. У ҳаётдан чарчаган чоллардек ухлаб қолганга ўхшарди. Марина унга халақит бермаслик учун ўрнида қимирламай турарди. Лекин Печенкин бирдан бошини кўтарди-да, деди:

— Демак, шундай, Мариночка... — Котибанинг кўлида шу заҳоти қалам ва қоғоз пайдо бўлди.

— Демак, шундай, — такрорлади Владимир Иванович: — Менга... хонамга... ҳозир... ароқ бир яшик.

— Ўзимизнинг ароқданми? — сўради Марина ёза туриб.

— Қанақаси бўлса ҳам майли, — деди Владимир Иванович ва кўшиб кўйди: — Сувдан, кўпроқ бўлсин... қанақаси бўлса ҳам, фақат газсиз... Ҳа, ҳалиги ичимлик сода, зардам қайнаб, қийнаворди... — У жим қолди.

— Бўлдими? — сўради Марина анча кутиб қолганидан тоқатсизланиб.  
Печенкин бошини кўтарди ва буюртмасига тузатиш киритди.  
— Йўқ, ароқ, яхшиси, икки яшиқ бўла қолсин...

### Ўттиз иккинчи боб

## ҲОЙ, КИМ БОР?

### 1

Барибир улар учирди. Ота ва бола Печенкинлар ўзларининг ошпоқ ва шинам “Фалькон”ида осмонга кўтарилишди. Бу энг бахтли, энг ширин дамлар эди уларнинг ҳаётларида! Бошлари узра тиниқ осмон қорайиб, кўм-кўк шиша тусини олди. Пастда эса буғдойзорлар олтин рангда товланаётир. Тепадаги ва пастдаги бу манзарадан кўз қувонар, дил яйрарди.

Улар йўлга ичимлик, егуликдан истаганча олишганди: стол устида аралаш-қуралаш бўлиб ҳолва, вобла балиғи, “Маймоқ айиқ” конфетлари, қайнатилган картошка ва нимтузланган бодринг, томатли кильки, пушти зефир, дудланган жўжа, мурабболи гўмма, яна алламбалолар ётарди. Тагин икки яшиқ пепси-кола ҳам олишганди. Ҳаво оқимига дуч келганда уларнинг енгил “Фалькон” тайёраси силкиниб қўяр, яшиқлардаги шишалар шиқирлаб кетарди.

— Учаямиз, Илюха! — бақирди ғолибона Владимир Иванович, — Учаямиз!

Улар учаётганди ва бу воқеанинг ҳақиқатлиги Печенкинларга шу қадар куч бағишлардики, борди-ю, шу топда улар ер билан осмоннинг ўрнини алмаштиришни хоҳлаб қолсалар, бу уларнинг кўлидан бемалол келарди. Лекин улар бошқа нарса ни хоҳлардилар. Илья бутунлай бошқа нарса ни истарди ва Владимир Иванович ўғлининг истагини яхши тушунарди. Чунки унинг ўзи ҳам шуни хоҳларди, лекин бунга олишдан уяларди. Бироқ бунга чидашга ҳам сабр-бардош етмади ва учувчи хонаси томон сўнги бор қараб қўйди-да, Владимир Иванович дадил амр этди:

— Кетдик!

Илья миннатдорлик билан отасига қараб қўйди.

Улар учувчи хонаси томон юрдилар. Ота ва бола бир-бирининг елкасига қўлларини қўйиб олишганди.

Чунки бизлар учувчилармиз!  
Осмон бизнинг асл уйимиз! —

баланд овоз билан, марш оҳангида куйлади ота, ўғил эса бахтиёрона кулиб борарди.

Ҳозир улар ўртасида юз бераётган нарса отанинг ўғлига севгиси эмас ва ўғилнинг отага муҳаббати эмасди, бу меҳр-муҳаббатдан кўра ортиқ эди. Бу — дўстлик, Владимир Иванович энг қадрлайдиган эркалар дўстлиги эди.

Учувчи Фриц ердагига нисбатан яна ҳам салобатли кўринди. Печенкинлар унинг бакуват, офтобда қорайган, сочлари тозалаб олинган бўйнига, қордай ошпоқ қоттон қўйлак кийган, кучли ва тилла пагон таққан кенг елкаларига ҳавас билан қараб туришди.

Уларнинг қараб турганини сезган Фриц бошини бурди ва ҳаммаси жойида дегандай жилмайиб қўйди.

— Менга қара, Фриц, биз нега келганимизни биласанми? — деди Владимир Иванович, — Илья рулни бир оз бошқарса бўладими?

Қулоқларига гўшак тутиб олган учувчи ҳеч нарса эшитмади, лекин уларнинг кўзларига қараб гап нимадалигини дарҳол тушунди ва қатъий рад этди.

— Nein! Nein!

Бунинг фойдаси йўқ эди, Владимир Иванович, ҳамдардлик билан ўғлига қаради ва бармоғи билан Фрицни кўрсатиб, Ильянинг қулоғига пичирлади:

— Фашист...

Илья тиржайди, аслида у унчалик хафа ҳам бўлмаганди.

— Maskau! — деди учувчи бирдан қўли билан пастга, ўнг томонга ишора қиларкан.

— Maskau! — ҳайрон бўлиб қувонди Владимир Иванович. — Maskau, дейсанми? Қараб тур, Maskau!

Ўз олдида йирик калибрли пулемёт турибди деб гумон қилиб Печенкин қўллари билан унинг тепкисини босиб, кўргани кўзи йўқ шаҳарга ўт оча бошлади.

— Та-да-да-да! Та-да-да-да-да-да!

Илья ҳам бу ўйинга дарҳол қўшилди, қўли билан пулемёт тасмасини узата бошлади.

Фриц эса куларди.

Лекин пулемёт ўқлари Москва учун филни чаққан чивинчалик ҳам таъсир қилмасди. Шунда Владимир Иванович буюрди:

— Бомба!

Илья дарҳол тушунди, бомбани қўли билан олди-да, отасига узатди. Владимир Иванович жуда жиддий қиёфада ундан ажал юкини қабул қилиб олди, бир кўзини қисганча уни бомбадонга жойлади.

— Фью-фью-фью-фью-фью, — дея чийиллаганича пастга тушиб кетди бомба.

Бомба ҳали Москвагача учиб боргани йўқ эди, бирдан кутилмаган даҳшатли портлаш юз берди. Дастлаб Владимир Иванович ўзининг боши портлади деб ўйлади.

Печенкин қоронғиликда бироз ётди-да, кейин кўзларини очди. Атроф қопқоронғи эди. Зимистон ва жимжитлик. Фақат қаердаир, телефон жиришларди. Зулмат даҳшат соларди, у ўрнидан туриб чироқни ёқиши кераклигини яхши тушунарди, лекин шундай қилишни хоҳламасди. Владимир Иванович яйраб керишди ва ҳузур қилиб жилмайди, у боши яхши ишлаётгани, танаси бақувват эканидан қувонди. Унинг ҳаётида ҳамма нарса аъло даражада эканидан, ҳали янада яхши бўлишини аниқ ҳис этарди. Аммо, агар ҳозир кимдир унинг дабдаласи чиққан идорасига кирсаю чироқни ёқса, деворда осийлик кўзгуни олиб, диванда ётган Печенкин устига энгашса борми, Владимир Иванович ҳайрон қолардигина эмас, балки сочлари тўзиб кетган, юзи қорайган, ияклари туртиб чиққан, бурни қизариб шишган, майда кўзлари йиринг бойлаган нотаниш одамни кўриб қўрқиб кетарди... Бироқ ҳеч ким кирмади, чироқни ёқмади, девордан кўзгуни олмади, шунинг учун ҳам у яхши биларди: ҳаммаси аъло даражада, ҳали янада яхши бўлади, лекин унинг шундай ўйлашига телефон жиришлари халақит берарди... Бу нарса Печенкиннинг жонига тегиб кетди, ўрнидан туриб, телефонлар турган стол ёнига бормоқчи бўлди. Лекин ўн икки балли шгорм денгизчини улоқтириб ташлагандай тўлқин уни қарши деворга олиб бориб урди. У худди денгиз қисқичбақаси сингари ён томонга ўрмалаб, қоронғида кўринмас стулларни, бўш шишаларни наридан-бери суриб, анча жойгача борди. Кутилмаганда бу воқеа Владимир Ивановичнинг кулгисини қистатди. У деворга суянганча ўз аҳволдан роса кулди. Телефон ҳамон жиришларди. Энди қаёққа юрсам: аввалига хонанинг чироғини ёқиш учун эшик томонгами, ёки телефон столга деб ўйлаб турди-да, дарҳол бир тўхтама келди.

— Ур-ра! — деб бақирди у ва худди ҳужумга ташлангандай югуриб столга етиб олди. Икки қўли билан столга суянганича тиричилаётган юрагининг тинчланишини кутди. Жигилдони қайнаб, томоғи ачиётганини ҳис қилди. Қўли билан шоша-пиша пайпаслаб стол чироғининг тутмасини топиб, уни ёқди, афтини буриштириб, целлофан ғилофдаги ичимлик сода таблеткаларидан бирини олиб кафтида эзди ва оғзига солиб карсиллатиб чайнаб, биллур идишдан сув қуйиб, ютоқиб ича бошлади. Кейин кекирди, бу худди ирриллашга ўхшаб чиқди.

Телефон тинимсиз жиришларди. Владимир Иванович кекириб-ириллаганича иш столи устида турган олти телефонни бирин-кетин кўтара бошлади:

— Мен! Р-р-р.

— Мен! Р-р-р.

— Мен!

Телефон эса жиринглашда давом этарди. Шундан сўнг Печенкин жиддий ўйлай бошлади. Ҳамма телефон жим турган бўлса, жиринглаётган қайси, ахир?! Ўйлаб туриб, қўлини пиджагининг чўнтагига тикди, сигарет олиб, чекиб, яхшилаб ўйлаб кўрмоқчи эди. Лекин қўлига сигарет ўрнига махфий қўл телефони илашиб чиқди. Вой лаънати-ей, шу экан-да, жиринглаган...

— Нилич? — ҳайрон бўлди Владимир Иванович Седойнинг овозини эшитиб, у тепадаги чироқни ёқиб учун эшик томон юрди. — Ҳа, ишляпман, бошқа нима ҳам қилишим мумкин. Саволинг қизиқ бўлди-ку. — Печенкин хафа бўлган оҳангда гапириб, чироқ ёққични босди. — Боришим керакми? Э, ўзинг келсанг-чи... Йўқ, яхшиси, ўзим бора қолай... Чунки бу ерда... кечаги кенгашдан кейин роса чекилиб ҳамма ёқ тутун бўлиб ётибди. — Владимир Иванович иш жойининг нега бунчалик хонавайрон бўлганига ҳайрон эди. — Ичишга бирор нарсанг борми?

У яланг оёқ эди, ҳузур қилиб бармоқларини қимирлатиб қўйди.

— Нима, меҳнат куним тамом бўлганидан кейин ичиш мумкинмасми? Йўқ, агар сенда ичимлик бўлмаса, боролмайман, хафа бўлма...

Оёғида пайпоғи йўқлиги-ку майли-я, пойабзали ҳеч қаерда кўринмаслиги қизиқ бўлди.

— Йўқ, ароқ бўлмайди, коньякка не етсин. Борми? Ҳа, ўзинг қаердасан ҳозир?... Қаерда? У ерда нима қилиб юрибсан ўзи?

Ботинкаси столда ётган экан.

— Ишляпсан? Қанақасига — ишляпсан? Эҳ, жин урсин! — Печенкин пешонасига шапатлаб, қулди: — Сени ишдан бўшатганим эсан кўтарилибди... Майли, ҳозир етиб бораман, сен қуйиб тур... Менга қара, бугун ўзи қайси кун? — бақирди у, лекин улгурмади, Нилич гўшакни қўйган эди.

Битта ботинкасини қўлига олиб, Владимир Иванович иккинчисини қидиришга тушди. Лекин бу ҳаракати бефойдалигини дарҳол тушунди-да, ботинкани бир четга улоқтириб, хонадан ялангоёқ чиқди.

Қабулхона бўмбўш эди, пастқам чарм диванда гижимланган катта жун рўмол турар, унинг устида аёллар сийнабанди ётарди. Владимир Иванович ишпайиб қўйди, лекин нима бўлганини сира эслолмади. Диван ёнида иккинчи ботинкаси ётарди, Печенкин уни алам билан тепиб юборди.

## 2

Идоранинг узун йўлаклари қоронғи ва жимжит эди.

— Ҳой, ким бор? — бақирди Владимир Иванович, кимдир жавоб беришига ишонқирамай. Ҳеч ким жавоб бермади.

— Одамлар қани? — сўради Печенкин ўзидан-ўзи ва елкаларини қисди.

Лифтлар ишламади. Йигирма қаватни пиёда тушиши керак эди.

— Майли, ҳарҳолда тушиш — чиқишдан осон-ку! — деди некбинлик билан Владимир Иванович ва шошиб зинадан туша бошлади. Пастда кўча чироқлари ёришиб турарди, бу унга далда берди ва у қувониб далил қадам ташларди.

— Ова-ра-ман! — дея қаттиқ ва тантанавор қуйлай бошлади Печенкин.

Лекин, у ерда, пастда мутлақо бирон жон йўқ эди. Бу ғашига тегар ва ҳатто кўрқитарди. Умуман, ҳозир Печенкинга ҳеч кимнинг кераги йўқ эди, лекин айнан ҳозир у одамларга муҳтож эди.

— Ова-ра-ман! — деди у, титроқ товуш билан ва тезликни оширди. Йўл-йўлакай қандайдир майда тошлар товонига ботар ва ғашига тегарди. Бу азобдан қуғулиш учун у тезроқ югуриши керак эди. Печенкин жадалроқ чопа бошлади. — Ова! Раман! Ова! Раман! Ова! Раман! Ова! Раман! — дер эди қадамига мос оҳангда. Бинонинг биринчи қавати унга нажот бўлиб кўринарди. Чунки идоранинг кўриқчи дарбонлари ўша ерда эди. Ўша ерда кўрсатма бериши, кийиниб олиши, бугун қайси кун, деб сўраши мумкин эди. — Ова! Ова! Ова! Раман! Раман! Раман!

Печенкин шу тахлитда биринчи қаватнинг фойесига тушиб келди. Бу ер ҳам жимжит эди. Лекин фавворанинг майин шовуллши эшитиларди. Владимир фавворанинг олдига югуриб бориб, қониб-қониб сув ичди, юз-кўзини ювди ва қаддини ростлаб, бақирди:



— Нима бало, ҳаммангни ишдан бўшатишимни хоҳлайсанларми?

Бироқ, бу дўқ-пўписага ҳам ҳеч ким жавоб бермади. Бирдан бинога кираверишдаги ойнаванд эшик нижирлади, Печенкин севиниб ўша ёққа қаради. Эшик очиқ турарди. У елвизакда тебранар эди. Владимир Иванович жунжикиб кетди. Эшик тепасидаги электрон соат жуда галати вақтни кўрсатди: 99.99. Буни кўриб Печенкин баттар даҳшатга тушди ва кўчага отилди.

Ташқарида, мрамар зиналардан югуриб пасга тушаркан, атрофга аланглади.

Тепада, осмонўпар бинонинг томида ҳеч нарса кўринмасди. Ўша туриши лозим бўлган нарсанинг ўзи ҳам йўқ эди. Бу эса уни даҳшатга солибгина қолмай, балки ўлдирад ҳам эди. Пастда, асфальтда тўхтаб, Печенкин тепага қаради. У ерда, юлдузсиз қора осмон остида компаниянинг номи ҳали ёнмаган эди. Ана қизил “П” ҳарфи ёнди, кейин “Е”, кейин “Ч”...

Владимир Иванович енгил нафас олди. Сўнги ҳарф ёнмай қолди. Натижада “П Е Ч Е Н К И” ҳосил бўлди, лекин энди бунинг аҳамияти йўқ эди. У елкаларини қисирлатиб тузатди-да, кимсасиз бўм-бўш кўчага хўжайинларча назар ташлаб, ўзининг “Мерседес”ига қараб юрди. Асфальт муздек экан, панжалари уюшди. Кўнгилсизлик давом этарди — рулёкни яна синдириб кетишибди. Бу унга ёмон таъсир қилди, энди кўтарилаётган кайфияти яна бузилди. Владимир Иванович шартта ортига бурилди-да, қалбини эзгучи бу манзарани кўрмаслик учун нари кетди.

Кўча бўйлаб ёлғиз юриш узоқ чўзилмади. Орқасида эски япон машинаси пайдо бўлди. Рули ўнг томонда, мусиқани ванг кўйиб келарди. Машина тезлигини камайтириб, у билан ёнма-ён юра бошлади. Унинг очиқ ойнасидан сочлари калта қилиб олдирилган иккита калла тиржайиб турарди.

Боягина жўш урган одамларни кўриш истаги ҳозир уни негадир қувонтирмади.

— Ҳой ҳариф, ботинкангни қаерга йўқотдинг? — Шўх бақирди улардан биғтаси.

Печенкин саволга жавоб бермади, у ҳатто эшитмагандек ўз йўлида давом этди.

— Ҳой ҳариф? — деди иккинчиси хафа бўлгандек. Лекин тиржайиб турарди.

— Ўтир, элтиб қўямиз! — дейишди улар.

Ўзини эшитмаганга олиш анча ноқулай эди, шунинг учун юзини уларга ўтириб, Владимир Иванович тушунтирди:

— Менинг пулим йўқ.

Тунги йўловчи улар билан гаплашганидан хурсанд бўлиб, иккови баравар бир-бирига гал бермай бидирлай кетишди.

— Бизга пулинг керакмас!

— Биз шундай элтиб қўямиз!

— Текинга!

Печенкин иккиланарди, қадамни гоҳ тезлатиб, гоҳ секинлатиб, ниҳоят тўхтади. Машина ҳам тўхтади. Ичидагилар Печенкинга уни тунги Придонск бўйлаб сайр қилдиришни умр бўйи орзу қилишгандек қараб туришарди.

— Бугун қанақа кун ўзи? — дадил сўради Печенкин.

Тиржайган каллалар ўйлаб қолишди ва бир-бирига қарашди. Афтидан, савол уларни шошириб кўйганди. Печенкин кўзини пирпиратиб жавоб кутарди. Уларнинг машинасига ўтирадими, йўқми ана шу жавобга боғлиқ эди. Машинадагилар бараварига хахолаб юборишди. Печенкин ишшайди ва ҳеч нарса бўлмагандай йўлида давом этди. Машина жойидан қимирламади. Ҳалиги йиғиларнинг қаҳқаҳалари эса Владимир Ивановичнинг кулоқлари тагида анча вақtgача жаранглаб турди.

### 3

Кенг ва гира-шира хонага Печенкин оғзи кулоғида, хўжайинларча кириб келди. Биринчи бўлиб Седойни учратди ва Владимир Иванович қаттиқ кучоқлади ва мастларча уни ўпиб, ялаб-юлқий бошлади. Ҳолбуки, Седойнинг у билан ўпишиш нияти асло йўқ эди. Афтидан, Седой Печенкин билан қаттиққўл, шафқатсиз бўлмоқчи эди, лекин собиқ хўжайинининг жозиба кучи

ва бақувват қўллари устунлик қилди ва у чорасиз, жилмайишдан бошқа илож қилолмади.

Иккинчи одам Придонск Федерал хавфсизлик хизмати бошқармаси бошлиғи Мелкий — кичиккина, рангсиз юзли киши эди. У қовоғини уйиб, кўришиш учун жонсиз қўлини узатди. Печенкин унинг қўлига қарсиллатиб панжа урди-да, олтмишинчи йилларда машҳур бўлган пастқамгина оромкурсига ўзини ташлади. У чарчаган оёқ бармоқларини зўр-базур қимирлатиб, вазиятни Ниличга тушунтира кетди:

— “Мерс”дан рулёкни яна синдириб кетишибди, лаънатилар...

Седой талвасада бош ирғади.

Бошлиқ ўтирган стол тепасидаги деворда Держинскийнинг мойбўёқда бор бўйича ишланган портрети осиглиқ турарди. Унга ошналарча кўз қисиб, Владимир Иванович изоҳ берди:

— Буни менинг қайнатам илиб кўйганлар. — Шу заҳоти қизиқсиниб сўради: — Хўш, йигитлар, бирор нарса ичамизми? Коньяк қани?

— Сенга қанақаси — француз коньягими? Ёки арман коньяги маъқулми? — кутилмаганда эшитилди орқасидан кучли овоз.

— Арманларники маъқул. Француз коньягини хуш кўрмайман, — деди Владимир Иванович ва гапираётган кишини кўриш учун ўтирган ерида орқасига ўтирилди. Олис қоронғи бурчакда пастгина стол ёнида сал олдинга энгашиб кекса киши ўтирарди. Унинг қарашлари бежо эди.

— Сенга арман коньяги, албатта, бўлади, — ваъда берди нотаниш киши, унинг ваъдасида пўписа ҳам бор эди.

Увоқ киши астагина кулди, Седой ийманибгина унга қўшилди. Печенкин ҳайрон бўлиб, аввал унисига, кейин бунисига нигоҳ ташларкан, ўзини тутиб туrolмади — кулиб юборди: очиқчасига, қаҳ-қаҳ уриб кулди. У узоқ кулди ва гира-шира хона соҳиблари чақирилган меҳмонни кулдиришанидан унчалик хурсанд эмасдилар.

— Бу — генерал... — таништирди нотаниш кишини Мелкий. — Атайлаб бутун Москвадан учиб келди...

Владимир Иванович генералнинг фамилиясини эшитолмади, лекин уни ҳозир бошқа нарса қизиқтирарди, шунинг учун сўради:

— Қайси куни учиб келди?

— Бугун, — деди қуруққина қилиб генерал.

Печенкин хўрсинди, ўрнидан даст турди, яланг оёқларини тапиллатиб генералнинг ёнига борди-да, ўзини таништирди:

— Печенкин.

— Печенкин, — деди генерал.

— Мен қаердадир эшитганман бу фамилияни... — ўйчан минғирлади Печенкин ва елкаси оша Седойга мурожаат қилди: — Нилич.

— Нилич эмас, Василий Нилович, — дея бақирди бирдан жазаваси тутиб Седой. — Василий Нилович!

Печенкин хафа бўлмади, лекин таъби тирриқ бўлди.

— Сенга нима бўлди, Нилич? — сўради у. — Ўзинг телефон қилиб: “Кел, коньяк ичамиз”, дединг, мана Москвадан атайлаб учиб келишибди... Сен бўлсанг бақирасан...

— Сизни кино томоша қилишни яхши кўради, дейишяпти? — баҳса аралашди генерал.

Владимир Иванович хаёлчан бошини эгди ва жавоб берди:

— Қанақалигига қараб...

— Айтайлик, мана бу сенга ёқади, — киноя қилди генерал ва ёнида турган видеонинг пультагини босди.

Тасвир оқ-қора, хира эди, яхшироқ кўриш учун яқинроқ борди. Унда биллур ибодатхона акс этганди. Унинг ёнида, берк дарвозалар олдида учтаси турибди. Улар суҳбатлашяпти, афтидан, баҳслашишаётганга ўхшайди, қўлларини силтаб-силтаб гаплашишяпти.

— Овози-чи? — сўради Владимир Иванович.

— Овози йўқ, — деди унинг орқасида турган федерал хавфсизлик хизмати бошқармаси бошлиғи.

- Илоҳа! — қувониб хитоб қилди Печенкин, учовлон орасида ўғлини таниб. — Ёнидаги ким? Уларни қаердадир кўрганман... Ким улар?
- Ҳамтовоқлари, — ғамгин жавоб берди генерал.
- Қораялоқ ва қисикқўз, — кўшимча қилди Мелкий ва кулди.
- Илья ибодатхона дарвозасидан ичкарига ниманидир отди-да, қочиб қолди. Ҳалиги иккаласи унинг орқасидан югуришди.
- Улар қаёққа чошиб кетишди? — қизиқди Владимир Иванович.
- Қаёққа эмас, қаердан. Улар ибодатхонани миналаштиришди, — тушунтирди генерал.
- Қайси ибодатхонани?
- Ҳалигини-да... — жавоб берди генерал.
- Биллур ибодатхонани, — деди Седой.
- Биллур ибодатхонани, — такрорлади генерал.
- Нега? — бўшашиб сўради Печенкин.
- Генерал елкаларини қисди:
- Тергов аниқтайди.
- Экран ўчди.
- Фильм тугади, — изоҳ берди Седой.
- Печенкин хўрсинди, жилмайди, жўнжикиб, қўлини бир-бирига ишқалади ва ёнида турганларга мурожаат қилди:
- Хўш, ичамизми, йўқми? Оёқларим совқотиб кетди-ку...
- Қанақа ўлчамдаги пойафзал киясан? — сўради кутилмаганда генерал.
- Қирқ учинчи, нимаиди?
- Генерал папкани столга, унинг устига қўлини қўйиб, Печенкиннинг кўзига тикилиб жиддий тушунтирди:
- Бу ерда барча зарур ҳужжатлар: учинч сертификати ва бошқалар. Шошилинч тарзда сен ўглинг билан учининг зарур... — Генерал жим қолди ва кўшиб қўйди: — Онангникага...
- Бу жиддийми ёки ҳазилми? — самимий сўради Печенкин.
- Ҳазилга бало борми, эртага бу ҳазилдан бутун Россия ларзага келади, — жавоб берди генерал норози оҳангда.
- Қани, қайтар-чи, нима дединг? — бақирди бирдан Владимир Иванович ва генералнинг пиджаги ёқасидан ушлаб ўзига тортди. Стол ағдарилди, ҳужжатлар сочилиб кетди, телевизор қулаб тушди ва иккига бўлинди. Генерал қўлларини Печенкиннинг елкаларига тираб, ундан ўзини бўшатиб олмоқчи бўлар, лекин бунинг улдасидан чиқолмасди.
- Қайтар, деяпман! — жон-жаҳди билан талаб қиларди Владимир Иванович.
- Эртага... бутун... Россия... — хирилларди генерал унинг қўйиб юбормаслигига кўзи етиб. Лекин Владимир Иванович ёқасини қўйвормас ва талаб қиларди:
- Қайтар, деяпман...
- Бир-бирини тушунмаётгани кўриниб турарди: Печенкин бошқа нарсани — онага тегишги гапни қайтаришни талаб қилар, генерал бўлса Россия ҳақидаги гапни деб ўйларди. Буни Седой ҳам, Мелкий ҳам тушунмасди. Улар Печенкиннинг тирсагига ёпишиб, генерални унинг чангалидан қутқармоқчи бўлишар, ҳар бири ўз дардини айтгарди.
- Нилич эмас, Василий Нилович, — эслатарди Седой.
- Телевизорни синдиришди, — деди Мелкий шикоят қилиб.
- Печенкин эса бир сўздан бошқасини эшитишни истамасди.
- Қайтар-чи! — талаб қиларди у.
- Эртага... бутун... Россия... — хирилларди генерал.
- Печенкин уни бўғиб қўйиши ҳеч гап эмасди.
- Яна айт-чи...
- Эртага... — генерал нафас ололмай қолди. Шунда Мелкий ёрдамга келди:
- Эртага бутун Россия ларзага келади.
- Эртага бутун Россия ларзага келади, — қўшилди Седой ҳам.
- Улар тўртовлон бир-бирига ёпишганча муҳим ҳужжатларни топташар, телевизор деталларини эзилашар, гўё қандайдир эркакча рақсни ижро этишарди.

— Эртага бутун Россия дарзага келади...  
 — Эртага бутун Россия дарзага келади...  
 — Эртага бутун Россия дарзага келади, — такрорлади Печенкин ҳам ва бирдан генерални қўйиб юборди. У бўйинини у ёқ-бу ёққа бурди, йўталиб олди, пиджагини тўғрилади ва Владимир Ивановичнинг юзига кескин, моҳирона мушт туширди. Печенкиннинг ияги ва кўкси қора қонга бўялди. У энгашиб, оқаётган қонга ҳовучини тудди.

Генерал яна бир бор пиджагини тузатди-да, Седойга мурожаат қилди.

— Оёғингни ўлчами нечанчи?

— Қирқ биринчи, — деди Седой.

— Сеники-чи?

— Ўтгиз тўққиз, — деди Мелкий негадир қўрқиб; генерал қўлини силтади, ерга ўтириб, ботинкасининг ипини еча бошлади.

### Ўттиз учинчи боб

## МЕН ЯНГИ ҚЎШИҚ ТЎҚИДИМ

### 1

Печенкин-ота ўз ишхонасидан чиқмай йўқ бўлиб кетган ўша кунларда Печенкин-ўғил ҳам ўз чордоғидан чиқмай қолиб кетарди. Илья учун мазали, фойдали, хилма-хил овқатларни ўша ерга олиб келишарди, лекин у бундай емакларни рад этиб, буvasининг қуритилган нонлари ва пепси-кола билан чекланарди. Ўзини ўлдиришга уринишдан кейин бу ёш йигитда ҳаётга ташналик жўш урди: у қарийб ухлмас, ҳали Ленин асарларини овоз чиқариб ўқир, ҳали буvasининг қўшиқлар дафтаридан инқилобий ашулаларни ёдлаб, ижро этар, ҳали нималардир ёзар ва кулиб, уларни йиртиб ташларди. Умуман, у жуда кўп куларди, ҳатто Ленинни ўқиганда ҳам кулаверарди. Айниқса, Ильяни негадир дохийнинг “Социализм ва дин” асаридаги ушбу сўзлар кўпроқ кулдирарди: “Биз черковни давлатдан бутунлай ажратишни талаб қиламиз. Диний туманга қарши тоза гоё ва фақат гоёвий қурол билан, матбуотимиз, сўзимиз билан курашишимиз керак”. Бу жумлаларни у қайта-қайта ўқир ва ҳамиша қаҳ-қаҳ урарди.

Оқшомларнинг бирида, қоронғи тушгач, у қизил швейцария курткасини, тор шимини, масхарабоз ботинкасини кийиб олди: қоровуллар эътиборини тортмаслик учун панжарадан ошиб тушди, йўловчи машинани тўхтатиб Придонскка жўнади. Мўъжазгина юк машинаси кабинасида йўл бўйидаги симёғочларга қараб бораркан Илья қўшиқ айта бошлади, аввал ўзи ҳақида кўйлади, кейин ҳайдовчини ҳайратга солмаслик учун бир кун уларнинг уйда машхур дирижёр бошқарувида оркестр ижро этган куйни чалабошлади:

Ту-у-ду-у, ду-ду-ду

Ту-ду-ду-ду, Ту-ду-ду-ду-ду-ду...

Ҳайдовчи ҳам унга жўр бўлди:

Ту-ри-ру-ри-ру

Ту-ри-ру-ри-ру...

То Придонскка етгунча улар Дунаевскийнинг “Ўн беш ёшли капитан” фильмига ёзган увертюрасини айтиб бордилар ва дўстлашиб кейин ажралдилар.

Придонскда Илья биринчи бўлиб Воровский боғига борди, ўша бир вақтлар ўтирган скамейкага бориб ўтирди. Худди шу ерда орқадан яшириниб келиб, Анжела Девис унга тўшпонча ўқталган эди. Кечаси Воровский боғида ёлғиз юриш унча хавфсиз эмасди. Лекин негадир Илья сира қўрқмас, аксинча нега ҳеч ким хуруж қилмаяпти деб ҳайрон бўларди. Қанча ўтирмасин, унинг ёнига ҳеч ким келмади ҳам, пўписа қилмади ҳам. Роса совқотанидан сўнг Илья

ўрнидан туриб “Макдональдс”га йўл олди. Йўл-йўлакай гоҳ унинг тиши тақирлаб, гоҳ куйлаб борарди.

Ту-у-ду-у-ду-ду-ду...

“Макдональдс”да у уч-тўртта гамбургерни паққос туширди, учта катта стаканда қулушнайли коктейл ичди. Бундан баттар совқотди.

Уй-жойлардан фойдаланиш идораси, яъни фахрийлар кенгаши берк эди, Анжела Дэвис ўқиётган мактабнинг бирорта деразасида чироқ кўринмасди.

Вокзал қошидаги бозорчада кавказликлар дилдираб ўтиришарди. Илья улардан корейс сабзиси сотиб юрган корейс болани суришпирди. Улар кулишиб: “корейс уйланди” дейишди. Илья ҳам кулиб юборди.

Шундан кейин у Завод майдонига йўл олди. Майдон бўм-бўш ва совуқ эди. Совуқ шамол чанг асфальт бўйлаб шишган целлофан халтани учуриб ўйнади. Биллур ибодатхона хира ёришиб турарди. Кўллари керткаси чўнтагига яширган Илья қалтираганича Ленин ҳайкали қошига келди, бурнини тортиб кўйди-да, шоҳсурага қараб, деди:

— Ҳаммасига сен айбдорсан, ҳаммасини сен расво қилдинг...

У бу сўзларни секин, эҳтиёткорона, айбдорларча айтди ва тош доҳийга бошини кўтариб қарамасдан, шоҳсура теварагида айлана бошлади. У шу куйи кўллари орақасига қилганича айланаркан бор овоз билан, дадил гапира кетди:

— Ҳаммасига сен айбдорсан! Ҳаммасини сен расво қилдинг! “Биз черковни давлатдан бутунлай ажратишни талаб қиламиз. Диний туманга қарши тоза гоҳ... Тоза гоҳ? Динни мурда авраш деб атаган ким? Попни отгириш учун юз минг рубл тўлаган ким? Энди бўлса бирданга — “тоза гоҳ” эмиш... Ё тактиками бу? Биламан мен бу тактикани — даҳшатга айланди. Борди-ю, У бор бўлса-чи? Мана сенинг бор “тоза гоҳанг”. Коммунист — маҳкум одам эканидан кўрқиб кетдингми? Шунинг учун ҳам Сталинни, ўша либерал ва ландовурни бош котиб қилди. Ахир биз Сталиннинг либерал ва ландовур эканини яхши биламиз-ку... қолганлар ҳақида, кейин бўлганлар тўғрисида ўйлаш — алҳазар! Қилиш мумкин бўлган барча хатоларни қилишди. Тамом! Мен ҳам ўша хатолар ғазнасига мис мирини кўшиб кўйдим КЯЖ — утопия, хомхаёл! Яккадан умумга қараб эмас, аксинча бориш керак эди... Бу менинг мамлакатим! Бу керак эди... Бу менинг мамлакатим! Бу менинг халқим! Бу ердагиларнинг ҳаммаси — коммунист, фақат улар буни эрдан чиқариб юборишди. Уларни буни эшлашга мажбур қилиш лозим. Қандай қилиб? Мен биламан қандайлигини. — Илья кулди. — Бу жуда оддий. Бойлардан пулни тортиб олиб камбағалларга бўлиб бериш керак эмас — аксинча! Камбағалнинг борини тортиб олиш учун бойларга ёрдам бериш керак. Ана шунда улар бизнинг орқамиздан эргашади! Миллий масала... Руслар, корейслар ва занжилар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ деб айтиш керакмас. Лекин русларга улар ҳаммадан яхши, корейслар — улар, занжиларга улар ҳаммадан яхши дейиш керак... Шунда улар ўзаро урушадилар ва кейин бизга эргашадилар!

Ильянинг бадани қизиди, у ҳатто исиб кетди. У доҳийнинг тош сиймосига қараб гапирар, борган сари ишонч билан, баланд овозда ҳайқирарди.

— Тақиқлаш керакмас, йўл кўйиб бориш лозим! Ҳамма нарса мумкин! Ҳар бирига юз минг рублдан тўлаб попларни отгириш шарт эмас. Черковга қарши “тоза гоҳ” билан курашишнинг кераги йўқ. Уларни боқиб, қорнини тўйдириш лозим, иблис бутхоналарини кўриш керак, курганда ҳам халқнинг сўнги пули ҳисобига биллурдан, тилладан, тўғри келган нарсдан қуриб ташлайвериш керак — токи халқнинг улардан ихлоси қолмасин, уларни хонавайрон қилган ибодатхоналарни... Шунда улар бизники бўлади, ҳамма-ҳаммаси бараварига! Мен ўша аҳмоқона ўйинчоқ портлатгични у ёққа ташлашим керак эмасди, — Илья қўли билан ибодатхонани кўрсатди. — Балки мана бу ёққа итқитишим зарур эди! — у бармоғини Ленинга ниқтади. — Ўша ёлғондакам бомбани эмас, албатта, балки ростакамини, килограммгача эквивалентини, хо-хо, оёқлари орасига боғлаш... Токи шундай портласинки, майда-майда бўлиб кетсин! Токи вайрона ва култепага айлансин! Ана шунда

ҳамма сенга югуриб келади. Чунки улар вайроналар ва култгелаларни яхши кўришади...

Орқа томонда қаттиқ портлашни эшитиб Илья ўша томонга ўтирибди. Унинг кўзи биллур ибодатхона устида қўтарилиб қоронғиликка сингиб кетаётган пушти ранг булутга тушди. Биллур тахталардан иборат ибодатхона деворлари асфальтга тушиб, майдаланиб, атрофга сачрарди. Бинонинг энг тепасида турган зарли биллур хоч таянчсиз қолиб, бир зумга ҳавода муаллақ турди-да, пастга пўнғиди...

Илья ўз кўзларига ишонмай кулиб юборди ва воқеа содир бўлган томонга бурилди, лекин кучли ва илиқ, ширин исли портлаш тўлқини уни тўхташга, тисланишга ва орқага қочишга мажбур қилди... Қочаётиб икки бор орқасига ўтирилиб қаради ва биринчи бор у ерда оқ тутунни кўрди, иккинчи бор эса — сариқ аланга кўзга ташланди. Илья кулди-да, машина карнайидан огоҳлантиргандек давом этди:

Ту-у-ду-ду-ду-ду...

У кўр, кар ва соқов Придонск бўйлаб шошилмай, лекин қаддини тик тутанча чошиб борарди. Оёқлари ва қўлларини бир маромда ишлатиб—мағрур югурарди, мағрур ва бахтиёр: балки қувончли хабар олиб бораётган биринчи чопар ҳам шундай югургандир; Илья ҳам энди ниманидир билар — эзгу хабар унинг қалбини қувонтирган, куч ато этганди.

## 2

Анжела Дэвис сесканиб кўзини очди.

— Нима бўлди? — сўради Ким.

— Аллақандай туш кўрдим, — деди Анжела.

— Ухла...

— Мен ухлаб бўлдим...

Анжела Дэвис Кимга қараб жилмайди.

Унинг боши йигитнинг яланғоч елкасида эди. Улар Анжела Дэвиснинг уйида, унинг диван-каравотида ётишарди.

— Сен ухладингми? — сўради Анжела Дэвис.

— Йўқ. — Ким шундай оҳангда жавоб бердики, саволи учун қиз уялиб кетди. Йигит ухламаганди, чунки қиз ухлаётганда унинг ухлашга ҳаққи йўқ эди. Унинг маҳрига эркаклик масъулияти тушган эди. Шу боисдан ҳам у ҳозирданоқ масъулият юкини бўйнига олган ва ухламасликка аҳд қилганди.

— Мен кўздан бери сендан бир нарсани сўрамоқчиман-у, лекин тортинаяпман... Сенинг ҳақиқий исминг нима? — сўради Ким.

— Ҳақиқийсими?

— Ҳа.

— Иманга Квами Нкомо-Нкомо.

Йигит ҳайратдан лол қолди.

Қиз секингина кулиб юборди.

— Агар русчага ўгирса-чи? — торгиниб сўради йигит.

— Агар русча бўлсами, Зина дейилади.

— Зина? — севинди йигит. — Зина — шу холосми? Фақат Зина. Шундайми? Ахир, бу мен энг яхши кўрган исм-ку! Менинг ойимнинг исми ҳам Зина!

— Ана холос... — Қиз уялинқираб жилмайди.

— Менинг исмим эса Коля! Сенга ёқадими?

— Ким яхшироқ? — ҳазиллашди қиз.

— Мен — Коля, — деди у қатъий.

Зина ҳам шунга кўнди ва унинг исмини ёқтириб қолди.

— Биласанми, сен ухлаётганимда мен нимани ўйладим? — деди у, бир оз жим қолиб кўшиб кўйди. — Иккаламизнинг ўртамизда муштараклик кўп...

Қиз жилмайди, ҳатто кулмоқчи ҳам бўлди, лекин унинг кўзлари жиддийлигини кўриб, ўзини тийди.

— Менинг отам рус, сенинг онанг... — давом этди йигит.

- Хўш?
- Менинг отам рус, сенинг онанг ҳам, — такрорлади йигит.
- Хўш? Хўш? — қиз негадир асабийлашди.
- Агар биз фарзанд кўрсак, у бутунлай рус бўлади, — дея хулоса қилди

Коля.

Улар ётган хона бирдан ёришиб кетди, у қуёшли кундагидан ҳам анча ёруғ эди.

— Нима бу? — ҳайрон бўлиб сўради қиз ва кафтлари билан кўзларини беркиди.

Гарчи Колянинг ўзи ҳам нима эканлигини билмаса-да, жавоб бермоқчи бўлди, чунки у энди хотинининг ҳамма саволига жавоб бериши керак эди ва эндигина оғиз жуфтлаган эди ҳамки, хонага қандайдир шиддатли куч урилди, эшик кўпорилиб ойналар чил-чил бўлди. Улар ётган жойга гувиллаб, даҳшатли шовқин солиб улкан темир бўлаклари бостириб кела бошлади. Унга қарши туриш бемаънилик эди, бўйсунган маъқул бўларди, борди-ю, Коля бир ўзи бўлганида, шундай қиларди ҳам, лекин у ёлғиз эмасди, ёнида аёл киши бор эди, бутун умрлик ягона, севикли аёл... ва Коля ўрнидан сакраб туришга, жанговар ҳолатга киришга ҳамда қичқирришга улгурди:

— Ки-я!

Қандайдир темир буюм келиб қулоғига урилди ва ҳаммаси тугади...

### 3

Ҳали тонг отмаган, ваҳимали сукунат ҳукмрон бўлса ҳам, Завод майдони одамлар билан гавжум эди, улар ҳар тарафдан оқиб келарди. Атроф жимжит эди, фақат оёқлар остида биллур парчалари гичирларди. Қандайдир кампир худди жанозадагидай уввос солди:

— Ким-га таш-лаб кет-динг биз-лар-ни!

Феесбенинг<sup>1</sup> қора “Волга”си милиция қуршовини қаршиликсиз ёриб ўтди-да, ҳалокатнинг марказида тўхтади. Печенкин машинадан зўрға чиқа бошлади. Уни дарҳол танишди.

— Печенкин!

— Кўргани ўзи келибди...

Владимир Иванович, ниҳоят, машинадан чиқиб олди, атрофга аланглади. Ибодатхона ўрнида йўқ эди. Асфальтга сачраган биллур парчалар оёқ остида гичирлар, худди муз бўлақларидай милиция машиналарининг жимир-жимир ёруғларини қайтарарди. Аёлларникига ўхшаш тўла юзли милиционер шинелининг енги билан ис бостан санамни артиб, тозалади.

— Иисус Христосми ёки бошқа бировми, тушунмаяпман, — деди у ва санамни хўжайинга узатди.

Печенкин юзини ўгирди ва нигоҳи қоронғиликда савлат тўкиб турган Ленинга тушди.

— Ё тавба, халқни қаранг, халқни, — деди ҳалиги милиционер. — Жойида турганида ҳеч кимга керак эмасди, қулаб тушиши билан ҳамма югуриб келди...

Печенкин бир амаллаб, ҳайкалдан кўзини узди-да, машинага ўтирди.

### 4

Тунда ёрқин ёритилган кўримсизгина икки қаватли ёғоч уй кутилмаганда чиройли, ҳатто ўрта асрлар қасрини ёки кемани эслатувчи ҳашаматли бинодек кўришиб кетди. Иккинчи қаватдаги ромсиз деразадан елвизак шиширган парда елкан каби шишиб турарди.

Ёруғ тушиб турган бошқа деразалар ичкарасида одам яшаётганга ўхшарди. Бир хиллари ўз курсиларида елкаларини осилтирганча вазиятга бўйсуниб, сабрнинг таги олгин дегандай жим ўтиришар, бошқалари ўзларини хўжалик ишлари билан банддай кўрсатиб, идиш-товоқларини ювишар, чой дамлашарди.

<sup>1</sup> Ф С Б — Федерал хавфсизлик хизмати.

Учинчилари эса — майка ва трусиклардаги эркаклар, ички кўйлактаги аёллар нима бўлганини тушунмай ўз ётоқларида наридан-бери югуришар, ойнадан кўчада содир бўлаётганларни кўрмоқчи бўлишар, лекин ёруғдан кўзлари қамашиб, орқага тисарилишарди. Тахта уй-баракнинг ичида шовқин: аёллар йиғлар, эркаклар сўкинар, болалар чирқирарди. Ташқарида ҳам шовқин, лекин бу бошқача, тарақ-туруқ, қаср-қусур — темирлар шовқини эди. Агар баракда тоғора ва товаларни ҳисобга олмаганда темир қарийб йўқ эди — фақат кўрпача ва инсон зоти уймалашган бўлса, ташқаридан уларни ҳар тарафдан темир-терсак ўраб турарди. У ерда — чироқлари ёқилган усти ёпиқ ҳарбий машиналар, майда панжарали омончилар улови, кўк-сарик милиция машиналари бир-бирига тақаб кўйилганди. Улар орасида фақат кўзлари очик ниқоб ва махсус қора кийимда, елкасига автомат ва узун мерган милтиқ осиб олган омончилар, кинокамерали телевизорчилар, бронжилетли милиционерлар уймалашиб юришарди. Курол-яроғлар шарақ-шуруғи, рацияларнинг чағир-чуғури аралашиб гайриоддий бир шовқин ҳосил қиларди.

— Нима, бу ерда кинога олишяптими? — баланд “оқсуяклик” овозида сўради атрофдагилардан кучукча кўтариб олган кампир.

— Кинофильм, бувижон, кинофильм, — киноя билан жавоб қилди ёнида турган милиционер.

— Қарагин, Долли, бу ерда кинога олишаётган экан. Бир вақтлар мен ҳам Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўрғазмаси саҳнасида кинога тушганман — “Чўчқабоқар ва чўпон” дейиларди ўша фильм. Жуда ажойиб бўлган эди, — деди тантанавор кампир.

Бу жараёнга қад-қомати келишган, башанг кийимли Ладний деган йигит раҳбарлик қиларди. У “Уазик”нинг зинасида турганича бир қўли билан машинанинг очик эшигидан ушлаб, иккинчи қўлидаги рацияга гапирарди:

— Костик, у ерда нима гап? Кийинтираяпсизларми? Ҳа, ҳаммаси яхши кўринишда бўлсин...

Йигит атрофдагиларни ўзига жалб қиларди. Илья ҳам унга қараб, жилмайиб турарди.

— Бу ким, режиссёрми? — яна сўради кампир.

— Режиссёр, бувижон, режиссёр, — жавоб берди милиционер.

— Карагин, Долли, бу режиссёр экан!

Кампирнинг гапини эшитишарди, лекин унга ҳеч ким қарамасди. Чунки ҳамма пардаси пишиб турган деразадан ва баракнинг ночор фанер эшигидан кўз узмасди. Барча ўша ердан ниманидир кутишарди.

— Жилғача! — деди Ладний кутилмаганда ва темир тўдалан йигирматача омонч ажралиб чиқиб икки қатор бўлиб саф тортишди ва автоматлари ҳамда милтиқларини отишга шайлаб туришди.

— Шовқин солманглар! — деди Ладний ва ҳамма жимиб қолди, ҳатто баракдаги болалар ҳам йиғлашдан тўхташди.

Ладнийнинг чехраси илҳом билан ёришди.

— Қани, кетдик! — эълон қилди у қувониб ва юқорида, иккинчи қаватда ноғораларнинг “тра-та-та”си янгради. Бир неча дақиқа ичида пастга тушиб, янграётган ноғораларнинг “тра-та-та”си момақалдироқ гулдирагига айланди, эшиклар шиддат билан очилди ва чарақлаб турган ошпоқ ёруғ оқимида Ким билан Анжела Дэвис тўхтаб, қотиб қолишди. Айнан уларнинг чиқиши эълон қилинган ва тантанавор уюштирилган эди. Энди улар болаларнинг “жилғача” ўйинини ижро этишлари — иккаласи биргаликда икки соҳили автомат ушлаган қора кийимли омончилардан иборат тор ўзан бўйлаб сузишлари лозим эди.

— Олга, қадрдонларим! — далда берди Ладний ва ўзи уларга пешвоз чиқди.

Илья жилмайганча унга эргашди.

Ким билан Анжела Дэвис одимлай бошлашди: бир-икки-уч, бир-икки-уч абжаги чиққан пианино уларга жўр бўлди: пам-пари-рам, пам-пари-рам. Тўртта “омончи” уларнинг қўлларидан маҳкам тутанча ассистентлик қилишарди. Улар эса юриб боришарди, юриб эмас, учиб боришарди. Чунки оёқлари ерга тегмасди — худди балетдагидек, — қарийб яланғоч, фақат билакларидан темир билакузуклар. Шубҳасиз, бу Анжела Дэвиснинг энг олий дамлари, ҳаётининг энг тантанали онлари эди: у ўзининг жингалак сочли бошини мағрур кўтариб,



тиржайиб борарди. Ким ўз ролини унчалик эплотмасди: боши осилиб тушар, қулогидан оқдётган қон бўйин чуқурчасида тўпланиб қолиб, у ердан кўкси бўйлаб пастга, киндигига ўрмаларди...

Ладний уларга эркалаб ва миннатдорона қарарди.

Улар ўз жилғачаларидан тез сузиб ўтдилар, жуда тез. Илья бирдан кеч қолганини тушунди ва олдинга ташланди, лекин унинг сафдошларини эшиги очиқ турган махсус машиналарга ирғитиб улгурдилар, ҳар бирини алоҳида-алоҳида.

Шунда Илья улар эшитсин деб баланд овозда қичқириш учун оғиз жуфтлади ва бирдан ёнида турган “омончи”нинг гапини эшитиб қолди:

— Гайриуслар ниҳоят ҳаддидан ошди...

Бу сўзлар Ильяни ҳайратга солди — йўқ, уларнинг маъноси эмас, балки буни қаердадир эшитгани ажаблантирди уни. У бу гапни айтган одамга қаради ва “омончи” ниқобининг тиртигидан мовий кўзларни кўрди. “Омончи” ҳам унга ҳайратланиб қараб турарди. Илья уни эслади ва кўзларини олиб қочди.

— Хўш, салом. Аҳволлар қалай? — худди эски қадрдон ошнасидек мурожаат қилди унга Ладний. У жилмайди, унга жавобан Илья ҳам тиржайди, Ладнийнинг кўзига қараб нажот сўрагандай бўлди.

— Бўлди, дўстим, бўлди, юрак ором истайди, — деди Ладний юмшоқ, ёқимли, меҳрибон овозда ва Ильянинг елкасига қоқиб қўйди.

Бутун борлиги билан шу одам таъсирига тушиб қолган Илья унинг кўзларига диққат билан тикилди. У нега бу киши Илья билан шундай гаплашяпти, уни биладими ёки улар яхши танишмилар?

— Хўш? — сўради Ладний уни шошириб, лекин Илья қалқиб кетди ва елкаси билан темирга суяниб қолди, энди ҳеч қаёққа кетолмаслигини яхши тушунди ва қўлини силтаб гапира кетди.

— Non timeo te, rex male Porsena!

— Нима? — тушунмади Ладний ва ҳайрон қолди.

— Tu me timere non potest, sed mortem mortis andores timent, — дадил давом этди Илья.

— Нима-нима? — кулди Ладний. У гўё ўз қулоқларига ишонмаёттанди. — Бу қайси тилда ўзи? Инглиш, фрэнч, дойч?

— Mortem non timeo — et cum dictis eis manum adulescens in cibum ardentem demisit! — Бу сўзларни Илья тантанали, бор овоз билан айтди — ўшанда отасининг талаби билан Дон бўйида айтганидан анча яхши айтди. Лекин бирдан Ладний унга қизиқмай қўйди, Ильяга сўнги бор қараб қўйди, ҳамдардлик билан жилмайди ва ёнидаги омончига буюрди:

— Биласанми, нима... Манавини хув, буталар ёнига олиб бор-да, бир-икки тарсаки тушириб, ҳайдаб юбор.

Ладний шундай деди-да, “Уазик”ка сакраб чиқди ва жўнаб кетди. Атроф темирлар шарақ-шуруғи ва моторлар гуриллаши билан тўлиб кетганини Илья шундагини эшитди. Кўз олди қороғилашди, нафас олиши қийинлашди.

“Омончи” Ильяга хўмрайиб қаради, елкасидан тутди ва қайириб олди-да, зулмат кўйнига итариб юборди. Илья қалқиб кетаётиб ярим ўгирилди-да, жилмайиб, тушунтиришга уринди:

— I'm an American citizen. I'm George Miseri, a businessman. I'm here to help you with the reforms<sup>1</sup>.

Бунга жавобан, “омончи” мерган милтигининг ўткир учи билан унинг орқасига туртди. Илья яна бир неча қадам юрди, зимзийё қоронғида у ҳеч нарсани кўрмасди. У яна тушунтиришга уринди:

— Je suis étranger. Je suis Français. Je suis le correspondant du magazine “L' Express”, Je m'appele Patrik Lessage.. J'ai arrive pour ecrire l'article sur Les reformes ekonomiquesen Russie<sup>2</sup>.

Шунда Илья бақирди, ҳаммага эшиттириб ўзи ҳам шу бугунгина ишонган эзгу хабарни жар солди:

<sup>1</sup> Мен Америка фуқаросиман. Мен бизнесчи Жорж Мизериман. Мен ислоҳотларни амалга оширишда сизларга ёрдам бергани келдим (ингл.).

<sup>2</sup> Мен ажнабийман. Мен Французман. Мен “Экспресс” журналининг муҳбириман. Менинг исмиим Патрик Лессаж. Мен бу ерга Россиядаги иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар тўғрисида мақола ёзиш учун келганман (франц.).

— У бор!!! — деб бақирди. Илья, лекин орқасидан даҳшатли ҳарбий ботинкадан шундай кучли тепки едики, сўз ва ҳарфлар қоришиб кетди: Б-ор-р!!!

Атрофдагилар чинқириқни эшитишди, лекин ҳеч нарса тушунишмади — кўркув ва оғриқ оҳанги сўз маъносини кўмиб кетди.

Шу тариқа Илья бир неча метрга учиб тушди ва уриниб-суриниб, қўллари билан оғриётган орқасини чангаллаганича қороғилиқда ғойиб бўлди.

Қаердадир олисда, кўз илғамас қўндоқларда хўрозларнинг бўғиқ “Қу-ку-ку-у”си қулоққа чалинди.

## 5

— Тўхта-чи! — қувониб қичқирди Владимир Иванович беш қаватли уйнинг бурчақдаги деразасида ёруғни кўриб. Машинадан отилиб чиқди-да, жадал юқори кўтарилди. Лекин бу осон бўлмади: юраги қинидан чиқиб кетай дер, генерал ботинкалари оёғидан тушиб кетишига сал қолди.

Печенкин фанер эшик олдида тўхтаб қолди, нафасини ичига ютиб қулоқ солди.

Ичкаридан гитаранинг тинғирлаши эшитиларди. Эшик қулфланмаган эди. Владимир Иванович уни астагина итарди-да, ичкари кирди.

Ҳаммаси ҳамишагидай эди: Геля пасткам диван-кат устида ёнбошлаганча гитара чаларди. Печенкин жилмайиб, курсига ўтириб дам олди. Кат ёнидаги уч оёқли пасттина столчада арақ шишаси, қадаҳ, тузланган бодринг, колбаса, нон турарди.

Ҳаммаси ҳамишагидай эди: яна ўша ранги ўчган брижа чолвор, камар билан боғланган эски халат.

— Ҳа, Печенкин, — саломлашди Геля меҳмон билан, бир зумга гитарадан кўзини олиб.

— Учиб кетаяпман, — деди Владимир Иванович.

Геля бош ирғади, унга қарамай.

— Олисга, — кўшиб қўйди Печенкин.

Геля яна бош ирғади.

— Анча узоқ вақтга, — сўзини тугатди у.

Геля хўрсинди, гитарани бир четга қўйиб, қадаҳга ароқ куйди.

Печенкин сесканиб, ижирганиб қўйди.

— Қўринишинг чатоқ, — деди Геля. — Касал эмасмисан?

— Йўқ, — жавоб берди у.

— Бурнинг нега қизарган?

— Шамоллаб қолдим.

— Тагин йўқ дейсан-а, узиб олди Геля ва қадаҳни кўтариб, қувноқ кўшиб қўйди: — Яхудиёлар айтгандай: — лэ хаим — ҳаёт учун! — у чаққонлик билан ароқни қултилатиб ютди-да, қарсиллатиб бодринг тишлади.

— Менга қара, бутун қайси кун ўзи? — сўради Владимир Иванович.

— Кун? — Геля ўйлаб қолди ва такрорлади: — Қайси кун... Қўлига гитарани олиб чала кетди. Афтидан “кун” сўзи унинг гашига тегди. Гитарани чертишда давом этди.

— Володька қани? — кўрқиб сўради Печенкин. Гелянинг ҳомиласи йўқлигини у эндигина тушунган эди.

Геля қувончдан чақнаб турган кўзларини унга тикди ва деди:

— Мен бўлсам янги кўшиқ тўқидим. “Кетиб қолди кичкина одам” деб аталади.

Владимир Иванович ўрнидан туриб деразага ўтирилди. Придонск устида қизил ҳарфларда ёзилган даҳшатли ПЕЧЕНКИН сўзлари осилиб турарди.

Аёл ўзининг янги ашуласини айтиб беришни таклиф этмади, эркак эса сўраб ҳам ўтирмади, индамай чиқиб кетди.

*Ўттиз тўртинчи боб***ҲАММАСИ ЖОЙИДА****1**

Қандайдир узундан-узун кеча эди, негадир сира тугамасди бу тун...

Печенкин “Волга”дан шошилиб чиқди-да, югуриб қоровуллар уйчасига кирди. Дўмбоққина яланғоч аёл ўзини нариги хонага урди. Қоровул шимининг тугмаларини қадаганича унга пешвоз чиқди. Унинг афт-башараси ичаверганидан шишиб кетганди — афтидан, хўжайин йўқлигида хизматкорлар вақтни бекор ўтказишмаганди.

— Қани Илья? — жаҳл билан сўради Печенкин.

— Илья? — сўради қоровул.

Владимир Иванович ичида сўкинганча кўрғон ҳудудига шошилди. У ер жимжит ва қоронғи эди. Қандайдир кичкина, ночор кимса ҳув олисда қочиб борарди.

— Илья? — чақирди Владимир Иванович. Ҳа, бу Илья эди. Печенкин севиниб жилмайди, қўлини кўтарди-да, бақирди: — Учамиз, Илоха.

Илья тўхтади, ўгирилиб отасига қаради ва югуришда давом этди. У “Октябрь” кинотеатри томон чопаётганди.

**2**

Владимир Иванович қоронғи фойега кирди, қўли билан пайпаслаб чироқ ёққичларни топди, чиқиллатиб кўрди. Лекин негадир ёнмади. У жим туриб қулоқ солди, залдаги фанер ўриндиқлар гичирлаганини эшитди. Кўча қоронғи эди, фойе янада қоронғи, зал эса бутунлай зимистон эди.

— Илья, — чақирди Печенкин, — шу ердამисан?

Ўгли жавоб бермади.

Владимир Иванович хайрлашаётгандай залга назар ташлади — худди сувга шўнгиш олдидан ҳаво ютгандай чуқур нафас олди-да, зал зулматига кирди. Худди кўрга ўхшаб қўлларини олдинга чўзганича, оёқларини олға қўя бошлади. У энг чеккадаги оромкурсига бир амаллаб етиб олди-да, унга ўтириб енгил нафас олди.

— Қани, Ноил, бура-чи ўз тарақ-туруғингни! Бизларга, биласанми, кетиш жафосига “Дайди”ни қўйиб бер! — Печенкин бунди, албатта, шунчаки ҳазиллашиб айтди. Чунки у ерда ҳеч қанақа Ноил йўқлигини яхши биларди. Умуман, ҳозир унинг кераги ҳам йўқ эди.

О-во-ра-ман,

Дайдиман мен.

Мени ҳеч ким кутмас ҳеч ерда

О-во-ра-ман! —

куйлади Владимир Иванович, Илья жўр бўлади деган умидда. Бироқ, Илья жўр бўлмади.

— Экспорт-импорт! Бу буюмларни бу ёқдан у ёққа, у ёқдан эса бу ёққа дегани! — қичқирди Печенкин ва сукунатга қулоқ солди. — Ҳалол одамнинг фарзанди ҳаммаша ҳалол бўлади, ўғрининг боласи эса ўғри, — деди ишончини йўқотиб, ўзи ҳам бу сўзга унчалик ишонқирамай ўзича минғирлади Владимир Иванович ва ўйга толиб жим қолди. — Нима, ёқмайдами? Биламан, сенга бошқаси ёқади ... Мен уни ҳам айта оламан — марҳамат! Қандай айтиларди:

Тош устига тош,  
Ғишт узра ғишт зич,  
Ўлди бизнинг Ленин  
Владимир Ильич.  
Йўқ, у ўлган-мас,  
Яшайди мангу...  
Мангу устингда  
Тургисидир у!

Лекин Илья бунга ҳам жавоб бермади. Шунда Владимир Иванович бардош беролмади, асабий бир тусда бақирди:

— Чироқ, этикдўзлар!

Худди шу онда зўрға кўриниб турган тўғри бурчакли экран фонида кимдир югуриб ўтди.

— Эҳ, Илья, — хафа бўлиб хитоб қилди Владимир Иванович, ўрнидан шартта туриб олдинга ташланди. Олдинги оромкурсининг елкасига урилди-да, гурсиллаб ерга қулади.

### 3

Чордоқда анча ёруғ эди. Илья ўз каравотида чўзилиб ётар, бошига қизил алламбалони ёпиб олганди. Владимир Иванович жилмайди, деразининг ёнига келиб, пастга қаради. Хўжайиннинг келиши билан унинг кўрғонида жонланиш бошланди. Ҳашаматли бинонинг деразаларида чироқлар ёнди, хизматкорлар югуриб қолишди, гараж дарвозасидан “Мерседес” чиқди. Печенкин деразани очиб юборди, қаттиқ ҳуштак чалиб, қичқирди:

— Ҳей! “Ролс-ройс”ни тайёрланлар! Ўшанда кетамиз!

Улар ўзаро баҳслашганча “Мерседес”ни қайта гаражга ҳайдашди.

Печенкин қасирлатиб елкаларини тузатди. У қайта куч тўплай бошлаганди.

— Биласанми, бугун мен қандай туш кўрдим? — хитоб қилди у кутилмаганда эслаб. — Гўё биз иккаламиз ўзимизнинг “Фалькон”имизда учаётган эмишимиз.

— Учармишимиз-у, мен Фрицга “Рулни Ильяга бер, бир оз ҳайдаб кўрсин” дермишман. Бир тасаввур қилинг-а? — Владимир Иванович кулди, кейин жиддий тус олиб кўшиб қўйди: — У бўлса, бермади-я... немис...

Илья жим турар, қимир этмасди. Владимир Иванович хўрсиниб қўйди.

— Улар ўзим йўқлигимда ҳали патимни юладилар, бўғизлайдилар, тортқилаб кетадилар. Ҳалитдан “Н” ҳарфини тортиб кетишибди. Қайттанимизча “П” ҳарфи қолса ҳам майли эди... Москвалик текинхўрлар... Жин урсин уларни! Биз ҳали қайтиб келамиз, қайтадан бошласак ҳам уларни тегишли жойга ўтқазиб кўямиз ҳали. Қараб тур, ҳали, биз уларнинг ҳаммасини бўёқ қоришмага кўшиб деразаларнинг тирқишларини беркитиш учун иштатамиз!

Илья бунга ҳам индамади.

Владимир Иванович кулимсираб каравот четига ўтирди.

— Сен ҳалиги нарса учун кўнглингни бузма, — гапни секин бошлади Печенкин. — Пешонада бор экан, кўраммиз... Оламнинг еттинчи мўъжизаси эмиш! Ёки саккизинчи?

— “Қадаҳ” — халқ жуда тошиб айтди! Рус халқи — сўз билан нишонга аниқ уради. Қадаҳ — ростдан ҳам қадаҳнинг ўзи. Билгур — айнан ичиш учун-да! Ибодат қилиш учунмас. Шундай экан, бунга сен айбдор эмассан, мен айбдорман! Майли, ҳечқиси йўқ, мен ўз гуноҳимни юваман. Қайтамиз, мен ўша жойнинг ўзида ҳақиқий қаср қураман. Тош қаср, цементига тухум кўшиб қилдираман. Худди бурунгидай, асрлар оша турадиган қилиб қурдираман! Олтин эмас, оддий... “Қу-қу-қу... сизга тухум туғиб бераман, олтин эмас, балки оддий тухум”. Мен ҳамини ўйлаб юардим, бу эртақ нима ҳақида ўзи

деб. Сен кичкиналингингда уни тинглашни яхши кўрардинг. Баъзан беш мартагача ўқиб берардим, сен бўлсанг, яна, яна дердинг, мен ўқирдим у ўзим тушунмасдим, оддий тухумнинг олтин тухумдан нимаси яхши деб ҳайрон бўлардим. Унинг нима ҳақида эканини, ким ҳақидалигини тушунмасдим... Энди тушундим — мен ҳақимда экан. — Печенкин хижолат тортиб жилмайди. — Ку-ку-ку... Сизга тухум туғиб бераман. Олтин эмас, оддий тухум... Ларзага келмайди... Ларзага келмайди! Бундан баттарини кўрганмиз... Қани, тур болам, тура қол.

Владимир Иванович ўрнидан турди, атрофга аланглади, каравотга қаради, жилмайди ва ўглининг елкасига қоқди... Илья у ерда йўқ эди... Адёл ва ёстиққина турарди. Улар одам танасига ўхшаб ётқизилиб, устига буванинг шойи байроғи ёпиб қўйилганди Владимир Иванович энгашиди. Зарли ўроқ ва болга яптирарди. Печенкин худди қизил матони кўрган буқа сингари кўзлари қонга тўлиб ғазабланди.

— Россия... Инқилоб... Инқилоб... Россия, — пичирлади Владимир Иванович. У ўзини тутишга ҳарчанд уринмасин, буни эшполмади, ўзини қўлга ололмади. — Россия! Инқилоб! — бақирди у ва пиджаги чўнтагидан “беретга” тўшпонтчасини олиб, қизил байроқ ва унинг зарли ўроқ ва болғасига қарата кетма-кет ўқ узди. Чордоқни чанг-тўзон ва куйган пахта ҳиди тугди. Қаттиқ шовқин кўтарилди. Печенкин бошини чангаллаганича чўккалаб ўтириб олди. У қўрқиб кетганди... Каптарлар — улар бу ерда жуда кўп экан — патир-путир қилиб, ўзларини ҳарён уриб, қанот қоқиб чарх урар эди. Ниҳоят очиқ деразадан ўзларини ташқари уришди. Бир пастда жимжит бўлиб қолди. Владимир Иванович каптарлар эканига ишонч ҳосил қилиш учун дераза олдига югуриб борди. Улар аллақачон ғойиб бўлишганди...

Пастда одамлар “Октябрь”га қараб чошишарди. Биринчи бўлиб Маллавоёй югурарди — қўлида автомат милтиқ. Владимир Иванович қўлини кўтарди, уларни тинчлантириб қичқирди:

— Ҳаммаси жойида! Ўзим шунчаки...

Одамлар тўхташди, унга савол назари билан қараб, амрини кутишди.

— Менга қара, Женька, Ильяни кўрмадингми, мабодо? — ташвишланиб сўради Печенкин.

Маллавоёй “йўқ” дегандай бошини чайқади ва ўша саволни ёнидагиларга берди. Ильяни улар ҳам кўришмаган экан.

— Майли, бўлмаса, — қўл силтади Владимир Иванович, орқага ўгирилди ва каравотга қаради.

Байроқ сирғалганди...

Байроқ сирғалиб, полгача тушганди, фақат озгинаси каравот устида қолганди...

Печенкин бурилиб, хавфсираганча деразага қаради. Одамлар ўзларича гаплашиб, тарқалиб кетишаётганди...

Байроқ сирғалиб, полгача тушганди, фақат озгинаси каравот устида қолганди ва у ерда нима борлигини кўриш учун энгашиб қараш керак эди...

Бу жуда оддий иш эди — энгашиб қараш. Шу қадар оддий иш эдики, Печенкиннинг кулгиси қистади. У қаҳ-қаҳ урганича энгаша бошлади — авваллига тез, кейин аста-секин ва ярим энгашганча тўхтаб қолди...

Байроқ сирғалиб, полгача тушганди, фақат озгинаси каравот устида қолганди ва у ерда нима борлигини кўриш учун тиз чўкиш керак эди. Бу энгашшдан кўра осонроқ эди, — тиз чўкиш керак эди, лекин тиззалари букилмади. Шунда Владимир Иванович, ҳаётида ҳеч қачон каравот остига қарай олмаслигини тушуниб етди.

Печенкинни куч-қувват тарк этди, қимирлашга мадори қолмади ва шу ернинг ўзида йиқилиб тушмаслик учун бир-икки қадам ташлашга улгурди ва каравот устига қулади. Симтўр даҳшатли гичирлади, силкиниб турди ва ниҳоят тинди.

Владимир Иванович жилмаймоқчи бўлди, лекин уддалай олмади. Нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, бу ҳам қўлидан келмади. Шунда қўлини тушириб пастга чўзди. Лекин унга жавобан пастдан ҳеч ким қўл узатмади.

Владимир Иванович бирдан сўнгги пайтда уни қийнаб келаётган саволни эслаб қолди.

— Бугун қайси кун, билмайсанми? — деб сўради. У жавобини кутмасданоқ хулоса қилди: — Ҳеч ким билмайди... Шуниси қизиққи! — хитоб қилди у. — Авваллари одамларга яхши ҳақ тўласа, яхши ишланади, деб ўйлашарди. Ҳечамда!

Унинг бу фикрига ҳеч ким қарши чиқмади, ҳеч ким қўшилмади ҳам...

— Биз оқлар эмасмиз, биз қизиллар ҳам эмасмиз, биз придонскликлармиз! — бақирди Печенкин оёғини йиғиштириб ва бошини елкалари орасига қисаркан. У қўллари билан қизил байроқни ўзига торта бошлади.

— Бу иш... ишланга... халақит... беради... — деди у сўнгги сўзларни зўрға, қизил матони бошига ўраркан. У ўзини ҳаммадан яшириш учун ипак қурт мисоли ипакка ўраниб олди.

Дераза ортида эса ҳаво тунд эди — тонгмиди бу ёки кечқурун...

Баҳормиди бу ёки куз...

Ҳаётмиди бу ёки ҳаётмас.

*Тамом.*

*Файзи ШОҲИСМОИЛ  
таржимаси.*



Збигнев БЖЕЗИНСКИЙ

**Буюк шахмат тахтаси***Китобдан боблар**5-боб***ЕВРОСИЁ БОЛҚОНЛАРИ**

**О**врўпада “Болқон” деган сўз дарҳол этник ихтилофлар манзараларини кўз олдингизга келтиради ва сиз бу минтақадаги улуғ давлатларнинг ўзаро можароларини эслаб кетасиз. Евросиё ҳам ўзининг “Болқонлари”га эга, бироқ “Евросиё Болқонлари” ҳажмига қараганда анча катта, аҳолиси янада қалин ва этник жиҳатдан турфа хилдир. Улар жуда катта ҳудудга жойлашган бўлиб, глобал беқарорликнинг марказий зонасини ташкил қилади ва ўз ичига Жануби-Шарқий Оврўпа районларини, Ўрта Осиёни, Жанубий Осиё қисмларини, Форс қўлтиғи ва Яқин Шарқни олади.

“Евросиё Болқонлари” жуда катта ҳудуднинг ички марказини ташкил қилади. Бу ҳудуд ташқаридан қараганда узунасига чўзилиб кетган шаклга эга. У ҳудудни қуршаб олган ташқи зонадан анча кескин фарқ қилади. Ўзини олиб қарасангиз, қандайдир кучлар йиғилиб ётган бўшлиққа ўхшайди. Гарчи Форс қўлтиғи ва Яқин Шарқда жойлашган кўпчилик давлатларда барқарорлик етишмаса-да, бу минтақада америкаликлар ҳакамлик қилади. Ташқи зонанинг беқарор минтақаси шу тариқа ягона бир куч гегемонлик қиладиган бир жойдир ва шу гегемон куч уни ўз қарамоғида тутиб туради. Аксинча, “Евросиё Болқонлари” ҳақиқатан ҳам Жануби-Шарқий Оврўпадаги анча кўҳна ва дурустроқ таниш бўлган Болқонларни эслатади. Ундаги сиёсий субъектларда нафақат беқарор вазиятларни кузатиш мумкин, балки уларнинг ўзи бақувватроқ кўшнилариини доимо жалб қилиб турадилар. Бу кўшилларнинг ҳар қайсиси бу минтақада устиворлик қилувчи кучга эгалликни кўрсатиш иштиёқига тўла бўлади. Айни ана шу аллақандай куч ётадиган бўшлиқ билан кучнинг сўриб олинишининг чатишиб кетгани “Евросиё Болқонлари” деган атамани оқлайди.

Анъанавий Болқонлар Оврўпада ҳукмронлик қилиш учун курашда даъвогарлик қиладиганларга потенциал геополитик объект бўлиб хизмат қилар эди. “Евросиё Болқонлари” муқаррар тарзда майда келадиган темир йўл тармоғининг ҳар икки томонида жойлашган. Бу темир йўл тармоғи Евросиёнинг энг бой районлари ва Фарбнинг саноати жуда ривожланган районларини Шарқдаги энг чекка нуқталар билан энг қисқа тўғри йўл орқали бирлашгирмоғи керак эди. Шундоқ бўлгач, унинг икки чекасида жойлашган “Евросиё Болқонлари” ҳам геополитик нуқтаи назардан жуда катта аҳамиятга моликдирлар. Шуниси ҳам борки, “Евросиё Болқонлари” тарихий даъволар ва хавфсизлик даъволари нуқтаи назаридан ҳам лоақал учта энг бевосита ва энг қудратли кўшиллар ўртасида ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Булар — Россия, Туркия ва Эрондир. Лекин Хитой ҳам бу минтақага қизиқиши тобора кучайиб бораётганини ўқтин-ўқтин намоён қилиб туради. Бироқ “Евросиё Болқонлари” потенциал иқтисодий имкониятлар маскани сифатида ҳам беқисс аҳамиятга эга — бу минтақада олтин ва бошқа фойдала қазилмалар билан бир қаторда жуда катта миқдорда табиий газ ва нефт захиралари ҳам мавжуд. Келгуси йиғирма-ўттиз йил ичида бутун дунёда энергия истеъмол қилиш анча-мунча кўпайиши кутилади. АҚШ Энергетика вазирлигининг ҳисоб-китоблари бўйича 1993-2015 йиллар оралигида жаҳонда энергетикага талаб 50 фойздан ортиқроққа кўпайиши керак. Бунда энергетикага эҳтиёж, айниқса, Узоқ Шарқда жуда катта миқдорда ортади. Осиёнинг иқтисодий ривожидидаги кўтарилиш янги энергия манбаларини қидириб топиш ва эксплуатация қилиш борасида аллақачон жуда катта босимни туғдирмоқда. Ҳолбуки,

Охири. Боши ўтган сонда.

Марказий Осиё минтақаси заҳираларида ва Каспий денгизи ҳавзасида шунақа кўп табиий газ ва нефть заҳиралари сақланмоқдаки, улар Кувайт, Мексика кўлиги ва Шимолий денгиз заҳираларидаги газ ва нефтьдан кўплик қилади. Бу бойликларга эришиш ва уларнинг тақсимотида иштираётган этник иштиёқи натижасида шунақа мақсадлар майдонга келадикки, улар миллий даъволарни жунбушга келтиради, корпоратив манфаатларга жон ато қилади, яна янгидан тарихий даъволарни ўт олдиради, империяпарастлик орзуларини қайта тирилтиради ва халқаро рақобатларни авж олдиради. Вазият борган сари беқарорроқ бўла боради. Бундай бўлишига сабаб — нафақат минтақанинг бағрида алланечук қудрат яширинган вакуум эканлигидагина эмас. Унда ички беқарорлик ҳам мавжуд. Ҳар қайси мамлакат жуда жиддий ички муаммолар исканжасида қийинчилик тартади. Уларнинг ҳаммасида шундай чегаралар борки, уларга ё қўшнилари даъвогарлик қилади ёки бу чегаралар ҳудудида турли-туман этник хафагарчиликлар, гена-кудуратлар йиғилиб қолган, жуда камдан-кам чегараларида миллий таркиби нуқтаи назаридан яқрағлик мавжуд, баъзи бирларида эса аллақачон ҳудудий, этник ва диний тартибсизликлар жўш урмоқда.

## ЭТНИК ЗИДДИЯТЛАР ҚОЗОНИ

“Евросиё Болқонлари” тўққизта мамлакатни ўз ичига олади — улар юқорида келтирилган таъриф-тавсифларга мос келади. Бундан ташқари яна иккита мамлакат бор — улар потенциал номзодлардир. Бу тўққиз мамлакатга Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Озарбайжон, Арманистон ва Гуржистон (авваллари буларнинг ҳаммаси собиқ Совет Иттифоқи таркибига кирган) ва, шунингдек, Афғонистон киради. Бу рўйхатга кириши мумкин бўлган мамлакатлар қаторида Туркия билан Эронни кўрсатиш мумкин. Бу икки мамлакат бошқалари билан сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан таққослаганда яшашга кўпроқ қобилдирлар, икковлари ҳам минтақа миқёсида “Евросиё Болқонлари”га таъсир кўрсатмоқ учун фаол қураш олиб борадилар ва шунинг учун ҳам бу минтақада муҳим геостратегик ўйинчилар ҳисобланади. Айни чоғда ҳар иккала мамлакат ҳам ички этник ихтилофлари жиҳатидан олиб қараганда анчагина ожизликларга эга. Агар бу мамлакатларнинг бирида ёхуд икковларида бирварақайига тўсатдан вазият беқарор бўлиб қоладиган бўлса, минтақанинг ички муаммолари назорат остидан чиқиб кетмоғи мумкин, Россиянинг минтақада ўз ҳукмронлигини тиклаш борасидаги уринишлари эса ҳатто бефойда бўлиб чиқмоғи мумкин.

Кавказортидаги урта давлат - Озарбайжон, Арманистон ва Гуржистон тўғрисида эса шунга айтиш мумкинки, бу уч давлат том маънода тарихан шаклланган миллатлар асосида ташкил қилинган. Бунинг оқибатида уларнинг миллатчилиги тарқалиш тамойилига ҳам, кучайиш тамойилига ҳам эга, ташқи ихтилофлар эса уларнинг тинчлини бузадиган жуда муҳим муаммолар бўлиб қолиши мумкин. Аксинча. Урта Осиёнинг бешта янги давлати ҳали миллатни барпо қилишнинг муайян босқичида туришибди, шуниси ҳам борки, уларда ҳамон уруғчилик билан ва этник мансублик билан боғлиқ кайфиятлар устунлик қилади, бунинг натижасида эса ички зиддиятлар асосий муаммолар сифатида намоён бўлади. Истаган типдаги давлатда бу заифликлардан империяпарастлик даъволаридан воз кечмаган кучлироқ қўшни бемалол фойдаланиши мумкин.

“Евросиё Болқонлари” этник жиҳатдан қараганда мозаикага ўхшаб кетади. Бу давлатларнинг чегаралари 20-30-йилларда совет ҳариталарини тузган мутахассислар томонидан ўзлари хоҳлаган ва кўнглиларига келган тарзда белгилаб кета берилган. Ўша кезларда Ўрта Осиёда совет республикалари тузилмоқда эди. (Ҳеч қачон Совет Иттифоқи таркибига кирмаган Афғонистон бундан мустаснодир.) Бу давлатларнинг чегаралари асосан, этник принципларга асосланиб белгиланган эди, бироқ Кремль бу республикаларда ички зиддиятларнинг сақланиб қолишидан манфаатдор эди. Шу йўл билан Россия империясининг жанубий минтақасини тобеъликда тутиб туриш осонроқ кўчарди. Ушанда белгиланган чегараларда Россиянинг ана шу манфаатдорлиги яққол акс этган.

Шунга мувофиқ равишда Москва Ўрта Осиё миллатчиларининг (уларнинг кўпчилиги ҳали миллатчилиги нима эканини тузукроқ англаб ҳам етган эмас эди) Ўрта Осиёнинг турли халқларини сиёсий жиҳатда яхлит қилиб, масалан, “Туркистон” деган ном остида бирлаштириш ҳақидаги тақлифларини рад этди. Бунинг ўрнига Москва бешта мустақил республика тузишни маъқул кўрди. Буларнинг ҳар қайсиси уни бошқалардан ажратиб турадиган номга ва жимжимадор чегараларга эга эди. Афғондан, Кремль айни ана шундай мулоҳазаларни инобатга олиб, ягона Кавказорти федерациясини тузиш режаларидан ҳам воз кечган бўлса керак. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи қулагандан кейин Кавказнинг урта давлатидан биттаси ҳам ва Ўрта Осиёнинг бешта давлатидан биронтаси ҳам янги мустақиллик мақомини



қабул қилишга тўла равишда тайёр бўлмаганида, шунингдек, зарур бўлган минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга астойдил киришмаганида ҳайрон қоладиган жойи йўқ.

Кавказда тўрт миллиондан камроқ аҳолига эга бўлган Арманистон ва саккиз миллиондан ортиқроқ аҳолига эга бўлган Озарбайжон Тоғли Қорабоғнинг мақоми учун дарҳол ошкора уруш бошлаб юбордилар. Тоғли Қорабоғ Озарбайжон территориясида жойлашган эди, бироқ у ерда, асосан, арманлар истиқомат қилар эди. Бу ихтилоф оқибатида кенг қўламда этник тозалашлар ўтказилди, юз минглаб қочоқлар ва ўз юртидан қувилган одамлар эса турли томонларга тирқираб қочиб кетди. Арманлар христиан, озарбайжонлар мусулмон эканини ҳисобга олганда, ихтилоф диний рангларга ҳам эга бўлганди. Иқтисодиёт учун ҳалоқатли таъсир кўрсатган уруш бу мамлакатларнинг бақувват мустақил давлатлар сифатида шаклланишини анча қийинлаштирди. Арманистон кўпроқ Россиянинг ёрдамига таянишга мажбур бўлди, Россия унга анча-мунча ҳарбий ёрдам берди. Ҳолбуки, Арманистон ўзининг мустақиллиги ва барқарорлиги учун Тоғли Қорабоғни бериб қўйиши мумкин эди. Озарбайжоннинг заифлиги минтақа учун анча жиддий оқибатларга олиб келмоғи мумкин эди. Негаки, ўзининг жуғрофий жойлашган ўрнига кўра Озарбайжон геополитик таянч нуқтаси ҳисобланади. Озарбайжонни Каспий денгизи ҳавзаси ва Ўрта Осиё бойликлари солинган “шиша”нинг оғзидagi “тиқин”га қиёслаш мумкин. Бу жиҳатдан у ҳаёт-момот аҳамиятига эга. Мустақил туркийзабон Озарбайжон ҳудудидан нефть қувурлари ўтади. Улар қўшни Туркия томон чўзилиб кетган. Туркия эса шунчаки қўшни эмас. Унинг тил ва дин жиҳатидан Озарбайжонга яқин қариндошлиги ҳам бор ва унга сиёсий жиҳатдан ёрдам кўрсатади. Бу омил Россиянинг минтақада яққа ўзи даври даврон суришига жиддий халақит берган бўларди ва шу тарзда уни Ўрта Осиёдаги янги давлатлар сиёсатига таъсир кўрсатишида муҳим сиёсий омилдан маҳрум этарди. Шунга қарамай, Озарбайжон шимол томондан қудратли Россия томонидан, жануб томондан эса Эрон томонидан кўрсатиладиган босим қаршида анчагина ночор аҳволда қолади. Эроннинг шимол-ғарбида Озарбайжоннинг ўз территориясидагига қараганда икки бараваридан кўпроқ Озарбайжонлар истиқомат қилади (баъзи бир ҳисоб-китобларга қараганда 20 миллион кишига яқин). Бу Эронни ўз ҳудудида яшаб турган озарбайжонлар ўртасида сепаратизм хуружлари намоён бўлиши хавфидан қўрқинишга мажбур қилади. Шунинг учун ҳам Эронда Озарбайжоннинг мустақил мақомига нисбатан мужмал бир муносабат шаклланди, ҳолбуки, Эронда ҳам, озарбайжонда ҳам мусулмон аҳоли истиқомат қилади. Шунинг учун Озарбайжоннинг Ғарб билан амалий иш муносабатларини чеклаш мақсадида Россия ҳам, Эрон ҳам унга қаттиқ босим кўрсата бошладилар.

Озарбайжон ва Арманистондан фарқ қилароқ (ҳар иккала давлат ҳам этник жиҳатдан етарли даражада яқин кўринишга эга) 6 миллион кишилик аҳолига эга бўлган Гуржистон халқининг 30 фоизини майда миллатлар ташкил қилади. Буниси ҳам етмагандай, ана шу унча катта бўлмаган, турмуш тарзига кўра кўпроқ қабилага ўхшаб кетадиган жамоалар грузинларнинг ҳукмронлигига қарши кескин норозилик билдира бошладилар. Совет Иттифоқи қулагандан сўнг осетинлар билан абхазлар Гуржистондаги ички сиёсий қурашдан фойдаланмоқчи бўлдилар ва Гуржистон давлати таркибидан чиқмоқча уриниб кўрдилар. Россия эса Гуржистонни ўзининг босимларига ён беришга мажбур қилмоқ ва унинг МДХ таркибида қолишига эришмоқ учун (аввалига Гуржистон МДХ таркибидан буткул чиқиб кетмоқчи эди), киши билмас тарзда осетин ва абхазларни қўллаб-қувватлаб турди. Унинг бундан кўзлаган яна бир мақсади бор эди — бу йўл билан Россия Гуржистон ҳудудидаги ўз ҳарбий базаларини сақлаб қолиш учун руҳсатга эришмоқчи ва шу тариқа Туркияни Гуржистонга олиб келадиган йўлни ёпиб қўймоқчи эди.

Ўрта Осиёда беқарорликни вужудга келтиришда ички омилларнинг аҳамияти янада каттароқ бўлди. Маданият ва тил нуқтаи назардан қараганда Ўрта Осиёдаги бешта янги мустақил бўлган давлатнинг тўрттаси туркийзабон дунёнинг бир қисmini ташкил қилади. Лингвистик ва маданий нуқтаи назардан қараганда Тожикистонда форсийлар устиворлик қилади. Ҳолбуки, Афғонистонда (собиқ Совет Иттифоқи ҳудудларидан ташқарида) этник жиҳатдан ранг-баранг манзарага дуч келамиз. Бу ранг-барангликни патонлар, пуштунлар, тожиклар ва бошқалар ташкил қилади. Олиги мамлакатнинг ҳаммаси — мусулмон мамлақати. Узоқ вақтлар мобайнида уларнинг баъзилари Эрон, Туркия ва Россия империясининг вақтинча таъсирида бўлган. Бироқ бу таъриба уларда минтақадаги манфаатлар муштгараклиги руҳини мустаҳкамламади. Аксинча, этник таркиби турли-туман бўлгани учун улар ички ва ташқи ихтилофларда ожизликлари билиниб қолади, бу эса, охир-пировардида, уларнинг баъзи бир қудратли қўшнилариининг тажовузкорлик борасидаги ишпахаларини кўзгатиб туради.

Ўрта Осиёдаги янги ташкил тошган бешта мустақил давлатдан Ўзбекистон билан Қозоғистон энг муҳим роль ўйнади. Минтақада уйғониб келаётган турфа хил миллий туйғулар учун Қозоғистон - қалқон, Ўзбекистон жон бўлди. Қозоғистон ўзининг жўғрофий жойлашиши ва кўлами билан бошқа мамлакатларни Россия томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган бевосита жисмоний босимдан ҳимоя қилади. Негаки, фақат Қозоғистонгина Россия билан бевосита чегарадош. Бироқ Қозоғистоннинг аҳолиси масаласига келадиган бўлсак, у 18 миллион кишини ташкил қилади, унинг тахминан 35 фоизи руслардан иборат (мамлакатда рус аҳолисининг сони тобора қисқариб бормоқда). 20 фоизи эса қозоқлардан таркиб тошган. Бунинг натижасида янги қозоқ ҳукмдорлари этник ва лингвистик асосда миллатни барпо этиш сиёсатини амалга оширишда тобора қийналмоқдалар. Шунинг учун уларнинг ўзлари борган сари кўпроқ даражада миллатчилик мавқеига оғиб кетишяпти, лекин, барибир, мамлакат аҳолисининг тахминан ярминигина вакили бўла оладилар, холос.

Табиийки, янги давлатда истиқомат қилаётган руслар янги қозоқ раҳбариятидан хафа бўлади. Бироқ улар собиқ мустамлакачи ҳукмдор синфга мансубдирлар, бинобарин, уларнинг маълумотлари ҳам юқорироқ, жамиятда яхшироқ мавқега эга бўлганлар. Шунинг учун улар ўзларининг имтиёзларидан маҳрум бўлишдан қўрқишади. Қолаверса, улар янги қозоқ миллатчилигига ўзларининг маданий юксакликларидан туриб, менсимай қарашларини яширишга қўш ҳам мойил эмаслар. Қозоғистоннинг шимоли-ғарбий ва шимоли-шарқий минтақаларида бир вақтлар кўчириб келтирилган руслар анча-мунча даражада устивор бўлганлари учун агар Қозоғистон ва Россия муносабатлари жиддий равишда ёмонлашадиган бўлса, шимолий қисмда истиқомат қилувчи аҳоли мамлакат ҳудудининг муайян қисмини ажратиб олиш хавфини ҳам тудирмоғи ҳеч гап эмас.

Айни чоғда қозоқлардан бир неча юз минг киши давлат чегарасининг Россияга тегишли томонида истиқомат қилади, яна бир қанчалари шарқи-шимолий Ўзбекистонда яшайди. Бу давлатни қозоқлар Ўрта Осиёда етакчилик учун курашда ўзларининг асосий рақибли деб ҳисоблайдилар.

Амалда Ўзбекистон Ўрта Осиёда минтақавий етакчилик ролига асосий номзод ҳисобланади. Гарчи Ўзбекистон ҳудудлари жиҳатидан кичикроқ бўлса-да ва унинг табиий бойликлари Қозоғистонникичалик қўш бўлмаса-да, унинг аҳолиси кўпроқ — 25 миллион киши атрофида. Лекин бундан ҳам муҳими шундаки, бу аҳоли Қозоғистон аҳолисига қараганда анча ортиқ даражада яқрайдир. Ўзбекларда бола туғилишининг сурьатлари каттароқ эканини ва авваллари устивор ўрин тутган русларнинг мамлакатдан аста-секин чиқиб кетаётганларини ҳисобга олсак, яқин орада мамлакат аҳолисининг 75 фоизини ўзбеклар ташкил қилади деб бемалол айтиш мумкин бўлади. Шуниси ҳам борки, бу ерда озчиликни ташкил қилувчи кам миқдордаги русларгина қолади. (Улар, асосан, мамлакат пойтахти Тошкентда қолган.) Қолаверса, бу мамлакатнинг янги сиёсий элитаси янги давлатни атайин онгли равишда Соҳибқирон Амир Темур (1336-1404 й.) Ўрта асрларда барпо этган улкан империянинг бевосита вориси деб эълон қилмоқдалар. Амир Темур давлатининг пойтахти Самарқанд дини ислом, илми нўжум ва санъатларни ўрганиш бобида машҳур минтақавий марказга айланган эди. Бугунги Ўзбекистондаги ўзбекларни ўзининг тарихий меросхўр эканини чуқур ҳис этиш ва кўни-кўшниларига нисбатан диний давлаткорлик вазифаларини бажариб келганини англаш туйғуси қўлдаб-қувватлаб турипти. Ҳақиқатан ҳам, баъзи бир ўзбек йўлбошчилари Ўзбекистонни Ўрта Осиёдаги ягона мустақил қурилманинг миллий дунёси деб ҳисоблайдилар. Тошкентни эса унинг пойтахти, деб қарасалар ҳам эҳтимол. Ўрта Осиёдаги бошқа ҳар қандай давлатга қараганда ортиқроқ даражада ўзбек сиёсий элитаси ва унга қўшилиб, аллақачондан бери миллатчи давлат муваффақиятларини баҳам кўраётган унинг халқи ҳам ортиқ ҳеч қачон мустамлака мақомига қайтмаслик фикрига тўла-тўқис қўшиладилар.

Шу ҳолат туфайли Ўзбекистон постэтник даврдаги миллатчилик туйғуларини тарбиялашда етакчилик ролини ҳам ўйнайди, айни чоғда, қўшниларида муайян хавотирлик туйғусини ҳам уйғотади. Гарчи ўзбек йўлбошчилари миллатни барпо этишда сурьатни юқори олган бўлсалар-да ва ўз-ўзини таъминлашда минтақа имкониятларидан кенроқ фойдаланиш гоёларини фаол тарғиб қилаётган бўлсалар-да, мамлакатнинг нисбатан ортиқроқ даражада миллий яқраглиги ва миллий ўз-ўзини англашнинг фаолроқ намоён бўлаётгани Туркменистон, Қирғизистон ва ҳатто Қозоғистон ҳукмдорларини тобора кўпроқ хавотирга солмоқда. Минтақадаги Ўзбекистоннинг йўлбошчилиги унинг ҳукмронлигига айланиб кетмаса эди, деб қўрқишади. Бу ташвиш янги ташкил тошган мустақил давлатлар ўртасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга йўл қўймаётир. Табиийки, бундай ҳамкорликни руслар маъқул қарашмайди, чунки унинг йўқлиги минтақага доимий оғирлик бахш этиб туради. Аммо бошқа мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам этник муносабатларда қисман бўлса-да, кескинлик мавжуд. Жанубий Ўзбекистоннинг бир

қисмида, айниқса, Самарқанд ва Бухоро каби тарихий ва маданий марказлар теварагида тожиклар зич жойлашган бўлиб, улар Москва белгилаб берган чегаралардан норози бўлишда давом этмоқдалар. Вазиятни янада кескинлаштирадиган бир ҳолат шундаки, Тожикистоннинг гарбида ўзбеклар яшайди, шунингдек, Фарғона водийсида иқтисодий жиҳатдан Қирғизистон учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган жойларда ўзбеклар билан тожиклар яшайди (бу жойларда сўнги йилларда этник заминда қонли тўқнашувлар содир бўлди). Ўзбекларнинг шимолий Афғонистонда ҳам мавжудлигини айтмай қўя қолса ҳам бўлади.

Россиянинг мустамлакачилик бошқаруvidан ҳалос бўлган Ўрта Осиёнинг Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон каби учта бошқа давлатидан фақат биттасигина нисбатан этник жиҳатдан яқрагдир. Унинг 4,5 миллионлик аҳолисининг тахминан 75 фоизи туркманлардир, руслар билан ўзбеклар эса ҳар қайсилари умумий аҳоли сонининг 10 фоизини ташкил қилади. Туркменистон жўғрофий жиҳатдан муҳофазаланган: у Россиядан нисбатан олис масофада жойлашган. Ўзбекистон билан Эрон бу мамлакатнинг келажаги учун каттароқ геополитик роль ўйнайди. Бу район ҳудудидан нефтепровод ўтказилиши биланоқ Туркменистоннинг том маънодаги улкан газ захиралари унинг халқининг фаровонлигини таъминлайди.

Қирғизистон аҳолиси (унинг сони 5 миллион кишидан иборат) этник жиҳатдан анча-мунча ранг-барангдир. Қирғизларнинг ўзи бутун мамлакат аҳолисининг 55 фоизини ташкил қилади. Ўзбеклар — 13 фоиз, рус аҳолисининг сони 20 фоиздан кейинги пайтларда 15 фоиздан сал ортиқроққа тушиб қолди. Мамлакат мустақиллик олмасдан аввал руслар, асосан, инженер-техник зиёлilar таркибига кирар эди. Уларнинг кетиб қолиши мамлакат иқтисодийётига катта зарба бўлди. Гарчи Қирғизистон қазилма бойликларга ғоятда бой бўлса-да ва унинг табиати ғоятда хушманзара ва гўзал бўлса-да, (Қирғизистонни Ўрта Осиёнинг Швейцарияси деб аташлари бежиз эмас, шу вақдан келажақда бу ерда янги туристик марказ ташкил қилиш ҳам мумкин) ўзининг геополитик ҳолатига қўра, Хитой билан Қозоғистон орасида сиқилиб қолган, унинг мустақилликни сақлаб қолиши кўп жиҳатдан Қозоғистоннинг муваффақиятларига боғлиқ.

Тожикистон этник жиҳатдан жиндай яқрагроқ, ҳолос. Тожикистоннинг 6,5 миллионлик аҳолисида кам деганда учдан икки қисми тожик ва 25 фоиздан кўпроги ўзбеклардир (тожиклар ўзбекларга биров душманлик кўзи билан қарайдилар). Бу мамлакатда руслар эса бор-йўғи 3 фоизни ташкил қилади, ҳолос. Бироқ бошқа мамлакатларда ҳам бўлгани каби, ҳатто устивор этник жамоа ҳам қайси қабила ва уругга мансублиги жиҳатидан бир-бирдан кескин ажралган, бу масалада ҳатто зўравонлик ҳоллари ҳам учраб туради, шуниси ҳам борки, ҳозирги замон миллатчилиги шаҳарда сиёсий элита ўртасида тарқалган. Бунинг оқибатида мустақиллик нафақат шаҳарларда кескинликни туғдирди, Россия учун ўз армиясини мамлакатдан олиб чиқиб кетмаслик учун қулай баҳона ҳам бўлди. Мамлакат чегараларидан ташқаридаги районларда Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмида тожикларнинг кўплиги этник вазиятни янада кескинлаштиради. Амалда Тожикистонда қанча тожик яшаса, Афғонистонда ҳам шунча этник тожик аҳолиси истиқомат қилади. Бу — минтақадаги барқарорликни сусайтирадиган яна бир омилдир.

Гарчи Афғонистон ортиқ совет республикаси бўлмаса-да, ундаги ҳозирги бошбошдоқлик шўроларнинг меросига ўхшайди. Советлар иттилоси ва унга қарши олиб борилган узоқ муддатли партизан уруши оқибатида алоҳида-алоҳида қисмларга ажратиб ташланган Афғонистон ҳозир фақат қоғоздагина миллий давлат сифатида мавжуддир, унинг 22 миллионли аҳолиси эса этник жиҳатдан кескин тарзда ажратиб ташланган. Шуни ҳам айтмоқ керакки, бу мамлакатда истиқомат қиладиган пушгунлар, тожиклар ва хазарлар ўртасидаги ихтилофлар тобора кучайиб бормоқда. Айни чоғда, рус босқинчиларига қарши эълон қилинган жиҳод динни мамлакатнинг сиёсий ҳаётидаги устивор омилга айлангирди. Бу омил шундоқ ҳам жуда кескин тус олган зиддиятларни диний эҳтирослар ёрдамида янада аланга олдириди. Шундай қилиб, Афғонистонни Ўрта Осиёдаги этник муаммоларнинг бир қисми сифатидагина қараш керак эмас, балки у, шунингдек, сиёсий жиҳатдан қараганда кўп томондан “Евросиё Болқонлари”нинг ҳам бир қисмига тўғри келади.

Собиқ Ўрта Осиё республикаларининг ҳаммасида, шунингдек, Озарбайжонда ҳам, асосан, мусулмон аҳоли истиқомат қилади, лекин шундай бўлса-да, уларнинг асосан шўро даврининг маҳсулоти бўлмиш сиёсий элитаси диний қарашларни қўллаб-қувватлашмайди ва бу давлатлар расман дунёвий давлатлардир. Аммо уларнинг аҳолиси бирламчи қавмчилик ва қабилавий ондан ҳозирги даврдаги кўлами анча кенгроқ миллий онга ўтаётган экан, бу, афтидан, чуқурлашиб бораётган исломни англашдан илҳом олади. Ислоннинг қайта ўйғонишига ташқаридан нафақат Эрон, балки Саудия Арабистони ҳам фаол ёрдам бермоқда. Бу ҳол амалда миллий мустақиллик иштиёқида кучайиб бораётган интилишларга янада кучли туртки

бўлиши ҳам турган гап. Бундай интилиш тарафдорлари истаган шаклдаги Россия назоратининг қайта тикланишига, бинобарин, кофирлар назоратига тушиб қолишга тиш-тирноқлари билан қаршидирлар.

Дарҳақиқат, исломлаштириш жараёни Россиянинг ўзида истиқомат қилувчи муслмон аҳолисига ҳам жуда кучли таъсир ўтказмоғи мумкин. Улар 20 миллион киши атрофида. Улар Ўрта Осиёнинг мустақил давлатларида яшада давом этаётган ва у ерлардаги янги тартиблардан норози бўлган руслардан (9,5 миллион киши) икки барабар кўпдирлар. Шундай қилиб, Россиядаги муслмонлар мамлакатнинг умумий аҳолисининг 13 фоизини ташкил қилади. Шундоқ бўлгандан кейин, диний ва сиёсий ўзига хослик борасида уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини қатъийроқ талаб қилиб чиқишлари мутлақо муқаррар бир ҳолдир. Ҳатто Чеченистонда бўлгани каби бу интилишлар тўла мустақиллик учун кураш йўллари қидириш тусини олмаса-да, улар Россия учун муайян муаммоларни туғдирмаслиги мумкин эмас. Россиянинг яқин ўтмишидаги империяпарастлик кайфиятларини инобатга олганда ва янги давлатларда озчиликни ташкил қилувчи рус қатламлари мавжудлигини эътиборга олганда, бундай муаммолар ҳозир ҳам Ўрта Осиёда Россия олдида кўндаланг бўлиб турипти.

“Евросиё Болқонлари”даги беқарорликнинг кучая боришига ва вазият борган сари хатарли тус олиб бораётганига сабаб шуки, бир-бирига қўшни иккита йирик давлат (улар минтақада тарихий жиҳатдан олганда империяпарастлик, маданий, диний ва иқтисодий манфаатларга эга), аниқроқ айтганда, Туркия билан Эрон ўзларининг геополитик мўлжалларида муқим бир нуқтада турмайдилар ва ички жиҳатдан олганда муайян заифликка эгадирлар. Агар борди-ю, ана шу икки давлатда вазият беқарорлашса, бутун минтақа оммавий тартибсизликлар ичида қолиши мумкин. Шуниси ҳам борки, унда-бунда кўриниб қоладиган этник ва ҳудудий можаролар назорат остидан чиқиб, минтақадаги зўр-базўр эришилган кучлар мувозанати бузилади. Бинобарин, Туркия ва Эрон геостратегик жиҳатдан нафақат муайян фаолият эгаларидир, балки улар шундай геополитик марказлардирки, уларнинг ички вазиятлари минтақа тақдирини учун бағоят муҳимдир. Ҳар иккала давлат ҳам қўламларига қараганда ўртача давлатдир, лекин уларнинг минтақавий иштиёқлари жуда зўр ва тарихда ўйнаган роллари учун гурурлари ҳам ғоятда баланд. Лекин шунга қарамай, бу икки мамлакатнинг геополитик мўлжаллари қандай бўлиши ва ҳатто уларнинг миллий жипслашув борасидаги ишлари қандай бўлиши маълум эмас.

Туркия — ҳали ҳам ўз мақсадлари ва унга олиб борадиган йўлни аниқлаш жараёнини бошидан кечираётган давлатдир. Бу давлатни уч томонга тортқилияпти. Модернчилар бу давлат тимсолида оврўпача давлатни кўрмоқчи бўлишади, бинобарин, улар Гарбга кўз тикишади, Исломпарастлар кўпроқ Яқин Шарққа ва муслмон ҳамжамиятига мойиллик кўрсатадилар, бинобарин, улар Жанубга қарашади, тарихга муккасидан кетган миллатчилар эса Каспий денгизи ҳавзасидаги ва Ўрта Осиёдаги туркий халқлари минтақадаги зиммаларига юкланган янги вазифалар тўғрисида гапирадилар, бинобарин, улар Шарққа қарашади. Бу истиқболларнинг ҳар қайсиси ҳар хил стратегик мақсадлар тевагаида гирдиқаналак бўлиб турибди ва Мустафо Камол инқилоби давридан бери бундай қарашлар тарафдорлари ўртасидаги тўқнашувлар биринчи марта Туркиянинг минтақадаги роли масаласида шубҳа-гумон туғдирмоқда.

Қолаверса, Туркиянинг ўзи тўла даражада бўлмаса ҳамки, лоақал қисман даражада минтақавий этник ихтилофларнинг қурбони бўлиши мумкин. Гарчи 65 миллионлик Туркия аҳолисининг асосий қисми турклардан иборат бўлса-да, унинг 80 фоизи туркларга тўғри келади (бу ҳисобга черкаслар, албанлар, боснийлар, болгарлар ва араблар ҳам киради), 20 фоизини ёки ундан ортиқроғини эса қурдлар ташкил қилади. Асосан, мамлакатнинг шарқий минтақаларида яшайдиган қурдларнинг Эрон ва Ироқ қурдлари ўзлари олиб борадиган миллий озодлик ҳаракатига фаол жалб қилишади. Туркияда давлатни умумий бошқариш масаласида юзага келадиган ҳар қандай кескинлик, шак-шубҳасиз, қурдларни алоҳида миллий мақомини олиш мақсадидаги босимларини янада шиддатлироқ қилишга ундайди.

Эроннинг келгусидаги йўналиши қандай бўлиши янада мужмалроқ кўринади. 70-йилларнинг охирида ғалаба қозонган фундаменталистик шиалар инқилоби “термодоран” босқичга кўтарилган кўринади ва бу ҳолат Эроннинг геостратегик роли масаласида муайян дудмалликни туғдиради. Бир томондан, даҳрий Совет Иттифоқининг қулаши Эроннинг шимолдаги янги мустақиллик олган қўшнилари учун бошқа динни қабул қилиш имконини яратди, иккинчи томондан эса, Эроннинг АҚШга нисбатан душманлиги Техронни лоақал тактик жиҳатдан Москвага мойиллик мавқеини эгаллашга ундади. Бундан ташқари, Озарбайжоннинг мустақиллик олиши Эроннинг ички аҳволига муайян таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳам Техронни шундай йўл тутишга рағбатлантирди.

Бу хавотир Эроннинг этник ихтилофлар нуқтаи назаридан заифлиги билан боғлиқдир. Мамлакатнинг 65 миллионлик аҳолисида (Эрон билан Туркия деярли бир хил миқдордаги аҳолига эга) яримидан жиндай ортиқроғигина форслар, холос. Аҳолининг салкам тўртдан бир қисмини озарбайжонлар ташкил қилади, қолган аҳоли таркибига эса курдлар, балучилар, туркманлар, араблар ва бошқа халқлар киради. Курдлар билан озарбайжонларни мустасно қилганда, ҳозирги пайтда бошқа халқлар Эроннинг территориал яхлитлигига таҳдид солмайдилар. Ҳатто форсларнинг жуда юксак даражадаги миллий онглилигини ва онг қатларида ётган империяпарастлик туйғуларини ҳисобга олганда ҳам, юқоридаги хатар мавжуд деб айтиб бўлмайди. Бироқ Эроннинг сиёсатида янги таназул юз берадиган бўлса, бундай вазият жуда тез ўзгариб қолиши мумкин.

Бундан сўнг ҳозирги пайтда бу бир қатор янги мустақил давлатнинг мавжудлигининг ўзи ва миллион кишилик чеченларнинг ўз сиёсий орзу-ҳавасларини ҳимоя қила билганлари шак-шубҳасиз курдларга таъсир қилади, шунингдек, Эрондаги бошқа ҳамма майда миллатларни ҳаракатта ундайди. Агар Озарбайжон ўзининг барқарор сиёсий ва иқтисодий ривожланишида муваффақиятларга эришадиган бўлса, афтидан, Эрон Озарбайжонлари ўртасида Катта Озарбайжонни барпо этиш гоёси мустаҳкамлана борса керак. Бинобарин, Техрондаги сиёсий бекарорлик ва ихтилофлар Эрон давлатининг жишелигига раҳна солувчи муаммога айланиши мумкин. Бу билан “Евросиё Болқонлари”нинг ҳудуди янада кенгайди ва унда содир бўлаётган воқеаларнинг аҳамияти янада ортади.

### КЎПТОМОНЛАМА РАҚОБАТ

Анъанавий тарзда “Евросиё Болқонлари” деб аталадиган ҳодиса учта империя — Усмонийлар империяси, Австро-Венгрия империяси ва Россия ўртасидаги бевосита тўқнашувлар оқибатида юзага келган эди. Бундан ташқари бу курашда яна учта бавосита иштирокчи бор эди. Улар катта империялардан қайси бири муваффақиятга эришганда ҳам ўзларининг Оврўпадаги манфаатлари зарар кўришдан хавотирланар эдилар. Германия Россиянинг қудратидан қўрқарди, Франция, Австро-Венгрияга қарши турарди, Буюк Британия эса Болқон устидан назорат ўрнатишда бошқа рақибларидан бирортасининг иштирок этишидан кўра, Дарданелл бўғози устидан назорат ўрнатишда Усмонийлар империясининг заифлашганини кўрмоқчи афзал билади. XIX асрда бу давлатлар қолган рақибларининг манфаатларига зарар етказмаган ҳолда Болқонда ихтилофларни жиловлаб ола билдилар, аммо 1914 йилга келганда улар бунинг уддасидан чиқа олмадилар. Можаронинг зўрайиши эса ҳаммалари учун жуда катта вайронагарчиликлар келтирди.

“Евросиё Болқонлари” учун ҳозирги кунда бораётган рақобат ҳам учта қўшни давлатни бевосита бир-бирига боғлаб қўйди. Булар Россия, Туркия ва Эрондир. Аммо бу можароларда охир-пировардида асосий иштирокчилардан бири Хитой ҳам бўлиб қолиши мумкин. Бу рақобатга бироз олисроқдан туриб бўлса-да, Украина, Покистон, Ҳиндистон ва улардан анча олисда жойлашган Америка ҳам жалб қилинган. Бу масала билан ошқора тарзда боғлиқ рақибларнинг ҳар қайсиси нафақат геополитик ва иқтисодий устунликларни қўлга киритиш иштиёқида ҳаракат қилмоқда, балки уларни жуда кучли тарихий сабаблар ҳам рағбатлантириб турибди. Уларнинг ҳар қайсиси ўз вақтида минтақада сиёсат ва иқтисодиёт масалаларида устиворлик қилган. Уларнинг ҳар қайсиси бир-бирига гумонсираб қарайди. Гарчи уларнинг орасида бевосита қуролли тўқнашувлар бўлиши эҳтимолдан узоқ бўлса-да, улар ўртасидаги низоларнинг ўзиёқ минтақада юзага келган бошбошдоқликни янада чуқурлаштириши мумкин.

Россияга келсак, унинг Туркияга душманлик руҳидаги муносабати йўрғақда теккан дардга ўхшаб кетади. Россия матбуоти туркларни минтақа устидан назорат ўрнатишга интиладиган одамлар сифатида, Россияга қаршилик кўрсатишга ундовчи ибвоғарлар тарзида (Чеченистон воқеалари буни қисман тасдиқлайди) ва Россиянинг умумий хавфсизлигига таҳдид солувчи кучлар сифатида тасвирлайди. Матбуот тасвирида бу таҳдид шу даражага етказиб қўйилганки, у Туркиянинг ҳақиқий имкониятларига мутлақо тўри келмайди. Турклар ҳам шунга яраша жавоб беришади — улар ўзларини қардош биродарларини узоқ давом этган Россия зулмидан озод этувчи халоскор сифатида кўрсатмоқчи бўлдилар. Турклар билан эронликлар (форслар) ҳам тарихан бу минтақада бир-бирларига қарши туриб келганлар. Сўнгги йилларда бу ихтилоф шундай бир шароитда қайта тикландики, бу шароитда Туркия ислом жамиятининг эронча талқинига доимий душман сифатида намоён бўлмоқда.

Гарчи бу рақибларнинг ҳар бири тўғрисида у ўз таъсир доирасига эга бўлмоқчи деган гапни айтиш мумкин бўлса-да, шунга қарамай, Москванинг давволари анча кенг қўламга эга. Айниқса, империя сифатидаги назорат ҳақида хотиралар ҳали унча

эскирмаганини, бу минтақада бир неча миллион руслар истиқомат қилишини ва Кремлнинг Россияга глобал кўламдаги йирик давлатлардан бири сифатидаги мақомини қайтариш борасидаги иштиёқларини ҳисобга олганда бу янада очиқ намоён бўлади.

Россиянинг ташқи сиёсат бобидаги баёнотлари шундан далолат берадики, у собиқ Совет Иттифоқининг ҳамма ҳудудида ўзининг алоҳида геостратегик манфаатлари мавжуд деб ҳисоблайди ва бу ерда ташқаридан ҳеч қандай сиёсий ва ҳатто иқтисодий таъсирга ҳам йўл қўйиш мумкин эмас деб билади.

Бундан фарқ қилароқ Туркиянинг минтақавий таъсир кўрсатишга интилишлари олис ўтмишдаги империяпарастлик туйғуларининг муайян қолдиқларига эга бўлса-да (Усмонийлар империяси ўз ривожининг энг юксак нуқтасига 1590 йилда эришган эди, ўшанда у Кавказ билан Озарбайжонни босиб олганди, лекин унинг таркибига Ўрта Осиё кирган эмас), Туркия мазкур минтақадаги туркий халқлар билан қариндошлик қилмоқ учун этнолингвистик нуқтаи назардан қуқурроқ илдизларга эга. Агар Туркиянинг сиёсий ва ҳарбий қудрати ҳозиргидан кўра анча чекланганроқ бўлганда у ҳеч қанақа сиёсий таъсир доирасига мутлақо эриша олмаган бўларди. Аксинча, Туркия ўзини туркий тилда гаплашадиган мамлакатларнинг мужмал ҳамжамиятида потенциал етакчи ролида кўради ва бунда у ўзининг анча жозибадор ва нисбатан замонавий ривожланиш даражасини, тилининг бирлигини, ўз иқтисодий имкониятларини рўқач қилади. Бу имкониятлар минтақада содир бўлаётган миллатларнинг шаклланиш жараёнида энг кучли таъсир кучига эга бўлган етакчи куч бўлишига йўл қўяди.

Эроннинг иштиёқлари ҳозирча унча аниқ эмас, лекин келажакда улар Россиянинг даъволарига таҳдид солувчи қудрат касб этишлари мумкин. Форсларнинг аҳмонийлар давлати жуда катта ҳудудларни эгаллаган эди. Жуда қадим замонларда пайдо бўлган ва ўз ривожининг энг юксак нуқтасига (тахминан мелоддан аввалги 500 йил) бу давлат ҳозирги учта Кавказ давлатининг, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон давлатлари ҳудудини, шунингдек, Афғонистон, Туркия, Ироқ, Сурия, Ливан ва Исроил ҳудудларини эгаллаган эди. Гарчи Эроннинг бугунги геополитик интилишлари Туркияникига нисбатан торроқ бўлса-да ва улар, асосан, Озарбайжон ҳамда Афғонистонга йўналтирилган бўлса-да, шунга қарамай минтақанинг мусулмон аҳолиси ва ҳатто Россиянинг ўзининг мусулмон аҳолиси ҳам Эроннинг минтақавий манфаатлари учун объект бўлиб хизмат қилади. Чиндан-да, Ўрта Осиёда исломни қайта тиклаш ҳозирги Эрон ҳукмдорлари интилишларининг таркибий қисми бўлиб қолди. Туркия, Эрон, Россия манфаатлари бир-бирларига зиддир. Россиянинг геополитик манфаатлари аниқ жанубга — Озарбайжон ва Қозоғистонга йўналтирилган, Туркияники Озарбайжон ва Каспий денгизи орқали Ўрта Осиёга йўналтирилган, Эронники эса шимолда Озарбайжонга, шимоли-шарқда — Туркменистон, Афғонистон ва Тожикистонга қаратилган. Бу манфаатлар бир-бирлари билан шунчаки кесишибгина қолмайди, балки улар бир-бирлари билан тўқнашмоқлари ҳам мумкин.

Ҳозирги босқичда Хитойнинг роли анча-мунча чекланган, мақсадлари эса аён кўришиб турмайди. Ўз-ўзидан равшанки, Хитой Фарбда ўз қаршисида Россия империясини эмас, унинг ўрнида бир неча мустақил давлатларни кўришни афзал билади. Мустақил давлатлар ҳеч бўлмаганда оралиқдаги бир тўсиқ бўлиб хизмат қилади, шу билан бирга Хитой, барибир, бир ҳолатдан ташвишланишда давом этмоқда: Синцзян вилоятида Хитойга қарам туркий қавмга мансуб қашқар миллати яшайди — янги Ўрта Осиё давлатлари улар учун ибратли ўрнак бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун Хитой Қозоғистондан хорижий майда миллатларнинг фаоллигини бостирилиши масаласида қафолатлар олишга интиломоқда. Охир-пировардида, биз текшираётган минтақанинг энергоресурслари Пекиннинг алоҳида манфаатлари доирасига кирмоғи лозим ва Москванинг ҳеч қандай назоратсиз уларга эришиш Хитойнинг асосий мақсади бўлиб қолмоғи керак. Шундай қилиб, Хитойнинг умумий манфаатлари Россиянинг устиворлик ролини ўйнашга интилишлари билан тўқнашувга киришув тамойилига эга ва Туркий ҳамда Эроннинг интилишларига қўшимча бўлади.

Украина масаласига келадиган бўлсак, унинг учун асосий муаммо — МДХнинг келгусида қандай характерда бўлишидир ва энергия манбаларига ҳозиргидан кўра эркинроқ эришиш имконларини қўлга киритишдир. Бу эса ўз навбатида Украинанинг Россияга қарамлигини анча заифлаштиради. Шунинг учун Озарбайжон, Туркменистон ва Ўзбекистон билан янада яқиндан алоқа ўрнатиш ва уларни ривожлантириш Киев учун жуда муҳим аҳамият касб этади, мустақиллик кайфиятлари кучлироқ бўлган давлатларни қўллаб-қувватлаш эса Украина учун Москвадан мустақиллигини мустақкамлаш йўлидаги уринишларига қўшимча бўлади. Шунга мувофиқ равишда Украина Гуржистоннинг Озарбайжон нефти Фарбга Гуржистон

худуди орқали ўтиши керак деган хоҳишини қўллаб-қувватлади. Бундан ташқари Украина Туркия билан ҳамкорликка киришди. Бундан кўзланган мақсад — Россиянинг Қора денгиздаги таъсирини заифлаштириш эди, шунингдек, Ўрта Осиёдан келадиган нефт оқимини Туркия терминаллариغا йўллаш борасидаги хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади. Покистон билан Ҳиндистон ҳозирча бу жараёнга жалб қилингани йўқ — бу кейинроқ бўладиган иш, аммо бу мамлакатлардан ҳеч қайсиси “Евросиё Болқонлари”да содир бўладиган воқеаларга бепарқ қараб туролмайди. Покистон биринчи навбатда геостратегик жиҳатдан мустаҳкамланиб олишдан манфаатдор. Бунинг учун у Афғонистонга сиёсий таъсир кўрсатмоғи лозим (шу йўл билан Эрон томонидан Афғонистон ва Тожикистонга кўрсатиладиган босимнинг олди олинади). Шу тариқа Покистон Ўрта Осиёни Араб денгизи билан боғлайдиган бирон-бир қувур қурилишидан ўзига тегишли фойдани чиқариб олади. Ҳиндистон Покистоннинг бу уринишларига жавобан ва эҳтимолки, минтақада Хитойнинг гегемон бўлиб қолишидан хавотирланиб, Эроннинг Афғонистондаги таъсирига ва собиқ СССРнинг бу ерларга яқин ҳудудларида Россиянинг туришига анча-мунча рўйхушлик билан қарайди.

Гарчи Қўшма Штатлар олисда жойлашган бўлса-да, минтақада уларнинг аҳамияти тобора ортиб бораётгани яққол сезилиб туради. Аввало АҚШ пост-совет Евросиёсида ҳамisha геополитик кескинлик сақланиб туришини хоҳлайди. Шунинг учун у бу минтақадаги жараёнларда бавосита иштирокчи шахс сифатида қатнашади ва нафақат минтақадаги бойликларни тақсимлашда ўз улушини қўлдан чиқаришини истайди, балки минтақанинг геополитик ҳудудида ёлғиз Россиянинг ўзининг устиворлик қилишига йўл қўймаслик тадорикини ҳам кўради. Шу тариқа ҳаракат қилган Америка нафақат Евросиёдаги кенг қўламли стратегик мақсадларини ошқор қилади, балки ўзининг ўсиб боровчи иқтисодий манфаатларини ҳам намойиш этади, шунингдек, Оврўпа билан Узоқ Шарқ ҳам шу пайтга қадар ёпиқ бўлган районга чекланмаган тарзда киришдан манфаатдор эканини кўрсатади.

Шундай қилиб, бошни қотирувчи бу катта ўйинда довга геополитик қудрат, потенциал бойликларни қўлга киритиш имконияти, миллий (ёки диний) мақсадларга эришув ҳамда хавфсизликни таъминлаш қўйилган. Шундай бўлишига қарамай, талашиб-тортишувларга сабаб бўлаётган биринчи нарсa минтақага кириш имкониятини қўлга киритишдир. Совет Иттифоқи емирилганига қадар бу ерларга келиб-кетиш фақат Москванинг ижозати билан бўлар эди. Жазмики темир йўлларда юриш ва юк жўнатиш, қувурлар орқали нефт ва газ маҳсулотларини узатиш ва ҳамто самолётларда у ердан бу ерга учиб боришлар ҳам марказнинг рухсати орқали амалга оширилар эди. Россия геополитиклари ҳамма нарсани аввалгидек қолдиришни исташарди, негаки, улар яхши тушунишади яъни бу минтақага келиб-кетиш масаласида ким устиворлик қилса, геополитик ва иқтисодий жиҳатдан ўша ютиб чиқади. Айни ана шундай мулоҳазалар Каспий денгизи ҳавзаси ва Ўрта Осиё нефт ёки газ қувури ўтказиш масаласини минтақанинг келажаги учун жуда муҳим аҳамиятга эга масала қилиб қўяди. Агар минтақадаги қувур йўллари ҳамон аввалгидек Россия худуди орқали ўтиб, Қора денгиз бўйидаги Новороссийск терминалларига бориб қўйилса, унда Россия томонидан ҳеч қанақа куч намойиш қилмасданоқ бунинг сиёсий оқибатлари кўринади-қолади. Минтақа Москвага сиёсий қарамлигича қолаверадди, минтақанинг янги бойликларини қандай тақсимлаш масаласини ҳал қилар экан, Москванинг мавқеи ҳамisha кучли бўлаверадди. Аксинча, агар яна битта қувур йўли Каспий денгизи орқали Озарбайжонга ва ундан ўтиб, Туркия орқали Ўрта денгизга етиб борса, иккинчиси Афғонистон орқали Араб денгизи томон қурилса. Бу минтақага эгалик қилиш масаласида ҳеч қандай яққа ҳокимлик бўлмайди.

Россиянинг сиёсий элитасида шундай одамлар борки, улар агар минтақа бойликларига қўллари етмаса ва ўзлари тўла назорат қила олмасалар уларни умуман, қазиб олинмаслигини афзал кўришгандай ҳаракат қилишади. Бу ҳол ташвишлангирмай қўймайди. Агар Россиянинг ичларига муқобил равишда хорижий инвестициялар бошқа давлатларнинг иқтисодий эҳтиёжларини, бинобарин, сиёсий манфаатларини ҳам бевоситароқ қондиришга олиб келадиган бўлса, минтақа бойликлари қайта ишланмасдан қолиб кетавергани маъқул. Бундай хусусий мулкчилик характеридаги ёндашув тарихда ўз илдизларига эга ва уларни ўзгартирмоқ учун вақт ва ташқаридан босим керак бўлади.

Кавказ ва Ўрта Осиёни босиб олиш учун чор Россияси тахминан уч аср мобайнида кураш олиб борди, лекин унинг яқиндаги барбоди жуда тез ва қўққисдан рўй берди. Усмонийлар империясининг қуёши сўна боргани сари Россия империяси жанубга — Каспий денгизи соҳиллари бўйлаб Эрон томонга кенгайиб борди. 1556 йилда бу империя Астрахан хонлигини ютиб юборди ва 1607 йилда Эронга етиб борди. 1774—1784 йиллар мобайнидаги уруш натижасида Крим босиб олинди, сўнгра 1801 йилда Гуржистон подшолиги қўлга киритилди. XIX асрнинг иккинчи яримида эса

Россия Кавказ тизма тоғларининг ҳар иккита томонидаги қабилалар ва қавмлар қаршилигини баргараф қилди (фақат чеченларгина ҳайрон қоладиган матонат билан қаршилик кўрсатди). 1878 йилда эса Арманистон босиб олинди.

Ўрта Осиёни босиб олишда рақобатлашувчи империягина доғда қолдирилгани йўқ, балки дунёдан ажралиб қолган ва ярим ибтидий шароитда ҳаёт кечирувчи хонлиқлар ва амирликларни забт этмоқ керак эди. Улар тузукроқ қаршилик кўрсатишга лаёқатли эмас, фақат айрим жойлардагина матонат билан кураша олар эдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон 1801-1881 йиллар давомида амалга оширилган бир неча ҳарбий юришлар оқибатида забт этилди. Туркменистонни эса 1873 йилдан 1886 йилгача бўлган даврдаги ҳарбий мухорабалар оқибатида қўлга киритишди. Шундай бўлса-да, 1850 йилга келганда Ўрта Осиёнинг асосий қисми босиб олиниб бўлинган эди. Тўғри, айрим жойларда қаршиликлар кўрсатиб турилди. Бундай қаршиликлар ҳатто совет даврида ҳам рўй бериб турарди.

Совет Иттифоқининг емирилиши натижасида воқеаларнинг ҳайрон қоладиган даражадаги тескари оқими бошланиб кетди. Бор-йўғи бир неча ой мобайнида Ўрта Осиёдаги Россия территориясини ташкил қилувчи жойлар қутилмаганда тахминан 20 фоизга қисқариб кетди, Россия ҳукмронлиги остидаги Ўрта Осиёда яшайдиган аҳолининг сони 75 миллион кишидан тахминан 30 миллион кишига қисқарди, бундан ташқари яна Кавказда истиқомат қилувчи 18 миллион одам Россиядан ажралиб қолди. Воқеаларнинг бундай тус олиши Россия сиёсий элитасининг онгига янада қаттиқроқ ботди — чунки бу районларнинг иқтисодий потенциали хорижий мамлакатлар манфаатларининг объектига айланиб қоларди. Инвестициялар учун уларнинг молиявий имкониятлари каттароқ эди, ҳолбуки, яқин замонларгача уларнинг бойликларидан фақат Россиягина истифода қилиб келарди.

Шундай бўлса-да, Россия бир дилемма қаршисида турипти — бу минтақани ташқи кучлар учун ёпиб қўйиш деса, бунга сиёсий жиҳатдан ожизлик қилади, бу вилоятлардаги бойликларни фақат ўз кучи билан қайта ишлаш деса, ўзи ҳаддан ташқари қашшоқ. Қолаверса, Россиянинг соғлом фикрлайдиган етакчилари тушунадикки, ҳозирги пайтда янги давлатларда содир бўлаётган демографик жараён жуда муҳим бир жиҳатга эга: уларнинг иқтисодий ривожланишини қўллаб-қувватлашдаги муваффақиятсизликлари Россиянинг бутун жанубий чегаралари бўйлаб вазиятни ғоятда кескинлаштириб, портловчи аҳволга келтириб қўйиши мумкин. Айниқса, бир замонлар мазлум бўлган халқлар ўртасида миллатчилик ва исломпарварликнинг қайта уйғонаётгани ҳисобга олинса, Қора денгиздан Мўғулистонгача бўлган чегара бўйлаб, янги Афғонистон ва Чеченистоннинг пайдо бўлиши ҳеч гап эмас.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, агарда Россия Туркия ва Эрон таъсир доирасининг кенгайишига тўсиқ қўйишни истаса, янги давлатларнинг ўзларининг асосий рақиблирига мойилликларини чегараламоқчи бўлса, Ўрта Осиёда чиндан-да мустақил бўлган бирон-бир ҳамкорликнинг пайдо бўлишини хоҳламади, Американинг геополитик таъсир доирасини янги мустақил давлатларнинг пойтахтлари билангина чеклаб қўйишни хоҳласа, унда қандайдир тарзда бўлмасин постимперия даврининг воқелигига мослашмоғи керак бўлади. Шундай қилиб, гап ортиқ империяни тиклаш тўғрисида бориши мумкин эмас, бу ҳаддан ташқари серчиқим иш ва бу жуда кескин қаршиликка учраши турган гап — аксинча, ўзаро муносабатларнинг янги тизимини барпо этишни тақоза этади. Бу тизим эса янги давлатларни жиловлаб турмоғи ва Россияга геополитик ва иқтисодий масалаларда устивор мавқеини сақлаб туриш имконини бермоғи керак. Бу вазифани ҳал қилишда асосий восита сифатида МДХ танлаб олинди, бироқ баъзи бир ҳолларда Россия томонидан қуролли кучларнинг ишлатилиши ва “парчалаб ташлаб ҳукмронлик қил” принципининг усталик билан татбиқ қилиниши ҳам Кремль манфаатларига яхши хизмат қилди. Москва ўз воситалари тизимидан фойдаланиб, янги давлатларни “ҳамжамият”даги ўсиб бораётган “интеграция” тўғрисидаги ўз тасавурлари максимал даражада мос келишларига эришмоқчи бўлди ва МДХнинг ташқи чегараларининг марказдан туриб бошқариладиган назорат марказини барпо қилиш учун хатти-ҳаракатларини аямади, шундай қилинса, муштарак ташқи сиёсат борасида ҳарбий соҳадаги интеграцияни мустақамлаш мумкин бўлади деб ўйлашди. Шу йўл билан Россияни четлаб ўтувчи бирон-бир янги қувур йўлини қурмасдан мавжуд қувурлар тармоғини (аслида совет даврида қурилган) кенгайтириш мумкин деб режалар қурдилар. Россиянинг стратегик таҳлиллари онқора тарзда шундан далолат берадики, Москва бу минтақани ўзининг алоҳида геополитик ҳудуди деб ўйлайди, ҳолбуки, бу ҳудудлар ортиқ собиқ империянинг таркибий қисми бўлмай қолган.

Россиянинг геополитик интилишларини тушуниб олишга ёрдам берадиган бу омил шундаки, Кремль жуда катта қатъият билан янги давлатлар ҳудудидаги ўзининг ҳарбий кучларини жой-жойида қолдиришга уринди. Абхазиядаги сепаратистик



ҳаракатдан жуда усталик билан фойдаланган Москва Гуржистонда ҳарбий базалар куриш ҳуқуқини қўлга киритди, арманлар Озарбайжон билан урушда мадад излашга мажбур эканини рўқач қилиб, Арманистонда ҳарбий кучларини сақлашни қонунлаштирди. Қозоғистонда ўзининг ҳарбий базаларини барпо этишга рухсат олмақ учун Қозоғистонга сиёсий ва молиявий босим кўрсатди. Бундан ташқари, Тожикистондаги фуқаролар уруши у ерда собиқ Совет Армияси қисмларини доимий олиб қолишга ёрдам берди.

Ўзининг сиёсий йўналишини аниқлар экан, Москва бир нарсани кутишга ўтди — унинг тахминича, Ўрта Осиё билан ўзаро муносабатларда барпо этаётган янги империяпарастлик тизими аста-секин бир-бирдан ажралган ва заиф давлатларнинг суверенитети моҳиятини сўраб олмоғи керак эди. Бунинг оқибатида улар “интеграллашган” МДҲнинг қўмондонлик марказига қарам бўлиб қолмоқлари керак эди. Бу мақсадга эришмоқ учун Россия янги давлатларни ўз қурулми кучларини барпо этишдан қайтармоққа уринди, уларни она тилларини тиклашга уринди, ташқи дунё билан яқиндан алоқа қилмаслиқни маслаҳат беришди ва тўғридан-тўғри Араб денгизи ва Ўрта денгиз соҳилларидаги терминалларга бориб уланадиган янги қувурлар куриш ниятларидан қайтармоқчи бўлди. Бу сиёсат муваффақиятлроқ бўлганида Россия уларнинг ташқи сиёсатлари бобида устиворлик қилар ва даромадларни тақсимлашда ҳал қилувчи овозга эга бўлур эди.

Бу сиёсатга амал қилувчи Россия сиёсатчилари тез-тез Оврўпа Иттифоқини мисолга олиб турадилар. Аммо амалда эса Россия сиёсатчиларининг Ўрта Осиё ва Кавказга муносабатлари фарангизабон Африка мамлакатлари ҳамжамиятидаги вазиятни эслатади. У ерда француз ҳарбий контингентлари ва французлар бериб турган молиявий маблағлар француз тилида гаплашадиган постколониал Африка давлатларининг сиёсий ҳаётини ва сиёсий йўналишини белгилаб туради.

Агар Россия томонидан минтақадаги сиёсий ва иқтисодий таъсирини имкон даражасида максимал қайта тиклаш умумий вазифа бўладиган бўлса ва МДҲ эса бу вазифани бажаришда асосий восита бўлса, Москванинг ўзига тобё қилиш борасидаги биринчи мўлжаллари Озарбайжон ва Қозоғистон бўлмоғи керак. Россиянинг қарши ҳужуми муваффақиятли чиқмоғи учун Москва нафақат бу минтақага кириб-чиқишни батамом тўхтатмоғи керак, балки унинг жўғрофий тўсиқларини енгиб ўтмоғи ҳам лозим.

Озарбайжон Россия учун устивор мақсадга айланмоғи керак. Уни бўйсундира олиш Ўрта Осиёни ғарбдан ва, айниқса, Туркиядан ажратиб қўйишга ёрдам берган бўларди, бу эса Россиянинг бўйсунмаган Ўзбекистон ва Туркменистонга таъсир кўрсатишдаги воситаларини янада кучайтирар эди. Бу жиҳатдан олданда Каспий денгизининг тубида нефт қудуқларини кавлаш бўйича концессияларни тақсимлаш каби мураккаб масалаларда Эрон билан тактик ҳамкорлик қилиш жуда муҳим мақсадга эришишга хизмат қилади — шу йўл билан Бокуни Москванинг хоҳишларига кўндириш осонроқ кечади. Озарбайжоннинг ялтоқланиши Россиянинг Гуржистон ва Арманистондаги устивор мавқеини ҳам мустаҳкамлар эди.

Қозоғистон ҳам биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган жозибадор мақсадни ташкил қилади, негаки, унинг этник жиҳатдан заифлиги ҳуқуматига Москва билан очиқчасига ихтилофга киришишга йўл қўймайди. Москва, шунингдек, Хитойнинг кучайиб бораётган фаоллиги муносабати билан Қозоғистоннинг қўнғлидаги хавотирликдан ва қўшни Синцзян вилоятида ўтказилаётган хитойлаштириш сиёсатининг қўламидан Қозоғистоннинг ранжиётганидан ҳам фойдаланиб қолиши мумкин. Қозоғистонни аста-секин тобё қилиб олиш охири-оқибатда шунга олиб келиши мумкин эдики, Қирғизистон билан Тожикистонни автоматик тарзда Москванинг назорат доирасига жалб қилиб олиш учун геополитик имконият туғилар эди. Бу эса Ўзбекистон билан Туркменистонни заифлаштириб, уларга Россия томонидан ошқорароқ босим ўтказишга йўл очарди. Аммо Россиянинг стратегияси “Евросиё Болқонлари”да жойлашган деярли ҳамма мамлакатларнинг интилишларига зид бўлмақда. Уларнинг янги сиёсий элитаси мустақиллик туфайли қўлга киритган ҳокимият ва имтиёзлардан ўз ихтиёрлари билан воз кечмайдилар. Маҳаллий руслар ўзлари илгари эгаллаб турган имтиёзли мансабларни бўшата борганлари сари янги ташкил топаётган элита дарҳол ҳаракатчан ва ижтимоий жиҳатдан юқумли жараён бўлмиш суверенитетга қонуний қизиқиш билан қарай бошлайди. Бундан ташқари бир вақтлар сиёсий жиҳатдан пассив бўлган аҳоли (Гуржистон билан Арманистондан ташқари) кўпроқ даражада миллатчироқ бўла борадилар ва ўзларининг исломга мансуб эканларини чуқурроқ идрок эта бошлайдилар.

Ташқи сиёсат масаласига келадиган бўлсак, Гуржистон билан Арманистон ҳам (Арманистоннинг Озарбайжонга қарши курашида, Россиянинг мададидан қарамлигига қарамай) аста-секин Оврўпа билан кўпроқ яқинлашишни истайдилар. Ресурсларга бой бўлган Ўрта Осиё давлатлари, улар билан бирга Озарбайжон ҳам

Ўз ҳудудларида америка, оврупа, япон, яқиндан бери эса корейс сармояларининг иқтисодий фаолиятини имкон қадар кенгайтириб, уларнинг ёрдамида ўзларининг иқтисодий ривожланишларини анчагина тезлаштиришга ва мустақилликларини мустаҳкамлашга умид боғламоқдалар. Бу жиҳатдан улар Туркия билан Эроннинг роли кучайиб бораётганини жуда маъқуллайдилар, негаки, уларнинг сиймосида Россиянинг қудратига қарши турадиган кучни ва Жанубга — улкан ислом дунёсига олиб борадиган кўприкни кўрадилар.

Масалан, Туркия ва Америка томонидан рағбатлантириб турилган Озарбайжон нафақат унинг ҳудудида ҳарбий база қуриш тўғрисидаги Россиянинг таклифини рад этди, балки, Қора денгиздаги Россия портига биргаликда битта нефт қувири ўтказиш ҳақидаги таклифига ошқора тарзда бепарво қаради, бунинг ўрнига у тортишартортиша бошқа бир ечимнинг — Туркияга Гуржистон ҳудуди орқали иккинчи нефть қувири қуриш тўғрисидаги вариантнинг қабул қилинишига эришди.

(Жанубга Эрон орқали нефт қувири қуриш тўғрисида ҳам таклиф бор эди. Бу қурилишни молиявий жиҳатдан америкаликлар таъминламоғи керак эди. Бироқ АҚШ томонидан Эрон билан ҳар қандай олди-бердиларга эмберго қўйилганини инобатга олиб, бу вариант рад этилди.) 1995 йилда карнай-сурнай садолари остида тантанали равишда Туркменистон билан Эронни боғлайдиган янги темир йўл линияси қурилди. Бунинг оқибатида Оврупа Ўрта Осиё темир йўл орқали Россия ҳудудини четда қолдириб, савдо қилиш имконига етга бўлди. Бу аснода Россия ортиқ Ўрта Осиёни Россиядан ажратиб қўйишга қурби этмай қолган бир шароитда қадимги “ипак йўли” тиклангани муносабати билан рамзий маънодаги драматизм кўринишлари ҳам содир бўлди.

Россиянинг “интеграция” бобидаги интилишларига қарши Ўзбекистон ҳам тобора кўпроқ даражада ўз муҳолифлигида қатъийлашиб бормоқда. 1996 йилнинг августда унинг ташқи ишлар министри жуда қатъий оҳангда “Ўзбекистон бошқарувни марказлаштирувчи восита сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган МДХнинг миллатлар устидан турувчи институтларининг тузилишига қаршидир” деган эди. Очiq кўришиб турган бу миллатпарастлик руҳидаги мавқе Россия маъбуотида дарҳол Ўзбекистон шаънига кескин фикр-мулоҳазаларнинг ўрин олишига олиб келди:

“Ўзбекистон иқтисодиёти ошқора тарзда ғарбпарастлик йўлини тутмоқда. У МДХ доирасида интеграцион битимлар тузишни кескин танқид остига олмоқда. У ҳатто Божхона иттифоқига киришдан ҳам кескин бош тортди. Ўзбекистонда изчил равишда русларга қарши миллатчилик сиёсати юритилмоқда (ҳатто рус тилидан фойдаланадиган болалар боқчалари ҳам ёпилмоқда). Осиё минтақасида Россияни заифлаштиришга йўналтирилган сиёсат олиб бораётган Қўшма Штатлар учун бунақа мавқе маъқул келмаслиги мумкин эмас”.

Ҳатто Қозоғистон ҳам Россиянинг босимида жавобан Россия ҳудудини четлаб ўтадиган қўшмача нефт қувири қурилишини табриклаб чиқди — ўзининг табиий бойликларини четга етказишда Қозоғистон ҳам бу қувурдан фойдаланмоғи мумкин эди. Қозоғистон Президентининг маслаҳатчиси Умирсерик Касенов шундай дейди:

“Қозоғистоннинг муқобил қувур қурилиши борасидаги изланишлари туғилишига Россиянинг ўзининг ҳаракатлари сабаб бўлди. Россия Қозоғистон нефтининг Новороссийска етиб боришини чеклаб қўйди, Тюмень нефтининг Павлодар нефтни қайта ишлаш заводига етиб келишини камайтириб қўйди. Туркменистоннинг Эронда нефт қувири қуриши йўлидаги уринишларининг боиси қисман шуки, МДХ мамлакатлари жаҳон баҳосининг 60 фоизинигина тўлайдилар ёки бутунлай тўламайдилар”.

Туркменистон ҳам ўша мулоҳазалардан келиб чиқиб, Афғонистон ва Покистон орқали Араб денгизи соҳиллари томон янги қувур қурилиши масаласини фаоллик билан ўрганди. Бу қувур — Туркменистонни шимолда Қозоғистон ва Ўзбекистон билан, жанубда эса Эрон ва Афғонистон билан боғлайдиган темир йўл қурилишига қўшмача бўлмоғи керак эди. Дастлабки музокаралар Қозоғистон, Хитой ва Япония ўртасида ҳам олиб борилади. Бу музокараларда Ўрта Осиёдан Жанубий Хитой денгизи соҳилларига етиб борадиган янги қувур қурилишининг илк лойиҳалари муҳокама қилинди. Нефтегаз соҳасига нисбатан узоқ муддатли инвестицион мажбуриятлар Озарбайжонда тахминан 13 миллиард долларга етади. Қозоғистонда эса улар 20 миллиард доллардан анча ошиб кетади (1996 йил рақамлари). Агар улар амалга оلسа, Россия томонидан кўрсатиладиган глобал иқтисодий босим шароитида ва Россиянинг молиявий имкониятлари чекланганини инобатга олганда бу минтақани иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан яккалаб қўйиш масаласи ўз-ўзидан тушиб қолади.

Россия билан боғлиқ бўлган хавотирлар Ўрта Осиё давлатларини янада яқинроқдан минтақавий ҳамкорлик қилишга ундади. 1993 йилнинг январидан барпо этилган Ўрта Осиё иқтисодий Иттифоқи аввалга ҳаракатсиз турди-да, аста-секин фаоллашиб кетди. Ҳатто Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ҳам аввалга

“Евросиё Иттифоқи”ни тузишга қаттиқ тарафдор бўлиб турди-да, кейинчалик Ўрта Осиёда жишсроқ ҳамкорлик қилиш гоёси тарафдорлари қаторига ўтди. У ҳатто минтақа давлатлари орасида кўпроқ даражада мувофиқлашган ҳарбий ҳамкорликка тарафдор бўлди. Каспий ва Қозоғистон нефтини Туркия орқали нефт қувурлари ёрдамида олиб ўтиш масаласида Озарбайжонни қўллаб-қувватлади, Россия ва Эроннинг баъзи бир уринишларига нисбатан биргаликда муҳолиф мавқеини эгаллашга рози бўлди. Бу уринишлар Каспий денгизи тубидаги нефть ва бошқа табиий бойликлар заҳираларини соҳил бўйидаги давлатлар ўртасида секторларга ажратиб олишга қарши йўналтирилган эди.

Мазкур минтақадаги тузумлар кучли авторитаризмга мойиллигини эътиборга олганда, айрим раҳбарлар ўртасида шахсий муросан-мадор муаммоси янада каттароқ аҳамият касб этади. Ҳаммага маълумки, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Туркменистон президентларининг ўзаро муносабатлари унчалик илиқ ва дўстона эмас эди (улар бу тўрида хориждан келган меҳмонларга ошқора тарзда гапирган эдилар). Шахсий низолар азал-азалдан Кремлга жуда қўл келиб келган — Кремль ундан фойдаланиб, бир-бирларига қарши гижгижлатиш билан шуғулланганлар. 90-йилларнинг ўрталарига келганда уларнинг ҳар қайсиси улар ўртасидаги яқин ҳамкорлик ўз мустақилликларини сақлаб қолиш учун зарур эканини англаб етдилар ва ҳаммага гўё қалин дўстона муносабатлари бордай қилиб кўрсата бошладилар. Шундай қилар эканлар, бундан буён ташқи сиёсат борасидаги ишларини ҳам мувофиқлаштириб олиб боришларини маълум қилишди.

Бироқ бундан ҳам муҳимроқ ҳодиса шу бўлдики, МДҲ ичида Украина ва Ўзбекистон бошчилигида ғайрирасмий коалиция юзага келди. Ўзбекистон “интеграциялашган” ҳамкорликни эмас, “кооператив” ҳамкорликни маъқул кўрарди. Шу мақсадларда Украина Ўзбекистон, Туркменистон ва Гуржистон билан ҳарбий битим имзолади. 1996 йилнинг сентябр ойида эса Украина ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари бениҳоя юксак даражада рамзий маънога эга бўлган бир ишни қилишди — улар биргаликда Декларация эълон қилишди. Бу декларация эълон қилинган пайтдан бошлаб бундан кейин ҳаммиша МДҲ аъзолари бўлмиш мамлакатлар вакилларининг олий даражадаги йиғилишлари фақат Россия президенти раислик қилмаслигини, балки МДҲга аъзо бўлган ҳамма мамлакатларнинг президентлари навбатма-навбат раислик қилишини талаб қилдилар.

Украина ва Ўзбекистон ҳатто Москванинг марказий ўринни эгаллашга бўлган интилишларига эҳтиром билан қаровчи раҳбарларга ҳам ибрат бўлди. Қозоғистон раҳбари Нурсултон Назарбоев ва Гуржистон раҳбари Эдуард Шеварднадзе “бизнинг республикаларимиз мустақиллигига жиндай таҳдид туғиладиган бўлса, биз МДҲ аъзолитидан чиқамиз” дедилар. Кремль, айниқса, шу гапни эшитгандан кейин жуда ташвишга тушиб қолган бўлиши керак. Ўрта Осиё давлатлари ва Озарбайжон МДҲга қарама-қарши ҳаракат ўлароқ Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотидagi фаолиятларини бир даражада юқори кўтардилар. Минтақадаги ислом давлатларининг ҳали ҳам нисбатан эркин бўлган бу уюшмаси ўз ичига Туркия, Эрон ва Покистон каби давлатларни ҳам олар ҳамда ўз ишини уюшма аъзолари ўртасида молиявий, иқтисодий ва транспорт алоқаларини кенгайтириш вазифасига бағишлаган эдилар. Москва бу ташаббусни очиқчасига қоралаб чиқди. Уни МДҲ давлатларининг аъзолитига пуғур етказувчи ҳодиса сифатида баҳолади. Москва ўзининг бу баҳосида ҳақ эди. Ана шу тарзда аста-секин Туркия билан ва камроқ даражада Эрон билан алоқалар мустаҳкамланди ва кенгайиб борди. Туркийзабон мамлакатлар Туркиянинг янги миллий зобитлар корпусини тайёрлашда ҳарбий кўмак бериш ва 10 мингта яқин талабани ўқишга қабул қилиш ҳақидаги таклифини хурсандлик билан қабул қилдилар. Туркийзабон давлатлар вакилларининг Туркиянинг яқиндан кўмағида тайёрланган ва 1991 йилнинг октябрь ойида Тошкентда ўтган юқори доиралардаги тўртинчи учрашуви асосан ўзининг эътиборини транспорт алоқаларини ва савдо-сотиқни кенгайтиришга, шунингдек, маориф масаласида муштарак меъёрларни ишлаб чиқишга, шунинг баробаринда, Туркия билан маданий ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратди. Туркия ҳам, Эрон ҳам янги давлатларга ўзларининг телевизион дастурлари билан ёрдам беришни бўйниларига олдилар ва шу йўл билан кенг оммага бевосита таъсир кўрсатиш имконига эга бўлдилар.

Қозоғистон пойтахти Олматида 1996 йил декабрида ўтказилган маросимлар Туркиянинг минтақа давлатларининг мустақиллигига муносабатини намойиш қилишда бағоят даражада рамзий маънога эга бўлди. Қозоғистон мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан 28 метрлик зарҳалланган обиданинг очилиш маросими бўлди. Унда президент Назарбоевнинг ёнида Туркия президенти Сулаймон Демирэл турди. Тантаналарда Қозоғистон вакиллари “Қозоғистоннинг мустақил давлат сифатидаги ривожланишининг ҳар босқичида Туркия унинг ёнида тургани учун” Туркияни кўқларга кўтариб мақтадилар, бунга жавобан Туркия Қозоғистонга 300

миллион доллар миқдорда қарз берди. Бу даврда Қозоғистон хусусий тадбиркорлар томонидан ётқизилган сармоя 1,2 миллиард долларга етиб қолган эди.

Гарчи на Туркия, на Эрон Россияни минтақадаги таъсиридан маҳрум этишга қодир бўлмасалар-да, юқоридаги каби ҳаракатлар билан Туркия ва (камроқ даражада) Эрон янги давлатларнинг шимолдаги қўшнилари ва собиқ хўжайинлари билан қайтадан интеграциялашишга қаршилик қилишга тайёрликларига ва бу борадаги имкониятларига ёрдам беришди. Бу эса — шак-шубҳа йўқки, минтақанинг геополитик келажagini очиқ сақлаб қолишга ёрдам беради.

## НА ДОМИНИОН, НА ОРҚАДА ҚОЛГАН

Америка учун қандай геостратегик оқибатлар бўлиши аён кўриниб турипти. Американинг жуда олислиги унинг Евросиёда устивор бўлишига имкон бермайди. Лекин у ҳаддан ташқари қудрати, шунинг учун бу минтақадаги ҳодисаларга аралашмай тамошабин бўлиб қололмайди. Минтақанинг ҳамма давлатлари Американинг иштирашига ўзларининг яшаб қолмоқлари учун зарур ҳодиса деб қарашади. Россия ҳаддан ортиқ даражада заиф — у минтақада аввалгидек империя сифатидаги устиворлигини тиклашга ожизлик қилади. Ёки унинг тақдирини иштирок этаётган бошқа кучларни минтақадан чиқариб юборишга ҳам кучлари етмайди. Бироқ у анча яқин жойда жойлашган ва заиф бўлса ҳамки, ҳали етарли кучга эга. Шунинг учун унга эълибдор бермасликнинг ҳам иложи йўқ. Туркия ва Эрон таъсир кўрсатмоқ учун етарли кучга эга, аммо уларнинг ўзларининг заифликлари минтақага бир вақтнинг ўзида ҳам Шимолдан бўладиган таҳдидни, ҳам минтақанинг ички зиддиятларини бартараф қилишнинг уддасидан чиқа олмайди. Хитой жуда кучли, шунинг учун Россия билан Ўрта Осиё давлатлари ундан хавфсирамай тура олмайдилар, аммо шунга қарамай, унинг шу ерда ҳозирлиги ва иқтисодий фаоллиги Ўрта Осиё давлатларининг жаҳон майдонига янада кенгроқ кўламда чиқишларига бўлган интилишларини рўёбга чиқаришда ёрдам беради.

Бундан фақат битта хулоса келиб чиқади. Американинг биринчи даражали манфаати шунга тақоза қиладики, у муайян бир вазиятни вужудга келтирмоққа ёрдам бермоғи керак. Бу вазият шундай бўлмоғи керакки, унда биронта ҳам давлат мазкур геополитик ҳудудни ўз назорати остига ола билмасин, жаҳон ҳамжамияти эса бу ерда бемалол, ҳеч қандай тўсиқсиз молиявий ва иқтисодий иш юритиш имконига эга бўлсин.

Нефт кувурлари ва темир йўл тармоқлари бу минтақани бевосита Ўрта денгиз ва Араб денгизи орқали, шунингдек, қуруқлик орқали жаҳон иқтисодий фаолиятининг йирик марказлари билан боғлаган тақдирдагина геополитик плюрализм барқарор реалликка айланиб қолади. Бинобарин, Россиянинг бу ерларга келиб-кетилиши монополиялаштириш борасидаги хатти-ҳаракатларига минтақадаги барқарорликка зарар етказувчи ҳаракатлар сифатида зарба бериш керак.

Бироқ Россияни минтақадан мосуво қилиш унча маъқул эмас ва бу амалга ошадиган иш ҳам эмас. Айни чоғда, мазкур минтақадаги янги давлатлар билан Россия ўртасидаги зиддиятларни пуфлаб шиширишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Дарҳақиқат, минтақани ривожлантириш ишларида Россиянинг фаол иқтисодий иштироки бу ҳудуддаги барқарорлик учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Россиянинг ҳамма нарсага бош-қош бўлишга интиладиган хўжайин сифатида эмас, балки шерик сифатидаги иштироки ҳам жуда муҳим иқтисодий фойдалар бермоғи турган гап. Минтақа ҳудудида юзага келадиган мустақкам барқарорлик ва юксак даражадаги фаровонлик бевосита Россиянинг ҳам фаровонлигига ёрдам беради ва “МДХ” деган қисқартирилган сўз ёрдамида ваъда қилинган “ҳамкорлик”ка чинакам маъно бахш этган бўларди. Аммо шўҳратпарастлик йўлида тузилган ва аллақачон тарихан эскириб қолган бир қатор режалар бор — улар Болқон масаласида тузилган дастлабки режаларни эслатиб, дилни хира қилиб туради. Бу режалар муваффақият билан рад этилгандан кейингина ана шундай кооператив йўли Россиянинг сиёсатига айланиши мумкин.

Америка томонидан жуда кучли геополитик мадад беришга арзийдиган давлатлар Озарбайжон, Ўзбекистон ва мазкур минтақадан ташқарида Украинадир. Уларнинг ҳаммалари геополитик марказлардир. Украина Россиянинг келгусидаги эволюциясига дахлдор давлатдир. Шунинг ўзи Украинанинг фавқуллода аҳамиятга молик бўлган давлат сифатида роли бениҳоя катталигини далиллайдиган омиллардан биридир. Айни чоғда, Қозоғистон ҳам (унинг кўламини, иқтисодий имкониятларини ва ҳудудининг жўғрофий жиҳатдан муҳим жойда жойлашганини эътиборга олиб) оқилона халқаро мадад беришга ва узоқ муддатли иқтисодий ёрдам кўрсатишга арзийдиган давлатдир. Аммо этник нифоқлар туфайли вужудга келган жарликлар бу Ўрта Осиё қалқонини Россия босими қаршисида анча заиф қилиб қўяди. Шоядки, вақт-соати келиб. Қозоғистондаги иқтисодий ўсиш шу жарлик устидан кўприк қуришга ёрдам берса...

Мазкур минтақада Америка нафақат барқарор, ғарбпараст Туркия билан, балки Эрон ва Хитой билан ҳам муштарак манфаатларга эга. Америка муносабатларининг аста-секин яқинлашиб бориши мазкур ҳудудга келиб-кетишни глобал тарзда кенгайтиришга ёрдам берган бўлур эди ва агар янада аниқроқ айтсак, Озарбайжоннинг яшашига хавф соладиган таҳдидларни анча камайтирган бўлур эди. Минтақанинг иқтисодий ҳаётида Хитой иштирокининг кенгаётгани ва унинг регионал мустақиллигини қўллаб-қувватлаётгани ҳам Американинг манфаатларига мос келади. Покистоннинг Афғонистондаги хатти-ҳаракатларининг Хитой томонидан қўллаб-қувватланиши ҳам ижобий ҳодисадир, негаки, Покистон-Афғонистон муносабатларининг янада жипслашиши Туркменистонга бориб келадиган халқаро кучларнинг ишhini янада енгиллаштирар эди. Шунинг билан бирга (агар Қозоғистон иккиланмаса) бу давлатни ҳам, Ўзбекистонни ҳам мустақамланишига анча ёрдам берарди.

Кавказ давлатларининг келажигида, афтидан, Туркиянинг эволюцияси ва қандай йўлни танлаб олиши муайян аҳамиятга эга бўладиганга ўхшайди. Агар Туркия Оврўпа сари ўз йўлини матонат билан ўтса ва Оврўпа унинг юзига эшигини ёшиб қўймаса, Кавказ давлатлари ҳам Оврўпа орбитасига тортиладиганга ўхшайдилар, улар эса айни ана шу истиқболга эришмоқни жон-жаҳдлари билан истайдилар. Бироқ ички ёки ташқи сабабларга кўра Туркияни оврўпалаштириш муваффақиятсиз чиқса, унда Гуржистон билан Арманистонда Россиянинг манфаатларига мослашишдан бошқа илож қолмайди. Бу ҳолда уларнинг келажиги Россиянинг тобора кенгайиб бораётган Оврўпа билан муносабатларига боғлиқ бўлиб қолади.

Эроннинг роли масаласи янада чалкашроқ бўладиганга ўхшайди. Ғарбпарастлик мавқеига қайтилса, шубҳасиз, бу минтақадаги барқарорликни таъминлаган бўларди, ундаги кучларнинг жипслашувига ҳам йўл очарди, шунинг учун стратегик нуқтаи назардан Америка учун Эроннинг хатти-ҳаракатларидаги бундай бурилишга ёрдам бериш мақсадга мувофиқ бўларди. Аммо бу рўй бермагунга қалар Эрон, ҳар ҳолда, салбий роль ўйнашда давом этса керак — у Озарбайжоннинг истиқболига анчагина номақбул таъсир кўрсатишда давом этади. Ўрта Осиёда диний меросни идрок этиш жараёнини кучайтирувчи бугунги фундаментализмнинг мавжудлигига қарамай, Эрон қолган жаҳон учун Туркменистонни очиб беришга ўхшаган ижобий қадамлар қўяётган бўлса-да, аҳвол унча ўзгаргани йўқ.

Охир-ширвардида Ўрта Осиёнинг келажиги янада мураккаброқ вазиятлар ичида шаклланадиган кўринади. Бунда Ўрта Осиё давлатларининг шаклланишига ва тақдирига Россия, Туркия, Эрон ва Хитой манфаатларининг ўзаро чатишиб кетган муносабатлари таъсир кўрсатади, табиий, Қўшма Штатлар Россияга муносабатларини унинг янги мустақил давлатларга ҳурмати даражасига нечоғлиқ боғлиқ қилиб қўйиши ҳам муҳим роль ўйнайди. Бундай ўзаро алоқаларнинг чинлиги ҳар қандай манфаатдор геостратегик сиймо томонидан империя ёки монополияни муҳим геостратегик мақсад сифатида танлаб олишни соқит қилади. Бунинг ўрнига бошқа бир танлов кўндаланг бўлмоғи мумкин. Бу — бир томондан, омонатгина минтақавий мувозанат (бу мувозанат мазкур минтақани аста-секин туғилиб келаятган глобал иқтисодиёт қаторига жалб қилиши мумкин, бу вақт мобайнида эса минтақадаги давлатлар тобора жипслаша бормоқлари ва ҳатто борган сари аниқ ифодаланадиган исломий белгилар касб этиб бормоғи мумкин), иккинчи томондан, этник конфликтлар, сиёсий парчаланишлар ва эҳтимолки, ҳатто Россиянинг жанубий чегаралари бўйлаб ошқора тўқнашувлардир. Ана шу минтақавий мувозанатга эришиш ва уни мустақамлаш АҚШнинг Евросиёга нисбатан кенг қамровли геостратегиясининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолмоғи керак.

*Озод ШАРАФИДДИНОВ  
таржимаси.*



## Матёқуб ҚЎШЖОНОВ

# Армон

*Китобдан боблар*

### АЙТИЛМАГАН НУТҚ

**1981** йилнинг ёз ойлари. Ҳаётда қутилмаган воқеалар кўп бўлади. Шу хилдаги воқеалардан бири ўша йилнинг 14 август кuni рўй берди. Эрталаб соат тўққизлар маҳали эди. Институт фаолларидан бири — Иброҳим Мирзаев уйга кўнғироқ қилиб:

— Зудлик билан институтга етиб келар экансиз. Институтни текширишга катта комиссия келди, — деди. Мен буни мутлақо кутмаган эдим. Кечадан бошлаб ёзги таътилга чиққандим. Эрта тонгда Симферополга учадиган самолётнинг билетию Ялтадаги Ўзбекистон санаториясига 4-бошқармадан олинган йўланма бўлиб, йўл тарадудини кўраётган пайтим эди. Тарадудни тўхтатиб, институт томон тезлик билан отланишдан бошқа чорам қолмади. Шахсий машинамга ўтириб институтга етиб бордим. Эшикни очиб, кўрдимки, хона тўла одам. Жойимга ўтириб йиғилганларни бир қатор кўздан кечирдим. Бу ерда институт фаолларидан ташқари, қутилмаган меҳмонлар ҳам бор эди. Рўпарамда кибр билан менга тикилиб турган ёш йигитга кўзим тушди. Бу йигитни мен бирор жойда илгари учратган эмасдим. На адабиётчилар аҳли орасида, на илм билан шуғулланган жамоалардан бирортасида уни кўрмагандим. Хаёлимдан демак, бу йигит ё тарихчи, ё иқтисодчи деган фикр ўтди. Ҳарҳолда тил ва адабиёт илмидан узоқроқдаги бир шахс. У ўзини таништира кетди:

— Мен шаҳар партия комитетининг бўлим мудури бўламан. Фамилиям Нусратов, исмим Шухрат, — деди-да, йиғилиш мақсадини тушунтира кетди. Институт ишлари билан танишмоқчимиз. Олти кишидан иборат комиссия тузилди. Комиссия аъзолари ўзингизнинг ҳамкасбларингиз, ишни чўзиб сизга кўп ҳам халақит бермаймиз, — деб узрнома фикрини ҳам ўртага ташлаб қўйди. Мен гашимни чўзмадим:

— Маъқул, жуда яхши бўлибди-да, — деган гап билан чекландим. Бир зумда комиссия аъзоларини кўздан кечирдим. Ҳақиқатдан ҳам уларнинг барчаси ҳамкасбларим эди. Улардан биттасигина истисно. “Коммунист” журналининг бош

---

Атоқли адабиётшунос олим ва адиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Матёқуб Қўшжонов мураккаб ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. Республикамиз абадий жамоатчилиги яқинда 50 га яқин китоб, 500 дан ортиқ мақолалар муаллифи бўлган бу сермахсул ижодкор таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлади. Матёқуб Қўшжонов кейинги йилларда бадиий ижод соҳасида ҳам қалам тебратиб, “Дагиш”, “Алам” сингари автобиографик характердаги ёднома китобларини нашр эттирди. Яқинда ёзиб тугалланган “Армон” асари юқоридаги китобларнинг мантиқий давомидир.

Олим 2003 йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллиги муносабати билан “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. Журнал таҳририяти машҳур олим Матёқуб Қўшжоновни бу юксак мукофот билан қутлаб, журналхонлар эътиборига “Армон” асарининг айрим бобларини ҳавола этаётир.

*Таҳририят.*

муҳаррири, тарих фанлари доктори Р.Нуриллин эди. Бу одам ҳақида озгина бўлса ҳам тасаввурим бор. Унинг адабиётшуносликка ҳам, тилшуносликка ҳам алоқаси йўқ. У партия тарихидан мутахассис. Демак, бу ишга у кўпроқ мафкурашунос сифатида жалб қилинган.

Ш.Нусратов ахборотида айtilган яна бир комиссия аъзоси — профессор Г.Владимиров бу ерда кўзимга кўринмади, демак, у ё вақтида етиб келмаган ёки шунчаки келишни истаман, деб ўйладим.

Ҳаётдан олган тажрибамдан биламанки, бундай ҳолларда ишнинг бошқарувчилари бўлади. Бу ерда бир эмас, учта бошқарувчига кўзим тушди. Улардан бири кўзлари хиёл қисқ, ўрта бўй гавдасига нисбатан қўллари узун ва нозик, маълум даражада қирғиз башара Иброҳим Раҳим эди. Ҳамкасбимнинг асли касби журналистлик бўлиб, ёзувчилик соҳасида ҳам анча таниқли эди. Мен унга тик назар ташлай олмадим. Чунки у мендан кўзини олиб қочиб, бошқа бир нарса билан андармондай кўрсатди ўзини...

Бир зумда бу одам катта мансабни эгаллаб турган пайтларида бадий ижод хусусида орамизда бўлиб ўтган зиддиятлар, воқеалар, у томонидан айtilган “Ундоқ қилиб юбораман, бундоқ қилиб юбораман”, деган дўқ-пўписалар эсимга тушди, унинг романлари хусусида матбуот саҳифаларида билдирган танқидий фикрларим хаёлимдан ўтди.

Иккинчи бошқарувчи Республика бош газетаси “Совет Ўзбекистони” газетасининг бош муҳаррири Лазиз Қаюмов бўлиб, бироз қорин қўйган бу ҳамкасбимни кўпчилик адабиёт оламидаги асосий мафкурашунос сифатида биларди.

Анча иқтидорли олим бўлган бу дўстимга кўзим тушганда яна хаёлотга берилдим; 50-йилларнинг иккинчи ярмида университетда дарс бериб юрган пайтларимда у билан рўй берган тўқнашувлар, илмий баҳс ва мунозаралар бирин-кетин кўз ўнгимдан ўтди. Учинчи бошқарувчи эса хиёл озгиндан келган, юзларидаги самимий қулгидан кўра истеҳзоли жилмайиш зуҳр этиб турадиган адабиётшунос дўстим Ҳафиз Абдусаматов эди.

Бу одам институтнинг катта илмий ходими ҳисобланарди, таажжубланидиган жойи шунда эдики, шу ерда ишлаб, шу ердан маош оладиган илмий ходим институт ишини текшириб, тил ва адабиёт масалаларидан узоқда бўлган ҳукмрон ташкилотга ҳужжат тайёрлаб бериши керак эди.

Қизиғи шунда эдики, ёзувчи ҳамкасбимга назар ташлаганимда у кўзини мендан олиб қочди. Лазиз Қаюмовга кўз ташлаганимда эса “олишувни энди бошлаймиз” дегандек менга тик қаради. Ҳ.Абдусаматов менинг назаримга сунъий жилмайиш билан жавоб қилди.

Кейин эшитишимга қараганда, профессор Г.Владимиров ҳам эрталаб институтда пайдо бўлибди. Битта-иккита хоналарга кирибди. Ходимлар билан суҳбатлашибди ва институт фаолларидан бирига “бу ишларнинг асл мақсадини мен тушунаман, буларнинг нияти яхши эмас, шу боисдан мен ўзимни комиссияда бор деб ҳисобламайман ва булар билан бирга қайта институтга келмайман”, дебди-да, қайтиб кетибди. Шундан кейин Владимирова комиссия ишида умуман қатнашмади. Бу ҳол ҳам менда таажжуб уйғотди. Профессор Владимирова билан адабиёт масалаларида ҳамфикрлигим йўқ эди. У билан бирор бошқа масала юзасидан яқин муносабатда ҳам бўлган эмасман. Шунга қарамасдан у бу воқеаларнинг сирини дарров англаб олибди-да, юқорида қайд қилинган қарорга келибди. Бу ҳол менинг Владимирова масалага виждонан қарабди-да, деган хулосага келишимга сабаб бўлди.

Суҳбатимиз охирида қолай деган эди. Ш.Нусратовга мурожаат қилиб, мен меҳнат таътилида эканлигимни ва эртага санаторияга жўнаб кетишим кераклигини билдирдим. Комиссия раиси Ш.Нусратов совуққонлик билан: — “Самолёт билетини ва санаторияга олган йўлланмангизни қайтариб топширганингиз, ёзги таътилни ҳам чўзганингиз маъқул”, деди.

Бу сўзлар юмшоқроқ оҳангда айtilган бўлса ҳам уларнинг тагида буйруқ маъноси ётарди. Бу сўзлардан кейин: “Комиссия ишни ҳозир бошлайди”, — деди у. Шу билан суҳбат тугади. Тезкорлик билан муҳосибхонанинг кассаларига, партия ва қасаба уюшмаси идораларига комиссия аъзолари кириб боришди. Улар энди бамисоли бу хоналарнинг асл хўжайинлари эди. Бошқарувчилар партия ташкилоти раҳбарини, институтнинг бош муҳосибини, илмий котибни бирин-кетин чақириб, қандайдир ҳужжатларни талаб қила бошладилар. Тайёр бўлмаган ҳужжатларни бир-икки кун ичида тайёрлаб беришни талаб қилдилар. Шу орада муҳосибхонанинг ҳисоб-китобини текширадиган уч кишидан иборат комиссия ҳам пайдо бўлиб, муҳосибхонанинг барча бисотларини тита бошладилар.

Хонада бир неча дақиқа бир ўзим қолдим. Тасаввур қилдимки, чексиз ҳуқуқ билан келган комиссия аъзолари фирқа ташкилотининг котибидан бошлаб, муҳосибхонанинг оддий ходимларигача исканжага ола бошладилар.

Шу пайт ҳаёлимда илгарироқ бўлиб ўтган бир воқеа қайта жонланди: 1981 йилнинг июл ойида собиқ иттифоқ ёзувчиларининг қурултойи бўладиган бўлди. Делегатлар қаторида менинг ҳам фамилиям бор эди. Делегатлар бир гуруҳ бўлиб самолётга чиқдик. Тақдирни қарангки, самолётнинг олд қаторларининг бирида бугунги комиссия аъзоларининг бири, таниқли адабиётшунос олим Ҳафиз Абдусаматов мен билан ёнма-ён ўтирди. Мен табиатан камгап, вазмин одамлигимни ўзим ҳам сезман. Бироқ, мен билан ёнма-ён ўтириб қолган шеригим ҳадеб суҳбатга тортар, тинимсиз равишда ўз назарини истеҳзоли кулиш билан менга йўллар эди. Қизиқки, ўша пайтлари бу истеҳзоли кулгиларнинг сабаби хусусида ўйлаб ҳам кўрмабман. Шу тахлит Москвага етиб бордик. Биринчи кун қурултойнинг умумий мажлиси бўлди. Эртасига эса иш бир неча гуруҳларга бўлинган ҳолда давом эттирилди. Мунаққидлар йиғилиши Жаҳон адабиёти институтининг кичик залида ўтказилди. Маърузалар бошланди. Йиғилишни собиқ иттифоқ ёзувчилар уюшмасининг котиби адабиётшунос В.Озеров бошқарди. Мен залнинг биринчи қаторларида эдим. Чап томонидан академик Лихачёв жой олди. У одам билан мен илгаридан таниш бўлганим учун баъзи масалалар юзасидан, асосан, бўлаётган маърузалар ҳақида фикр олишувлар бўлиб турди. Ўнг томонида бугунги комиссиянинг аъзоси Л.Қаюмов жой олган бўлиб, онда-сонда у билан ҳам фикр олишувга тўғри келар эди. Бир неча маърузаларни эшитгандан кейин мен иккита шеригимга ҳам маърузачилар қаторида менинг фамилиям ҳам борлигини билдириб, сўз кутиб ўтирганимни билдирдим. Йиғилиш анчагина Чўзилди, бироқ ҳадеганда менинг фамилиям тилга олинавермади. Гоҳ-гоҳ академик Лихачёв ва ўнг томонидан ўтирган ҳамкасбим ҳам “Нега Сизга сўз беришмайпти, эшитсак бўлар эми” деб китиллаб қўйишар эди.

Мажлис ҳамон давом қиляпти. Кеч кириб мажлис яқунланадиган пайт ҳам яқинлашди. Залда ўтирганларнинг чарчаб қолганлиги ҳам сезилиб турибди. Қатнашувчилар ҳам анча сийраклашиб қолди. Бироқ, менинг фамилиям ҳамон тилга олинмади. Кўп ўтмасдан В.Озеров мажлис тугаганини эълон қилди. Мен академик Лихачёв билан хайрлашиб, меҳмонхона томонга йўл олдим. Қизиқ бир ҳолатда эдим ўша кун. Гўё бир эзгу ишни бошидан тутишим керагу, бу иш менга тутқич бермаётгандай эди. Ҳар хил ўйларга бордим, бўлиб ўтган бу воқеани изоҳладан ожиз сездим ўзимни. Бирор кимса билан учрашиб аҳволимни айтиш хоҳиши ҳам йўқ эди менда. Кеч соат 11 ларда хонадаги телефон жиринглаб қолди. Телефон гўшагини кўтардим. Республика раҳбарларидан бири эканлигини билдим. Қисқача салом-алиқдан кейин “Нега сизга сўз беришмади?” — деб сўраб қолди.

Мен бу ишнинг сабабини билолмаганимни айтдим. Эртасига қурултойнинг умуммажлиси иш бошлади. Ҳар бир гуруҳ раҳбари ҳисобот берди. В.Озеров ҳам мунаққидлар гуруҳининг раиси сифатида нутқ сўзлади. У нутқда менинг ҳам фамилиямни алоҳида қайд қилиб, секцияда нутқ сўзлаганим ҳақида ахборот берди. Мен, табиийки, бу ҳолатдан ажабландим. Эртасига “Литературная газета”да мунаққидлар йиғинида нутқ сўзлаганлар қаторида менинг фамилиямни ҳам кўрсатиб ўтишибди.

Энди ўйлайман. Бугун август ойининг 14-санаси. Ёзувчилар қурултойи июл ойининг ўрталарида, яъни роса бир ой олдин бўлган. Яшн тезлигида бу воқеаларнинг сирини менга маълум бўлиб қолди. Демак, институтни текширадиган комиссия бундан бир-бир ярим ой олдин маълум бўлган. Самолётдаги истеҳзоли кулгилар, ҳар хил йўсинда мени гапга тортишлар, менга сўз берилмаслиги бу комиссия иши билан боғлиқ. Комиссия аъзоларининг қайси биридир институтнинг раҳбари сифатида М.Қўшжонов ишларини шаҳар партия комитети текширишга тайёргарлик кўрапти, у институтнинг илмий ишларида катта мафқуравий хатоларга йўл қўйилапти, жадидизмни ва унинг вакиллари бўлмиш миллатчи Чўлпон ва Фитратларни оқлашга уринапти, деган маълумотларни В.Озеровга етказган. В.Озеров эса собиқ иттифоқ ёзувчилар уюшмасининг “етук” мафқурачиси ҳисобланар эди. Шу боисдан у мени маърузачилар сафидан ўчирган. Бироқ, Республика раҳбарлари қаттиқ даъво қилгани учун, мен сўзламаган нутқни ҳам сўзлади деб қурултойнинг умуммажлисида эълон қилади. Кейин “Литературная газета” ҳам маълумотни шу тарзда чоп этади.

Бир неча дақиқа хонада холи қолишим ҳаёлимда бошқа бир ҳолатни тиклади. 1970 йилларнинг охириларида илмий-текшириш институтларининг директорлари, олий ўқув юрларининг ректорлари шаҳар партия комитетига чақирилди. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбат қуришиб, бундан кейин ҳар бир илмий-текшириш институти ва ҳар бир олий ўқув юрти шаҳар фирқа комитетининг ҳисобида бўлиши шарт эканлигини ва шунга биноан ҳар бир раҳбар зарур ҳужжатларни тайёрлаб шаҳар комитетининг мафқура бўйича котибига топишириши керак эканлигини билдиришди. У пайтларда бу масалага ҳеч ким эътибор қилиб нима сабабдан бу ишлар қилинаётганлиги билан қизиқмаган. Ўйлашса ҳам, шаҳар фирқа комитети шаҳар



партия илмий-текшириш институтлари ва қанча олий ўқув юрлари борлиги ҳақида шунчаки маълумотга эга бўлиш мақсадини назарда туган бўлса керак, деган хулосага келишлари мумкин эди, холос. Бугун бу комиссиянинг институтга кириб келиши менда янги хулоса пайдо бўлишига сабаб бўлди. Ўйладим: ўша ҳисобга олиб қўйилдишлар, яъни номенклатурага олиш ҳар бир илмий ва ўқув юрлари учун қўйилган илк тузоқлар экан-да!..

Шундоқ хаёлар билан банд ўтирган эдим, эшикни очиб, илмий котибим Бахтиёр Назаров кириб келди. Кейин икки-уч бетдан иборат комиссия аъзолари талаб қилаётган маълумотлар рўйхатини столимга қўйди. Кўздан кечирдим. Уни ўқиб тугатмасимдан худди шунга ўхшаган рўйхатлар билан институтнинг бош ҳисобчиси хузуримда пайдо бўлди. У кўрсатган рўйхатлар билан ҳам танишиб улгурмасимдан фирқа ташкилотининг иккинчи котиби ҳам бир неча бетдан иборат маълумот рўйхатларини олиб кирди. У билан ҳам танишдим. Эндиликда илмий ходимлар илмий иш қилиш ўрнига маълумотномалар тўлдириш билан банд бўлар экан-да, дея ўйладим.

Шундай қилиб, бир ой эмас, икки ой эмас, бир неча ойлар давомида институт фаоллари илмий котибдан тортиб бўлим бошлиқларигача маълумотномалар тўлдириш билан овора бўлишлари аниқ эди. Қилинаётган илмий ишлар бир чеккага суриб қўйилди. Қўллар совуди, интизом бузилди. Зарур маълумот бериши мумкин бўлган илмий ходимлар бирин-кетин шаҳар партия комитетига чақирилиб, сўроқ қилина бошланди. Ҳар бир сўроқ қилинган илмий ходимдан ёзма маълумотлар олинадиган бўлди. Табиийки, фитнес, иғво ҳам ишга тушди. Ўша пайтлари менда шундай таассурот туғилдики, Тил ва адабиёт институти гўё бирор тўсиқни назар-писанд қилмасдан чошиб бораётган от эди. Кимдир унинг олдига чиқди-да, пешонасига таёқ билан бир урди. От гангиди, йўлини йўқотиш даражасигача борди. Бу ҳолатларимни ўйлаганимда ўз қисматимни ўйлаб эмас, илмий жамоанинг тақдирини ўйлаб ич-ичимдан ачиндим.

Комиссия аъзоларининг иш услуби мени ажаблантирди. Илмий ташкилотларнинг ўз тартиб-қоидалари бор, илмий ходим оилар, йиллар сарф қилиб иш битказади. Айрим ҳолларда ўз ишига талабчанлик билан қарайдиган илмий ходимларнинг ишлари бир марта эмас, бир неча мартаба қайта ишланади. Иш тугагач, бўлимда муҳокамадан ўтказилади. Кейин иш илмий кенгашда муҳокама қилинади. Табиийки, ҳар бир муҳокамадан кейин иш яна қайта кўздан кечирилади. Илмий кенгаш ишни маъқуллагандан кейингина институтнинг мулкига айланади. Комиссия аъзолари институтда қатъий риоя қилинадиган бу тартиб-қоидаларни ҳам инобатга олиб ўтирмадилар. Образли қилиб айтганда, ёзилаётган ишларни илмий ходимлар столининг тортмасидан тортиб олишди-да, уларни микроскопик текширувга қўйдилар. Ҳали тузатилиши мумкин бўлган камчиликларни топишган бўлиб, катта дағдаға кўтардилар. Кейин қора доғ сифатида ўз ҳужжатларига киритдилар. Бу ҳол зўравонликдан бошқа нарса эмас эди.

Шу тарзда ҳафталар ўтди, оилар ўтди. Ўтган ҳар бир кун илмий ходимларнинг қўлини совутиб, илмий йўналишларига зарар бериб бораверди.

Гап шахсан ўзимга келганда, мен доимий равишда қузатувда бўлдим. Қаерга бордим, ким билан учрашдим, нима ишлар билан банд бўлганим ҳаммаси комиссиянинг ҳисобида эди. Шуларга қарамасдан мен ўзимни бир хилда — оғир ва вазмин тутишни унутмасдим. Менга далда берадиган бир сир бор эди. Институт ва мен ҳақимда қай даражада шов-шув гаплар, тазйиқлар бўлмасин, битта фикр доим хаёлимда чарх урарди. Тўрт йил давомида Иккинчи жаҳон урушидаги жангларда қатнашиб, суягим қотганди. Бирор дўстим бўлаётган воқеаларни эслатиб мени тинчлантирмоқчи бўлса, жавобим тайёр эди:

— Мен тўрт йиллик урушни кўрганман. Бу рўй бераётган воқеалар қай даражада даҳшатли кўринмасин, ҳар лаҳзада ўлим кутиб турган ўша урушнинг бир дақиқасича ҳам бўлолмайди. Агар мен рўй бераётган талотўшлардан омон-эсон ўтиб олган бўлсам, ҳанузгача мени шу ишонч руҳи сақлаб қолган бўлса керак, деб ўйлайман.

## ҲУҚМҚОРЛАР ВА АЙБҚОРЛАР

1991 йилнинг 8 феврал куни қутилмаганда тезкорлик билан шаҳар партия комитетига чақирилдик. Мен билан бирга фирқа ташкилотининг котиби ҳам бўлиши шарт эди. Фирқа ташкилотининг котиби филология фанлари доктори Абдуқодир Ҳайитметов таътилда бўлиб, Намангандаги “Чортоқ” санаториясида даволанаётган эди. Халқда бир мақол бор. Унда шундай дейилади. Қайдан қулоқ чиқариш қозончининг ихтиёрида. Шаҳар фирқа комитетининг ҳам ҳуқуқи чексиз эди. Олинган самолёт билетини, санаторияга берилган йўлланмани ҳам улар қайтариб тошширинг

дейишга ўзларини ҳақли деб ҳисоблардилар. Шу тарзда фирқа ташкилотининг котиби А.Ҳайитметовни ҳам даволанишни тўхтатиб, тезда Тошкентга етиб келинг, дейишдан ўзларини тиймадилар. Шу тарздаги темир интизом асосида А.Ҳайитметовнинг бюро мажлисига етиб келиши шарт эди.

Биринчи кун биз Т.Мирзаев билан шаҳар фирқа комитетига кириб борганимизданоқ, комиссия тайёрлаган маълумотнома ни қўлимизга тутқаздилар.

— Мана шу ерда ўтирасизлар, маълумотнома билан танишиб, нима фикр-мулоҳазаларингиз бўлса эртага йиғиладиган комиссия аъзоларига билдирасизлар, — дейишди.

Биз Т.Мирзаев билан маълумотномани ўқиб чиқдик. Унда қўнгилни гашлатадиган фикр ва мулоҳазалар кўп эди, албатта.

Эртасига шаҳар партия комитети вакили бошчилигида бошқа бир хонага кириб бордик. Хонанинг тўрида қатор креслолар терилган бўлиб, уларда беш кишидан иборат комиссия аъзолари жойлашиб ўтириб олган эдилар. Биз эса хонанинг пойгак томонида комиссия аъзоларига рўбарў қилиб тайёрлаб қўйилган стулларга жойландик.

Вазият умумаҳволга монанд эди. Оромкурсиларда қатор бўлиб ўтирган комиссия аъзоларининг кибру авзойидан кўтаринки кайфият, ғолиблик руҳи сезилиб турарди... Маълумотнома билан таниш бўлганимиз учун баҳс ҳеч қандай киришсиз бошланди. Маълумотномада институт фирқа ташкилоти ва раҳбариятга уч йўналишда айб қўйилган эди. Улардан бири 30-йилларда пешоналарига миллатчи тамғаси босилиб, отиб юборилган Чўлпон ва Фитратларни оқлаш учун ҳаракат қилиш. Бунга қўшимча сифатида “жадидизмни оқлаш” масаласи ҳам турарди. Бу жиҳатдан баҳсининг йўналиши шундай бўлдики, институт на Чўлпон ҳақида ва на Фитрат ҳақида бирор жиддий илмий текширув иши олиб борилган эмас. Баъзи ўринлардагина адабиёт майдонида маърифатпарварлик оқими ҳақида гап келганда бошқалар қатори уларнинг номлари ҳам тилга олинган. Биз Тўра Мирзаевич билан биргаликда шу ҳақиқатни айтиб маълумотноманинг бу йўналиши асоссиз эканлигини қатъиятлик билан исботлашга ҳаракат қилдик. Бироқ оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг боласи гапирсин деганларидек, бизнинг гапимиз инобатга олинавермади. Комиссия аъзолари яқдиллик билан ўз қарашларидан чекинишни ҳаёлларига ҳам келтиришмади.

Гап жадидизмга келганда ҳам масала шу йўналишда борди. Улар жон-жаҳди билан ўз фикрларида қатъиятлик билан турдилар. Жадидизм ҳақида институтда бирор илмий-тадқиқот иши олиб борилганлигини тан олмадилар ҳам. Шундай қилиб институт жамоаси миллатчилар ва жадидизм оқимларини тарғиб қилувчи жамоа эканини исбот қилгандек бўлишди.

Маълумотномада биринчи йўналишга боғлиқ бўлган иккинчи бир масала бор эди. Бу — узоқ йиллар ўзбек адабиётининг асосчиси бўлиб келган Ҳ.Ҳ.Ниёзий ижодини камситиш масаласи эди. Бу жиҳатдан ҳам улар чиқарган хулосаларнинг ҳеч қандай асоси йўқ эди. Улар ўз хулосаларини Эрик Каримовнинг монографиясида Ҳамза номини асримизнинг бошларида ижод қила бошлаган Чўлпон, А.Авлоний, Фитрат, А.Қодирийлар қаторида санаб ўтишда кўрдилар. Ўз-ўзидан маълум эди. У пайтларда ижодкорлардан бирортасини ажратиб, шўролар даври адабиётининг асосчиси деб аташ мантиқсиз эканлигини ҳисобга олмадилар. Энди ўйлаб қарасангиз, бу мантиқсизлик халқ орасида юрган товуқ олдин пайдо бўлганми ёки туҳум олдин пайдо бўлганми деб фикр юритиш билан баробар эди. Рўйхат туза туриб, бошқа ижодкорлар орасидан Ҳамза номини ажратиб, бу шоир келажақда Ўзбекистонда миллий адабиётнинг асосчиси бўлади, деб пайғамбарлик қилиш ҳеч қандай мантиққа тўғри келавермаслиги ўз-ўзидан маълум-ку!

Бироқ кибру ҳаво билан тўлиб-тошган бу комиссия аъзолари бу ўринда ҳам ўз қарашларидан қайтишни ҳаёлларига келтиришмади. Ҳатто Ҳамза ижоди институт миқёсида кенг ўрганилаётгани унинг тўрт томлик академик нашри чоп этилиши ва у ҳақда алоҳида монографик тадқиқотларнинг эълон қилиниши — яқиндагина, яъни 1979 йилда Ҳ.Ҳ.Ниёзий таваллудининг 100 йиллик юбилейи бутун Республика миқёсида нишонлангани бу ишнинг бошида Тил ва адабиёт институти тургани ҳам инобатга олинмади.

Маълумотномада учинчи бир йўналиш бор эди. Бу илмий ишларнинг қўламига тегишли масала эди, яъни уларнинг хулосаси шундай эдики, айрим ёзувчиларнинг ижоди кенг ва чуқур ўрганилади. Бироқ, Ўзбекистонда шоирлар ҳам кўп, ёзувчилар ҳам кўп. Уларнинг ижоди илмий тадқиқот ишлари нуқтаи назаридан кенг равишда қамраб олинмайди. Бу айбномада ҳақиқат бордек эди. Бироқ кибру ҳаво билан тўлиб-тошган комиссия аъзолари ўз талантлари ижод қўлами билан ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлган барча ўртамиёна адиб ва шоирларнинг махсус тадқиқот объект қилиб олиниши илмий ҳақиқатга тўғри келмаслигини ҳисобга олишдан узоқда эдилар. Масалан, қатор очерк, ҳикоялар, ниҳоят анчагина романлар ёзиб, китобхоннинг

муҳаббатини қозона олмаган ёки илмий жиҳатдан йирик монографиялар эълон қилиб, илмий ютуқларга доим ҳам эришавермайдиган комиссия аъзоларининг ҳам академик миқёсида чуқур ва қўламли монографик тадқиқотга арзигулик иш қилмаганликлари барчага аён-ку. Бу ўринда комиссия аъзоларининг маънавий жиҳатдан ҳақ-ҳуқуқлари бор ёки йўқлиги билан ҳеч кимнинг иши бўлавермайди.

Беш кишидан иборат бўлган ҳукмдорлар, икки кишидан иборат бўлган айбдорлар орасидаги баҳс 2 соат чамаси давом қилди. Биз — айбдорлар бор ҳақиқатни айтиб, кўнглимизни бироз бўшатиб олган бўлсак, комиссия аъзолари — ҳукмдорлар барибир ғалаба бизники, деган таассуротда қолаётганликлари аниқ эди.

Эртасига, яъни 9 феврал куни бир айбдорлар академия президенти О.Содиқов, вице-президенти Э.Юсупов раҳбарлигида шаҳар партия комитетининг мажлислар залига таклиф қилиндик. Бу ерда ҳам ўша манзара эди. Залнинг тўрида кенг ва катта стол, кресло турибди. Креслода бўйи паст, тўладан келган 40 ёшлардаги биринчи котиб жойлашиб олган. Уни, одатда, Учқун Умарович дердилар. У.Умаровнинг столига туташтириб қўйилган, узунлиги 6-7 метр келадиган стол. Унинг атрофида бюро аъзолари. Биз айбдорларга эса эшикдан кираверишда, залнинг этак томонида қўйилган стуллар ажратилган. Бизга ажратилган жойга жимгина ўтира қолдик. Шу орада институт фирқа ташкилотининг котиби Абдуқодир Ҳайитметов ҳам Намангандан етиб келди.

Катта стол атрофидаги креслоларга ўрнашиб олган бюро аъзоларига разм солдим. Уларнинг баъзиларини танирдим. Аксарияти бошқа миллат вакиллари эди. Улар орасида ўзларини шаҳар ҳокими ҳисоблайдиган, озгиндан келган, ранги совуқ, мафкура бўйича котиб Солдатов, касб-кори жиҳатидан қурувчи, ўрта бўйига нисбатан анча тўла кўринадиган Дудин деганлари бор. Бошқалари ҳам шунга монанд ё иқтисодчи ё бирор соҳанинг муҳандислари эди. Ҳатто Учқун Умаровичнинг ўзи ҳам муҳандис бўлиб, адабиётга умуман алоқаси йўқ одам эди. Бу манзарага қараб, адабиёт қисматини ҳал қилиш, унга тегишли илмга баҳо бериш охир-оқибатда ижод ва илм билан шуғулланувчиларнинг қисматларини ҳал қилиш шуларнинг қўлида қолибди-да, деган фикр хаёлимдан ўтди. Бироқ, бу хилдаги фикрни кўнгиладан ўтказиш мумкин-у, аммо ошкор айтиш асло мумкин эмас. Борди-ю жасорат кўрсатиб, бу гапни айтгудай бўлсангиз қўлингизга кишан тушиши ҳеч гап эмас. Буни Учқун Умаровичнинг бизнинг масаламизга тегишли биринчи сўзидан англаб олиш қийин эмасди. У гапни шундай бошлади:

— Тил ва адабиёт институти ҳақида гап кўп. Унинг раҳбарияти барча айбдорларни бўйинга олиши керак. Борди-ю бўйинга олмаса, биз уларни мажбур қиламиз!

Муҳокама комиссия раҳбари Ш.Нусратовнинг маълумотномасини ўқиб бериши билан бошланди. Ундан кейин институтнинг раҳбари, яъни менга сўз берилди. Бу ўринда мен бир ҳақиқатни тан олишни истар эдим: кечагина комиссия аъзолари билан баҳс юритиб, кўнгилдаги бор гапни айтишни бурчимиз деб ҳисобладик. Замона зўрники, томоша кўрники деганларидек, бугун эса асл ҳақиқатни айтиб, ундан бир наф топиш мумкин эмасди. Шу боисдан мен ишимизда бор баъзи камчиликларни бўйинимга олган бўлдим. Бироқ, комиссия ўз хулосаларида асл ҳақиқатдан анча узоқда эканлиги ва текширув услуби жиҳатидан тўғри йўл тутмаганликларини қайд этиб, минбарни тарк эдим. Мендан кейин сўзга чиққан Абдуқодир Ҳайитметов баъзи масалаларга аниқлик киритишга ҳаракат қилди. Комиссия аъзоларининг фикр ва хулосалари асосан Эрик Каримовнинг китоби билан боғлиқ эканлиги ва бу китоб бугун қайд қилинаётган камчилик илмий кенгаш йиғилишида айтилганига алоҳида ургу бериб, таъкидлади. Эндиликда эса Э.Каримов учинчи марта инфаркт бўлиб, шифохонада ётганларини эслатиб ўтди. Бироқ, бу гаплар ҳам айбдорларнинг “туноҳларини” енгиллаштира олмаслиги ўз-ўзидан маълум эди.

Муҳокама давом қиларди. Маълумотдаги айбномаларга асосланиб, Солдатов ва Дудинлар ҳам нутқ сўзладилар. Дудиннинг нутқида айтилган бир кулиги жумла ҳали-ҳали эсимда. У С.М.Киров сўзларига асосланган ҳолда “коммунист фақат бутунги кун учун эмас, балки ўтмиш учун ҳам, келажак учун ҳам жавобгардир” деган сўзларни алоҳида таъкидлади. Бу сўзлардан асримиз бошларидаги ёзувчи ва шоирлар ижодини таҳлил қила туриб, нега Тил ва адабиёт институти ходимлари, жумладан, Э.Каримов Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг келажакда ўзбек адабиётининг байроқдори — асосчиси бўлганини ҳисобга олмаган экан, деган кулиги гапни айтди.

Муҳокаманинг давомида комиссия аъзоларидан бири, биз уни юқорида 2-бошқарувчи деб атадик, сўзга чиқди. Нотиқ ҳавас қиладиган даражада гапга уста эди. Ёлгон хулосаларни ҳам кифтини келтириб ростга айланттиришга қуввати етарлиган “ўтқир” сўз устаси сифатида маълумотномадаги хулоса асл ҳақиқат эканлигига адабиётдан беҳабар бюро аъзоларини ишонтира олди.

Шундай қилиб кечга томон бюро ишини якунлади. Тил ва адабиёт институтининг ишида анчагина мафкуравий камчиликлар борлигини қайд қиладиган қарор қабул

қилинди. Институт раҳбари ва фирқа ташкилотининг котиби, улар билан биргаликда иккита йирик олим — Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И.Султонов, филология фанлари доктори С.Мамажонов қатъий ҳайфсан билан “муқофотландилар”.

Тил ва адабиёт институтининг шаҳар фирқа комитетининг бюросида муҳокама қилиниши асосий воқеаларнинг бошланиши эди, холос. Қабул қилинган қарорда “Бугунги хулосалар Тошкент шаҳри бўйлаб барча ташкилотларда муҳокама қилинсин” деган тақлиф ҳам киритилган эди. Табиийки, биринчи муҳокама Тил ва адабиёт институтининг умумжамоаси орасида ўтказилди.

Маълумотноманинг комиссия аъзолари билан илк муҳокамасида биз Т.Мирзаев билан ўзимизни қаттиқ ҳимоя қилганимиз шаҳар партия комитетини хиёл ҳадиксиратиб қўйгани маълум эди. Институт жамоаси ўз раҳбарларини ҳимоя қилиб бирор гавага сабаб бўлмасмикин, деган андиша ҳам бор эди. Шу боисдан шаҳар фирқа комитети қабул қилинган қарорни институт жамоаси олдида муҳокама қилиш ишига қаттиқ тайёргарлик кўрди. Аввало мажлисни олиб бориши мумкин бўлган ладил ва обрўли партия аъзосини излашди. Бу вазифа П.Қодировга тушди. Нотиқларнинг сўзларини ёздириб олиб, уларни обдон ўргандилар. Сўзлайдиган нотиклар ҳам чертиб-чертиб танланди.

Мажлис куни бошқа бир манзара ҳам кўзга ташланди.

Учқун Умаров раҳбарлигида барча бюро аъзолари мажлисга қатнашиш мақсадида институтга етиб келишди. Комиссия аъзолари ҳам ҳозир нозир эдилар. Бизга нотаниш бўлган бюро аъзоларига қўшилиб келган қандайдир бошқа шахслар ҳам бор эди. Шундай қилиб келган “меҳмонлар” институтда бор бўлган коммунистлар сонидан кам эмасди. Шу шаклда қарор муҳокамаси бошланди. Мазмун жиҳатидан муҳокама 9 февралдаги бюро муҳокамаси қандай ўтган бўлса, бу ерда ҳам шу тартибда ўтди. Мажлис тугагач, бюро аъзолари “хайрият, мажлис тинч ўтди”, деган фикрда тарқалишгани сезилиб турарди.

Мажлисни тугатиб тарқалишгач, меҳмонларда қандайдир қаноат ҳисси пайдо бўлган бўлиши мумкин, бироқ институт аҳли учун бу воқеалар мусибатсифат из қолдиргани сезилиб турарди. Одатдагидек, улар орасида олаговур кам сезилар, иложи борича бир-бирларидан фикр олишдан қочишар, ҳар ким бўлиб ўтган воқеаларни ҳазм қилишдан қийналиб, оғир бир ҳолатга тушгандек кўринарди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Чунки қарийб икки соат давом этган мажлисда бўлиб ўтган гапларнинг асосий қисми тухматдан иборат эди. Бу адолатсизликни ҳар ким ўзича ҳазм қилиши муқаррар эди.

Масаланинг қай даражада мураккаблигини исбот қиладиган бошқа воқеалар ҳам рўй берган эди. Шаҳар партия комитетининг 9 февралда қабул қилган қарори асосида “Совет Ўзбекистони” газетаси эртасигаёқ бу масалага тегишли бош мақола эълон қилди. Бош мақолада гарчи Тил ва адабиёт институтининг хизматлари тўла инкор қилинмаган бўлса ҳам, унинг ишида жиддий хатоларга йўл қўйилганлиги қайд қилинди. Жумладан, адабиёт ва санъатнинг роли ва жамиятда тутган ўрни юксак эканлигини таъкидлаб, институт жамоаси бу ишларни тўла адо эта олмагани хусусида жиддий фикрлар эълон қилинди. Жумладан, бош мақолада шундай сўзларни ўқиш мумкин эди: “...институтнинг куч-ғайрати актуал муаммоларни ҳал этишга тўла сафарбар қилинмаётир. Илмий тадқиқотларда ҳозирги замон совет адабиёти ва филологияси муаммоларининг ўрганилишига жуда оз ўрин ажратилганлиги таажжублантирадиган ҳолдир. Айрим олимлар революциягача бўлган адабий жараёнга баҳо беришда синфий позициялардан чекинишга йўл қўймоқдалар”.

*(10 феврал, 1982 йил)*

Партиявийлик, синфийлик фақат бугун туғилган иборалар эмас. Булар шўролар даврининг барча гала-говурларида бош ролни ўйнаган уртўқмоқнинг зарбдор қисми бўлиб хизмат қилган иборалардир. Мана бугун ҳам ўша “уртўқмоқ” ишга тушди.

Кўп ўтмасдан шаҳар партия комитетининг қарори ёзувчилар уюшмасида ҳам муҳокама қилинди. Муҳокама кўпчиликни қизиқтирди. Шунинг учун ҳам унда ёзувчиларнинг аксарият қисми ишгирок эди. Талбирни ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Сарвар Азимов бошқарди.

С.Азимовнинг бу масаланинг муҳокамасига муносабати менга аён эди. Чунки у адабиётшунослар ичда синфийлик, партиявийлик масаласини маҳкам тутиб олган адабиётшунослардан бири эди. Шу муносабат билан бир воқеани эслаб ўтишни лозим кўраман. Тил ва адабиёт институти Ҳ.Олимжоннинг 10 томлик академик нашрини тайёрлади. Ҳ.Олимжон тирик вақтида Фитрат ҳақида каттагина мақола эълон қилган эди. Уша 10 томликни тайёрлаш жараёнида С.Азимов шоирнинг уқаси сифатида Ҳ.Олимжоннинг баъзи асарларини кўздан ўтказиб берди. Булар ичда шоирнинг Фитрат ҳақидаги асари ҳам бор эди. Ҳ.Олимжоннинг ўзи 30-йилларда бу асарни ярага туриб, Чўлпонни ҳам, Фитратни ҳам партиявийлик ва синфийлик тамойилларидан

жиддий равишда чекинган деган нуқтаи назарда турган эди. С.Азимов Ҳ.Олимжоннинг бу ишнини таҳрир қила туриб, шоирнинг бу даъволарини яна ҳам чуқурлаштирди ва қатъийлаштирди. Энди бугун муҳокама қилинадиган масаланинг марказида ҳам ўша Чўлпон ва Фитратнинг партиявийлик ва синфийлик нуқтаи назаридан ижодларига муносабат ўртага қўйилади. Шундай экан, С.Азимов мажлиснинг асосий йўналишини шу масала томон буриб юбориши турган гап эди. Табиийки, ёзувчиларнинг ҳаммаси ҳам бу қарашни ёқлайвермасди. Ҳатто шундай бўлдики, бу масалани ёқлаб сўзга чиқувчиларни танлаш ҳам осон бўлмади. Чунки, ёзувчиларнинг кайфияти 30-50-йилларга нисбатан анча фарқ қиладиган бўлиб қолган эди. Чўлпон ва Фитратни ёзувчилар сафига қайтариш зарур эканлигини ҳис қила бошлаган эдилар.

Бугун таажжубланган билан эслайдиган бир воқеа рўй берди. Мажлисда шаҳар партия комитетининг қарорини қўллаб-қувватловчилар кам бўлганлигидан, қандайдир йўллар билан дўстим Одил Ёқубовни сўзга чиқишга қўндиришибди. Бу билан “Мана кўрдингизми, ҳатто институт раҳбарининг энг яқин дўстларидан бири О.Ёқубов ҳам қарорни қувватлайпти”, — демоқчи бўлдилар. Мажлисда асосан комиссия аъзолари қизгин нутқ сўзладилар.

Мажлисдан кейин махсус мақола ҳам тайёрланди. Мақола ташаббускори ёзувчи Туроб Тўла бўлди. “Шарқ юлдузи” журналининг 1982 йил 5-сонида босилган мақолада Туроб Тўла қуйидагиларни ёзди:

“Тил ва адабиёт институтининг айрим олимлари ва ходимлари йўл қўйган идеологик хатолар танқидчилигимизгагина эмас, балки умумидабиётимиз нуфузига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

... Айрим олимларимизнинг нашрдан чиққан ёки нашрдан чиқиш арафасида турган баъзи ишларида ана шу миллийлик ва интернационализмнинг ўзаро нисбати масаласи жуда ҳам тўғри ёритилган деб бўлмайди. Шунингдек, ижтимоий онг шаклларида бири бўлмиш адабиётнинг синфийлиги масаласи ҳам баъзи илмий ишларда бирёқлама талқин этилган”.

Танқидчи Эрик Каримовнинг “Ўзбек адабиётида реализм тараққиёти” деган асарида бу масала ана шундай талқин қилинади, тўғрироғи, жадидизмга деярли демократик тус берилади... Инқилобдан кейин ўзбек адабиётини таҳлил қилар экан, Э.Каримов ўзбек совет адабиётининг асосчилари Ҳамза ва Айнийларни жадидизмнинг намоёндалари Фитрат ва Чўлпонлар билан бир сафга қўяди, уларни бараварига “**д е м о к р а т — м а ʼ р и ф а т п а р в а р л а р**” деб атайди.

Кўряпсизки, Ёзувчилар уюшмасидаги муҳокаманинг якуни сифатида эълон қилинган Туроб Тўланинг чиқарган ҳукмлари 30-йилларда мажлислар якуни сифатида чиқариладиган якуний мақолалардан деярли фарқ қилмайди. Ўша айбномалар “миллийлик”, “интернационализм”, “партиявийлик”, “синфийлик” сингари иборалар 30-йилларда ҳам худди шу тарзда ишлатилган, эндиликда ҳам худди шундай ишлатилипти.

Шу муносабат билан Т.Тўла биографиясига тегишли бир воқеани эслаб ўтиш керакка ўхшайди. 50-йилларнинг бошларида Туроб Тўла билан бир жойда — марказий маҳкамда хизматда бўлганмиз. Худди ўша йиллари юқоридаги иборалар билан айбланган Шўҳрат, Шукрулло, М.Шайхзода сингари шоирлар ҳам тутқунга учраб сўргун қилинган эдилар. Ўша пайларни шўролар мафқурасига душманлар рўйхатида Туроб Тўланинг ҳам номи бор эди. Рўйхатга тушганларнинг аксарияти қамоққа олинди. Аммо биринчи котиб А.Э.Ниёзовнинг қўллаб-қувватлаши натижасида Т.Тўла тутқунликдан қутулиб қолди. Т.Тўланинг ўзи бу ишлардан хабардор эди. Унинг кўп вақтлар давомида хавотирда юрганини мен ҳам билар эдим. Таажжубли жойи шундан иборатки, бир вақтлар унга нисбатан айбнома сифатида назарда тутилган ибораларни эндиликда у ўзининг бошқа дўстларига нисбатан ишлатишдан тап тортмади.

Синфийлик, партиявийлик! Қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг, хусусан, зиёлилар — ёзувчи, илм аҳлининг бошига бу икки сўз жуда кўп балолар келтирган. Дўстим, марҳум Туроб Тўла шу икки сўз воситасида 50-йилларда ёниб кетишдан аранг сақланиб, эндиликда ўша иборалар туфайли мафқура оловида институт зиёлиларини куйдирмоқчи бўлгани таажжублангирари.

Бу ерда айтилиши лозим бўлган бошқа бир зарур гап бор: Тил ва адабиёт институти шаънига тухмат тошини ёғдирган ҳамкасб дўстлари, шу жумладан, дўстим Туроб Тўла ҳам бу ишларни ўз истаги ва хоҳиши билан амалга оширган дея олмайман. Шўролар мафқураси ҳоким пайларда шундай кучлар — ташкилотлар бор эдики, одамларни, хусусан, зиёлиларни бир-бирига зид қўйиб, шу орқали бу зарарли мафқуранинг борган сари мустаҳкамлаш ниятида эдилар. Шу боисдан мен бу дўстларимни бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеаларда мутлақ айбдор сифатида таърифлаш ниятида эмасман. Гап кўпроқ уларга йўл-йўриқ кўрсатадиган, ўша сиёсатнинг тўғрилигига ишонтира олган солиқ иттифоқ миқёсидаги маълум ташкилотларга бориб тақаладики, буни биз эндиликда чуқурроқ тушуниб ва англаб оляймиз. Бу ҳам тарих сабоқлари, албатта. Ўйлайманки, келажакдаги авлодлар бундан тўғри хулоса чиқарадилар.

## ЧОРАСИЗЛИҚДАН ЧОРА ИЗЛАБ

1982 йилнинг баҳор кунлари бошланди. Тошкентнинг қарийб барча ташкилотларида Тил ва адабиёт институтида олиб борилаётган миллатчилик руҳидаги ишлар тўғрисида фош қилинди. Унинг раҳбарияти қаттиқ танқидларга учради. Муҳокамалар ҳар ерда ҳар хил ўтди. Юқорида айтганимдек, Ёзувчилар уюшмасида бу талбир қаҳр-газаб билан ўтди. Консерваторияда профессор ва ўқитувчиларнинг аксарияти бошқа миллат вакиллари бўлгани учун Тил ва адабиёт институтида “фош” қилинган “миллатчилик” таажжублар уйғотди. 30-50-йиллардаги “душман” унсурларнинг қолдиқлари ҳали-ҳали бор экан-да, дейишди улар. Шаҳар партия комитетининг қарорини бир овоздан маъқулладилар. Эшитишимга қараганда, ҳозирги Миллий университетда ўқитувчи ва профессорларнинг йиғилиши жуда юзаки ўтибди. Шаҳар партия комитетининг буйруғига бўйсунингга мажбур бўлишига қарамасдан “комиссия тўғри ва самимий ишладимикин?” Шаҳар партия комитетининг қарорлари ҳақиқатта тўғри келармикин, деган шубҳалар ўртага тушибди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шундайки, Тил ва адабиёт институти ва Миллий университетнинг филология фани бўйича ўқитувчи ва профессорлари ўз вазифа ва бурч нуқтаи назардан бир-бирлари билан қон-қариндош. Буни ўйлаб, “ҳар ким ўз бурчи ва вазифасини бажаргани яхши экан-да”, деган фикрга келасиз.

Нима бўлганда ҳам уч ой ичида кўп сувлар оқиб ўтди. Дарёлар тошди, қирғоқлардан ошди. Атроф-муҳитга кўп зарар етказди. Институт ҳаётида бир бор эмас, бир неча бор кучли тўфонлар ҳам тинчиётгандек кўринарди. Мўлжалимдаги вақт етиб келганга ўхшарди. Раҳбариятта учрашиб арзу-ҳолимни баён қилиш истаги бор эди менда.

Янглишмасам, май ойининг бошлари эди, мен Шароф Рашидов ҳузуридаман. У ўз ўрнида кулранг костюмда сипо ўтирарди. У ўз одатидек, хиёл кўзғолиб, қўл чўзиб кўришди мен билан. Унинг хиёл ясси юзида, кенг қовоқли кўзида сезилар-сезилмас табассум ўйнаганига кўзим тушди. Шу алфозда у мен билан ҳол-аҳвол сўрашди. Бу ҳол менинг кайфиятимни кўтарди. Сўзни бошлашга мен ўзимни ҳуқуқли ҳисобладим. Ҳурмат билан унинг исми-шарифини атаб, дедим:

— Мана, саккиз йил кетаяпти иш бошлаганимга. Бу олим учун озмунча вақт эмас. Оқибат шунга келдики, шаҳар партия комитети томонидан қаттиқ ҳайфсанни ҳам елкамга ёпиштириб қўйишди. Қаттиқ жангларда бўлиб ҳам мен бировдан ортиқча гап эшитганим йўқ эди. Энди менга рухсат берсангиз, илмий ишларимни қилсам, — дедим.

Шароф Рашидович менга бир назар ташлади-да, хиёл ўйга толди. Стол устидаги баъзи нарсаларни кўздан кечиргандек бўлди. Кейин менга ўткир назар ташлаб:

— Шошилиб хулосага келган кўринасиз, ишлайсиз, сиз ишни биласиз. Ҳаётда ўткинчи воқеалар учраб туради, — деди. Унинг сўзлари кескин, қарийб буйруқ оҳангида эди.

— Бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммасидан хабардорман, — давом этди у. — Икки марта шу иш билан яқиндан шуғулланганман. Институт фаолияти ҳақидаги маълумотномани диққат билан ўргандим. Уларнинг вакиллари ҳузуримга чақириб маълумотномадан кўпгина шубҳам борлигини айтдим ва кам далилланган нуқталарни ўчиртириб ташлашни илтимос қилдим. Уларнинг ниятларини ҳам яхши билардим. “Дўстларингиз” масалани юқорида, яъни шу ерда, — деб қаламининг бир томони билан столнинг устига бир неча марта оҳиста тақиллатиб қўйди, — кўрилишини истаганди. Борди-ю, шундай бўладиган бўлса, уларнинг режалари ошиғи билан бажарилиши мумкин эди.

Шароф Рашидов бироз тин олди-да, гапини давом қилдирди. — Кўрганингиздек, иш бошқа йўсинда ривожланди. Мен материални шаҳар комитетига оширдим. Қисматингиз унча хатарли бўлмади. Демак, ишни давом қилдирасиз. Институт режалаштирган барча ишларни ўрнига қўясиз! Институтингизнинг ҳозирги ҳолатини яхши биламиз. Бу ишларни амалга ошириш учун сизда илмий кадрлар етарли.

Шароф Рашидович рўпарада деворга осиллиқ электрон соатига бир назар ташлаб қўйди. Бундан менга ажратилган вақт тугаганлигини англадим.

Одатдагидек, илиқ хайрлашдим. Маҳкамадан чиқиб институт томонга йўл олдим. Машинада ҳаёлга берилдим. Миямда бир-бирига зид икки хулоса олишарди: бир жиҳатдан институтнинг раҳбарлигидан бугуноқ озод бўлсам керак, деб ўйлаган эдим. Бирок, бу ўйимнинг пуч эканлигини ҳис қилар эдим. Иккинчи жиҳатдан, институтга раҳбарликдай катта масъулият юки мени босиб турарди. Ёшроқ пайтларимдаги сутканинг 24 соати ўз ихтиёримда бўлиб, фақат илм билан, илмий изланишлар билан машғул бўлиш орзуси амалга ошмагани, менинг кўпгина ниятларимни барбод қилиб кетаётгандек эди.

Бу зиддиятли ўйларнинг бошқа бир нуқтаси ҳам бор эди. Қарийб ярим йил давомида қай даражада таҳқирланган ва тазйиқларга учраган бўлмай, бугун

Республиканинг бош раҳбари энг қалгис пайтларда мени суяб, қўллаб-қўлтиқлаб юрганини билдирди-ку. Унинг устига яна катта ишонч билдириб, ишни давом эттиришимга ундапти-ку. Бу илтифотдан ўзимни четга олиб қочиним одамийлик шаънига, илмий иш олиб бориши мумкин бўлган мутахассис шаънига тўғри келавермаслиги ўз-ўзидан маълум-ку.

Шу хилдаги ўйлар мени тамом чулғаб олган бир пайтда машина институт эшиги олдига етиб келган эди. Бундан ташқари Тил ва адабиёт институти 8 йилдан бери қарийб ўз уйимдек бўлиб қолган эди. Машинадан тушиб институт эшигини очган заҳотим, у ерда учраб, мен билан илк саломлашган илмий ходимларга кўзим тушган заҳотиёқ, машинада ҳоли ўтириб ўйлаган турли-туман зиддиятли фикрлар тарқалгандек бўлди. Хонага кириб, жойимга ўтириб, ҳар кунги ишимнинг қолган жойидан бошлаб юборганимни билмай қолибман. Ҳаёт маълум даражада изига тушгандек эди. Мўлжалдаги режалар асосида Илмий кенгаш ўз ишینی бошлади. Унда нашрга тайёр бўлган қатор қўлёзмалар муҳокама қилиниб, кўриқдан ўтадиган бўлди. Булар ичидаги ишларнинг энг йириги 2 жилдлик “Русча-ўзбекча луғат”, Ойбекнинг академик наشري, 2 жилдлик танқидчилик тарихи қийинчиликлар билан бораётган бўлса ҳам, Навоий ва Ҳамза энциклопедияларига тайёргарлик масалалари эди. Бу пайтларга келиб 4 жилдлик Навоий луғати ҳам тайёр ҳолга келиб қолгандек кўринарди. Хуллас, институтда илдан ташқарида юрган бирор ходимни топиш қийин эди. Жамоа аъзолари йилига 200-220 босма табоқ илмий иш топшириши шарт ҳисобланарди.

Кунлар кетидан кунлар ўтаверди. 1982 йилнинг ёз ойлари ҳам келиб қолди. Ёзги таътил кунлари бошланди. Илмий ходимлар баҳолиқудрат дам олиш масканларига йўл олдилар. Ўтган йилги комиссия иши билан банд бўлиб йўқотилган дам олиш кунларини бу йил ўрнига қўйиш пайти келгандек эди. Бу йилги дам олишимиз кутилмаганда бир тарзда гаройиб ўтди. Бишкек шаҳрида академик Абдуқодир ва профессор Қочқинбой деган ошналаримиз бўлгучи эди. Улар бизни кўпдан бери дам олишга таклиф қилиб юришарди. Мен рафиқам билан биргаликда Бишкек томон йўл олдик. Июл ойининг жазирама иссиқ вақтлари эди у пайтларда. Бу саёҳатдан менинг таассуротларим шу қадар бойки, бу ҳақда батафсилроқ маълумот бермасликнинг иложи йўқ. Бундан ташқари ҳаётимни бошқа бир йўналишга солиб юборган нуқта ҳам борки, бу ҳақда баъзи дардларимни изҳор қилиш пайти келган кўринади. Дўстларим Абдуқодир ва Қочқинбой ва биз, яъни уч оила Қирғизистоннинг Иссиқкўлига яқин жойга “Челак” деб аталган туманга етиб бордик. Район марказидан ўтиб, “Газ-69” машиналарида тоғнинг баланд чўққиси томон йўл олдик. Шундай жойга етиб бордикки, гўё қўлни чўзсангиз чўққилар тепасида қорга етгудек эди. Биз учун махсус ўтов тайёрланган. Ўтовнинг атрофида қўйлар, йилқилар, ердаги ўт-ўланлар одамнинг белидан келади. Пастдаги жазирама иссиқдан асар ҳам йўқ. Ўтовнинг ўртасига темир печка ўрнатилган бўлиб, у доим ёниб туради. У ерда биздагидек кўрпа ва кўрпачалар одат эмас экан, печка атрофига тўшаладиган кўрпачалару ёпинчиқлар, сержун қўйларнинг терисидан тикилган бўлиб, улар ҳам қатма-қат қилиб ташланар экан. Ҳақиқатан ҳам гаройиб манзара. Ўтовнинг ўртасида гуриллаб печка ёнар, биз эса тери тўшамалар устида пўстинларга ўралиб ўтирар эдик. Романтика фақат ўтириш-туришгагина боғлиқ эмас, об-ҳаволарда ҳам рўй берадиган ўзгаришларга ҳам боғлиқ. Бир қарасангиз, осмонни момақалдироқ ларзага келтиради, чақмоқлар чақиб, ерга қарсиллаб урилади. Ҳатто баъзан ёғаётган ёмғирнинг сероблигидан ўтовнинг ичига, биз ўтирган жойгача сув кириб боради. Бир қарасангиз, ярқ этиб офтоб чиқади, еру кўкни бироз қиздиргандек бўлади. Айрим ҳолларда ёғаётган ёмғирнинг қорга айланиб ерни оқартириб ўтиши ҳам ҳеч гап эмас.

Бир зумда булутлар тарқалиб, офтоб чиқади-да, оқарган қорни эритиб юборади. Бироқ ер шилта бўлмайди. Офтоб чиққач, пўстинни елкага ташлаб, ўтов атрофини сайр қилавериш мумкин. Гир атрофда шундоққина яқин бўлиб кўринадиган, бошига оппоқ телпак кийиб олган хилма-хил чўққиларга нигоҳингиз тушиб, кўзингиз тўймайди. Меҳмондорчилик ҳам шунга яраша. Ҳар кун бир тўкди сўйиш шарт ҳисобланади. Биз бу хилдаги ҳаёт тарзига ўрганмаганмиз. Бугунги сўйилган қўйнинг гўшти очиқ ҳавода арматуралардан ясалган темир сеткаларга жойлаб қўйилади. Бир кунда унинг ярми ҳам ейилмайди. Эртага яна бошқаси сўйилиши шарт. 5-6 кун ўтгандан кейин мен чидаб туrolмадим. Эрталаб сайр қилиб юрган пайтимизда битта совлиқни сўймоқчи бўлиб туришганини кўриб, бу ишни тўхтатишни, уни сўймасликларини илтимос қилдим. Бироқ, менинг илтимосим инобатта ўтмади.

— Бир кун — бир қўй, — деди дўстим Абдуқодир.

— Бунча гўштни кўп ейсизлар, — деганимда, — ўртоқларим қирғиз эт жер, ўзбек чўп жер деган нақл бор, сиз энди ўн беш кун ичида ўзбеклигингизни унутасиз, ўзингизни қирғиз деб ҳисоблайверасиз. Бизга қўшилиб, “эт жейверасиз”, — деб ҳазил қилишди.

Ўша пайтдаги эт ейиш тартиботи ҳанузгача эсимдан чиққан эмас. Эрталаб думба билан жигар қайнатилади. Бир бўлак эт бир бўлак думбага қўшиб ейилиши керак. Улар буни иштаҳа билан ейишади. Биз эса эт билан жигарни қийнала-қийнала оғизга соламиз. Бизга одат бўлган шарқона қисталанг қилаверишлар уларда йўқ. Борди-ю эт ва жигардан бош тортадиган бўлсангиз ўзбекларнинг ош ошатгани сингари оғизга тутишлари ҳам мумкин. Туш пайтида ўртага гўшт келади. Қирғиз дўстларимдан бирортаси гўшларни тақсимлайди. Меҳмон ҳиссаси деб бизнинг олдимизга албатта бутун сонни қўяди. Униям ейиш керак бўлади. Борди-ю, ундан бош тортадиган бўлсангиз, ҳар хил латифалар эшитиб бошингиз балога қолади. Бунинг устига қўшни ўтовда истиқомат қиладиган мезбонлар бошқа жойда топиш амри маҳол бўлган тоза қимиз чиқаришади. Махсус мешларда чайқатиб тайёрланган қимизларни бир зумда ҳазм қилиб юборишларни ўшанда кўрганмиз. Кунлар шу тарзда ўтаверди. Дам олиш, суҳбат қилиш, табиат кўркемликларидан баҳраманд бўлиш жиҳатидан бу кунларнинг тенги йўқ эди. Қарийб бир йил давомида келиб турган устма-уст комиссияларнинг қийин-қистовлари, дўқ-пўписалари, турли маҳкамаларда тик туриб жавоб беришлардан таранглишган асаблар, чарчапшлар, бир қадар унутилгандек эди. Биз бошқа бир оламга тушиб қолгандек эдик.

Кунларнинг бирида шу табиат кучоғида якка юриб, хаёлга берилгим келди. Мезбонлардан руҳсат олиб, ён томонимиздаги хийла тик тепаликка тирмаша бошладим. Анчагина йўл босдим, юқори кўтарилдим. Пастда юрган йилқилар кўзичоқдек кўрина бошлади. Текис ўтлоқ жойда қурилган ўтов эса бир тандирдай бўлиб кўринди менга. Қулайроқ жой топиб, ўтлоқ устида чалқанча ётиб олдим. Ёш пайтларим эсимга тушди, мактабдан келиб қўй боқардим. Қўйларни тўқайга ёйиб юбориб, чалқанча ётиб бежирим кўм-кўк осмонни кузатар эдим. Кузатардим-у ўзимнинг кўриш қобилиятимдан ҳайратланардим. Купша-кундуз кунни офтоб чарақлаб турган бир пайтда кўкдаги юлдузларни бемалол кўраверар эдим. Қани ҳозир ҳам бир қараб кўрай-чи, ҳаво очиқ, кўк мусаффо бўлганлиги учун албатта юлдузлар кўринса керак, деган хаёлга бордим. Тикилиб-тикилиб осмонга қарадим. Бироқ юлдузлар мутлақо кўринмасди. Баъзан Москва томон кетаётганимда ёки ундан қайтаётганимда Қозоғистоннинг текис қирлари саҳнида у ёқдан-бу ёққа юрган тулки, чиябўри, ҳатто бўриларни ҳам кўриб қолар эдим. Бу билан кўзимнинг нақадар ўткирлигидан фахрланар эдим. Бирор жонзот кўзга чалинмасмикин деб қорли чўққиларга кўз ташладим, бироқ, кўзимга ҳеч нарса кўринмади. Аксинча, қорли чўққилар ҳам аниқ кўринмас, бир зумда бири баланд бўлиб кетар, иккинчиси пасаяр, баъзилари ўртасидан кесилгандек унинг бир қисми ҳавода муаллақ бўлиб қолиб кетгандай кўринарди. Мен ҳайрон бўлдим, юрагим орқага тортиб кетди. Ҳар хил баландликларда учиб юрган булутларни кузатдим. Улар ҳам кўзимнинг олдида текис учмаётгандек, бир лаҳзада пастга қулаб кетиб, яна аввалгидек парвоз қилаётгандек, баландликка кўтарилиб учини давом қилдираётгандек эди. Бир кўзимни юмиб, иккинчи кўзимни очиб, ҳар хил йўсинда қараб кўрдим. Узоқдаги нарсаларнинг бу хилдаги ўзгариши фақат чап кўзимда эканлигини англадим. Шундагина бир кўзимнинг кўриш қобилияти пасайганлигини билдим. Чўнтагимда газетанинг бир парчаси сақланар экан, ўнг кўзимни юмиб, газета саҳифаларига қарадим. Кўрдимки, ҳарфлар бир текис эмас. Назаримда, бир ҳарфдан иккинчи бир ҳарфга ўтганимда бири паст ёки иккинчиси баланд ҳарфлар билан терилган матнга ўхшаб кетарди. Борган сари таажжубим оша борди. Умримда кузатмаган ҳолат эди бу. Табиий, осмондан юлдуз излаш истаги ўз-ўзидан сўнди. Ўрнимдан турдим, ўнг кўзимни юмдим, чап кўзим билан ўтов томонга қарадим. Ўтов ҳам бир хилда кўринмади. Ўтов атрофида юрган бия ва қўйлар ҳам бир зумда у ёқ-бу ёққа сакраётгандек таассурот қолдирди. Секин пастга — ўтов томонга туша бошладим. Қадам босишларим ҳам ажабтовур ҳис-туйғулар уйғотарди менда.

Дам олиш сафаримиз ўн беш кунга мўлжалланган эди. Кўзимнинг ҳолати менда катта ташвиш уйғотди. Олдинига рафиқамга билдирмасдан дўстларим билан маслаҳатлашдим. Кейин тезда Тошкентга қайтишим зарурлигини билдирдим. Дам олишимизнинг ўн икки ёки ўн учинчи кунда шекилли, йўл тараддудига тушдик. Бишкекда ҳам кўп тўхтамасдан Тошкент томонга йўл олдик. Дўстларимнинг кўнгли бир оз хижил бўлиб қолиши тайин эди, албатта.

Тошкентга келиб офтальмолог профессор Муҳаммаджон Комилов билан учрашиб, текширувдан ўтдим. У чап кўзимда жиддий ўзгариш бўлаётганини, бу ҳолни тезда даволатмаса бўлмаслигини билдирди. Бир ой чамаси шифохонада ётиб — текширувда бўлдим. Бироқ, чап кўзимдаги ўзгариш ҳамон ўша-ўша эди. Клиника берган йўлланма бўйича Москвадаги шифохонага бордим. Профессор Лев Абрамовичга учрашдим. У ердаги жиддий текширувлар ҳам кўнгилга таскин берадиган даражада эмас эди. Ҳар хил усуллар билан текшириб қўришдик. Турли-туман асбоб-усқуналар воситасида текширишди, бор бўлган даволаш воситаларини ишта солишди.



Бир ойлик шифохона кўригида бўлганимдан кейин профессор Лев Абрамовичнинг хулосаси шундай бўлди: “Бу даволаниши мушкул бўлган касаллик. Асосий масала кўриш асабининг емирилиши жараянини тўхтатиш, ҳеч бўлмаса секинлаштиришдан иборатдир. Оқибат шу бўлиши мумкинки, бу дард иккинчи кўзга ҳам ўтиши мумкин. Бироқ, сизни тинчлантирадиган ҳолат шуки, сиз нарсаларни кўрасиз, бироқ тафсилотини англай оласиз. Шу боисдан ўқиш ва ёзиш сиз учун борган сари қийин бўлиб бораверади. Бундан кейин ҳар йили икки мартаба бир ойлик муддатга бизга меҳмон бўлиб кетасиз. Шу тарзда ўзингизга қарасангиз, тамоман кўрмай қолишдан сақланасиз. Биров сизни етаклаб юрмайди. Ўз йўлингизни ўзингиз кўрасиз. Бу касалнинг хислатлари шундай”. Профессорнинг бу хулосаси мен учун ниҳоятда оғир эди. Ёш пайтларимда узоқ-узоқларни кўришимдан фахрланишларим, уруш пайтларида душманни бошқа снайперларга нисбатан 200-300 метр узоқликдан кўра билишим кино лентасидек кўз олдимдан ўтаверди. Ўша кезлари мен учун бу ҳол оғир йўқотиш, ҳатто қайта тиклаш мумкин бўлмаган фожиадек кўринди. Профессор Лев Абрамович айтганидек, бу хилдаги ўзгариш иккинчи кўзимда ҳам сезила бошлади. Москвага борганимда профессор нариги кўзимни ҳам даволашга киришди. Илмга илк қадам қўйган кунимдан бошлаб, изланиш ва ўрганишни қанча қилган эмасман. Эндиликда равон ўқишдан ҳам, текис ёзишдан ҳам маҳрум бўлаётганим сезилиб қолди. Бироқ, шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни хоҳлардим. Чорасизликдан чора излаш, йўлсизликдан йўл излаш ҳаракатида бўлиш, менинг ҳаёт тамойилларимдан бири эди. Шу тамойил мени маълум даражада тинчитарди. Биринчи қилган ишим — ўқув-ёзув қуроллари сотадиган магазинга кириб, йирик ёзадиган восита излаётганимни билдирдим. Сотувчи менга рангли қаламга ўхшаган бир нарсани кўрсатди. “Бу йирик ёзади, фломастерга ўхшаган нарса, бироқ, унга нисбатан ручкага яқинроқ, чехларники...” деб гапини тутатди. Ушандан бирйўла 20 тасини олибман.

Бир ўзим матнни таҳлил қилишим мен учун мушкул иш бўлиб қолганини англадим. Янги гоёлар пайдо бўла бошлади. Шифохонада ётиб, бошқа бирор нарса қилиш мушкул бўлганидан “Уруш эсдаликлари”ни ёзишга қўл урдим. Москвада бир неча ҳафта шифохонада ётиб 200 саҳифадан ошиқроқ уруш эсдаликларини ёздим. Кейинчалик бу эсдаликлар “Тепки босилди”, “Алам” номлари билан икки марта ўзбек тилида босилиб чиқди. Шу билан баравар бу эсдаликлар рус тилига таржима қилиниб, газета ва журналларда тўла равишда эълон қилинди.

Бу чорасизликдан тошилган бир чора эди.

Бу ишни кейин ҳам давом қилдириш мен учун ҳаётий заруратга айланган. Ёшлигимда 20-30-йилларда кўрган-кечирганларим, бошимдан ўтган воқеалар ҳаёлимда айлана бошлади. Москвага ҳар борганимда Чехиядан келтирилган ўша ёзув воситасидан 10 та - 20 та олиб келар эдим. Унга қўшиб, бир томони пружинага бириктирилган катта дафтардан ҳам 5 та-10 та олиб келардим. “Уруш эсдаликлари”ни тутатганимдан кейин ўша Москва шифохонасида ётиб, ёшлигим ҳақида эсдаликларимни бошладим. У биттач, бадний асарлар танловидан ўтиб, 1998 йилда 10 босма табоқ ҳажмида бадна сифатида алоҳида китоб ҳолида нашр қилинди.

Шу орада ҳаёлимда яна бошқа гоё ҳам туғилди. Мен ҳаётимда бир хислат борлигини англадим. Қисқа бўлмаган бу умрим давомида кўп яхши одамларга дуч келибман. Уларнинг кўпларидан сабоқ олибман. Аксарияти билан ҳамкорлик қилибман. Бирга ўсиб-улғайибман, илм, ижод томон интилибман. Улар ҳақида алоҳида-алоҳида мақолалар битиш режаси пайдо бўлди менда. Шу тарзда ўша чех ёзув воситаси ёрдамида ёзилган қўлёзма янги бир китоб ҳолига келиб қолди. Китоб “Дийдорнома” номи билан 1998 йилда 9 босма табоқ ҳажмида эълон қилинди. Бу китобга қатор устозу ҳамкор дўстларимнинг ҳаёт ва ижодий фаолиятлари ҳақида бадналар йиғилган.

Сўз Қори Ниёзийлар билан бўлган учрашувдан бошланади. Абдулла Орипов ҳаётига тегишли лавҳалар билан якунланади. Шу кунларда “Шарқ” нашриёт-матбаа конпернида нашрдан чиқди. Эндиликда урушдан кейинги даврларда тоталитар мафкура ҳукмронлик қилган пайтларда бошдан ўтган баъзи бир воқеаларни қорозга тушириш билан бандман. Сиз ўқиётган боблар шу ишнинг айрим қисмларидир. Кейинги 20 йиллик фаолиятим фақат эсдаликлар яратишдан иборат эмас. Юқорида мен яхшиларнинг кўпчилиги ҳақида фикр билдириб ўтдим. Дарҳақиқат, илм ва ижодда менга ёрдам қўлини чўзганлар талайгина. Уларнинг ёрдамида мен қатор илмий монографиялар, йилида камида 10-15 мақола эълон қилишни ўзимга бурч деб ҳисоблайман. Шу йўсинда С.Айний, Ҳ.Ниёзий ҳақидаги китоблар, шунингдек, “Ҳаёт ҳақиқати ва бадний ҳақиқат” номли монографик асар майдонга келди. “Ўзбекнинг ўзлиги” номли монографиямни ҳам қайта кўздан кечириб чоп қилдирдим. Кўряписки, чорасизликдан чора излаб топиш ҳам мумкин экан. Шу ўринда менга ёрдам қўлини чўзган дўстларимнинг номларини эслаб ўтишни лозим кўрардим. Булар жияним шоир Абдулла Матёқубов, журналист Аминбой Давлатов, филология

фанлари номзоди А.Бобониёзов, Р.Жуманиёзов, Б.Қурбонбоев, ёш филологлар Гулбаҳор Ҳазимбетова, Гулбаҳор Юсуповалардир.

Кейинги йилларда илмий ва ижодий ишлар билан банд бўлиб, бу соҳада бирор иш қилган бўлсам, булар шу дўстларим кўрсатган ёрдам натижаси эканлигини бир лаҳза ҳам унутмасликни ўзимнинг инсоний бурчим деб биламан.

Булардан ташқари О.Ёқубов, П.Қодиров, О.Шарафиддинов сингари сафдошларим, академик Б.Назаров, профессор Т.Мирзаев сингари ҳам шоғирд, ҳам ҳамкор биродарларим ҳам менга қўмаклашиб келмоқдалар. Шоғирдларим Ҳ.Ҳошимов, О.Мухтор, Э.Воҳидов, О.Абдуллаев, Т.Маҳмудов, Н.Раҳимжонов, профессорлар А.Расулов, Қ.Йўлдошев, Р.Иноғомов, филология соҳасидаги олим ва журналистлар М.Саъдинов, М.Сафаровлар доимий равишда менга амалий ёрдам кўрсатишди.

## ҲАЁТ ЧИГАЛИКЛАРИ, ИЛМ ҚИСМАТИ

1983 йил ёз ойлари эди. Илмий кенгашнинг қайсидир кекса ходимларидан бири институт ташкил тошганига 50 йил тўлаётгани, бироқ, юбилейга муносиб саналардан бирортаси тантана билан нишонланмаганлигини ачиниб гапириб қолди. Шу кенгашнинг ўзидаёқ, кўпчилик бу фикрни қўллаб-қувватлади. Институтнинг 50 йиллиги тантана қилишга арзигulik саналардан бири эканлиги таъкидланди. Бу иш ҳақида масала қўзғаш институт раҳбариятига топширилди. Шу кенгашнинг ўзидаёқ, институтнинг катта илмий ходими С.Қосимовга институт тарихини ўрганиб, бир рисола тайёрлаш топширилди. Афсуски, бу рисола ҳадеганда битавермасди. Нима бўлса ҳам ишни тезроқ юритиш учун олдийгина маълумотнома тайёрланди. Академия раҳбарлари билан учрашиб, бу масаланинг амалиёти ҳақида фикр олишувлар бўлди. Бироқ, натижа ҳадеганда кўзга кўринавермади. Масала, Республика раҳбариятига бориб тақаладиган бўлди. Август ойининг ўрталарида мен яна Шароф Рашидов ҳузуридаман.

Одатдагидек, Ш.Рашидовнинг кайфияти бу гал ҳам яхши кўринди менга. Илқ суҳбат бошланди. Адабиёт тарихи, 20-30-йилларда ёзувчилар орасидаги мураккаб муносабатлар ҳақида менинг хаёлимга ҳам келмаган маълумотлар ўртага тушди. Булардан баъзилари менда ҳайратланиш ҳиссини уйғотган бўлса, баъзилари ичидан ўксиниш туйғусини қўзғайди. Зиёлилар орасидаги муносабатларнинг у пайтларда нақадар мураккаб бўлгани ҳақида янги-янги таассуротлар пайдо бўлди менда. Гап келиб кейинги воқеаларга уланди. Гап орасида у:

— Москвада дўстларингиз кўп экан. Сизнинг аҳволингиз ҳақида менга хабар беришди. Кўриш қобилиятингиз пасайибди. Шифохонада ётиб даволанибсиз, — деди. Ўз аҳволим ҳақида аниқ маълумот берсам, арз қилиб келган одам аҳволига тушиб қолаётгандек сездим ўзимни.

— Қийинчиликлар бўлапти. Бироқ, амаллаб ишни давом эттираяпман, — дедим. У киши, икки нарсга эътибор беринг, бири беғараз ишлайдиган ҳисобчи танланг, иккинчиси, ташкилий ишларнинг юкини ўз зиммасига оладиган илмий котиб танланг, деди. Бу сўзларнинг заминидан энг яқин одамга бериладиган маслаҳат оҳангини ҳис қилдим. У сўзларни териб-териб, баъзи нуқталарини алоҳида ургулаб, бироқ, майин овозда бир неча бор мен томонга илиқ назар ташлаб гаширарди.

Суҳбат бироз чўзилгандай бўлди. Стол бурчагига қўйган менинг папкам томон оҳиста назар ташлади. Бу назарнинг маъносини мен дарров илғаб олдим. Ҳар гал кирганимда институтнинг ҳаётига, умуман, филология илми, адабиёт оламига тегишли бирор масала юзасидан ҳужжат кўтариб келишимни билар эди. Ҳар гал шу папкадан турли ҳужжатларни чиқариб олдиларига кўярдим. Бу гал ҳам бекорга келмаганим аёндек эди.

Папкани очдим-да, 2-бетга сифдирилган маълумотномани у кишига узатиб, кўйиб қўйдим:

— Институт 50 ёшга кирибди. Жамоа шу санани кичик бўлса ҳам, тантана қилиш истагини билдиришти, — дедим. Сўзларимнинг оҳангидан узр маъносини ўқиш қийин эмасди.

У маълумотномани қўлга олиб, баъзи жойларига кўз ташлаб кўрди. Менинг нигоҳим раҳбарнинг юз-кўзларида эди. Диққат билан кузатардим. Кузатардим-у, раҳбарнинг юзлари аввалгига нисбатан ёришаётганини кўрдим.

— Яхши ўйлабсиз, жамоангиз кўнглидагидек юбилей ўтказамиз. Мукофотлар берамиз, — деди. Ш.Рашидовнинг бутун қиёфасида мен чуқур маънони уқдим. Назаримда, унинг хаёлидан шу йўл билан кемтилган кўнгиллари тўлдириш, шикастланган орзуларни жойинга қўйиш мумкин бўларкан-да, деган бир фикр ўтгандай бўлди.

Ш.Рашидов кўк сийёдли ручка билан маълумотнома чеккасига нималарнидир ёзди. Секин рўпарада ўтирган аллақачон мен билан дўст бўлиб кетган Крайнов томон чўзди-да, “Марказга хат тайёрланг, институтни Халқлар дўстлиги нишонига тавсия қилинг”, — деди у буйруқ оҳангида.

— Зинҳор бу ишни кечиктира кўрманг, — деган сўзларни ҳам қўшиб қўйди. Кейин “хурсандмисиз” дегандек, мен томонга табассум билан назар ташлади. Бор-йўқ гапларни шундан иборат эканлигини аниқлади шекилли:

— Ўзингизга қаранг, даволанишингиз қанчалик зарур бўлса, шунча даволанинг, — деди-да, рўпарадаги деворга осиглиқ соатга назар ташлади.

Шундан англадимки, менинг вақтим туғабди. Ўрнимдан туриб илиқ хайрлашдим. Эндиликда айтиш мумкин. Бу гали учрашув энг охиригиси эканлигини, бундан кейин ўзбек адабиёти, илми, унинг тараққиёти йўлида катта ишларни бошқарган бу одам билан сўнгги маротаба суҳбатлашаётганим ўша дамларда ҳаёлимга ҳам келмаган.

Ёз ўтиб, вақт куз томон оқиб борарди. Одатдагидек, сентябр ойида пахта терими мавсуми ҳам бошланди. Мавсумнинг айна авжига чиққан пайтларида бегубор осмонда момақалдирак гулдиратандек бўлди. Рашидовнинг ўлими ҳақида хабар тарқалди. Республика учун бу ҳеч қутилмаган ҳодиса эди. Ш.Рашидовичнинг ўлими ҳақида хабарлар, у ҳақидаги ёлғон-яшиқ миш-мишлар халқ орасида кенг ёйилди. Унинг ўлими муносабати билан бўлиб ўтган айрим воқеалар ўша давр раҳбарияти орасидаги ҳар хил тебранишлар, айрим одамлар ҳақида тўқилган тўхмату, бўҳтонлар бир эмас, бир неча йиллаб давом этди. Айбсиз айбдорлар изланадиган бўлди. “Рашидовчилик” деган иборалар ишга тушди. Дўстим Одил Ёқубов муҳаррирлик қилаётган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг Рашидов ҳақида ёзилган ишлар юзасидан айбнома услубида битилган ярим саҳифалик мақоласи эълон қилинди. Бундан 2-3 йил олдин Тил ва адабиёт институти ҳақидаги шаҳар фирқа кўмитасининг қарорини олқишлаган кимсалар И.Раҳим мақоласини ҳам чапақлар билан қарши олдилар. Мен эса бу мақолани жимгина кутиб олганим йўқ, унга тегишли жавоб тайёрладим. Бироқ, ажабланарли жойи шунда бўлдики, ҳеч қандай тўсиқларсиз эълон қилинган И.Раҳимнинг мақоласига жавобан тайёрланган каминанинг мақоласи анчагина тўсиқларни босиб ўтиб эълон қилинди. Бу хилдаги воқеалар 80-йиллар учун типик бир ҳолат эди. Бироқ, ҳаёт ўз йўли билан олға силжирди.

Кунларнинг бирида марказнинг юқори маҳкамасидан кўнғироқ бўлиб қолди. Кўнғироқ қилган одам ўзини Кузнецов деб таништирди-да, “Ш.Рашидовичнинг охириги имзо қўйган хатини олдик. Бу хат Сизнинг институтигиз ҳақида экан. Хатда институт орденага тавсия қилинибди. Орден албатта бўлади”, деди.

Ш.Рашидов ҳаёт вақтларида юбилей тараддудини кўраверинглар, деган эди. Доим институт фаолиятига суянч бўлиб келган, ҳар бир ишда маслаҳатини аямаган, зарур пайтда ёрдамга қўл чўзган Ш.Рашидовичнинг ўзи оламдан кўз юмиб кетган бўлса ҳам, ҳамон унинг руҳи бизга мадалдор эди. 1983 йилнинг ноябр ойларига бориб, собиқ СССРнинг олий маҳкамаси томонидан Тил ва адабиёт институтини мукофотлаш тўғрисида махсус фармон эълон қилинди. 1984 йилнинг феврал ойларига бориб Республика раҳбарияти академия фаолларини йиғиб, тантанавор равишда олий мукофот тошпиришди, олий нишонни институт байроғига тикиб қўйишди. Бугина эмас, мазкур анжуманда Республика раҳбариятида юқори лавозимларни эгаллаб турган шахслар институт номига ва умуман филолог мутахассислар шаънига қутулмаганда яхши фикрлар билдиришди. Институт жамоаси учун бу йиғилиш унинг тарихида рўй берган энг катта ғалаба тантанаси эди. Гарчи йиғилишда Ш.Рашидовнинг номи тилга олинмаган бўлса ҳам, бу мисли кўрилмаган воқеа унинг номи билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир илмий ходим буни дилидан ўтказиб турарди.

Ш.Рашидов ният қилган ва институт жамоаси кутган бошқа бир маъно бор эди бу тантананда. Бундан атиги бир йил олдин институт жамоаси мафкуравий жиҳатдан энг заиф жамоалар қаторига қўшилган, ҳақиқий илмий ишни ривожлантириш ўрнига ўтмишдаги зарарли ғояларни тарғиб қилувчи, ҳаётнинг олдида эмас, орқасида судралиб келаётган илмий ташкилот сифатида Тошкентнинг барча маҳкамаларида ва Республиканинг йирик матбуот саҳифаларида бадном қилинган эди. Энди ҳақиқат ўз ўрнини топган эди. Аввалроқ адолатсиз ёпиштирилган бу тамга табиий равишда энди барҳам топади, деган хулосага келиши мумкин эди одамлар.

Бироқ, афсуски, келажак институт жамоаси кутгандек бўлмади. Тоталитар мафкуранинг бошида турган раҳбарлар академия аҳлини йиғиб, худди театр саҳнасидагидек бир ўйин кўрсатишди-да, кўп вақт ўтмасдан Тил ва адабиёт институти ҳақидаги архивни титкилай бошлашди ва ундан муҳим топилдиқ сифатида шаҳар партия комитетининг 1982 йил 9 февралда қабул қилган институти ҳақидаги қора доғлар билан тўлдирилган қарорни топдилар.

Ўша байроққа Олий мукофот нишони осилгандан кейин чамаси бир ойлар ўтар-

ўтмас институт раҳбарияти олий маҳкама котибаси Раъно Абдуллаева ҳузурига таклиф қилинди.

Бу котибани мен илгаридан яхши билар эдим. Бир неча бор иш юзасидан учрашган пайтларимиз ҳам бўлган. Бироқ, бирор марта унинг хонасидан хурсанд бўлиб чиққан пайтимни билмайман. Шундай бўлгач, бу гап ҳам унинг ҳузурига мажбурийат юзасидан, ҳеч қандай яхши гап кутмасдан кириб бордим. У мени ўта совуқ қабул қилди. Ҳатто баъзи раҳбарлар сингари ўрнидан туриб кўришиш у ёқда турсин, берган саломимга жавоб берган ёҳуд бермаганини англаолмай қолдим. Жой кўрсатиб, ўтиринг, деган ишора ҳам йўқ эди. Бир неча сония хонаси ўртасида туриб қолдим. Ниҳоят, котиба тилга кирди:

— Шаҳар партия комитети қарори билан танишиб чиқдим. Сизга ва сиз раҳбарлик қилаётган институт жамоаси бўйнига катта айблар қўйилбди. Спёсий айблар улар, — деди. Котибанинг нигоҳидан қаҳр-ғазаб томчилаётгандек кўринар эди, менга. Гапни чўзиб ўтиришга ҳожат сезмай:

— У даражада эмасдир-ов, ошириб-пишириб айтилган гаплар бордир, — дедим. Котибанинг ранг-рўйи яна ҳам совуқланди. Кескин равишда жавоб қилди:

— Бу сизнингча, — деди у. Шу билан гапим тамом деган қиёфага кирди. Мен ҳам сезилар-сезилмас хайрлашган бўлдим-да, хонасидан чиқиб кетдим.

Бир неча ойлар ўтди чамаси. 1984 йилнинг қиш ойлари эди. “Мажлис чақирилар эмиш. Академиянинг президиум аъзолари институтга келармиш” деган хабар тарқалди. Мажлис кунини, соатини ҳам академия ҳайъати белгилади. Айтилган пайтда меҳмонларни кўрдим. У пайтлари бугунгига нисбатан институт жамоаси анчагина каттароқ эди. Катта залдаги барча ўриндиқлар банд бўлди. Институт жамоаси бу йиғилиш оддий фикр олишувдан иборат эмаслигини яхши ҳис қиларди. Шу боисдан қизиқиш катта эди, йиғилиш бошланди. Одатдагидек, мажлисга ҳайъат ҳам сайланмади. Академия ҳайъатининг аъзолари тўғридан-тўғри бориб ҳайъат креслоларини эгалладилар.

Мажлисни академиянинг масъул раҳбарларидан бири бошлади. Унинг дастлабки сўзлари шундай бўлди:

— Айтинглар-чи, сир нимада? Нега институт ҳақида шунча гап-сўз. Ахир шаҳар партия комитетининг комиссияси ярим йилча ишлади, махсус қарор қабул қилинди. Бу қарор бўйича кўп жойларда муҳокама ўтказилди. Негат институт ўзини ўнглаб ололмапти? Бирор сир бордир ахир? — Масъул раҳбарнинг бу сўзлари рус тилида янгради. Кутилмаганда залда қўзғалиш бошланди. Сирли шивир-шивирлар ҳам эшитилгандай бўлди. Шунда бир неча одам сўз сўради. Уларнинг баъзиларига сўз беришди ҳам. Филология фанлари номзоди Ким Степан сўзга чиқди. Унинг ўзига хос куйина-куйина айтилган сўзларидан шундай маъно чиқар эдики, институтда ҳеч қандай сир йўқ. Илмий жамоа илгари қандай ишлаётган бўлса, иш шу суръат ва мазмунда борапти. Мафкуравий жиҳатдан ҳеч қандай чекиниш йўқ. Меҳмон сифатида келиб, йиғилиш ҳайъати аъзоларини ўрнини эгаллаганларнинг шашти қайтгандек бўлди. Улар мажлисни давом этдиришдан фойда йўқлигини сездилар. Бир баҳона топиб, йиғилишни апил-тапил якунладилар.

Мажлис якуни хусусида ким нима деб ўйлаган бўлса ўйлагандир, лекин менинг хулосам қуйидагича эди. Бу мажлисни ташкил қилишдан мақсад, бундан бир неча ой олдин олий маҳкаманинг мафкура котибаси хонасида бўлган “фикр олишувнинг” давоми эди. Тўғрироғи, ўша фикр олишувдан кейин ўйлаб чиқарилган бадният саҳна ўйинининг кўриниши эди. Институт жамоаси бу ўйиндан кўзда тутилган ниятларини амалга оширишга йўл қўйинмади.

\* \* \*

Кошки эди қарорни рўйхатга олишлар, бир зарб билан ур-йиқит йўлига ўтиб олишлар, фақат Тил ва адабиёт институтининг бўйнига тушган бўлса. Бундай кўргилиқлар бутун умрини зиё таратишга, илм-фан тараққиётига бағишлаган қатор бошқа илмий ходимлар ва раҳбарлар бошига ҳам тушди. Бу ерда бир қонуниятни ҳисобга олиш керак. Жамият ҳаётида бирор салбий ҳодиса рўй берса, биринчи калтақ зиёдилар бошида синади. Ш.Рашидовнинг вафотидан кейинги алғов-далғовларда шу ҳол кўзга ташланди.

Бугунги кун ўтиб, эртасига нима бўлишига ақлим унчалик етавермайдиган пайтлар эди. Республикада пахта ишининг алғов-далғовлари ҳам рўй бериб, нотинч кунлар бошланиб кетган пайт. Кунларнинг бирида зарурийат юзасидан Фанлар академиясининг ҳайъат марказига бориб қолдим. Лифт томон қадам қўйдим. Шу пайт кетимдан етиб келган Сейсмология институтининг директори, академик Гани Мавлонов ҳам мен билан бирга лифта чиқди. Бу одамни мен кўпдан бери билардим. Полвонсифат одам эди у. Гавдали, елкалари кенг, билакларидан куч ва ғайрат топиб

тургандек кўринарди менга. Кўринишидан ҳар куни ер ағдариб, тинимсиз меҳнат қиладиган боғбон, деҳқонга ўхшаб туюларди назаримда. Характер жиҳатдан ҳам ниҳоятда вазмин, кўнглида кири йўқ одам экани сезилиб турарди. Аксарият ҳолларда мен уни “Газ-69” машинасини секин ҳайдаб кетаётган, президиум эшигини олдида машинани бирор ерга қўйиб, салмоқдор қадамлар билан академиянинг эшиги томон келаётган ҳолда кўрардим. Жисмонан бақувват, ақдан зийрак, илмда ўз ўрнига эга бу олим мен ҳурмат қиладиган одамлардан бири эди.

Лифтда кўтарила туриб, Фани акага бир назар ташлаб қўйдим. Назар ташладим-у, таажжубландим. Унинг юзлари сўлгин, гавда ҳам олдингига қараганда бироз кичрайиб қолгандек, билаклагги тошиб турган куч сўла бошлагандек, ўткир кўзлар нурсизланиб, ҳолсизлангандек туюлди, назаримда.

— Нима бўлди, Фани ака, бугун бошқачароқ кўринасиз, — дедим мен ҳар хил хаёлларга бориб, — тинчликми, — деб қўшиб қўйдим.

— Э, нимасини айтасиз, домла, — деди у менга. Мен ундан анча ёш кўринсам-да, нимагадир у менга “домла” деб мурожаат қилар эди. Хаёлимда оғирроқ нафас олгандек бўлди. Кейин гапини давом эттирди:

— Сизнинг бошингизга тушган воқеалар менинг ҳам бошимга тушди. Бир жиҳатдан мен сиздан ҳам ўзиб кетдим. Газетада фельетон ҳам босилди. Билмадим, буёғи нима бўлади...

Дилимдаги бор сўзларни йиғиб, Фани Мавлоновнинг кўнглини кўтармоқчи, унга далда бермоқчи бўлдим. Бироқ, гапларимни эшитиб, у менга раҳматлар айтган бўлса ҳам, сўзларим унга малҳам бўла олмаслигини сезиб турардим. Лифтдан чиқиб, ҳар биримиз ўз ишимиз билан банд бўлиб кетдик. Ўша куни ва ундан кейин ҳам хаёлим Фани Мавлоновнинг қисмати билан банд бўлиб юрди. Кейинчалик эшитишимга қараганда менга ўта совуқ муомала қилган мафкура котибаси у кишини ҳам хонасига чақирибди, ўзига ортиқча эрк бериб, фаннинг фойдасига тўғри келмайдиган таклифни ўртага ташлабди. Фани Мавлонов рози бўлмагандан кейин бу катта маҳкамга ярашмайдиган дўқ-пўшисага ҳам ўтибди. Котиба бу билан ҳам чекланмабди. Тегишли ташкилотлар воситаси билан Сейсмология институтининг ишларини муҳокама қилибди. Бу ерда ҳам ўша манзара. Ўзбек тили ва адабиётидан бутунлай беҳабар бўлган муҳандис ёки иқтисодчилар бу илм қисматини “ҳал” қилган бўлсалар, сейсмология илмидан бутунлай беҳабар бўлган ташкилотлар бу институт қисматини, хусусан, унинг раҳбари академик Фани Мавлоновнинг тақдирини бир зарб билан ҳал қилиб қўя қолишибди.

Энди ўйлаб қарасам, ўша даврлар илм ва маданият чинорларининг бирин-кетин кулаш даври бўлган экан. Ўн йилдан кўпроқ ҳамкорлик қилиб, зарур пайтларда маслаҳатлар олиб, кайфияти яхши пайтларида чақчақлашиб, илм йўлида бирга фаолият кўрсатганимиз, улуг олим, қарийб йигирма йил Фанлар академиясига раҳбарлик қилган академик Обид Содиқовнинг қисмати нима билан тугаганлиги кўпчиликка аён. Бу ўринда бошқа бир сиймо қисматини эслаб ўтинини истардим. Гап номи фақат республикаимизда эмас, балки кўпгина мамлакатларда ҳам машҳур олимлардан бири Саъди Ҳасанович Сирожиддинов ҳақида кетяпти. Бу одам нафақат катта олим эди, балки ниҳоятда хушфёъл, юмшоқтабиатли, атрофдагиларга эътибор билан қарайдиган, йирик шахс ҳам эди. Айрим ҳолатларни мен ниҳоятда кўнгилхушлик билан эслайман. Бирор жойда дуч келиб қоладиган бўлсак, ҳали мен салом бериб улгурмасимдан баланд овозда номимни тилга олиб, “Сиз ҳақингизда фалон куни фалон газетада мақола ўқидим”, “Телевизорда кўрдим”, “Фалон куни радиода мана бундай гап гапирдингиз”, — деб очиқ чехра билан таърифлаб кетар, ҳар гал “Сизни кўрганимдан хурсандман” деган сўзларни канда қилмасди.

Афсуски, Шароф Рашидовнинг вафотидан кейинги гала-говурлар даврида бу катта олимнинг қисмати ҳам фожеа билан яқунланди. Бу тазйиқ ва таҳқирланишларга Саъди Ҳасанович ҳам чидаш бера олмадилар шекилли, кўп ўтмасдан оламдан кўз юмдилар.

Бу фожианинг сабабчилари ҳам ўша тоталитар мафкура қўриқчилари, ўша ранги совуқ котиба, ўша одамлар қисматини ҳал қилишга ўзларини ҳуқуқли деб ҳисоблаган шаҳар комитети бюро аъзолигини эгаллаб олган, ўзбек фани ва маданиятига мутлақо алоқаси бўлмаган қурувчи, муҳандис, айрим ҳолларда ўз элига сифмасдан Ватанимизга келиб қолган, ҳукмронлик қилишга ўзларини ҳуқуқли ҳисоблайдиган бошқа миллият вакиллари эди.

## МАШЪУМ СИНФИЙ КУРАШ ЧИГАЛЛИКЛАРИ

Шахсий архивларимни тартибга солиб ўтирар эканман, стенограмма деб аталмиш хужжатга кўзим тушди. Хужжат 111 бетдан иборат бўлиб, 1985 йил 7 феврал куни

бўлиб ўтганлиги белгиланган эди. Англадимки бу собиқ — Ўзбекистон Марказий комитетининг биносида чақирилган мажлиснинг стенограммаси эди. Ёдимда, феврал ойининг дастлабки кунлари эди. Олий маҳкамда мафкура котибаси Р.Абдуллаева хонасида йиғилиш бўлиши ҳақида хабар қилинган эди. Бу пайтлар шундай давр эдики, туман ёки шаҳар комитетлари, хусусан, Олий маҳкамда доим ўзини газабнок кайфиятда тутиб юрадиган мафкура котибасининг хузурига чақирилиши бирор нохуш воқеадан дарак берадиган ҳодиса ҳисобланарди. Хабарни эшитиб турли-туман хаёллarga бордим. “Яна нима бўлдикин?”, “Бирор хатарли гап чиқиб қолдимикан?” деган ўйлар миямни чулғаб олди. Ниҳоят, 7 феврал кунни етиб келди. Ўша кунни совуқ, ҳатто изгирин билан қор ҳам ёғаётган эди. Чақирилганлар бирин-кетин 5-қаватга — котиба қабулхонасига йиғилдик. Бу ерда адабиётшуно олимлардан ташқари тарих ва фалсафа соҳасидаги йирик олимларга кўзим тушди. Атоқли ёзувчиларни ҳам чақириб эсдан чиқмаган эди. Чақирилганлар — 34 кишининг барчаси тўплангач, мафкура котибасининг хонасига таклиф қилиндик. Котибанинг қиёфаси ҳамон ўша-ўша эди, башарасидан қаҳр ва газаб томчилаб тургандай, кирувчиларга худди “нега ташвиш орттириб юрибсизлар?” деб таъна назари билан қараётгандай туюлди.

Шу дақиқаларда хаёлимдан бир фикр ўтди: қарийб 25 йил жумҳуриятни бошқарган Шароф Рашидовнинг вафотидан кейин бу Олий маҳкамда кескин ўзгаришлар бўлди. Ҳар бир соҳанинг илмдонлари билан ҳисобланмайдиган, ўз услубида андозабозлик ва шиорбозликни қурол қилиб олган, кимсалар ишга тушдилар. Мафкура соҳасида эса бугун бизни ўз назарида муҳим бир масала юзасидан йиғилишга чорлаган Р.Абдуллаева турарди. Йиғилиш мафкура котибасининг кириш сўзи билан бошланди. Мазкур йиғилиш “Ўзбек совет адабиёти тарихи”нинг беш жилдлигини тайёрлаш, аникрофи, ўша талқиқотнинг биринчи жилди муҳокамасига бағишланган эди.

Ажабланарли жойи шунда эдики, қарийб 200 илмий ходимдан иборат бутун бир институт, бу институтнинг энг бақувват бўлими, қолаверса, филология фанининг тараққиётига масъул илмий кенгаш бир чеккада қолиб кетса-ю, адабиёт илмига мутлақо алоқаси бўлмаган мафкура котибаси ижтимоий фанларга тегишли етук олимларни йиғиб, адабиёт тарихи қандай яратилиши кераклиги ҳақида кўрсатма бериб ўтирса!

Мафкура котибаси нутқ сўзлар экан, менинг хаёлимда бир масаланинг тарихига тегишли баъзи воқеалар айлана бошлади.

Аслида Ўзбекистон Фанлар академиясининг режаси асосида қарийб ўн йилдан бўён уч жилдан иборат “Ўзбек совет адабиёти”нинг тарихи тайёрланиб келинарди. Бу ишга филология фанлари доктори, эндиликда марҳум Ҳомил Ёқубов масъул эди. Афсуски, Ҳ.Ёқубовнинг ташкилотчилик қобилияти заиф бўлганлигидан иш сусткашлик билан борди. Ваъдалар устига ваъдалар бўлаверса-да, уч жилдлик ҳадеганда тайёр бўлмади.

Бу ҳол бошқа бир оқибатга сабабчи бўлди: 1984 йилда Тил ва адабиёт институти ва Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти қутилмаганда бу Олий маҳкаманинг бўлим бошлиғи Содиқ Нишонов хонасига чақирилди ва уларнинг олдига беш жилдан иборат “Ўзбек совет адабиёти тарихи”ни рус ва ўзбек тилларида тайёрлаш ҳақидаги қарор лойиҳаси қўйилади. Анча вақтдан бери тайёрланиб келинаётган уч жилдлик кўриб кўрмаганга олинди. Янги жилдни тайёрлайдиган таҳрир ҳайъати ҳам янгича таклиф қилинди. Бош муҳаррир сифатида Комил Яшин таклиф қилинган эди. Ёзувчилар уюшмаси Тил ва адабиёт илмгоҳининг раҳбарияти беш жилдлик “Ўзбек совет адабиёти тарихи”ни яратиш гоёсига қўшилса ҳам таҳрир ҳайъати ва бош муҳаррир номзодига эътироз билдирди. Чунки таҳрир ҳайъатининг асосий қисми 20-30-йиллар адабий меросини объектив баҳолаш имкониятидан маҳрум мутахассислар эди. Хусусан, бош муҳаррир К.Яшин 20-30-йиллар адабиётида Ҳамзадан бошқа бирор йирик сиймони тан олмасликка ҳаракат қиларди. Ҳамза ва Айнийдан бошқа барча ёзувчи ва шоирлар унинг назарида янги тузумни тан олмайдиган аксиланқилобчилар эди.

Тахминимга қараганда, эътирозлар Р.Абдуллаевага етказилгач, у бош муҳаррир номзоди қатъий эканлигини билдиради ва тез кунда Марказий Комитет бюросининг қарорини чиқаради. Илм-фан қисматини шу тарзда хоналарда ўтириб, мутахассислар билан ҳисоблашмасдан ҳал қилиш ўша давр мафкурасининг одадаги усулларидан бири эди. Ёзувчилар уюшмасининг ўша вақтдаги раиси С.Азимовнинг бу борадаги фикри мен учун номаълум эди.

Лекин шундай бўлса ҳам ўша кезларда Тил ва адабиёт илмгоҳининг раҳбари бўлган менга таҳрир ҳайъати ва бош муҳаррирнинг нега шу тарзда белгиланиши аён эди. Мақсад — Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни иложи борича шишириб-кўпиртириш, бунинг ўрнига ўша даврда ижод қилган А.Қодирий ижодини камситиш, Чўлпон ва Фитратларни эса тамоман шўролар адабиётига ёт унсурлар сифатида кўрсатишдан иборат эди. К.Яшиннинг адабиётга

муносабати мафкура котибасининг қарашларига ўта мос тушди. Мазкур қарорнинг пайдо бўлиши сабаби эса шунда эди.

Нотиқ кириш сўзини давом қиларкан, яқин ўтмишда бўлиб ўтган шаҳар партия комитетининг Тил ва адабиёт институти ҳақидаги қарорини яна бир маротаба эслаб ўтди.

1982 йилда Тошкент шаҳар партия комитети махсус комиссия тузиб, Тил ва адабиёт институтининг раҳбарияти ва бошқа бир неча йирик олимларни қаттиқ жазолаганини юқорида эслатиб ўтган эдим. Жазоларнинг асосий сабаби “институт мафкура жиҳатидан тўғри йўлдан” бормаётгани, Чўлпон ва Фитрат ижодлари ташвиқ ва тарғиб қилинаётгани ҳамда ижодига етарли даражада эътибор қилинмаётгани кўрсатилди. Қисқаси, илмгоҳ ходимларига жиддий сиёсий айбнома тамғаси босилди. Бу — тил ва адабиёт илмгоҳининг раҳбариятига олимларни етакчи олимларни тиз чўктириш, “тавбасига таянтириш”дан иборат эди. Ҳатто шундай бўлдики, йиғилиш арафасида қарор ҳужжатлари билан танишиб чиққан Абдуллаева ундаги “хато ва камчиликлар”ни институт раҳбарияти, яъни шу сатрларнинг муаллифига “сиёсий хато”га йўл қўйганлигини айтиб, таъналар қилган эди.

Р.Абдуллаеванинг кириш нутқини эшитар эканман, шаҳар партия комитети қароридан тилга олинган айбномалар яна бир марта такрорланаётгандек эди, менинг назаримда. Марказқўмнинг беш жилдлик ҳақидаги қарори, К.Яшиннинг бош муҳаррир қилиб белгиланиши ва ниҳоят, бугунги йиғилишнинг асл мақсади ҳам ўша — кимнидир далилсиз равишда кўларга кўтариб, нималарнидир янги тузум душмани сифатида камситиб қоралашдан иборат экани сезилиб турарди.

Мафкура котибаси турли-туман қизил сўзлар билан нутқини давом қилдирав экан, кейинги пайтларда беш томиқлар устида олиб борилган ишлар бирин-кетин хаёлимдан ўтади. Беш жилдлик адабиёт тарихини яратиш хусусидаги Марказқўмнинг ўша қароридан кейин мазкур йиғилишгача бир-бир ярим йил ичида махсус ҳайъат муттасил ишлаб боради. Ҳар икки-уч ойда унинг йиғилишлари бўлиб туради. Бу йиғилишларда баъзан кескин, баъзан эҳтиёткорона фикр олишувлар бўлиб туради. Баҳслар асосан, жадидизм, Чўлпон ва Фитрат ижодининг ёритилиши ҳақида кетарди. Совет адабиёти бўлимини бошқарувчи Ҳ.Ёкубовнинг жадидизмни қораловчи, Чўлпон ва Фитратни чала оқлайдиган материали эса ҳайъатдагиларнинг бир қисмига маъқул келса, иккинчи қисмига маъқул келмасди. Шу сабабли ҳайъатнинг ҳар бир йиғилишидан кейин муҳокама қилинган қисм янгитдан ишлаш учун муаллифга қайтариларди. Бироқ, ҳали эски қарашлардан тамомила воз кеча олмаган Ҳомил Ёкубов ҳайъат аъзолари бир қисмининг турғун фикрларини инобатга олган ҳолда янаги муҳокамага қўлёзми мазмунан ўзгартирмасдан, баъзи услубий ўзгаришлар киритиб олиб келар ва муҳокама яна аввалгидек боши берк кўчага кириб қолар, мажлис бошқа фурсатга кўчирилди. Кейинги мажлис яна шу тарзда ўтарди. Бундан хабардор бўлган Фанлар академиясининг президиуми қўлёзми Москвага, Жаҳон адабиёти институтининг шарқ адабиётлари билан шуғулланадиган Г.Ломидзе раҳбарлигидаги бўлимига тақризга жўнатди. Тақризда жадидизм, Фитрат ва Чўлпон масалаларининг тўғри ва объектив ёритилмаганлиги, уни қайта кўриш нуқтаи назаридан янгича ишлаш тавсия қилинганди. Бир неча ўн йиллар давомида ўзимиз қадрини билмасдан оёқ ости қилиб келаётган меросимизни узоқ-узоқлардаги мутахассислар қадрлашга тайёр эканликлари тақриздан кўриниб турарди. Эски қарашлардан ҳамон қутула олмаган ҳайъат аъзолари бу фикрларни ҳам инобатга олишмади.

Шундай қилиб, Чўлпон, Фитрат ва жадидизм масалаларини ёритиш жиҳатидан ўзбек совет адабиёти тарихининг биринчи жилди батамом боши берк кўчага кириб қолди. Қўлёзма қўлдан-қўлга ўтди, “ўрганилди”. Тўғрироғи, эскича қарашни қувватлайдиган иттифоқчилар изланди. Уларни топиш ҳам унча қийин эмас эди. Топилди ҳам. Бу талбирларнинг ҳаммасини умумлаштириб бир “хулоса”га келиш учун Абдуллаеванинг қўлаб-қувватлаши зарур ҳисоблангани сезилиб турарди.

...Маълумки, Абдуллаева фож қилиш, тазйиқ ўтказиш, ҳар талбирни компартия мафкурасининг қатъий андозасига солиш жиҳатидан бунгача бўлган мафкура соҳасидаги котибларнинг барчасидан қатъийлиги билан ажралиб турарди. У “қамчисидан қон томиб турган” котиба эди. Шу сабабдан адабиётга эскича қарашдан воз кеча олмаган баъзи ҳайъат аъзолари Абдуллаевага катта умид боғладилар ва ишончимиз комилки, унга йиғилишни қай йўналишда олиб боришни, қандай яқун ясашни ҳам билдириб қўйган бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Муҳокама Р.Абдуллаеванинг адабиёт тарихи синфий зиддиятларни тўла-тўқис ўзида акс эттириши керак деган талаб қўйилган кириш сўзи билан бошланди.

Бундан кейин ўртага бир неча сония давомида жимлик чўқди. Бироздан кейин

нотиқлар сўз сўрай бошладилар. Бирин-кетин сўзга чиққан ижод ва адабиёт мутахассисларини шартли равишда уч тоифага бўлиш мумкин. Биринчиси, бетарафлар, яъни у томон ёки бу томонга нисбатан кескин фикр юритишга журъат қилмаганлар. Булар И.Султонов, Ю.Султонов, С.Азимов, Ҳ.Турсуновлар. Иккинчиси, адабиёт ва санъат тараққиёт йўлини ҳис қилиб, жадилизмнинг илгор оқим эканлигини, асосчилари бўлиши Чўлпон ва Фитратнинг ижодлари ўрганилиши кераклиги, уларнинг адабий мероси ўзбек халқи тарихи учун беқийс бойлик ҳисобланишини таъкидловчилар эди. Булар: Э.Каримов, О.Шарафиддинов, З.Кедриналар. Уларнинг далиллар билан айтилган нутқлари натижасида йиғилиш руҳи объектив ҳақиқат томон бурилаётганлиги очиқ сезилиб турар эди. Бу гуруҳдаги нотиқлар ўзига хос жасорат кўрсатдилар ўшанда.

Бу хилдаги нутқларни эшита туриб, Р.Абдуллаевнинг кириш сўзидаги синфий зиддият хусусидаги сўзларини тўла қувватлаши мумкин бўлган нотиқлар борлигидан ҳам шубҳаланмас эдим. Ҳатто, шундай бўлдики, бу гуруҳга кирадиган нотиқлар бир-бирига термулишиб қандайдир сезилар-сезилмас имо-ишоралар билан ўзаро алоқа боғлаб турганини ҳам ҳис қилиб турардим.

Бу тоифага тегишлилар асосан К.Яшин ва Ҳ.Абдусаматовлар бўлиб, йиғилганлар орасида уларни қўллаб-қувватлаши мумкин бўлган яна икки-учта адабиётчилар бор эди.

Мен К.Яшиннинг нутқини диққат билан эшитдим. Яхшилаб кузатдим. Яшин ўзининг нутқини шу даражада ҳис-ҳаяжонга берилиб жон-жаҳди билан гапирдики, илгари бирор маротаба унинг бундай жўшиб гапирганини кўрган эмасдим.

Комил Яшин октябр инқилоби натижасида адабиётнинг тараққий этганига урғу берди. Ҳатто Фитрат ва Чўлпоннинг айрим асарлари, масалан “Арслон” драмаси ҳақида ижобий фикр билдирди. Бундан кейин Фитратнинг Туркистонда аксилинқилобий ҳаракатнинг бош ташкилотчиларидан бири бўлганлигини ҳам очиқ-ойдин айтиш керак, деди (стенограмма, 66-бет).

Яшин гапини давом қилдириб, XX аср бошларидаги ижодкорларни 2 гуруҳга бўлди. У биринчи гуруҳга Ҳамза, С.Айний, А.Авлонийни, иккинчисига эса Бехбудий ва Чўлпонни киритди. Кейин Ойбек, Уйғун, Ҳ.Олимжонлар билан биргаликда Ҳамза ва С.Айнийга эргашганлари билан фахрланишини айтди. Чўлпон ва Фитрат номларини тилга олиб, улар босмачилик ҳаракатини қувватлайдилар, ҳатто уларни “халқ ботирлари” деб айтишдан ҳам қайтмадилар. Буни унутмаслигимиз керак, деди К.Яшин. А.Қодирий ҳақида фикр юритиб, у октябр инқилобини хуш кўрмаганлигини таъкидлади. Шундан кейин сўзга чиққан Ҳ.Абдусаматов Яшин фикрларини тўла қўллаб-қувватлади. Яна шуниси қизиқки, К.Яшин қай тарзда ҳис-ҳаяжон билан гапирган бўлса, Ҳ.Абдусаматов ҳам ўз фикрларини шу тарзда ифода қилди.

Бу икки нотиқнинг фикрлари тўла равишда мафкура котибаси Абдуллаевнинг кириш сўзидаги синфий зиддият хусусидаги мулоҳазаларини тасдиқлашдан иборат бўлди. Шу маънода бир-бир ярим йил давомида таҳририят йиғилишлари мунтазам ўтказиб турилди. Чўлпон ва Фитратлар миллатчи, инқилобга қарши ижодкорлар сифатида танқид қилиниб, А.Қодирий ҳам адабиёт тарихига маълум даражада камситилган ҳолда киритилиши талаб этилди.

Мажлиснинг охирида Абдуллаева барча фикрларни умумлаштирган бўлиб, шундай хулоса ясади: мен яна бир марта Фитрат ва Чўлпон ижодларининг ўткир нуқталарини силлиқлаштириш керак эмас. Уларнинг ижодига хос миллатчиликнинг моҳиятини кўрсатиш керак. Бу руҳ қандай пайдо бўлди? У билан қандай курашиш керак? Мана бу китоб олдида турган асосий масала.

Бошқа бетараф ва тарафдор бўлган нотиқларнинг сўзларига ҳам кескин эътироз билдирмасдан К.Яшин ва Ҳ.Абдусаматовнинг инкор қилувчи фикрларининг тўла қувватлаш йўли билан айтилган хулоса эди бу.

Шу йўсинда Абдуллаева чақирган мажлиснинг муддаоси ифодаланди. Жадилизм, бу оқимга мансуб адиб ва шоирлар қатъий қораландилар. Бу ўринда улар 1938 йилларда қўлланилган қабиҳ ибораларни ишлатишдан ҳам тоймадилар. “У (Чўлпон — М.Қ.) миллий буржуазия демократик давлати” тузмоқчи эди. Бу сўзлар ҳурматли ёзувчимиз К.Яшинга тегишлидир. Қизиқ, худди шу сўзлар М.Шевурдиннинг 1928 йилда эълон қилинган “Биринчи ўзбек романи” мақоласидан бошлаб, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитратга нисбатан доимий равишда ишлатиб келинди. Бу разил иборалар қарийб 50 йилдан кейин собиқ Компартия Марказий Қўмитасининг собиқ котибаси ташкил қилган йиғилишда яна бир бор “янгради”.

Қуйидаги ибора ундан ҳам ошиб тушди: “У (Фитрат — М.Қ.) Туркистондаги контрреволюцион уюшманинг йирик раҳбарларидан бири эди”. Бу сўзлар ҳам



К.Яшинга мансуб бўлиб, ўз даврида санъаткор адиб ва шоирлар қўлларига кишан солинишига сабаб бўлган айбнома эди. Эсланг, биринчи галда бу айбномани А.Қодирийга нисбатан Ж.Шарифий ва Олим Шарафиддинов 1937 йилда (“Қизил Ўзбекистон”, 3 июл) “юқори пафос” билан ишлатган эди. Бундан кейин бу айбнома Ёзувчилар уюшмасининг пленумида (1937 йил сентябр) “янгради”. Мана, энди қарийб 50 йилдан кейин яна тилга олинди.

Шундай қилиб йиғилишда сўзлаган баъзи арбобларнинг мавҳум ва мужмал нутқлари, К.Яшин ва Ҳ.Абдусаматовнинг консерватив фикрларига Абдуллаеванинг йўналиш берувчи бош сўзи илҳом бағишлади. Р.Абдуллаеванинг ҳулосаловчи нутқи эса К.Яшин ва Ҳ.Абдусаматовларнинг инкор қилувчи нутқларига муҳр босгандай бўлди. Абдуллаева бошчилигидаги бу йиғилишнинг маъноси фақат Чўлпон ва Фитрат ижодига бориб тақалмайди. Улар миллатчи буржуазия вакиллари бўладиган бўлса, Ҳамзанинг шиорбоз, қизилсўз асарлари янада кўкларга кўтарилиши, Абдулла Қодирий асарлардаги инсонпарварлик хусусиятларининг шубҳа остига олиниши турган гап эди. Шу хилдаги шубҳалар ўша мажлисни олиб борган Абдуллаеванинг сўзларида мавжуд эди. Аслида бу йиғилишнинг маъноси шу эканини сезиб олиш қийин эмасди. Чунки бутун умрини комсомол, партия ишларига сарф қилган олим сифатида партия тарихи билан шуғулланган Абдуллаеванинг адабиётнинг чигал жумбоқлари ҳақида тўғри, объектив фикр айтишини кутишнинг ўзи телбаликдан бошқа нарса бўлмасди.

Абдуллаеванинг бу сўзларига риоя қилинадиган бўлса, бутун биринчи жилд фақат Ҳамза ҳақида бўлиши керак эди. Жуда бўлмаганда бошқа ҳар бир ёзувчининг ижоди ҳақида гап кетганда Ҳамзага ошпириб баҳо бериб, унинг ижодидаги ўлчов белгиларини бошқаларга қўйиб фикр юритиш керак бўларди. Бундай ҳолда ўзбек адабиёти тарихи эмас, балки Ҳамзанома яратиши турган гап эди!

Абдуллаева кириш сўзида Ҳамзани яна ҳам юқори кўтариш учун Чўлпон ва Фитратдан хатолар излашнигина назарда тутган эмас, балки бу даврга келиб, адабиётшуносликда тўла бўлмаса ҳам ўз баҳосини олган Абдулла Қодирийга ҳам соя ташланди. Унинг назарида, ўзбек миллий романчилигининг асосчисидан жилдда айтилган баъзи бир камчиликлардан ташқари, яна нималардир топиш, уни пасайтириш керак эди. “Қаранг, нима қилишсизлар? (Институт ходимлари назарда тутилади — М.Қ.) — деб сўзини давом этдирди Абдуллаева. — Абдулла Қодирийни олинг, Сизларда у бекаму кўст. Нима, унда адашишлар, гоаявий чекинишлар бўлмаган дейсизларми? Илгари қора бўёқларга бўялган, энди у оқ экан-да”.

Хўш, беш жилдлик адабиёт тарихининг қисмати нима бўлди? Бу йиғилишгача тайёрланган уч жилдлик материал баъзи таҳрирлар билан теришга тушиб кетди.

Ҳайъат мажлисидаги тортишувлар Абдуллаева хонасидаги юқорида қайд қилинган йиғилиш натижаси икки нарсада кўзга ташланди. Биринчидан, Ҳомил Ёқубов томонидан битилган 20-30-йиллар адабий жараёни қисман тузатишлар билан, аммо жадидизм, Чўлпон ва Фитрат қораланган ҳолда чоп этилди.

Иккинчидан, янгиланиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, 20-30-йилларда адабиётимиз тарихида сезиларли кўтарилиш бўлиб, етук талантлар юзага келган. Бироқ 40-йиллардан кейин қатор талантлар билан бирга адабиётимизда ўртамиёначилик тараққий этган. Белгиланган ҳайъат Абдуллаеванинг мафкуравий раҳбарлиги натижасида ўртамиёначиликка асос солган кўшгина ёзувчиларнинг ижоди мазкур тарихда кенг ёритилган. Яъни истеъдодли ёзувчилар қаторида ўртаҳол шоир ва ёзувчиларнинг ижоди ҳам қамраб олинган. Бироқ, адабиётимизнинг умумтараққиётига адиб ва республика раҳбари сифатида ҳисса қўшган Шароф Рашидовнинг номи тамоман ўчирилган. Бу — фирқа мафкурасининг яқка ҳокимлик давридаги одат бўлиб қолган найрангларидан бири эди.

Эндиликда, ўша кун, яъни 1985 йилнинг 7 феврални эслаймиз. Марказий комитет деб аталган бу маҳкамада бир вақтлар ўзим ҳам ишлаганман. Кейинчалик илм ва фан билан шуғулланадиган ходимлари олдига кўп маротабалаб кирганман. Хусусан, бу маҳкаманинг бош котиби Шароф Рашидов билан учрашиб, институт ҳаётига тегишли кўшгина масалаларни ҳал қилишга муяссар бўлганман.

Қизиғи шунда эдики, ҳар гал бу маҳкамага келганимда нималарнидир ундириб, қандайдир жумбоқларни ечиб, яхши кайфиятлар билан чиқиб кетардим.

Бироқ, бу галги мафкура котибасининг чақирган йиғилишдан кейин оғир руҳий ҳолатга тушиб, машинага ўтирдим. Адабиёт илмининг олға эмас, орқа томонга бораётганини ўйлаб, ўз-ўзимга “Нималар бўляпти?”, “Нега бундай?” деган саволларни қўярдим-у, уларга жавоб топа олмасдим.

Шу ўйлар билан банд бўлиб, институт эшигига етиб борганимизни сезмай қолдим.

## ШУНДАЙ КУНЛАР ҲАМ БОР ЭКАН

Марказий Комитетда мафкура котибасининг 5 томлик адабиёт тарихи хусусида ўтказган йиғилишидан кейин менинг Тил ва адабиёт институтида раҳбар сифатида фаолиятимни давом эттиришим шубҳа остида қолди. Зотан, жадидизм ва бу оқимнинг йирик вакиллари бўлмиш Чўлпон, Фитрат ва Қодирийларнинг ижодларига паст назар билан қарашнинг кучайиши институтида илмий ишларга раҳбарлик қилишни чигаллаштириб қўйди. Бу ҳолни мен жуда яхши ҳис қилар эдим. Шу муносабат билан 1985 йилнинг охирларига бориб директорлик лавозимидан ўз истагим билан кетиш хоҳишим борлигини билдирадиган ариза ёзиб, академиянинг вице-президенти Э.Юсуповга тошпириб қўйдим. Бироқ, на академия, на вице-президентнинг ўзи бу аризани ҳадеганда инобатга олаверибди. 1985 йилнинг охирларида институтига комиссия келармиш, деган гап тарқалди. Бу галги комиссия Фанлар академиясининг ҳайъатидан эмиш, дейишиди. Ўзимча хулоса қилдим. Демак, мени ўз аризам асосида директорлик вазифасидан олиб ташлаш унча асосли бўлмайди, гап-сўзларга сабаб бўлиши мумкин, деган хулосага келишган академия ҳайъати. Шу бомсдан яна бир гал обрўли комиссия тузиб, институт фаолиятдан қандайдир камчиликларни топиши, шу асосда мени ишдан — директорлик вазифасидан олиб ташлаш баъзилар учун, хусусан, мафкура котибаси Р.Абдуллаева учун ҳам ўринли иш ҳисобланган бўлиши мумкин.

Бир неча кундан кейин институтида Президиум ҳайъатининг комиссияси пайдо бўлди. Комиссия раҳбари — Қўлёзмалар институтининг директори Азиз Қаюмов эди.

Профессор Азиз Қаюмов билан биз яхши муносабатда эдик. 40-йилларда ҳозирги Миллий университетда ўқиганмиш, мен филология, у шарқшунослик факультетида. Биргаликда университет талабаларининг фаолларидан ҳисобланар эдик. Кўп пайтлар айрим масалалар юзасидан фикр олишган пайтларимиз ҳам бўлган. Кейин ҳам учрашиб кўришган пайтларимизда бир-биримизни кўриб қолганимизда хурсандлигимизни билдирардик. Китобларимнинг баъзи бирларига у ижобий тақриз ёзиб берган пайтлар ҳам бўлган. Ҳанузгача шу муносабатимиз бузилган эмас. 1960 йилларда А.Қаюмов Тил ва адабиёт институтининг директори вазифасини адо этган. Ўша пайтлари мен ҳозирги менинг университетдаги ўқитувчилик вазифасини ташлаб Тил ва адабиёт институтига илмий ходим бўлиб ишлаш истагини билдирганимда ишдан бўшашим ҳақидаги буйруқни кутиб ўтирмасдан бир йил олдин Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими лавозимига қабул қилгани ҳамон эсимда. Энди эса у институтини текширишда келган комиссиянинг раҳбари. Демак, у нималарнидир кўриши, кимлар биландир суҳбатлашиши, қандайдир камчиликлар топиши ва уларни ҳужжат сифатида Академия ҳайъатига тошпириши керак. Талабалик даврлардан бошлаб ҳамкорлик қилиб ва ҳамнафас бўлиб юрган дўстимнинг самимийлигига шубҳам йўқ эди. Мени фақат бир нарса таажжубга соларди. Нимагадир у комиссия аъзоларини бошлаб институтига келавермас, илмий ходимлар билан учрашавермас, илмий котиб ва ҳисобчилар билан бирор ҳужжат талаб қилавермасди. Айрим муаммолар юзасидан унинг фаолияти институт билан боғлиқ эди. Шу муносабат билан айрим ҳолларда баъзан хонага кириб, одатлагидек кайфиятда кўришиб-сўрашиб ҳам кетарди. Шу тарзда учрашиб қолган пайтларимизда унга мурожаат қилардим.

Яна бир неча кунлар, баъзан ҳафталав давомида кўринмай кетарди-да, яна пайдо бўлиб қоларди.

1985 йилнинг охирларимиди ёки 1986 йилнинг бошларимиди, Фанлар академиясининг ҳайъатидан хабарнома келди. Унда Академия ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиши кўрсатилганди. Айтилган кун ва соатда мажлисга йиғилдик. Негадир зал Академия ходимлари билан тўла эди. Мажлис очилгач, баъзи бир масалалар кўрилди. Кейин Тил ва адабиёт институтининг фаолияти ҳақидаги масала кўриб чиқилиши айтилиб, А.Қаюмовга сўз берилди.

А.Қаюмов бир-икки жумла институтининг ижобий ишлари ҳақида фикр билдирган бўлди-да, қатор камчиликларни чунонам санаб кетдики, уларнинг сон ва саногини аниқлаш қийин бўлиб қолди. Гапнинг асл моҳияти “у қилинмаган, бу қилинмаган уни қилиш керак, бунди қилиш керак”, деган гаплардан иборат бўлдики, уларни мен бу ерда санаб ўтишим мушкул бўлур эди. Гапининг хулосаси шундай бўлдики, мен ва адабиёт институти Фанлар академиясининг мўлжалланган вазифаларини адо этаётгани йўқ.

Комиссия раисининг нутқи шу тарзда яқунланиши, эҳтимол унга тошпириқ берган ҳайъат аъзоларидан ташқари бутун зал таажжублар билан қабул қилган бўлса ажабмас.

Мантиқсиз бир ҳолат рўй берди. Бундан тўрт йил муқаддам шаҳар партия комитети Тил ва адабиёт институтини миллатчилик руҳида илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган жамоатчилик сифатида баҳолаган ва қатор йирик олимларга ҳайфсан эълон

қилган, институт шаънига сиёсий айбнома қўйилган эди. Бундан бир йил аввал эса худди шу замида республика раҳбарияти Тил ва адабиёт институтининг 50 йиллиги муносабати билан унинг байроғига Хурмат белгиси орденини қадаб қўйди. Бу ҳодиса фақат Тил ва адабиёт институти ходимлари учун эмас, балки бутун академия учун ҳам катта ғалаба тантанаси эди.

Юқоридаги болларда қайд қилганимдек, бундан бир йил олдин олий маҳкаманинг мафкура котибаси Р.Абдуллаева йирик адабиётшунос, файласуф, тарихчи олимларни йиғиб Тил ва адабиёт институти адабиёт тарихини яратишда Чўлпон ва Фитрат томонларига оғмачилик қилиб сиёсий ҳатога йўл қўйяпти, деган ҳукм чиқарди. Мана энди бутун Тил ва адабиёт институти фаолиятсизликда айбланмоқда. Объектив мантиқ қаерда қолди?

Уша йиғилишда профессор А.Қаюмовнинг сўзлари ҳам жавобсиз қолмади, албатта. Яъни, ушбу сатрнинг муаллифи сўзга чиқиб, институтда қилинаётган ишларни бир қатор қайд қилишга мажбур бўлди. Буларнинг энг йириклари — икки жилдлик, қарийб 100 босма табоқлик русча-ўзбекча луғат, 5 жилдлик мумтоз адабиёт тарихи, 2 жилдлик адабиёт назарияси, 2 жилдлик танқид тарихи, 2 жилдлик болалар адабиёти, 3 жилдлик иборат илмий грамматика, 20 жилдлик Ойбекнинг академнашири, тайёрланаётган 5 жилдлик XX аср адабиёти сингари асарлар эди. Қилинган ва қилинаётган ҳамма ишларнинг рўйхати бир неча саҳифадан иборат бўлиши мумкин. Шундай экан, қандай қилиб бутун бир жамоани фаолиятсизликда айблаш мумкин?

Шу ўринда бўлиб ўтган бир воқеани ҳам қўшиб ўтиш фойдадан холи эмасга ўхшайди. 1985 йилнинг охирида бўлса керак, бир зарур иш юзасидан Яшин аканинг ҳузурига бордим. Одатдагидек, мен уни уйидан топдим. Яшин аканинг рафиқаси Ҳалима Носирова мени очиқ чехра билан кутиб олди. Одатда, ҳар гал борганимда опа қандайдир бирор янгилик билан ёки қандайдир яхши сўзлар билан кутиб олиб, иккинчи қавагга чиқариб юборарди.

Яшин ака билан муносабатимиз яхши эди. Чўлпон ва Фитратларга муносабатини ҳисобга олмаганда, менга нисбатан у яхши муомала қилар, қўлидан келганча яхшилик қилиш учун ҳаракат қиларди. Бу гал ҳам у мени очиқ чехра билан қабул қилди. Яшин ака яқиндагина “Ҳамза” романини эълон қилган эди. У ҳақда мен матбуот саҳифаларида танқидий фикрлар ҳам билдирган эдим. Бу танқидий фикрларим ҳақида у эътироз билдирмади. Бугун ҳам суҳбат шу роман хусусида бошланди. Ҳатто менда ижобий таассурот уйғотиш учун бўлса керак, ўртача ҳажмдаги бир чамадонни очиб:

— Мана, мен фойдаланган манбаларим ва қўлёзмаларим, — деб папкаларни бирин-кетин олиб стол чеккасига тахлади. Шу маънода суҳбат кўпроқ ёзувчилик маҳорати ҳақида бўлди. Суҳбатимиз айна қизиган пайтда зинапоядан чиқиб келган Ҳалима опа кўринди. У Яшин акани қайсидир мансабдор телефонга чақираётганини билдирди.

— Нега менга телефон қилмайди?

Яшин акалар хонадониде иккита телефон бор эди. Бири пастда, яъни Ҳалима опада. Иккинчиси тепада — Яшин аканинг хонасида.

— Билмадим, пастки телефонга тушиб қолибди, — жавоб қилди Ҳалима опа.

Яшин ака секин ўрнидан туриб, ёқар-ёқмас пастга тушиб кетди.

Ҳалима опа зинапоя томонга бир назар ташлаб, Яшин ака узоқлашганини кўргач, гап бошлади:

— Ука, мен сизни яхши кўраман, биласиз-а? Сизга гапим бор. Сиз директорликдан кетинг. Яхши илмингиз бор, баъзи китобларингизни ўқиганман. Баъзилар билан олишиб, вақт сарф қилгунча кўпроқ илмий иш қилганингиз маъқул. Душманларингиз кўпчилигини ҳам ўзингиз яхши билсангиз керак, — деди у. Бу гапларнинг оҳанги қатъий эди. Ҳалима опа Яшин аканинг чиқиб келаётганини сезиб қолди-да, шивирлаб: “Бошқа сабаблари ҳам бор..”, — дедилар-да, бошқа гапларни кейин айтарман дегандай имо қилиб, ўринларидан туриб, зинапоя томонга йўналдилар. Бунгача Яшин ака чиқиб улгурган эди.

— Ҳеч ким йўқ-ку... Қисқа “би-би” лаб ётипти, — деди у ажабланган бир қиёфада.

— Билмадим, мендан қаттиқ илтимос қилувди. — Ҳалима опа шундай деди-да, пастга тушиб кетди.

Бугунги мажлис қандай қарор қабул қилишидан қатъи назар, менинг директорлик вазифасида қолиб яна ишни давом эттиривершим мушкул эканидан дарак эди. Мажлис тугади-ю, ўз ичимда директорликдан кетишим керак экан-да, деган хулосага келдим.

Уша мажлиснинг ўзидаёқ Академия вице-президенти Э.Юсупов менинг ариза топширганлигим ҳақида маълумот берди.

Мажлис тугади. Кунлар ўтиб борарди. Негадир Фанлар академияси ҳайъати томонидан менинг ишдан кетишим ҳақида бирор ишора бўлавермади. Кунларнинг

бирида Э.Юсупов мени ўз ҳузурига чақиртирди. Қабулига киришим билан ўрнидан турди-да: “Юринг, кўчани бир айланиб келамиз”, деди. Мен рози бўлганимдан кейин иккаламиз бир соатлар чамаси кўчада айландик. Бу бир соат давомида Э.Юсупов менга директорлик вазифасини топширганим тузуклиги ҳақида фикр билдирди. Бу таклифни у иймана-иймана, қандайдир ички қийноқлик билан айтаётганини сездим. Мен эса аллақачон бу қарорга келганлигимни билдирдим. Шундан кейин у анча енгиллашгандай бўлди.

Кунлар кетидан кунлар ўтди. Чамамда, 1986 йил феврал ойининг ўнинчи кунлари эди. Юқори маҳкамдан қўнғироқ бўлиб қолди... Телефон гўшагидан аёл овози эшитилди. Ҳурмат билан менинг исми-шарифимни айтиб, бир қарорга келибсиз, ўрнингизга кимни тавсия қиласиз, деган сўзлар билан мурожаат қилди. Менинг жавобим тайёр эди:

— Филология фанлари доктори Бахтиёр Назаровни, — дедим. У анча йиллардан бери илмий котиб бўлиб ишлаётганини, шу вазифада раҳбарлик ишларининг сир-синоатини яхши англаб олганини, илм соҳасида ўз тенгқурлари ичида ҳеч кимдан кам эмаслигини, одам ва оила бошлиғи сифатида кам-кўсти йўқлигини айтдим. Шу билан гапимиз тугади. Чамаси бир соатлардан кейин яна қўнғироқ бўлди. Телефон гўшагида яна ўша аёлнинг ингичка овози янгради.

— Гапларингиз самимийми, бошқа номзодларингиз йўқми? — деди у.

— Гапларим самимий, бошқа номзодим йўқ, — дедим кескин.

Ўша пайтда менинг хонамда институтнинг кўза кўринган фаолларидан бир Тўра Мирзаев ҳам ўтирган эди. У ёшлигидан, аспирантлик пайтидан бошлаб институтнинг фаол жамоатчиси эканлигини ҳамма биларди. У бу хизматлари билан катта маҳкамга ҳам маълум эди.

— Мана, жамоа фаолларининг ҳам фикрини эшитинг, — дедим-да, телефон гўшагини Т.Мирзаевга тутқазиб, унинг бемалол гапиришига имконият яратиш учун хонадан чиқиб кетдим.

Икки кундан кейин туш пайтлари Б.Назаров хонага кириб келди. Унинг юз-кўзларида ҳеч қандай ўзгариш сезмадим. Ўша аввалги Б.Назаров эди.

— Бирор янгилик борми?

— Бор, — деди у. — Ҳозир катта маҳкамда мени тасдиқлашди, — деди одатдагидек илиқ қиёфада. Сездимки, у мени аяб, бирор ноҳўя сўз айтиб, домламни ранжитиб қўймай деб ўзини шундай тутаётганди. Сўхбатимиз шу билан тугагандай бўлди. Б.Назаров ўз хонасига чиқиб кетди. Мен котиба ва ҳайдовчини таклиф қилдим-да, китоблардан иборат бўлган бор бисотимни йиғиштириб, машинага элттирдим. Б.Назаровни хонасига чақиртирдим-да, “Жойингизга ўтинг!” дедим. Бироқ у креслога ўтиб ўтиришни хоҳламади, кичкина олд столнинг бир чеккасидан жой олди-да:

— Менга шу ер маъқул, — деди. Шундан кейин ҳам икки-уч ой давомида Б.Назаров креслога ўтиб ўтирмади. Бу ҳол менинг олдимда одоб сақлаганлигининг белгиси деб, тушундим.

Шундай қилиб охириги марта директор сифатида машинага ўтирдим-да, уйга етиб келдим. Рафиқамга бир чойнак кўк чой дамлашни буюрдим. Айвондан одатдаги эрталабки чой ичадиган жойимни эгалладим-да, бир бўлак новвотни пиёлага солиб, чой ҳўплай бошладим. Ўн йилдан кўпроқ елкамдан босиб турган оғир юк ағдарилгандек бўлди. Ўзимни беҳад енгил ҳис қилдим. Ҳар кунги хизматга кетаётганимда қилинадиган ишларни машинада ёзиб, рўйхатини тузиб ишга боришлар, ўша рўйхатда кўрсатилган белгиларни амалга ошириш учун бўладиган чоп-чоплар, идорама-идора юришлар, телефонларда ўнлаб маротаба кимларгадир маълумот беришлар, кимларгадир топшириқ бериб, уни назорат қилишларнинг юки елкамдан сидирилиб тушгандек бўлди. Энди бутун иш, имкониятларимни илмга бағишлашим мумкин эди.

Ўша дамларда кўнглимдан: “Шундай кунлар ҳам бор экан-ку!” деган фикр ўтди.



Роланд ПИЙЧ

## Навоийга оид битиклар

1999 йилда Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ (собиқ ТошДУ) маданият саройининг кичик залида атоқли олмон адиби, давлат арбоби, қомусий илм соҳиби Ёҳанн Волфганг Гёте таваллудининг 250 йиллигига бағишлаб, “Гёте ва Навоий” мавзуда тадбир ўтказилганди. Унда Олмония элчихонасининг маданият ишлари бўйича масъул ходими жаноб доктор Кюхле сўзга чиқиб, тадбирга келишидан олдин элчихонадаги кўп жылдли қомусий луғатларни варақлаб, бирортасида ҳам Навоий номини учратмаганини гапирганди...

Мазкур мақолада олмон адабиётидаги Навоийга оид тарихий маълумот баён этилган. Профессор ушбу маълумот Алишер Навоий ҳақида олмон тилида яратилган илк матн бўлиши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмаслигини таъкидлаган. Қарийб 200 йил олдин ҳазрат Навоийни гарбликларга танитган шарқшунос Ҳаммер— Пургшталлнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам азиз ўқувчиларни эътиборсиз қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

**О**врупюликларни Ислом дини, Шарқ адабиёти ва маданиятидан баҳраманд қилиш орқали довруғ таратган мутафаккир, аслзода Ёзеф Ҳаммер фон Пургшталл 1774 йилнинг 9 июнида Грацда (Австрия ҳудудидаги жой) маҳаллий ҳукумат амалдори Ёзеф фон Ҳаммер оиласида таваллуд топган. У ўз шаҳридаги қуйи мактабни, шунингдек, юқори мактабнинг дастлабки синфларини тугатгач, Венага келиб ўқишини давом эттиради, шу билан бирга дипломатлик хизмати учун оғзаки ва ёзма таржимонлар тайёрланадиган Академиянинг тайёрлов бўлимида ҳам сабоқ олади. Бир йиллик синов даридан сўнг, у Академияга қабул қилинади ва жадал равишда, араб, форс, туркий тилларни ўрганишга киришади.

1799 йилда Ҳаммер — Пургшталл Австрия ташқи ишлар вазирини жаноб Тхугут томонидан оғзаки ва ёзма таржимон сифатида Константинопол (Истанбул)га, австриялик дипломат Ҳерберт фон Раткел ҳузурига юборилади. Раткел уни бир неча мамлакатлар, шунингдек, Арабистон томон сафарга жўнатади, аммо айрим сабабларга кўра, сафар дарҳол бекор қилинади. Шундай бўлса-да, у инглиз ҳарбий кемаси “Тайгер” бортида қоладиган бўлади. Чунки бу вақт ичида Ҳаммерни котибликка ёллаган С. Смит (Англия вазирини Спенсер Смитнинг укаси), уни кемада қолдириш ҳақида буйруқ берган. Шундай қилиб, Ҳаммер 1801 йилда инглизларнинг Арабистонга юришида иштирок этган. Бу сафардан сўнг у Ҳерберт фон Раткелнинг топшириғига биноан, Англияга юборилган ва беш ой

ўша ерда бўлган. Кейин яна Венага чақирилиб, элчига котиб сифатида Константинополга жўнатилган. Ушанда у янги бошлиғи жаноб Штюрмернинг анча-мунча нохуш муносабатларига тоқат қилишига тўғри келган.

1804 йилда Лайпшихта Ҳаммер — Пургшталл “Шарқ илмларининг қомусий шарҳи” асарини нашр эттиради. 1806 йилда у Молдавия ҳукуматининг Ясидаги бош консули этиб тайинланади, у ерда шарқона “Ширин” деб номланган шеърини асарини ҳам яратган. 1807 йилда Ҳаммер Венага чақириб олинади. Унинг у ерда қиладиган асосий иши туркийларга оид ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ва тартибга солишдан иборат бўлган.

1809 йилда француз қўшинлари Венага кириб келиши билан Шундай шароитда Ҳаммер дўсти, таниқли француз шарқшуноси Силвестр Барон де Сасига мурожаат этади ва унинг ёрлиғи ёрдамида Шарқ кўлэмалари талон-торож бўлиб кетишининг олдини олиб қолишга муваффақ бўлади. Венада Ҳаммер романтик адиб Вилҳелм фон Шлегел ва де Штайл хоним билан кўришиб, фикр алмашиб турган. Худди шу ерда у поляк шарқшуноси граф Венцеслав Ржевуски билан дўстлашган ва у билан ҳамкорликда ишлаб бoшлаган. Ушанда улар “Шарқ хазиналари манбаи” сарлавҳали асарини нашр эттиришни режалаштирганлар. Асар Ҳаммер раҳбарлигида 1810-1819 йиллар ичида, 6 жилдада чоп этилган. Гёте бу жилдларни батафсил ўрганиб чиққанлиги маълум.

1811 йилда Ҳаммер давлат девонхонаси маслаҳатчиси, шунингдек, император

саройи таржимони этиб тайинланган. Бўш вақтларида у “Сулаймоннома” сарлавҳали эртак асарини ёзиш билан машғул бўлган. Ундаги энг қизиқ қиссаларни 1813-1815 йилларда Тюбингенда нашр этилган “Атиргул ҳиди ёхуд Тонготар мамлакатнинг афсона ва ривоятлари” китобига ҳам киритган. 1815-1816 йилларда Ҳаммер “Усмонийлар салтанатининг шариат қоидалари асосидаги ҳуқуқий қомуси ва давлат тизими” сарлавҳали икки жилдли асарини нашр эттирган. Таъминан шу йиллар ичида у Муҳаммад Шамсиддин Ҳофизнинг ғазаллар тўплами “Девон”ни ҳам форсчадан олмон тилига таржима қилиб, чоп эттирган. Ғеба бу асарни жуда севиб ўқиган, ундан маънавий қувват олган. Бу асар уни шу даражада мафтун этганки, ундан илҳомланиб, тез орада ўзининг “Ғарбу Шарқ девони”ни ёзган. Унинг илк бор 1819 йилда чоп этилган ушбу асари, 1827 йилда, яъни муаллиф вафотидан беш йил аввал, яна бир бор нашр этилган.

1816 йилда Ҳаммер Каролине фон Ҳеникштайнга уйланган, ундан тўрт нафар фарзанд кўрган. 1817 йилда у император — подшоҳ саройи маслаҳатчиси этиб тайинланган. 1818 йилда унинг “Форсийларнинг жозибадор нотиклик санъати тарихи” ҳамда “Ососинлар тарихи” асарлари чоп этилган. Кейинги даврда у “Минг бир кеча” асарини олмон тилига таржима қилиш билан машғул бўлган. Бу таржимаси 1823-1824 йилларда Штутгартда нашр этилган. 1825 йилда Ҳаммер ришарлик табақасига кўтарилган. 1825-1835 йиллар ичида унинг “Усмонийлар салтанати тарихи” сарлавҳали кўп жилдли асари чоп этилган. 1835 йилда Ҳаммер “Халифаликнинг бошқарув тизими” номи китобини ҳам нашр эттирган. Ҳаммер айнан шу китоби учун Пруссия Фанлар Академияси томонидан муносиб тақдирланган. 1836-1838 йиллар ичида унинг “Усмонийлар шеърияти тарихи” асари нашрдан чиққан. 1837-1839 йилларда у “Ҳижрийнинг еттинчи асригача яшаб ўтган буюк мусулмон ҳукмдорларининг ҳаёти ва фаолияти” асарини Дармштадтда чоп эттирган. 1838 йилда Ҳаммер таржимасида Маҳмуд Шабустарийнинг “Сирли гулшан” асари нашр этилган. Шундан кейинги йилларда у Вена Фанлар Академиясини тузиш борасида катта ишлар олиб борган. 1847 йилда ушбу Академия тузилгач, ўзи унинг дастлабки президенти этиб тайинланган. Шундай лавозимни эгаллаб турган бўлишига қарамай, у илмий-ижодий фаолиятини сусайтирмаган, кетма-кет яна бир неча асарлар яратган. Улар қуйидагилар:

1. “Қизилўрдалик қипчоқлар тарихи.

Бу Русиядаги мўғулларга” (1840).

2. “Иликхонлар тарихи. Бу форс давлати мўғулларига” (2 жилд, 1842-1844).

3. Форсий ва туркийларнинг рамзлари (1850).

4. “Араблар ва туркийларнинг найза ва камонлари ҳақида” (1852).

5. “Муҳаммад ҳадисларининг авлоддан-авлодга ўтиб келиши ҳақида” (1853).

6. “Араблар ҳаётида от” (1856).

7. “Усмонийлар ҳукмдорлиги остидаги қрим хонлари тарихи” (1856).

1852 йилдан бошлаб Ҳаммер “Араблардан фан ва адабиёт” сарлавҳали 12 жилдга мўлжалланган асарини ҳам чоп эттиришни мўлжаллаган. 1856 йилгача ушбу асарининг фақат еттига жилдини нашр эттиришга улгурган.

Ҳаммер — Пургшталл 1856 йилнинг 23 ноябрида Венада вафот этган. Унинг ижодий мероси асрлар оша янги-янги авлодлар учун муҳим манба бўлиб қолиши муқаррар. Марҳум хотирасига бағишлаб ўтказилган бир расмий тadbирда Париждаги “Осиё жамияти”нинг котиби жаноб Моҳл шундай деган экан: “Айни пайтда араблар, форсийлар ёхуд туркийлар тарихининг бирор қисмини ўрганиш билан машғул шахс, унинг (Ҳаммер — Пургшталлнинг) асарларига мурожаат этмай қолмайди. Унинг таржималарини аниқлик нуқтаи назаридан ўрганиш мумкин, ёзув услубини, шаклини ўта шарқона, деб танқид қилиш мумкин, аммо улардан фойдаланмаслик ёки уларни четлаб ўтиш асло мумкин эмас”. Бинобарин, бизнинг олмон адабиётидаги Алишер Навоийга оид маълумотларни топишга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз ҳам Ҳаммер — Пургшталл илмий-ижодий меросига мурожаат этишимизни тақозо этди. Натижада, шу ҳол аниқландики, 1818 йилда Венада чоп этилган “Форсийларнинг жозибадор нотиклик санъати тарихи” асарининг 310-312-бетларида Ҳаммер — Пургшталл Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериб ўтган экан. Аслида Ҳаммер ушбу маълумотни францужачдан таниқли француз шарқшуноси Силвестр де Сасининг (1758-1838) асаридан (у уни Давлатшоҳ ҳамда Сом Мирзо матнлари асосида тузганини билдирган) олмон тилига таржима қилган. Шу тарзда Ҳаммернинг “Форсийларнинг жозибадор нотиклик санъати тарихи” асаридан ўрин олган Навоийга оид маълумотларда қуйидагилар қайд этилган:

“Мир Алишер насл-насаби улуг сулолага мансуб бўлиб, Чигатой султонлари саройидаги энг юқори мансаблардан бирини эгаллаган Баҳодирнинг ўғлидир. Унинг ота томондан бобоси султон Байқаро Мирзонинг амирларидан бўлган. Бу султоннинг набираси султон Ҳусайн

Мирзо ҳукмдорлиги остида Мир Алишер юқори мансабларга ва катта обрў-эътиборга эришган. У уни дастлаб бош мунший, кейинчалик эса бош вазир этиб тайинлаган. Бу ҳукмдор билан Мир Алишер ўртасидаги дўстлик ришталари улар бирга қатнаган мактаб чоғлариданоқ бошланган. Алишер болалигида султон Абулқосим Бобур Мирзо қарамоғида бўлган. У уни суйган, ўз ўғлидай кўрган. Унинг вафотидан сўнг, Алишер Машҳадда ўқилишни давом эттирган ва ўша пайтларда Хуросонда кўтарилган исёнлар туфайли, Самарқандга жўнаган ва у ерда ҳўжа Фазлуллоҳ Абуллайсий мадрасасида илму ижод билан машғул бўлган. Ҳусайн Мирзо Хуросоннинг чексиз ҳукмдори бўлиб олгач, ўшанда Амударёнинг нариги томонида ҳукмдорлик қилган султон Аҳмад Мирзодан Алишерни қайтариб юборишини талаб қилган. Султонга бу талаб маъқул бўлмаган бўлса-да, ноилож ҳолда уни тантанали равишда кузатиб кўйган. Ҳусайн Мирзо саройида у янада тантаналироқ тарзда кутиб олинган. У илму маърифатни ривожлантиришга камарбаста бўлиб, унинг ҳукумати шуҳратини оширган, ўзига ишониб топширилган ҳар қанча муҳим давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, мамлакатда маърифатни юксалтирмақ мақсадида, ўзининг ва ўзгалар савиясини ўстиришга алоҳида эътибор берган. Чигатой ва форс тилларида шеърый асарлар ёзиш, топишмоқлар ва ҳарфли топишмоқлар тузиш, унинг сеvimли эрмаклари ҳисобланган. Илмга иштиёқи баланд бўлгани туфайли, у ўзини бутунлай мана шу фаолиятга бахш этишга қарор қилган ва тез орада ўзга ишлардан халос бўлишга интилган: дастлаб бош вазирлик мартабасини Астробод ҳокими лавозимга ўзгартирган, кейин эса фақат ва фақат илмга берилган, ундан ўзга юмушлардан воз кечган. Бироқ шундай бўлса-да, унинг омма орасидаги обрўйи камайиши ўрнига кундан-кунга ортиб борган, султон ҳам унга нисбатан ихлоси баландлигини мунтазам равишда билдириб турган. Ҳаётининг сўнгги йилларида у жуда кўп ёзган, натижада, асарла-

ри тўплами сон ва ҳажм жиҳатидан кўпайиб кетган. У туркий асарларини Навоий, форсча асарларини эса Фоний тахаллуси билан ёзган. Унинг форсча газаллари тўплами олти минг мисрани ташкил этади.

Мир Алишер нафақат асарлари билан, балки кўлами ва сони жиҳатидан улардан қолишмайдиган эзгу ишлари билан ҳам шуҳрат қозонган; у уч юз етмиш иншоотни янгилатган ёки тубдан қурдирган. Булар мақбараяю мадрасалар, ибодатхоналар, кўприклар, қудуқлар, ҳовузу карвонсаройлар эди. Шу билан бирга у ўз юрти меъморлари ва ҳунармандларини етарли равишда иш билан таъминлаган. Қурувчилар, ҳайкалгарошлар, расомлар, заргарлар, хаттотлар Мир Алишердан топишириқ сифатида олган санъат асарларию қурилиш ишларини юксак даражада бажаришга интилганлар. Замондошлари Жомий ва Давлатшоҳ уни ҳомий сифатида завқу шавқ билан улуғлаганлар, истеъдоди буюк форс қасиданавису масалнавислари Анварий ва Ҳоқонийларникидан ҳар томонлама устунлиги ҳақида келажак авлодларга гувохлик берганлар. Эзгу ишларию юксак истеъдодининг намуналари сифатида қурилиш санъати ва шеърият санъати соҳасида қолдирган мероси боис, форсийлар ва туркийлар қалбида мангу барҳаётдир, буюк вазир, буюк шоир Мир Алишер”.

Қарийб 200 йил олдин олмон адабиётидан ўрин олган мана шу маълумот Алишер Навоий ҳақида олмон тилида яратилган илк матн бўлиши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас. Унинг муаллифи Ҳаммер — Пургитали сермаҳсул фаолияти туфайли, олмон тили мамлакатлар адабиётини Шарқ дурдоналари билан мислсиз даражада бойитган. Улар орқали гарбликлар Шарқни теранроқ англашларига катта имконият яратган. 1827 йилда Гёте кишилик жамиятлари вакилларидан биринчи бўлиб “Жаҳон адабиёти” истилоҳини қўлаганига ҳам айнан Ҳаммер — Пургиталининг фидокорона фаолияти ўзига хос туртки бўлган бўлса, ажаб эмас.

*Одилжон САФАРОВ  
тайёрлади.*



# Навоий асарларида Жомий тимсоли

## XV

аср теурийлар сулоласи даврида яшаб ижод этган буюк мутафаккир сиймолар ва оламга машхур зотлар Алишер Навоий ва Нуриддин Абдурраҳмон Жомийлар муносабати – уларнинг илиқ, самимий, дўстона ва жозибалик нафаси билан йўғрилган, жумладан, устозу шоғирдлик юзасидан келиб чиққан ажойиб маърифий-маданий ҳамкорликлари XV асрдан бошлаб то ҳалигача адабиётшунослик фанимизда тинимсиз ўрганилиб келинмоқда. Аммо чуқурроқ назар солсак, бу дўстлик ва устозу шоғирдликнинг ижтимоий асослари шу қадар кенг ва жозибалик, унинг гўё адоғи йўққа ўхшайди ва уни қанча ўргансангиз, албатта, янги бир натижаларга келиб, ўхшаши йўқ далиллар кашф этасиз. Менинг назаримда, Навоий ва Жомий ҳазратлари гўё жисман ўлмаганлар ва бизнинг давримизда, биз билан бир сафда яшаб, бирга нафас олаётгандек. Бу эса мазкур инсонларнинг ҳайратомуз мўъжизаси бўлиб, улар Хизр даражасига эришган боқий зотлардир.

Ҳазрат Навоий Жомий билан ниҳоятда қалин дўст ва гўё бир онадан туғилган ажралмас биродар эдилар. Биродари ҳақида у жамики асарларида чин қалбидан ва самимийлик билан ихзори дил этади ва дўстини ҳаммиша ардоқлаб, таъриф-тавсиф этиб, унинг ҳақиқий ва комил инсонларга хос сиймоси ва тимсолини тасвирлаб беради. Бу тасвирлар денгизга ўхшаган бир уммондир ва сатрлар силсиласидаги сеҳрни излаб топиш ҳам ниҳоятда мушкулдир. Биз бу борада ҳозирча баъзи хулосаларимизни ихзор этамиз.

Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида гувоҳлик беришча, Жомий ўз даврида авлиё тимсолида намён бўларди ва бу авлиёнинг қароматлари эса ниҳоятда қўп бўлиб, ҳаммани ҳайратга соларди: “Аларнинг (Жомийнинг) бу навъ қароматлари авлиёни камидан воқеъ бўлмиш бўлмай”. Шу боис, машхур авлиёлар каби Жомийнинг ҳам қароматларига оид кўпгина китоб ва рисоалар битилган эди. Шулардан Навоий мавлоно Абдулвоси ва Мавлоно Аҳмад Пиршамс номли кишиларнинг рисоаларини эслаб ўтади. Биз шу пайтгача Жомийни машхур шайх, ориф, мураббий, устоз ва тасаввуф таълимотининг буюк намояндаси сифатида билар эдик. Аммо шайхлик мақомидан ўтиб, авлиёлик даражасига етиб, қароматлар соҳиб бўлганликлари ҳақида рисоалар битилганлиги, голибо, Навоийнинг ул зотга берган таърифидан маълум бўлади. Жомийнинг шу авлиёлик мартабаси боис, XV асрда Хуросоннинг барча аҳолиси ул зотга сизиниб, ҳурмат-иззат билан алоҳида машғул бўлганлар.

Шунинг натижасида 1492 йилда Жомий оламдан ўтган пайтда Ҳиротда гўё қиёмат қойим бўлади. Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин” да ушбу воқеани тасвирлар экан, унинг шоҳомати ва аламли таассуротини бундай шарҳлаб беради: “Бу мудҳиш хабар шаҳарга муштаҳир бўлгач, акобир ва ашроф жавониб ва атрофдин етишдилар. Барча сўгворлик либосида, балки мотам ва аза балосида, то улки ҳазрати султони соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) таъриф келтурдилар – ҳой-ҳой йиғлаб ва талх-талх шўробалар тўқдилар... Аркони давлатнинг барчаси анда эдилар. Султон Аҳмад Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо бошлиқ салотин ва подшоҳзодалар бир-бирига навбат беришмай аларнинг маҳфуф маҳофасин эгинларига кўтариб, Мусаллога элтдилар. Халойиқ гавғоси ул мартабада эрдиким, неча юз минг халқни тасаввур қилса бўлмайким, бир жисм бўлуб эрдилар... Подшоҳзодалар ясовулдук қилиб, элни кўруб, йўл очар эдилар... Бир йилгача олам аҳлига умуман ва Хуросону Ҳирот аҳлига хусусан мотам эрди. Йил бўлгондин сўнгра ҳазрати султони соҳибқирон аларнинг йил ошин баса эъзов ва эҳтиром била подшоҳона бердилар”.

Энди аниқ айтиш мумкинки, соҳибқирон шоир Мир Алишер Навоий кимга ихлос ва эътиқод қўйган эди? Жомий у киши учун ўзи айтганидек пир ва муршид эди. Ул зот билан ҳамкорлик қилиш, у кишига қўл бериб биродарлик ва дўстлик риштасини мустақамлаш Навоий учун катта бахт ва ифтихор эди. Натижада устозга яқиндан хизмат қилиш, у кишини доимо эъзозлаш ва устоз сифатларини ўз асарларида узлуксиз ва мунтазам баён этишни ул ушбу шоир ўзининг асосий вазифаси ва бурчи деб билди. Навоий “Арбаин” асарининг таълифига камарбаста бўлганида бу ҳақда бундай ёзади:

Ул сафо аҳли пок фар жоми,  
Пок фар жому пок фар Жомий.  
Ул фано сори дастир манга,  
Муршиду устоду пир манга.



Жомийнинг сафою поклик йўлидаги урфоний даражасига баҳо бериб, у кишини тариқат арбоби сифатида “пир, устоз ва муришд” деганида Навоний, албатта, ҳақ эди. Зеро, авлиё мақомига эришган устоз шогирдига тасаввуф тариқатидан, голибо, йўлбошчилик қиларди ва бу тариқат асл моҳияти билан халқчиллик, ватанпарварлик ва демократик гоёларни ифода этган Жомий ва Навонийлар тариқати – нақшбандия таълимоти эди.

Шу тариқа, Навонийнинг Жомийга нисбатан дўстлиги ва маънавий ҳамкорлиги одамгарчилик юзасидан бўлгани билан бирга, урфоний таълимот, инчунин авлиё пир учун яратган ҳақиқий этиқод билан ҳам қаттиқ боғланган эди. Шу боис Навоний устоз тимсолини тасвирлаганда муболағалар қилиб, шу усул туфайли у кишининг асл сиймосини намоён этади. Жумладан, Навоний, ўзи таъкидлашчи, “Фарҳод ва Ширин” китобида “Жомий мадҳида турфа достоне гузориш қилди” ва бу дostonдан биз куйидаги мисраларга назар ташлаймиз:

Икки пил ўлса Хисрав ё Низомий,  
Эрур юз пил чоғлиғ, пил Жомий.  
Кўруб сармаст жоми ваҳдат они,  
Демишлар Жандапили ҳазрат они..  
Жаҳон ичра жаҳонким топти макнат,  
Солиб икки жаҳон халқига ҳайрат.

Навоний “Хамса” борасида сўз юритганида хамсанавис салафларини ўрмон ҳайвонларининг шоҳларига ўхшатади ва шу восита орқали ўтган машҳур шоирларнинг улугворлиги ва ҳашаматини таъкидлайди. Чунончи, у Низомий ва Амир Хисравларни бир жойда агар жангари шерга қиёс қилса, бу ўрида эса уларни филга ўхшатади. Аммо, Навонийнинг айтишича, Жомий барча хамсанавислардан устун турарди ва бир фил эмас, балки у юз фил қувватига эга бўлган зотдир.

Навоний устозининг шеърйи маҳоратига баҳо бераркан, ваҳдат бобида уни Жандапила тенглаштиради. Аҳмад Жом Жандапил (маст фил) XI асрда яшаган мутасаввуф арбоб ва бу таълимотнинг энг ашадий тарғиботчиси эди. Жомий эса ана шу улуг зотга қиёсланади ва урфоний мафкураси бўйича у “жаҳон ичра жаҳон ва икки жаҳон халқига ҳайрат солгучи инсон” ҳисобланади. Шу тариқа, Навоний Жомийни шеърятда тенгсиз ва ягона деб билса, тасаввуфда уни бутун бир жаҳон ва ҳайратомуз шахс сифатида танийди ва авлиё устозни пайғамбарлик мақомига тенглаштиради. Сўнг эса шу улуг инсоннинг шогирди – Навонийнинг ўзи пайғамбарлик даражасини топиб устоз баробарида туради.

Шу тариқа, Жомий васфига айтилган шеърлар Навонийнинг қарийб ҳар бир асарида учрайди ва уларнинг барчаси Жомийнинг жаҳоншумул образини яратишга хизмат қилади. Бу фикрлар замирида Навонийнинг ҳам жаҳоншумул тимсоли жилваланиб туради.

Навонийнинг эътироф этишича, Султон Ҳусайн Мирзо бошчилигида Жомийнинг йил оши маросими ўтказилганида “назм аҳли кўп таърихлар айтиб ўқидилар” ва жумладан, Навоний ҳам бу аламли воқеага атаб шеърйи марсия ва таърих битди. Марсиянинг ҳар банди ўн байтдан ва унинг ўзи етти қисмдан иборат бўлиб, дард-алам ва қайғу билан битилган жонқуяр асардир. Бу шеър оламу одам, инсону жамият, еру осмон – умуман дунё ва охират фалсафасининг ифодаси эди. Уни улуг шоирнинг гамга ботган таассуроти ва унинг азиз дўст айрилигидан чеккан чексиз азоб-уқубати ва кўзёши десак, хато қилмаймиз. Марсия йил оши вақтида Султонга манзур этилди. Султон ҳукуми ила замонанинг машҳур воизи Ҳусайн Воиз Кошфий минбарга чиқиб виқор ва жаранглаган овоз билан уни ўқиб берди.

У ҳолатда Навонийнинг марсиясидан бутун халқ, жумладан, Султон Ҳусайн Мирзо ҳам лол қолган эдилар. Ҳамма чуқур таассуротга ботиб, зор-зор йиғлай бошлади. Ҳамманинг кўз олдига Жомийнинг муборак сиймоси гавдаланди ва барчалари авлиё шоирнинг вафотидан афсусланиб, йиғи-бийрон бўлдилар. Шу тобда барчани мутаассир ҳолатга солган Навонийга бутун халқ, хусусан Султон Ҳусайн Мирзо тавозу билан тикилиб турардилар. Унинг қиёфасида тирик Жомийни кўриб, унга ҳамд-санолар айтардилар. Бу ҳодиса Навонийнинг Жомий билан дўстона муносабатидан келиб чиққан даҳосининг ажойиб намунаси эди.

Биз мазкур таржибанд-марсияни ўқир эканмиз, кўзларимизга беихтиёр ёш қалқийди. Унинг учинчи бандида Жомийнинг сифатлари ва вафотидан кейин юз берган қиёмат бундай жонқуяр сўзлар билан тасвирланади:

Ту бирафтино дили халқи жаҳон зор бимонд,  
То қиёмат ба фироқи ту гирифтор бимонд.  
3-оташи оҳи дили сўхтагон то ба абад  
Дудҳо дар хама ин гунбади даввор бимонд.

Аҳли тавҳид, ки бе муршиди комил ганганд,  
 Судашон мушкили ҳалношуда даркор бимонд.  
 Соликонро, ки камол аз ту расидӣ ба сулук  
 Ажзҳо дар равишу нуқс дар атвор бимонд.  
 Уламоро, ки шудӣ машъали дарс аз ту мунир,  
 Тира шуд машъалу то ҳашр шаби тор бимонд.  
 Чи тазалзул, ки зи фавти ту дар айём фитод,  
 З-он тазалзул чи халалҳо, ки дар ислом фитод.

Мазмуни:

Сен кетдингу жаҳон аҳли зор-зор йиглаб қолдилар,  
 То қиёматгача сенинг айрилигинг таассуротиға гирифтор (мубтало)  
 бўлиб қолдилар.

Оху нолалар ила тўла аламли қалблардан қиёматгача  
 Бу чархпалак атрофида куйдургувчи оташин тутунлар қолдилар.  
 Урфоний ваҳдат аҳли ўзларининг комил пешволаридан айрилдилар,  
 Энди уларнинг мушкуллари осон бўлмас ва ишлари фойдасиз қолар  
 ва бу табиийдир.

Тасаввуф йўлиға кирган солиқлар сен туфайли камолға эришардилар.  
 Энди улар йўлларида ожиздирлар ва хулқ – ҳаракатларида ноқисликлар  
 кўра бошадилар.

Олимларнинг дарс шамчироғи сендан ёруғлик кўрарди,  
 Энди у машъала ўчиб, қиёматгача бу ҳаёт қоронғу тун бўлиб қолди.  
 Сенинг вафотингдан бу оламға зилзила тушиб қолди,

У зилзиладан хусусан ислом оламиға қанчадан-қанча зарар ва зиёну заҳматлар етди.

Бу байтларда Жомийнинг ҳақиқий тимсоли офтобдек нурафшон бўлиб турибди. Навоний назарида Жомий замонанинг буюк дин вакили, тасаввуфнинг беқиёс даҳоси, ваҳдат йўлиға кирган азим йўлбошчи, аҳли илм машъаладори ва шулар каби сифатларға бой комил инсондир. Бу ҳақда марсиянинг кейинги байтларидан ҳам маълумот олиш мумкин:

Шаҳриёрони жаҳон чокзада жома ба тан,  
 Пешни тобути ту пўянда ба аҳволи табоҳ...  
 Оламеро ба сўйи олами дигар бурдан,  
 Натавон жуз ба чунин боркашонӣ оғаҳ...

\* \* \*

Дўстон дар ҳама фан нодираи олам ку?  
 Афзалу афсаҳи ажноси бани одам ку?  
 Дар биёбони таманнош халойиқ мурданд,  
 Ба давоий ҳама он Хизри масеҳодам ку?

Мазмуни:

Жаҳон ҳукмдорлари тан либосини аламдан йиртиб-йиртиб,  
 Сенинг тобутинг олдида зор – паришон кетмоқдалар.  
 Шундай кўринадики, бу бузрук оламни бошқа бир олам томон олиб  
 кетаяптилар.

Аммо бундай бир оғир юкни олиб боришнинг моҳиятидан огоҳ эмасмиз.  
 Буни нима учун қияштилар, биз билмаймиз.

\* \* \*

Дўстлар, барча илм-фан оламида ягона бўлган ягона зот қаёққа кетди?  
 Одам фарзанди орасида энг баланд поғонаға кўтарилган ва ҳаммадан афзал бўлган  
 Фозилу доно қаёққа кетди?  
 Унинг ёд-хаёли ва талаби водийсида барча халқ об-ало бўлиб кетдилар,  
 Бу ўлиқларни даволайдиган ва тирилтирадиган Масеҳонафас Хизр қаёққа кетди?

Мазкур парчаларнинг биринчи байтида ҳақиқий воқеий ҳолат акс эттирилган. Юқорида, Навоний сўзларидан, Жомий тобутини қандай тарзда қабристон томон олиб борганликлари ҳақидаги воқеий ҳикояни эшитдик.

Мамлакатнинг энг номдор ва обрўли кишиларидан ўтиб теурий султонзодалари “бир-бириға навбат беришмай” Жомий тобутини кўтариб қабристонға борганлар. Аламға тўла шу азим манзарани Навоний ўз марсиясида айнан такрорлаб, мазкур

воқеа ҳақида тўлиқ маълумот беради. Бу ўринда Навоний Жомийни “Олам билан тенг олам” ҳисоблайди, яъни Жомий гўё микро ва микро-кичик ва катта оламни бирлаштирадиган борлиқнинг ўзи эди. Шу тариқа, Навоний назарида, Жомий комилликка эришган, ҳақиқатга восил бўлган ва фано даражасини топиб нурга айланган бузрук зот эди.

Бундан ўтиб, Жомий ҳақида қанча олий сифатлар топилса, ҳаммаси таъкидлаб ўтилади. У олам илму фанига раҳбар, унинг ягона намояндаси, ҳаммадан афзал ва тавоно (бақувват), ўликларни тирилтирадиган масеҳонафас Хизр ва ҳоказолар дейилади. Шундай қилиб, Навоний устозининг барча сифатларини бирма-бир санаб ўтади ва шулар иштиракида устозининг ёрқин тимсолини бошқалардан фарқли ўлароқ, мукаммал яратади.

Навоний устози ижодиёти марказида бу мўътабар сиймо ҳаракат қилади. Улуғ шоир Жомий вафотидан кейин ҳам унинг ёд — ҳасли билан яшади ва у билан ўзини ҳамроҳ ва ҳамдам тутди. Урфоний мафкура ва гоё, илоҳий илҳом ва нур уларни бирлаштирган эди ва бутун умр бўйи уларни яқин ва маслакдош қилди. Бу гоё улуғ шоирларнинг мазҳаби, мақсади ва худоси эди ва улар шу илҳом ва эътиқод билан яшаб, унинг висолига восил бўлдилар.

Навоний Жомийни сифатлар экан, нафақат унинг устозлиги, илму урфони ва каромату мўъжизаларидан ҳикоя қилади, балки унинг шахсий хусусиятлари, олийжаноб фазилатлари ва нозик табиатидан ҳам хийла далиллар келтиради. Шулардан биттаси Жомийнинг камтарона ва хоксорлик хусусиятидир. Аллоҳ даражасига эришган комил инсоннинг бу ажойиб ва оддий табиати Навоний тасвирида бундай кўринади:

“Аларнинг камолоти овозасин эшитиб, йироқ йўллар қатъ қилиб муборак суҳбатларига мушарраф бўлурга келганлар аларни асҳоб орасида гоёта бетаайонлигининг мутлақо танимаслар эдиким, ўлтурур ва айтмоқ ва эшитмоқ ва емоқ ва киймоқда ўзлари била сойир мулозимлари орасида тафовут йўқ эрди”.

Навонийнинг маълумотига биноан Жомийнинг зиёратига камарбаста ва ул зотнинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш ҳар бир кишининг орзуси эди. Бутун замона аҳли бу ишени ўзларига шараф деб билганлар. Шу боис Жомий яшаган манзил доимо гавжум бўлган ва ул маъво адабий, илмий ва урфоний мажлислар мавзегига айланган. Бу эса Жомийнинг камтарона хусусияти қаршисида унинг бузрукворлик ва ҳашаматли қиёфасини намоён этади. Навонийнинг куйидаги ҳикояси айнан шу хусусда:

“Шаҳарнинг жамъ уламо ва ақобири ва ашрофи аларга мулозимат ва таралдуд бунёд қилардилар; ул подшоҳи замоннинг аркони давлат ва аъёни ҳазрати ва олийшон умаро ва рафъмакон судур ва вузароси, балки аср подшоҳи ҳам аларнинг остониға ташриф келтурурлар эрди. Андоқки, даврнинг анжуманлари ва аҳднинг сарбаландлари ул ҳазратнинг олийшон остониға юз ўткурурлар ва илтижо келтурурлар эрди. Сойир ниёзмандлар ва оммаи бехешу пайвандлар ҳам кўзларин ул эшик туфроғидин ёрутурлар эрди”.

Сўз пировардида “Мажолис ун-нафоис” тазкирасидан меҳр ва тавозу ила Жомийга бағишланган Навонийнинг куйидаги сўзларига диққат-эътиборни қаратамиз: “Қуёшики, ройи олам оройи била бу замон мубоҳи ва аҳли замонға шарафи номутоноҳи муяссардур ва дарёйки, таъби гавҳарзойи била бу даврон аҳли кўйни ва этаги жавоҳирдин мамлу бўладур. (Бу киши) ҳазрати маҳдумий шайхулисломий мавлоно Нуриддин Абдураҳмон” Жомий... дурким, то жаҳон бўлғай аларнинг ёруқ хотирининг натойижи жаҳон аҳлидин кам бўлмасун ва то сипеҳр эврулғай, аларнинг очуқ кўнгилларининг фавоиди даврон халойиқидин ўксулмасун...”

Низомиддин Амир Алишер Навоний назарида Мавлоно Жомий ана шундай тенгсиз тимсолда намоён бўлади. Бу нурга тўла сиймо ўз буюклиги билан XV аср олам аҳлини қойил қолдириб, кейинги асрларга сезиларли даражада таъсир этган улуғ зот бўлганлар. Навоний эса бу чашмаи нурдан нурланган зот эди, ушбу қуёш таъсири остида қуёшга айланиб, тенги йўқ инсон қиёфасида машҳур бўлди.

*Аҳмад АБДУЛЛАЕВ,  
филология фанлари  
доктори, профессор.*



# Назмнинг еттинчи ОСМОНИ

**Ш**оҳбекат. Тумонат одам. Ҳар ким ўз ишию ташвиши билан банд. Кимдир олис сафар тараддулида бўлса, кимдир йиллар ўтиб кўрмаган яқинини кутишга чиққан, биров шошилган, бошқасининг хотири паришон. Ғала-ғовурга елкадаги магнитофондан ажнанийча ашула, совға-салом дўқонидаги телевизордан “модний” хонанданинг чинқироқ киргойиси, қантариб қўйилган автомобилнинг радиосидан тайинини аниқлаб бўлмайдиган оҳанг жўр бўлади.

Шоҳбекат биносининг томига эълонлар учун ўрнатилган карнай бироз ғичирлаб, сўнг ундан куй таралади:

Қаро кўзим, келу мардумлуг эмди фан қилгил.

Вожаб! Қўшиқ бошланиши билан борлиқ ўзгара бошлади: одамлар бирин-кетин сўзлашдан тўхтаб, тин олди, магнитофон, телевизор, авторадиолар аввал пасайиб, охири уни бутунлай ўчди. Ҳатто учиб юрган қушлар ҳам шоҳларга қўнишиб, чуғур-чуғурини бас қилди.

Карнайдан таралаётган қўшиқ одамларнинг турқи, ёши, жинси, кийиниши, касб-корю забонидан қатъи назар, қалбига йўл топмоқда эди:

Ўзунг висолига етсун, десанг, кўнгулларни.,

Ёз саратонида аёвсиз нур пуркаётган қуёш қўшиқнинг ноласидан хижолат чекиб, бир парча булутдан юзига парда торгди. Дим ҳаводан шалвираб қолган теракларга ҳам малор кириб, япроқлари куй оҳангига мос чапак чала бошлади. Майин шаббода томлардан сирғалиб тушиб, одамлар оралади.

Исми машҳур мумтоз куйга адаш хонанда қўшиқни яхши кўриши, уни юз бор, балки минг бор такрорлагани учун ижро роса сайқал тошгани сезилиб турар, шу боис у шавқ билан, вужуд-вужуди билан куйламоқда эди. Қўшиқ ҳатто тошларни юмшатиб, музларни эритишга қасд қилгандай авж пардаларга кўтарилиди:

Ўзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени  
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилгил.

Бу орада зангори осмон абри атлас тусига кирди. Шоҳбекат тепасидаги булут пардаси куюқлашиб, гўё қўшиқ сари пасайиб келди. Ортига куйдан баҳраманд бўлмоқчи фаришталар йиғилгану, уларнинг нафасидан булут эриб, оромбахш ёмғир тарзида томчилади.

Навоний анжумани шавқ жон аро тузсанг,  
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилгил.

Қўшиқ тугади. Одамлар баданига инган сув зарраларини артишга тутгиндилар. Кимларнинг юзидаги томчиларда киприклардан сизиб чиққан кўз ёшлари омухта эди...

Ҳа, “Қаро кўзум” ғазали билан айтилган “Ушшоқ” қўшиғида самовий сеҳр бор. Мумтоз мусиқа билан Навоний сўзи пайваста бўлган бу қўшиқни қайта-қайта эшитсангиз-да жонга тегмайди, аксинча, ўзига ошно қила боради.

Бундай олиб қараса, қўшиқ мусиқасини дилрабо, Навонийнинг ғазалини эса тушунарли деб бўлмайди. Ҳатто ҳеч иккиланмай “Қаро кўзум...” деб бошланган ғазални даҳо шоирнинг энг мураккаб асарларидан бири дейиш мумкин. Буни ғазал такрор ва такрор шарҳланганидан, турли йўналишда талқин қилишга кўп уринилганидан ҳам кўрса бўлади. Адабийётшунос Нусратулла Жумаҳўжаевнинг маълумотича бу ғазалга ўндан ортиқ (!) шарҳлар битилган.

Хуллас, ғазал — гоят мураккаб, мусиқа ҳам шунга яраша.

Унда нима учун “Қаро кўзум” қўшиғи бу қадар машҳур?

Буни фақат бир нарса билан изоҳлаш мумкин — чуқур мусиқага ғазалнинг мукаммаллиги қўшилиб, қўшиқ **идеаллик** хусусиятини касб этган.

Ана шу мукаммаллик хусусида фикрлашайлик.

**1. Вазн.** Профессор А.Ҳожиаҳмедов аруз ҳақидаги қўлланмасида ғазал арузнинг мураккаб баҳрларидан бири — мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ (ёки аслам) вазнида ёзилган. Вазннинг мураккаблигига қарамасдан у мукаммал, шу туфайли ғазал ўқиш ва куйлаш учун ниҳоятда раvon. Бу хусусиятни қўйидаги жадвал орқали яққол кўриш мумкин:

1-рукн				2-рукн				3-рукн				4-рукн	
Ма-фо-и-лун				фа-и-ло-тун				ма-фо-и-лун				фаъ-лун	
ҳижолар: — (чўзиқ), v (қисқа)													
v	—	v	—	v	v	—	—	v	—	v	—	—	—
Қа-	ро	кў-	зум	ке-	лу	мар-	дум-	ли-	ф эм-	ди	фан	қил-	ғил,
Кў-	зум	қа-	ро-	си-	да	мар-	дум	ки	би	ва-	тан	қил-	ғил.
Ю-	зунг	гу-	ли-	га	кў-	нгул	рав-	за-	син	я-	са	гул-	шан,
Қа-	динг	ни-	ҳо-	ли-	ға	жон	гул-	ша-	нин	ча-	ман	қил-	ғил.
Та-	ко-	ва-	ринг-	га	ба-	ғир	қо-	ни-	дин	хи-	но	боғ-	ла
И-	тинг-	га	ғам-	за-	да	жон	риш-	та-	син	ра-	сан	қил-	ғил
Фи-	ро-	қ	то-	ғи-	да	то-	пил-	са	туф-	ро-	ғим,	эй	чарх
Ха-	мир	э-	тиб	я-	на	ул	тоғ-	да	кў-	ҳ-	кан	қил-	ғил
Ю-	зунг	ви-	со-	ли-	ға	ет-	сун,	де-	санг	кў-	нгул-	лар-	ни
Со-	чинг-	ни	бош-	тин	а-	ёғ	чин	и-	ла	ши-	кан	қил-	ғил.
Ха-	зон	си-	по-	ғи-	ға,	эй	бо-	ғ-	бон	э-	мас	мо-	неъ
Бу	бо-	ғ	то-	ми-	да	гар	иг-	на-	дин	ти-	кан	қил-	ғил.
Ю-	зи-	да	тер-	ни	кў-	руб	ўл-	сам,	эй	ра-	фиқ,	ме-	ни
Гу-	лоб	и-	ла	ю-	ву	гул	бар-	ги-	дин	ка-	фан	қил-	ғил
На-	во-	ий,	ан-	жу-	ма-	ни	шав-	қ	жон	а-	ро	туз-	санг
А-	нинг	бо-	шоғ-	лиғ	ў-	қин	шам-	ъи	ан-	жу-	ман	қил-	ғил

**Ғазалнависликда рукнлари мунтазам такрорланган:**

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун,

ёки бир-икки рукни қисқартирилган:

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун,  
муствайлун фоилун мустафъилун фоилун, —

каби баҳрлар кенг тарқалган, чунки бунда ғазал ёзиш нисбатан анча ўнғай. “Қаро кўзум” вазининг содда эмаслиги эса кўриниб турибди. Лекин бу мураккаблик сунъий эмас, балки ғазалнинг руҳига мувофиқ: ҳар мисрада қисқа ҳижолар етакчилигидан сўнг иккинчи рукннинг охири ва тўртинчи рукнда кетма-кет иккитадан чўзиқ ҳижо келиши мисраларга ўзига хос ритм бағишлайди — бу рукнлар алоҳида урғу, таъбир жоиз бўлса, салобат билан ўқилади. Натижада арузга хос бўлган умумий хусусият — қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг мунтазам такрорланишидан ташқари, қўшимча, яъни чўзиқ ҳижолар жуфтлигининг такрорланишидан иборат ритм юзага келади:

..... мар-дум ..... қил-ғил,  
.....-нгул рав- ..... гул-шан,  
..... жон гул- ..... қил-ғил,  
.....-ғир қо- ..... боғ-ла ва ҳоказо.

Ғазалнинг еттинчи мисрасида истиснога дуч келамиз: у бошқа мисралардаги каби фаъ-лун қолишида, яъни икки чўзиқ ҳижо билан тугамасдан, бир чўзиқ ва бир ўта чўзиқ ҳижо (фаъ-лон) билан тугайди: “Эй, чарх!”

Вазндан бу сингари чекиниш аруз талабларига зид эмас, чунки аруз учинчидан

бошлаб тоқ мисраларнинг сўнги ҳижосида эркинликка йўл қўяди – қисқа, чўзиқ, ўта чўзиқ бўлиши, ҳатто бутунлай тушиб қолиши ҳам мумкин. Лекин Навоийдек маҳорат соҳиби учун шу биргина ҳижони ҳам қатъий қолишга солиб кетиш асло қийинлик қилмас эди. Демак, бу ҳодиса тасодиф эмас, балки ғазал руҳидан келиб чиққан.

Олдинги уч байт ва яна кейинги байтда (“боғбон” деганда кимни тушунишга қараб, олтинчи байтда ҳам) шоир бевосита ғазал адресатига мурожаат қилган бўлса, тўртинчи байтда нутқини фалакка қаратмоқда. Шунинг учун охириги ҳижо алоҳида зарбга эга бўлган:

Эй, ча-а-а-рх!

Натижада бу байтнинг эмоционаллик хусусияти кучайган.

**2. Қофия ва радиф.** Ғазалда анча кам учрайдиган қофия қўлланган. Қофиядош сўзларнинг рукн охирида келиши ҳам ғазалнинг ифодалигига ҳисса қўшади. Қофиянинг асосий элементи (равий) “н” товушидан иборатлиги бутун ғазалга интиқлик бағишлайди. Айтишлик, “н” ўрнида бошқа товуш келса, ғазал интонацияси ўзгариб кетар эди. Қиёслаб кўринг:

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди касб қилғил,

ёки

Қаро кўзум, келу мардумлиғни одат қилғил.

Ғазалнинг радифи – “қилғил” сўзи ҳам ғаройиб. “Қил” ва “ғил” бўғинларининг қофиядошлиги, бир томондан, “ғазал ичида ғазал” ҳосил қилса, иккинчи томондан, бу сўзнинг радиф бўлиб келиши лирик қаҳрамон нутқидаги илтижо, ундаш руҳига мувофиқ. Айни пайтда “қилғил” мурожаатида “қилсанг ҳам майли”, “қошки қилсанг” каби маъно жиловлари бор. Бу сўз ўрнига мантиқан унга ўзакдош бошқа радиф қўйилса, айтишлик, “қил” дейилса, буйруқни, “қилсанг” – маслаҳат, “қилсанг-чи” – жеркиш ёки гинани ифодалар, ҳатто “қилгин” – сўзи ҳам расмийлиги билан ғазал гўзаллигига путур етказар эди.

**3. Сўз.** Ғазалда нозик инсоний туйғулар ифода этилгани учун унинг сўз таркиби ҳам шунга яраша: инсоннинг зоҳирий қиёфаси (кўз, қорачиғ, юз, қад, соч), ботиний дунёси (кўнғил, бағир, жон), маконий муҳит (ватан, равза, гулшан, чаман, тоғ, боғ), азият белгиларини ифодаловчи сўзлар (ришга, расан, фироқ, игна, хазон, тикан) маржондек тизилган. Матнда ўша давр ҳаёти билан боғлиқ сўз ва тушунчалар, ҳозир истемолдан чиқиб кетган архаизмлар ҳам талай. Гарчи мумтоз адабиёт намуналарини луғат билан сўзма-сўз таржима қилиб ўқишдан самара кўп бўлмасда, аммо бусиз уларни тушуниш ҳам мушкул. Шунинг назарда тутиб, академик Алибек Рустамовнинг “Адиблар одобидан адаблар” китоби ва луғатларга мурожаат этишга тўғри келади: **мардум** – 1) халқ, одам, фуқаро (граждани маъносиди); 2) кўз қорачиғи; **мардумлиғ** – халқпарварлик, одамийлик, одамгарчилик, ҳиммат, саховат; 2) кўз қорачиғи бўлиш; **равза** – боғ; жаннат боғи; **таковар** – от, чопқир, ўйноқи от; кенгроқ маънода: узоқлашишга сабабчи улов (транспорт, бутунги кунда, айниқса, тайёра); **ғамзада** – 1) айнан “ғам урган”, ғамда қолган (қиёсланг: аламзада); 2) ғамза ичида, ғамзага мойил ҳолатда; **ришга** – ип, ингичка ип, боғлаш воситаси; **жон рингаси** – жон ипи (қадимда одамнинг жони унинг танасига ип билан боғланган, деган ақида бўлган; “жони узилди” ибораси шундан келиб чиққан); **расан** – арқон, йўгон ип, чилвир; занжир, кишан; **кўҳқан** (ғазалда “кўҳқан” талаффуз қилинади) – айнан: тоғ қазувчи, кон очувчи; адабиётда: “Фарҳод ва Ширин” достонининг қаҳрамони Фарҳоднинг касби, лақаби; **чин** – 1) гажак; сочни хитойча турмаклаш, танғиб олиш; 2) тарақ, хитой тарағи; **шикан** – жингалак; чигал; **чин ила шикан қилғил** – сочни турмаклаб, тарақ билан қистириб олиш; образли: юзга тушиб, уни тўсиб турган сочларни йиғиштириш; кўчма маънода: висолга халақит қилувчи тўсиқ, пардаларни олиб ташлаш; **хазон сипоҳи** – 1) куз изғирини; 2) меваларни деб боғни

(пайкални) пайхон қилувчи шум болалар тўши; **эмас монёв** - монёв эмас – таъқиқлай олмайди, кутқара олмайди; **анжуман** – 1) йиғин; 2) юлдузлар осмони; 3) қизгинлик; **бошоқ** – бу ерда: камон ўқи (найза)нинг металдан ясалган учи; **тер** – 1) тер (томчилари); 2) (Исҳоқ Ражабий талқинида) тир, камон ўқи; **бошоқлиғ ўқ** – узокроққа етиши, тўғри учиши, қаттикроқ санчилиши учун учига металл учлик бириктирилган камон ўқи (найза); **шамъи анжуман** – анжуман, йиғинларни ёритувчи шам, йирик, кўп ёруғлик берадиган шам, қандил.

Албатта, ҳар қандай луғатдаги сингари, ғазал сўзларининг келтирилган изоҳлари нисбий, ҳатто анчайин субъектив, айрим маънолар ортиқча, бошқа маънолар эса тушиб қолган бўлиши мумкин. Мусиқа, тасвирий санъат каби мумтоз адабиётнинг юксак намуналари ҳам ўқувчидан ўз тушунчаси ва руҳиятидан келиб чиққан ҳолда завқ олишни тақозо этади.

**4. Санъат.** Навоий каломида ҳар бир сўз луғавий маъно-мазмунга эга бўлишдан ташқари, муайян бадий юк ҳам ташийд. Шеърдаги бадий санъатларни таҳлил қилиш бир пайтлар ҳатто “Илми бадеъ” деб аталувчи фан даражасига кўтарилган. Шеърини санъатларга бойлиги жиҳатидан “ғаро кўзум” ғазалиётнинг ноёб намунаси. Бу ҳақда адабиётшунос Ваҳоб Раҳмонов эпитроф этади: “Қаро кўзум” ғазали ҳақида бир китоб ёзса бўлмайдими? Чунончи мен шу ғазалнинг матлаби устида бош қотирдим-у, биргина бадийат нуқтаи назаридан кузатишларим бир дафтар бўлди. Яъни, қисқача қилиб айтсам,

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилгил,  
Кўзум қаросида мардум кеби ватан қилгил, —

байтидан ўнга бадий санъат топдим. Булар: нидо, сифатлаш, илтифот, тарди акс, тажнис, ийҳом, иштиқоқ, тақрир, ташбиҳ, амр, мурадлаф”.

**Нидо** – ғазалда унинг объектига (адресатга) мурожаат. Ўз ҳолича, масалан, “Эй, ёр” ёки “Аё рафиқ” мурожаати ҳали санъат эмас. Нидо санъатга айланиши учун қўшимча сифат касб этиши лозим. Масалан, “Маҳвашо, сарвқадо, лоларухо, сиймано”<sup>1</sup>. Биз ўрганаётган ғазал “Қаро кўзум” нидоси билан бошланар экан, шу мисранинг ўзидаёқ кўз унинг муҳим унсурини – қорачиғ билан боғланган ва санъат ҳосил қилган.

**Амр.** Байтдаги нидога “қилгил” радифи мувофиқ келиши амр санъати намунаси. Бу радифининг хусусияти, ҳамда **мурадлаф** (радиф қўллаш) санъати ҳақида юқорида сўз юритилди.

**Сифатлаш.** “Қаро кўзум” жумласи билан Навоий ҳам ёрнинг кўзини сифатлайди (кўзнинг қоралиғи), ҳам ёрнинг ўзини (ёрнинг қора кўзлилиги)!

**Илтифот** – ёрга унинг сифати, гўзаллигини тилга олиш воситасида мурожаат этиш, мурожаатнинг ўзида адресатнинг гўзаллигини таъкидлаб, лутф қилиш санъати.

**Тақрир** – сўзларнинг (бизнинг мисолимизда: қаро, кўз, мардум) байтда такрорланиши. Навоий ғазаларида тақрирнинг нафис намуналари кўп, масалан, “Менмудур менким, сенинг васлинг муяссардур менга” ёки “Солди ўт ҳижрон манга, ё рабки, сол ҳижронга ўт”.

**Тарди акс.** Тақрирнинг махсус кўриниши. Биринчи мисрада “қаро” сўзи аввал, “кўз” сўзи кейин қўлланган бўлса, иккинчи мисрада уларнинг ўрни алмашиб бошқа маъно бермоқда.

**Тажнис** – шакли бир хил, маъноси турли сўзлардан ёки бир сўзнинг бир неча маъносидан санъат ясаш. “Қаро кўзум”нинг биринчи байтида тажниснинг ҳар икки тури мавжуд:

қаро кўзум – бир маъноси: кўзимнинг қораси; иккинчи маъноси: қора кўзлимиз;  
мардумлиғ – кўз қорачиғидай бўлиш ҳамда одамийлик, одамгарчилик.

**Ийҳом** – шеърдаги сўз бир неча маънога эга бўлибгина қолмай, бу маъноларнинг ҳар бири ҳам умумий мазмунга мувофиқ келишидан иборат санъат, яъни тажниснинг нозик ва нафис шакли. Хусусан, биринчи мисрадаги “мардумлиғ”нинг ҳар икки маъноси ҳам жониз бўлгани учун ийҳом ҳосил қилади, иккинчи мисрада эса “мардум”нинг фақат қорачиғ маъноси жониз бўлгани учун ийҳомдан ташқари.

**Иштиқоқ** – бир ўзакдан ясалган бир неча сўзни маҳорат билан қўллаш. Бу ерда унинг содда кўриниши учрайди: “мардум” ва “мардумлиғ”. Иштиқоқнинг

<sup>1</sup> Бу каби мисоллар “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан.

мукамалроқ намунасини кейинги байтда кўрамиз: “Юзунг дудига кўнгул равзасин яса гулпан”.

**Ташбиҳ** – ўхшатиш. Навоий “мардум киби” ўхшатиши билан ёрни шунчаки кўз қаросида ватан тутишни эмас, балки кўзда қорачигдай ватан тутишни илтижо қилади. Шу сабабли бу ташбиҳда айни пайтда **тамсил** – мисол келтириш санъати ҳам мавжуд: азиз киши ҳақида қўлланадиган “кўзимнинг қорачиги” ибораси мисол сифатида олинган.

Албатта, фақат “Қаро кўзум” ғазалининг матлабидоғина эмас, ҳар бир байтида сўз санъатининг кўйлаб намуналари мавжуд.

**5. Талқин.** Тушунилиши қийин сўзлар таржима этилди. Лекин бунинг натижасида ғазал мазмуни батамом ойдинлашди, деб бўлмайти. Муаллиф учун тўртинчи, олтинчи ва айниқса сўнгги байтлар маъноси тўлиқ ойдинлашган эмас. Гап шундаки, нуқ давр билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, унда ана шу даврга хос воқелик акс этади. Хусусан, бугун электр ёруғига ўрганган авлод Навоий замонида тунлари катта йиғин, анжуманлар қандай ёритилганини тасаввур этиши қийин. Ҳозирги ёшларга ҳатто XX аср ўргаларигача қўлланган “тошфонарь”, “варшав чироқ, бешинчи шиша лампа” каби сўзлар маъносиз.

Ғазалга қайтиб, биргина сўнгги байтни қарайлик. Ундаги “анжумани шавқ жон аро тузсанг” иборасининг маъносини луғат ёрдамида англаб етса бўлар, аммо кейинги мисра “учига темир қадалан ўқни анжуманга шам қилгин” деб ўқилса, нимадир етишмаётгандай туюлади. Алибек домла ўз китобида сўнгги байтни талқин этар эканлар, “бошоқ, яъни ўқ учи шаклан шамнинг алангасига ўхшайди” дея изоҳ берадилар. Балки шам (машғала) ўқнинг учига санчилиб, мажлисхона деворига маҳкамлангандир. Лекин барибир бундай изоҳлар у қалар қониқиш ҳосил қилмайди.

Бизнингча гап бунда эмас. Бир неча аср аввал ёзилган матнлардаги сўз ва ибораларнинг асл маъносини бугун ҳар доим ҳам айнан тиклаб бўлавермайди. Қолаверса, бундай тадқиқот жуда шарт эмас. Ҳақиқий шеър сўзларнинг маъно-мазмунидан ташқари, кайфияти, руҳияти билан ҳам ўз вазифасини бажараверади. Мисол учун, Абдулла Ориповнинг “Сирли тушлар кўриб мен бор дунёни унутдим” деган мисрасидаги сўзлар луғат ва изоҳларсиз ҳам тушунарли, аммо “Қанақа сирли тушлар?” деган саволга жавоб излаш ножоиз.

Алибек домла “Қаро кўзум”нинг сўнгги байтидаги руҳни шундай таърифлайдилар: “Навоий... шамнинг тунги анжумандаги вазифасини, яъни ёритиш ва шу билан анжуманни қизитиш хизматини кишининг жонидаги шавқ анжуманида маъшуқнинг ўқи ўтайди, дейди. Ўқдан мурод маъшуқ туфайли ошиққа етадиган жабру жафолардир”. Мана шунинг ўзи кифоя.

**6. Мақсад.** Ғазал кимга қаратилган? Бу – яна ҳам мураккаброқ савол. Ғазалнинг кўпчилик мухлислари “қора кўз”ни маъшуқа қиз, ғазалнинг ўзини эса ишқий, аниқроғи, дунёвий муҳаббатга бағишланган, деб тушунадилар. Навоий дунёқараши билан чуқурроқ таниш кишилар эса “Навоий ғазалида аёл кишига мурожаат этади, аммо ғазалда кўйланаётган ишқ – пок (платоник) муҳаббатдан иборат”, дея хулоса чиқарадилар. Ғазални ҳатто тасаввуфий маънода талқин қилишга уринишлар ҳам бўлди. Алибек домла юқорида зикр этилган китобининг шу ғазалга бағишланган “Қорақўз ким?” бобида ёзадилар:

“Мана шу ғазалга оммавий ахборот воситаларида турлича шарҳлар берилди. Буларда маъқул фикрлар билан бирга номаъқуллари ҳам баён этилди. Шулардан бири Навоийнинг манзури йигит эмас, қиз деб тушунтириш, иккинчиси, энг номаъқули – инсон эмас, худо деб талқин қилиш бўлди”. Сўнг ғазални байтма-байт изоҳлагач, “энг номаъқул” фикрни бирон-бир баҳсга ўрин қолдирмайдиган қатъийлик билан рад қилиб, давом этадилар: “Энди Навоийнинг бу ғазалидаги манзури йигитми, қизми, деган саволга йигит деб жавоб беришимиз керак бўлади. Чунки ит билан ўқдан унинг овчилиги маълум. Унинг йигитлигини тан олмасликка ҳаракат қилиш Навоийнинг ишқи маънавий ишқ эканлигини ҳисобга олмаслик натижасидир”.

Мумтоз адабиётни тушуниб етишда биз домлага шоғирдликка ярашимиз ҳам даргумон. Шунинг учун уларнинг фикрларини тан олишга мажбурмиз. Албатта, “энг номаъқул” талқин хусусидаги хулосанинг тўғрилигига шак-шубҳа йўқ: “Қаро кўзум”ни илоҳий ишқ йўналишида талқин этиш – Навоийнинг дунёвий мавзусидаги деярли барча асари ҳақида “тасаввуфга оид” деган ёндашувнинг бир намоёни бўлиб, ҳозир, чамаси, бундай “мода”нинг даври ўтди.

Шу билан бирга “Қорақўз ким?” деган саволга домланинг “овчи йигит” деган жавоби ғазалдаги от, ит ва бошоқлик ўқ образларига асосланаётгани учун бу сафар вазият бироз бошқа. Ҳарқалай, шоир мурожаат этаётган шахс “овчи ёки овдан қайтаётган йигит киши” деган хулоса учун асос биринчи хулосадагичалик қатъий



бир қийматли эмас. Шундан келиб чиқиб, Алибек домланинг фикрларини “ғазалнинг тарихий-илмий талқини” деб ҳисоблаймиз, аммо ғазалда шоирнинг манзури ким эканлиги бевосита ва аниқ айтилмаганини назарда тутиб, бошқа талқинларга имкон сақланишини қайд этамиз. Жумладан, шоир мурожаат этаётган шахс – аёл, шоирнинг манзурасидир, деб тушуниш “эркин бадий талқин” деб қабул қилиниши мумкин. (Бу йўналишда Эркин Воҳидовнинг шарҳлари машҳур.) Зотан, Шарқ бадий адабиётида шартлилик кучли эканлиги яхши маълум. (“Итинга ғамзада жон риштасин расан қилғил” мисраси ана шу шартлиликнинг бир намунаси.)

Нима сабабдан Навоий “Қаро кўзум” ғазали адресатини мунозараларга ўрин қолдирмайдиган тарзда конкретлаштирмаган эканлар? Масалан, иккинчи байти:

Оти саркаш, тўни заркаш, ҳусни дилкаш, нутқи хуш,  
Кўрмадук бу навъ маъваш чобуку раъно йиғит, —

бўлган ғазалидаги каби?

Бунда бир ҳикмат бўлиши керак.

Навоий учун ғазал объекти балки сўхбатини ёқтирадиган ёш йиғит, айтишлик, теурий шахзодалардан бири бўлгандир, балки узоқ вақт кўрмаган дўстидир, балки кўнглига мақбул бўлган таниш қиздир. Ҳарқалай, ов, овчининг оти, ов қуроллари – буларнинг барини кўчма маънода аёл образига мувофиқ тарзда талқин этишга имкон бор. Лекин ғазал объектининг жинси Навоий учун муҳим бўлмаган бўлса керакки, шоир уни конкретлаштиришни лозим топмаган.

Бу ўринда Алибек домланинг ўзлари йўл кўрсатадилар: “Маънавий ишқда жинс ва ёшнинг аҳамияти бўлмайди. Ёш ошиқнинг маъшуқи бир нуруний чол ёки кампир, қари нозирнинг манзури ёш ўғлон ёки қиз бўлиши мумкин”. Яна шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, ғазалда бирор марта бўлсин “ишқ”, “муҳаббат” сўзлари, ҳатто уларга маънодош ва ўзакдош сўзлар қўлланмаган (қўшиқ номи – “Ушшоқ” – кейин пайдо бўлган). Шуларга асосланиб хулосага келамиз: **ғазалнинг мақсади – конкрет жинсли ва ёшли маъшуқ эмас, умумлаштирувчи (абстракт) манзур сиймосига мурожаатдан иборат.**

**7. Руҳият.** Яна замонамизга қайтайлик. Шундай ҳақли савол туғилади: Хоҳ маънавий бўлсин, хоҳ дунёвий – ишқий мавзудаги қўшиқлар жуда сероб, ғазаллар эса яна ҳам кўп. Лекин нима учун мураккабланиб, у қадар тушунарли эмаслигига қарамай, айнан “Қаро кўзум” бу қадар жозиба кучига эга? Бу қўшиқни устоз Юнус Ражабий ижросида тинглаганда ёки бугун Муножот Йўлчиева куйлаганда нима учун киши бу қадар мутаассир бўлади? Бу қўшиқдан таъсирланадиган, завқ оладиган, уни севиб тинглайдиган кишиларнинг кўпчилигидан маънавий ишқ гоёси ҳам, абстракт маъшуқ образи ҳам, “анжумани шавқ” тушунчаси ҳам анчайин йироқлиги тайин.

Буни шундай изоҳлаш мумкин: “Қаро кўзум”га ва у орқали “Ушшоқ” кўшиғига оддий (яъни, бевосита нутқий) информациядан ташқари, бетақрор руҳий информация ҳам жо бўлган. Албатта, руҳий информациянинг моддий ташувчиси барибир сўз, нутқ, лекин алоҳида-алоҳида сўзлар ёки жўн мисралар эмас, балки фавқуллода ҳолат муносабати билан илоҳий илҳом таъсирида инсон қалбида мавж урган туйғуни беназир ғазалга айлантирган Навоий каломидир.

**Бу туйғу – соғинч туйғусидир.**

Энг оддий, шунинг учун жажжи болакайдан тортиб ёши юздан ошган мўйсафидгача, фарзанди шаҳарга кўчиб кетган онадан туғилиб, ўсган қишлоғини кўмсаётган ёш шоиргача, жудур кийимли ўксик нотавондан тортиб сўшпайиб ёлғиз қолган мультимиллионергача, барча-барчага хос бўлган туйғу – соғинч, кўмсаш, интизорлик, ностальгия. Нафақат инсонга, балки жониворларга, ҳатто баҳорга интиқ майсаю дарахтларга ҳам нисбат берса бўладиган категория.

Тасаввур қилайлик, соғиниб-соғиниб, охири соғинч “фироқ тоғи”га айланган, армон бўлиб дилининг тубига чўккан одамнинг рўпарасидан даб-дурустдан соғингани (маъшуқи, маъшуқаси, дўсти, жигари ва ҳ.к.) чиқиб қолди. Мана шундай вазиятда ҳосил бўладиган туйғу ғазалда олий поэтик маҳорат билан ифода этилган.

Ҳаяжондан энтиккан лирик қаҳрамоннинг кўзи даставвал “маъшуқ”нинг кўзи билан тўқнашади:

Қаро кўзум, келу мардумлиг эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Кейин унинг юзига разм солади, сўнг назари қадди бўйлаб сирғалади:

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан.  
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.

Шоир, гўё фироқнинг айбдоридай, унинг “оти”га (замонамизда, масалан, автомобилга, тайёрасига) ва “ити”га (қўпол бўлса ҳам мисол: ҳамроҳи, кузатувчисига) кўз қирини ташлайди:

Таковаринга багир қонидин хино боғла,  
Итинга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Шоирнинг нигоҳи бир лаҳза “маъшук”нинг оёғи остидаги туфроққа қадаладию, бўғзидан нидо отилиб чиқади:

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,  
Хамир этиб яна ул тоғда кўҳкан қилғил.

Кейин назари унинг чеҳрасига қайтади ва юзини сийпалаётган, елкаларида солланиб турган кокилларига разм солади:

Юзунг висолига етсун десанг кўнгулларни,  
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилғил<sup>1</sup>.

Вақт эса беаёв, югурик дарёдай оқаверади, у билан умр ҳам ўтиб боради. Шундай экан, дийдор ғанимат, уни қадрлаш лозим:

Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монизъ,  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Соғинч туйғуси шу даражага кўтарилиши мумкинки, интизор “манзур”нинг висолига етишганидан ўлимга ҳам рози, унинг учун энди ўлим ҳам фарахбахш:

Ўзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени  
Гуллуб ила юву гул баргидин кафан қилғил, —

бу ғазалнинг қульминацияси. У айни кўшиқнинг авжига тўғри келиб, куйловчининг ҳам, тингловчининг ҳам қалбини ларзага солишга қодир.

Ғазал гениал шоирнинг ўзига ўз мурожаати билан яқунланади:

Навоий, анжумани шавқи жон аро тузсанг,  
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

“Хазоин ул-маоний” девонларидаги барча ғазаллар тоқ сондаги байтлардан ташкил топган. Навоий буни қитъаларидан бирида алоҳида таъкидлайди:

Навоий шеъри тўққуз байту ўн бир байту ўн уч байт,  
Ки, лавҳ узра қалам зийнат берур ул дурри макнундин<sup>2</sup>.

Буким албатта етти байтдин ўксук эмас, яъни  
Таназул айлай олмас<sup>1</sup> рутба<sup>2</sup> ичра етти гардундин<sup>3</sup>.

Янглишмасак, биргина “Қаро кўзум” саккиз байт. Бу таажжубли ҳолат, албатта. Уни фақат шундай изоҳлаш мумкин: ғазал илҳомнинг бир эпкини билан туғилган ва шу ҳолатда қорозга битилган; унга турки берган ҳодиса Навоий учун азиз хотирот бўлган бўлса керак, тўққиз байтга тўлдиришни лозим топмаган.

Ҳақиқатан, санъатнинг юксак намунаси яратилишиданоқ мукамал бўлади ва давр ўтиши билан бу сифатини сақлайди.

<sup>1</sup> Бу байт ғазал адресати аёл бўлиши ҳам мумкинлигига яна бир асос беради: агар “боштин-аёғ”ни “ҳаммаси” деб тушунилса, жинсга нисбатан бетарафдир, бордию унинг маъноси “бошдан то оёққача” дейилса, унда сочи тақдимиғача тушадиган қизларга хос белги бўлади.

<sup>2</sup> Д у р р и м а к н у н — яширин дур, инжу.

\* \* \*

Муҳташам сарой. Салобатли залга нозиктаъб жамоа йиғилган. Кўпчилиги ёшлар. Оврупача маданият соҳиблари ҳам оз эмас. Ора-сира хорижлик меҳмонлар кўзга ташланади. Йиғилганларнинг кайфияти кўпроқ шўх ва ўйноқи номерларга мойил. Лекин навбати келган бўлса керак, саҳнага миллий кийимдаги ҳофиз чиқиб келди, студни микрофондан йироқлаштириб, унга омонатгина қўнди. Танбурини бир-икки чертиб созлагандай бўлдию ёнига келиб жойлашган дуторчи жўрлигида “Қаро кўзум” қўшиғини бошлади. Мумтоз шеърят, оғир-босиқ мусиқа. Ҳазми энгил эмас. Шунинг учун залнинг руҳияти сустлашди. Айрим қиёфаларда “роса чўзмасайди” деган норозилик аломатлари қалқиди. Кўпчилик “чидаб ўтказамиз-да энди” дея ўзаро шивирлашга тушди.

Ҳофиз кўзларини ярим юмиб, залдагилар билан иши йўқдай, қўшиқни гўё ўзи учун қуйлар, фақат ўзига маълум объектга қарата нола қилар эди. Овози баланд эмас, ширали ҳам деб бўлмасди. Устига-устак, микрофон бўйинини чўзган билан ночор, овозни кучайтиришга қурби етмасди.

Ажабо, зал бироз тараддулланиб бўлса-да жимиб, сўнг оҳиста сув қуйгандай сукутга чўмди – кетма-кет кучайтиргич билан ижро этилган оҳангларнинг қулоқни қоматга келтирувчи товушига ўрганган томошабин аҳли учун жонли овоз ғайритабиий туюлди, шекилли, унда микрофонсиз айтишга журъат қилган ҳофизга қизиқиш уйғонди. Ҳофиз эса вужудининг ҳар бир ҳужайраси билан қуйлаётгандай, қўшиқ сўзларига маст бўлиб, ғазал руҳиятининг уммонига шўнғиб борар эди. Пардадан пардага, байтдан байтга ўтган сайин қўшиқнинг сеҳрли жозибаси залдагиларнинг мудроқ, атайин мудратилган қалбларига йўл топиб, завқини қамраб ола бошлади.

Энди кимдир унинг оҳангига мос тебранар, кимдир лабларини қимирлатиб, ўзича жўр бўларди, кимларнингдир эса кириклари намланди...

Ҳофизнинг овози кучайиб, микрофонсиз ҳам залнинг энг олис бурчакларигача чулғади. Ҳатто шифтга осилган улкан қандил резонансга тушиб тебрангандай туюлди. Ҳофизнинг аввал пешонасида, сўнг юзларида тер инжулари йилтиллади.

Қўшиқ авжига кўтарилганда эса уни маржон-маржон тер босиб бўлган эди.

Ниҳоят қўшиқ тугади. Лекин ҳофиз туришга шонилмади, танбурини тиззасига тираб, унга таянганча кўзларини юмиб қимирламай ўтирди. У гўё “вақтларингизни олганим учун узр” демокчига ўхшарди. Зал ҳам ҳаракатсиз қутганча қотди. Ўн-ўн беш сония ўтгач, у ер-бу ердан чапак товуши чиқди. Сўнг, худди сигнал кутиб тургандай, ҳамма баравар чапакка қўшилдию зални гулдирос босди. Ҳофиз энгил тортиб, лаблари майин жилмайишдан қимтинди. Сўнг қўзғалиб ўрнидан турди ва чуқур, самимий таъзимга эгилди.

Ҳофиз дуторчи билан парда ортида қўздан ғойиб бўлди ҳамки одамлар қарсақни тўхтатмадилар. Лекин энди олқишлар ижрочининг маҳоратидан кўра кўпроқ қўшиқнинг ўзига қаратилган эди. Йўқ, одамлар қўшиқни тинглашга муяссар бўлганлари учун ўзларини олқишламоқда эдилар.

*Абдулла АЪЗАМОВ.*



<sup>1</sup> Ганаззул айлай олмас – кам эмас, паспта тушмас.

<sup>2</sup> Рутба – мартаба.

<sup>3</sup> Етти гардун – етти осмон.

# Чин ўзбек иши ҳақида чин тадқиқот

*Алишер Азизхўжаев. Чин ўзбек иши. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси “Академия” нашриёти, Тошкент. 2003 йил.*

**М**уаллиф китобхонлар ихтиёрига тақдим этган мазкур тадқиқотда гоят долзарб муаммо — миллий мустақилликни қўлга киритиш, уни асраб-авайлаш, буюк келажак сари янги йўл белгилаб олиш Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов номи ва фаолияти билан тигиз боғлиқ эканлиги ва бу тарихий жараён қандай содир бўлгани, ҳозирда қай тарзда кечаётгани чуқур, тарихий фактлар асосида таҳлил этилган. Бу улкан муаммо янгича ёндашувлар асосида ёритилар экан, бу ишга доир зарур факт, тафсилотлар, хотиралар жалб этилади, уларнинг синтези негизида муайян илмий хулосалар чиқарилади. Хуллас, ана шу ишончли йўл — ҳолисона тадқиқот йўли асарда ўз мужассамини топган.

Бизнингча, мазкур тадқиқот ўзининг моҳият эътибори, баён ва талқин характерига кўра китобхонларнинг ҳодисаларга теран назар солиш, уларга ҳолисона баҳо бериш, тарихимизнинг тажрибаларидан оқилона фойдаланишида жуда қўл келади. Маълумки, фан фақат янги фактларни тадқиқ этиш ҳисобига кўра ривожланиб қолмайди, балки илгариги қарашларни, хулосаларни қайта кўриб чиқиш, уларга янгича ёндашув ва қайта баҳолашлар ҳисобига ҳам ривожланиб боради. Мазкур тадқиқотда бунинг яққол исботини кўриш мумкин. Муаллиф яқин ўтмишимизнинг тадқиқотчилар ўрганишга журъат эта олмаган қирраларини, илмий истеъмомга ҳеч қачон киритилмаган қатор факт, ҳодисаларни дадил тадқиқ этган, уларнинг чин моҳиятини янгича ёндашувлар асосида ёритишга ва баҳолашга эришган. Тадқиқотчи кўп соҳаларга тааллуқли тарих саҳифаларининг чинакам илмий

манзарасини яратган ва тўла маънода биз билмаган тарихимизни биз чинакамига билаётган тарихга айлантирган. Бу тадқиқотнинг энг эътиборли жиҳати ҳам ана шунда.

Тарихчи олимларимизнинг янги авлоди яратган тадқиқотлар туфайли ўтмишимизда юз берган муайян ҳодиса, фаолият кўрсатган тарихий шахслар ҳақидаги тасаввурлар тиниқлашиб, аниқ чизгилар тобора кўпроқ бўртиб борапти.

“Чин ўзбек иши” китоби мажмуа характерига бўлиб, унинг таркибини йирик учта боб ташкил этади. (Бобларда ўз ифодасини топган мавзулар мантиқан бир-бири билан уланиб кетган.) “Биз билган ва билмаган тарих” деб аталган биринчи бобда “қизил аждаҳо комида” — шўролар даврида халқимиз бошидан кечирган аламли зуғумларни унутмаслик ҳақида сўз юритар экан, муаллиф муҳим бир фикрни қайд этади: “Истиклолимиз кўп йиллик курашлар, беҳисоб қурбонлар, минглаб кишиларнинг изтироблари ҳосиласидир” (5-бет).

Чиндан ҳам, Президентимиз таъкидлаганидек, мустақиллик **“осмондан тушган шунчаки неъмат эмас”**. **“Биз учун энг асосий, энг муҳим устивор мақсад, — деган эди Юртбошимиз, — тенгсиз олий неъмат — мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустақамлаш бўлиб қолаверади”**.

Муаллиф, зўравонлик билан тарих саҳнасига чиққан мустабид шўролар ҳокимиятни янги русум номлар билан омма қаршисида ўзини адолатпарвар ҳукумат қилиб кўрсатишга жон-жаҳди ила уринганини тарихий фактлар, қонли ва аламли воқеалар мисолида дадил кўрсата олган. Шу муносабат би-

лан асарда хўрлик кунларини йиғлам-сираб кўмсаётганлар орамизда йўқ эмаслигига эътибор жалб этилади. Ўша палла — ўтган асрнинг 70-80-йиллари уни алоҳида энтиқиш билан кўмсовчилар наздида гўё “ўзимиз сезмай ўтказиб юборган коммунизм даври” бўлган эмиш. Китобда мустақиллик йилларида ошкор бўлиб қолган тарихий ҳақиқатни, айниқса 30-50 йиллардаги қатағонлар, “пахта иши” билан боғлиқ бўлган сўнги кирдикорларни хаспўшлаётган бундай кимсалар “ривожланган социализм йиллари”ни шўролар давлатининг қонли тарихидан ажратиб эшлашга уринишлари таъкидланади. Муаллиф бу ҳақиқатни шунчаки қайд этиш билан чекланмай, уни кўплаб тарихий фактлар, ишонарли далиллар асосида кўрсатиб беради.

Тадқиқотнинг ушбу бобида шўроларнинг собиқ иттифоқи республикаларга нисбатан ўтказган узлуксиз хўрлов ва зўрлов сиёсати ва бу сиёсат ўта маккорона усулда амалга оширилгани кўрсатилади. Муаллиф бу сиёсатнинг моҳиятини энг аввало кадрлар мисолида таҳлил этади. Собиқ марказ барча республикаларни ўз панжасида тутиб туриш ниятида миллий кадрларни бошқаришда қандай **қабих усуллардан фойдаланганлиги** ишончли далил ва фактлар асосида очилади ҳамда ўша қабих усуллар номма-ном таърифланади. Айни вақтда Марказнинг кадрлар сиёсати амалиётда ўта шовинистик тус олгани кўрсатилган. (Марказдан “вакиллар отряди жўнатиб, ёрдам бериш”, Комфирқанинг республикалардаги барча иккинчи котибларини Москвадан юбориш кабилар.)

Китобнинг “Чин ўзбек иши” деб номланган мақоласининг баён услуби, мазмуни, илгари сурилган хулосалари алоҳида диққатга лойиқдир. Мазкур лавҳада марказдан келган қонун “посбонлари”нинг кирдикорлари ошкор этилади. Муаллифни ўзимиз гувоҳи бўлган энг янги тарихимизни баъзида бузиб талқин этилаётгани, айрим сохта “қаҳрамонлар”нинг ўзларини мустақиллик учун курашчи деб тақдим этаётганликлари ташвишлантиради.

У ўз тадқиқотида тарихимизни бундай бўзиб талқин қилишлар ёшлар тарбиясига путур етказиши мумкин-

лигини таъкидлаб, ишонарли далил ва фактлар мисолида яқин тарихимизнинг яна бир саҳифасини холис ёритади. Гарчи “ўзбеклар иши” ҳақида мустақиллик даврида қатор адабиётлар эълон қилинган бўлса-да, лекин айни воқеа тафсилотлари, қонунбузарликлар масаласи ҳамон ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Китоб муаллифи ана шу бебошликларнинг чин моҳиятини, уларнинг ижрочилари кимлар бўлганини исботлаб беради. Ўзбекистоннинг ҳуқуқ-тартибот органлари тизими, айниқса, республика прокуратураси қай тарзда марказдан юборилган “вакиллар” билан булганганлиги китобда ишонарли кўрсатилади.

Муаллиф рисолада марказ Гдлян-Иванав гуруҳининг қонунга хилоф фаолиятини яшириш мақсадида республика прокуратураси тизимига “десант” юбориш билан чекланмай, Ўзбекистон Комфирқаси Марказий Комитетига ўз одамларини тиқиштиргани ва бу кимсаларнинг асосий иши — прокурор қийимидаги қонунбузарларни ҳимоя қилишдан иборат бўлганини айтади. Мана шундай оғир ва халқ учун аламли бир вазиятда Ўзбекистоннинг янги сайланган раҳбари И. Каримовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли “ўзбеклар иши”, “пахта иши” деган уйдирмалар туфайли таҳқирланган ўзбек халқининг миллий гурури тиклангани, юрт ва элнинг ҳақиқий мустақилликка эришгани асарда ёрқин ифода топган.

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг қатъий ҳаракати туфайли биринчи бор республика прокурори мамлакат раҳбарининг хоҳиш-иродасига кўра тайинланди. Бу фавқуллодда муҳим тадбир Ўзбекистонда қонунларнинг устиворлигини таъминлаш, халқимиз ҳуқуқларини бундан буён ишончли ҳимоя қилиш, айниқса, “пахта иши” бўйича қатағонга учраган, ноҳақ жабрланган фуқароларнинг ҳуқуқини тиклаш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Муаллиф республика прокуратураси органлари мустақиллигининг таъминланиши ўта оғир, гоят мураккаб вазиятда кечгани, Юртбошимиз энг тўғри ва оқилона йўлни танлай олгани, миллат ва мамлакат бу йўлдан ишонч билан боранлагининг хайрли натижаларини таърифлайди. Бу

ҳақиқатни чуқур англаш зарурлиги ўз-ўзидан равшан.

Китобдаги “Марказнинг фирром ўйинлари” деб номланган мақола мазмунан бундан аввалги лавҳанинг мантикий давомидир. “Қурбон талаб қилинарди” деб бошлайди муаллиф ўз мулоҳазаларини. Марказ “тарих тажрибасига суяниб” бу сафар қурбон сифатида Ўрта Осиё республикалари орасида Ўзбекистонни танлагани ва бунда ўша даврда республика тепасида қанақа раҳбар турганлигини ҳисобга олгани таъкидланади. Муаллифнинг мазкур мулоҳазалари мағзидан, асосан, республика ички ишлар тизимида рўй берган нохуш ҳодисалар, уларнинг сабаб ва оқибатларини ҳолисона ёритиш ўрин олган. Ўша кезлари вазирлик тизимига марказдан 150 та ходим, аниқроғи, шунча қонунбузар жўнатилган эди. Кутилмаган бу меҳмонларнинг асосий нияти юртимизда ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилиш эмас, балки ўзбек халқини таҳқирлаш эвазига хизмат пиллапояларидан кўтарилишдан иборат бўлган эди.

Мажмуанинг “Ҳуқуқий қуролу ишончли қалқон” деб номланган иккинчи боби ҳар бири мустақил учта илмий-публицистик мақолани ўз ичига олган.

Бу бобда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш юзасидан олиб борилган ва олиб борилаётган ишлар таҳлил этилган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоялашнинг зарур қафолатларини яратиш, давлат қурилишини демократиялаштириш, бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кичик ва ўрта бизнес вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини ёритишга алоҳида урғу берилган.

Мазкур бобдан мустақил Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиш назарияси ва амалиётига доир назарий масалаларни ёритиш асосий ўрин олган. Эътироф этиш жоизки, мажмуа муаллифи назариятчи сифатида мустақил Ўзбекистонда давлатчилик тарихи ва назариясини ривожлантиришга жиддий ҳисса қўшган. Муаллиф мустақиллик Ўзбекистон халқи ҳаётида янги тарихий давр бошлаб берганини уқтирар экан, ўтган йиллар давомида ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш борасида тўпланган

дастлабки тажрибани умумлаштириш ва назарий хулосалар чиқаришга эришган. Вакиллик демократиясига тааллуқли энг муҳим тушунчаларни (Конституция, конституциявийлик, Президентлик, референдум, парламент ва унинг икки палаталилиги, вакиллик демократияси ва халқ демократияси, халқаро терроризм ва ҳ.) илмий изоҳлашга мазкур мақолаларда муносиб ўрин берилган. Шунинг тан олиш жоизки, муаллиф ёритиб, аниқ таърифлаб берган қатор назарий хулосалар фуқаролар, айниқса, ёш авлодда ҳуқуқий-сиёсий маданиятни оширишда муҳим рол ўйнайди. Муаллиф ғоят муҳим масалалар — республикада икки палатали парламентни шакллантириш ва Президентнинг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш масалаларини илмий жиҳатдан асосли ёритишга муносиб ўрин берган. Мақолаларда ҳақли равишда таъкидлаб ўтиладики, мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантириш масаласининг халқ ҳукмига ҳавола этилиши юртимизда демократиянинг такомиллашиб, чуқурлашиб бораётганлигининг яна бир ифодасидир. Мустақил Ўзбекистонда ўтказилаётган парламент ислоҳоти юртимизда амалга оширилаётган давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш сиёсатининг мантикий давомидир. Парламент ислохотининг чин моҳиятини очиб беришга муаллиф жуда жиддий ёндашган ва парламентнинг ҳар икки палатаси фаолиятларининг асосий вазифалари, шакллантирилиш хусусиятларини кўрсатиб берган. Айни вақтда мажмуада Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини 5 йилдан 7 йиллик қилиб ўзгартирилиши масаласи атрофлича ёритилган. Муаллиф қайд этганидек, бу муҳим масала Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ҳокимияти — парламент ислохотлари билан, икки палатали парламентнинг вужудга келиши билан бевосита боғлиқдир.

Муаллиф Президентнинг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш масаласининг қўйилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти қонуниятларига, демократик ислохотларни чуқурлаштириш мантиқига тўла мос эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Мажмуага кирган “Эркинликнинг галабасини муҳрлаган қонун”, “Конституциявийлик тамойиллари ва кафолатлари” каби мақолаларнинг асосий мазмуни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакатимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини қамраб олган. Муаллиф қайд этганидек, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституция мустақил ватанимизнинг тараққиёти учун ҳуқуқий замин яратибгина қолмай, айни вақтда демократик ривожланишнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолди. У нафақат бугунги кундаги ижтимоий муносабатларни тартибга солди, шу билан бирга Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти сари юзланишининг тамал тошини ҳам қўйди. Зеро, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини қарор топтириш соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг ҳуқуқий негизини Асосий Қонунимиз — Конституция ташкил этади.

Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборат стратегик йўлдан оғишмай бораётган Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий демократик ўзгаришлар юз бермоқда. Бу эса жамиятимиз ривожланишидаги янгиликларни Конституцияда акс эттириш заруриятини келтириб чиқарди. Мажмуадаги биз фикр юритаётган мақолаларда ана шу муҳим масала ҳам атрофлича ёритилади. Мажмуа муаллифи Конституциямизнинг ҳар бир фуқаро томонидан чуқур ўрганилиши лозимлигига диққатни жалб этади. Муаллиф таъкид этганидек, Конституциянинг мазмун-моҳиятини барча фуқаролар томонидан тўғри ва тўлиқ идрок этишга эришиш ҳуқуқий давлат қуришнинг, ҳуқуқий маданиятни кўтаришнинг муҳим омилдир.

Мажмуадан мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти муаммоларига эмас, шу билан бирга иқтисодий аҳволи, иқтисодий ислохотлар боришининг таҳлили ҳам ўрин олган. Китобнинг сўнгги, учинчи бобида (у “Миллат дардида ёниш” деб номланади) муаллиф Ўзбекистоннинг мустақил молия тизими, пул муомаласи, солиқ, банк тизимлари қандай қийинчиликлар ва тўсиқларни енга бориб барпо этилганини изоҳлайди. Чиндан ҳам мамла-

кат мустақилликка эришиш арафасида унинг молия, солиқ, банк ва пул муомаласи соҳалари инқироз ҳолига тушиб қолган эди. Мазкур бобда мамлакатнинг бутун иқтисодиёти бу жарликдан тадбиркор Юртбошимиз раҳбарлигида қандай олиб чиқилгани ва қандай қилиб мустақил молия, банк, пул муомаласи ва солиқ тизими асослари яратилгани жараёни конкрет далил, фактларга асосланиб ёритиб берилади.

Дарҳақиқат, бу муҳим ҳаётий соҳадаги муваффақият осонликча қўлга киритилгани йўқ. Мустақил Ўзбекистоннинг бу ютуқлари республика раҳбариятининг узоқни ва оқибатни олдиндан кўриб ўтказган тўғри иқтисодий сиёсати самараси бўлди. Натижада Ўзбекистон жаҳон молия-кредит сиёсатини белгиловчи энг нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишга муваффақ бўлди.

Китобда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни, нуфузи, роли масаласи ҳам четлаб ўтилмаган. Бу долзарб мавзу “Ўзбекистон 2002 йилда: жаҳон эътирофи, эътибори, эҳтироми” деб аталган мақолада ёритилган. Муаллиф мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан алоқалари масаласини конкрет алоҳида бир йил — 2002 йил мисолида чуқур таҳлил этади ва бу масалага доир кўплаб аниқ фактлар, воқеаларни бир ипга тизади, мантикий хулосалар чиқаради. Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президентининг оқилона ва тўғри ташқи сиёсат ўтказгани туфайли жаҳоннинг йирик иқтисодий, ҳарбий, сиёсий нуфузга эга бўлган давлатлари Ўзбекистонни стратегик шерик ва ҳамкор сифатида тан олишларига эришилди. 2002 йил Ўзбекистон ташқи сиёсатида ўзига хос бурилиш йили бўлди. Шу боис, муаллифнинг 2002 йил — жаҳонда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг эътирофи, эътибори ва эҳтироми йили бўлди, деган хулосаси тўла асосга эгадир.

Китоб ниҳоясидаги мақола “Ониким йўқ халқ ғамидин ғами” деб номланган. Бу кичик ва камтарин лавҳа амалда бутун тадқиқотга умумий мантикий яқун ясайди. Муаллиф мазкур асарда баён этган барча ютуқлар кимнинг номи, собитқадамлиги, саъй-ҳаракатлари, тадбиркорлиги, закова-

ти ва назарий мардлиги билан боғлиқ эканлиги ҳақида сўз юритади. Дарҳақиқат, ўзбек халқи ўз Президентини мустақилликнинг байроқдори ва меъмори, бунёдкори сифатида улуглаб, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги барча улкан муваффақиятларни унинг номи ва жўшқин фаолияти билан боғламоқда.

Тадқиқотда мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти портретига берилган чизгилар ўзининг ишонарлилиги билан диққатни жалб этади, портретнинг ҳар бир чизгиси воқеий, ҳаётнинг ўзидан олинган фактдалиллар билан йўғрилган. Шу муносабат билан муаллифнинг китоб сўнгидаги мана бу сўзларини келтириб ўтишни лозим топамиз: **“...Бу инсон ҳам сизу бизга ўхшаш одам эканини унутмайлик, бизни ўйлаб қилинаётган машаққатли ва масъулиятли ишларида унга елкадош бўлайлик. Бунинг учун катта-катта минбарлар ва ойнаи жаҳондан туриб, Юртбошимизнинг айтганларини шунчаки қайтариб, сохта обрў кетидан қувмайлик. Бунинг учун улар-**

**нинг айтганларини, орзу-умидларини рўёбга чиқаришга бел боғлайлик”**. Муаллифнинг бу нидоси ўзбек халқининг қалбидан отилиб чиққан даъватдир, десак янглишмасмиз.

Ишончимиз комилки, мазкур тадқиқот туфайли тарихчи, умуман жамиятшунос мутахассислар мустақиллик даври тарихини, ана шу даврда ва унинг арафасидаги воқеалар ривожини ёритишда қимматли манба олдилар. Ҳеч шубҳасиз, мустақил Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, бу тарихни ўрганишда ушбу китоб ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди. Ундан умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ўқув юртлари, олий мактабларнинг Ўзбекистон тарихи, “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”дан сабоқ берувчи муаллимлари, ўқувчилар ва талабалар фойдаланиб, кўп наф кўришларига ишончимиз комил. Олий ўқув юртлари тарих факультетлари талабалари ва магистрлари учун бу китоб уларнинг махсус семинарлари учун қимматли қўлланма бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

*Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими, тарих фанлари  
доктори, профессор.*

*Примкул ИСРОИЛОВ:  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
халқ таълими ходими, тарих фанлари  
номзоди, доцент.*





Роберт ШЕКЛИ

## Ҳикоялар

### ЧАРХПАЛАК

— Галактикадаги энг яхши ерлар хароб бўлди-я, — буйи етти фугта борадиган дароз ва тиниқ зангори юзли мижоз огир хўрсиниб қўйди. Йирик-йирик кўз ёшлари бежирим ва, чамаси, қимматбаҳо кўйлагига томарди. Аммо чорак соатдан буён ҳасратидан чанг чиқади-ю, гап нимадалигини англаб олиш мушкул.

— Узингизни тугинг, сэр, — деди Ричард Грегор. Сўнг ёнғоқ дарахтидан ясалган қадимий ва баҳайбат ёзув столи ортида ўтирган кўйи ўзини салобатли кўрсатишга уринди. — Табиий муҳитни соғломлаштириш бўйича астрологик-антиэнтропик агентлик — қисқача “ТМСБ-ААА” жамики муаммоларингизни ҳал қилиб беришга тайёр.

— Сэр, мабодо бизга бошингизга қандай иш тушганини тушунтириб бера олмайсизми? — деб сўради Арнолд ўз навбатида хушмуомалалик билан.

Мижоз ҳануз ўпкаси тўлиб, ўзини тутолмасди. Ва ниҳоят, супрадек дастрўмол билан кўз ёшларини артиб бўлгач, “ТМСБ-ААА” фирмасидаги шерикларга умидли нигоҳини қадади.

— Уйим куйди! — дея яна зорланишга тушди у. — Хонавайрон бўлдим! Энг яхши экинзорларим-а...

— Аҳволингизни тушуниб турибмиз, сэр, — дея унга далда берди Грегор, — аммо айтинг-чи, хонавайрон бўлишингизнинг сабаби нимада?

Мижоз, ниҳоят, ўзини қўлга олиб, ҳикоясини бошлади:

— Сир сайёрасининг Битгер-Лаг шаҳри яқинида фермам бор. Саккиз юз акрга яқин майдонга ғалла ва бошқа хил экинлар экканман. Шу ойда улар униб чиқиши керак. Аммо улар униб чиққан заҳоти лаънати каламушлар битга қолдирмай еб ташлайди.

— Каламушлар дейсизми? — ажабланиб сўради Арнолд.

— Ҳа, кемирувчиларнинг алфикс дрекс оиласига кирувчи тури бизда шундай деб аталади. — Кўз ёшлари яна қуйилиб, мижоз дастрўмолини олди. — Айниқса шу йил каламушларнинг ҳақиқий босқини бўлди. Менинг далаларимда ғужғон ўйнаб ётишибди. Уларни йўқотиш учун барча чоратдбирларни кўриб чиқдим, бироқ бу махлуқнинг ўлишидан туғилиши кўпроқ экан. Ҳосилни йиғиштириб ололсам, катта даромад кўраман ва сизларга, жентлменлар, агар шу балодан халос қилолсангиз, жуда яхши ҳақ тўлайман.

— Сизга ёрдам беролсак керак, — деди Арнолд ишонтириб. — Турган гапки, аввалига шарт-шароит билан танишиб чиқишга тўғри келади. Нимага дуч келишимизни олдиндан билганимиз маъкул-да.

---

Роберт Шекли (1928 йилда туғилган) — америкалик машҳур фантаст-ёзувчи. Университетни тамомлагач, Кореяда жанг қилган. 1952 йилдан бери ҳикоялари матбуотда чоп этила бошлаган. Ижодининг илк давриданоқ қисқа ҳикоя жанрида донг таратган. Ажойиб юмори, фаройиб ва кутилмаган (О.Генрича) якуни билан ўқувчилар назарига тушган.

— Бошқа фирмадагилар ҳам шундай дейишганди. Бироқ фурсат ғанимат, — деди сирлик ўкинч билан. — Экинларимга бутун бойлигимни тикканман. Яна икки ҳафтадан кейин улар униб чиқади ва шу заҳотиёқ каламуш балосига дучор бўлади. Жентлменлар, сизлар бу офатни экинлар униб чиққунча даф қилмоғингиз керак.

Грегорнинг озгин от юзида қувонч аломати сезилмайди. У бирон қарорга келишда ва хатти-ҳаракатларида ўта эҳтиёткор бўлиб, ҳозиргига ўхшаш шоша-шошарликни ёқтирмасди. Арнолд ўзига ортиқча ишониши ва мақтанчоқлиги оқибатида амалда бажариб бўлмайдиган шартномалар тузар ва шунинг касрига фирма қарийб доим зарар кўрарди. Грегор бунга имкон қадар қаршилиқ кўрсатиб келади. Бироқ, бир томондан, ангиэнтропик агентлик фаолияти каби ишни бошлаб қўйган бўлсанг-у, иккинчи томондан, чўнтагингда шамол ўйнаб юрса, таваккал қилишга ҳам тўғри келаркан, чоғи. Тўғри, кейинги пайтларда уларнинг омади юришиб, унча-бунча даромад ҳам йиғилиб қолди, лекин барибир Грегор ўйлаб қадам босиш тарафдори эди. Шу боис ҳам шеригининг нигоҳи ғалати чақнаётгани уни шубҳага соларди.

Мижознинг ўзига-ку ишонса бўладиган кўринади, бироқ Грегорни бу дудмал иш нима билан якунланиши хавотирга соларди. Ким билади дейсиз, балки каламушлар аслида қўлларида бластер туган норғул қароқчилардир. “ТМСБ-ААА” фирмасида шунга ўхшаш ногаҳоний ҳоллар ҳам учраб турган.

— Дала зараркунандалари билан курашишга авваллари ҳам уннаб кўрганмисиз? — деб сўради у сирликдан.

— Бўлмаса-чи. Аммо учувчи висюклар, ўрмаловчи скеглар ёки оддий гнилга қарши кураш унчалик муаммо эмас. Булар фермер ўрганиб қолган ташвишлар.

— У ҳолда нега энди каламушлар муаммога айланиб қолди?

— Мен қаердан билай! — дея тўнғиллади сирлик жаҳл аралаш. — Очигини айтишлар, пул ишлаб олишни хоҳлайсизларми, йўқми?

— Албатта-да! — деди Арнолд шоша-пиша. — Ҳозироқ иш бошлашга тайёрмиз...

— Аввал шеригим билан маслаҳатлашиб олишимиз керак! — Грегор суҳбатни шартга бўлиб, Арнолдни йўлакка судраб чиқиб кетди.

Калтабақай ва дўмбоқ Арнолд ҳар доимгидек ғайрат-шижоатга тўлуғ. Уни, дипломи кимёгарни ҳамма-ҳамма нарса қизиқтиради. Мияси ўнлаб илмий ва техник журналлардан олинган энг ғаройиб маълумотларга гиж-гиж тўла, бу журналларга обуна бўлиш эса фирма маблағига зарар етказмай қолмайди, албатта.

Аммо буни қарангки, шу тарзда тўпланган маълумот амалда фойда келтирмайди. Чунончи, Арнолд Денеб-Икс сайёрасининг тубжой аҳолиси ўз жонига ялпи қасд қилишнинг энг самарали усулини зўр бериб излаши ёхуд Дрей юлдуз туркумидаги ҳайвонот олами учувчи турларнинг ўзидангина иборат эканининг сабаби кимни ҳам қизиқтирарди дейсиз.

Бироқ, шундай бир одам топилиб қолгудек бўлса, Арнолд жон-жон деб ўз билимидан баҳраманд қилиши турган гап.

— Ҳўш, бу гап қандай чигал муаммога рўпара келаркинмиз? — деди Грегор дўстига қараб. — Алфикс дрекс оиласининг ўзи нима?

— Кемирувчиларнинг бир тури, — деди жавобга шай Арнолд. — Бизнинг Ердаги каламушлардан сал кичикроқ ва у қадар тажовузкор эмас. Утхўр, далада, майсазор ва бугазорларда яшайди. Дикқатни тортадиган ҳеч нимаси йўқ.

— Шундай дегин. Ҳўш, у ерда бу кемирувчи ўнлаб миллион бўлса-чи?

— Янаям яхши-да. Мен жиддий гапирарман, агарда мижоз биз йўқотадиган каламушларнинг ҳар бир эллигинчисини унга келтириб беришимизни сўраганида бу ишга бош қўшмаган бўлардим. Чунки у ҳолда қолган умримизнинг барини охириг беш-олтита махлуқни излаб топишга сарфлашимиз хавфи туғиларди. Бироқ, мен тушүнишимча, биздан каламушлар сонини аввалги, бу қадар кўпайиб кетмаган пайтдаги даражасига тушириб бериш талаб қилинапти, холос. Бу ишни эса, мабодо шартномада барча жиҳатларни келишиб олсак, бемалол уддалаймиз.

Грегор бош ирғади. Шериги ишнинг кўзини билиши аҳён-аҳёнда бўлса ҳам ҳар қалай кўриниб туради.

— Биз уларни ўз вақтида йўқотишга улгура олармиканмиз? — деб сўради у барибир.

— Шак-шубҳасиз. Кемирувчиларга қарши курашнинг бир неча тури мавжуд. Шулардан бири морганлаштириш — ёмон эмас. Шунингдек, Турне тизими ҳам самарали. Мана, кўрарсан, каламушларни қириб ташлаш учун бир неча кундан ортиқ вақт бизга керак ҳам бўлмайди.

— Бўпти, — деди Грегор, — фақат, биз алфикс дрекс оиласига мансуб каламушларнинг ўзи билангина шуғулланишимиз шартномада аниқ кўрсатилиши керак. Шунда бошқа ишқал чиқмайди.

— Маъкул.

Улар хонага қайтишди. Шу заҳотиёқ шартнома тузилиб, унда “ТМСБ-ААА” фирмаси буюртмачининг фермасидаги каламушларни бир ой муддат ичида мумкин қадар кўпроқ қириб ташлаш вазифасини ўз зиммасига олди, тежаб қолинган ҳар бир кун учун шериклар қўшимча мукофот оладиган, аммо муддатдан ўтиб кетган ҳар бир кун учун жарима тўлайдиган бўлишди.

— Сизлар бу иш билан овора бўлгунингизча, мен дам олишга кетаман, — деди сирлик. — Бироқ, ҳосилни сақлаб қолишингизга чиндан ҳам ишонасизларми ўзи?

— Хавотир бўлманг, — дея уни хотиржам қилди Арнолд. — Бизда морганлаштириш ва зарарланган ерларга Турне тизими бўйича ишлов бериш қурилмалари бор. Ҳар иккала усул ҳам ниҳоятда самарали.

— Билмадим-ов, — деди мижоз, — уларни ўзим ҳам қўллаб кўрганман. Балки бирон нимасини тушунолмагандирман. Майли, бўлмаса, жентлменлар, сизларга омад тилайман.

Грегор билан Арнолд унинг ортидан ёпилган эшикка узоқ вақт тикилиб қолишди.

Эртаси куни дўстлар кемага асбоб-ускуналар, даста-даста қўлланмалар, заҳарли кимёвий моддалар, қопқонлар ва кемирувчиларни қириб ташлаш учун мўлжалланган бошқа қурилмаларни ортиб, Сир сайёрасига йўл олишди.

Бирон-бир саргузаштсиз ўтган тўрт кунлик саёҳат сўнггида эса улар, ниҳоят, Сир сайёрасининг ям-яшил далаларини ва Биттер-Лагнинг соҳил чизигини кўришди. Харитага қараб, қўниш жойини белгилаб олишди.

Мижозларининг фермаси Берни-спирит чиндан ҳам гўзал гўша экан: бир текис ҳайдалган далалар, бўлиқ ўтли майсазор, шох-шаббаси қалин асрий дарахтлар оқшомги осмон фонидида қоп-қора бўлиб, савлат тўкиб туришибди. Мўъжазгина, аммо, чамаси, анчагина чуқур анҳор эса сувининг ложувард тиниқлиги билан ҳайратга солади.

Бироқ ташландиқ ҳолат ва каламушлар босқини излари ҳам яққол кўриниб турибди. Майсазорнинг ҳар ер-ҳар ерида яланғоч жойлар кўзга ташланади, уй атрофидаги дарахтлар япроғи қуриб, қовжираб кетган. Уй ичидаги аҳвол ҳам шу: жиҳозлару деворларда ва ҳатто шифтдаги улкан тўсинларда ҳам каламуш тишларининг изи кўринади.

— Ҳа, бояқишнинг омади келмабди, — деди Арнолд мижозга ачиниб.

— Аксинча, биз бояқишларнинг омадимиз келмади, — деб унинг сўзини тўғрилади Грегор.

Улар уй ичи билан танишиб чиқишар экан, тирқишларга яшириниб олган каламушларнинг узлуксиз чийиллаши эшитиларди. Арнолд билан Грегор хоналар эшигига яқинлашганда эса ичкаридан жонҳолатда қочаётган махлуқларнинг шовқини эшитилди. Бироқ, улар ҳанузгача биронга ҳам каламушни кўришолмади, чақирилмаган меҳмонлар пайдо бўлмасиданоқ текинхўрлар қочиб қолишга улгуришарди.

Қош қорайиб, иш бошлашга кеч бўлди, бироқ Арнолд билан Грегор бу кемирувчиларга қарши қайси бири самаралироқ эканлигини аниқлаш учун тузоқларнинг барча хилини қўйиб чиқишди. Шундан кейин дўстлар уйқуқопларни тайёрлаб, дам олишга чоғланишди.

Арнолд ҳар қандай шароитда ухлаб кетишга қодир эди, аммо Грегор учун бу тун ёқимсиз кечди: бир дунё каламуш шу қадар ўйин кўрсатиб чиқдики, асти қўяверасиз. Улар полда югуриб юргани, стол-курсиларнинг оёқларига

урилишлари, эшикни гажиб, деворларга тирмашганлари яққол эшитилиб турарди. Грегорнинг эндигина кўзи илинганди ҳамки учта энг сурбет махлуқ кўкрагига чиқиб олса бўладими? Уларни сидириб ташлаб, уйқуқошпа яхшироқ бурканиб олгачина, у ҳар қалай бир неча соатга мижжа қоқа олди.

Эрталаб шериклар қопқонларни текшириб чиқиб, ҳаммаси бўшлигини кўришди.

Кемадан юкларни тушириш, Морганнинг баҳайбат қурилмасини йиғиш ва ўрнатишга бир неча соат кетди. Арнолд сўнгги қисмларни ўрнатаётганда Грегор Турне қурилмасини созлаб, уй атрофини электр симлари билан ўраб чиқди. Ниҳоят, дўстлар тайёргарликни яқунлаб, кемирувчилар ялпи қирилишини кутиб ўтиришди.

Пешин ҳам бўлди. Сир сайёрасининг мўъжазгина, лекин жазирама қуёши тиккага келганди. Морган қурилмаси ўзи билан ўзи гаплашаётгандек бетиним гувиллайди. Турне қурилмаси симларидан кетма-кет кўк учқунлар сачраб турибди.

Бошқа ҳеч нима бўлгани йўқ.

Қутиш соатлари чўзилганидан чўзилиб кетди, Арнолд кемирувчиларга қарши кураш бўйича жамики қўлланмаларни ўқиб чиқишга ҳам улгурди. Грегор титилиб кетган бир даста қарга олиб, хўмрайган кўйи пасяне тера бошлади. Қурилма унга илова қилинган йўриқномада ваъда берилганидек бир маромда ишлаб турарди. Аммо шу вақтгача у ютиб юборган электр қуввати кичикроқ бир шаҳарчани ёритишга етарди.

Ваҳоланки, бу тажриба натижасида ақалли битта каламушнинг ҳам ўлиги кўринмади.

Кечга бориб эса бу каламушларга на морганлаштиришу на турнелаштириш заррача кўрқинчли эмаслиги узил-кесил маълум бўлди. Шомлик таом ва бу ёғига энди нима қилиш кераклигини маслаҳатлашиб олиш пайти ҳам келди.

— Улар хавф-хатардан қочиб қутулишга қандай қилиб муваффақ бўлаётти экан-а? — деб сўради Грегор ташвишли қиёфада. У бир қўлида ўз-ўзидан исувчи гўшгли консерванинг очиқ идишини тутиб ўтирарди.

— Мутация, — дарҳол жавоб берди Арнолд.

— Ҳа, шундай бўлиши ҳам мумкин. Ноёб ақд, мослашувчанлик...

Грегор хаёл огушида гўшт чайнарди. Улар ўтирган ошхонада кемирувчиларнинг тирноқлари пол тирнаши, таналарининг деворга ишқаланган товуши узлуксиз эшитилиб турар, бироқ ҳанузгача биронта ҳам каламуш кўринмасди.

Арнолд олмали қандолат қоғозини очди.

— Мутация бўлганда ҳам гоят гаройиби рўй берган, жин урсин! Биз қандай бўлмасин ақалли битта каламушни тутишимиз лозим, акс ҳолда нима балога дуч келганимизни билолмай ўтираверамиз.

Бироқ ҳатто биттагина каламушни тутиш ҳам мингтасини қириб ташлашдан осон эмас экан. Махлуқлар кўринмас, қопқонга тушмас, хўрак, тузоқ ва маст қилувчи нарсаларни айланиб ўтарди.

Ярим кечага бориб Арнолднинг ҳам тоқати тоқ бўлди:

— Бу ақлга сизмайди-ку, ахир!

Грегор паришон ҳолда бош ирғади. У қопқоннинг янгича хилини ўрнатиш билан овора эди — бу металл қутининг икки томонидаги эшиклари ланг очик, бирон каламуш кириб қолса, фотоэлемент сигнали бўйича эшиклар бир лаҳзада ёпилади.

— Мана энди кўрамиз томошани, — деди тайёргарлигини тугатган Грегор мамнунлик билан. Қутини ошхонада қолдириб, ўзлари меҳмонхонага ўтишди.

Қопқон эшиклари қарсиллаб ёпилганида тунги соат икки ярим эди. Арнолд билан Грегор ошхонага отилишди. Қути ичидан шовқин, деворни тирнаш товуши ва чийиллаш эшитилиб турарди. Грегор чироқни ёқиб, қутини тикка қилиб қўйди. Кейин, сайқаланган ва силлик деворчадан ҳеч қандай каламуш тирмашиб чиқа олмаслигини жуда яхши билиб турса ҳам, юқори эшикни ўта эҳтиёткорлик билан, аста-секин оча бошлади.

Чийиллаш кучайди.

Ҳар иккала шерик ниҳоят енгилиб, қўлга тушган каламушни кўриш мақсадида қопқон ичига қизиқиб қарашди. Аммо ҳеч нимани кўришмади. Кути ичи бўм-бўш эди.

— У қочиб кетиши мумкин эмас! — дея хитоб қилди ҳафсаласи пир бўлган Арнолд.

— Металл деворчани ғажизи ҳам... Шонима, шонима? Эшитаяпсанми?

Кути ичидан ҳануз тиширилган, чийиллаган товуш эшитилиб турар, гўё каламуш қутулиб чиқишга жон-жаҳди билан уриниб, деворчаларни бетўхтов тимдالاётгандай эди. Грегор кути ичига қўлини тикиб, деворчаларни оҳиста пайпаслаб кўра бошлади.

— Ҳ-ҳў! — деб юборди у бирдан ва қўлини дарров тортиб олди.

Кўрсаткич бармоғида тишларнинг иккита кичик изи кўриниб турарди. Кути ичидаги шовқин кучайди.

— Биз кўринмас каламушни тутиб олганга ўхшаймиз, — деди Грегор саросимали бир қиёфада.

Сир сайёрасилик мижоз Катакинни-кластер сайёрасида, “Мажестик” меҳмонхонасида дам олаётган экан. У билан сайёралараро телефон орқали боиланиш учун икки соат вақт кетди.

Грегор суҳбатни қичқаришдан бошлади:

— Каламушларингиз кўринмас эканлиги ҳақида сиз умуман оғиз очмадингиз-ку?!

— Бе, наҳотки? — сирлик ажабланди. — Начора энди, паришонхотирликда. Хўш, бу билан нима бўпти?

— Гап шундаки, шартномани сиз буздингиз! — Грегор ҳануз бақирарди.

— Бекорларни айтибсиз. Мен билан тасодифан бир меҳмонхонада дам олаётган адвокатининг айтишича, ҳайвонларнинг кўринмаслиги табиий ҳимоя хусусияти сифатида баҳоланади. Мисол учун рангини ўзгартириши сингари. Бинобарин, бу ҳақда шартномада қандайдир ғайриоддий ҳодиса сифатида эслатиб ўтиш талаб қилинмайди. Дарвоқе, ҳуқуқшунослик амалиётида ҳам кўринмаслик ҳолати эътиборга олинмайди, ҳатто шу ҳодиса мавжудлигини исботлаб бериш имконияти бўлган тақдирда ҳам. Ҳакамлар бу ҳодисани “нисбий кўриниш” деб аташади. Қисқаси, каламушлар кўриниши-кўринмаслиги шартнома бузилишига ҳеч қандай баҳона бўлолмайди.

Бу хил сурбетликдан Грегорнинг дами ичига тушиб кетди.

— Ўзингиз яхши биласиз-ку, биз бечора фермерлар ўзимизни ўзимиз ҳимоя қилишимизга тўғри келади, — деб сўзида давом этарди сирлик. — Бироқ, мен сизларнинг қобилиятингизга, топширилган ишни уддалай олишингизга ишонаман. Хайр, омад ёр бўлсин!

— Ўзини ҳимоя қилишни жуда яхши биларкан, жин ургур, — деди Арнолд гўшакни кўяркан. — Мабодо биз каламушларнинг бу кўринмас кўшинини йўқота олсак, у жуда катта ютуқда қолади. Акс ҳолда, шунчаки харажатларни тўлайди-ю, шартномани бажара олмаганимиз учун бизга жарима солади, холос.

— Улар кўринадими, йўқми, морганлаштириш ўз таъсирини ўтказиши керак-ку, ахир! — Грегор ўжарлигини қўймасди ҳануз.

— Бироқ амалда ҳеч нарса бўлмаяпти, — эътироз билдирди Арнолд.

— Буни-ку кўриб турибман. Аммо нима учун? Қопқонлар нега ишламади? Турне тизими-чи?

— Чунки булар кўринмас каламушлар.

— Нима бўпти? Кўринмаса ҳам ҳид сезиш қобилияти сақланиб қолган-ку! Улар оддий каламушлар, ахир ва буни ўзлари ҳам тушунишади. Ё сенинг фикринг бошқачами?

— Биласанми, — деди Арнолд ўйланиб, — агар уларнинг кўринмаслиги мутация оқибати бўлса, демак, ҳид билиш ва бошқа сезгилари ҳам ўзгаришга учрагани эҳтимол.

Грегор паришон ҳолда хўмрайиб ўтирарди.

— Каламушларнинг сезги абзоларидаги бу хил ўзгаришлар биздан уларга қарши кураш усулларини ҳам тегишлича ўзгартиришни талаб қилади. Бунинг учун эса авваламбор каламушларнинг бу тури бошқа, оддий кемирувчилардан нимаси билан фарқ қилишини аниқлаб олмоғимиз лозим.

— Кўринмаслик хусусиятларидан ташқари, албатта, — дея қўшимча қилди Арнолд.

Хўш, кўринмас каламушларнинг сезги аъзоларини қандай қилиб текшириб кўриш мумкин? Грегор бу саволга жавоб топишни фермернинг уйидаги жиҳозларнинг энг пишиқларидан ўзига хос лабиринт қуришдан бошлади. Унинг фикрича, лабиринт деворлари улар ёнидан каламуш югуриб ўтаётган пайтда кучли ёритилмоғи лозим. Ана шу туфайли кемирувчиларнинг ҳаракат йўналишини ўрганиш мумкин бўлар.

Арнолд эса каламушларни кўринадиган қилувчи бўёқни излаш билан овора. Бўёвчи моддалардан бири шу қадар кучли эканки, бир неча дақиқага каламушни табиий ҳолатига қайтарди. Арнолднинг кўз ўнгига ғойибдан сезгир тумшуги серҳаракат, кўзлари ғалати пирпираб турган кемирувчи пайдо бўлиши худди сеҳргарликдек эди. Махлуқ унга бир зум лоқайд тикилиб турди-да, сўнг бамайлихотир, ҳеч бир ҳадиксиз орқасини ўтириб олди. Кейин эса модда алмашинувининг ўта тезкор жараёни бўёқни сингдириб юборди ва каламуш яна кўздан ғойиб бўлди.

Грегор ўз навбатида лабиринт бўйлаб қувиб юриб, кўринмас каламушлардан ҳар қалай ўнтакасини тута олди, аммо улар ҳаддан зиёд бўйсунмас бўлиб чиқди. Аксарияти таклиф этилган йўналишга юрмас, егуликдан бош тортар, у билан ўйнашиб кўргани ҳолда тотинишга асло унамасди. Уларга ҳатто электрошок ҳам таъсир қилмади.

Бироқ, умуман олганда, тажриба қандайдир натижа берди. Мисол учун, шериклар ўзлари билан келтирган қурилмалар ушбу ҳол учун мутлақо яроқсизлигини тасдиқлади.

Ҳар қандай баҳайбат асбоб-ускуна сингари Морган ва Турне тизимлари ҳам оддий кемирувчиларга мўлжалланган. Уларни эса очлик ва кўркув сингари асосий сезгиларига асосланган ҳолда қопқонга тушириш, қириб ташлаш мумкин. Ушбу қурилма фақат шу хил ҳайвонларга мос келарди.

Кемирувчиларнинг аксарияти оддий тур вакиллари эканлигида ҳамма иш рисоладагидек бораверган. Ҳайвонлар ўзариши билан уларга қарши курашнинг ҳам янги усули даркор бўлиб қолди. Бу фермадаги каламушлар эса кўринмас эканликларига кўникиб кетган.

Энди уларда кўркув, ваҳима туйғуси йўқолди, чунки ҳеч бир жониворни ҳеч ким кўрмас, бинобарин, таъқиб ҳам этмасди. Қочиб қолиш ва овқатга ташланиш зарурати ҳам йўқолди, улар энди егуликни истаган пайтда, истаган жойдан топа олишарди. Яъни, ҳаминша тўқ юришади. Шундай экан иштахани очувчи ҳид ҳам, ғалати шаклдаги нарса ҳам ёки янги хил товуш ҳам кемирувчилар диққатини тортмайди.

Морган ва Турне тизимлари ёрдамида кўринмасликдек янги ҳолатга мослашиб улгурмаган ёхуд қандайдир сабабга кўра мослаша олмаган айрим каламушларнигина йўқотиш мумкин, бу ҳол эса қолган барча кемирувчиларни янги шароитга тезроқ мослашишга ундайди, холос.

Хўш, у ҳолда каламушларнинг азалий душманлари ва табиатда мувозанатни сақлаб туришга масъул ҳайвонларга нима бўлган? Буни билиш учун Арнолд билан Грегор маҳаллий ҳайвонот оламини зудлик билан ўрганиб чиқишларига тўғри келарди.

Хуллас, улар аста-секин, бир далил-исбот ортидан иккинчисини қўлга киритиш орқали бу ерда рўй берган ҳодисани тахминан бўлса ҳам аниқлай олишди. Сир сайёрасида каламушларнинг ўз душманлари: учувчи висюклар, дриглар, дарахтда яшовчи скурлар ва оменюгалар бор.

Бироқ бу беҳисоб махлуқларнинг бари тезликда ўзгара олмаган, албатта. Авваламбор, бу жониворлар кўринарли мавжудотлар оламига мансуб бўлиб, ҳид билиш улар учун қўшимча восита ҳисобланади. Каламушлар ҳиди қанчалик кучли бўлмасин, овга чиққан душманлари асосан ўз кўзларига ишонишга ўрганган. Шу сабабли ҳам улар кемирувчилар ўрнига ўзларига ўхшаш ҳайвонларни овлашга ўтиб, кўринмас жониворларни ўз ҳолига ташлаб қўйишган.

Бу ҳол эса каламушлар кўпайгандан кўпайиб кетишига олиб келган.

Шу тариқа “ТМСБ-ААА” фирмаси кемирувчилар босқинини тўхтатишга ожизлиги маълум бўлиб қолди.

Кейинги ҳафта ҳам бирон натижасиз ўтди.

— Биз ишни нотўғри бошладик, — деди Грегор ўйчан ҳолда. — Аввало бу ерда каламушлар нега кўринмас бўлиб қолганини аниқлашимиз керак. Ана ўшандагина уларни йўқотиш йўлини топа оламиз.

— Айтдим-ку — мутация, — Арнолд ўз сўзида туриб олди.

— Мен бунга ишонмайман. Ҳали бирон мавжудот мутация оқибатида кўринмас бўлиб қолгани йўқ. Шундай экан, келиб-келиб каламушлар шу ҳодисага учрайдими?

Арнолд елкасини қисди.

— Буқаламунни эсла. Баъзи ҳашоратлар борки, шохчаларнинг айнан ўзи, бошқалари эса янроқ шакли ва рангини олади. Айрим турдаги балиқларнинг табиий ранги денгиз туби рангига шунчалик ўхшаб кетадики...

— Булар маълум ҳаммага, — Грегор тоқатсизлик билан унинг гапини бўлди. — Ҳимоя мақсадидаги мимикрия ҳодисаси деб аталади. Бироқ кўринмас ҳолатга ўтиш...

— Медузаларнинг айрим турлари шу қадар шаффофки, танаси орқали денгиз туби кўришиб туради, яъни, уларни кўринмас деса ҳам бўлади, — Арнолд ўз фикрида қатъий эди. — Митти қушча колибрининг шиддатли парвози ҳам уни гўё кўринмасга айлантириб қўяди. Ерқазар эса шу қадар усталик билан яширинадики, деярли кўзга ташланмайди. Ана шу турларнинг бари кўринмас ҳолга ўтиш йўлидадир.

— Бекор гап. Табиат жамики жонли мавжудотни муҳофаза воситаси билан таъминлаган, лекин ҳеч қачон алоҳида бир турни ажратиб олиб, бошқаларга нисбатан устунлик бермаган.

— Бу ёғи энди телеологияга қараб кетаяпти, — деди Арнолд эътироз билдириб. — Сен табиат яхши боғбон сингари ҳамма нарсада муайян бир мақсадни кўзлайди, деб тахмин қилаяпсан. Менимча эса бу — ҳамма нарсани мўътадиллаштиришга интилувчи кўр жараён. Тўғри, охир-оқибатда қайсидир бир ўртамеъналик устун келади, аммо мутлақо ўзгачалик учун ҳам имконият қолади. Пировардида эса табиат кўринмаслик муаммосига келади.

— Йўқ, аксинча, сен ўзинг телеология нуқтаи назаридан фикр юритиб, табиатдаги мимикрия ҳодисасидан мақсад кўринмаслик ҳолатига ўтиш истагидир, деб мени ишонтиришга беҳуда уринаяпсан.

— Менга шундай туюлаяпти-да. Мана, ўзинг бир ўйлаб кўргин...

— Э, ўйлайвериб бошимиз қотиб кетди-ку... — деди Грегор ҳорғин қиёфада. — Телеология нималигини унчалик аниқ билмайман, аммо шуни аниқ биламанки, шу ерда ўн кундан буён ўралашамиз-у, шунча вақт мобайнида неча миллион каламушдан атиги элликтачасини тутолдик, холос. Хўш, энди бу ёғига нима қиламиз?

Улар индамай ўтиришар, дала узра чарх ураётган висюкнинг қичқириви эшитиларди, холос.

— Кемирувчиларга қирон келтирадиган мана шу овчиларнинг ўткир кўзидан ташқари жиндак ақли ҳам бўлгандайди!.. — деди Арнолд куйиниб.

— Ҳа, булар фақат кўринадиган ўлжани овлайди. Майли эди жуда бўлмаганда...

Грегор ногаҳон жим қолиб, Арнолдга тикилди. У ҳам қандайдир лаҳза шеригига бақрайганча турди-ю, кейин бирдан чехраси ёришиб кетди.

— Албатта-да! — деб қичқириб юборди Арнолд.

Грегор шу заҳотиёқ телефонга ёпишиб, юк ташиш бўйича Галактика тезкор хизматини чақира бошлади.

— Аллю! Шошилинч буюртмани қабул қилинг...

Тезкор хизмат дейилганича бор экан. Орадан икки кун ўтгач, Берни-спирит фермаси олдидаги яккам-дуккам тақирли майсазорда Ердан келтирилган ўнга мўъжаз қути ётарди. Арнолд билан Грегор уларни уйга олиб кириб, биттасини очишди. Қути ичидан йирик, мағрур ва гўзал мушук виқор билан чиқиб келди, унинг бақувват танасидаги туклар ялтгарар, кўзлари эса сариқ тусда иблисона ёнарди. Бу Ерда етиштирилган махсус зот бўлиб, ўзга сайёралардаги турлар билан чашиштириш орқали овчилик хусусиятлари янада кучайтирилган эди.

Мушук эркакларга лоқайд қараб қўйди-да, уй ҳидини олди.

— Бунгаям унчалик катта умид боғлаш керакмас, — деди Грегор жонивор хонани кесиб ўтаётганини кузатар экан, эҳтиёткорона оҳангда.

— Тсс... — дея шивирлади Арнолд. — Унга халақит бермай тур.

Мушук тўхтаб, бошини сал ёнга бурди ва тумшугининг остида у ёқдан-бу ёққа югуриб юрган юзлаб каламушларнинг тапир-тупурию чийиллашини эшитар экан, қулоқларини динг қилди. Яна ҳид олди-да, кўзларини қисди.

— Бу ер унга ёқмади-ёв, — пичирлади Грегор.

— Э, кимгаям ёқарди дейсан? — Арнолд ҳам шивирлаб жавоб қайтарди.

Мушук оҳиста қадам қўйди. Кейинги қадам учун олд панжасини кўтарган ҳолда бирдан туширди.

— Ов қилишни ўйламаяпти ҳам, — Грегорнинг ҳафсаласи пир бўлиб кетди.

— Балки, терер зотли иглари келтирганимиз маъқулмикан...

Мушук туйқусдан сакради. Жонҳолатдаги чийиллашга қараганда панжаларида каламушни чангалаб турарди. Мушук жаҳл билан миёвлаб, кўринмас танага тишларини ботирди, чийиллаш тинди.

Бирок хонанинг тўрт томонида чийиллаш кучайиб кетди. Каламушлар росмана ваҳимага тушганди. Шунда Грегор ўйлаб ўтирмасдан яна тўртта мушукни озодликка чиқариб, қолган бештасини эҳтиётга олиб қўйди. Бир неча дақиқа ичидаёқ хонада қирғин бошланди. Дўстлар эса бу ерни тарк этиб, ошхонага ўтишларига тўғри келди: бу томонга асаблар дош беролмасди.

— Ана энди бу ютуғимизни ювса бўлади, — деди Арнолд асраб қўйилган бренди шишаларидан бирини очар экан.

— Ўрнимикан ишқилиб... — Грегор таралдуланди.

— Бўлмаса-чи? Мушуклар ўз ишини яхши билади, ҳаммаси жойида кетаяпти. Дарвоқе, менга бир эслатгин-а, бу ажойиб жониворлардан яна бир неча юзтасига буюртма берай.

— Бўпти, эслатаман. Лекин, мабодо каламушлар яна эҳтиёткорлик қила бошласа-чи?

— Ҳамма гап ана шунда-да! — деди Арнолд қадаҳларга бренди қуяр экан. — Каламушлар қанчалик айёр бўлмасин, мушуклар учун доимо фақат емиш, холос. Энди мабодо улар аввалги, кўринарли ҳолатига қайтгудек бўлса, Морган қурилмасини ишга соламиз қўямиз.

Грегор эътироз билдирмади. Агар бир томондан тишу тирноқлар ва иккинчи томондан морганлаштириш билан исканжага олинса, каламушлар ҳеч қаерга қочиб қутулолмайди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас бу ерда ҳамма нарса тартибга тушади, фирма эса яхшигина даромад қилади.

— Ерлик мушуклар учун ичишни таклиф қиламан, — Арнолд қадаҳ кўтарди.

— Кўшиламан, — дея маъқуллади Грегор. — Жасур, оддий ва ақлли Ер мушуклари учун ичамиз.

— Кўринмас каламушлар мушугимизни тангита олмайди.

— Мушугимиз кўринадими-йўқми, ҳар қандай каламушни тутиб еб қўя олади, — деди Грегор девор ортидаги чинқиреу чийиллашни мамнунлик билан эшитар экан. Жон аччиғидаги бу дод-фарёдлар иккала шерикни ёқимли мусиқадек аллаларди.

Қадаҳлар кўп бўлди ва бари ерлик мушукларнинг беҳисоб ва бебаҳо фазилатлари шаънига бағишланди. Кейин Ер сайёрасининг ўзи учун қадаҳ сўзлари айтилди ва, ниҳоят, унга қардош бўлган бошқа оламларга ўтилиб, алифбо тартибида Абақдан бошланди.

Қаердадир, Глострея сайёрасида бренди тутаб қолди. Хайриятки, ферма соҳиби маҳаллий винолардан дурустгина гамлаб қўйган экан, ўшалар асқотди у ёғига...

Уонликс сайёраси шарафига кўтарилган қадаҳдан сўнг Арнолд учиб қолди. Грегор эса алифбо ниҳоясига етай-етай деди-ю, барибир етолмади, стол устидаги қўлларига бош қўйганча ухлаб кетди.

Шериклар анча кеч ва одатдаги бош оғриғи билан уйғонишди, боз устига, ошқозонлари ёқмасиз безовта қилар, увишган бўғинлари зирқираб оғрирди. Буниси ҳам етмагандай, кўп ўтмай уларнинг Ер сайёрасидан келтирилган жасур ва ақлли мушуклари қай гўргадир йўқолгани маълум бўлиб қолди.



Дўстлар бутун уйни, барча оморларни, майсазору далагача излаб чиқишди. Каламуш уяларини титкилаб, ҳатто ташландиқ қудуққа ҳам кўз ташлашди.

Мушуклар ҳатто бир тугам юнгини қолдирмай дом-дараксиз ғойиб бўлганди.

Бу орада эса каламушлар худди аввалгидек қувноқлик ва беғамлик билан уйнинг у бурчагидан бу бурчагига югуриб юришар, олдингидек кўринмас ҳолатда бўлганлари боис, ўзларини яна хавфсизликда деб ҳис этишарди.

— Шунча ажойиб тадбирлар қўллаганимиздан кейин аҳвол шуми энди? — Арнолд тутақиб кетди. — Нима деб ўйлайсан, каламушлар мушукларнинг тоза пўстагини қоққанмикан-а?

— Кўйсанг-чи, — дея жавоб қилди Грегор. — Бу уларнинг табиатига зид келади. Менимча, бароқларнинг ўзи қочиб кетганга ўхшайди-ёв.

— Шунча ажойиб емишни ташлаб-а! — Арнолд ишонқирамади. — Мушук зоти ҳеч қачон бундай қилмайди.

— Мош, мош, мош, — дея сўнги марта чақирди Грегор. Бироқ таниш миёвлаш ўрнига ўша-ўша беғамлик билан юрган беҳисоб каламушларнинг мамнун чийиллаши эшитиларди, холос.

— Нима гап бўлганини билишимиз керак барибир, — деди Арнолд қолган бешта мушук сақланаётган қутиларга шахдам яқинлашиб келаркан. — Тажрибани такрорлаймиз, лекин бу гал ҳамма нарсани назорат қилиб турамиз.

У шундай деб қутидан навбатдаги мушукни олди-да, бўйнига кўнғироқчали боғич кийдирди. Грегор уйдаги барча эшикларни беркиди ва яна ов бошланди.

Мушук ўлжасига жаҳд билан ташланди ва “ТМСБ-ААА” фирмасидаги шериклар ўтқир тишларга тутилган жониворни илк марта ўз кўзлари билан кўришга муваффақ бўлишди. Каламушни ҳаёт билан бирга кўринмасликдек сирли хусусияти ҳам тарк этар экан.

— Лекин, ҳар қалай, олдимизда турган муаммоларнинг ечими эмас-да бу, — деди Арнолд хўрсиниб.

— Сабр қилгин-у, кузатишни давом эттиравер, — деб буюрди Грегор.

Мушук биров мудраб олгач, сув ичди ва яна ишга киришди. Энди Арнолдни уйқу элитди, Грегор эса кузатишни давом эттирди, аммо у оғир ўйлар гирдобига ғарқ эди.

Улар ярим ойни беҳуда ўтказишди, каламушлар қўшини эса асло камаймади, буни у жуда яхши тушуниб турарди. Мушуклар-ку, умуман, ўз вазифасини бажара олади-я, лекин бир неча соат ўтмаёқ овга ишпиёқи сўнадиган бўлса, каламушларни буткул йўқотиш фирмага қанчага тушади, ахир? Эҳтимол, терерлар бу ишни яхшироқ уддалашар ёки уларнинг аҳволи ҳам шундай бўлармикан?..

Шу пайт тўсатдан... У Арнолдни шоша-пиша уйғота бошлади.

— Ҳа, нима гап яна? — деди у тўнғиллаб кўзларини ишқаларкан, кейин атрофга қаради.

Ҳозиргина шахду жаҳд билан каламуш овлаётган мушукнинг ўрнида бўйинбоғнинг ўзи ҳавода муаллақ турар, кўнғироқчаси қувноқ жиринглаб кўярди.

— Ие, мушук ҳам кўринмас бўлиб қолдими? — Арнолднинг оғзи очилди. — Шу етмай турувди ўзи! Лекин... Қанақасига? Нега энди?

— Бирон нима еб қўйганга ўхшайди, — деди Грегор бўйинбоғнинг хона бўйлаб ҳаракатларини кўркув аралаш ҳайрат билан кузатар экан.

— Каламушдан бўлак ҳеч нима егани йўқ-ку?!

Шериклар икковларининг хаёлларидан бир фикр ярқ этиб ўтгандек бир-бирларига тикилганча қолишди.

— Демак, каламушлардаги кўринмаслик хусусиятининг мутацияга ҳеч қандай алоқаси йўқ! — деди хурсанд бўлиб Грегор. — Буни сенга неча марта айтгандим, ахир! Бундай хусусият мутация орқали ўтиши мумкинмас. Бундан чиқадик, каламушлар ҳам нимадир еган.

Арнолд маъқуллагандек бош ирғади.

— Менам шубҳаланаётгандим. Назаримда, мушук каламушларга тўйиб олгандан кейингина кўринмай қолди-ёв.

Хонадаги тўс-тўполонга қараганда, кўринмас мушук кўринмас каламушларни овлашни ҳануз давом эттирарди.

— У ҳолда йўқолган мушукларнинг бари шу ерда, уйда бўлиши керак, — деди Грегор. — Лекин нега энди чақирғимизга жавоб беришмади?

— Бу — ўта мустақил, ўз қадрини баланд тутадиган жонивор, — деб ўзича тахмин қилди Арнолд.

Кўнғироқча жиринглади. Бўйинбоғ полгача тушди-да, кейин у ёқдан бу ёққа шахд билан ташлана бошлади. Модомики мушук ўз вазифасини бажараётган экан, у кўринмай қолганидан бунчалик хавотирланишга ҳам ҳожат йўқдир балки, деб ўйлай бошлади Грегор.

Бироқ у фикрини охирига етказмаганди ҳамки кўнғироқчанинг овози ўчди.

Бўйинбоғ хона ўртасида, полда қилт этмай ётарди, кейин у гўё ҳавода аста-секин эриб кета бошлади-ю, пировардида кўздан буткул ғойиб бўлди.

Полда ҳеч нарса йўқ эди.

Грегор ҳозиргина бўйинбоғ ётган жойга эсанкираб тикиларди.

— Йўқ. Бундай бўлиши мумкин эмас, — деди у шивирлаб.

Ҳолбуки, нима воқеа юз берганини у ўз кўзи билан кўрган эди.

Энди эса мушук нима қилаётгани — сакраётгани ё пушиб келаётгани, ҳамла қилаётгани ёки чекинаётгани тўғрисида ҳеч вақо билинмайди. Кўринмас мушук дом-дараксиз ғойиб бўлганди.

Шартномада келишилган муддат тутаётган бўлса-да, ҳамма ишни қайтадан бошлаш кераклигини шериклар жуда яхши тушуниб туришарди. Каламушлар билан мушуклар қай тариха ғойиб бўлаётганини билишлари керак-ку, ахир! Арнолд ўзи қурган тажрибахонага қамалиб олиб, уй атрофидаги қарийб ҳамма нарсанинг намунасини текшира бошлади. Кун бўйи микроскопга тикилганидан кўзлари қизариб, ўзи чўпдай озиб, тиқ ётган товушдан сесканиб тушадиган бўлиб қолди.

Грегор эса мушуклар устидаги тажрибасини давом эттирарди. Еттинчи мушукни чиқариб юборишдан олдин бўйинбоғига сигнал бериб турувчи мигти радарни ўрнатди. Бироқ бу жониворнинг бошига ҳам аввалгиларининг куни тушди. Каламушларни бир неча соат мобайнида жадал овлаганидан кейин бу мушук ҳам кўринмай қолди ва кейин буткул йўқолди. Радарнинг товуши ҳам ўчди.

Энди Грегор бутун диққат-эътиборини охириги учта мушукка қаратди. Саккизинчи ва тўққизинчи мушукларни алоҳида қафасларга жойлаштириб, каламуш гўшгини қатъий ўлчанган тартибда бериб борди. Бир кун ўтиб, улар кўринмай қолганда саккизинчи қафасга емиш беришни тўхтатиб, тўққизинчи мушукни аввалгидек боқаверди. Пировардида эса тўққизинчи мушук ҳам худди аввалгилардек ном-нишонсиз ғойиб бўлди, аммо саккизинчиси гарчи кўринмаса ҳам ҳали қафасда эди.

Ана шу муносабат билан Грегор мижозлари, сирлик фермер билан телефон орқали анча вақт асабийлашиб суҳбатлашувига тўғри келди. У эса “ТМСБ-ААА” фирмасига озроқ жарима тўлаб, келгуси ишларни тўхтатишни ва бу юмушни бошқа бирон нуфузлироқ, тажрибалироқ компанияга топширишни таклиф қилди. Грегор бу таклифни кескин рад этди.

Тўғри, кейин бу қароридан иккиланиб ҳам қолди. Берни-спирит фирмасининг жумбогини ечиш унчалик осон ишга ўхшамайди, кўнглаб йилларга чўзилиб кетса ҳам ажабмас. Ҳайвонлар кўринмай қолишининг ўзи қанчалик жозибали сир! Аммо буткул ғойиб бўлиб кетишлари — ниҳоятда расво. Жумбоқни ҳал қилишга амалда имконият қолдирмайди.

Грегор ана шу ҳақда бош қотириб ўтирганида хонага Арнолд кириб келди. Башарасидан аллақандай саросимада, жиннилардек ишшайиб турибди.

— Манавини кўриб қўй, — деди тантанавор оҳангда қўлини чўзиб.

Арнолд унинг бўм-бўш кафтига қаради.

— Хўш, нима экан бу? — деб сўради кейин.

— Нима бўларди, бор-йўғи кўринмаслик сири-да, — мамнунлик билан ҳиринглади Арнолд.

— Лекин мен ҳеч нарса кўрмаяпман, — деди Грегор эҳтиёткорлик билан ва бундай ҳолларда ақлдан озган одам билан қандай муомала қилиш кераклигини эслаб бошлади.

— Албатта кўролмайсан, — деди Арнолд тантана билан. — Чунки у кўринмайди-да!

Грегор тислана-тислана стол ортига ўтиб олди.

— Қойил, огайни, қойил, — деди у юпатувчи оҳангда. — Кафтинг тарихга кирадиган бўлди. Лекин бу нималигини тушунтириб берарсан ҳар қалай?

— Мени ақлдан озган деб ўйлаяпсанми, тентак, — деди Грегор башараси тиришиб, ҳануз кўлини чўзиб тураркан. — Сен ҳеч нарсани кўрмаяпсан, аммо кафтимда нимадир бор. Ушлаб кўргин-а.

Грегор журъатсизлик билан қўл чўзди. Арнолднинг кафтида қаттиқ япроқларга ўхшаш бир тутам нимадир бор эди.

— Кўринмас ўсимлик! — деб юборди Грегор.

— Айнан ўзи. Бошимизга тушган жамики гавфонинг сабаби мана шу бўлади.

Арнолд уй атрофини синчиклаб кўздан кечириб, бир дунё нарсдан намуна олди, аммо текширишлар ҳеч қандай натижа бермади. Бир куни эса у айланиб юриб, майсазорда кафтдеккина тақир ерга эътибор берди, кейин эса ҳеч нарса ўсмаган бундай жойлар атрофда жуда кўплигини пайқади. Яна шунга ҳам диққат қилдики, бу тақирлар муайян бир тартибда жойлашган эди.

Арнолд тақир устига энгашиб, синчиклаб текшира бошлади. Унда ҳеч нима ўсмас, қарийб яйдоқ тупроқнинг ўзи эди. Қарийб.

Арнолд бу жойни пайпаслаб, қуруқ ерда нимадир ўсиб ётганини сизди. Фақат у кўринмасди.

— Билишимча, бу бизга мутлақо номаълум ўсимлик.

— Лекин қаердан келиб қолган у?

— Ҳозирча инсон қадами етмаган жойлардан, — деди Арнолд ишонч билан. — Тушунишимча, бу ўсимликнинг аждодлари қачонлардир Коинотда микроскопик уруғ тарзида учиб юрган ва пировард оқибатда Сир сайёраси яқинига келиб қолган. Уруғ Берни-спирит фермаси даласига тушиб, илдиз отган, гуллаб, охири униб чиққан. Бор гап шу. Бу каламушлар эса ўтхўр ва яхшигина ҳид сезишини биз биламиз. Чамаси, ўсимлик уларга маъқул тушиб қолганга ўхшайди.

— Лекин у кўринмайди-ку?!

— Бу ҳол каламушларни ўйлантдириб ўтирмайди. Кўринмаслик кемирувчиларнинг онги учун ҳаддан зиёд мураккаб тушунча.

— Нима, ҳаммаси шундан еган деб ўйлайсанми?

— Ҳаммасимас, албатта. Лекин еганларининг омон қолиш эҳтимоли кўпроқ бўлган, чунки учувчи висюклар ва дриглар каби йиртқич ҳайвонлар уларни кўролмасди-да! Кейинчалик эса каламушлар бу ўсимликка бўлган иштиёқларини авлодга ўтказишган.

— Сўнгра бизнинг мушукларимиз пайдо бўлиб, кўринмас каламушларни шу қадар кўп ейишдики, охири ўзлари ҳам кўринмас бўлиб қолишди. Жуда соз. Бироқ нега энди бирданга ном-нишонсиз ғойиб бўлишди?

— Бунинг сабаби жуда оддий. Каламушлар кўринмас ўсимликдан ташқари бошқа емиш билан ҳам озиқланишган, мушуклар эса фақат каламуш ейишди. Яъни, бу сирли моддани керагидан зиёд даражада қабул қилишди.

— Демак, катта миқдордаги бу модда ғойиб бўлишга олиб келади. Лекин қаерга кетади ғойиб бўлган жониворлар?

— Вақти-соати келиб бунга ҳам билармиз. Аммо ҳозир қўл қовуштириб ўтирадиган пайт эмас, фурсат фанимат. Бу тақирларни ёқиб ташлаш керак. Танаси заҳардан тозалангандан кейин каламушлар яна кўринадиган бўлиб қолади. У ёғига эса режамизни мушуклар яқунлашади.

— Бундан бошқа иложимиз ҳам йўқ-да, — дея хўрсинди Грегор.

Улар кўчма ўточар қурилмани қўллашга қарор қилишди. Берни-спирит далаларидаги қуюқ ва ям-яшил экин орасида тақирлар кафтдагидек яққол кўриниб турарди. Ўсимликнинг кўринмаслиги бу гал ўз бошига бало бўлди.

Грегор билан Арнолд кун бўйи лаънати ўт ўсган барча жойларни таг-тути билан ёндириб-қуйдириб чиқишди.

Эртасига эрталаб эса култепалар ўрнида янги ниҳоллар униб чиққанини билиб ҳайратга қолишди.

— Ўзингни тут, ошна, хавотирланма, — дея юпатган бўлди Арнолд.

— Майса биз уни ёқишимиздан аввалроқ уруғ тўкканга ўхшайди. Бироқ бу унинг сўнгги ҳосили бўлади.

Кўринмас ўтни қайтадан йўқотишга яна бир кун вақт кетди. Тақирлар битта қолдирмай куйдириб-ёндирилди. Кечга бориб Галактика тезкор хизмати навбатдаги мушуклар гуруҳини етказиб берди. Уларни қафасга жойлаштирган шериклар бу жанговар кўшинни каламушлар кўринадиган кунга асраб кўйишга қарор қилишди.

Эртасига эрталаб эса куйдирилган тақирда яна янги ниҳоллар униб чиққани маълум бўлди. “ТМСБ-ААА” сайёралараро хизмати ходимлари шошилинич мажлис ўтказишди.

— Бу уринишимизнинг охири вой, — деди Грегор.

— Лекин бўлак иложимиз ҳам йўқ-да, — Арнолд елка қисди.

Грегор саркашлик билан бош чайқайди.

— Бўлмаса нима қиламиз? — деб сўради Арнолд.

— Сенда бирон таклиф борми?

— Йўқ.

— Шартнома муддати тугагунча бор-йўғи икки ҳафта вақтимиз қолди, холос. Меҳнат ҳақимизнинг ҳам бир қисмини сарфлаб бўлдик. Мабодо бу ишни удалай олмасак, бизни бу бизнесдан умуман чиқариб ташлашади.

Арнолд стол устига кўринмас ўсимлик солинган ликопчани кўйди.

— Бу лаънати майсани каламушлар паққос туширган эди. Бу кемирувчиларни еган мушуклар эса ғойиб бўлди. Биз улар қаерга кетганини билишимиз керак.

Грегор ирғиб туриб, хонада асабий қадам ташлай бошлади.

— У ёғини суриштираверсак, мушуклар бирон-бир юлдузнинг нариги томонида пайдо бўлгани ҳам эҳтимол.

— У ҳолда таваккал қилишимизга тўғри келади, — деди Арнолд қатъийлик билан.

— Таваккал десанг таваккал-да, — деди Грегор уф тортиб. — Қани, бошла бўлмаса.

— Нима-а?

— Бошлайвер, деяпман.

— Менми?

— Бўлмаса ким ахир? Мен бу лаънатини оғзимга ҳам олмайман. Қолаверса, бу сендан чиққан фикр.

— Аммо мен еёлмайман! — Арнолд кўрқувдан муздек терга тушди. — Мен фирмамиздаги ягона мутахассисман. Бу ерда қолиб, маълумотларни тўплашим, ўзаро қиёслашим керак. Униси ҳам етмагандай, кўкатга аллергиям бор.

— Бу сафар маълумотларни мен тўплайман, мен қиёслайман.

— Лекин сен удалай олмайсан! Мен янги хил бўёвчи моддалар устида ишлашим керак. Ёзувларимни ўзимгина тушуна оламан, сенинг тишинг ўтмайди. Қолаверса, реторталарда янги хил аралашма тайёрлаяпман. Бундан ташқари, гул чанги устида тажрибалар ўтказмоқчиман...

— Бўпти, бўпти, баҳона излайверма, — деди Грегор ҳорғинлик билан. — Мен ўзимни қурбон қила қолай. Аммо лекин шуни билиб қўйки, бу сенга энг охириги марта ён босишим, энг охиргиси.

— Унутмайман, ошна, унутмайман. — Арнолд дарҳол ликопчадан бир сиқим кўринмас майса олди. — Ма, оғайни, чайнайвер. Қани, яна ол, олавер, тортинма. Ош бўлсин. Хўш, мазаси қандай экан?

— Карамга ўхшаб кетади, — деди оғзи тўла Грегор.

— Бир нарсага имоним комил, — деди Арнолд. — Сеникига ўхшаш танада ўсимлик таъсири узоқ давом этмайди. Тана заҳардан жуда тез қутулади. Тез орада яна ўзинга келасан.

Бу орада Грегор қарийб “эриб” кетаёзган, фақат кийимигина кўриниб турарди.

— Хўш, ўзингни қандай сезаяпсан? — деб суриштиришда давом этди Арнолд.

— Доимгидек. Бирон ўзгариш йўқ.

— Яна ол бўлмаса.

Грегор охирги икки чимдим майсани ҳам оғзига ташлади. Ва шу заҳотиёқ кийим-пийими билан кўздан ғойиб бўлди.

— Грегор! — Арнолд кўрқиб кетди. — Қанисан? Шу ердамисан?

Ҳеч қандай жавоб бўлмади.

— Ғойиб бўлди, — деди Арнолд ўйланиб. — Мен эса ҳатто оқ йўл тилашга ҳам ярамадим.

Арнолд реторталари ёнига қайтиб, улар остидаги алангани пасайтирди. Ўн беш дақиқалар ишлагач, у бирдан ҳамма нарсани ташлади ва бўм-бўш хонага кўз югуртирди.

— Оқ йўл тилай олмаганим безарардир, — деди овоз чиқариб. — Унга ҳеч қандай хавф-хатар таҳдид солаётгани йўқ.

Кейин ўзига шомлик таом тайёрлади. Санчқини оғзига олиб борган пайтида беихтиёр тўхтади.

— Хайрлашмай қолганим ҳар қалай чакки бўлди-ёв, — деди ўзини айбдор сезиб.

Бироқ шу заҳотиёқ хавотирли барча фикрларни хаёлидан қувди-да, яна тажрибаларига қайтди.

Арнолд бутун тунни тажрибахонада ўтказди, тонг отганда эса ўлғудай толиқиб чорпояга чўзилди-ю, бир лаҳзада ухлаб кетди. Кун пешиндан оғанда уйғонди ва наридан-бери тамадди қилган бўлиб, яна тажрибаларига ёпишди.

Грегор ғойиб бўлганидан бери бир кеча-кундуз вақт ўтди. Кечқурун фермер телефон қилди. Арнолд каламушлар назорат остида эканлигини, ишни якунлаш учун эса фақатгина озроқ вақт кераклигини айтиб, унинг кўнглини тўқ қилди.

Шундан сўнг у кемирувчиларни қириш бўйича барча қўлланмаларни қайтадан ўқиб чиқди, асбоб-ускуналарни кўздан кечирди, морганейзернинг у ер-бу еридаги симларни алмаштирди, қопқоннинг янги хилига тегишли бир фикрни мулоҳаза қилиб кўрди, лаънати майсани яна бир бор оловдан ўтказиб, охири ухлагани ётди.

Яна уйғонганида эса дастлаб Грегорни ўйлади: у ғойиб бўлганидан буён етмиш икки соат ўтганди. Балки энди у ҳеч қачон қайтмас.

“Грегор илм-фан учун ўзини қурбон қилди, — деб кўнглига таскин берарди Арнолд. — Мен унга ҳайкал ўрнатаман.”

Аммо дўстининг хотираси учун бу ниҳоятда арзимасдек туюларди. Ўша “карам”ни ўзи ейиши керак эди аслида. Фавқулодда шароитларда Грегор доимо ўзини йўқотиб қўяди. Ҳа, у мард ва жасур, бунга гап йўқ, лекин шароитга мослашишни билмайди.

Сирасини айтганда, номаълум юлдузнинг нариги томонида шароитга мослашиш ҳам ёрдам беролмаса керак-ов. Айттайлик, фазовий вакуумда омон қолишга уриниб кўринг-а, ёки...

Шу пайт Арнолд орқада шарпа эшитди-ю, ялғ этиб ўтирилди.

— Грегор! — дея кувончдан қичқираб юборди у.

Аммо бу Грегор эмасди.

Унинг рўпарасида турган мавжудотнинг бўйи тўрт футдан ошмаса ҳам, оёқ-қўллари жуда кўп эди. Ғалати меҳмоннинг қалин лойга беланган танаси пушти-бўз тусли бўлиб, елкасига анчагина залворли кўринувчи тўрва ташлаб олганди. Қовундек чўзинчоқ ва тепага ингичкалашиб борувчи бошига учли қалпоқ кўндирилган. Бор-йўқ кийими ҳам шунинг ўзи.

— Сиз Грегор бўлмасангиз керак-а? — деб ҳадиксираб сўради Арнолд. У нима қиларини билолмай, довдираб қолганди.

— Йўқ, албатта, — деб жавоб қилди мавжудот. — Мен Хэм бўламан.

— Шундай денг... Лекин мабодо менинг шеригимни учратганингиз йўқми? Унинг номи Ричард Грегор. Мендан бир фут баландроқ, қотмадан келган ва...

— Уни учратдим, албатта, — дея тасдиқлади Хэм. — Нима, ҳалиям келгани йўқми?

— Кўриб турганингиздек.

— Ҳмм, жуда ғалати-ку бу. Хай, майли, соғ-омон бўлса бас. — Меҳмон курсига чўкди-ю, шу заҳотиёқ бир йўла учта қўлтигини қаший бошлади.

Аллақандай ваҳимадан юраги орқасига тортиб кетаётган Арнолд сўради:

— Сиз қаердан келдингиз?

— Оол сайёрасидан-да, албатта, — жавоб қилди Хэм. — Биз ўша ерда скомп экамиз. Ва у бу ерда униб чиқади.

— Кечирасиз, бир дақиқага, — Арнолд курсига оғир чўкди. — Сиздан илтимос, бир бошидан гапириб берсангиз.

— Нимани ҳам гапирардим. Оол сайёраси аҳолиси азал-азалдан скомп экиб келади. Бу ўсимлик ўз ривожининг дастлабки босқичларида бир неча ҳафтага йўқолади. Кейин эса пишиб етилган ҳолда сайёрамиз далаларида яна пайдо бўлади. Биз уни йиғиштириб, озиқ-овқат сифатида истеъмол қиламиз.

— Сиз жуда тез гапиряпсиз, ҳамма нарсани англаб етолмаяпман. Сайёрангиз қаерда ўзи?

— Грегорнинг айтишича, Оол ёндош оламда жойлашган. Лекин мен ўзим бу тўғрида ҳеч нима билмайман. Сизнинг Грегорингиз менинг даламда икки ойларча бурун пайдо бўлди. Менга инглиз тилини ўргатган ҳам ўша. Кейин эса...

— Икки ой бурун? — Арнолд эсанкираган кўйи ўйлашиб қолди. — Менимча, ҳар иккала жой вақтидаги тафовут бўлса керак бу. Хўш, у ёғини давом эттираверинг...

— Менга қаранг, егулик бирон нимангиз йўқми? — Кутилмаганда сўраб қолди Хэм. — Уч кундан буён туз тотганим йўқ. Йложим бўлмади, тушунасимизми? — Арнолд индамай бир бурда нон узатди ва қиёмли идишни унинг олдига суриб қўйди. — Янги ҳудуд кашф этилганида, мен биринчи бўлиб таваккал қилдим, — дея ҳикоясида давом этди Хэм. — Бутун чорвамни йиғдим-у, “Б” тоифасидаги учта хотин сотиб олиб, йўлга тушдим. Манзилга етиб келганимдан кейин эса...

— Шошманг, биродар! — дея ёлворди Арнолд. — Менинг саволларимга бунинг нима алоқаси бор?

— Ҳамма гап айнан шунда-да. Гапимни бўлмай туринг, ахир...

Бир қўли билан елкасини қашиганча, яна иккита қўли билан қиём суртилган нонни оғзига тикар экан, Хэм сўзида давом этди:

— Янги Ҳудудга етиб келиб скомп экдим. Экин униб чиқди, гуллади ва одатдагидек ғойиб бўлди. Аммо даламда қайтадан пайдо бўлганида уни аллақандай кемирувчилар гажиб ташлаган эди. Начора, фермерларда омадсизлик тез-тез учраб туради. Скомпни такроран экдим. Аммо ҳосил яна кўнгилдагидек бўлмади. Бу эса жаҳлимни чиқариб юборди. Аммо биз скомп экишда ўжар халқ бўламиз, буни биласиз. Бироқ пировардида тоқатим тоқ бўлиб, уринишларим наф беришига кўзим етмай, қайтиб кетишга отланиб турганимда тўйқусдан Грегорингиз пайдо бўлиб қолди-ю...

— Шошманг, шошманг, мен тушуниб олай, — деб унинг сўзини бўлди Арнолд. — Хуллас, сиз ёндош оламдансиз. Демак, скомпингиз ҳосилини олиш учун уни то пишиб етилунига қадар бир йўла икки ёндош оламда етиштиришга тўғри келади, шундайми?

— Тўша-тўғри. Ҳар қалай, Грегорингиз бизга шундай тушунтирди.

— Қишлоқ хўжалик экинини етиштиришнинг галаги усули экан-ку бу?!

— Аммо бизга бўлаверади, — деди оғриниб Оол сайёрасилик келгинди. Энди у бир йўла тўртта тиззаси остини қашиб ўтирарди. — Грегорнинг тушунтириши бўйича, уруғлар Коинотингизнинг ҳар қандай, ҳатто ҳеч ким яшамайдиган сайёрасига тушиб қолиши ҳам мумкин. Бу гал мен скомпни Янги Ҳудудда экганимда у яна бу ерда униб чиқибди.

— Э-ҳа! — деб юборди Арнолд ҳамма гапга тушуниб.

— Нима деганингиз бу — “э-ҳа”? Бунақа сўз борлигини Грегор айтмаганди. Ҳай, майли, у барибир менга ёрдам берди. Янги Ҳудуддаги далаларимни ташлаб кетишим шарт эмаслигини, фақат энди скомпни бошқа майдонларга экишим кераклигини тушунтирди. Яна шуни ҳам айтдики, ёндош оламлар бир-бирига айнан ўхшамайди. Лекин бу нима эканлигини, ўлай агар, тушунмайман. Мен олиб келган нарса эса бошқа бир хизмат учун ҳақ.

У елкасидан тўрвани олиб, гурс этиб полга қўйди. Арнолд тўрва оғзини очиб, ичига назар ташлади. Халга олтинга ўхшаш сап-сарик қуймаларга тўла эди.

Шу маҳал телефон жиринглаб қолди. Арнолд гўшакка ёпишди.

— Алло? — Грегорнинг овози эшитилди. — Хэм ҳалиям ёнингдами?

— Ҳа...

— У ҳаммасини тушунтириб бергандир? Ёндош оламлар ҳақида, скомп қандай етиштирилиши тўғрисида?

— Назаримда, тушуна бошлагандайман, аммо...

— Энди менга қулоқ сол, — дея унинг сўзини бўлди Грегор. — Биз экинзорда униб чиққан скомпни йўқотишимиздан аввал Хэм ўз даласида уни қайтадан экишга улгурган экан. Унинг оламида вақт Сирдагига нисбатан сустроқ кечиши туфайли, экин бир кечада униб чиққан. Бироқ энди бу ҳол бошқа тақдорланмайди. Хэм скомпни бўлак майдонларга экади. Энди эса агар униб чиққан экинни ёқиб юборсанг, у бошқа ҳеч қачон пайдо бўлмайди. Кейин бирон ҳафта кутгин-да, у ёғига мушуклар билан морганайзерни ишга сол.

Арнолд кўзларини маҳкам юмди. Буларнинг барини ўйлаб, текшириб кўриш учун Грегорга икки ой вақт керак бўлибди. У эса бундай қилолмади. Шунчаки фурсати етмади.

— Хэм нима бўлади? — деб сўради у Грегордан.

— Уни қўявер, скомпини чайнаб ўз уйига қайтади. Агар билсанг, бу лаънати модда танамиздан буткул чиқиб кетиб, икковимиз ўз Коинотимизга ўтгунга қадар очликдан тоза силламиз қуриди.

— Маъкул, — деди Арнолд. — Лекин назаримда... Э, дарвоқе, сен қардасан ҳозир?

Грегор мамнунлик билан хохолади.

— Биласанми, ёндош оламлар бир-бирига айнан ўхшамас экан. Скомпнинг танамга таъсири тутаган лаҳзада дала чеккасида тургандим, бир маҳал қарасам, Тул сайёрасида пайдо бўлиб қолибман.

— Бу ахир Галактиканинг нариги чеккасида-ку!

— Биламан. Ерда учрашамиз, олтин ёмбиларни олишни унутма.

Арнолд гўшакни ўрнига қўйди. Хэмнинг қораси ҳам кўринмасди. Фақат ана шундагина Арнолд ўзга сайёралик соф олтин тўлаган “бошқа хизмат” нималигини Грегордан сўраганини эслаб қолди.

Бу тўғрида Арнолд кейинроқ, Грегор икковлари Ерга қайтиб, “ТМСБ-ААА” фирмасида учрашишганда хабар топди. Сир сайёрасидаги каламушлар кутилганидек одатдаги қиёфасига қайтди ва мушуклар билан морганайзер ёрдамида қириб ташланди. Фирма шартнома бўйича ўз вазифасини бажарган эди. Тўғри, даромаднинг бир қисмини икки ҳафта кечикканлик учун жарима сифатида тўлашга тўғри келди. Аммо бу йўқотиш ўрнини Оол сайёрасилик келгиндининг олтин ёмбилари ошириб-тошириб тўлдириб юборганди.

— Унинг даласи мушукларимиздан жабр кўрарди, — деб ҳикоя қилди Грегор. — Улар чорва молларини ҳуркитар ва ҳатто қўрқитар эди. Мен бу жониворларнинг барини тутиб олиб, Оол сайёрасининг Марказий ҳайвонот боғига сотдим. Даромадни эса мижозим иккаламиз бўлишиб олдик.

— Ҳайриятки, ҳаммаси хайрли тугади, — деди Арнолд бош қашиб.

— Мен ҳам шу фикрдаман.

Грегор шундай деб елкасини зўр бериб қаший бошлади. Арнолд аввалига унга тикилиб қолди, кейин эса ўзининг ҳам кўкраги қичиша бошлаганини сездди. Нафақат кўкраги, бир лаҳзадаёқ унинг боши, оёқлари ва умуман бутун танаси қичиша бошлаганди:

— Назаримда, ҳаммаси тугамаганга ўхшайди-ёв, — деди Грегор.

— Бу нима деганинг бўлди? — Арнолд чап елкасини жон-жаҳди билан қаший бошлади. — Яна нима гап?

— Хэмни озода деб бўлмайди, албатта. Қолаверса, Оол сайёрасининг ўзи ҳам покизалиқдан анча бегона экан.

— Ҳўш, нима бўпти?

— Гап шундаки, у ерда бит юқтириб олганга ўхшайман, — деди Грегор қорини кўшқўллаб қашир экан. — Ўзинг сезиб тургандек, бу бит ҳам кўринмас.

**“БЕТИЗГИН ИСТЕЪДОДЛАР” УЮШМАСИ**

Фикрий қуввати билан гиламни ёндириб тешишга ёки Ердан узилиб, Ой сари парвоз қилиш учун шай турган ракетани портлатиб юборишга қодир одамни биласизми? Агар билсангиз, “Бетизгин истеъдодлар” уюшмасининг раҳбари Сэм Уэверлига мурожаат қилинг, чунки у мана шундай ғаройиб одамларни ишга жойлаштириш билан шуғуланувчи ягона ташкилот эгасидир. Бироқ Сидни Эскинга ўхшаш кимсаларни тарғиб қилишдан аввал яхшилаб ўйлаб кўринг. Чунки яқинда Блекстоун жиннихонасидан қочган бу нусха одамларни шунақанг бир ғалати усулда “қузатади”ки, ҳар қандай киши ҳам саросимага тушиб қолмай иложи йўқ. Шу боис комил ишонч билан олдиндан огоҳлантириб қўямизки, бундай шахсларни қабул қилиш ҳақидаги мактубингизни мистер Уэверли жавобсиз қолдириши турган гап. Нима учун дейсизми? Бўлмаса ҳозир Роберт Шекли деган бир кимса қўйида сизга умуман ақпа сизгамай диган бир воқеани ҳикоя қилиб беради. Сирасини айтганда, унинг туркум ҳикоялари орасида энг яхши ва кулгилларидан бири ҳам мана шу. Тўғри, адиб бу асарини мутлақо бошқа соҳаларга буткул берилиб кетмасидан аввал ёзган эди, аммо умид қиламизки, у ҳадемай яна олдинги машғулотига қайтади.

Уэверли соатига кўз ташлаб, мухбирлар келишунга қадар яна ўн дақиқалар вақти борлигини билди.

— Хўш, хизмат? — деди у қатъий ишонч билан, интервью беришга руҳан тайёрланар экан. — Сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин, сэр?

Унинг рўпарасида ўтирган одам “сэр” деб мурожаат қилишларига кўникамаган чоғи, бир нафас ҳатто гарангсиз турди, кейин ногаҳонда ғалати қилиб ишшайди-да:

— Бу ерда ишончли бошпана топиш мумкин-ку, ахир, тўғримасми? — деб сўради.

Уэверли унга синчиклаб разм солди: ушоққина гавдали, озгин, кўзлари ёнади.

— Бу ер “Бетизгин истеъдодлар, Инкорпорейтед” уюшмаси, — дея хотиржам таъкидлади у. — Инсонда пайдо бўлувчи ғайритабиий имкониятларнинг ҳар қандай кўриниши бизни чиндан ҳам қизиқтиради.

— Ҳа, ҳа, ана шуни билганим учун ҳам қочиб келдим-да, — жиккак одамча маъқуллаш ишорасида шахд билан бош ирғади. — Мени улардан фақатгина сиз қутқара олишингизни билардим. — У хавотирланиб эшикка қараб қўйди.

— Кўрармиз у ёғини, — Уэверли ошқора жавоб беришдан қочиб, оромкурси суянчигига ўзини ташлаб, ястаниб олди. Унинг эндигина ташкил этилган уюшмаси хилма-хил телбаларни ўзига оҳанрабодек тортарди гўё. Уэверли руҳиятга боғлиқ турли-туман ғаройиб ҳодисаларга ва инсоннинг олий нерв фаолияти билан боғлиқ одатдан ташқари бошқа жараёнларга қизиқиши тўғрисида эълон қилди-ю, хонасидан телбалару лўттибозларнинг оқими узилмай қолди.

Лекин Уэверли алмойи-алжойи эканлиги яққол кўриниб турган одамлар олдида ҳам эшигини ёпмасди сира. Қанчалик ғалати кўринмасин, баъзан экстрасенсориканинг ҳақиқий даҳолари жамиятнинг бориб турган чиқиндилари орасида учраб қолиши мумкин. Ахлатдан жавоҳир чиқибди деганларидек...

— Нима билан шуғуланасиз ўзи, мистер... э-э-э?

— Эскин. Сидни Эскин, — деб ўзини танишгирди одамча. — Мен олимман, сэр. — У уриниб қолган камзулининг тутмаларини қадади ва беўхшов бир тарзда ўзини салобатли кўрсатишга уринди. — Мен хилма-хил инсоний жуфғларнинг хатти-ҳаракатини кўпдан бери қузатаман ва натижаларни тадқиқот олиб боришнинг энг илгор усулларига тўлиқ мос келадиган тарзда бутун тафсилоти билан ёзиб бораман.

— Тушунарли, — деди Уэверли. — Лекин, агар янглишмасам, сиз қаердандир қочиб келдим дедингиз-а?

— Ҳа, Блекстоун жиннихонасидан. Тадқиқотларим натижасидан кўрқиб кетган махфий душманларим мени қамаб қўйишга уриниб кўришди! Аммо



мен қочишга муваффақ бўлдим. Мана энди ёрдам ва бошпана топиш умидида хузурингизга келиб турибман.

“Ҳа, паранойянинг энг оддий кўриниши, — деб ўйлади Уэверли. — Қизик, агар Блекстоун билан боғланишга уриниб кўрсам, унинг жаҳли чиқиб кетмасмикан ишқилиб?”

— Демак, сиз одамларнинг хатти-ҳаракатини ўрганасиз, тўғрими? — майин оҳангда сўради у. — Аммо бу машғулотнинг ҳеч қандай ғайритабиий жиҳати йўқ менимча...

— Шошманг, мен сизга исботлаб берай! — дея таклиф қилди одамча. У тўсатдан ғалати бир аҳволга тушиб қолди-ю, Уэверлига ниҳоятда синчиклаб тикилди. Кўзлари нақ еб қўйгудай эди. — Марҳамат: котибангиз ҳозир қабулхонадаги ўз ўрнида ўтирибди ва нозик, энгил ҳаракатлар билан бурнига уша сураятпти... Энди эса упадонни қўлда тутганча сал олдинга эгилди... Эҳ! Котибангиз эҳтиётсиз ҳаракат билан упани ёзув машинкаси устига тўкиб юборди ва “Жин урсин-е!” деб қўйди. Энди у...

— Шошманг, — дея унинг сўзини бўлди Уэверли ва шахдам туриб қабулхона эшигини шартта очди.

Унинг котибаси Дорис Флиг уша тўкилган машинкани артарди. Қиз бошдан-оёқ ушага беланган, ҳатто тим қора сочлари ҳам у ер-бу ерда оқариб қолган, шу боис кўринишдан ун устига йиқилиб тушган мушук болага ўхшаб кетарди.

— Уҳ, кечирасан, Сэм! — деди Дорис хижолат бўлиб.

— Ҳечқиси йўқ! — деди Уэверли қувноқ оҳангда. — Аксинча, сендан ҳатто хурсандман! — Бу гапига бирон изоҳ беришни ҳам ўйламай, у хонаси эшигини ёпди ва Эскин ёнига ошиқди.

— Хуллас, ҳимоянгиздан умид қилсам бўладими? — деб сўради Сидни стол оша худди фитначидек Уэверлига яқинроқ энгашиб. — Улар мени олиб кетиб яна қамаб қўйишларига йўл бермайсиз-а, тўғрими?

— Сиз одамларни доимо мана шундай... “кузата” оласизми? — деб сўради Уэверли.

— Бўлмасам-чи!

— У ҳолда ҳеч нимадан хавотирланмасангиз ҳам бўлади! — Уэверли хотиржам сўзлар, аммо юраги қинидан чиққудай потирлаб урарди. Эскин соғми-йўқми, барибир, аммо бу қадар ноёб истезодод аллақайси бир шифохонада кўмилиб ётишга йўл қўйиб бўлмайдди асло! Ҳатто бу унга, Уэверлига бир дунё ташвиш орттирганда ҳам!

Стол устидаги ички телефон жиринглади. Уэверли тутмачани босган эди, Дорис Флигнинг овози эшитилди:

— Мухбирлар келишди, мистер Уэверли.

— Бир дақиқа сабр қилишларини сўранг, — деди у жилмайиб: котибасининг овози ўта “расмий” эди. Уэверли Эскинни кабинетта туташ чоғроққина бир хонага олиб ўтиб деди: — Ҳозирча шу ерда кутиб турасиз. Аммо шовқин чиқармасликка урининг ва ҳеч нарсдан хавотирланманг.

У хона эшигини ёпиб, Дорисга мухбирларни кабинетта йўллашни буюрди.

Улар етти нафар эди. Қўлларида блокнотлари шай. Уэверлининг назарида мухбирлар унга ўзлари истамаган ҳолда худди ёвуз даҳога қарагандек ҳурмат билан қарашарди. “Бетизгин истезододлар” тўғрисидаги мақолалар аллақачоноқ сўнгги саҳифалардан биринчи саҳифага кўчиб ўтган. Айниқса, руҳиятга боғлиқ энг ғаройиб ҳодиса — Уэверли уюшмасининг ҳақиқий юлдузи Билли Уокер ўзининг ҳайратомуз телеаппаретик қобилияти туфайли Миррихга “Венчур” кемасини жўнатишга муваффақ бўлганидан кейин.

Уэверли унга бўлган қизиқиш керакли даражага етгунича вақтдан мумкин қадар ютишга уринди. Мана энди ишга киришса бўлади.

У журналистлар бемалол жойлашиб олгунларича кутиб турди ва ниҳоят сўз бошлади:

— Жентлменлар, “Бетизгин истезододлар” уюшмасининг ташкил этилиши оддий одамларнинг бепоён денгизи ичида биз парапсихологлар экстрасенсорик қобилият деб атайдиган қобилият эгаларини излаб топишга уринишдан иборат. Таассуфки, бундай одамлар жуда кам учрайди.

— Экстрасенсорик қобилият дегани нима ўзи? — сўради бир дароз мухбир.

— Буни бир оғиз сўз билан таърифлаш мушкул, — деди Уэверли мумкин қадар самимийроқ жилмайишга уриниб. — Лекин, ҳар қалай, сизларга тахминан бўлса ҳам тушунтиришга уриниб кўраман...

“Сэм! — Унинг қулоқларида Дориснинг овози янгради. Шунақанги тиниқ эшитилардики, гўё ёнма-ён тургандек. Балки Дорис энг яхши котиба эмасдир, лекин телепатик қобилиятга эгаллиги аниқ. У қобилиятини муваффақиятли қўллар ва тахминан йигирма фоиз ҳолда бу унга жуда-жуда асқотарди. — Сэм, меҳмонларингдан иккитаси ҳеч қанақа муҳбир эмас!”

“Бўлмаса ким улар?” — Уэверли ҳаёлан савол берди.

“Билмасам, — деди Дорис. — Лекин, назаримда, бу ташриф бизга кўнгилсизлик келтирадигандек.”

“Қандай кўнгилсизлик экани ҳақида бирон тасаввуринг борми ишқилиб?”

“Йўқ-да. Иккови ҳам костюмда. Улар ўйлашаяптики...” — Дориснинг фикрий овози ўчди.

Телепатик суҳбат яшин тезлигида кечади, шу боис савол-жавоблар бир лаҳзадан ортиқ вақтни олмади. Уэверли қора костюмдаги икки меҳмонга қаради — улар бошқалардан сал четроқда ўтиришар, ҳеч нимани ёзиб олишмас эди — ва ҳеч нарса бўлмагандай сўзида давом этди:

— Экстрасенс, жентлменлар, руҳий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларига ва ҳатто бошқа кишилар устидан муайян руҳий ҳукмронликка эга одам, бироқ ушбу ноёб ҳодисанинг асл табиати тўғрисида биз фақат тахмин қила оламиз, холос. Ҳозирги вақтда экстрасенсларни циркда ёки хилма-хил шоуларда кўпроқ учратиш мумкин. Ва аксари ҳолларда улар хавотиру асабий тарангликка тўлуғ бўлган ўта бахтсиз ҳаёт кечиришади. Мен тузган уюшма эса бу одамлар учун уларнинг истеъдоди иш берадиган ва ҳамма учун фойда келтирадиган бирон машғулот топиб беришга уринади. Келгусида биз инсон руҳиятининг бу хил ғайриоддий жиҳатлари нима учун ва қай тарзда фаолият юритишини ҳамда бу ҳол қандай сабабга кўра бундай ғалати тарзда намоён бўлишини аста-секин аниқлаш умидидамиз. Биз яна шуни истардикки...

Уэверли тафсилотларга тўхталишдан эринмай, маърузасини давом эттираверди. Жамоатчилик унинг ишини тан олиши улкан аҳамиятга эга ва бу омилни ҳеч қанақасига эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ядро талқиқотларининг муваффақиятларидан жунбушга келган ҳамда яқингинада Ой билан Миррихга парвозларни улкан қониқиш билан қабул қилган омма, агар унинг учун мумкин қадар тушунарлироқ тарзда баён этиб беришга уринилса, парапсихологиянинг асосий юяларини “симириб олиш”га ҳам тайёр турибди.

Хуллас, Уэверли ҳозирча анчайин мураккаб ва чигал бўлиб кўринаётган муаммоларни усталик билан айланиб ўтган ҳолда ёрқин рангларни аяб ўтирмади асло. У экстрасенсларни барча билан, шу жумладан, Уэверлининг ўзи билан ҳам фақатгина телепатия ёрдамида мулоқот қилишга қодир одамлар сифатида тасвирлади; шундай қилиб, бундай қобилиятга эгалик қандайдир даражада меъёрдан четга чиқиш ёхуд мажруҳлик бўлиб туюлмаслиги керак, балки, аксинча, башариятнинг ҳар қандай вакилида мавжуд бўлган табиий қобилиятларнинг тўлиқ юзага чиқиши сифатида қабул қилинмоғи лозим.

Уэверли ўз нутқини мазкур соҳага бўлган комил ишонч оҳангида якунлади.

— Энди хулосага келадиган бўлсак, — деди у, — асосий умидимиз шундаки, вақти-соати келиб барча одамлар табиат уларга ато этган экстрасенсорик қобилиятларидан фойдаланишни тўла-тўқис ўрганиб оладилар!

Устма-уст ёғилган саволлардан кейин матбуот анжумани поёнига етди. Хонада қора костюмдаги ўша икки нусха қолди, холос.

— Сизлар яна бирон нима билишни хоҳлайсизларми, жаноблар? — такалуф билан сўради Уэверли. — Менда баъзи рисолалар бор...

— Мабодо бир нусха қўл остингиздан паноҳ топмадимми? Унинг фамилияси Эскин, — деб суриштирди айқоқчилардан бири дағаллик билан.

— Нима ҳақда гапираяпсиз ўзи? — Уэверли ажаблангандай бўлди.

— Борми, йўқми у?

— “У” деганингиз ким, ахир?

— Майли, масалага бошқа томондан ёндошиб кўрайлик, — деб хўрсинди изкувар ва шериги икковлари ўз гувоҳномаларини кўрсатишди. — Биласизми, бу Эскин деганлари Блекстоун шифохонасига жойлаштирилган эди, у ердан қочиб кетди. Ҳойнаҳой, сизнинг ҳузурингизга келган, деб ўйлаш учун жиддий асосимиз бор. Башарти шундай бўлса, уни олиб кетишни истардик.

— Хўш, унга нима қилган ўзи? — деб сўради Уэверли.

— Сиз уни кўрдингизми, йўқми?

— Жентлменлар, бунақада гапимиз қовушмайди, ахир! Борингки, уни кўрдим дейлик, — фақат эътиборда тутинг: мен буни тасдиқлаётганим йўқ! Менда уни даволайдиган, ўз мамлакатининг ҳамма қатори муносиб фуқаросига айлантира оладиган бир восита бор, деб фараз қилайлик. Ана шу ҳолда ҳам сизлар уни яна жиннихонага қайтариш керак, деб оёқ тираб туриб оласизларми?

— Сиз Эскинни даволай олмайсиз! — деди бояги изкувар ишонч билан. — Чунки у ўзича жуда ажойиб машғулот топиб олдим деб ўйлайди, бироқ афсуски, унинг бу “фаолияти” атрофдаги ҳаммининг нақ ҳиқилдоғига келган.

— Хўш, қанақа “фаолият” экан у?

— Демак, уни кўргансиз?

— Йўқ. Лекин мабодо учратиб қолсам, сизларга албатта хабар бераман, — Уэверли ваъдани қуюқ қилди.

— Мистер Уэверли, бундай муносабат...

— Нима, у хавфлими?

— Унчаликмас. Аммо...

— Экстрасенсорик қобилиятга эгами?

— Эҳтимол, — изкувар ижирганиб бош ирраган бўлди. — Бироқ бу қобилиятдан у қандай фойдаланишини билсангиз эди...

— Бу одамни кўрмаганимга шубҳам йўқ, — деди Уэверли унинг сўзини бўлар экан совуққина қилиб.

Изкуварлар кўз уриштириб олишди.

— Начора, — деди улардан бири. — У паноҳингизда эканини ўзингиз тан олиб турганингиздан кейин биз нима ҳам қилардик, шундай деб ахборот берамиз-да. Аммо лекин унинг учун масъулиятни ўз зиммангизга олишга розимисиз?

— Мана бу бошқа гап, — деди Уэверли. Керакли ҳужжатлар тезда имзоланди ва Уэверли иккала изкуварни хонадан кузатиб чиқди. Тўғри, остонада улар бир-бирига заҳархандалик билан кўз қисиб қўйгандек туюлди унга. Яна ким билади, балки шундай кўрингандир.

— Хўш, қалай, тўғри айтибманми? — деб сўради Дорис.

— Тўғри бўлганда қандай? — жавоб қилди Уэверли. — Лекин сочингда уа бор ҳалиям.

Дорис елкасига осиб юрадиган каттагина сумкасидан кичкинагина кўзгу олиб, сочини тартибга келтира бошлади.

— Менга қара, бас, етар, — деди Уэверли энгашиб унинг бурнидан ўпар экан. — Эртагаёқ менга турмушга чиқасан, хўпми?

Дорис бир муддат ўйлашиб қолди.

— Биласанки, эртага ишим жуда кўп: саргарошхонага боришим керак.

— Унақада индинга.

— Йўқ, индинга Ла-Маншдан сузиб ўтишда қатнашаман. Агар сенга маъкул бўлса, бу ишни келаси ҳафтага қўя турайлик.

Уэверли уни яна ўпди.

— Сен айтганингча бўла қолсин. Аммо лекин келаси ҳафта ҳеч қандай гап-сўзсиз менинг хотиним бўлишинг шарт! Билиб қўй, мен ҳазиллашаётганим йўқ.

— Бўпти, — розилик билдирди Дорис. Кейин эса қандай муҳим нарса ҳақида гаплашаётганларини ўйлаб, юраги ҳаприқиб кетди. — Менга қара, Сэм, рости билан шундай деясанми?

— Рости билан, — бош ирғади у. Тўйлари шу пайтгача икки марта қолдирилган эди. Биринчи мартасида Билли Уокер машмашаси туғилиб қолди: у Миррихга “Венчур” фазвий кемасини учиринида қатнашини сираям истамаётганди. Биллининг руҳини туширмаслик учун ҳам Уэверли кечаю кундуз унинг ёнида бўлишига тўғри келди.

Иккинчи мартаси Уэверли “Бетизгин истеъдодлар” учун бадавлат бир ҳомий тошган пайтга тўғри келиб қолди. Ушанда у бир кеча-кундузда йигирма тўрт соатлаб ишлашига мажбур бўлган: нималарнидир ташкил қилиш, экстрасенсларга эҳтиёж туғилиши мумкин бўлган уюшмалар билан боғланиш, экстрасенсларнинг ўзини излаб топиш керак эди ва ҳоказо... Аммо энди бу гал...

Уэверли Дориснинг юзига яна энгашган эди, у бирдан сўраб қолди:

— Анави нусха нима қиляпти? Ҳалиям хонангда ўтирибдими?

— Э-ҳа, дарвоқе, — Уэверлининг ёдига тушиб қолди. — Менимча, у энг ҳақиқий экстрасенс. Яхшиям эслатдинг, у нима билан машғулигини текшириб кўриш керак. — У шундай деб ўз хонаси орқали ичкари хонага йўналди.

Эскин қаердандир қоғоз-қалам топиб олиб, нималарнидир шоша-пиша ёзиб ўтирган экан. Уэверли билан Дорис кириб келишганда у бошини кўтариб мамнунлик билан илжайиб қўйди, лекин бу кулгиси уларга беўхшовдек кўриниб кетди.

— Эҳ, сизмисиз, қадрдон халоскорим! Билсангиз, сэр, мен энг сўнгги илмий кузатишларим натижасини сизга ҳозироқ намойиш этишни истардим. Мана бу А объекти, яъни сиз билан В объекти, яъни мисс Флит ўртангизда кечган ҳодиса ҳақидаги батафсил ҳисобот. — У шундай деб ёзувга тўла варақларни тутқазди.

Маълум бўлишича, Эскин Уэверли билан Дорис ўртасидаги суҳбатни энг майда-чуйда тафсилотигача тўлиқ баён этибди. Илова тарзида эса ўпичларнинг энг аниқ анатомик тавсифларини келтирган, уларга кўшимча сифатида эса ҳар бир ўпичдан аввал, ўпич пайтида ва ҳар бир ўпичдан кейин икковининг ҳиссий кечинмаларини ипидан-игнасигача таърифлаган эди.

Дориснинг қовоқлари уюлди. У шахсий эркини бағоят қадрларди, шу боис ҳам интим лаҳзаларда уни қандайдир бир жинқарча “кузатиб” тургани муғлақо ёқмади.

— Ҳмм, ғалати, — деди Уэверли Дориснинг чеҳраси оқариб-бўзариб турганини кўраркан, кулгисини аранг яшириб. Бу одамга эса шунчаки раҳбарлик қилиш ёки, жиллақурса, ҳаракатларини йўлга солиб туриш кифоя эканлигига унинг ишончи комил эди. Қолаверса, бу хил масалаларни ҳал қилишни эртагача бемалол қўйиб туриш ҳам мумкин.

Эскинга тунаш учун жой топиб бергач, Уэверли билан Дорис тушлик қилишди ва бўлажак тўйни муҳокама этишга киришишди. Кейин эса Дориснинг уйига бориб телевизор қўйишди, аммо кечаси соат биргача экранга ҳатто бир марта ҳам қайрилиб қарашгани йўқ.

Эрталаб Уэверлининг қабулига биринчи бўлиб ўттиз беш ёшлардаги, дид билан кийинган эркак кирди ва ўзини ҳар қандай ҳисоб-китобни ҳаёлан бир зумда амалга оширишга қодир одам деб танишгирди. Уэверли жавондан логарифмлар жадвалини олиб, синаб кўра бошлаганида эса у чиндан ҳам жуда ажойиб натижаларни намойиш қилди. Уэверли унинг номи ва манзилини ёзиб олиб, боғланишга ваъда берди.

Унинг жиндек ҳафсаласи пир бўлганди. Ҳаёлан яшин тезлигида ҳисоблашга қодир одамлар бетизгин истеъдодлар орасида энг бетизгини эди. Бунинг устига уларга ҳақиқатан яхши иш топиб бериш анчагина машаққатли кечар, негаки аксарияти ижодий математик қобилиятдан маҳрум эди.

Хилма-хил газета-журналлардан иборат эрталабки почта келди ва Уэверли бир қанча вақтгача ўқиш билан машғул бўлди. У ўзининг экстрасенслари учун унчалик маълум бўлмаган иш ўринларини топиш умидида амалда барча даврий нашрларга ёзилган эди.

Кўп ўтмай Дорис хонага пиёнисталарникидек қип-қизил башарали бир кекса кишини йўллади. Унинг костюми анчагина дуруст, аммо енглари тигилган, қўйлагининг эса ягири чиқиб кетганди. Бироқ нима учундир тўғлиси нақ ярақлаб турибди.

— Мен сувни винога айлангира оламан! — деб тантана билан эълон қилди мижоз.

— Қани, кўрайлик-чи! — Уэверли шу заҳотиёқ музлатгичдаги минерал сувдан стаканга қўйиб унга узатди.

Эркак сувга қараб ўзича бир нималар деди, қўлини стакан устига олиб бориб, бир неча ҳаракатлар қилди. Бироқ ҳеч қандай ўзгариш рўй бермади ва мижознинг юзида ажабланиш акс этди. У сувга зарда билан қаради, яна дуосини ўқиб, қўлини ҳаракатлангирди. Яна ҳеч қандай натижа бўлмади.

— Бу жараён қандай нозиклиги ўзингизга аён-ку, ахир, — деди у Уэверлига қараб. — Биз экстрасенсларда майдон гоҳ йўқолиб, гоҳ пайдо бўлиб туради. Одатда эса — яъни, қирқ фоиз ҳолда натижа кўнгидагидек чиқади.

— Демак, бугун шунчаки омадингиз келмабди-да?! Майдон йўқолиб қолдимми? — деб сўради Уэверли ачинган киши бўлиб, аммо сўз оҳангида киноя сезиларди.

— Топдингиз, йўқолди, — дея тасдиқлади пиёниста. — Лекин сиз менга озроқ... э-э-э... моддий ёрдам кўрсатиб туролмайсизми? Шунда, бир неча кун ўтгач, қобилиятим албатта қайтади, ҳа, ҳа, ишонаверинг. Ҳозир эса керагидан зиёд хушёрман. Мен росмана мўъжиза кўрсатишим кўришга арзийди, ўлай агар...

— Сиз бу гапларнинг барини газетадан ўқиб олгансиз, тўғрими? — деб сўради Уэверли.

— Э, нималар деяпсиз ўзи! Менинг ноёб қобилиятим...

— Гап тамом, вассалом! Қани, хонани бўшагиб қўйсинлар-чи! — деб буюрди Уэверли. Тавба, унинг уюшмаси хилма-хил фирибгарларни намунча ўзига тортмаса-я! Яна энг алам қиладигани шуки, улар уни, Уэверлини ҳам ўзларига ўхшаган лўтгибоз, одамларни лақиллатиб юрибди, деб астойдил ишонишади. Бошқалари эса осонгина раҳмини келтириш мумкин бўлган бир анойи деб билишади уни...

Хуллас калом, бу хил таширлар унинг тинкасини қурита бошлаган эди.

Хонага навбатдаги мижоз — пастроқ бўйли, тикмачоқдан келган, қадама суратли арзонбаҳо чиг кўйлак кийган, кўринишидан ўн саккиз-ўн тўққиз ёшлардаги бир қиз кириб келди. У ўзини жуда ноқулай ҳис этаётгани шундоққина сезилиб турарди.

Уэверли уни ўгиришга таклиф этиб, сигарета тутди. Қиз шу ондаёқ ютоқиб-ютоқиб торта бошлади.

— Менинг исмим Эмма Краник, — деди у терлаб кетган кафтини қўйлагига артар экан. — Мен... айтинг-чи, сиз устимдан кулмайсизми ишқилиб?

— Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин. Давом этаверинг. — Уэверли столи устидаги қоғозлар орасидан бир нима ахтараётгандай бўлди гўё. Агар қизга қараб турмаса, у ўзини тутиб олишини тушунарди.

— Биласизми... гапим жуда ғалати эшитилар-у, аммо мен ёнғин чиқара оламан. Хоҳласам бас. Чин сўзим, ўлай агар! — Гапини исботлашга тайёрдай қизнинг нигоҳи чақнаб кетди.

Шундай ноёб ҳодиса мавжудлигини Уэверли аллақачондан буён билар, аммо шунақанги қобилият эгасини умрида биринчи марта ўз кўзлари билан кўриб туриши эди. Чамаси, қандайдир бир номаълум сабабга қўра нарсаларни хаёлан алангалатиб юбориш қобилияти, авваламбор, жуда ёш қизларга хосдек туюлади.

— Эмма, бу ишни қандай қилиб амалга оширишингизни кўрсата олмайсизми? — майинлик билан сўради Уэверли ва қиз итоаткорлик билан унинг янги гиламидан куйдириб тешик очди. Уэверли шоша-пиша бир неча стакан сув қуйиб алангани ўчирди, кейин эса қўшимча текширув мақсадида қизни пардани ҳам ёқишга ундади.

— Жуда соз! — деди у чин кўнглидан хурсанд бўлиб ва қизнинг чехраси ёришиб кетганини пайқайди. Маълум бўлишича, Эмма амакисининг фермасини ёндириб кулга айлангириб қўйибди, амакиси эса бу қиз “ниҳоятда бало” экан, лекин мен фермамда бунақаларга тоқат қилолмайман, дебди.

Ўшандан буён қиз Ёш аёлларнинг насронийлик уюшмасида яшар экан, Уэверли шу манзил бўйича мурожаат қилиб, у билан албатта боғланишни ваъда қилди.

— Сиз ниҳоятда ноёб қобилият эгаси эканингизни унутманг! — деди хайрлашаётиб. — Бу жудаям-жудаям қимматли ва ноёб қобилият! Ва бундан асло чўчиманг!

Қиз энди ёйилиб кулганди, деярли ёқимтой кўриниб кетди.

Полтергейст, деб ўйлади Уэверли мижози кетганидан кейин. Лекин, жин урсин, ёнгин чиқариш қобилиятига эга бўлган қизни у қаерга ҳам ишга жойлаб кўя олади, ахир?! Ўтёқар қилибми? Йўқ, бу умуман аҳмоқона фикр!..

Афеуски, бетизгин истеъдодга эга бўлган кишилар камдан-кам ҳоллардагина ўз қобилиятларини оқилона қўллаш имкониятини топа оладилар. У мухбирлар билан суҳбатда бу масалада жиндек катта кетиб қолди-ёв. Аммо у ёғини суриштириб келганингизда экстрасенелар ҳам бу дунёда ҳар қадамда учрайвермайди-да, ахир!

Уэверли бир журнални варақлар экан, полтергейст кимга керак бўлиб қолиши мумкинлиги ҳақида ўй сурарди.

— Сэм! — Дорис остонада қўлларини белига тираганча турарди. — Бу ёққа бир қарагин-а!

Уэверли қабулхонага чиқди. Стол ёнида башарасида аҳмоқона бир илжайиш билан Эскин турарди, албатта — қўлларида лик тўлдириб ёзилган бир даста қоғоз. Дорис варақларни олиб, унга узатди.

Уэверли уларга шоша-пиша кўз югуртирди. Бу унинг ўзи, яъни Уэверли Дориснинг уйига кириб борган дақиқадан бошлаб то чиқиб кетган дақиқасига қадар бўлган оралиқда икковлари нималар билан шуғулланганлари ҳақида муфассал ҳисобот эди.

Бироқ “муфассал ҳисобот” бу ҳали ҳаммаси эмас экан. Бу экстрасенс деганлари уларнинг нафақат ҳар бир хатти-ҳаракатлари, балки ҳар бир кечинмаларини ҳам тадқиқ этиб, тавсифлаб берибди. Эскинни нима учун жиннихонага тегиб қўйишганини — гарчанд бу иш мутлақо адолатсиз бўлса ҳам! — Уэверли эндигина тушуниб олди, аммо энди бу ишда ҳеч қандай нотўғри, адолатсиз томонни топа олмади. “Ахир, бу ҳақиқий вуайернинг ўзгинаси-ку! — деган фикр ўтди Уэверлининг хаёлидан, — жазманларнинг изларидан ис олиб юрибди, ахлат титкилаган мушукдан нима фарқи бор? Яна денг, мушук бўлганда ҳам нафақат бу изларни ахтариб топиш, балки бир неча мил масофадаги одамлар нима билан шуғулланаётганларини ҳатто кўриб тура олиш қобилиятига эга бўлган ажойиб мушук!”

Барча ошиқ-маъшуклар каби Уэверли билан Дорис ҳам бетиним ўпишар, кучоқлашишар ва бу ишларини беодоблик деб тушунишмасди асло. Бироқ мана шу ўпичлару эркалашлар, ишқий оҳ-воҳларнинг барини бегона бир кимса муфассал тасвирлаганини ўқиш, дил ҳиссиётларининг биров жарроҳдек бешафқатлик билан ўрганаётганини, кўнгил кечинмаларининг қассобдек нимталаётганини билиш... О, нақалар даҳшат эди бу!

Эскиннинг илмий лугати бенуқсон экан: уларнинг ҳар бир қадамини нозик тиббий-анатомик атамалар ёрдамидагина таърифлаган. Кейин хатти-ҳаракатга доир диаграммалар тузиб, соф физиологик таҳлилни келтирган. Пировардида эса масалага янада теранроқ ёндошиб, гормонал фаоллик таҳлилига, молекуляр даражадаги ўзгаришларга, мушаклар кўзголиши ва ҳоказоларга ўтган.

Хуллас, бу илмийлик ниқоби остидаги порнографиянинг асл маънодаги ҳайратомуз намунаси эди! Уэверли умри бино бўлиб бунақасини кўрмаган.

— Қани, бу ёққа юринг-чи, — деб у Эскинни хонасига бошлади. Дорис ҳам кирди, унинг чеҳрасида оғир ўй-хаёллару кучли саросима акс этарди.

— Хўш, хўш... Худо ҳақи, менга тушунтириб беринг-чи, бу ишни нима учун қилдингиз ўзи? — деб сўради Уэверли ҳануз ўзига келолмай. — Сизни жиннихонадан қутқариб қолган мен эмасмидим, ахир?

— О, сэр, албатта, албатта! — деб хитоб қилди Эскин. — Ва мен сиздан бениҳоя миннатдорман, ҳа, ҳа, ишонаверинг.

— У ҳолда мана бунақа нарса бошқа такрорланмайди, деб сўз беринг.

— Э, нималар деяпсиз ўзи?! — Экстрасенс айюҳаннос солди. — Наҳотки менинг тадқиқотларимни тўхтатиб қўймоқчи бўлсангиз? Мен бу ишсиз туролмайман, буни ҳам ҳисобга олиш керак-ку, ахир?

Шундан сўнг у изоҳ беришга тушиб кетди. Орадан ярим соат ўтгандан кейин эса Уэверли бу одам ҳақида яна бир талай қизиқарли нарсаларни билиб олди. Эскин гарчи тасодифан бўлса ҳам у билан ақалли бир мартагина мулоқот қилган одамни у қаерда ва қандай шароитда эканидан қатъи назар, “кузатиш”га

қодир экан. Бироқ у ёки бу “кузатиш объекти”нинг жинсий ҳаёти уни ҳамма нарсадан кўпроқ қизиқтирарди. Яна энг қизиги, илм-фанга хизмат қилаётганига астойдил ишонган ҳолда Эскин бу фаолиятини мустаҳкам рационал асосга қуриб олган эди.

Уэверли унга кичик хонада кутиб туришни буюрди-да, ортидан эшикни ёпиб, Дориста ўтирилди.

— Шундай бўлиб қолганидан ниҳоятда афсусдаман, — деди у. — Бироқ Эскинни тўғри йўлга сола олишимга ишонаман. Бу унчалик қийин бўлмаса кераг-ов.

— Шундай дегин. Ишончинг комилми? — деб Дорис унга совуққина қараш қилди.

— Албатта, — дея тасдиқлади Уэверли. — Мен ҳаммасини ўйлаб қўйганман.

— Жуда соз, — деди Дорис ва экстрасенс ёзганларини йиртиб-йиртиб кулдонга қўйди-да, ёқиб юборди. — Аммо, менимча, сен уни қайта тарбиялагунигга қадар тўйни қолдириб турганимиз маъқул.

— Нега энди?

— Ўзинг бир ўйлаб кўр-а, Сэм, — деди Дорис чуқур уф тортиб. — Манави жинқарча ҳар бир қадамнинг кузатиб турганини билган ҳолда турмушга чиқиб бўлармиди? Яна, бутун тафсилоти билан ёзиб боришига ўлайми?

— Қўй энди, кўнглингга олаверма. Лекин Эскин ҳақидаги гапларинг тўшпа-тўғри. Мен у билан шуғулланишга ҳозироқ киришаман. Лекин сен бутун ишдан барвақтроқ кетганинг маъқулмикан?

— Ўзим ҳам айнан шундай қилмоқчи бўлиб турибман! — Дорис шахд билан бурилиб, эшикка йўналди.

— Кечкурун бирга овқатланармиз? — деб сўради Уэверли.

— Йўк! — деди Дорис унинг журъатсизлик билан қилган тақлифини кескин рад этиб. — Кечирасан-у, Сэм, кейин у ёғига нима бўлишини ўзинг яхши биласан, манави исковуч эса дарров ҳид олади... Хаёлингга ҳам келтира кўрма, асло-асло! — У эшикни қарсиллатиб ёпди.

Уэверли кўшни хона эшигини очди.

— Қани, бу ёққа бир қаранг-чи, Сидни, — деб чақирди у. — Сиз билан хотиржам ўтириб, жуда жиддий бир нарсани яхшилаб гаплашиб олишимиз керак.

Уэверли Эскинга унинг фаолияти аслида илм-фанга ҳеч қандай дахли йўқлигини; билъакс, Эскинда жинсий жиҳатдан бир қадар бузилиш, шунингдек, салга кўзғолиб кетиш ҳолати борлигини ва ўзининг ана шу хусусиятларини ғайришуурий равишда илмий кашфиётларга интилиш деб билаётганини шонилмасдан, сабр-тоқат билан тушунтиришга уринди.

— Йўғ-е, жудаям бунчаликмасдир-ов, мистер Уэверли! — деди Эскин жунбушга келиб. — Мабодо мен одамларни ўзимнинг жинсий кўзғолишимни қондириш учунгина кузатиб юрган тақдиримда бошқа гап эди! Бироқ мен кузатишларим нагижасини аниқ илмий атамалардан фойдаланган ҳолда мунгазам ёзиб бораман, ўзаро муносабат турларини таснифлайман, ҳамма нарсани жой-жойига қўйиб, барига тегишли таъриф бераман. Пировард-оқибатда эса тўшпаган жамики маълумотларимни инсониятнинг энг хилма-хил гуруҳлари вакилларининг жинсий одатлари ва майллари тўғрисидаги кенг кўламли умумлашма асаримда батафсил баён қилиш умидим бор.

Уэверли инсониятнинг ҳар бир вакили шахсий, интим ҳаёт кечириш ҳуқуқига эгаллигини изоҳлаб берди. Эскин эса илм-фан ҳамма нарсадан, айниқса аллақандай майда-чуйда ишқий можаролардан устун туради, деб жавоб қилди. Уэверли ўз фикр-мулоҳазаларини ҳимоя қилишга уриниб кўрди, аммо салмоқли илмий асар яратиш ғояси миясига уриб қолган Эскин унинг ҳар бир эътирозига жавоб топарди, қолаверса, бу жавоблар экстрасенснинг инсоният тарихидаги ўз ўрни, шунингдек, инсониятнинг ўзи ҳақидаги тасаввурига тўлиқ мос келарди.

— Ҳамма бало шундаки, — деди у Уэверлига, — одамлар илм-фандан ниҳоятда йироқ. Ҳатто олимман деб юрганлар ҳам. Агар ишонсангиз, жиннихонамизда ҳақимлар мени аксари вақт алоҳида хонага қамаб қўйишарди!

Бор-йўқ айбим уларнинг жинсий ҳаётини кузатиб, натижаларини ёзиб борганимда эди! Турган гапки, бир кишилик хонага қамаб қўйишлар ҳам мени тўхтатолмасди асло!

— Қизиқ, — деб ўйлади Уэверли, — шу ишлари билан шу вақтгача қандай қилиб соғ-омон юрибдидкин? Чунки дарғазаб ҳақимлардан биронтаси унга бирон-бир “тинчлантирувчи” доридан икки ҳисса бериб юбориши ҳеч гап эмасди-да! Ўзим, ҳақим бояқишлар шундай қилмаслик учун ўзларини аранг тутиб туришган кўринади.”

— Очиғини айтганда, келиб-келиб сиз менга қарши чиқарсиз, деб сира-сира ўйламовдим, — деди экстрасенс хомуш тортиб. — Сиз бунчалик қолоқ фикрли эканингизни ҳисобга олмай чакки қилибман, чоғи!

— Мен сизга умуман қарши эмасман, — дея эътироз билдирди Уэверли ўзини қандай тутишни, бу телба билан қандай муомала қилишни билолмай гантраган кўйи. Ва шу лаҳзада хаёлидан ярқ этиб бир фикр ўтди.

— Сидни, — деди у, — янглишмасам, сизга яхши бир иш топганга ўхшайман. Маъқул келишига ишончим бор.

— Ростданми? — Вуайернинг юзи ёришиб кетди.

— Менга шундай туюлаяпти ҳар қалай.

Уэверли тахминини текшириб кўриш учун яқинда келган журналлардан бирини излаб топди-да, у ердан керакли телефон рақамларини олиб, қўнғироқ қилди.

— Ассалому алайкум. Бу Беллен жамғармасими? — У ўзини таништириб, айнан нима билан шугулланишини мумкин қадар аниқроқ таърифлаб беришга уринди. — Сизлар шарқий Патагония эркакларининг жинсий одатларию майлларини илмий тадқиқ этишнинг янги лойиҳасини амалга ошираётганларингизни бир эшитгандай бўлувдим, шу тўғрими? У ҳолда сизларга бевосита ўша жойда сўров ўтказиб маълумот йиғадиган, сизлар учун энг қизиқарли далилларни чиндан ҳам тўплай олишга қодир бўлган одам керакмасми мабодо?

Яна бир неча дақиқа суҳбатлашганидан кейин Уэверли енгил тортиб тўшакни қўйди-да, бир парча қоғозга манзилни ёзиб берди.

— Мана, тўғри шу ёққа бораверасиз, Сидни, — деди у. — Менимча, бу ҳаётда сизга мос келадиган жойни топа олдик, шекилли.

— Сиздан бениҳоя миннатдорман! — деди Эскин кувониб кетиб ва дарҳол Беллен жамғармасига йўл олди.

Эртасига Уэверлининг қабулига унинг энг катта умиди бўлган Билл Саймс биринчи мижоз сифатида ташриф буюрди. Саймс бағоят истеъдодли экстрасенс бўлиб, боз устига, ёрқин ривожланган ақл-идрок соҳиби эди.

Лекин ҳозир у нима учундир хижолатли ва қандайдир кўнгилисиз бир қиёфада эди.

— Сен билан гаплашиб олишим керак, Сэм, — деди Саймс. — Мен ишдан кетмоқчиман.

— Ие, нега энди? — дея ажабланди Уэверли. Негаки, Саймсни жуда яхши ўринга жойлашган ва экстрасенс орзу қилиши мумкин бўлган жамики ниятта эришган деб ҳисобларди-да.

— Э... нима десам экан. Очиғи, мен уларга тўғри келмаётганга ўхшайман-ов.

Саймс маъданларнинг кучланиши ва толиқишини “сезиш” қобилиятига эга эди. Тўғри, экстрасенсларнинг аксарияти каби у ҳам бу ишни қандай қилиб амалга ошираётгани ҳақида умуман бирон тушунчага эга эмас. Лекин шунга қарамай, у маъданда пайдо бўлувчи ҳар қандай, ҳатто энг майда ёриқ, дарзни ҳам рентген курилмасига нисбатан тезроқ ва аниқроқ топа олар, унинг бу иши рентгенологик тадқиқотлар билан боғлиқ бўлган бирон-бир ортиқча галва келтириб чиқармасди.

Саймснинг қобилиятини қисқагина қилиб “Ҳамма нарса ёки ҳеч нарса” деб таърифлаш мумкин: ё у ҳар қандай нуқсонни аниқлай олади ёки умуман ҳеч нарсени топа олмаслиги мумкин. Айнан ана шу сабабли ҳам у ҳеч қачон янглишмасди. Гарчанд унинг бу ноёб истеъдоди тахминан қирқ фоиз ҳолда



бирон натижа бермаса ҳам, барибир, тайёралар учун двигател ишлаб чиқарувчи авиация заводида у бебаҳо топила ҳисобланарди. Зотан, бу ерда авваллари ҳар бир детал ундаги нуқсонларни аниқлаш учун албатта рентгенологик текширувдан ўтказиб келинган. Саймснинг самарадорлиги эса рентген ёрдамида эришилаётган бу натижалардан анчагина устун бўлиб чиқди.

— Нега “тўғри келмас” экансан энди? — дея ажабланди Уэверли. — Наҳотки сенга тўланаётган маошни оқламайман, деб ўйлаб қолган бўлсанг?

— Йўқ, гап бундамас, — деди Саймс. — Гап атрофимдаги одамларда: улар мени қандайдир бир иллатли кимса деб тушунишади.

— Лекин шундай муносабат бўлишини сен аввалбосдан билгандинг-ку, ахир! — дея эслатди Уэверли.

Саймс индамай елка қисди.

— Майли, бошқачасига бир тушунтириб кўрай-чи, — деди у ва сигарета олиб тутатди. — Бундай ўйлаб қараганда, мен кимман ўзи? Умуман, экстрасенс деб аталган тоифанинг ўзи нима аслида? Тўғри, нималардир қўлимиздан келади, нималарнидир уддалаймиз, аммо лекин шуни қай тариқа бажараётганимизни ҳатто ўзимиз ҳам билмаймиз-ку, бунга нима дейсан? У ёгини сўрайдиган бўлсанг, биз ўз “истеъдод”ларимиз устидан умуман ҳеч қандай ҳукмронликка эга эмасмиз, уларни ҳатто шуурий даражада ҳам тушунмаймиз, бирон тарзда жиловлашга ҳам қодир эмасмиз мутлақо! Бу истеъдодлар иродамиздан ташқарида намоён бўлади. Биз олий инсонлар эмасмиз, албатта, лекин оддий одамлар ҳам эмасмиз-да! Биз... биз кимлигимизни ўзим ҳам билмайман!

— Билл, — дея мулоимгина эътироз билдирди Уэверли, — сени бошқа кишиларнинг муносабати безовта қилаётгани йўқ мутлақо. Сен ўзингни ўзинг кавлаштириб ётибсан. Аллақандай майиб-мажруҳ кимсаман, деб ўйлаб топган ҳам сен ўзинг!

— Тўғри-да, ахир, на у ёқлиман, на бу ёқлиг! — дея унинг фикрини маъқуллади Саймс изгируб билан. — Мен энди фермерлик қилмоқчиман, Сэм. Кўш ҳайдайман, оддий деҳқон бўламан.

Уэверли бош чайқайди. Одатдан ташқари одамларни йўлдан уриш ниҳоятда осон, айниқса улар ўз истеъдодини цирк ё эстрададан бошқа ерда қўллашга уриниб кўраётган бўлса. Тижорат олами, жуда бўлмаганда назарий жиҳатдан олиб қараганда, ўзининг “винтча”ларидан юз фоиз фидойиликни талаб қилади ва уларнинг мунтазам ишлашга қобил бўлмаган ҳар бири нуқсонли ёхуд бефойда деб ҳисобланади. Бу хил муносабат асорати экстрасенсларнинг идрокида ҳам сақланиб қолган. Уларнинг ўзлари ўз истеъдодларини ўз шахсларининг таркибий қисми эмас, балки шунчаки бир, механик тарздаги давоми деб билишади ва агар ўша истеъдодларини амалда баайни автомат янглиғ аниқ ва узлуксиз қўллаш олишмаса, ўзларини қандайдир кемтик, нотавон деб ҳис этишади.

Уэверли нима дейишини билолмай, гарангсиб қолди. Тўғри, бу ҳаётда ҳамма қатори экстрасенс ҳам ўз ўрнини топа билмоғи даркор. Бу-ку ҳақ гап-а, аммо лекин амалда жуда-жуда мушкул, бироқ, очигини айтганда, омадсизликка илк бора дуч келгандаёқ фермерликка бош олиб қочиш ҳам тўғримас-да, ахир.

— Хулласи калом, Сэм, — дея давом этди Саймс, — экстрасенслар учун қанчалик кўп иш қилаётганингни мен яхши биламан, бироқ бизларнинг ақалли бирон нимада оддий одамлардек бўлиш ҳуқуқимиз ҳам бор-ку, ахир. Қисқаси, мен кетаман, хафа бўлмайсан.

— Қўйсанг-чи, Билл, бу нима деганинг. — Саймсни фикридан қайтаришга уриниш ўзига қарши қилиб қўйишга олиб келиши тайинлигини Уэверли тушуниб етган эди. Ва яна шуни ҳам биладикки, барча экстрасенслар сингари Саймс ҳам жиндек ўйин қилаётган. Уз ҳунарларини адо этиш уларнинг барига худди мойдек ёқади. Балки даладаги машаққатли меҳнат, мудом чангта беланиб, лойга ботиб юриш Биллнинг ақлини киргизар ва у тез орада аввалги ҳаётга ва машғулотларига қайтар. — Лекин, ҳар қалай, дом-дараксиз йўқолиб кетма, хўпми? Телефон қилиб тур.

— Бўлмаса-чи. Бўпти, Сэм, хайр.

— Хўш, қалай, ўзингга келиб қолдингми? — деб сўради у. — Тўй кунини суриб ўтирмаймизми энди?

— Сен, яхшиси, Эскинингдан гапир-чи. Нима қилаяпти у?

Уэверли Эскинга мос ишни қандай қилиб топиб берганини айтди ва тўй куни келаси ҳафтага белгиланди. Кечқурун улар шинамгина бир ресторанчада овқатланишди, кейин Дориснинг уйига боришди ва одатда бўлганидек телевизорни кўйишди-ю, аммо нақ ярим тунгача унга қайрилиб ҳам қарашгани йўқ.

Эрталаб Уэверли янги журналларни варақлаб ўтирар экан, тўсатдан хаёлига ажойиб бир фикр келди. Ўша заҳотиёқ Эмма Краникка телефон қилиб, бир келиб-кегишини сўради.

— Саёҳат қилишпа қалайсиз? — деб сўради сўнгра қиздан. — Янги одамлар, янги мамлакатлар дегандек.

— О, қанийди-я! — Эмманинг кўзлари чақнаб кетди. — Агар билсангиз, мен шу пайтгача амакимнинг фермасидан бошқа жойга чиқмаганман.

— Сафар қийинчиликларидан қўрқмайсизми мабодо? Айтайлик, совқотишдан.

— Йўқ, мен ҳеч қачон совқотмайман, — деди қиз қатъий ишонч билан. — Қандай қилиб ёнгин чиқаролсам, ўзимни доимо шу тарзда исита оламан.

— Жуда соз-да! Бўлмаса бундай қилсак... — Уэверли телефон гўшагига ёпишди. Яна ўн беш дақиқадан кейин полтгергейст соҳибасининг керакли одамлар билан учрашуви тўғрисида келишиб олинди.

— Эмма, — деди Уэверли, — Харкинс экспедицияси тўғрисида бирон нима эшитган жойингиз борми?

— Йўқ, — дея жавоб қилди қиз. — Нима эди?

— Гап шундаки, улар Антарктидага йўл олишмоқда. Бундай сафарларда эса асосий ва доимий муаммолардан бири одамларнинг иссиқликка бўлган эҳтиёжидир. Гап нимага бориб тақалаётганини сезиб тургандирсиз, ҳойнаҳой?

Қиз жилмайди.

— Тушунаётгандекман.

— У ҳолда тезроқ бориб, уларни ўз имкониятларингизга ишонтиришга уриниб кўринг. Йўқ, шошманг! Яхшиси, мен ҳам бирга бораман. Антарктидага йўл олувчи экспедициялар учун сизга ўхшаганлар бебаҳо хазина бўлиши керак!

Сафар қатнашчиларининг ишончини қозониш қийин кечмади. Олималардан иборат гуруҳ аъзолари Эмма ўзининг ноёб қобилиятини ҳали ўн мартгача ҳам намойиш этмай турибоқ бу қиз улар учун антиқа топилма эканлигини англаб етишди. Соғлом ва бақувват Эмма қорда ўз вазнига тенг юкни осонгина ташиши, ўзини доимо иситиб юришдек қобилияти туфайли ҳар қандай совуқда ҳам бемалол ишлай олиши мумкин эди. Нигоҳи билан олов ёқа билишдек истеъдоди эса-ку ҳар қанча мақтовга лойиқ!

Уэверли ўз офисига қайтар экан, муваффақиятидан ўта мамнун, лабларида голибона табассум ўйнар эди. Вақти-соати келиб Эммага ўхшаш қизлар Миррихда, ерлик тадқиқотчиларнинг гуруҳларида роса иш беради ҳали. Миррихнинг сийрак ҳавосида ҳароратни сақлаб туриш ўта машаққатли юмуш, бинобарин, Эмманинг ўрни беқийс бўлажак.

Бундай муваффақиятларнинг ҳар бири Уэверлида парапсихологиянинг келажагига бўлган ишончни янада мустаҳкамлар эди. Бетизгин истеъодларнинг ҳар бири ҳаётда ўз ўрнини ва иш соҳасини топиши шарт албатта! Ҳамма гап уларни қандай қилиб топишда қолган, холос.

Офисда уни кутилмаган ҳодиса кутиб турган экан. Нима бўларди, яна Сидни Эскин-да! Дориснинг эса қовоғидан қор ёғарди.

— Яна нима гап, Сидни? — деб сўради Уэверли. — Ё бизни соғиниб, бир кўриб кетгани келдингизми?

— Мен улардан буткул кетдим, — деди Эскин ўпкалаган оҳангда. — Мени ишдан бўшатиб юборишди, мистер Уэверли!

— Хўш, нега энди?

— Улар ҳақиқий олимлар эмас экан! — Эскин ўкинчли бир қиёфада бош чайқайди. — Мен ўзимнинг намунавий тадқиқотларим натижасини намойиш

қилгандим, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, уларнинг капалаги учиб кетса бўладими? Олим одамлар бўла туриб даҳшатга тушишди-я!

Уэверли кулусини аранг тийди. Чунки у бундай тадқиқот лойиҳалари қуруқ сафсата бўлиб, ҳақиқий аҳволнинг мингдан бирини ҳам акс эттира олмайди, деб биларди доимо.

— Буниси ҳам майли-я, — дея аламзадалик билан ҳикоясида давом этарди Эскин, — улар ҳатто холис туриш нималигини ҳам билишмас экан мутлақо! Мен шунчаки бир назорат тариқасида ўша олимларнинг — агар бу кимсаларни шундай деб аташ мумкин бўлса! — шахсий ҳаётига доир тадқиқотларнинг кичкинагина бир гуруҳини ўтказиб кўргандим, холос. Улар эса шу заҳотиёк мени қувиб юборишди!

— Аттанг, аттанг, яхши иш бўлмабди, — деди Уэверли чин кўнгилдан ачиниб, аммо Дорис Флитга қарашга юраги бетламасди.

— Мен уларга илмий изланишларимнинг ҳеч қанақа ёмон жиҳати йўқлигини исботлаб беришга уриндим, — Эскиннинг жағи тинмасди. — Ҳатто сизнинг мисс Флит билан муносабатларингиз тавсифланган кундаликларимни ҳам кўрсатдим...

— Ни-ма-а?! — Дорис сапчиб туриб кетганди, курсиси тарақлаб йиқилди.

— Ҳа-да, кўрсатдим. Мен ўтказган тажрибаларим ҳақидаги ҳисоботларимнинг барчасини доимо сақлаб юраман! — деди экстрасенс гурурланиб. — Кейинги ишларни олиб бориш учун уларга бирров назар ташлашнинг ўзи кифоя, ана ўшанда...

— Бас, етар, тоқатим тоқ бўлди! — деди Дорис. — Э Худо, бу бандангни намунча овсар, галварс қилиб яратмасанг-а... Сэм, бу нусханинг қорасини ўчир ҳозирок!

— Бундан фойда йўқ, ахир! — эътироз билдирди Уэверли. — У барибир бизни кузатишни давом эттиравелади.

Дорис лабларини маҳкам қимтиганича бир нафаста гўё тошдек қотиб қолди.

— Йўқ, йўқ, бунга энди сабр-тоқатим етмайди! — деди у титраб-қақшаб. — Ортиқ чидаёлмайман! — У шундай деб сумкасини олди-ю, эшик томон йўналди.

— Шонма, қаерга кетаяпсан ўзи? — деб тўхтатишга уринди Уэверли.

— Очиқ мозорга! — Дорис кўздан ғойиб бўлди.

— Қўверинг, у барибир сизнинг тенгингиз эмас, — дея юпатишга уринди экстрасенс. — Ўлгудай тегманозик. Мен ҳар қалай сизларнинг жинсий майлларингизни етарлича эътибор билан ўрганиб чиққанман ва сиз...

— Ўчиринг овозингизни, Эскин! — деб бақириб берди Уэверли. — Бирпас тинч қўйсангиз-чи, ахир! — Бироқ унинг калласи бўм-бўш, барча фикрлари капалаклар янглиғ дув этиб учиб кетгандек эди гўё. Эскинга қандай иш топиб бермасин, у барибир “кузатиш”дан қолмайдиган кўринади. Бундан чиқди, тўй ҳақида ўйламаса ҳам бўлади энди...

— Нариги хонага кириб ўтира турунг, — деб буюрди у Эскинга. — Мен ёлғиз қолишим керак.

— Балки, бажарилган ишлар ҳақидаги ҳисоботни қолдиришим керакдир сизга? — дея таклиф қилди Эскин қўлида ёзувлар тўла бир даста қоғозни салмоқлаган кўйи.

— Ҳа, ҳа, қолдирунг. Стол устига қўя қолинг.

Эскин у хонага ўтганидан кейин Уэверли курсига ҳорғин чўқди-ю, оғир ўйлар гирдобига чўмди.

Шу алфозда бир неча кунгача мутгасил бош қотирди: бу нусхани нима қилиш керак ўзи? Ўша кунги машмашанинг эртасига Дорис ишга чиқмади, албатта, индинига ҳам. Уэверли уйига кўнғироқ қилганди, телефон жавоб бермади.

Ўт-олов қиз Эмма Краник — бу жонли полтергейст — Антарктика экспедицияси билан бирга сафарга жўнаб кетди, матбуотда у тўғрисида кўплаб ҳайратомуз фикрлар билдирилди.

Шарқий Африкада телекинетик қобилиятга эга бўлган иккита экстрасенс топилди ва Уэверлининг марказига юборилди.

У эса ҳануз Эскин ҳақида бош қотирарди.

Бир куни офисга яна бир нусха ўргатилган итини етаклаб келди. Уэверли унга “Бетизгин истеъдодлар” уюшмаси бирон-бир хил театр ёки цирк агентлиги эмаслигини тушунтириб берганида эса у ниҳоятда хафа бўлиб чиқиб кетди.

Уэверли эса ҳамон ўйларди.

Бир гал авиация заводидан Ховард Эйркрафт телефон қилди. Билли Саймс кетганидан буён бу ерда техник назорат иши росмана муаммога айланиб қолибди. Бу қадар аниқ ишлаб чиқаришда Биллнинг ноёб қобилиятига ҳеч нарса тенг келолмасди. Негаки у ҳамшиша, айниқса “илҳом”и келиб турганда маъдан бўлагига бир қарашдаёқ аниқ таъхис қўйиб берарди-да. Двигателнинг айрим қисмларини ҳатто жойидан жилдиришга ҳожат қолмасди.

Эски усулдан — рентген нурлари ёрдамидан фойдаланишда эса аввало ҳамма нарсани назорат бўлимига олиб бориш, кейин тегишли тартибда жойлаштириб чиқиш, назорат қурилмасини ишга тушириш, олинган суратларни чиқариш керак эди ва ҳоказо. Қолаверса, яна радиологик таъсифнома тузиш, назир эса муайян деталлардан келгуси фойдаланишга руҳсат бериши ё бермаслиги лозим бўлади!

Қисқаси, компания Саймс қайтишини орзу қиларди.

Ва у қайтди, фермерлик иши ниҳоятда тез жонига тегибди ўзиям. Аммо энг муҳими — у ўзининг чиндан ҳам кераклигини энди аниқ биларди! Ҳамма гап ана шунда-да асли.

Уэверли эса ҳануз Эскиннинг ҳисоботларини ўқир ва бу телбавор қизиқишнинг моҳиятини илғаб олишга уринарди.

Бу одам гаройиб қобилиятга эга эканлиги шубҳасиз, зотан, у жинсий муносабатларни гормонал даражага қадар таҳлил этишга, ҳатто эпителий тўқимасининг микроскопик шикастланишларини қайд эта олишга қодир! Нима, микроскопик нигоҳми бу? Шошма, шошма, агар чиндан ҳам шундай бўлса-чи?!

Уэверли, шунингдек, Эскинни Блекстоунга қайтариш имкониятини ҳам кўриб чиқди. Сирасини айтганда, бу одам фойдадан кўра кўпроқ зарар келтираётгани ҳақиқат. Психиатрларнинг назоратида эса у балки бундай тадқиқотларга бўлган қизиқишини йўқотар... Лекин шу билан бирга ноёб истеъдодини ҳам гўрга тикса-чи?..

Эскин у даражада телба эмасдир эҳтимол. Билъакс, ўз замонасидан анча илпарилаб кетган даҳо бўлиб чиқса-чи? Уэверли келажакда ёзиладиган тарихий асардан куйидаги сатрларни кўз олдига келтирди: “Экстрасенсорика даҳоси Эскин билан мулоқотда унинг замондошлари, таассуфки, ўз калтабинликларини, таъбир жоиз бўлса, калтафаҳмликларини намойиш қилишди ва айнан шу сабабли ҳам бу соҳадаги ишлар ривожланмай тўхтаб қолди”. Э, йўқ! Бунақаси кетмайди! Бунга у ҳеч қанақасига йўл қўёлмайди! Э Худо, наҳотки бирон-бир чора топилмаса-я?.. Топилиши керак, ахир!

Микроскопик нигоҳга эга бўлган одам... Э, бўлди, бўлди, чораси топилди!

— Бу ёққа қаранг, Эскин, — Уэверли кўп вақгини унинг хонасига ёндош хонада ўтказишга ўрганиб қолган бўлгуси даҳони ўз ҳузурига чорлади.

— Қулоғим сизда, сэр, — деди экстрасенс унинг рўпарасига келиб ўтирар экан.

— Сид, — дея гап бошлади Уэверли, — жинсий муносабатлар соҳасида бир тадқиқот ўтказиш ва, албатта, шу ҳақда батафсил ҳисобот ёзиш фикрига қандай қарайсиз? Бу билан сиз илм-фанимиз равнақига чиндан ҳам катта ёрдам берган ва у ёгини суриштирсангиз, билимларнинг ҳали ҳеч ким кашф этмаган янги бир соҳасига асос солган бўлардингиз!

— Нимани кўзда тугаётганингизни билишни истардим, — деди экстрасенс унга шубҳаланиб тикилар экан.

— Бир нарсани яхшилаб тушуниб олинг, Сид: одамларнинг жинсий

фаоллигини тадқиқ этиш ҳозирда кечаги куннинг масаласи бўлиб қолган. Бундай тадқиқотларни ҳамма олиб боради. Сизчалик муваффақият билан эмас, албатта, лекин ҳар қалай, олиб боришарди. Яъни бу изланишларда ҳеч қанақа янгилик йўқ. Мен эса сизга илм-фаннинг амалда мутлақо ўрганилмаган бир соҳасида шуғулланишга ёрдам бермоқчиманки, унда жамики қобилиятларингиз тўлиқ намён бўлишига имконият туғилди. Хўш, бу таклифга қандай қарайсиз?

— Маъқуллайман, албатта, — деди экстрасенс. — Бироқ бу тадқиқотлар жинсий ҳаёт билан боғланган бўлиши шарт.

— Боғланганда қандоқ! — дея хитоб қилди Уэверли. — Лекин улар жинсий ҳаётнинг айнан қайси жиҳатига дахлдорлиги сиз учун барибир, шундай эмасми?

— Қайдам... — таралдуланди Эскин.

— Яна шуни ҳам назарда тутиш, агар бу вазифани удалай олсангиз — бунга ҳали ишончим комил эмас! — номингиз тарихда қолади! Сиз ўз тадқиқотларингиз натижаларини энг нуфузли илмий журналларда эълон қилиш имкониятига эга бўласиз! Қолаверса, сизни ҳеч ким ҳеч қачон ҳеч қанақасига таъқиб этмайди! Аксинча, ҳамма сизга баҳоликудрат ёрдам бера бошлайди!

— Ваъдалар-ку жуда қуёқ-а. Лекин у қандай иш ўзи?

Уэверли масаланинг моҳиятини яхшилаб тушунтирар экан, Эскиндан кўзини узмасди. Ниҳоят, экстрасенс ўйланиб туриб деди:

— Менимча, бу иш кўлимдан келади, мистер Уэверли. Вазифа осонмас, албатта, лекин сиз илм-фан чиндан ҳам шунга муҳтож деб ўйлаётган бўлсангиз...

— Э, муҳтожлик ҳам гапми! — деди Уэверли сўз оҳанги мумкин қадар ишончлироқ чиқишига ҳаракат қиларкан. — Тўғри, масаланинг моҳиятига кириш учун баъзи нарсаларни ўқиб чиқишингизга тўғри келади, лекин мен сизга тегишли адабиётларни топиб беришда бажонидил ёрдам қиламан!

— Бўпти, мен бу ишга ҳозирок киришаман! — деди экстрасенс ва диққатини жамлаш учун кўзларини юмиб олди.

— Шошманг, бир дақиқага сабр қилинг, — деб сўради Уэверли. — Олдинига шу лаҳзада мисс Флит нима билан машғуллигини бир “кўриб” берсангиз.

— Бу-ку қийинмас, албатта, — дея жавоб қилди Эскин. — Лекин назаримда менинг янги вазифам анча муҳимроқ туюлаяпти...

— О, бу шак-шубҳасиз! — дея маъқуллади Уэверли. — Лекин “кўра” оласизми, йўқми, деб шунчаки қизиқаяпман-да. У ҳозир қаерда экан?

Экстрасенс бир дақиқа ўйланиб қолди.

— Мисс Флит шу лаҳзада секс билан шуғулланмаётгани аниқ, — деди кейин. — Уни мен нотаниш бир хонада кўраяпман... Энди, дўстим, мени ўз ҳолимга кўйсангиз, майлими?

— Ҳа, ҳа, бемалол.

Эскин яна кўзларини юмиб олди.

— Кўраяпман уларни, кўраяпман! — деб қичқариб юборди у бир неча сониядан кейиноқ. — Тезроқ қоғоз-қалам беринг!

Ўз олдига кўйилган вазифани ҳал қилишга Эскин бутун борлиги билан берилиб кетганини кўрган Уэверли хонадан оҳиста чиқиб кетди.

Мана энди Дорис қаерга ғойиб бўлганини аниқлаш пайти келди. Уэверли қайтиб келгандир, деган умидда унинг уйига яна телефон қилди, аммо ҳеч ким жавоб бермади. Бирин-кетин барча дугоналаридан суриштириб чиқди, бироқ Дорисни улар ҳам кўришмаган экан.

У қаерда, ахир? Қаердан излаш керак?

Уэверли кўзларини юмди-да, хаёлан чақира бошлади: “Дорис! Фикримни эшитаяпсанми, Дорис?”

Жавоб йўқ. У бутун диққатини шу фикрга жамлади. Уэверли телепат эмасди, албатта, аммо Дорис фикр қабул қила олади. Агар Уэверли ҳақида ўйлаётган бўлса...

“Дорис!”

“Сэм!”

Уэверлига шунинг ўзи кифоя эди! Дорис қайтишини у энди аниқ биларди.

— Қасққа кўчиб кетгандинг? — деб сўради Уэверли Дорисни бағрига маҳкам босаркан.

— Битта меҳмонхонага, — дея жавоб қилди у. — Шунчаки кутиб ўтирдим ва сенинг фикрингни ўқишга уриндим.

— Ўқий олдингми?

— Йўқ, — дея иқроп бўлди у. — Фақат охирида, сен ўзинг мен билан фикран боғланишга уринган пайтингда ўқий олдим, холос.

— Умуман олганда, бу унчалик муҳим эмас, — деди Уэверли. — Сендан яширадиган ҳеч қандай сирим йўқ эди барибир. Аммо лекин битта гапни иккала қулоғингга қўйиб ол: агар яна бир марта мана шунақа қилиб қочиб кетадиган бўлсанг, сени излаб топиш учун қанча керак бўлса, шунча телепатни ишга соламан!

— Шуниси етмай турувди ўзи! — Дорис унга тикилар, нигоҳи жиддий эди. — Очиғи, сендан қочиб кетиш ниятимнинг ўзи йўқ. Бироқ, Сэм... анави нусха бор экан...

— Қани, бу ёққа юр-чи...

Эскин энг ичкари хонада ўтирганча нималарнидир зўр бериб ёзарди. Вақти-вақти билан бир нарсадан иккилангандек бирпас ўйланиб қолар ва яна қоғозга мук тушарди. Кейин эҳтиёткорлик билан қандайдир бир чизма чизди, унга танқидий нигоҳ билан бир оз тикилиб тургач, ўчириб ташлади. Ва шу заҳотиёқ қайтадан чизишга киришди.

— Бунчалик берилиб кетгани нима иш экан ўзи? — деб сўради Дорис.

— Биласанми, — деди Уэверли, — мен бу махлуқларнинг ҳатто номини ҳам дурустроқ эслаб қололмадим. Аллақандай микробларми-ей.

— Ё тавба, унга нима бўлган ўзи, Сэм?

— Назаримда, Эскиннинг тадқиқотга бўлган эҳтиёжини қондирувчи вазифа топиб беролдим-ов. Мен унга жинсий муносабатларнинг одамларда кузатиладиган туридан бошқа ва мутлақо ўзгача кўринишлари ҳам мавжудлигини тушунтириб бердим. Шунингдек, бу соҳада шуғулланиш билан инсониятга ва умуман, илм-фанга улкан фойда келтиришига, тез орада олимларнинг юксак ҳурмат-эътиборига сазовор бўлишига ишонтирдим. Агар билсанг, Эскин шу дақиқада бактерияларнинг жинсий ҳаётини кузатаётти.

— Ҳеч қандай микроскопсиз-а?

— Ҳа! Эскин бу тадқиқотга шунчалик берилиб кетганки, бактериялар ҳаёти ҳақида ёзилган ҳар қанча адабиётни ютоқиб ўқишга тайёр. Ва ўзи ҳам бу мавзуда бирон қизиқарли ва ниҳоятда қимматли маълумот топиши шак-шубҳасиз.

— Эҳтиёжини керакли томонга йўналтирибсан-да... — Дорис ўйланиб қолди. — Лекин наҳотки микроблар ҳам секс билан шуғулланса-я?

— Бунисини билмайман! — деди Уэверли. — Бироқ Эскин била олиши аниқ! Ва бу соҳада бирон-бир ажойиб кашфиёт қилса ҳам ажаб эмас! Аслини олганда-ку, қўшлаб олимларни оддий жосуслардан ажратиб турувчи чегара ҳам қарийб сезилмайди. Секс Эскин учун унинг тадқиқотчилик ишпийёқига нисбатан чиндан ҳам иккинчи ўринда турарди. Эндиликда эса у ўзи танлаган йўналишда яна бир қадам ташлади... — Уэверли оҳиста томоқ қириб қўйди. — Хуллас, бу ёғига ўзимиз ҳақимизда ўйлайдиган бўлсак, иккаламиз учун муҳим бир масалани ҳал қилиш пайти етиб келмадимикан?

— Қайдам... Агар Эскин янги машғулотида чалғиб кетмаслигига ишончинг комил бўлса...

— Унга яхшироқ бир қара-чи...

Экстрасенс бир нималарни зўр бериб ёзар, ўчирар, атрофида ҳеч кимни ва ҳеч нарсани пайқамас эди. Чехрасида яққол намоеън бўлиб турган ишпийёқ,

завқ-шавққа қараганда, уни бу машғулотдан чалғита оладиган ҳеч қандай куч йўқ эди.

— Ҳа, гапинг тўғрига ўхшайди... — Дорис жилмайиб Уэверлига яқин келди. Кейин бирдан ёпиқ эшикка қаради-ю, фикран хабар берди: “Қабулхонада кимдир бор, Сэм!”

Уэверли бир сесканиб тушди. Баъзан шу телепатия ҳам ёмон ҳалақит беради-да! Лекин начора: хизматчилик ўз йўлига. Дорис икковлари қабулхонага чиқишди.

У ерда ёшгина бир қиз ўтирарди. Қотмагина, нозиккина, нигоҳида ҳадиксираш сезилади. Жовдираб боқувчи кўзлари қизарган, ҳозиргина йиғлаб олган кўринади.

— Мистер Уэверли сиз бўласизми? “Бетизгин истеъдодлар” уюшмасидан-а? Уэверли бош ирғади.

— Сизнинг ёрдамингиз керак! Мен ғойибдан кўрувчиман, мистер Уэверли. Ростакамига! Худо хайрингизни берсин, менга бу лаънати қобилиятдан қутулишда ёрдам қилинг! Ёлвораман, ўгиниб сўрайман! Ёрдам бермасангиз бўлмайди!

— Кўрамиз у ёғини, — деди Уэверли юраги гурсиллаб ура бошлаганини сезиб. Ғойибдан кўрувчи одам ўз оёғи билан келиб турса-я! — Марҳамат қилиб хонага ўтсангиз. Ана шу ерда менга ҳамма нарса ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берасиз.

*Русчадан Рустам ОБИД  
таржумаси.*



# Ҳаракатдан тўхтаган жараён қиссаси

Ёхуд қалб ва шуурнинг олис кенгликлари  
сафарига элтувчи асар

*“Жаҳон адабиёти” журналида Франц Кафканинг “Жараён” романи  
эълон қилингани муносабати билан*

**А**фтидан, кимдир Йозеф К.га тўхмат қилган чоғи, ахир у ҳеч кимга ёмонлик қилмаган, бирон-бир ноҳўя иш ҳам содир этмаганди, — шунга қарамай уни ҳибсга олишди”.

Кимдир ҳибсга олиними, демак, ҳадемай суд жараёни бошланади. Суд жараёни асносида, одатда, қандайдир ҳақиқатларга ойдинлик киритилади. Асарнинг номланиши ўқувчини биринчи навбатда шундай хаёлга ундайди. У ўзини суд жараёни ҳақидаги тафсилотларни ўқишга чоғлайди. Бироқ...

Йозеф К.нинг ҳибсга олиниши ҳақидаги хабар билан бошланган “Жараён” биринчи марта 1925 йили нашр этилган бўлса-да, айрим маълумотларга кўра у 1914-1915 йилда, бошқа маълумотларга қараганда эса 1918-1919 йилда ёзилган. Ҳар қалай, Франц Кафка “Жараён”ни ёзганида 30-35 ёш орасида бўлган. Шу ёшдаги одам ҳаётнинг бу қадар мураккаб синоатларини қандай қилиб бу қадар чуқур идрок эта олди, қандай қилиб уни бир роман қаҳрамони тимсолида мужассам қила олди экан, деган савол ҳали-ҳануз дунёдаги кўплаб адибларни, мутахассисларни, адабиёт ихлосмандларини қизиқтириб келади, ўйга толдиради. Баҳса чорлайди. Мунозараларга ундайди.

Тугал ечим, тугал хулоса эса тошилмайди.

Бордию, тошилганида, бордию, роман бир ўқишда кўнгилга, шуурга тўласича жо бўлиб қўя қолганида, уни иккинчи, бешинчи... еттинчи марта ўқиш ҳожати қолмаганида “Жараён” деган ном Ф.Кафка деган исмга қўшилиб аллақачон унутилиб кетган бўлур эди.

“Жараён” бир ўтиришда, бир кечада ўқиладиган роман эмас. Уни ўқиш хийла қийин. Бир боб ўқиб, орқага қайтишингиз, хаёл қочиб, ўқийтган тафсилотларингизни тушунмай қолишингиз, гап нима ҳақда бораётганини илганга қийналиб, калаванинг учини йўқотиб қўйишингиз ҳеч гап эмас. Жумла тuzилиши, гап қурилмаси, фикрни ифода этиш услуби эзмаликка, ҳатто мижғовроққа мойил. Бошқача, ўзгача, ғалати.

“Ўзгача”, “ғалати” сифатлари “Жараён”нинггина эмас, адибнинг бутун ижодига энг ихчам ва лўнда таъриф дейиш мумкин. (Адибнинг кундаликларида “Ёзганларим ҳам ғалати” деган жумла келади.) Ғайритабiiй ҳолат, ғайритабiiй тасвир, ғайритабiiй одамлар образи. Чунки адибнинг, адиб шахсининг, Франц Кафка деган инсон зуваласининг ўзи ғайритабiiй. Шуларнинг маҳсули ўлароқ, ёзувчининг бадiiй тафаккури ғоятда ғайритабiiй эканлигидан сира ажабланмаса ҳам бўлади.

Романнинг бошламасига эътибор бердингизми? Ҳеч бир кимсага ёмонлик қилмаган, ҳеч бир ноҳўя ишга қўл урмаган Йозеф К.ни нима сабабдан ҳибсга олишди? Шунинг ўзи ғалатиликнинг бошланиши эмасми?

Шу ғалатилик ўқувчини мафтун этади, у мазкур савол жавобини топаман деган хаёлда ўқийверади, ўқийверади. Жавобдан эса дарак йўқ. Устига-устак, саҳифа ошгани сайин саволларнинг сони ортаверади.

“Жараён” — савол, “Қалъа” — савол, “Америка” — савол, бири биридан ноёб новеллалар, Ф.Кафканинг ўзи, унинг ижоди яхлит бир савол. Ҳар бир давр, ҳар бир ижтимоий ҳолат, ҳар бир тафаккур тарбиясида тарбия топган авлод китобхонлар ўзича, ўзгача жавоб топадиган, лекин сира тугал тўхтама кела олмайдиган саволлар уюри.



Бутун қир-адирни тўлдириб шитоб билан елдек бораётган уюрни кўз олдингизга келтиринг — Кафка асарларида қалашиб келадиган саволлар худди ўша уюр янглиг сизни ўзи билан олиб қочади...

Роман мутолаасига киришган китобхон ҳадемай бошланажак жараёнга руҳан ҳозирлик кўради. Ҳозирча муқаддима. Қаҳрамон ўзини ҳимоя қилиш ҳаракатида юрибди. Бу — табиий ҳол. Фақат... фақат Йозеф К.нинг дам меҳмонхона бекаси фрау Грубаха, дам фройляйн Бюстнерга, дам фройляйн Монтага йўлиқиб ўзининг ҳибсга олинганлиги ҳақида гап кўзгашлари, нималарнидир сўраб-суриштиришлари, алланималарни уларга уқдиришга уринишлари ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлган одамнинг безовталикларига ўхшамайди.

Жараён бошланишидан эса ҳамон дарак йўқ. Сабаб?..

Кафканинг асарлари ҳужайра-ҳужайрасигача саволлардан тўқилган, дедик. Аввало, қалашиб келадиган катта-кичик саволларнинг ҳаммасини батафсил илғаш қийин, қолаверса, ўзингиз илғанган, тушуниб етган саволларга жавоб топиш, улар ҳақида мулоҳаза юритиш китобхондан етарли даражада билим, малака ва жасорат талаб қилади. Zero, ҳаётда одам ўзи у ёки бу даражада билиб-англаб юрган ҳақиқатлари юзасидан ҳам очик-ойдин мушоҳада юритишдан, тайинли хулоса чиқаришдан ўзини тийиб юради, кўпинча. Бунга юраги бетламайди. Кафканинг қаҳрамонлари эса ўзини тиймайди, улар ҳар қандай аччиқ ҳақиқатлар ҳақида юрак ютиб мулоҳаза юритаверади. Энг изтиробли, энг қалтис ҳолатларга мардонавор кириб бораверади ва, муҳими, ҳеч бир жойда кўз ёши қилиб ўтирмайди. Дарвоқе, Кафканинг қаҳрамонлари ўта совуққон, улар ҳеч бир жойда йиғлоқилик қилмайди, улар китобхонни бўлар-бўлмас кўз ёш тўкишга “мажбурламайди”.

Ф.Кафканинг асарлари фақат саволлардан иборат десак янглишамиз. Саволлар адиб асарларининг алоҳида бир маъно қатламини ташкил этади, холос. Бу маъно қатлампдан кейин жавоб ва ҳукм қатламплари ҳам келади. Савол-жавоб-ҳукм ва яна савол қоришиб кетади.

Романинг биринчи гапни ўқидик. Ҳеч бир ноҳўя иш қилмаган одамнинг ҳибсга олинishi галати туюлди, шунақа ҳам бўлар эканми, деб кўнгилда савол туғилди ҳам. Саволнинг бир “чеккаси”дан “мўралаб” турган жавоб — ҳукм ҳам мавжуд. Яъни, ҳа, ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз, одам ҳеч нарсадан ҳеч нарсга қамоққа олинishi ҳам мумкин!

Зиёли инсон борки, бирор янгиликдан хабар топса индамай қўя қолмайди. Нега, нима учун, нима сабабдан, деб суриштиришга киришади. Шу боис у Йозеф К.нинг ҳибсга олинishiни тушунолмайди. “Ия, — дейди у ажабланганини яширмай, — бу юртда қонун-қонда, тартиб-интизом борми, ўзи?” деб баралла сўрайди. Шундай деб турганида биринчи бобнинг ўзидаёқ саволига аниқ-дўнда жавоб ҳам келади: “Ахир у (Йозеф К. — Х.Д.) ҳамманинг ҳуқуқлари қафолатланган, осойишталик ҳукмрон давлатда яшашпти-ку, бунда қонулар бузилмаслиги даркор эмасми?” Афсуски, воқеалар оқими хатарли тус олади. Мирғазаб назоратчилар ҳе йўқ-бе йўқ Йозефни беармон қалтаклайдилар. Қаҳрамонимиз жиддийроқ ҳаракатга тушади. Анчадан буён кўришмай кетган амакиси унинг жонига ора киришга тутинади. Ахир у Йозефнинг устида ўлиб қолишга шай, бунинг устига у ўзини Йозефнинг валинеъмати деб билади. Пиравордида амаки хиянини мактабдош дўсти бўлмиш бообрў адвокат Гульднинг хузурига етаклаб боради.

Гульд кўпни кўрган, суд маҳкамасидаги казо-казолар орасида таниш-билишлари сероб. Шу ўринда ўзбек китобхонининг кўнгли бирдан хотиржам тортади, чунки шунча таниш-билиши бўлган адвокат ишни босди-босди қилиб юборишига дарҳол ишонади. Демак, жараён бошланмай тугайди, ношуд Йозеф К. бошига тушган кулфатдан халос бўлади-қўяди. Бироқ “Оқловчи.Фабрикачи. Рассом” деб номланган бобда адвокатага боғланган умидлар шу қадар рўёга айланадики, асти қўяверасиз. Ушбу бобдаги адвокатура хизмати, адвокатлар номаи-аъмоли ҳақидаги ҳикояни романинг энг гўзал саҳифалари дейиш мумкин. Шу ўринда адибга хос аччиқ киноя, пичинг-писанда авж пардага қўтарилади.

Адвокатлар идораси (таржимон адвокатни “оқловчи” деб ўзбекчалаштирган, назаримда адвокат сўзини таржима қилишга ҳолат йўқ эди. Умуман, роман таржимаси махсус тадқиқ-таҳлил этишга арзийди. — Х.Д.) бир ҳолатда, бу идора соҳибларининг суд жараёнларида кўрсатадиган кароматлари ҳам шундан афзал эмас аслида, лекин улар ўзларини соҳибкаронат одамлар деб кўз-кўз қиладилар. Йозеф К. адвокатлар дунёси билан ичдан таниша боргани сайин бу тоифа кимсалардан у дунё-бу дунё ёруғлик чиқмаслигини ёрқинроқ англай боради, шу ерда дуч келган фабрикант, сўнг рассом йигит унинг кўзини мондай очишади. “Қонунда... айбсиз киши оқланади, деб ёзиб қўйилгани билан, — дейди рассом. — Бироқ мен ўз тажрибамдан шуни яхши биламанки, ҳаммасининг тескарисини қилишади”.

Йозеф К. хаёлга берилиб, суд девонхонасининг бурнига келиб қолганидан хавфсирамайди, уни бошқа нарса — “суд ишларидаги жаҳолат — нодонлик даҳшатга солар эди”. Рассом йигитнинг, “Менимча, бу ёруғ оламда бирорта ҳам одам ўз таъсир кучи билан мутлақ оқланишга эриша олмаса керак” деган гапи Йозефни ўилантириб қўяди. У кўп иккиланади, ҳардамхаёл бўлади. Ўзининг аҳволидан тетиши хулоса ясайди: “Иккиланиб турган одам ҳеч қачон адолатли ҳукм чиқариши мумкин эмас”.

Лекин у нима қилсин?

Қаҳрамонимиз шу саволга жавоб тополмайди. Дам “Гўё у бу ёруғ оламда ёлғиз ўзи қолгандай...” бўлса, дам “омон қолиш учун фақатгина курашиш керак” деган қарорга келади.

Курашиш учун эса... жараёндан дарак йўқ. Жараён бошланадими-йўқми, ўзи? (Ахир муаллиф романи “Жараён” деб атаган-ку, қани, ўша жараён?)

Йозеф К. лоақал ўзининг вазиятини англаб етолмай хуноб: қаерда, қандай макон, қандай муҳитда, оёғини қаерга қўйиб турибди у? Шуларни билиш, ҳис этиб туриш ҳар бир инсон учун муҳим эмасми?!

У шулар хусусида бош қотираётиб бошқа жиддийроқ муаммога дуч келади: у-ку, битта одам, холос. Жамият-чи, жамиятнинг ўрни, қиёфаси, шакл-шамойили аниқми? Фуқаро вазиятининг аниқлиги жамият вазиятининг аниқлигидан бошланмайдими?..

Шу тариқа Йозеф К. саволлар, жумбоқлар гирдобига фарқ бўла боради. Юзаки қараганда, у мужмал вазиятлардан қутулиб кетиш чорасини излаётгандек туюлади, аслида у жасоратли ғаввос янглиг ҳеч қандай мушкулотдан тап тортмайди, балки жонини тикиб энг хатарли ҳолатларга тиккасига кириб боради.

Йозеф К. ҳаддан ташқари фикрчан одам. Мабодо у фикрга бу қадар ташна бўлмаганида, гўдакларча билиш мақсадида ҳар ерга тумшугини суқавермаганида шунча балога гирифтор бўлмасди ҳам. Афсуски, у ақллилик балосига учраган. Ваҳоланки, воқсаларнинг бошланишидаёқ, яъни Йозефга қоровуликка қўйилган соқчилардан бири унга энг “доно” маслаҳатни беради. “Ҳа, бизнинг сизга берадиган маслаҳатимиз шу: кучингизни бемаъни мулоҳазалар юритишга сарфлаб ўтирманг, яхшиси, имкон қадар, бирон-бир фикр юритишдан тийилинг. Сиздан талаб қилинадиган энг катта вазифа шу”, дейди у. “Яна ўзингизнинг айбсизлигингизни пеш қилавериб, ҳуда-беҳудага қичқираверманг”, дейди бошқаси.

Кўряпсизми, соқчилар учун маҳбуснинг фикрламагани маъқул, улар учун мулоҳазакор одам хавфли.

Афсуски, худо ақл-идрокдан қисмаган бўлса, миядаги тафаккур чўғлари сўнмаган бўлса, қандоқ қилиб фикр юритишдан тийилади, одам? Қандай қилиб ва нима учун у айбсизлигини пеш қилмаслиги керак? Айбдор киши ўз кирдикорларини дoston қилмайди, буни тушуниш мумкин, лекин ҳеч бир асоссиз ҳибса олинган ҳақсиз одам ўзининг айбсизлигини пеш қилишдан ортиқ нимага ҳам ярайди? Яна қандай бошқа чора қолади, унда? Ёхуд айбсиз ўзининг айбсизлигини пеш қилиш ҳуқуқидан ҳам маҳрумми?!

Йозеф К. нажотни фикрлашда деб билади. Унинг фикрлаши ҳақсизликни маҳв этиш учун қилич яланғочлаб чиқмайди, у ҳеч кимсага, ҳеч бир калондимоғликка, ҳеч бир кибр-ҳавога, ҳеч бир ёлгонга очикдан-очик зарба бермайди. У ана шундай разолат манзаралари мавжудлигидан одамларни огоҳ этади, уларни фош этади. Унинг фош этиши исёнга, чорага айланади.

Эҳтимол, ана шу фош этиш биз кутган жараёндир? Фош этиш жараёндир?..

Устоз Озод Шарафиддинов кўлаб китобсеварларнинг онахони Баҳри Гуломовани хотирлаб ёзган мақоласида 30-40 йил муқаддам дўконлардан керакли китобларни излаб суриштириб юриш одаги бўлганини таъкидладилар. Уни ўқий туриб ўзим “Жараён”ни излаганларим ёдимга тушиб кетди.

Ўрта мактабни битираётган кезларим уч-тўрт кутубхонага аъзо эдим, кўзимга ёқимли кўринган китобни ўқийверганман. Эндликда уларнинг жуда ози ёлда қолган. Мен учун китоб тўла жавондан гўзалроқ манзара йўқ эди. Кўчамизнинг юқорида, ҳар сафар йўлим тушганида, пастак деразадан бирига мўралаб ўтишни канда қилмасдим. Яқин-атрофда шу хонадон соҳибидан кўра бахтлироқ, бадавлатроқ инсон йўқ эди, назаримда...

Журналистика факультетида жаҳон адабиётини ўқиганми, лекин модернизм ва унинг атрофидаги хилма-хил оқимлар, уларга мансуб шоир ва адиблар, файласуфлару психологлар номи тилга олинганми-йўқми — зинҳор эсимда йўқ.

Эҳтимол, домлаларимиз бир қур экскурс қилиб ўтса ўтгандир, лекин талабалик кезлари экзистенциализм, сюрреализм ва ҳоказо измларни тушунадиган аҳволда бўлмаганмиз. Кейинроқ сездимки, шу ва шу сингари оқимга мансуб санъат асарларидан таъсирланадиган хос бир кайфият туғилмагунича улар сизга ёт ва бегона бўлиб қолаверади.

Таъсирланмаган одам ҳазми оғир асарни илғашга уриниш у ёқда турсин, тушунишни ҳам истамайди. Вақт-соати келганда эса... бир хил хасталикка учраган беморларгина бир-бирини осон ва тўқис тушунадилар, деган гапни ўқигандим.

Ёдимда йўқ, дўстларимиздан бирининг қўлида “Превращение” деб номланган ҳикояни кўриб қолдим. Муаллифи Франц Кафка.

— “Превращение” нима дегани, ўзбекчада нима бўлади? — деб сўрадим, тушунмай.

— “Эврилиш”, — деди у.

Ҳикоя матни машинкада кўчирилган, биринчи жумласи сира ёдимдан чиқмайди: “Проснувшись однажды утром после беспокойного сна, Грегор Замза обнаружил, что он у себя в постели превратился в страшное насекомое”.

Эртақларимизни, афсонаю ривоятларимизни ўқиб улгайганлар учун бундай гапларнинг фавқуллодлик жойи йўқ. У ҳолда не босдан “Эврилиш” дунё ҳикоячилиги тарихида фавқуллодда воқеага айланди? Нимаси билан у ҳикоянавислик маҳоратини янги поғонага кўтара олди?

Энг муҳими — Ф.Кафка инсондан ҳашаротга айланиб қолиш ҳодисасига эртақ, афсона, фантастика деб эмас, реал воқелик сифатида ёндошди. Бу ҳолатни сира иккиланмай том маънодаги ҳаётгий воқеа сифатида реалистик ҳикоя тарзига олиб кирди.

Хуллас, машинкада терилган ҳикояни бир кунга, аниқроғи, эрталаб қайтариш шарти билан олиб кетдим.

— Ҳар кимга кўрсатаверманг, — деди дўстимиз.

Шу огоҳлантириш сабаб бўлдими, биринчи жумладан таъсирландимми, туни билан ҳижжалаб ўқиб чиқдим “Эврилиш”ни. Ҳозир ҳар қадам-ҳар идорада муҳайё нусха кўчириш ускунаси юртимизга энди-энди кириб келаётган пайтлар эди, эрталабдан шуларнинг бирига бориб, юз таваллою ёлбориш билан “Превращение”дан бир нусха кўчиртириб олдим.

— Ҳеч кимга кўрсатмадим, — деб ёлгон гапирдим, олган нусхани эгасига қайтараётиб.

Ф.Кафка билан биринчи танишув шу тариқа юз берган. Сўнг, бу адиб ижодига доир нимаики мақола бўлса, топиб ўқишга ҳаракат қилдим. “Жараён” романини ернинг тагидан бўлсаям топаман деб ўзимга аҳд қилдим. Бироқ у ман-ман деган китобийгарлардан ҳам, ернинг тагидан ҳам топилмади. Ўзиям Ф.Кафканинг рус тилида бор-йўғи битта китоби нашр этилган экан, у ҳам кейин кўрсам, адади кўрсатилмаган. Чамаси, шўро ҳукумати мафқурасига зид деб ҳисобланган бу адибнинг китобини хорижликлар назари учунгина — номига чоп этилган. Лекин қани, ўша китоб?!

Кунларнинг бирида автобусдан тушиб кўчамизга бурилсам, икки қўлидаги оғир ип тўрвани инқиллаб кўтариб келаётган аёлга кўзим тушди. Юрагим “жиз” этиб кетди. Ўйламай-нетмай аёлга етиб олдим, бир қўлидаги тўрвани олдим. “Йўлимиз бир, мен ҳам шу ёққа боряпман” дедим. Аёл ҳайрон. Мен эса иккинчи тўрвани ҳам кўтаришга жон деб турибман. Аёлнинг ҳайронлиги баттар ошди.

— Сизни танийман, — дедим. — Қўшниман. Нарироқда яшаймиз. Сизнинг уйингизга деразадан кўп қарайман.

— Да-а... — деди опа ажабланиш-ажабланмаслигини билмай. Сўнг, сўради: — Нимасига қарайсиз, уйимни?

— Китобларга. Ҳавасим келади.

— Ҳавасингиз келса, марҳамат, уйга кириш. Китобларни кўринг.

Опа шу қадар самимий гапирдики, нақ бир йилчадан буён излаб юрган китобимни қўлга киритгандек қувониб кетдим. Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас Франц Кафканинг қора жилдли, семизгина китоби қўлимда турарди! Янги танишган қўшни аёл — Тамара Сергеевна Никоноровани ўшиб олай дедим!..

— Бемалол ўқийверинг, кейин қайтарарсиз, — деди хонадон соҳибаси.

Ўша дамда мендан бахтли инсон йўқ эди, атрофимда!

Орадан чорак аср ўтди, мана, бугун “Пропесс” ўзбекчага “Жараён” бўлиб ўтирилиб, “Жаҳон адабиёти”да чиқиб турибди! Марҳамат, уни ўзбек тилида ўқиш имкони туғилди. Бу — ўзбек адабиёти тарихида алоҳида воқеа! Ҳамонки, адабиёт инсоншунослик экан, “Жараён” ҳар қандай миллий адабиётнинг маънавий мулки ҳисобланади. Ҳар қандай миллий адабиётнинг нуфузи “Жараён” ўша тилга ўтирилган-

ўтирилмаганлиги билан ҳам белгиланади десам муболаға бўлмайди. Жаҳон адабиёти тарихи Ф.Кафкагача ва ундан кейинги даврга бўлинади дейишади. Миллий адабиётлар ҳам Кафканинг асарлари ўша тилга ўтирилганига қадар ва ундан кейинги даврга ажралади.

Адабиётимиз “Жараён” миллий тилимизга таржима қилингандан кейинги ўзбек адабиёти деган шарафли номга сазовор бўлди! Йозеф К. ўзининг бутун мураккаб дунёси билан ўзбек адабиётига кириб келди! Ваҳоланки, қаҳрамонимизнинг бошига тушган ташвиш оламшумул муаммо ҳам эмас, кўрсатадиган қаҳрамонликлари муҳокама қилиб ўтиришга арзимайди ҳам. У бор-йўғи ҳибсга олинган, ўзи шунини тушуна олмай гарангсиз юрибди, холос. Фақат галати ва қизиқ жойи шундаки, Йозеф К. қамоққа олинган-у, хизмат вазифасини давом эттириши мумкин.

Буни қандоқ тушунашимиз? Ижарахона бекаси фрау Грубахнинг таъбирига қаранг: “Сизнинг қамоққа олинганингиз эса... унда қандайдир ҳикмат бордай”, дейди у Йозефни юпатиб.

Гарчи Йозеф К. ўзининг ҳибсга олинганлигида ҳикмат тугул, оддий, тайинли мантқиқнинг ўзи йўқ деб ҳисобласа-да, Грубахнинг фикрига қўшилмай иложи йўқ. Зеро, Йозеф К.нинг қисматини, мана, сал кам саксон йилдирки, китобни ўқиган киши турлича талқин этмоқда. Талқин эса тугайдиганга ўхшамайди. Шу эмасми, романдаги, аниқроғи, роман қаҳрамонининг ҳибсга олинганлигидаги ҳикмат?! XX асрнинг улкан файласуфларидан Эрих Фромм Йозеф К.нинг ҳибсга олинганини рамзий маънода “тўхтаб қолиш” деб талқин этади. Яъни, Йозеф К. жисман эмас, фикран тўхтаб қолган. У энди ҳаётнинг жараёндан мосуво. Аслида ҳам у ўтакетган диққинафас ҳаёт кечираётган эди — кунлари туссиз, бефайз — номигагина ётиб-туришлар, хўжакўрсинга хизматга бориб-қайтишлар, “йил” этган равшанликдан дарак йўқ. Олдинда рўшнолик йўқ. Ҳамма нарса тўхтаб қолгандек эди, мана, Йозеф К. ҳам тўхтади, уни тўхтаб қўйишди. Ф.Кафкага хос аччиқ ва тагдор киноя романининг атамасида мужассам, яъни, гарчи асар “Жараён” деб аталса-да, ҳаётда ҳеч қандай жараён аломати сезилмайди. Жараён дегани ҳаракат дегани-ку, ахир, романда эса буткул ҳаракатсизлик, маҳдудлик. Фикр ўлган, мушоҳада чекланган тубан муҳитда жараён кечмоқда дейишнинг ўзи бориб турган сурбетлик. Романда ана шундай жараёнсизлик, яъни тўхтаб қўйилган вақтнинг тўхтаб қолган воқеалари тасвирланган. (Адабиётшунос дўстларимиздан бири роман атамасининг энг аниқ мазмуни ўзбек тилида муаллиф ўйлаганидан ҳам мукамалроқ жаранглайди, бунинг учун у “Жар аён” деб ўқилиши керак, деганида ҳам чуқур мазмун бор.) Кафканинг бетақрорлиги ҳам шундай!

Э. Фромм “Жараён”ни энг узун туш, деб таърифлаган. Бундай тўғри хулоса бежиз эмас эди. Зеро, Йозеф тўхтаб қолган вақтнинг ҳаракатланиши, яъни жонланиб, чинакам жараёнга айланишида нажотни тушдан излайди ва топади. Ф.Кафка ҳам, унинг қаҳрамонлари ҳам туш ва хуш ораллигидаги реалликда яшайдилар. Узининг ҳибсга олинганини “Бу қанақа маҳбуслик?” деб тўла тушуниб етмаган асар қаҳрамони ўзида туғилган бу саволга жавобни ҳаёт реаллигидан эмас, туш реаллигидан излайди. Ф.Кафка ана шу икки реалликдан-да боқий бир реаллик — ўзининг уч романи, ҳикоялари ва кундаликларида акс этган бадний реаллигини яратади!

Ўн йил муқаддам Ёзувчилар уюшмасидаги йиғинлардан бирида дурустгина адибларимиздан бири “Ҳа, энди Кафка деганлари касал бир одам-да” деган эди бурнини жийриб, беписандлик билан. Аслида бу жуда тоғиб айтилган таъриф эди, ахир ижодга мубталоликнинг ўзи касаллик-ку, бинобарин, соғ одам ёзувчилик қилади, кўлидан қаламни қўймай ҳеч кимнига ўхшамаган ўз бадний дунёсини яратиш кўйида умр бўйи ҳаловатини йўқотадими?! Кафка сингари ижодкорларни жоҳилларча пессимистликда, хасталикда, бемаъниликда айбашлар шўро даврида оддий ҳол эди. Афсуски, тафаккуримиздаги бундай чекланиш “Жараён”дек роман ўзбек тилида эълон қилинган бугунги дорилмон кунларга келиб ҳам буткул унутилганича йўқ. “Декаденс, модернизм фарёд санъати, — деб ёзади ажойиб адабиётшунослардан бири Игор Гарин мана шундай қарашларга жавобан. — Чорасизлик ва фарёднинг қалбни ўртовчи ҳайқирғи. Буни санъат танглиги деб талқин этмаслик керак, зеро бу, танглик санъатидир. Декаденс, модернизм — шу”.

Шу маънода Ф.Кафка дунё адабиётида энг оғир “беморлардан” саналади, таассуфки, замонавий насримизда шу “хасталик” мақомига чиқа олаётган адибларимиз кўринадиганга ўхшашаяпти...

Кўплаб адабиётшунослар, психологлар унинг ва унга ўхшаш адибларнинг асарларини абсурд адабиёт сифатида тадқиқ этганлар. Бундай мунозарага ўзбек

мутахассислари ҳам бош қўшишга уриниб кўришди. Ваҳоланки, Ф.Кафка абсурд адабиёт яратиб хаёлида роман ёзмаган, у — ҳаётнинг ўзини, инсон умрининг ўзини абсурд деб тушунган. Адиб ва шу тоифа адабиётшуносларимиз орасидаги энг катта ва энг жиддий фарқ шунда!

Йозеф К.нинг бесабабдан-бесабаб ҳибсга олиниши ҳам абсурд. Унинг назарида, ҳар банданинг ҳибсга тушиш эҳтимоли бор, ўша шўрлик банд шунга лойиқ гуноҳга йўл қўйганми-йўқми, бу, бошқа масала. Ҳар неки бандани ҳибсга олувчи қаттол куч ҳам бор, ўша куч бундай қабиҳликка нечоғли маънавий ҳақ-ҳуқуқи бор — бу ҳам бўлак муаммо.

Йозефнинг ҳолати, иш фаолияти, ётиш-туриши, атрофидагилари — ҳаммасининг турган-битгани мужмал, дардисар. Китобхон “Йозеф К.ни нима учун ҳибсга олишди?” деган саволига романни ўқиб тугатгунга қадар жавоб излайди, лекин жавоб... Жавоб излашга уриниб жараёни китобхоннинг қалб ва шуурига кўчади! Роман номининг моҳияти, фалсафаси, унинг тағ-заминига яширилган қуввати мана шу!

Йозеф К. бошини не-не эшикларга урмади, кимлардан нажот кутмади! Жуда кўпчилик унинг мушкулени осон қилмоққа чоғланди, ёрдам қўлини чўзгандек бўлди, илло, бирор кимса амалда унинг жонига ора кирмади, киролмади. Инсон — ўз тақдир, қисмати олдида танҳо!

Давоқе, Кафканинг китоби биринчи марта қўлимга тушиб, романни икки ҳафталар ўқидим. Ўқияшман-у, нимадандир кўнглим тўлмади, ниманидир куяшман-у, ўшандан дарак йўқ. Назаримда, романда ҳеч қандай ҳайратланарли, фавқулодда янгилик йўқдай. Бунинг нимаси шунча шов-шув бўлган, деб ўзимни бот-бот саволга тутаман, жавобини тополмайман. Ниҳоят, роман мутолааси ниҳоясига етди ҳам, шунда кўнглим шу қадар ҳувиллаб қолдики, гўё дунёда ўзимдан бўлак ҳеч бир зог йўқдай, бу ёруғ олам биру, мен — бир.

Бу қандай синоат? Қасрдан пайдо бўлди у, менинг руҳимда? Бу кайфият Йозеф К.дан юқдими, ўзим шундай кайфиятда эдимми ёхуд инсон умри-ҳаётининг мазмун-моҳияти шундайми?..

Ф.Кафканинг асарлари тағзаминида донишмандона башорат яширин эканини ихтиро қилгандай бўласиз. “Жараён”ни ҳаракатдан тўхтатиб қўйилган жараён фожиаси эканини илғаб олсак, адибнинг “Эврилиш”, “Ҳукм” сингари энг сара ҳикояларида таҳлил этилган психологик ҳолатлар ёдга тушади. “Эврилиш”да муттасил беҳаловатликлар, инсон ўзлигига, инсоний қадр-қимматига вақти-вақти билан имон келтириб турмаслиги, шукр қилмаслиги одамни инсонийлик қиёфасидан маҳрум этиши, шундай ҳолатга тушган одамга ҳеч бир яқин-йироғи амалий ёрдам кўрсата олмаслиги жараённинг тўхташи (инсоний турмуш жараёни бузилиб, яъни тўхтаб, қахрамон даҳшатли ҳашоратга айланиб қолади) сифатида тасвирланган бўлса, “Ҳукм”да ҳар банданинг ўзига яраша сир-асрори мавжудлиги, ўша сир-асрор бошқаларга ошкор бўлса, кўнгли тубида яширган сир қолмаса ҳаётнинг мазмуни йўқолиши, бу, ўз устидан олий жазо ҳукмини чиқаришга асос бўлиши шафқатсизларча кўрсатиб берилади. Ф. Кафка шундай мазмундаги асарларни атайин ёзмади, унинг дунёқароши, бадиий тафаккури, адабий концепциясининг ўзи шундай.

Мана шундай хулосаларга олиб келадиган ҳикоя ё романни ўқиб, ундан бохабар бўлиш, унча-бунча одам чуқур ўйлаб кўрган тақдирда ҳам мушкулни осонлаштирадиган жавоблар топиши маҳол бўлган асарларнинг яратилгани яхшими ёхуд яратилмагани?.. Бу мавзудаги баҳс тугамайди, чунки бундай саволларга ҳар бир онгли инсон ўзича жавоб беради, ўзича хулоса чиқаради, чиқарган хулосасини ҳатто дўстига ҳам ошкор этолмайди, аммо-лекин, назаримда, айни шундай мулоҳазалар хаёлида, яъни оддий кишиларга бу қадар аччиқ ҳақиқатларни англашиб қўймаслик ниятида Ф.Кафка ўзининг вафотидан сўнг ижодий меросини ёқиб ташлашини сўраб, яқин дўстига васият қолдирган. Дўсти Макс Брод эса васиятга ҳилоф равишда Кафка ижоди намуналарини нашр эттирган. Бу, тўғри иш бўлганми ёки нотўғрими?

Чамаси, бу саволнинг мураккаблиги ҳам адиб асарларидан туғилдиган адоқсиз саволлардан жўн эмас...

Мавзуга қайтсак, Йозеф К. образи, умуман Кафка яратган кўпгина қахрамонларнинг ҳаёт йўли, ҳаёт йўлида кашф этган фалсафаси, ҳаётий ақидаси мана шундай ғоятда аччиқ, лекин ўта ҳаққоний хулосага келтиради кишини!

Ҳаётда шундай ҳолатлар юз берадики, инсон ўзи дуч келган муаммоларнинг асл сабабларини ташқаридан ёки ўзгалардан эмас, ўзидан, ўз қалби ва онгининг шу вақтга қадар назар ташлаб кўрмаган, назар ташлашга юраги бетламаган туб қатламларидан излаб топгиси келади. Лекин уммон қаърига шўнғийдиган

ғаввосликнинг ўзига яраша асбоб-анжом, маҳорат сирлари бўлгани каби, ўз қалбининг нигоҳ илғамас пучмоқларига сафар қилиш учун ҳам махсус анжомлар, услублар, воситалар даркор.

“Жараён” сингари романлар, Франц Кафка тоифасидаги адиблар яратган боқий асарлар эса худди шундай маънавий сафар анжом, воситаси вазифасини ўтайди.

Қадимги итальян мутафаккирларидан бири худо инсонни яратгани билан, киши ҳақиқий инсон мақомига етишмоғи учун унинг ўзи ўзини қайта кашф этмоғи, қайта яратмоғи керак деган. Ф.Кафка қаҳрамонлари ўзини қайта яратишга мубтало инсонлар образи. Унинг қаҳрамонлари учун ўз “мен”идан ўзга дунё йўқ, улар дунёни фақат ўз “мен”лари орқали кўрадилар, дунё савдоларини ўз “мен”лари манфаатига бўйсундирадидлар ва шу йўл билан дунёни, инсон ҳақидаги шу вақтгача бўлган тушунча ва билимларни ўз “мен”лари ҳисобига бойтадилар. “Мен — уйғониш даври яратган янги миф” деган эди А.Лосев. Ф.Кафка қаҳрамонларининг ҳар бири ўзича мифга айланган. Дарвоқе, рус файласуфи готика санъати фалсафаси ҳақида сўз юрита туриб айтган қуйидаги таърифи “Жараён” қаҳрамонини тушунишга бир қадар ёрдам беради. “Воқеликдан изтироб чекиб, табиий ечимлар топа олмагач, у янада олийроқ воқеликка, ўта таъсирчан дунёга интилади”. Ва шу тариқа қандай бўлмасин ўз шахсияти, нафсонияти поймол этилишга маҳкум эмаслигини, ўткинчи мустабид тузум иморати қурилишида ишлатилаётган бир ғишгачдан кўра қадрлироқ бўлишга ҳақли эканини кўрсатади. Яна бир хулоса шуки, Йозеф К. ҳукм сураётган жараёнсизлик учун айбни муҳита ағдармайди, балки ўша муҳита қаршилик кўрсата олмаган ўзидаги заифликка тавқи-лаънат ўқийди. Жирканч ва тубан муҳитда ўзининг инсон сифатида мавжудлиги учун ўзини айбдор, гуноҳкор ҳисоблайди. “Жараён”нинг бош маъноси шу”. (А.Гарин.)

1991 йил “Ёш куч” журнаlining 6-сонида эълон қилинган “Инсон изтиробларига таъзим” мақоласи Ф.Кафка шахси ва ижодига бағишланган ўзбек тилидаги биринчи (эҳтимол, ҳозиргача ягона) чиқиш эди. “Жараён”га қисқача таъриф талаб қилинса, мен уни совуқ ҳокимиятга нафис қалбнинг оташин лаънатномаси деб атаган бўлар эдим” деб ёзган эди мақола муаллифи Мирзақалон Жўраев. Бу ҳам фикр, мулоҳаза.

Роман ва унинг қаҳрамони ҳақида яна кўп-кўп мулоҳазалар туғилаверади, мунозаралар давом этаверади.

...Жаҳон адабиётининг энг мунозарали, энг баҳслар кўзғовчи, вақт синовларига энг бардошли “Жараён” романи ниҳоят ўзбек тилига таржима қилинди! Бу ВОҚЕА муносабати билан гоёта мураккаб вазифани зиммасига олган таржимон Вафо Файзуллони, унга бош-қош бўлган “Жаҳон адабиёти” журнаlinи, янада муҳими, “Жараён”даги ҳаракатдан тўхтаган жараён тафсилотини ўқиш ва ўқишга чоғланаётган ўзбек китобхонларини самимий қутлаймиз!

(“Хуррият” газетасининг 2004 йил 11 феврал сонидан олинди.)

Хурийд ДўСТМУҲАММАД,

## Истиқлол туҳфаси

**С**ўзимизни муҳтарам Президентимизнинг муҳим бир фикри билан бошламоқчимиз. Яъни биз замонавий техника, бозор иқтисодиёти ёхуд бизнес тараққиёти бобида айрим ривожланган давлатлар билан мусобақалашмасмиз, лекин маънавий-ахлоқий жиҳатдан улардан юкори туришимиз лозим. Дарҳақиқат, юртимизда юксак маънавиятга асосланган янги жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган улкан ўзгариш ва ислохотларнинг барчаси ана шундай эзгу мақсадларга қаратилганлиги туфайли ҳам улар алоҳида ижтимоий-эстетик аҳамият касб этмоқда. Миллий қадриятларимизнинг умуминсоний моҳияти янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

Истиқлол туфайли мамлакатимизнинг барча жабҳаларида туб бурилиш ва жиддий янгиланиш жараёнлари кечаётганлигини фақат сўқир кишигина тан олмаслиги мумкин. Фикримизнинг далили учун бир-иккита мисол келтирайлик. Собиқ СССР даврида Ўзбекистонда атиги 2 та университет ва 38 та институт мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам ўша даврдаги ҳукмрон марксизм-ленинизм ғоялари ва социалистик мафкурага бўйсундирилган темир қолипдаги ўқув режалари асосида фаолият кўрсатар эди. Бугунги кунда эса мустақил юртимиздаги университет ва институтлар сони 60 дан ортик. Ўзбекистонда Ислом университети ёки Халқаро Вестминстер

университети каби нуфузли илм-маърифат масканларининг ташкил топишини истиқлолдан олдин ҳатто ҳаёлан тасаввур этиш ёки орзу қилиш ҳам мумкин эмас эди. Энг муҳими, республикамиздаги илм-маърифат масканларида таълим-тарбия олаётган юз минглаб ёшларимиз дунёвий билимлардан бошлаб ўнлаб хорижий энг замонавий технологияларни жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг талабалари даражасида чуқур ўрганиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Худди шундайин, мустақиллик шарофати билан таъсис этилган неча ўнлаб рўзнома ва журналлар ўзининг ранг-баранг мазмуни билан халқимизнинг маънавий-эстетик савияси ва тафаккур олами бениҳоя бойитаётганлиги ҳам жамиятимиз тараққиётининг устувор йўналишига айланди. Жумладан, бугунги кунда неча минглаб мухлисларига эга бўлган ва деярли ҳар бир хонадонга кириб бораётган “Жаҳон адабиёти” журнали ҳам истиқлолимизнинг нодир тўҳфаларидан бири сифатида ардоқлидир.

Бевосита юртбошимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган бу журналга энди 6 йил бўлди. Шу қисқа фурсат ичида журнал ўзининг турфа асарлари, ёритилаётган мавзу-мундарижасининг кенглиги ва ранг-баранглиги, ғоявий-эстетик савиясининг юксаклиги билан чинакамига жаҳон маънавий-эстетик тафаккур оламининг ёрқин бир кўзгусига айланди, дейиш мумкин.

Журналнинг кўзга яққол ташланиб турадиган ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унинг саҳифаларида эълон қилинаётган асарлар нафақат мавзуси, ёхуд жанр хусусиятлари билан, балки миллий ўзига хослиги, ғоявий мазмуни, қолаверса, ёзилиш услуби жиҳатидан ҳам, хилма-хил эканлиги билан ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотиши табиий. Дарҳақиқат, журналнинг қайси бир сонини олиб, варақламайлик — унда турли давр ва минтақада яшовчи ҳар хил адабий оқим — йўналишга мансуб йирик адиб ва мутафаккирларнинг асарлари энг аввало юксак эстетик дид ва бадиият талаблари асосида танланиши журналхонларда чуқур қониқиш ҳиссини туғдиради. Ўз навбатида ўзбек адабиёти намуналари ҳам, асосан, ана шундай бадиий-эстетик мезонлар асосида сараланиб тақдим этилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ҳол журнал таҳририятининг биринчи навбатда “ақл-тафаккуримизни янгилайдиган,

инсон ва ҳаёт тўғрисидаги тасаввуримизни бойитадиган” асарларни топиб, нашр эттиришдек асосий мақсадлари йўлида муттасил изланаётганларидан далолат беради.

Чунончи, журнал саҳифаларида эълон қилинган жаҳон адабиётининг улкан намояндалари томонидан яратилган ва ўз вақтида ўзига хос бир воқеа сифатида майдонга келган неча ўнлаб роман, қисса ва ҳикоялар, шеърӣй ва драматик асарлар қаторида бугунги адабиётимизнинг нисбатан ёш вакиллари бўлган Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи ёки Шойим Бўтаевнинг “Ҳисомиддин ал-Ёғий” ҳикояси сингари етук асарлар ҳам ўқувчиларда унутилмас таассурот қолдирди, деб ўйлаймиз.

Ёхуд журналнинг шу йилдаги сонларидан бирини — сентябр сонини кўздан кечирайлик. Ҳар галгидек бу сафар ҳам журнал саҳифаларида бир туркум янги шеърлар билан ошно бўламиз. Бу шеърлар машҳур шоиримиз Абдулла Орипов қаламига мансуб бўлиб, улар асосан муаллифнинг Женева ва Японияга қилган сафари таассуротларининг акс-садоси ўлароқ майдонга келган. Муҳими шундаки, бу шеърларда ҳам Абдулла Ориповга хос бўлган фалсафий теранлик, ёрқин поэтик образ ва ташбеҳлар, миллий тафаккур ва халқона донишмандлик билан йўғрилган ҳажв манаман деб турганлигини сезиш қийин эмас. Албатта, мазкур шеърлар остига қўйилган саналар ҳам сезгир ўқувчининг нигоҳидан четда қолмаса керак. Шеърларнинг айримлари июлнинг ўрталарида битилган ва уларнинг сентябрдаёқ ўқувчиларга тақдим этилганлиги худди ҳозиргина тандирдан узилган иссиқ нон мисоли қалбимизда миннатдорлик туйғуларини уйғотади. Журнал таҳририятининг бундай ҳозиржавоб ва некбинлиги уларни асло тарк этмаслигини орзу қиламиз.

Маълумки, адабиёт ва санъат ривожида бадиий таржиманинг аҳамияти бамисоли офтобнинг аҳамиятидек равшан. Бу жиҳатдан қаралганда ҳам, журналнинг фаолияти таҳсинга лойиқ. Журнал ўз саҳифаларида юзлаб етук асарларни маромига етказиб ўзбекчага ўгириб, халқимизга тақдим этдики, эндиликда ўзига хос бир таржима мактаби вужудга келди деб айтилса, муболаға бўлмайди. Ана шундай таржима асарларининг етук бир намунаси, шубҳасиз, бразилиялик машҳур ёзувчи Пауло Коэльонинг “Алхимик” романи бўлдики, бу асар ўзининг исломий маърифат билан йўғрилган чуқур ҳаётӣй мазмуни ва тасаввурона

ҳикматлари билан нафақат адабиёт мухлисларининг, балки кенг китобхонлар оммасининг ҳам севимли бир асарига айланди, десак хато бўлмас. Ҳайратангизки, бу каби ноёб асарлар хусусида жиддий баҳс-мунозаралар ҳали давом этади.

Биз шу ўринда мазкур асар таржимаси билан боғлиқ бир мулоҳазамизни айтишни лозим топамиз. Агар янглишмасак, бу роман таниқли ижодкорларимиз Азиз Саид ва Аҳмад Отабоевлар томонидан ҳам таржима қилиниб, “Маърифат” ва “Ёзувчи” рўномаларида бериб бориляпти. Бизнингча, бу каби истеъдодли ижодкорларимизнинг тажриба ва салоҳияти айтиб бериб китобни таржима қилишга эмас, балки бир неча бошқа етук асарларни таржима қилишга қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлмасмикин? Бундан анча йиллар олдин таниқли шоирларимиздан бири В. Шекспирнинг Чўлпон, Ғ. Ғулом, Мақсуд Шайхзода каби улкан адибларимиз томонидан маҳорат билан ўзбек тилига ўғирилган бир неча трагедияларини инглизчадан яна бошқатдан таржима қилишга киришди. Албатта, аслидан таржима қилишга не етсин. Би-

роқ шу иқтидор ва шу тажриба-вақт имкониятни бошқа асарларни таржима қилишга сарфласа, адабиётимиз хазинасини янги таржима асарлари билан бойитган бўлармиди.

Нихоят, журнал ходимлари ва асар муаллифлари билан жойларда тез-тез ижодий учрашувлар ўтказилиб турилса, фойдали бўлур эди. Дарвоқе, шундай ижодий учрашувлардан бири яқинда Абдулла Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институтида бўлиб ўтди. Жонли мулоқот ва қизғин савол-жавоблар руҳида ўтган бу учрашув кўп сонли талабалар ва профессор-ўқитувчиларда илиқ таассурот қолдирди. Бу ижодий учрашувнинг шарофати туфайли бўлса керак, журналга обуна бўлишни истаган талабаларимиз кўпайди. Институтимиз кутубхонаси учун эса журналнинг 1997 йилдан буён чиққан барча сонларининг харид қилинганлиги барчамиз учун қувонарли бир тухфа бўлди. Кутубхонамиз фондига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган бу журналлардаги дурдона асарлар, айтилса, билимга ташна минглаб талаба ва магистрларимиз учун нон ва сувдек ардоқли бўлиб қолишига умид қиламиз.

Усмонжон ҚОСИМОВ,  
А.Қодирий номли Жиззах ДПИ  
Илмий ишлар проректори,  
доцент.  
Муродулла ЖУРАЕВ,  
шу институт магистри.

